ÖZDARENDELİ, Nursel (2001), *Ali Şîr Nevâyî İlk Divan inceleme-metin-dizin*, Danışman: DOÇ. DR. VAHİT TÜRK, Trakya Üniversitesi / Sosyal Bilimler Enstitüsü / Türk Dili ve Edebiyatı Anabilim Dalı, Basılmamış doktora tezi.

ÖZÖNDER BARUTÇU, F. Sema (1996), *Muhakemetü’l-Lugateyn*, Türk Dil Kurumu Yayınları, Ankara.

R. Topkapı Sarayı Kütüphanesi Revan Bölümü

SERTKAYA, Osman Fikri (2004), “Osmanlı Şairlerinde Ali Şîr Nevâyî Tarzı ve Nevâyî’ye Anadolu’da yazılan Nazireler”, *560. Doğum, 500. Ölüm Yıldönümlerini Anma Toplantısı Bildirileri* (24-25 Eylül 2001), S. 129, Türk Dil Kurumu Yay., Ankara.

SÜMER, Faruk (1989), “Akkoyunlular”, *İslâm Ansiklopedisi*, Cilt 2, İstanbul: 270c-274c.

TÜRK, Prof. Dr. Vahit (1990), *Nevâ’î Mecâlisü’n-Nefa’is (Metin-İnceleme, Dizin)*, 2 Cilt, Basılmamış Dr. Tezi, Fırat Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Türk Dili Ve Edebiyatı Bölümü Türk Dili Anabilim Dalı, Danışman: Prof. Dr. Tuncer Gülensoy, Elazığ.

TÜRK, Vahit (2012), “Lehçeler Arası İlişkiler ve Oğuz Türkçesinde Bir Nevai Eseri”, *Türklük Bilimi Araştırmaları-TÜBAR*(28).

TÜRKAY, Kaya(2002), ‘Alî-Şîr Nevâyî, *Bedâyi’ü’l-vasat, ÜçüncüDîvân*, TDK Yayınları Ankara.

UĞURLU, Mustafa (2011), “Oğuzca ve ‘Anadolu Merkezli Oğuz Türkçesi’”, *Turkish Studies – International Periodical For The Languages, Literature and History of Turkish or Turkic*, Volume 6/1, Turkey: 123-156.

YILMAZ, Çağlayan (2011), *Ahmedî (Akkoyunlu) Esrâr-Nâme Tercümesi: İnceleme-metin-dizin*, Danışman: PROF. DR. AVNİ GÖZÜTOK, Atatürk Üniversitesi / Sosyal Bilimler Enstitüsü / Türk Dili ve Edebiyatı Anabilim Dalı, Basılmamış doktora tezi.

**“БАДОЕЪ УЛ-БИДОЯ”НИНГ НАВОИЙ ДАВРИДА КЎЧИРИЛГАН ВА ЯНГИ
АНИҚЛАНГАН САНАЛИ БЕШИНЧИ ҚЎЛЁЗМАСИ
(888 йил, сафар ойи/1483 йил, март-апрель)**

Афтондил ЭРКИНОВ
(ТошДЎТАУ)

Навоийшунослик яна бир уникал янги қўлёзма билан бойиди! Алишер Навоий “Бадоеъ ул-бидоя” девонининг Навоий даврида, 888 йил, сафар ойи/1483 йил, март-апрель кўчирилган санали бешинчи қўлёзмаси аниқланди³³. Яқинда венгриялик туркийшунос олим, Алишер Навоий асарлари бўйича мақолалар муаллифи³⁴ профессор Бенедек Пери “Бадоеъ ул-бидоя”нинг яна бир санали қўлёзмаси рангли фотонухасини бизга лутфан тақдим қилди³⁵.

Шу вақтгача ББ девонининг шоир ҳаётлиги – 1480–1486 йилларда кўчирилган тўртта қўлёзмаси маълум эди.

**“Бадоеъ ул-бидоя”нинг ҳозиргача мавжуд тўрт
қўлёзмасига оид маълумотлар жадвали**

№	Сақланиш жойи	Сақланиш рақами	Кўчирилиш даври	Нусхадаги шеърлар микдори
1.	Париж	Франция Миллий кутубхонаси, №746	885/1480-81 й.	831
2.	Лондон	Британия музейи, №401	887/1482-83 й.	816
3.	Боку	Озарбойжон Респ. қўлёзма фонди, №3010	889/1484 й.	839
4.	Тошкент	ЎзР ФА Адабиёт музейи, №216	891/1486 й.	916

Эндиликда бундай қўлёзмалар сони бештага етди ва у ҳам ББнинг санали қўлёзмалари каби ўша олти – 1480–1486 йиллар оралиғига тегишли. ББнинг кўчирилиш санасига эга бу бешинчи нусхаси 888 йил сафар ойида, яъни 1483 йил март-апрель ойларида кўчирилган. Қўлёзмада уни кўчирган котиб исми келтирилмаган. ББнинг ҳозиргача бизга маълум бўлган тўрт қўлёзмаси Париж, Лондон, Боку ва Тошкент нусхаси, деб юритилар эди. Эндиликда улар ёнига Техрон нусхаси, деб аташ мумкин бўлган бешинчиси қўшилди.

33. Алишер Навоий. Бадоеъ ул-бидоя. Эрон, Ислоҳ шўро мажлиси кутубхонаси, сақланиш рақами – 14197 қўлёзма.

34. Бенедек Перининг (Benedek Peri) Алишер Навоий бўйича тадқиқотларига қ.: Бенедек Пери. “Буюк шоирга эргашиб” // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2017 йил, 10 февраль; Peri B. The Influence of Mīr Alī-Šīr Navāyī’s persian poetry on the ghazals of the ottoman Sultan Selim I (1512–1520) // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. - Тошкент: Tamaddun, 2017, 74-80-б.

35. Бундан кейин Навоийнинг “Бадоеъ ул-бидоя” девонини “ББ” шаклида ифодалаймиз. ББнинг Алишер Навоий “Мукамал асарлар тўплами” 20 томлигининг 1-томидagi нашри (Т.: Фан, 1987) бундан кейин “ББнинг Тошкент нашри” шаклида келтирилади.

**“Бадоеъ ул-бидоя” санали бешинчи
кўлёмаси билан тўлдирилган маълумотлар жадвали**

№	Сақланиш жойи	Сақланиш рақами	Кўчирилиш даври	Нусхадаги шеърлар микдори
1.	Париж	Франция Миллий кутубхонаси, №746	885/1480-81 й.	831
2.	Лондон	Британия музейи, №401	887/1482-83 й.	816
3.	Техрон	Ислом шўро мажлиси кутубхонаси, 14197	888 йил, сафар ойи /1483 й., март-апрель	863
4.	Боку	Озарбойжон Респ. кўлёма фонди, №3010	889/1484 й.	839
5.	Тошкент	ЎЗР ФА Адабиёт музейи, №216	891/1486 й.	916

“Бадоеъ ул-бидоя”нинг ўрганилиши

Алишер Навоий девонлари кўлёмалари ва уларнинг шоир тириклиги пайтида кўчирилган нусхалари тадқиқи бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган¹⁹. Айнан, ББ таркибини ўрганиш бўйича баъзи тадқиқотлар мавжуд²⁰. Айни девон кўлёмалари ва матнлари масалаларига эътибор ҳам кейинги йилларда кўпроқ амалга оширила бошлади²¹. Шу вақтгача қўлимизда бўлган маълумотларга

19. Волин С.Л. “Описание рукописей произведений Навои в ленинградских собраниях” // Алишер Наваи. Под ред. К.Боровкова. Москва-Ленинград: Издательство АН СССР, 1946, с. 203-235; Алишер Навоий. Илк девон. 1466 йили кўчирилган кўлёманинг факсимил наشري. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. Т.: Фан, 1968; Исхоков Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. Т.: Фан, 1965; Абдуғафуров А. “Хазойин ул-маоний” жумбоклари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1994, № 4-5-6, 9-16-б.; 1995, №1, 10-18-б.; 1998, № 6, 3-10-б.; 2000, № 5, 3-11-б.; Салоҳий Д. “Бадоеъ ул-бидоя” малоҳати. Т., 2004; Салоҳий Д. Навоийнинг шеърӣ услуби масалалари. Т., 2005; Салоҳий Д. “Таҳлил ва талқин масъулияти” // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007, №1, 74-78-б.; Рамазонов Н. “Алишер Навоийда “таҳрири таҳрир” // Ўзбек тили ва адабиёти. 2006, №1, 17-23-б.; Рамазонов Н. “Яна “таҳрири таҳрир” масаласи хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007, №1, 78-89-б.; Рамазонов Н. “Илк девон”даги расмий деволарга кирмаган ёки ўзгаришлар билан киритилган мисра ва байтлар” // Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 20-том, Т.: Фан, 2003, 427-508-б. **Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. Т.: Akademnashr, 2011;** Сулейманов Х. Текстологическое исследование лирики Алишера Наваи. Том 1-3. Дис-я на соискание ученой степени докт. филол. наук. Ташкент-Москва, 1955-1961 (бундан кейин – СХ-текст); Имомназаров М. “Алишер Навоий лирик мероси матншунослигининг долзарб масалалари” // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Т., 2017, 6-8-б.; Эркинов А. “Ҳиротдан Шероз томон: Алишер Навоий шеърӣятининг Окқуюнлилар муҳитида кўчирилган ноёб кўлёмаси (876/1471 йил)” // ‘Alī Shīr Navā’ī. Dīvān of the Aq qoyunlu Admirers (1471). A.Erkinov (ed.). Токуо: ILCAA, 2015, с.27-43; Эркинов А. “Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони” // Ўзбек тили ва адабиёти. 2012, №1, 10-18-б.; 2016, №1, 19-25-б.; Эркинов А. “Алишер Навоий “Хазойин ул-маоний”си ва унинг протодевони масаласи (Машҳадий кўлёмаси асосида, 898/1492-93 йил)” // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Т.: Tamaddun, 2017, 19-38-б.; Жўрабоев О. “Навоий асарлари кўлёма ва матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари” // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Т., 2016, 34-35-б.; Юсупова Д. “Наводир ун-ниҳоя” фақатгазаллардан иборат девонми?” // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Т., 2017, 54-60-б.

20. Салоҳий Д. “Алишер Навоий поэтик услубининг тадрижий тақомили (ғазаллар матнларининг қиёсий таҳлили асосида)”. Филол. фан. докт. илмий даражасини олиш учун ёзган дис-я. Тошкент, 2001; Салоҳий Д. “Бадоеъул-бидоя” малоҳати. Тошкент: Фан, 2004; масалан, Д.Салоҳий ўз тадқиқотларида Самарқандда сақланаётган “Бадоеъул-бидоя”нинг XVI асрга оид бир номаълум нусхаси ҳақида фикр юритган, қ.: Салоҳий Д. “Бадоеъул-бидоя” малоҳати. Тошкент: Фан, 2004; Муллаҳўжаева К. Алишер Навоий ғазалиётига тасаввуфий тимсол ва бадий санъатлар уйғунлиги (“Бадоеъ ул-бидоя” девони асосида). Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 2005.

21. Волин С.Л. “Описание рукописей произведений Навои в ленинградских собраниях”, с. 216; СХ-текст. Том 1, с. 64-70, 158-168...; Турдиалиев А. “Бадоеъ ул-бидоя”нинг “бешинчи” нусхаси” // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2015, 30 январь; Имомназаров М. “Алишер Навоий лирик мероси матншунослигининг долзарб масалалари” // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Т, 2017, 6-8-б.; Эркинов А. “Алишер Навоий “Хазойин ул-

суянадиган бўлсак, “Бадоеул-бидоя”нинг биз кўриб чиқаётган қўлёзмаси ҳақида Эрон фондларидаги туркий қўлёзмалар феҳрестидаги қисқа тавсифдан ташқари бошқа ахборот йўқ. Мазкур қўлёзма навоийшуносликка ҳозиргача маълум бўлмаган кўринади.

Қўлёзма ҳақида

“Бадоеул-бидоя”нинг мазкур қўлёзмаси Эроннинг Техрон шаҳрида жойлашган ислом шўро мажлиси кутубхонасида 14197 рақами остида сақланади. Қўлёзма ҳақидаги маълумотни Шоди Ойдиннинг “Эрон кутубхонасидаги туркий қўлёзмалар” феҳрестидан топиш мумкин²²: “Қўлёзма 888 йилда кўчирилган, котиби номаълум. 1241 йил таърихига эга²³ Мустафо Қулига тегишли бир муҳр бор²⁴. Оқ қоғозга 13 сатрдан битилган, қўлёзма 268 варақдан иборат. Қўлёзма ҳажми 24x16 смдан иборат, матн ҳажми – 15x10 см. Хина рангли безатилган чарм муқовага эга. № 14197”.

Мазкур феҳрестда ББнинг айна қўлёзмаси “Девони Навоий” деб келтирилган. Афтидан, феҳрест муаллифи кўриб ўтаётганимиз девон айнан Алишер Навоий ББ қўлёзмаси эканлигини билмаган. Шунинг учун уни оддийгина Навоийга тегишли девонлардан бири сифатида форс тилида “Девони Навоий” (“Навоий девони”) деб атаб қўя қолган²⁵. Бундан ташқари, феҳрестда “Девони Навоий” (аслида, “Бадоеул-бидоя”) 268 саҳифдага эга деб кўрсатилган. Ваҳоланки, қўлёзмада икки асар: аввал “Бадоеул-бидоя”²⁶ сўнгра “Вақфия”²⁷ келтирилган. Афтидан, феҳрест муаллифи қўлёзманинг ўзи билан таниш бўлмаган. Қўлёзманинг ўзида варақлар рақамланмаган. Қўлёзманинг кўчирилиш санаси ББ колофонида эмас, балки “Вақфия” колофонида “888 йил, сафар ойида кўчирилди”, дея келтирилган²⁸. Шу санадан келиб чиққан ҳолда, ББнинг кўчирилиш санасини 888 йил, деб биламиз.

Қўлёзмада “Бадоеул-бидоя” бошланиши (5-кадр):

Фасоҳат девонининг газал саройлари табъ махзанидин ишридаҳол ошиқлар хирмани жонига ўт солгудек...

Охири (231-кадр):

*Сел йўлида фано даштида мужгоним эмас,
Кўз алочуқларининг дуд егон ўқларидур*²⁹.

маоний”си ва унинг протодевони масаласи...”, 22-23-б.

22. Aydın Şadi. İran Kütüphaneleri Türkçe Yazmalar Kataloğu. İstanbul: Timaş Yayınları, 2008, s.85.

23 яъни, 1825-1826 йил.

24 Феҳрестда муҳрда исми кўрсатилган бу шахсга оид маълумот келтирилмаган.

25 Навоийнинг махсус номларга эга бир неча туркий девонлари мавжуд бўлгани ҳолда, хорижий феҳрестларида уларни жўнгина “Навоий девони” номи остида келтириш учраб турадиган ҳолат (қ.: СХ-текст, Том I, с.160; Aydın Şadi. İran Kütüphaneleri Türkçe Yazmalar Kataloğu; A.Erkinov (ed.). ‘Alī Shīr Navā’ī. Dīvān of the Aq qoʻyunlu Admirers (1471). Tokyo, 2015, 30-31-б.; Эркинов А. “Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони”// Ўзбек тили ва адабиёти. 2012 йил, 1-сон, 8-16-бетлар). Ваҳоланки, Алишер Навоийнинг айнан шу номдаги девони мавжуд бўлмай, “Навоий девони” тушунчаси унинг ҳар бир девонини англатиши мумкин. Хориж феҳрестнавислари Навоий ижоди билан яхши таниш эмаслиги “Навоий девони” деган умумий номнинг пайдо бўлишига олиб келган.

26 Алишер Навоий. Бадоеул-бидоя. Эрон, Ислом шўро мажлиси кутубхонаси, сақланиш рақами – 14197 қўлёзма, 5-231-кадрлар. Қўлимизда қўлёзманинг аслияти эмас, афсуски, ПДФ нусхаси мавжуд, холос. Бунинг устига қўлёзма саҳифалари рақамланмаган. ПДФ шаклидаги фотонусхасигагина эга бўлганимиз ҳамда мазкур қўлёзма саҳифалари рақамланмаганлиги сабабли нусха бетларини фотокадрлар бўйича кўрсатамиз: бундан кейин “кадр” деганда қўлёзманинг бир фотокадрга акс этган ёнма-ён икки бети (ўнг ва чап томонларини) англатади. Қўлёзма муқовалари фотоси билан қўшиб ҳисоблаганда 257 та кадрни ташкил этади.

27 Ўша қўлёзма, 232-255-кадрлар

28 Ўша қўлёзма, 255-кадр.

29 Шеърдаги сўнги сўз – “ўқларидур” ББ Тошкент нашри ва Париж ҳамда Тошкент қўлёзмаларида “ўқларидурур” шаклида берилган.

Девон қўлёзмаси фотонусхаси билан танишиш шуни кўрсатадики, фотонусхада ё қўлёзма тўлиқ акс этмаган ёки қўлёзманинг ўзи нуқсонли бўлган. Ҳар ҳолда, фотонусхага асосланадиган бўлсак, баъзи варақлар йўқ ёки баъзи саҳифалар ўрни алмашиб кетган. Бу эса шеърлар кетма-кетлигининг бузилиши ва улар миқдорини аниқлашга ҳалал беради. Масалан, 75 ва 76-кадрлар ўртасидан камида битта кадр (варақ) йўқ. Чунки 75-кадрдаги ғазал тугалланмай қолган, 76-варақдаги бошқа ғазал эса ярмидан бошланган. Демак, ўртада шу ғазалларнинг қолган матнига эга камида битта варақ тушиб қолган. Худди шундай ҳолатни 98 ва 99-кадрлар орасида ҳам кузатиш мумкин; 160 ва 161-кадрлар ўрни алмашиб қолган.

ББнинг Техрон қўлёзмасидаги баъзи шеърлар ББнинг Тошкент нашрида мавжуд эмас³⁰.

“Бадоеъ ул-бидоя”нинг Техрон қўлёзмасидаги шеърлар

Кўриб ўтаётганимиз “Бадоеъ ул-бидоя” қўлёзмасида шеърлар “Дебоча”дан кейин қуйидаги тартибда ва миқдорда келтирилган.

“Бадоеъ ул-бидоя”нинг Техрон қўлёзмасидаги шеърлар миқдори жадвали

№	Жанр	Шеърлар миқдори ³¹	Кадр
	Дебоча		5-16
	Ғазал	606	17-191
	Мустазод	3	191-193
	Мусаддас	2	193-197
	Мухаммас	4	193-197
	Таржиъбанд	3	197-207
	Китъа	50	207-213
	Рубоий	78	213-221
	Чистон/луғз	10	221-223
	Муаммо	52	223-227
	Туюк	10	227-228
	Фард	48	228-231
	Жами	866	

ББнинг санали беш қўлёзмасидаги шеърлар миқдори қуйидагича бўлади.

“Бадоеъ ул-бидоя”нинг санали беш қўлёзмасидаги шеърлар миқдори жадвали³²

№	Жанр	Париж № 746 (885/1480-81)	Лондон № 401 (887/1482-83)	Техрон № 14197 (888/1483)	Баку № 3010 (889/1484)	Тошкент № 216 (891/1486)
1.	Ғазал	731	571	606	603	657
2.	Мустазод	–	3	3	3	3

30 Масалан, 67, 86, 110-кадрлардаги шеърлар. Бу каби нуқсонларга қўлёзмани китоб ҳолида таёрлаш (ёки кўчириш) чоғида йўл қўйилганми ёки ундан фото олишда жараёнида улар вужудга келганми – бизга қоронғу. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 1-том, Т.: Фан, 1987.

31 Қўлёзмадаги шеърлар миқдорида баъзи ноаниқликлар бўлиш эҳтимоли мавжуд. Чунки қўлёзманинг қўлимиздаги фотонусхаси нуқсонлар мавжуд. Балки келажакда қўлёзманинг асл нусхаси билан танишиш шеърлар миқдорини тўлиқ аниқлаш имконини беради.

32 Мазкур жадвални тузишда Ҳ.Сулаймоновнинг Навоий туркий барча девонларидаги шеърлари бўйича тузган умумий жадвали маълумотларидан фойдаланилди (Алишер Навоий. Хазойинул маоний. 4-жилд. Тошкент, 1960, 1-жадвал). Ҳ.Сулаймонов диссертациясида ББдаги шеърлар миқдори келтирилган жадвалдаги маълумотлар юқоридаги нашрда келтирилган ажадан фарқ қилади (СХ-текст, Том I, с.68). Девон нашри диссертациядан кейин амалга оширилганлиги учун ундаги маълумотларни кейинги ва ишонарлироқ деб билдик. Шунга қарамай, таъкидлаш керакки, девонлар таркибидаги шеърлар миқдорида ҳар хиллик бор. ББнинг мазкур беш қўлёзмасидаги шеърлар миқдори янгидан аниқлаб чиқиш лозим.

3.	Мусаддас	–	2	2	2	2
4.	Мухаммас	–	4	4	5	5
5.	Таржийбанд	–	3	3	3	3
6.	Қитъа	–	41	50	41	41
7.	Рубоий	37	78	78	62	83
8.	Чистон/луғз	1	10	10	10	10
9.	Муаммо	35	52	52	52	52
10.	Туюк	4	10	10	10	10
11.	Фард	23	42	51	48	50
	Жами	831	816	866	839	916

Техрон нухасининг баъзи хусусиятлари

Техрон нухаси қўлёзмаси билан танишиш баъзи хулосаларга олиб келади. Айни девонда мавжуд бир шеър ББнинг Тошкент нашрида ҳам, туркий бошқа девонлари нашрида ҳам³¹. Масалан, куйидаги ғазал фақат ББнинг Техрон нухасидагина мавжуд³².

Матлаби:

*Мунчаким ҳар дам етар қўнғлумга ҳажрингдин ғаме,
Рўзи ўлмасун нишот этмак манга сенсиз даме.*

Шуниси қизиқки, у ББнинг Техрон нухасидан ташқари, Навоий мухлислари томонидан тузилган “Оққуюнли мухлислар девони”да ҳам бу ғазал айрим ўзгаришлар билан берилган³³. Мазкур девон эса ББдан аввал тузилган ва ундаги кўп шеърлар ББга ўтган. Айни вақтда, мазкур ғазал Навоий шеърларининг Озарбойжон Республикаси қўлёзмалар фондидаги нухаларда мавжуд экан³⁴. Афтидан, Навоий уни аввалига ББ киритган, кейинчалик эса бизга номаълум бўлган сабабларга кўра уни “Хазойин ул-маоний”га³⁵ ўтказмаган³⁶. Яна бир мисол: ББнинг Техрон нухасидаги саккизта қитъа ББнинг Тошкент нашрида мавжуд эмас (20-жилдликнинг 1-жилдида). Лекин “Хазойин ул-маоний”нинг нашрида мавжуд. Демак, ББнинг Техрон нухаси айни девоннинг қолган тўрт (Париж, Лондон, Баку ва Тошкент) нухасида мавжуд бўлмаган шеърларга ҳам эга бўлиши мумкин экан.

Маълумки, ББ нашрида “Хазойин ул-маоний”да келтирилган куйидаги тур сарлавҳалар мавжуд эмас:

1. Ғазалларнинг харфлар бўйича жойлашиши олдиан сарлавҳаси (масалан, “*Алиф ҳарфининг офатларининг ибтидоси “Ғаройиб”дин*” сингари).

2. Қитъа сарлавҳаси.

3. Чистон жавоби.

Масалан, қитъалар сарлавҳаси ҳақида бироз тўхталиб шуни таъкидлаш мумкинки, навоийшуносликда Алишер Навоий қитъалари сарлавҳалари ҳақида баҳслар бўлиб ўтган. Унда Навоий қитъаларига ким сарлавҳа қўйганлиги, яъни муаллифнинг ўзими ёки хаттотларми, деган савол атрофида фикрлар билдирилган³⁷.

ББнинг Техрон нухасида келтирилган қитъалар сарлавҳага эга эмас. Одатда, биз “Хазойин ул-маоний”даги қитъаларнинг сарлавҳали бўлишига ўрганганмиз. Шу сабабли ББнинг нафақат Техрон нухасида, балки Париж, Лондон, Баку ва Тошкент нухаларида ҳам қитъалар сарлавҳасиз бўлиши

31 Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 1-6-жилдлар.

32 Алишер Навоий. “Бадоеъ ул-бидоя”. Эрон, Ислом шўро мажлиси кутубхонаси, сакланиш рақами –14197, 188-189-кадр.

33 Эркинов А. “Ҳиротдан Шероз томон...”.

34 Нагиева Дж. “Из классического наследия” // Адабий мерос. 1981, №2, 85-б.

35 Бунда “Хазойин ул-маоний”нинг Ҳ.Сулаймонов нашри назарда тутилмоқда.

36 Таъкидлаганимиздек, қўлимизда “Бадоеъ ул-бидоя”нинг Лондон ва Баку қўлёзмалари фотонухаси мавжуд эмас. Агар мазкур ғазал мана шу тўрт қўлёзманинг бирортасида мавжуд бўлганида, балки, ББнинг Тошкент нашрига киритилган бўларди.

37 Хайитметов А. Навоий лирикаси. Тошкент, 1960, 52-б.; Абдуғафуров А. “Навоий қитъаларининг сарлавҳалари ҳақида” // Ўзбек тили ва адабиёти. 1969, №1, 21-б.; Исоқов Ё. Навоий поэтикаси (“Хазойинул маоний” асосида). Тошкент: Фан, 1983, 67-77-б.

эҳтимоли катта³⁸. Буни Алишер Навоий “Мукамал асарлар тўплами” 20 томлигининг биринчи жилдидаги ББ таркибидаги китъаларнинг сарлавҳасиз берилганлиги ҳам исботлайди. Сабаби ББ 20-жилдликнинг 1-томидаги матнига Тошкент нусхаси асос бўлган бўлса-да, у ББнинг бошқа икки (Париж ва Лондон) қўлёзмасидаги матн билан қиёсланиб, тўлдирилиб ҳосил қилинган. ББда келтирилган китъалар шуни кўрсатадики, дастлаб Навоий китъалари сарлавҳага эга бўлмаган. “Хазойин ул-маоний” тузилганида (1492–1498 йиллар) энди бу китъалар энди сарлавҳа билан айна мажмуада берилган.

Техрон нусхаси қўлёзмасида ҳам мана шу сарлавҳалар келтирилмаган. Демак, ББ қўлёзмалари асосида (Техрон нусхаси буни яна бир бор тасдиқламоқда) шуни таъкидлаш мумкинки, ББ девони яратилган даврда Навоий ҳали кўрсатилган турдаги сарлавҳаларни кўймаган. Кейинчалик “Хазойин ул-маоний”ни тузган даврда бундай сарлавҳаларни “Хазойин ул-маоний”ни ташкил этган тўрт девонида қўллаган.

Нега “Бадоеъ ул-бидоя”нинг санали беш қўлёзмаси нега айнан 1480-1486 йилларда кўчирилган?

Шуниси муҳимки, бизгача мазкур девоннинг ҳозиргача тўрт қўлёзмаси етиб келган бўлиб, уларнинг барчасида кўчирилиш даври кўрсатилган³⁹. Ҳ.Сулаймонов ББнинг Париж нусхасидан қолган учта қўлёзма – Лондон, Баку ва Тошкент нусхалари бир хил интервал – икки йилдан тафовут билан кетма-кет кўчирилган, дейди (885 йил, 887 й., 889 й., 891 й.)⁴⁰.

Яна у бу тўрт девондаги шеърлар жанрлар таркиби, миқдори ва муайян жанрдаги шеърлар кетма-кетлиги бўйича бир-бирини такрорлайди, деган фикрни ўртага ташлайди⁴¹. Бу гапларда жон бор. Айна пайтда, жанрлар таркиби ва миқдори жиҳатидан ББнинг Париж қўлёзмаси, энг кўп ғазалга (731 та) эга бўлса-да, бешта жанрдаги шеърларга эга эмас. Булар: мустазод, мусаддас, мухаммас, таржиъбанд, китъа. Ваҳоланки, бу беш жанрдаги шеърлар ББнинг Париж нусхасидан кейин кўчирилган Лондон, Техрон, Баку ва Тошкент нусхаларида мавжуд.

Илмда ББ тахминан 1470–1480 йиллар орасида кўчирилган деган фикр ёйилган. Семён Волин (1909 й. туғилган) ББ 873/1469 – 887/1482-83 йиллар орасида тузилган, деган⁴². Лекин у қайси асосга кўра ББ кўчирилишининг охириги даври сифатида 887/1482-83 йил кўрсатганини тушунтирмаган. Ҳ.Сулаймонов ББ тузилиш даврини 1469–1485 йиллар оралиғида деб кўрсатган⁴³. Профессор Муҳаммадҷон Имомназаров биз билан бўлган оғзаки суҳбатда Навоий “Бадоеъ ул-бидоя”ни 1479 йилдан кейин яратган, деб ҳисоблашини билдирди. Лекин қуйида берилган жадвалга асослансак, мазкур дoston тўрт қўлёзмаси ҳозиргача 1470–1480 йилларда яратилган деб келинган даврдан кейинроқ – 1480–1486 йиллар орасида яратилган бўлиб чиқиши мумкин. Ҳар ҳолда “Бадоеъ ул-бидоя” девони санали (888/1483 й.) яна бир қўлёзмасининг (Техрон нусхаси) аниқланишининг ўзиёқ муҳим. Айна девоннинг кўчирилиш санаси кўрсатилган нусхасининг яна биттага (бешинчиси) кўпайиши ва унинг ҳам айнан санали бошқа тўрт қўлёзма (Париж, Лондон, Боку ва Тошкент) билан деярли кетма-кет (1480–1486 йиллар) даврда кўчирилганлиги тадқиқи янги хулосаларга олиб келиши мумкин. Мақоламизни Алишер Навоийнинг 888 йил, сафар ойи /1483 йил, март-апрель ойларида кўчирилган “Бадоеъ ул-бидоя” девони аниқланганидан кейин ҳозиргача мавжуд маълумотларга асосланган жадвалга қўшилган янгиликларни (3-пункт) акс эттириш билан яқунлаймиз.

38 Бизнинг қўлимизда шулардан Париж, Техрон ва Тошкент нусхалари фотолари мавжуд, холос. Улар билан танишиш бизни мана шундай хулосага (сарлавҳасиз китъалар) олиб келди.

39 ББнинг Тошкент нусхасида (сақланиш рақами – 216) қўлёзмани кўчирган котиб исми, кўчирилиш вақти ва жойи кўрсатилган: котиб Али ибн Нур 891 йил жумоди ул-аввал ойининг ўнинчисида Ҳирот шаҳрида бу девонни кўчириб тугатди (яъни, милодий 1486 йил 15 май) (ҲакимовМ. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. Тошкент: Фан. 1991, 12-б.). Ҳ.Сулаймонов фикрича, ББнинг Париж, Лондон ва Баку қўлёзмалари ҳам Ҳиротда кўчирилган (СХ-текст, Том I, с.69).

40 СХ-текст, Том I, с.6.

41 Ўша жойда.

42 Волин, Описание рукописей произведений Навои, с.216.

43 СХ-текст, Том I, с.66, 69, 141.

**“Бадоеъ ул-бидоя” санали бешинчи
қўлёзмаси билан тўлдирилган маълумотлар жадвали⁴⁴**

№	Сақланиш жойи	Сақланиш рақами	Кўчирилиш даври	Нусхадаги шеърлар миқдори
1.	Париж	Франция Миллий кутубхонаси, №746	885/1480-81 й.	831
2.	Лондон	Британия музейи, №401	887/1482-83 й.	816
3.	Техрон	Ислом шўро мажлиси кутубхонаси, 14197	888 йил, сафар ойи /1483 й., март-апрель	863
4.	Боку	Озарбойжон Респ. қўлёзма фонди, №3010	889/1484 й.	839
5.	Тошкент	ЎЗР ФА Адабиёт музейи, №216	891/1486 й.	916

**“БАДОЕЪ УЛ-БИДОЯ”НИНГ НАВОИЙ ДАВРИДА
КЎЧИРИЛГАН ВА ЯНГИ АНИҚЛАНГАН САНАЛИ ОЛТИНЧИ ҚЎЛЁЗМАСИ
(СУЛТОНАЛИ МАШҲАДИЙ, ҲИРОТ, 889/1484-1485 ЙИЛ)**

Абдуллатиф ТУРДИАЛИЕВ
(Қўқон адабиёт музейи),
Афтондил ЭРКИНОВ
(ТошДЎТАУ)

“Бадоеъ ул-бидоя”нинг Техрон нусхаси ҳақидаги мақола тугалланиши арафасида ҳамкорларимиз орқали Истанбул шаҳрида сақланувчи Навоий девони фотонусхасини қўлга киритишга муваффақ бўлдик⁴⁴. Аини қўлёзма ҳақида 1958 йили Огаҳ Сирри Левенд⁴⁵ ва унинг маълумоти орқали Ҳ. Сулаймонов ўз диссертациясида хабар берган эди⁴⁶. О.С. Левенд бу қўлёзмани Алишер Навоий “Ғаройиб ус-сиғар” девони сифатида тавсифлаган. Аслида мазкур қўлёзмадаги асар – “Бадоеъ ул-бидоя”. Қўлёзма колофониди уни кўчирган котиби – Султонали Машҳадий ва кўчирилиш жойи – Ҳирот шаҳри номи аниқ кўрсатилган. Бундан ташқари котиб қўйидаги таърих орқали санани топиш мумкин дейди:

*Агар таърихи итмоми китобат,
Ҳамехоҳи бидони, эй сухандон.
Ту дар таҳрири ин девон назар кун,
Бурун ораш ҳам аз таҳрири девон*

⁴⁴ Мазкур қўлёзма фотонусхасини бизга тақдим этган туркиялик олим, профессор Танжу Сейханга (Tanju Seyhan) ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

⁴⁵ Levend A.S. “Türkiye kitapliklarındaki Nevai Yazmaları” // Türk dili araştırmaları yilligi. Belleten. Ankara, 1958, s.165-166.

⁴⁶ СХ-текст, Том I, с.154.

О.С.Левенд унинг кўчирилиш санасини 958 йил деб келтирган. У бунинг учун колофондаги таърих моддасидаги айнан қайси сўзларни олганлигини кўрсатмаган. Ҳижрий 958 йил 1551 йилга тўғри келади. Бироқ айни сана мантиқан ўзини оқламайди. Чунки Султонали Машҳадий бундан анча аввалроқ – 1437–1520 йилларда яшаб ўтган. О.С.Левенд балки учинчи мисрадаги “таҳрири ин китоб”ни таърих моддаси, деб сана чиқаргандир. Лекин бу уч сўзнинг абжаддаги ҳисоби, О.С.Левенд феҳристида кўрсатганидек 958 йил эмас, балки 950 (1543-44 йил) бўлади (?!). Бу сана ҳам тўғри бўла олмайди ва Машҳадий яшаган даврга тўғри келмайди.

Бизнингча, тўртликнинг тўртинчи мисрасида таърих моддаси берилган бўлиб, у араб ёзувидаги “таҳрири китоб” сўзлари бўлиши керак. Уни абжадга солганда 889/1484-85 йил келиб чиқади. Демак, навоийшуносликка “Бадоеъ ул-бидоя”нинг санаси кўрсатилган янги нусхаси маълум бўлаяпти. Аниқроқ қилиб айтганда, яна бир нусха келиб қўшилди. Биз бу қўлёзмани сақланиш жойига кўра шартли равишда “Бадоеъ ул-бидоя”нинг Истанбул қўлёзмаси деб атаёмиз. Мазкур қўлёзма ҳар саҳифага 13 сатрдан битилган, қўлёзма 161 варақдан иборат. Қўлёзма ҳажми – 25,6x17 см, матн ҳажми – 16x9,6 см. О.С.Левенд келтиришича, қўлёзмада Маҳмуд I нинг муҳри бор⁴⁷.

“Бадоеъ ул-бидоя”нинг айни яна бир санали қўлёзмасининг навоийшуносликка маълум бўлиши билан Навоий шеърятини ва ижодхонаси билан боғлиқ янги фикрлар пайдо бўлади. Чунки О.С.Левенд феҳристида кўрсатган муддатдан фарқли тарзда аниқланган янги санага (889/1484-85 й.) кўра, қўлёзма Навоий ҳаётлиги даврида Ҳиротда Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган бўлиб чиқади. Айни пайтда бу нусха Алишер Навоий назорати осида тайёрланган ёки Навоий ҳар ҳолда қўлёзма билан таниш бўлган бўлиши керак, деган хулосага олиб келади. Чунки қўлёзма кўчирилаётган вақтда Навоий ўз “Хамса”сини (1483–1485 йиллар) ёзиб тугатиш палласида эди.

Демак, “Бадоеъ ул-бидоя”нинг Истанбул қўлёзмаси Ҳиротда, Алишер Навоий ҳаётлиги даврида, кўчирилиш муддати кўрсатилган (889/1484-85 й.), навоийшуносликка ҳозиргача номаълум бўлган олтинчи қўлёзмаси бўлиб чиқади. Бизнинг қўлимизда бу қўлёзманинг фотонусхаси мавжуд холос ва хулосаларимиз унга асосланади. Афтидан, қўлёзма кўп нуқсонларга эга. Чунки унинг ичидаги бир қисм варақлар тушиб қолгани ёки саҳифалар ўрни алмашгани қўлимиздаги нусхадан кўришиб турибди. Шу боис ББнинг Истанбул нусхаси таркиби ҳақида, афсуски, тўлиқ тасаввур олиш ва фикр юритиш имконига эга эмасмиз.

Қўлёзма икки асар – ББ ва ундан аввал Навоийнинг “Арбаъин” асари бор (2-6-кадр). Аммо “Арбаъин” тугалланмай қолган, ББнинг (Тошкент нашрига солиштирадиган бўлсак) дастлабидаги дебоча ва бир неча ғазали йўқ. Истанбул қўлёзмасида “Бадоеъ ул-бидоя” девони бошдан бошланмаган. У сўнги икки байти берилган ғазалдан бошланган. Бу саҳифа бошида куйидаги байт берилган:

*Гул юзида булбул сенинг асроринга нотик,
Шамъ ўтида парвона сенинг ҳуснунга шайдо.*

Мазкур байт ББ Тошкент нашридаги матлаъси
*Эй, муҳсафи рухсоринг азал хаттидин инишо,
Дебочайи ҳуснунда абад нуқтаси тугро, –*

бўлган 3-ғазал охиридан битта аввалгисидир. Қўлёзмада ғазал боши келтирилмаган. Демак, “Арбаъин” ва ББ ўртасидаги варақлар тушган. Афтидан, ББнинг дебочаси ва бир нечта ғазал ҳам бизга номаълум сабаларга кўра қўлёзмдан тушган. Бу нусхадаги “Арбаъин” асари 19-ҳадис ва унга ёзилган рубоий билан тугаган⁴⁸. Қўлёзма сўнгида ББни одатда тугалловчи байт келтирилган:

*Сел йўлида фано даштида мужгоним эмас,
Кўз алоқуқларининг дуд егон ўқларидур*

47 Levend A.S. “Türkiye kitapliklarindaki Nevai Yazmaları” // Türk dili araştırmaları yilligi. Belleten. Ankara, 1958, s.165-166.

48 CX-текст, Том I, с.154.

“Бадоеъ ул-бидоя”нинг Истанбул қўлёзмасида унинг бошқа аксар қўлёзмаларида ёки ББнинг Тошкент нашрида келтирилган мустазод, муаммо, мухаммас, мусаддас, таржибанд жанрдаги шеърлар йук. Одатда, ББ бу жанрлардан кейин рубоийлар билан давом этиши керак эди. Истанбул қўлёзмасида ғазаллардан кейин рубоийлар берилган. Сўнг қитъалар ва яна рубоийлар келтирилган. Истанбул ББ таркиби қуйидагича:

“Бадоеъ ул-бидоя”нинг Истанбул қўлёзмасидаги шеърлар миқдори жадвали⁴⁹

№	Жанр	Шеърлар миқдори ¹⁶	Кадр
	Ғазал	480 (?)	6-145
	Мустазод	–	–
	Мусаддас	–	–
	Мухаммас	–	–
	Таржиъбанд	–	–
	Қитъа	23 (?)	147-150
	Рубоий	68	145-147, 150-154
	Чистон/луғз	10	155-160
	Муаммо	52	156-160
	Туюк	3	160
	Фард	16 (?)	160-161
	Жами	652	

Айни миқдорни қўлёзманинг санали бошқа беш нусхаси билан бир жадвалда келтирамиз.

“Бадоеъ ул-бидоя”нинг санали олти қўлёзмасидаги шеърлар миқдори жадвали

№	Жанр	Париж № 746 (885/ 1480-81 й.)	Лондон № 401 (887/ 1482-83 й.)	Техрон № 14197 (888/ 1483 й.)	Баку № 3010 (889/ 1484 й.)	Истанбул № 3981 (889/ 1484-85 й.)	Тошкент № 216 (891/ 1486 й.)
1.	Ғазал	731	571	606	603	480 (?)	657
2.	Мустазод	–	3	3	3	–	3
3.	Мусаддас	–	2	2	2	–	2
4.	Мухаммас	–	4	4	5	–	5
5.	Таржиъбанд	–	3	3	3	–	3
6.	Қитъа	–	41	50	41	23 (?)	41
7.	Рубоий	37	78	78	62	68	83
8.	Чистон/луғз	1	10	10	10	10	10
9.	Муаммо	35	52	52	52	52	52
10.	Туюк	4	10	10	10	3	10
11.	Фард	23	42	51	48	16 (?)	50
	Жами	831	816	866	839	652 (?)	916

Жадвалдан кўриниб турганидек, ББнинг Истанбул нусхасидаги шеърлар миқдори унинг бошқа санали қўлёзмаларидагидан нисбатан анча камроқ. Кўринишидан, бундай катта тафовут Истанбул қўлёзмасининг нуқсонли эканлигидан келиб чиққан. Шунга қарамай, ББ Истанбул нусхаси Навоий де-

49 Бунда усмонли султон Маҳмуд I (1730–1754) назарда тутилган бўлиши керак.

вонлари шеърларига оид янги маълумотлар беради. Масалан, қуйидаги тўрт қитъа “Расмий девонларга кирмаган шеърлар” номи остида 20 томликда келтирилган (дастлабки мисралар)⁵⁰:

“Асолат гавҳари Нуёни барлос...”⁵¹.

“Борур эрдим Чақарға гоҳ-гоҳи...”⁵².

“Риёи шайхимизнинг масжидида...”⁵³.

“Деди менга Бокибек, албатта сипоҳи бўл...”⁵⁴.

Улар ББнинг Истанбул қўлёзмасида келтирилган. Афтидан, “Расмий девонларга кирмаган шеърлар” номи остида Навоий “Мукамал асарлари тўплами” 20 томлигика кирган шеърлар доирасига асосланган. Шу боис ББнинг Тошкент нашрида улар учрамаганлиги учун “Расмий девонларга кирмаган шеърлар” номи остидаги қисмга ўтказилган. Эндиликда айни турдаги шеърларни Навоий расмий девонларига кирган шеърлар сифатида ҳисоблаш керак бўлади. Шу билан бирга “Бадоеъ ул-бидоя”нинг янги нашрларини яратишда уларни ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади. ББнинг Истанбул нашри айнан Алишер Навоий яшаётган Ҳирот шаҳрида, унинг ҳаётлигида кўчирилганлиги бунга асос беради. Сабаби, улар ҳам Навоий ижодининг маълум бир давр ва босқичи учун расмий бўла олади.

Шуниси қизиқки, мазкур хулосани ББ Техрон нусхаси ҳам тасдиқлайди. Сабаби, “Бадоеъ ул-бидоя”нинг Истанбул нусхасида келтирилган юқоридаги тўрт қитъа унинг Техрон нусхасида ҳам мавжуд⁵⁵. Демак, ББнинг навоийшуносликка энди маълум бўлган санали икки қўлёзмаси ҳам “расмий девонларга кирмаган шеърлар”, деган тушунчани янгидан кўриб чиқишни талаб этади⁵⁶.

Шуниси диққатга сазоворки, ББнинг Алишер Навоий ҳаётлиги даврида кўчирилган барча қўлёзмалари айнан 1480–1486 йиллар орасига тўғри келаяпти. ББнинг навоийшуносликка маълум бўлиб келган тўрт қўлёзма ёнига яқинда бешинчи ва олтинчи – Техронда сақланувчи, 888/1483 йили кўчирилган ҳамда Истанбул сақланувчи 889/1484-1485 йили Султонали Машҳадий томонидан Ҳиротда кўчирилган қўлёзмалари келиб қўшилди. Савол туғилади: нега бу қўлёзмаларнинг кўчирилиши айнан 1480–1486 йиллар орасига тўғри келаяпти? Навоий ББ девонини тахминан 1470–1480 йиллар орасида кўчирган деган фикр бор эди. Нега бу муддат бу 1480 йилдан кейинга ўтиб кетаяпти? ББни 1480 йилгача кўчириб тугалланган бўлса, нега унинг қўлёзмалари 1480 йилдан кейин санаси кўрсатилиб, етти йил ичида кетма-кетига олти марта кўчирилган? Агар бу ББ тайёр бўлганидан кейинги қўлёзмалар бўлганида улар таркиби бир-биридан унчалик фарқ қилмаган бўларди. Албатта, олти қўлёзма таркибини солиштириш учун муайян бир вақт керак бўлади ва катта хулосалар чиқаришга шошмаймиз. Лекин ҳозирнинг ўзидаёқ, маслан, ББнинг Техрон ва Истанбул қўлёзмаларида қолган санали тўрт нусхага кирмаган шеърлар учрашининг ўзиёқ, балки бу девон девони 1480–1486 йиллар ҳали шаклланиш босқичида бўлганлигини кўрсатар? Эътироз билдиришлари мумкин: балки ББнинг 1480 йилдан кейинги қўлёзмалари Навоий “Хазойин ул-маоний”си асосида яратилган “Терма девон” типидagi мажмуалардир (?!). Аммо ҳамма гап шундаки, “Терма девон”лар Навоий “Хазойин ул-маоний”си асосида, Навоий дунёдан ўтганидан сўнг, яъни “Хазойин ул-маоний” каби стабил матндан кейинги ходиса бўлган. ББнинг, масалан, бизга маълумларидан энг сўнги (1486 йили) кўчирилган Тошкент нусхасини нисба-

50 Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20-том, Тошкент, 2003, 512-б.

51 Алишер Навоий. Бадоеъ ул-бидоя. Туркия, Сулаймония кутубхонаси, сақланиш рақами –3981, 148-кадр.

52 Ўша қўлёзма, 149-кадр.

53 Ўша қўлёзма, 149-кадр.

54 Ўша қўлёзма, 149-кадр.

55 Ўша қўлёзма, 150-кадр.

56 Алишер Навоий. Бадоеъ ул-бидоя. Эрон, Ислом шўро мажлиси кутубхонаси, сақланиш рақами – 14197 қўлёзма, 212-кадр.

тан стабил матни деб қарайдиган бўлсак, унда жадвалда кўриб ўтганимиз беш санали қўлёзманинг бу нусха яратилган 1486 йилдан аввал кўчирилганлигини қандай изоҳлаймиз? Бунинг устига ББнинг Техрон нусхасини Султонли Машҳадий 889/1484-1485 йил Ҳиротда кўчирган. Айни жараёндан шу шаҳарда “Хамса”ни яқунлаётган Алишер Навоий хабардор бўлиши катта эҳтимолга эга. Худди шундай ҳолатни Али ибн Нур томонидан 1486 йили Ҳиротда кўчирилган ББнинг Тошкент нусхаси ҳақида ҳам айтиш мумкин. ББнинг бу икки қўлёзмаси таркибидаги барча шеърлар тўлалигича бир хил эмас. Тўғри, Навоий ижод жараёнида ББдаги шеърларнинг баъзиларини ўзгартирган, баъзи шеърларини ББ кейинги вариантларига киритмаган бўлиши мумкин. Эндиликда ББнинг олти санали қўлёзмасидаги барча шеърларни бирма-бир солиштириш лозим бўлади.

“Бадоеъ ул-бидоя”нинг протодевони масаласи

Мавзуни ўрганишда протодевон масаласига ҳам диққат қаратиш керак бўлади. “Прото-” (proto) сўзи “биринчи”, “дастлабки”, “бошланғич” деган маъноларни бериб, бирор нарсанинг дастлабки, ҳали пишиб етилмаган, энди-энди шаклланаётган босқичини билдиради⁵⁷. Ўзбек мумтоз адабиёт намуналарига нисбатан “прото” атамасини қўллаш масаласи анча мураккаб. Айни вақтда, баъзида мана шу атамани қўллаш учун асос бўлувчи матн мавжуд ҳам бўлиши мумкин. Девоннинг дастлабки, аниқроғи, шоир маълум бир давр учун сўнги деб ҳисобланган нусхаси мавжуд бўлиши мумкин. Шоир уни ўз девонининг энг охириги кўриниш деб ўйлаши, кейинчалик эса бу нусхани янги шеърлари билан тўлдириб, ўз девонининг янги босқичдаги кўринишини ҳосил қилиши мумкин. Мана шунда шоирнинг дастлабки кўринишдаги девони кейинги (ёки сўнги) девонига нисбатан протодевон бўлади.

Биз “Бадоеъ ул-бидоя”нинг протодевони масаласига ўз вақтида тўхталган эдик⁵⁸. Бу девоннинг санали яна икки қўлёзмасининг топилиши муносабати билан яна ББнинг протодевони масаласини ўйлаб кўриш мумкин бўлади. Девоннинг Тошкент нусхасини (891/1486 йили Ҳиротда кўчирилган) шартли тарзда “Бадоеъ ул-бидоя”нинг сўнги варианты, деб оладиган бўлсак, у ҳолда айни нусха ўзидан аввалги санали беш қўлёзмаси (Париж, Лондон, Техрон, Боку ва Истанбул) протодевон ҳисобланиши мумкин. Тошкент нусхасига нисбатан бу қўлёзмалар фақатгина кўчирил санасининг аввалроқ эканлигигина эмас, балки Тошкент нусхасининг уларга нисбатан тўлиқроқ ва кўпроқ шеърга эга бўлиши ҳам бунга йўл очади.

Лекин яна бир жихат мавжуд: Тошкент нусхаси санали бошқа беш қўлёзмага нисбатан энг кўп шеърга эга (916) эга бўлишига қарамай, Париж нусхасидаги ғазаллардан (731) камроқ ғазалга эга: Тошкент нусхасида 657 та ғазал бор. Яъни, Париж нусхасига нисбатан Тошкент нусхасида 74 та ғазал камроқ. Агар Тошкент нусхаси ББ сўнги нусхаси бўлса, унда 1486 йилга келиб, Навоий ББнинг охириги вариантыда даги 74 та ғазалдан воз кечганми? Бу 74 ғазалнинг кейинги тақдири нима бўлди экан. Улар “Хазойин ул-маоний”га қанчалик ва қайси кўринишда ўтди экан. Бу ва бу каби саволлар оз эмас ва улар устида фикр юритиш лозим бўлади.

Шунларга қарамай, “Бадоеъ ул-бидоя” протодевони масаласи ҳамда кейинги вақтда навоийшуносликка маълум бўлган ББ янги икки нусхаси аниқланиши Навоий дастлабки расмий девонига доир тадқиқотларни чуқурак давом эттириш лозимлигини кўрсатади. “Бадоеъ ул-бидоя”нинг аниқланганимиз ва санали янги икки ва 1480–1486 жами олти қўлёзмасидан ташқари, Навоий ҳаётлигида

57 Мазкур қўлёзмалар тақрибидаги шеърларни атрофлича қиёсий ўрганиш янги ҳулосаларга олиб келиши мумкин.

58 Ҳар қандай асар бир ўтиришда ёки тез муддат ичида яратилмайди. У ижодкор ҳаёлот, уринишлари меваси бўлиб, муайян муддат ичида шаклланиб, сўнг вужудга келади. Матнни яратиш жараёнида ижодкор чеккан машаққатни фақат унинг ўзигина билади ва ҳис қилади. Ижод намунаси бўлган асаряратилиши жараёнида унинг дастлабки варианты, хомаки нусхаси вужудга келади. Ана шухомаки асар, асарнинг энг биринчи, ҳали пишиб етилмаган кўриниши асосида кейинчалик комил асар вужудга келади. Буни, айниқса, бадиий ижод намунасида кузатиш мумкин. Асарнинг мана шундай дастлабки хомаки, кейинчалик асл асар матнига асос бўлувчи асар “прото-“ номи билан аталади. Масалан, роман жанридаги асарнинг яратилиши жараёнидаги хомаки нусхаси протороман бўлади, ҳикояники протоҳикоя ва хоказо. Асарларнинг “прото” вариантларига оид маълумотларни XX аср жажон адабиётидан ёки ўзбек адиблари асарлари баъзи нашрларидан топиш мумкин. Асарнинг “прото” нусхаси ижодкорнинг асар қоралмаси, архив матнларида бор бўлиши мумкин.

кўчирилган бошқа қўлёзмалари янги нусхалари аниқланиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Ушбу мақоламиз “Бадоеъ ул-бидоя”нинг санали қўлёзмаси билан навоийшуносликни таништириш мақсадида ёзилди. Эндиликда айни девоннинг мазкур икки санали қўлёзмаларини янада чуқурак ўрганиш зарур бўлади.

Мақоламиз сўнгида ББнинг Истанбул ва Техрон нусхаларининг навоийшуносликка маълум бўлиши муносабати билан навоийшуносликдаги бу девон нусхалари ва кўчирилиш босқичлари ҳақидаги ин-формация тўлдирилганини таъкидлаймиз. Эндиликда “Бадоеъ ул-бидоя”нинг санали икки қўлёзмаси аниқланиб, санали нусхалари олтига етди. Бу қўлёзмалар ҳақидаги маълумотларни қуйидагича кўринишда умумлаштириб берилиши мумкин:

**“Бадоеъ ул-бидоя”нинг санали олти
қўлёзмасига оид маълумотлар жадвали⁵⁹**

№	Сақланиш жойи	Сақланиш рақами	Кўчирилиш даври ва жойи	Котиби	Нусхадаги шеърлар микдори
1.	Париж	Франция Миллий кутуб-хонаси, № 746	885/1480-81 й.	номаълум	831
2.	Лондон	Британия музейи, № 401	887/1482-83 й.	номаълум	816
3.	Техрон	Ислом шўро мажлиси кутуб-си, № 14197	888 йил, сафар ойи /1483 й., март-апрель	номаълум	863
4.	Боку	Озарбойжон Респ. қўлёзма фонди, № 3010	889/1484 й.	номаълум	839
5.	Истанбул	Туркия, Сулаймония кутуб-си, Ayasofya № 3981	889/1484-1485 й., Хирот	Султонали Машхадий	480 (?)
6.	Тошкент	ЎзР ФА, Адабиёт музейи, № 216	891/1486 й., Хирот	Али ибн Нур	916

НАВОИЙ КУТУБХОНАСИНИ БЕЗАГАН ҲИКМАТ ДУРЛАРИ

Нафас ШОДМОНОВ
(ҚарДУ)

Алишер Навоий шахсий кутубхонасида мавжуд бўлган китоблар ҳақидаги маълумотларни ўрганиш улуғ шоирнинг илм-фан ва адабиётга нисбатан диди ҳамда талаби нечоғли юксак бўлганидан далолат беради. Навоий кутубхонаси ҳақида жуда кўп манбаларда маълумотлар бор. Уларнинг аксарияти ўзига хос тарихга эга. Бу тарихга темурийлар ёки Навоий даври умумий тарихининг бир қисми сифатида қараш лозим. Бу умумий тарихда ўша даврнинг илғор мафкура ва ғоялари, хусусан, тасаввуфнинг фалсафий таълимоти етакчилик қилади.

⁵⁹ Эркинов А. “Алишер Навоий “Хазойин ул-маоний”си ва унинг протодевони масаласи...”22-23-б.

Жамият тараққийетида иқтисодий юксалишлар билан бирга бу юксалиш тенденцияларини белгилаб берган, ўзига хос асосини ташкил этган, унда мустақкам ўрин эгаллаган илғор ғоя, мафкура ҳамма замон ва маконларда даврнинг фаол шахсларини, тараққийпарвар мутафаккирларни тарбиялагани, баъзан фавкулудда даҳоларни етиштириб бергани маълум. Тасаввуфнинг фалсафий оқимлари Яқин ва Ўрта Шарқ мусулмон халқлари маълум тарихий босқичи ижтимоий тараққийетида ана шундай ўрин тутди, жамиятнинг турли соҳаларида кузатилганидек, адабиётнинг ривожига ҳам кучли таъсир ўтказди.

Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг бадиий ижод тафаккурини шакллантирган ва унинг оламга, башарий жамиятга ана шу таълимот нуқтаи назаридан қараши ва ёндашишини таъминлаган ҳодиса ҳам ўз даврида бир қадар оммалашган ўша фалсафий таълимот эди. Биз бу ерда у қайси назарий китоблар орқали фалсафий дунёқарашини кенгайтиргани; фалсафаси, образлари ҳамда бу йўналишда ижодий коноепцияси нималарга асослагани хусусида қисқача тўхталамиз.

Алишер Навоий “Фавойиду-л-кибар” девонига кирган 322-ғазалининг мақтаъсида ёзади:

Навоий, англаки, боби вафо ёзилмайдур,

Агар Фусусдурур, гар Нусусу йўқса Фикук⁶⁰.

Байтни сидирға ўқиганда ундан “Навоий, англаки, Фусус, Нусус ва Фикук (аслида “Фукук”!) да вафо боби ёзилмаган” деган маънони тушуниш мумкин. “Боб ёзилмаслиги” уларнинг китоб эканини англади. Демак, улар Навоий яхши билган, қадрлаган китоблардир.

“Мажолис ун-нафоис” да шундай эслатма бор: “Шайх Садриддин Равосий... шакли дилписанд ва ҳақойиқ ва маориф айтмоғи дилфириб эрди. Шариф суҳбатига факир мушарраф бўлдум. Бадахшон шоҳиғаким, анга мурид бўлуб эрди, “Фусус” дарс айтур эрди, кўнглумни баса сайд қилди. Замон подшоҳи (Хусайн Бойқаро бўлса керак – Н.Ш.) ҳам шайх мулозаматиға етар эрди...”⁶¹

Бу парчада шоир “Фусус” ни шоҳлар олимлар ҳузурига бориб таълим олишга-да лойиқ мўътабар китоб эканини таъкидлайди ва ўзи Равосийдан бу китоб ҳақида маълумот олганини қайд этади. Умуман, юқоридаги байтда номлари келтирилган китобларни шоир фалсафий қарашларига энг кўп таъсир ўтказган асарлар сифатида хулосага келиш мумкин. Шунинг учун бу ерда биз ана шу “Фусус” ҳақидаги айрим маълумотларни келтириш билан чекланамиз.

Навоий таянган фалсафий асарлар, уларда илгари сурилган ғоялар моҳияти билан чуқурроқ танишиш ва шундан сўнг шоир ижодининг фалсафаси, образ ва рамзлари орқали билдирилаётган фикрлар хусусида аниқ хулосаларга келиш мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, нақшбандия тариқатга кириб фақат унинг амалиёти билан шуғулланиш, шундай турмуш тарзига мослашиш, чегараланиш улуғ шоир ҳамда унинг пири комили Жомийдек илм ва ижодий ишга мойил кишилар характериға тўғри келмас эди. Шунингдек, Е.Э.Бертельс қайд этганидек, нақшбандия тариқатида фалсафаға мойиллик бор эди, шу боис ҳам Жомий бу тариқатни танлади. У илмий тафаккурида бўлган эҳтиёжига ечимни мусулмон оламида ўз фалсафий асарлари билан юксак ўрин топа олган машҳур шайх Ибн Арабий таълимотидан топди ва бир умр бу таълимот сир-асрорларини ўрганди, уни ўз фаолиятининг илмий асоси қилиб олди ва кенг тарғиб қилди⁶². Жомийнинг буюк ижодкор Навоийга доимий таъсир этувчи кучи ана шу таълимотга асосланганида эди.

Е.Э.Бертельс яна ёзади: “Жомий ҳам, Навоий ҳам ишқни куйладилар. Кўпинча, бу ерда гап Ҳаққа бўлган муҳаббат ҳақида эканини таъкидлайдилар. Қолбуки, **Жомийнинг дунёқарашиға кўра** (таъкид бизники), бутун олам Ҳақ зуҳури тажаллийсидангина иборат. Бинобарин, яратиклар тожи – инсонда

60 Навоий, Алишер. Фавойид ул-кибар. Тўла асарлар тўплами, ўн жилдди, 4-ж. – Тошкент: ЎзМАА, Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 327.

61 Навоий, Алишер. Мажолис ун-нафоис. Тўла асарлар тўплами, ўн жилдди, 9-ж. – Тошкент: ЎзМАА, Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 311.

62 Навоий, Алишер. Фавойид ул-кибар. Тўла асарлар тўплами, ўн жилдди, 4-ж. – Тошкент: ЎзМАА, Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 327.

ҳам у зоҳирдир. Шунинчун унутмаслик лозимки, инсондаги илоҳий моҳиятни ҳурмат қилмоқ зарур ва уни таҳқирламоқ, тубан махлуқлар билан тенг кўрмоқ ноҳақдир”⁶³.

Умуман, Навоий кўпгина файласуф мутасаввифлар таълимотларини Жомий орқали ўзлаштиргани маълум. Унинг юқорида номлари зикр этилган асарларни ўрганишида Жомийнинг иштироки бўлган. Бинобарин, “Фусус” тарзида қисқа аталувчи асар Ибн Арабийнинг “Фусусу-л-ҳикам” (Ҳикматларнинг зийнатбоб дури) номли асаридир. Шу ўринда бу муаллиф ҳақида қисқача тўхталиш лозим.

Муҳиддин Ибн ал-Арабий Навоий наздида, Шарқда тасаввуфни таълимот сифатида кенг тарқалишига катта ҳисса қўшган мутафаккирдир. “Насойиму-л-муҳаббат” асарида у, жумладан, шундай зикр этилади: “Ваҳдати вужуд қойилларининг қудвасидур. Зоҳир фуқаҳо ва уламосидин кўп анга таън қилибдурлар. Фуқаҳодин оз ва сўфийдин жамоате ани бузург тутубтурлар”. Шу сўзлардан сўнг Навоий Имом Ёфийий тарихидан “Уни юксак эҳтиром билан улуғладилар, сўзларини мактаб, мадҳ этдилар, баланд мартабасини сифатладилар, беҳисоб каромотларидан хабар бердилар” мазмунидаги иқтибосни келтиради. Бу зикр давомида келтирилган Арабийнинг Шихобуддин Сухравардий билан учрашуви ҳам эътиборга молик: “...алар била Шайх Шихобуддин Сухравардий қ.с.ға мулоқот иттифоқи воқеъ бўлбдур. Ва баъзи ақобир дедиларки, ул мулоқот Ҳарам тарафида экандур. Ҳар бири алардин яна бирига назра қилиб ўтушбдурлар, онсизки ораларида каломе воқеъ бўлғай. Андин сўнгра Шайх Шихобуддин ҳолини алардин сўрубдурлар. Алар дебдурларки, у бошдан оёғига қадар суннат билан тўладир. Шайх Шихобуддиндин аларнинг ҳолини сўрубдурлар. Дебдурки, у ҳақиқатлар денгизидир! Баъзи бузургвордин андоқ эшитилдики, Ҳарам соясида суҳбат тутубдурлар. Ва Шайх Шихобуддин ул Ҳазратдин неча савол қилибдурлар. Баъзиға жавоб берибдурлар ва баъзиға дебдурларки, Тубо дарахти соясида жавоб бергумиздур”⁶⁴.

Тазкирада Ибн Арабийга таъна қилувчиларнинг таъналари айнан “Фусусу-л-ҳикам” китобига нисбатан бўлганини Абдурахмон Жомий қайд этгани ҳам таъкидланади. “Ва ҳамоноки, аларнинг таънининг маншаъи ё таассубдур, ё иттилоълари адами, аларнинг мусталаҳотиға ё маоний ё ҳақойиқ румузики таснифларида дарж қилибдурлар, батаҳсис «Фусус»да ва «Футуҳот»да. Ва бу маъно ул мартабададурким, бу тоифадин ҳеч қайсининг ҳеч китобида топилмас. Ҳам ул Ҳазрат дебдурларки, бу фақир Хожа Бурхонуддин Абу Наср Порсо қ. р. дин бу навъ истимоъ қилибменки, дер эрдиларки, бизинг волидимиз буюрурлар эрдик, «Фусус» – жондир, «Футуҳот» – дил... Ҳазрат Маҳдумий аларнинг мусаннафотидин «Фусус»ни шарҳ қилибдурлар. Андоқки, анинг (шарҳнинг – Н.Ш.) таърифини қилмоқ бу фақирдек бебизоатларнинг ҳадди эмас...”

Бинобарин, илмий манбалардан маълум бўлишича, Муҳиддин ибн ал-Арабий (1165–1240) турли фанлардан таълим олган, уни кўпроқ башорат қилиш сирлари қизиқтирган, ўз қобилиятини аксар вақт шу ишга йўналтирар эди. Унинг тасаввуф билан жиддий шуғулланиши 1184 йилдан бошланган. Бу йўлда у сўфийликнинг энг юқори босқичи ҳисобланган қутбул-ақтоб даражасига етган.

Ибн Арабийдан катта илмий ва бадиий мерос қолди. Замондошларининг турли манбаларда қайд этилишича, у ёзган асарларнинг сони 300 тадан 500 тагачани ташкил қилади. Тўғри, олим асарларининг сони маълум бир асар номи турли манбаларда турлича қайд этилиши ёки такрор саналиши билан ҳам ортиб борган, лекин, шунга қарамай, улар бениҳоя кўплиги барча муаллифлар томонидан эътироф қилинган.

“Бизгача бу улуғ шайхнинг 150 та иши етиб келган, – деб ёзади рус файласуфи, профессор А.В.Смирнов. – Улардан фақат иккитаси маҳсус фалсафага оид. Улар “Ал-футуҳот ал-Маккийя” ва “Фусусу-л-ҳикам”. Қолганлари унинг шеърларидан иборат девони, суфийлик тариқатининг муайян масалаларига бағишланган қарашлари ва ҳоказолар. Лекин бундай тасниф нисбийдир, чунки унинг шеърлари ҳам фалсафий фикрларининг талқинларидан иборат дейиш мумкин”⁶⁵.

63 Навоий, Алишер. Мажолис ун-нафоис. Тўла асарлар тўплами, ўн жилдли, 9-ж. – Тошкент: ЎзМАА, Фафур Ғулум номидаги НМИУ, 2011. – Б. 311.

64 Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джами. – М.: Наука, 1965.- С. 114.

65 Ўша асар. – С. 126.

“Фусусу-л-хикам” ҳеч шубҳасиз Ибн Арабий фалсафий қарашларининг моҳиятини белгилаб беради. У ўз архитектонасига кўра пайғамбарлар тарихига ўхшаб кетса-да, моҳият нуқтаи назаридан тубдан фарқ қилади. Унда пайғамбарлар ҳаётига оид воқеалар ва уларнинг сўзларидан фалсафий хулосалар чиқариш йўлидан борилади. Бу йўл бобларнинг номланишидаёқ кўзга ташланади. Масалан, 1-боб Одам (ас)нинг сўзларида илоҳий ҳикмат дурлари, 2-боб Шис (ас)нинг сўзларида шавқий ҳикмат дурлари, 3-боб Нух (ас)нинг сўзларида сабуҳият ҳикмат дурлари ва ҳоказо. Ҳар бир боб тасаввуф ва фалсафанинг муайян тушунчасини талкин қилишга бағишланган.

“Фусус” умумий ҳолда 28 бобдан иборат. Унда 27 пайғамбардан сўз боради. Бу пайғамбарлар орасида 22-боб бағишланган Илёс пайғамбарни Идрис (ас) билан бир шахс сифатида талкин қилинади. Бунга Имом Бухорий саҳиҳ ҳадислари орасидан исноди бўлмаган бир ҳадисга таянилади. Шунингдек, 26-бобда Холид бин Синон исмли яккахудоликни тарғиб қилган пайғамбар ҳақида сўзланади. Унинг Исо (ас)дан бир оз олдин ёки кейин яшаганлиги ҳақида фикрлар бор. “Фусус”га шарҳ ёзган Хожа Муҳаммад Порсо уни “расул эмас, набий эди”, дея таъкидлайди⁶⁶. Арабий уни қуръоний истилоҳ билан “ан-нубуввату ал-барзаҳия” – “пайғамбарлик бўйини” сифатида талкин қилади ва у орқали “самадият ҳикмат дурлари” баён этилади. Бошқа, “Қуръони Карим”да зикр этилган пайғамбарлар сўзлари орқали *қудусият, ҳаққият, руҳият, нурият, аҳадият, футуҳият, набавият, вужудият, нафсият, гайбият, жалолият, эҳсоният, фардият* каби тасаввуфий истилоҳларнинг ўзига хос талқинларини келтирган. Уларнинг ҳар бири ҳақида Навоий асарларида ҳам фикр юритилади.

Шуни ҳам унутмаслик лозимки, фалсафий фикрлар тарихида “Фусус” ёки “Шарҳи Фусус” номлари билан юритилувчи Ибн Арабийдан бошқа муаллифлар томонидан яратилган асарлар ҳам мавжуд. Бундай асарлар орасида Абу Наср Форобий томонидан ёзилган бир “Шарҳи Фусус” деб номланган асар узоқ даврлар шуҳрат қозонган. Навоий тилга олган “Фусус”ни бундай муаллифлар асарлари билан алмаштирмаслик керак.

“ҲАМСАТ УЛ-МУТАҲАЙЙИРИН”НИНГ ҚЎҚОН НУСХАСИ

Абдуллатиф ТУРДИАЛИЕВ

(Қўқон адабиёт музейи)

Улуғ мутафаккир шоир давлат арбоби Алишер Навоийнинг ўлмас асарлари у яшаб ижод этган XV асрдан то XX асрнинг йигирманчи йилларигача минглаб нусхаларда кўчирилиб жаҳон бўйлаб кенг тарқалган. 1991 йилгача Навоий асарларини кўчириш билан шуғулланган уч юздан ортиқ котибнинг номи аниқланган⁶⁷. Улар орасида Навоий асарларини санъат даражасида гўзал хат билан китобат қилган ўз даврининг машҳур хаттотларидан тортиб исми-шарифидан бошқа маълумот қолдирмаган оддий котибларгача мавжуд. Ҳар қандай ҳолда ҳам улуғ мутафаккир даҳосини ўзида мужассам этган бу ноёб битикларни дунёнинг қайси чеккасида бўлса ҳам топиб ўрганиш ва таҳлил этиш навоийшуносликнинг доимий вазифаларидандир. Республикамизда Навоий асарларининг қўлёзмалари асосан Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Қўқон шаҳарларидаги қўлёзма фондларида сақланмоқда. Тошкент шаҳрида сақланаётган Навоий асарлари қўлёзмаларининг аксарияти таниқли навоийшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Ҳақимов томонидан тавсифланиб, алоҳида каталог сифатида чоп этилган⁶⁸.

1961 йилда ташкил этилган Қўқон адабиёт музейида ҳам бугунги кунда Навоий асарларининг 41 та

66 Навоий, Алишер. Насойим ул-муҳаббат. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ўнинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон МАА, Фафур Ғулум номидаги НМИУ, 2011. – Б. 418 – 419.

67 Ўша жойда.

68 Смирнов А.В. Великий шейх суфизма. – М.: “Наука”, 1993. – С. 4.

қўлёзма нусхаси мавжуд. Уларнинг айримлари ҳақида адабиётшунос олим, филология фанлари номзо-ди Аҳмадҷон Мадаминов махсус мақолалар эълон қилган.⁶⁹ 1991 йили эса А.Мадаминов, М.Ҳақимов, С.Сотволдиевлар томонидан мазкур қўлёзмаларнинг 26 тасининг илмий тавсифи эълон қилинди. Мазкур қўлёзмалар ҳамда 1991-2016 йиллар давомида музей фондига қабул қилинган Навоий асарларининг қўлёзма нусхалари хусусида ушбу сатрлар муаллифининг ҳам мақоласи эълон қилинган⁷⁰. Албатта, Навоий асарларининг Қўқонда китобат қилинган қўлёзма нусхалари фақат Қўқон адабиёт музейида эмас, балки республикамиз ҳамда жаҳоннинг бошқа қўлёзмаларида фондларида ҳам учрайди. Уларнинг алоҳида эътиборга молик гўзал ва мухташам намуналари ҳақида бир қатор олимларнинг илмий мақола ва ахборотлари эълон қилинган⁷¹. Албатта, бу ишлар хали яна давом эттирилиши керак. Энди умумий, қисқа тавсифлардан кенг ва батафсил матний таҳлилларга эътиборни кучайтириш зарур. Алишер Навоийнинг “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” (“Беш ҳайратланувчилар”)нинг қўлёзма нусхалари ҳам ана шундай тадқиқотларни талаб этадиган манбалар сирасига киради.

“Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” (“Беш ҳайратланувчилар”) Алишер Навоийнинг устози ва дўсти Абдурахмон Жомийга бағишланган асари бўлиб, у 889 ҳижрий (1494 миллодий) йилда ёзилган. 5 қисм (муқаддима, уч мақолат ва хотима)дан иборат бу ёднома асарнинг Ўзбекистон ва жаҳондаги қўлёзма фондларида бир неча қўлёзма нусхалари мавжуд. Жумладан, Ўз РФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи, Қўқон адабиёт музейи ҳамда Париж, Истанбул, Санкт-Петербург шаҳарларидаги қўлёзма фондида асарнинг турли асрларда китобат қилинган нусхалари сақланмоқда⁷². “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” матннинг жорий ёзувдаги қискартирилган матни Алишер Навоий асарларининг ўн беш томлиги ўн тўртинчи томида; тўлиқ матни эса Алишер Навоий Муқаммал асарлар тўплами (МАТ)нинг 15-жилдида ҳамда Тўла асарлар тўплами (ТАТ)нинг 5-жилдида чоп этилган 2015 йилда эса тадқиқотчи Озод Алимов асарининг танқидий матни-ни сўзбоши билан бирга нашр эттирди⁷³. Мазкур нашрда О.Алимов танқидий матнга асос қилиб Навоийнинг Париж, Истанбул, Санкт-Петербург шаҳарларида сақланаётган қуллиёт ва мажмуалар тартибига киритилган “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” матнига, шунингдек, Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондларидаги қўлёзма нусхаларни олган. Мазкур нусхалар XVI – XVII асрларда кўчирилган мўътабар нусхалардир. Булардан ташқари асарнинг яна 7 та қўлёзма нусхаси мавжуд. Шулардан бири Қўқон адабиёт музейида 220-инвентарь рақами остида сақланаётган қўлёзмадир. “Адабий мерос” илмий тўпламининг 1991 йил 3-4-сонларида эълон қилинган “Қўқон адабиёт музейи фондида Алишер Навоий асарларининг қўлёзмалари” номли мақолада бу нусханинг қисқача тавсифи берилган. Биз шу нусха ҳақида фикр юритмоқчимиз. Қўлёзма 1329 ҳижрий (миллодий 1911-12 йил) йилда Қўқонда китобат қилинган. Нусха “Мажолис ун-нафоис” асари билан бирга битта муқова ичига олинган. “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” қўлёзманинг 67^б – 105^а арақларидан ўрин олган. Матн юпка, шалдиروق Қўқон қоғозига чиройли настаълиқ хатида қора сиёҳ билан битилган. Сарлавҳалар қизил сиёҳда берилган. Китоб хошияси қизил жадвал билан, матн эса кўк ҳамда зарҳал жадваллар билан ўралган. Асар бошланишига зарҳал унвон ишланган.

Бошланиши:

Ул олими алломга юз ҳамду сано.

Охири:

Шоҳро сурати афтод гар маъни чунин,

Бод то ҳашир шаҳ сурату маъни омин!

69 Шарҳи Фусусу-л-хикам. Таълифи Хожа Муҳаммад Порсо. - Техрон: Маркази нашири донишгоҳи, х. 1366. – С. 502.

70 Ҳақимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. – Т.: Фан, 1991. – Б. 3.

71 Ҳақимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Т.: Фан, 1983.

72 Мадаминов А. “Ҳамса”нинг яна бир нусхаси // Гулистон. №1, 1985. – Б. 28; Ўша муаллиф. “Мажолисун-нафоис”нинг Қўқон нусхаси // Адабий мерос. №21. 1982. Б.76 – 78.

73 Мадаминов А., Ҳақимов М. Сотволдиев С. Қўқон адабиёт музейи фондида Алишер Навоий асарлари қўлёзмалари. // Адабий меросю №3-4. 1991.

Қўлёзма ўлчови: 15x25,5 см, 39 варақ. Котиби: Сулаймонкул уста Суяркул ўғли Рожий Хўқандий. Дастлабки 3 тамғали, қалин картонли қирмизи муқовада.

Асарнинг қўлёзмада жойланиши тартиби куйидагича: ҳамду сано, китобнинг ёзилиши сабаби (67^б – 69^а в.), муқаддима (69^а – 72^а в.), аввалги мақолат (80^а – 87^а в.), учинчи мақолат (87^а – 98^а в.), хотима (98^а – 105^а в.). Матн ҳар саҳифага бир устундан 19 сатр қилиб жойлаштирилган. Асар охиридаги таърих ва 7 та марсия икки устундан қилиб жойлаштирилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, асарнинг учинчи мақолати сарлавҳасидаги “*Кутуб ва расоил бо-бидаким, аларнинг мусаннифотидур*” жумласидан кейинги “*мазкур бўлгон мусаннифот теъдоди будурким*” жумласидан бошлаб келтирилган Абдурахмон Жомий асарларининг рўйхати тушириб қолдирилиб, матн “*Ва бу фақир аларнинг таснифига сабаб ва таълифига боис бўлубмен*” жумласи билан давом эттириб кетилган. (87^а в.) Бу қисқартиришнинг сабаби бизга номаълум. Асар матнида бошқа нусхалар билан солиштирилганда деярли тафовут йўқ. Умуман олганда мазкур қўлёзмани асарнинг эътиборли нусхаларидан деб ҳисоблаш мумкин.

“Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг қўлёзма нусхалари ҳақида гапирганда унинг Қўқонда китобат қилинган яна бир нусхаси мавжудлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. 693-инвентарь рақами остидаги бу қўлёзма Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади⁷⁴. 70 варақдан иборат бўлган қўлёзма 1338 ҳижрий (1920 милодий) йилда Қўқонда Носиржон ҳожи Хўқандий томонидан чиройли настаълиқ хатида кўчирилган. Бу асарнинг ўн йил ичида икки марта кўчирилишига сабаб? Нима учун Қўқонда XX асрнинг бошида Навоийнинг шеърий асарлари эмас, балки насрий асарлари кўпроқ китобат қилинган? Бу хайрли иш кимларнинг ташаббуси билан амалга оширилган?

Бу каби саволларга жавоб топиш учун Қўқонда Навоий асарларини кўчириш тарихига назар ташлаш керак бўлади.

Маълумки, Навоий асарларини китобат қилиш Қўқонда XVIII асрдан бошланган. Дастлабки терма девонлар, кейинроқ эса “Хамса”, ҳамда “Маҳбуб ул-қулуб” асарлари китобат қилинган. 1838 йилда эса Муҳаммад Алихоннинг фармони билан “Хазойин ул-маоний” 300 нусхада китобат қилинган⁷⁵. Бу ишларни амалга оширишга энг моҳир хаттотлар ва рассомлар жалб этилган. Аммо Навоийнинг илмий асарларига мурожаат қилиш деярли кўзга ташланмайди. XX асрга келиб эса аксинча бўлганини кўриш мумкин. Яъни, буюк мутафаккирнинг назмий асарлари эмас, балки, илмий (насрий) асарлари кўпроқ эътиборни тортган. Масалан, 1911–1920 йиллар давомида “Хамсат ул-мутаҳаййирин” икки марта, “Вақфия” икки марта кўчирилган. Шунингдек, бу даврда “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокамат ул-луғатайн” асарлари ҳам китобат қилинган. Бизнингча, Навоий девонларини камроқ кўчирилишига асосий сабаб, XIX асрнинг охири ҳамда XX асрнинг бошларида Тошкент, Самарқанд, Хива, Когон шаҳарларида босмаҳоналарнинг вужудга келиши ҳамда уларда Навоийнинг терма девонлари ҳамда “Хамса”нинг қисқа муддат ичида юзлаб нусхаларда чоп этилиши бўлса керак. Бу эса жамиятнинг Навоийнинг терма девонларига бўлган эҳтиёжини қондирган деб ўйлаймиз. Зеро, ўша пайтларда Навоий, Фузулий, Бедил, Сўфи Оллоёр каби шоирларнинг китоблари эски мактабларда дарслик сифатида ҳам ўқитилар эди.

Маълумки, XX асрнинг бошларида юртимизда миллий уйғониш даври – жадидчилик бошланиб, жамиятнинг зиёли қатламида миллий ўзликни улуғ аждодлар билан фахрланиш каби туйғулар кучайди. Қўқон шаҳрида ҳам бу ҳаракатнинг бир қанча вакиллари фаолият кўрсатар эдилар. Бинобарин, Навоий каби улуғ мутафаккирларнинг асарларини кўпроқ китобат қилиш, нашр этиш ва тарғиб-ташвиқ этиш билан айнан шу ҳаракат вакиллари шуғулланганлигини кўрамиз. Яъни, Навоийнинг илмий асарларини оддий хаттотлар эмас, балки таниқли шоир ва олимлар китобат қилганлар ҳамда нашрга тайёрлаганлар. Сулаймонкул Рожий (1871–1924), Ашурали Зоҳирий (1885–1938) ана шундай шоир ва олимлар

74 Турдиалиев А. Қўқон адабиёт музейи хазинасида сақланаётган Алишер Навоий асарларининг қўлёзмалари. // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуйидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Т.: Тамаддун. 2017. Б. 41 – 45.

75 Эркинов А. Ноёб қўлёзма изидан // Мозийдан садо. 2009. №4. Б.20 – 22.; Жўрабоев О. “Хазойин ул-маоний”нинг бир шоҳона қўлёзмаси ва унинг матний хусусиятлари // Адабиёт кўзгуси. №12. – Т. 2011...

жумласига кирадилар. Улар ўша даврда бутун Туркистон ҳамда жаҳондаги бошқа туркий халкларнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий ҳаётидаги янгиликлардан хабардор бўлишига интилардилар, ўзлари ҳам маориф, маданият соҳасида ўзгариш қилиш устида бош қотирардилар. Улар учун Навоий ҳаёти ва ижоди ибрат эди. XIX асрнинг охири ҳамда XX асрнинг бошларида туркий дунёда Навоий ҳаёти ва фаолиятига кизиқиш кучайди. Бунга бир мисол қилиб Қўқон адабиёт музейида сақланаётган таквим-календарнинг бир варағини кўрсатиш мумкин. 1911 йилда Бокуда чоп этилган таквимнинг бир варағининг орқасида Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида мухтасар мақола берилиб, икки байт ўзбекча шеърдан намуна келтирилган⁷⁶. Ашурали Зоҳирий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарини ўз қалами билан чиройли настаълик хатида кўчириб, шу нусха асосида уни 1917 йилда Қўқондаги Вайнер босмахонасида тошбосма усулида чоп эттирган. Хаттот ва ношир А.Зоҳирий бу нашрга сўзбоши сифатида Истанбулда нашр этилган “Қомус ул-аълум”да берилган Алишер Навоий ҳақидаги мақолани киритади. Бу нарса Ашурали Зоҳирийнинг ўша даврда туркий халқлар илмий ва маданиятида юз бераётган янгиликлардан яхши хабардор бўлган олим бўлганлигидан далолатдир. Бу фикрни шоир, хаттот Сулаймонкул Рожийга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Зеро, унинг 1911 йилнинг ўзида Алишер Навоийнинг икки илмий асари – “Мужолис ун-нафоис” ҳамда “Хамсат ул-мутаҳаййирин”ни маҳорат билан китобат қилиб, зарҳал унвон ва жадваллар билан беаганлиги улуғ мутафаккир илмий-ижодий меросини тарғиб этишга катта ҳисса қўшганлигини кўрсатиб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”. Қўлёзма. Қўқон адабиёт музейи фонди. Инв. рақами 220/П. 67^a – 105^a в.
2. Алишер Навоий. Вақфия. Қўлёзма. Қўқон адабиёт музейи фонди. Инв. рақами №7065. 10 в.
3. Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. Тошбосма. Қўқон. Вайнер матбааси. 1917. 39 бет.
4. Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. 14-том. Хамсат ул-мутаҳаййирин. –Т., –1967. 7 – 77 б.
5. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 15-том. Хамсат ул-мутаҳаййирин. –Т.: Фан, 1999. 7 - 85 б.
6. Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Т.: Фан, 1971. 206 б.
7. Ҳақимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Т.: Фан, 1983. 200 б.
8. Ҳақимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. –Т.: Фан, 1991. 52б.
9. Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Т.: Шарқ, 2014. 202 - 204 б.
10. Эркинов А. Ноёб қўлёзма изидан // Мозийдан садо. 2009. 4-сон.
11. Мадаминов А. “Мажолисун-нафоис”нинг Қўқон нусхаси // Адабий мерос. – Т.: 1982. 76 – 78 б.
12. Мадаминов А., Ҳақимов М., Сотволдиев С. Қўқон адабиёт музейида Алишер Навоий асарларининг қўлёзмалари // Адабий мерос. – Т.: 1991. 4-сон. 25 – 31 б.
13. Жўрабоев О. “Хазойин ул-маоний”нинг бир шоҳона қўлёмаси ва унинг матний хусусиятлари // Адабиёт кўзгуси. №12. – Т.: 2011.
14. Алишер Навоий. Қомусий луғат. Иккинчи жилд. – Т.: Шарқ, 2016.
15. Турдиалиев А. Қўқон адабиёт музейи хазинасида сақланаётган Алишер Навоий асарларининг қўлёмалари. “Алишер Навоий ва XXI аср” Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Т.: Тамаддун. 2017. Б. 41 – 45.
16. Отажонов Ҳ., Ҳамрақулова З. Навоийшунослик тарихидан бир саҳифа // Қўқон садоси. 2016 й. 11 февраль.

⁷⁶ Алишер Навоий. Қомусий луғат. Иккинчи жилд. – Т.: Шарқ, 2016. – Б. 107 – 108.

“ИЛК ДЕВОН”ДАН “ОҚҚУЮНЛИ МУХЛИСЛАР ДЕВОНИ”ГА ЎТГАН ҒАЗАЛЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Дилнавоз Юсупова
(ТошДЎТАУ)

Алишер Навоий болалик йиллариданок бадий ижод билан шуғуллана бошлаганлиги ва анча ёш вақтида халқ орасида шоир сифатида шуҳрат қозонганлиги манбаларда эътироф этилади. “Уч ёш билан тўрт ёшнинг орасида” форсигўй адиб Қосим Анворнинг байтини ёд ўқиб, йиғилганларни ҳайратда қолдирган (“Мажолис ун-нафоис”) Алишер ўсмирлик даврида “малик ул-калом” Лутфийнинг таҳсинига сазовор бўлганлиги бугунги китобхонга яхши маълум. Адабиёт ихлосмандлари ундан девон тузишни илтимос қилганларида, у ғоят камтарлик юзасидан девон тузиш учун ҳали вақт эрта деб ҳисоблайди ва шундашоирнинг мухлислари 1465–66 йилларда унинг шеърларини тўплаб, девон тузадилар ва бу девон Султонали Машҳадий томонидан настаълиқ хатида кўчирилади. Шу тариқа “Илк девон” вужудга келади. Бу туркий маданият тарихи учун ноёб ҳодиса эди.

Навоийшунос олим, филология фанлари доктори Афтондил Эркинов жаҳон кўлэзма фондларида сақланаётган нусхаларни ўрганиш асносида Алишер Навоийнинг ихлосмандлари томонидан тузилган яна бир девони кўлэзмасини аниқлаб, 2012 йилда фанга маълум қилганлиги навоийшунослик учун муҳим ҳодиса бўлди. Мазкур девон шоирнинг Оққуюнлилар сулоласи (Озарбайжон ва Ғарбий Эрон ҳудудида 1378–1508-йилларда ҳукмронлик қилган ўғуз турклари) ҳукмронлиги ҳудудидаги мухлислари томонидан тузилган бўлиб, “Оққуюнли мухлислар девони” номи билан юритилди ва 2015 йилда Токиода унинг факсимилеси нашр этилди. Олимнинг эътироф этишича, девон 1471 йил 25 декабрда Анисий тахаллуси билан шеърлар ёзган шоир ва хаттот Абдурахим ибн Абдурахмон Хоразмий томонидан Оққуюнлилар салтанатининг марказларидан бири бўлган Шероз шаҳрида кўчирилган. Девонда жами 229 та шеър бор: 224 ғазал, 1 мустазод, 3 мухаммас ва 1 таржиъбанд. Бу мажмуадаги 224 ғазалдан 217 таси “Бадойиъ ул-бидоя”га ва фақат биттасигина “Наводир ун-ниҳоя”га ўтган. Девондаги 85% ғазал “Илк девон”да учрамайди. Бу ҳолат мазкур ғазалларнинг катта қисми 1466 йилдан кейинги 5 йил орасида (1471 йилгача) яратилганлигини кўрсатади. “Илк девон” шоирнинг 1466 йилгача ёзилган шеърлари ҳақида маълумот берса, “Оққуюнли мухлислар девони”дан шоирнинг асосан 30 ёшгача ёзилган шеърлари ўрин эгаллайди. Биз ушбу мақоламизда “Илк девон”дан “Оққуюнли мухлислар девони”га ўтган ғазаллар ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Девонлардаги ғазалларни қиёсан ўрганишимиз асносида уларнинг 40 дан ортиғи ҳар иккала девонда мавжуд эканлиги маълум бўлди. Бошқача қилиб айтганда, “Илк девон”даги 45 ғазал “Оққуюнли мухлислар девони”га ҳам ўтган. Лекин ғазаллар девондан девонга ўтиш жараёнида трансформация (турли шаклий ўзгаришлар)га учраган. Бу ўзгаришларни қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

- 1) сўзлар трансформацияси.
- 2) байт ёки мисралар трансформацияси.
- 3) қофия ёки радифлар трансформацияси.

Девонда сўзлар трансформацияси энг катта кўламни ташкил этиб, деярли барча ғазаллар учун ҳосилдир. Бу бевосита девон кўчирилган ҳудуд лексикаси билан боғлиқ. Оққуюнлилар салтанатининг асосий аҳолиси ўғуз турклари бўлгани учун мазкур кўлэзмада Алишер Навоий шеърлари ўғуз лаҳжасига мослаштирилиб кўчирилган. Масалан, *тут сўзи дут, бўлгон сўзи ўлан, қуёш сўзи гунаш, тош-дои, бер-вер, йиғлар-ағлар, бор-вор, эмас-эмаз, сарғариб-сараруб, йўқ-йўх* тарзида берилган ва ҳоказо⁷⁷.

Масалан:

77 Эркинов А. “Хиротдан Шероз томон: Алишер Навоий шеъриятининг Оққуюнлилар мухитида кўчирилган ноёб кўлэзмаси (876/1471 йил)” // ‘Alī Shīr Navā’ī. Dīvān of the Aq qoyunlu Admirers (1471). A. Erkinov (ed.). Tokyo: ILCAA, 2015, c.27-43; Эркинов А. Навоийнинг мухлислар томонидан тузилган бир девони // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012, № 1, 10-18 б; 2016, № 1. 19-25-б.

*Ер дутар кўнглимта гардундин жудо ўлан бало,
Жондадир девона кўнглимдин хато ўлан бало, -*
байтида 3 та сўз (дутар, кўнглимта, ўлан) тарансформацияга учраганини кузатиш мумкин. Ушбу байтни “Илк девон”даги ғазал матлаъси билан қиёсласак:

*Бу тугтар кўнглумда гардундин жудо бўлгон бало,
Жондадур девона кўнглумдин хато бўлгон бало*⁷⁸.

Байт ёки мисралар трансформацияси ҳам нисбатан кенг тарқалган бўлиб, бу кўпроқ байтларнинг ғазаллар таркибидан тушиб қолиши ёки мисра ва байтларнинг ўзаро ўрин алмашинишида кузатилади. Хусусан, “Илк девон”да 30-, “Оққуюнли мухлислар девони”да 11-ўринда келган ва

*Оразу холингни бир дам кўрмасам, эй дилрабо,
Уйладурменким кўрунмаз кўзума оқу қаро, -*

деб бошланувчи ғазал “Илк девон”да 9 байт, “Оққуюнли мухлислар девони”да эса икки байти қисқартирилган ҳолда, яъни 7 байт ҳажмида келади. Ғазалнинг 5-байти

*Бошинг ол, кет ўз пайи вақтингга, эй шайдо кўнгул,
Фарзи айн эрур яшарур кўзга солмоқ тўтиё.*

6-байти эса

*Неча оқғай кўз ёшим, еткур зуборин, эй насим,
Ким эмассен хаста жоннинг ҳеч дардига даво*

тарзида кўчирилган. Эътибор қаратилса, байтларнинг мазмунида мантиқ бузилган. Яъни шоир аввалги байтнинг биринчи мисрасида шайдо кўнгилга мурожаат қилиб, уни бош олиб кетишга чорлайди, иккинчи мисрада эса кўзга тўтиё солиш фарзи айн эканлигини айтади: мисралар орасида ўзаро боғлиқлик йўқ. Худди шундай ҳолат 6-байтда ҳам кўзга ташланади...

Аслида бу икки байтдаги жуфт мисраларнинг ўрни алмашган бўлиб, “Илк девон”да қуйидаги шаклда учрайди:

*Бошинг ол, кет ўз пайи вақтингга, эй шайдо кўнгул,
Ким эмассен хаста жоннинг ҳеч дардига даво.*

*Неча оқғай кўз ёшим, еткур зуборин, эй насим,
Фарзи айн эрур яшарур кўзга солмоқ тўтиё.*

Демак, айтиш мумкинки, “Оққуюнли мухлислар девони”ни кўчираётган котиб Анисий ёки ғазал байтларини ёддан (хотирдан, ўзи эслаб қолган шаклда) ёзган ёки унга ғазалларни кўчириш учун берган мухлислар шу шаклда котибга тақдим қилишган.

Девондаги ҳажми қисқартирилган ғазалларни ўрганиш жараёнида шу ҳолат аниқландики, аксарият ҳолларда мактаъдан олдинги байтлар қисқартирилган. Навоийшунос олимлар эътирофича, Навоий ғазалларининг семантик структураси учун хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири шундаки, шоирнинг аксарият ғазалларида мактаъдан олдинги байт мазмун ва услуб жиҳатидан бутун ғазал таркибидаги бошқа байтлардан ажралиб туради. Бундай байт, олдинги байтлардаги тасвир усулидан қатъи назар, иккинчи шахсга (мазмунан китобхонга ёки умуман барчага) қаратилган мурожаат, хитоб тарзидаги ўғит (баъзан киноя, таъна) ёки умумлашган ибратомуз хулосадан иборат бўлади. А. Ҳайитметов бундай байтларни “лирик чекиниш тарзидаги байтлар” деб атаган эди. Дарҳақиқат, уларнинг аксарияти ғазал структурасида муайян тарзда мустақилликка эга бўлиб, бошқа байтлар билан радиф ва қофия орқалигина боғланиб тургандек тасаввур қолдиради. “Оққуюнли мухлислар девони”да эса айнан мана шу руҳдаги байтларнинг қисқартирилганлиги кузатиладики, уларга бир нечта мисолларни келтириш мумкин. Масалан,

78 Бу ҳақда қаранг: Эркинов А. Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони // Ўзбек тили ва адабиёти, № 1. - Б.13.

*Умр елдек ўтмагин дебсен магар, эй боғбон,
Ким яқоши чоксиз гул бутмади бу боғ аро?
Ёки
Тортасен исён юкин, ҳам қил қадинг тоатгаким,
Юк оғир бўлса, рукуъ ул дам бўлур ночор анга.*

*Умр гафлат уйқуси бирла тиларсен, кеча, оҳ,
Кўз юмуб-очқунча кимнинг иътимоди бор анга?*

Бу ҳолатга бир неча сабабларни келтириш мумкин. Биринчидан, бундай байтларнинг ғазал таркибидан олиб ташланиши ёки тушириб қолдирилиши ғазалнинг умумий зоҳирий мазмунига таъсир кўрсатмагани учун котиб (ёки баъзан мухлислар) уларни қисқартирилган бўлиши мумкин. Ёки яна бир сабаб. Девондаги ғазалларнинг аксарияти ишқий мавзуда. Ошиқ мухлис учун ундаги маърифатомуз байтдан кўра ғазалнинг умумий мазмуни аҳамиятлироқ, шу сабабли котиб улардаги бундай байтларни қисқартирган ёки тушириб қолдирган. Ёки А.Эркиновнинг таъкидлашича, Анисий Султонали Машҳадий билан муайян маънода хаттотлик соҳасида рақобатчи бўлган ва ўзи кўчирган девоннинг машҳадлик мухлислар девонидан фарқли бўлишини хоҳлаган. Яна бир сабаб: “Илк девон” қўлёзмасининг ҳажми “Оққуюнли мухлислар девони” қўлёзмасидан икки ярим баравар катта, яъни “Оққуюнли мухлислар девони” бизга номаълум сабабларга кўра кичик ҳажмда кўчирилган ва натижада ғазаллар матни қисқарган бўлиши мумкин.

Баъзан “Оққуюнли мухлислар девони”га ўтган ғазалларда трансформация ғазалнинг сўнгги байти, яъни мақтаъда содир бўлишини кузатиш мумкин. Хусусан, “Илк девон”да 52-, “Оққуюнли мухлислар девони”да 25–ўринда келувчи ва

*Қошу кўзунгни мунажжим чунки кўрди бениқоб,
Деди: кўрким, қавс буржидин туғубтур офтоб,*

деб бошланувчи ғазалнинг мақтаъси “Илк девон”да куйидагича:

*Гар Навоийнинг куюк бағрида қондур, не ажаб,
Хомсўз ўлур ёлин узра тушуб куйган кабоб.*

“Оққуюнли мухлислар девони”да эса мақтаъ тубандаги шаклда келган:

*Юзу зулфингни дилар мискин Навоий субҳу шом
Ушбудур вирди анинг “валлоҳу аълам бис савоб”.*

Биз Навоий девонларининг замонавий нашрларида бундай мақтаъни учратмадик.

Девондаги ғазаллар билан танишиш жараёнида сўзлар трансформацияси ҳодисаси стабил эмаслиги диққатимизни тортди. Яъни сўзлар баъзи ўринларда ўғуз туркчасига мослаштирилган бўлса, баъзи байтларда Навоий тилига хос вариант сақланган. Масалан, девонда 28- ўринда келган ғазалнинг куйидаги байтида “куёш” сўзи трансформацияга учрамасдан, ўз холида қўлланилган:

*Хосса базмиким **куёш** жомин шафақ роҳи била
Элга тутқай хусрави анжумсипоҳи Жамжаноб.*

А.Эркиновнинг ёзишича, Оққуюнлилар салтанатида шеърят тили асосан форсий бўлган⁷⁹ ва са-

79 Байтда сўзлар трансформациясидан ташқари, байт мазмунига таъсир кўрсатиш билан боғлиқ ўзгариш ҳам кузатилади: дастлабки сўзлар “Илк девон”да “бу” ва “Оққуюнли мухлислар девони”да “ер”шаклида келган. Мазмунан олиб қараганда, “Оққуюнли мухлислар девони”даги вариант аслиятга яқин.

рой шоирлари аксарият ҳолларда ўз шеърларини форсий тилда битганлар. Ўғиз туркларининг адабий тили ҳали шаклланиб улгурмаган бир пайтда шеърят ихлосмандлари туркий тилдаги шеърларга эҳтиёжманд эдилар ва кўшни мамлакатда шеърлари шуҳрат тутган Навоий ғазаллари улар учун муайян маънода ана шу эҳтиёжни қондиришга хизмат қилган. Ўша даврнинг

Кишварий шеъри Навоий шеъридан аксик эмаз,

Бахтина душайди бир султон Хусайн Бойқаро, -

деб ёзган таниқли шоири Кишварий гарчи ўзини Алишер Навоийга тенглаштирган бўлса ҳам, лекин адабий тил ҳимояси учун Навоийдек хизмат қила олмаган. Шундай бир шароитда Навоий ғазалларини кўчирган хаттот уларни турлича шаклда (баъзан Навоий тилини сақлаган ҳолда, баъзан ўғиз туркчасига мослаштириб) кўчираверган ва натижада девон лексикасида ҳар хиллик вужудга келган.

“Оққуюнли мухлислар девони”да қофия ва радиф билан боғлиқ трансформациялар ҳам учрайди. Масалан, “Илк девон”даги “коф” (“гоф”) билан тугайдиган икки ғазал “Оққуюнли мухлислар девони”да “мим” ҳарфи билан тугайдиган ғазаллар сирасига киритилган. Хусусан, “Илк девон”да 217-ўринда келувчи ва

Тонг насимин сойир этган гулўзоримдур менинг,

Секритиб майдонга кирган шаҳсуворимдур менинг, —

деб бошланувчи ғазал “Оққуюнли мухлислар девони”да қуйидаги шаклда учрайди:

Донг насимин сойир эдан гулўзоримдир маним,

Секридуб майдонга қиран шаҳсуворимдир маним.

Худди шу фикрни “Оққуюнли мухлислар девони”даги 133-ўринда келган ғазалга нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Кўринадики, ушбу ғазалларда сўзлар трансформациясидан ташқари радифлар трансформацияси ҳам содир бўлган ва натижада ғазалларнинг девонлар таркибида тугалланувчи ҳарфлар билан боғлиқ ўрни ўзгарган.

Девонлардаги сўз ва байтлар билан боғлиқ трансформацияни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Т.р.	“Илк девон”даги ғазал матлаъси	“Оққуюнли мухлислар девони”даги ғазал матлаъси	Ҳажми (байт)		Саҳ.	
			ИД	ОД	ИД	ОД
1.	Бу тутар кўнглумда гардундин жудо бўлгон бало, Жондадур девона кўнглумдин хато бўлгон бало.	Ер дутар кўнглимта гардундин жудо ўлан бало, Жондадир девона кўнглимдин хато ўлан бало.	8	7	16а	3б
2.	Агарчи йўқ талабингдин даме қарор манга, Иродат эмгагидур бу, не ихтиёр манга?!	Агарчи йўх талабингдин даме қарор манга, Иродат эмгагидир бу, не ихтиёр манга?!	7	7	7а	4 б
3.	Оразу холингни бир дам кўрмасам, эй дилрабо, Уйладурменким кўрунмас кўзума оқу қаро.	Оразу холингни бир дам кўрмасам, эй дилрабо, Ийладурменким кўрунмаз кўзума оғ ва қаро.	11	9	13а	5а
4.	Неча кўнглум ёра бўлса, раҳм қилмас ёр анга, Неча бағрим тўлса қон, боқмас даме дилдор анга.	Неча кўнглум ёра ўлса, раҳм қилмас ёр анга, Неча бағрим дўлса қон, боқмас даме дилдор анга.	9	7	5б	5 б

5.	Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга, Ишкидин олам манга ҳайрону ман хайрон анга	Ул паривашким, ўлупмен зору саргардон анга, Ишкидин олам манга ҳайрону ман хайрон анга.	9	7	36	56-6 а
6.	Равшандурурки, меҳр юзунгдин олур сафо, Йўкса, не важҳ ила қамар андин топар зиё?	Равшандурурки, меҳр юзунгдин олур сафо, Йўкса, не важҳдин қамар андин топар зиё?	7	6	46	76
7.	Қошу кўзунгни мунажжим чунки кўрди бениқоб, Деди: кўрким, қавс буржидин туғубтур офтоб.	Қошу юзунгни мунажжим чунки кўрди бениқоб, Деди: кўрким, қавс буржидин дуғупдур офтоб.	7	7	21а	9 б
8.	Бовужудиким адам бўлдум ғамидин қайғуруб , Ҳеч оғзининг сўроғин лаълидин топмон сўруб.	Бовужудиким адам ўлдим ғамидин қойируб Ҳеч оғзининг сўроғин лаълидин (топмон) сўруб.	6	7	246	9 б
9.	Сен лабинг сўргон сойи мен қон ютармен, эй хабиб, Сен май ичгилким, менга хуни жигар бўлмиш насиб.	Сен дудоғинг сўриғоч мен қон ютармен, эй хабиб, Сен май ичгилким, менга хуни жигар ўлмиш насиб.	9	7	236	10 а
10.	Икки ўтлуғ нарғисингким қилдилар бағрим кабоб Биридур ʻайни хумор ичинда, бири масти хоб.	Икки ўдлу нарғисингким қилдилар бағрим кабоб Биридур ʻайни хумор ичинда, бири масти хоб.	9	7	206	10а- 10б
11.	Ваҳ, не қотилдур, келур ойини зулму кин солиб, Ошиқ ўлдурмак учун ҳар қошиға юз чин солиб.	Ваҳ, не қотилдур, келуб ойини зулму кин солуб, Ошиқ ўлдурмак учун ҳар қошиға юз чин солуб.	8	7	25а	10 б
12.	Юз сўзумдин бирига бермас жавоб ул нўшлаб, Оғзини йўктур десам, воқиьки, ҳеч эрмас ажаб.	Юз сўзумдин бирини вермаз жавоб ул нўшлаб, Оғзини йўхдур десам, воқиьки, ҳеч эрмас ажаб.	9	7	22а	11 а
13.	Ханжаринг жонимға етти кўкрагимга санчилиб , Новакинг ёнимға ўлтурди иёдатға келиб.	Ханжаринг жонимға етти кўкрагимга сончилиб , Новакинг ёнимға ўлтурди иёдат чун келиб.	9	7	256	11 а- 11б
14.	Ҳаво хуш эрдию илкимда бир қадах майи ноб. Ичар эдим вале ғамдин қадах-қадах хуноб.	Ҳаво хуш эрдию илкимда бир қадах майи ноб. Ўдор эдим вале ғамдин қадах-қадах хуноб.	8	7	216	11 б
15.	Кўз ёшим бўлди равон бир нарғиси жоду кўруб Тифл янглиғким югургай ҳар тараф оху кўруб.	Кўз ёшим ўлди равон бир нарғиси жоду кўруб Тифл нисбатким югургай ҳар тараф оху кўруб.	7	7	266	11 б- 12 а

16.	Чобукеким, ҳар тараф майдон аро айлар шитоб, Барки ломийдур саманди, гарди андоқким саҳоб.	Чобукеким, ҳар тараф майдон аро айлар шитоб, Барки ломийдур саманди, гарди андоқким саҳоб.	8	7	216	12 а
17.	Оҳким, ул ошно бегона бўлди оқибат, Ҳажридин беҳудлуғум афсона бўлди оқибат.	Оҳким, ул ошно бегона ўлди оқибат, Ҳажридин беҳудлуғум афсона ўлди оқибат.	8	7	336	12 б
18.	Тийра кулбамға кириб , жоно, ўлумдин бер нажот, Зулмат ичра Хизрға ул навъким оби ҳаёт.	Тийра кулбамға кируб , жоно, ўлумдин вер нажот, Зулмат ичра Хизра ул навъким оби ҳаёт.	7	7	34а-б	12 б
19.	Кўнглумни фиғор эттингу жонимда балодур, Билмон яна, эй сарв, бошингда не ҳаводур?	Кўнглумни фиғор эттингу жонимда балодур, Билман яна, эй сарв, бошингда не ҳаводур?	7	5	516	24 а
20.	Ишқим ортар хатти зоҳир бўлғали жононанинг, Шамъ дуди шуъласин афзун қилур парвонанинг.	Ишқим ортар хатти зоҳир ўлали жононанинг, Шамъ дуди шуъласин афзун қилур парвонанинг.	7	5	77а	30 б
21.	Коғаз уза қаламни фусунсоз қилмадинг, Бир рукъа бирла бизни сарафроз қилмадинг.	Коғаз уза қаламни фусунсоз қилмадинг, Бир рукъа бирла бизни сарофроз қилмадинг.	7	5	77б	32 а
22.	Не лутф эдики, мени нома бирла ёд эттинг, Не нома эрдик , ғамгин кўнгулни шод эттинг.	Не лутф эдики, мени нома ила ёд эттинг, Не нома эдики , ғамгин кўнгулни шод эттинг.	7	5	78б	32 а
23.	Неча жаврин тортайин ул сарви ҳуризоднинг? Йўқмудур поёни, оё, зулм ила бедоднинг?!	Неча бир жаври хасимул сарви ҳуризоднинг? Йўқмидир поёни, оё, зулм ила бедоднинг?!	9	7	79а	32 б
24.	Кўнгуллар қути ширин достонинг, Бағирлар қони лаъли дурфишонинг.	Кўнгуллар қути ширин достонинг, Боғирлар қони лаъли дурфишонинг.	7	5	79б-80а	32б-33 а
25.	Рафиқларни борин ёру муътамад қилдинг, Арода тек мени мардуд эдимки, рад қилдинг.	Рафиқларни ворин ёру муътамад қилдинг, Арода тек мени мардуд эдимки, рад қилдинг.	7	5	80а	33 а
26.	Қилди овора мени хастани овора кўнгул, Хонумонимни қаро этти юзи қора кўнгул.	Қилди овора мени хастани овора кўнгул, Хонумонимни қаро этти юзи қора кўнгул.	7	5	90а	34 а

27.	Ё раб, ул ой хуснин эл фаҳмиға номафҳум қил, Буйла мавжуд этмасанг, аввал мени маъдум қил.	Ё раб, ул ой хуснин эл фаҳмиға номафҳум қил, Буйла мавжуд этмасанг, аввал мени маъдум қил.	6	7	90б	34б-35 а
28.	Зулфини очмиш сабо, юзига чиқмиш тоби мул, Зулфу юзи аксидин тўниға тушмиш долугул.	Зулфини очмиш сабо, юзига чихмиш тоби мул, Зулфу юзи аксидин дўниға душмиш долугул.	7	5	91а-б	35 а-36 б
29.	Кўнглунг истар ёрлар бирла ҳамиша шод бўл, Мендину кимдинки кўнглунг истамас , озод бўл.	Кўнглинг истар ёрлар бирла ҳамиша шод ўл , Мендину кимдинки кўнглинг истамаз , озод ўл .	7	5	91б	35 б-36 а
30	Қоматингға ҳар замон юз жилва, эй зебо ниҳол, Нотавон кўнглумга ҳар бир жилвасидин ўзга ҳол.	Қоматингга ҳар замон юз жилва, эй зебо ниҳол, Нотавон кўнглумга ҳар бир жилвасидин ўзга ҳол.	7	5	91б-92а	36 а-36 б
31.	Эй кўнгул, хижрон тунидур, тортиб афғон йиғлағил , В-эй кўз, айрулгунгдур ул гулчехрадин, кон йиғлағил .	Эй кўнгул, хижрон қунидур, дортуб афғон ағлағил , В-эй кўз, айрилгунгдир ул гулчехрадин, кон йиғлағил .	6	5	98а	36 б-37 а
32.	Боғ мендек сорғориб , булбул менингдек бўлди лол, Гўйиё мундоғ эмиш бир гулдин айрилгонға ҳол.	Боғ мантак сороруб , булбул манимтак ўлди лол, Гўйиёким мундай эрмиш гулдин айрилгонға ҳол.	9	7	92а-б	37 а-
33.	Сарвинозим, йўк ажаб, гар рўзадин топмиш малол, Ким сув ичмасдан топар пажмурдалик нозик ниҳол.	Сарвинозим, йўх ажаб, гар рўзадин допмиш малол, Ким сув ичмасдан допар пажмурдалик нозик ниҳол.	7	7	92б	37 б
34.	Тонг насимин сойир этган гулзузоримдур менинг, Секритиб майдонға кирган шахсуворимдур менинг.	Донг насимин сойир эдан гулзузоримдир маним, Секридуб майдонға киран шахсиворимдир маним.	7	5	77а-б	38 а
35.	Ҳар кўнгул ороми чун бўлмиш дилоромим менинг, Ул сабабдин йўктурур кўнглумда оромим менинг.	Ҳар кўнгул ороми чун ўлмиш дилоромим маним, Ул сабабдин йўхдурур кўнглимда оромим маним.	7	7	78а-б	38 б
36.	Тун оқшом келдию келмас менинг шамъи шабистоним, Бу андух ўтидин ҳар дам куяр парвонадек жоним.	Дун охшом ўлдию келмаз маним шамъи шабистоним, Бу андух ўтидин ҳар дам куяр парвонадек жоним.	6	7	108а-б	39 а
37.	Лаълинг ғамидин дийдаи гирён била бордим , Кўрмай сени юз нолаву афғон била бордим .	Лаълинг ғамидин дийдаи гирён ила вордим , Кўрмай сени юз нолаву афғон ила вордим .	7	5	108б	44 а

38.	Кўнглум уйин ҳар нечаким, истасанг ғам топқасен , Доғи ҳажру ғуссайи бесабрлиг ҳам топқасен .	Кўнглум эвун ҳар нечаким, истасанг ғам допқасен , Доғи ҳажру ғуссайи бесабрлиг ҳам допқасен .	7	5	111а-б	45 б
39.	Васлингға етибон соғинурмен хаёл экин, Ҳолимни англамон манга, ё раб, не ҳол экин?	Васлингға етубон соғинурмен хаёл экин, Ҳолимни англаман манга, ё раб, не ҳол экин?	7	7	111б	46 б
40.	Ишқинг этагин жон илиги бирла тутубмен , Сен киргали ёдимға ўзумни уну- тубмен.	Ишқинг этагин жоним али бирла дутубмен , Сен киргали ёдима ўзумни уну- тубмен.	6	5	112а	46 б
41.	Ўлгумдурур чу фурқат ила иштиёқдин, Кел кутқар, эй ажал, мени ушбу фироқдин.	Чун ўлурам бу фурқат ила иштиёқдин, Кел кутқар, эй ажал, мени ушбу фироқдин.	7	5	112а-б	47 а
42.	Ғамингда ҳар кеча, эй гульузор, йиғлармен, Сахарға тегру чекиб интизор йиғлармен.	Ғамингда ҳар кеча, эй гульузор, йиғлармен, Донг отарға тегру чекиб интизор йиғлармен.	7	5	113а	47 а
43.	Эйким, танимға жон берасен ҳар тариқдин, Ўлсам не айру тушгуча сендек рафиқдин.	Эйким, танима жон веруранг ҳар тариқдин, Ўлсам не ойру душгуча сендек рафиқдин.	7	5	112б	47 б
44.	Фалак ситезасидин бўлма , сокиё, махзун, Қадах кетурки, эрур бесабот олами дун.	Фалак ситезасидин ўлма , сокиё, махзун, Қадах кетурки, эрур бесабот олами дун.	7	7	113а-б	48 б
45.	Ғам елидин, ё раб, ул гулга ғуборе бўлмасун , Балки онсиз даҳр боғида баҳоре бўлмасун .	Ғам елидин ул гула , ё раб, ғуборе ўлмасун , Балким онсиз даҳр боғида баҳоре ўлмасун.	7	5	113б	48 б

Юқоридаги мулоҳазалар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. “Илк девон”дан “Оққуюнли мухлислар девони”га ўтган ғазаллар Навоийнинг одатий ғазалларидан фарқ қилиб, кичикроқ ҳажмга эга: уларнинг энг кўпи “Оққуюнли мухлислар девони”да 9 байт, энг ками 5 байтни ташкил қилади.

2. “Оққуюнли мухлислар девони”нинг тартиб берувчиси асосан ихлосмандлардан иборат бўлганлиги учун (яъни муаллиф Навоийнинг ўзи ушбу ғазалларни бевосита таҳрирдан ўтказмагани учун) уларнинг матни кўп ўринларда трансформацияга учраган.

3. Навоий ғазаллари “Илк девон”дан “Оққуюнли мухлислар девони”га ўтган вақтида кўпроқ уларнинг мактаъдан аввалги байтлари қисқартирилган. Уларнинг мазмунига эътибор қаратилса, улар кўпроқ фалсафий моҳият ёки мавъиза руҳига эга. Бу ҳолат Оққуюнлилар салтанати мухлисларини кўпроқ ёшлар ташкил қилган, деган тахминга олиб келади.

4. Ғазалларни кўчирган хаттот уларнинг аксариятини ёддан ёзган ва натижада кўп ўринда байтлардаги мисралар ўрни алмашишига йўл қўйган.

5. Девонда мактаъ (тахаллус қўлланган байт) тушиб қолган ўринлар ҳам учрайди.
6. Баъзан сўзлар трансформацияга учрамасдан Навоийнинг асл тилида берилган, масалан **күёш**. Демак, хаттот баъзи ўринларда ўз тилига мослаштиришни унутган ёки шунчаки қолдирган бўлиши мумкин.

Биз ушбу мақоламизда Алишер Навоийнинг мухлислар томонидан Машҳадда тартиб берилган девонидаги баъзи ғазалларнинг “Оққуюнли мухлислар девони”га ўтиши билан боғлиқ жиҳатларга умумий ҳолатда тўхталиб ўтдик, холос. Мухлислар тузган девонларнинг матн хусусиятларини тадқиқ қилиш, улардаги барча шеърларнинг трансформациясини шоирнинг ўзи тузган расмий девонларидаги шеърлар билан ҳам қиёслаш навоийшуносликнинг галдаги вазифаларидандир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Илк девон. 1466 йил кўчирилган қўлёзманинг факсимил нашри (Нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон). – Т.: Фан, 1968.
2. Алишер Навоий. Оққуюнли мухлислар девони. 1471 йилда кўчирилган қўлёзманинг факсимил нашри (Нашрга тайёрловчи А.Эркинов / Ali Shir Navai. Divan of the Aq qoyunli Admirers (1471). Tokyo, 2015.
3. Алишер Навоий: қомусий луғат. 1–2-жилдлар /Масъул муҳаррир Ш.Сироҷиддинов. – Т.: Шарқ, 2016.
4. Исоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси: Филол. фан. номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссерт. – Т., 1963.
5. Эркинов А. Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: Фан, 2012. – № 1.
6. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Н.Жумаҳўжа, масъул муҳаррир А.П.Қаюмов. – Т.: O'zbekiston, 2015. – 328 б.

ОҒАҲ СИРРИ ЛЕВЕНД – АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ ФЕХРЕСТНАВИСИ

Ойсара МАДАЛИЕВА
*(ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти)*

Ушбу мақолада навоийшунос олим Оғаҳ Сирри Левенд(1897–1978) томонидан 1958 йилда яратилган Навоий асарлари каталоги ҳақида сўз боради⁸⁰. Каталог уч қисм – сўзбоши, тавсиф ва хулосадан иборатдир. Таъкидлаш жоизки, Алишер Навоий ижоди Усмонли турклар адабиёти аҳли ва тадқиқотчиларининг доимий эътибор марказида бўлиб келган. Шунингдек, Оғаҳ Сирри Левенд Алишер Навоий асарларининг феҳрестнависигина эмас, шоир асарларининг тадқиқотчиси сифатида ҳам навоийшуносликка ҳисса қўшган⁸¹.

80 Эркинов С. Таникли навоийшунос турк олими [Оғаҳ Сирри Левенд ҳақида]// Ўзбек тили ва адабиёти. 1991, №4, 79-82-б. 81 қ.: Togan A.Z.V. “Ali Şir”// Islam ansiklopedisi.3 cilt. İstanbul: Maarif matbası, 1940, s. 349-357; Sertkaya O. “Osmanlı Şairlerinde Ali Şir Nevâî Tarzı ve Nevâî’ye Anadolu’da yazılan Nazireler” // 560. Doğum, 500. Ölüm Yıldönümlerini Anma Toplantısı Bildirileri (24-25 Eylül 2001). Ankara, 2004; Nagieva Dj. Azerbaycanda Navai. Baku: Elm, 2001; Мухиддинов М. Нурли калблар гулшани. Тошкент: Фан, 2007; Kleinmichel S. Mîr Alîşêr Navâ’î und Ahmed Paşa. ArchivumOttomanicum. №17 (1999), p.77–211; 2006, Kleinmichel S. «Ali Şir Nevayî ve Osmanlı şairler» // Turk edebiyatı tarihi, Vol. 1. İstanbul, 2006, pp.683-691; Четиндоғ Ю. Алишер Навоий ва усмонли шеърляти. Н.Ҳасан, Р.Рўзмонова таржимаси. Тошкент: “Muharrir”, 2011; Рўзмонова Р. Алишер Навоий анъаналарининг усмонли турк шеърлятига таъсири (Аҳмад Пошо ва Сайди Али Раис Котибий ижоди мисолида). Филология фанлари номзоди диссертацияси. Самарқанд, 2011; Аҳмад Пошо. Девон. Р.Рўзмонова нашри. Тошкент, 2011;

Кўлэзма фондларида сақланаётган ҳали тавсиф қилинмаган манбаларнинг тўлиқ, батафсил, ёйиқ, илмий тавсифларини яратиш, бу борадаги ишларни жадаллаштириш матншуносликнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир. Бусиз матншунослик фани ҳатто энг мақбул истиқболли методлар нақд бўлиб турса-да, ривожлана олмайди⁸². 1958 йилда нашр қилиниб, Туркия кўлэзма фондларидаги жуда кўп манбаларни илмий муомалага киритиб берган Оғах Сирри Левенднинг “Türkiye kitaplıklarındaki Nevai Yazmaları”⁸³ каталоги матншуносликнинг юқорида таъкидланган вазифасини муваффақиятли даражада бажарди.

Муаллиф каталог сўзбошида шундай ёзади: “Туркий тилни Туркия туркчасидан ва туркий адабиётни Жануби-ғарбий адабиёт маҳсулидан иборат деб ҳисобловчилар буюк туркийнавис шоир Алишер Навоийни кўп ҳам тилга олмайдилар. Ваҳоланки, Алишер Навоий бир бутун ҳолда қабул қилиш лозим бўлган туркий адабиётнинг тамал тошларидан бири ва энг муҳимидир”⁸⁴. Шундан сўнг олим ўзининг бу борадаги эътирозларини ўртага қўяди. Жумладан, туркий адабиётда илк “Хамса” сифатида унинг беш маснавийсидан жамланган асар бугун қўлимизда мавжуддир. Булар тадқиқ қилинмасдан туриб, адабиётимизда маснавий жанрининг ривожланиши маълум бўладими? “Мажолису-н-нафоис” туркийда биринчи ёзилган шоирлар тазкираси сифатида манбаларнинг энг тўридан жой олади. Бу асарни ўрганмасдан туриб, XV аср адабий муҳити ҳақида айтилган ҳукм аниқ ва тўғри бўла оладими? “Муҳокамату-л-луғатайн” эса туркий тилнинг озодлигига қўйилган ёдгорликдир. Бугун ушбу асарни тилдаги миллатсеварликнинг бир байроғи сифатида олиб юрибмиз⁸⁵. Ушбу фикрлар, бир томондан, Оғах Сирри Левенднинг Алишер Навоий ижодига бўлган чексиз муҳаббатини билдирса, иккинчи ёқдан, олимнинг туркий тил ва адабиёт тарихига бефарқ эмаслигини исботлайди.

Шунингдек, сўзбошида Навоий асарларининг рўйхати ҳам келтирилган. Оғах Сирри Левенд ушбу рўйхатни қайси манбаларга таяниб тузганини аниқ ёзмайди, Навоийнинг ўз маълумотлари ва мавжуд асарларга таянган ҳолда тузилди, деб изоҳлайди. Рўйхатдан жой олган асарлар ёзилиш тарихига хронологик тарзда қуйидагича туркумлаштирилган, улар жами 31 тани ташкил этади⁸⁶.

Девонлари: “Бадойиъу-л-бидоя” ва дебочаси (873/1465-887/1482 й.), “Наводиру-н-нихоя”, “Ҳазойину-л-маоний” (904/1498-1499 й.) таркибига кирувчи тўрт девон – “Ғаройибу-с-сиғар”, “Наводиру-ш-шабоб”, “Бадойиъу-л-васат”, “Фавойиду-л-кибар”, “Форсча девон” (“Девони Фоний”) (Бошланишида илова қилинган дебоча ва қасидалар билан бирга, 902/1496 й.).

“Хамса” достонлари: “Ҳайрату-л-аброр” (888/1483 й.), “Фарход ва Ширин” (889/1484 й.), “Мажнун ва Лайли”⁸⁷ (889/1484 й.), “Сабъаи сайёра” (889/1484 – 890/1485 йй.) ва “Садди Искандарий” (889/1484 – 890/1485 йй.).

Девонлар ва “Хамса” дан ташқари бошқа асарлари:

“Чил ҳадис” (886/1481-1482 й.), “Вақфия” (886/1481-1482 й.), “Назму-л-жавохир” (890/1485 й.), “Тарихи анбиё ва ҳукамо” (890/1485 й.), “Тарихи мулуки ажам” (890/1485 й.), “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер” (896/1490-1491 й.), “Мажолису-н-нафоис” (897/1491-1492 й.), “Муншаот” (897/1491-1492 й.), “Рисолайи муаммо” (Форсийда ёзилган бу асарнинг тарихи номаълум, Жомийга тақдим қилингани учун 898/1492 йилдан аввал ёзилган.), “Хамсату-л-мутаҳаййирин” (898/1492 йилдан кейин), “Мезону-л-авзон” (898/1492 йилдан кейин), “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” (900/1494-1495 й.), “Насойиму-л-муҳаббат” (901/1495-1496 й.), “Лисону-т-тайр” (904/1498-1499 й.), “Муҳокамату-л-луғатайн” (905/1499), “Сирожу-л-муслимин” (905/1499-1500), “Маҳбубу-л-қулуб” (906/1500-1501 й.), “Муножот” (Куллиёт

Эркинов А. “Алишер Навоий асарларининг усмонли турклар маданий муҳитида тутган ўрни (манбашунослик материаллари асосида)” // Навоий ижоди ва қиёсий таҳлил масалари (илмий мақолалар тўплами) / Масъул муҳаррир М.Муҳиддинов. Тошкент: “Тамaddon”, 2017, 55-65.

82 к.: Levend A.S. Alişir Nevai. I-IV cilt. Ankara: Türk tarih kurumu basimevi, 1965–1966.

83 Лихачев Д.С. Текстология. Москва – Ленинград. Издательство академии наук СССР, 1962. -С. 26.

84 Levend A.S. “Türkiyekitaphklarındaki Nevai Yazmaları” // Türkdiliaraştırmalarıyillığı. Belleten. Ankara, 1958, ss.127-209.

85 Ўша асар, -Б.127.

86 Ўша асар, ўша бет.

87 Қуйида келтирилган Алишер Навоий асарларининг яратилишига доир саналар Оғах Сирри Левенд томонидан кўрсатилган.

нусхаларнинг бошидан жой олган бу асарнинг қачон ёзилгани номаълум), “Муншаот” (Форсий, қачон тўплангани номаълум).

Навоийшунос олим Ҳ. Сулаймонов (1910-1979) томонидан 1963 йилда эълон қилинган Алишер Навоий асарлари рўйхатида жами 32 асар номи қайд этилган⁸⁸. Ҳ. Сулаймонов ушбу рўйхатни “Муҳокамату-л-луғатайн”, “Макориму-л-ахлоқ”, “Абушқа”, шунингдек, 808 ва 4056 рақамлари билан Туркияда сақланувчи икки қуллийёт асосида тузганини таъкидлайди. Олим ўзига қадар Олим Шарафутдинов, Волин, Бертельс, Абдурахмон Саъдий ва Огаҳ Сирри Левендлар Навоий асарлари рўйхатини тузганини эътироф этади. У Огаҳ Сирри Левенд рўйхати ҳақида тўхталиб, бу рўйхатда “Тарихи анбиё” тушиб қолган деб айтади. Аммо Огаҳ Сирри Левенд рўйхатида “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асари номи келтирилган бўлиб, олим бу асарни 890/1485 йилдан кейин кўчирилган, деб тахмин қилади. Ҳ. Сулаймонов рўйхатида келтирилган, аммо Огаҳ Сирри Левендда қайд этилмаган асар эса “Фусули арбаа”дир. Шунингдек, Ҳ. Сулаймонов Огаҳ Сирри Левенддан фарқли равишда асарларнинг ёзилиш тарихинигина эмас (баъзан тахминий), уларнинг ҳажмини ва юқорида тилга олинган манбаларда қайд этилган ёки этилмаганини ҳам кўрсатиб боради⁸⁹.

Ушбу каталогда Навоий асарларининг Туркиянинг турли қўлёзма фондлари ва кутубхоналарида сақланаётган жами 93 та қўлёзмаси илмий тавсиф қилинган. Муҳими шундаки, феҳрестнавис ҳар бир манбани монографик тавсиф қилган ва улар қамрови жиҳатидан илмий мақолага тенг туради⁹⁰. Каталогда келтирилишича, ушбу асарлар қуйидагилардир:

КУЛЛИЁТ

№/р	Сақланиш жойи ва ашё рақами	Кўчирилиш даври	Қотиби
1	Тўпқопи, Реван: 808	901/1496 й.	Дарвеш Муҳаммад Токий
2	Сулаймония, Фотиҳ: 4056	-	-

КУЛЛИЁТЛАР ТАРҚИБИДАГИ ДЕВОНЛАРНИНГ НУСХАЛАРИ

№/р	Сақланиш жойи ва ашё рақами	Кўчирилиш даври	Қотиби
1 ^р	Тўпқопи, Реван: 807	932/1526 й.	Нишотий
2	Истанбул университети кутубхонаси: 5452 (музейда)	1232/1817 й.	Абду-л-мунзиб Мир Али
3	Истанбул университети кутубхонаси: 2001	1252/1836 й.	Нияз Муҳаммад валади
4	Сулаймония, Фотиҳ: 3886	-	Аваз Муҳаммад
5	Кўния умумий кутубхонаси: 6623	-	-

“ҒАРОЙИБУ-С-СИҒАР”

№/р	Сақланиш жойи ва ашё рақами	Кўчирилиш даври	Қотиби
1 ^р	Турк – ислом музейи: 1946	943/1536 й.	Миралӣйу-л-Бухорий
2	Турк – ислом музейи: 2065	-	-
3	Тўпқопи, Реван: 802	-	-
4	Тўпқопи, Реван: 803	939/1532 й.	Чалабийу-л-Кайиний
5	Тўпқопи, Реван: 804	-	-
6	Тўпқопи, Реван: 806	940/1533 й.	Шайх Муҳаммад ибн Дўст
7	Тўпқопи, Реван: 895	-	Муҳаммад Самарқандий
8	Тўпқопи, Реван: 983	-	-
9	Истанбул университети кутубхонаси: 5470 (музейда)	-	Султоналийу-л-Кайиний
10	Сулаймония кутубхонаси: Фотиҳ: 3887	-	-
11	Сулаймония кутубхонаси, Лала Исмоил: 496	972/1564 й.	-
12	Сулаймония кутубхонаси, Абдуллоҳ: 295	-	-
13	Аёсўфия кутубхонаси: 3981	958/1551 й.	Султон Али ал-Машҳадий
14	Нуруосмония кутубхонаси: 3880	956/1549 й.	-
15	Нуруосмония кутубхонаси: 3881	-	-
16	Миллат кутубхонаси, Амирий, манзум: 465	-	-

88 Достон номини муаллиф шундай келтирган, “Лайли ва Мажнун” эмас. Ўша асар, 129-бет.

89 Сулаймонов Ҳ. Навоий асарларининг манбаълари ва нашри ҳақида // Алишер Навоий. Асарлар: I том. Тошкент, 1963. 37-45-бетлар.

90 Ўша мақола, 36-37-бетлар.

17	Миллат кутубхонаси, Амирий, манзум: 466	982/1574 й.	Али ибн Муртазо ибн Мухаммад
18	Кўния, Кўюнўғли кутубхонаси: -	-	-
19	Кўния, Кўюнўғли кутубхонаси: -	-	-

“НАВОДИРУ-Ш-ШАБОБ”

т/1 ^p	Сақланиш жойи ва ашё рақами Тўпқопи, Реван: 805	Кўчирилиш даври 910/1504 й.	Котиби -
------------------	--	--------------------------------	-------------

“БАДОЙИБУ-Л-ВАСАТ”

т/1 ^p	Сақланиш ери ва ашё рақами Аёсўфия кутубхонаси: 3980	Кўчирилиш даври 957/1550 й.	Котиби Маҳмуд котиб
2	О.С. Левендинг шахсий кутубхонаси: -	-	-

“ФАВОЙИДУ-Л-КИБАР”

т/1 ^p	Сақланиш жойи ва ашё рақами Истанбул университети кутубхонаси: 1565	Кўчирилиш даври 947/1540 й.	Котиби Жамшид
2	Истанбул университети кутубхонаси: 2794	1043/1633 й.	Хусайн ибн Ҳайдар ал-Хусайний Журжоний

ТЕРМА ДЕВОНЛАР

т/1 ^p	Сақланиш жойи ва ашё рақами Истанбул университети кутубхонаси: 242	Кўчирилиш даври 981/1573 й.	Котиби Ашҳаруллоҳ
2	Истанбул университети кутубхонаси: 3399	-	-
3	Истанбул университети кутубхонаси: 3699	-	-
4	Истанбул университети кутубхонаси: 5468	-	-
5	Истанбул университети кутубхонаси: 5669	930/1524 й.	Олоуддин Мухаммад
6	Боязид кутубхонаси: 5691	961/1554 й.	Олимуддин ибн Шайх
7	Боязид кутубхонаси: 5757	-	Аҳмад ал-Ахсикентий
8	Сулаймония кутубхонаси, Боғдодлик Ваҳбий, 1699	-	Сайид Хусайн ал-Хусайний
9	Нуруусмония кутубхонаси: 3975	-	-
10	Нуруусмония кутубхонаси: 3999	-	-
11	Нуруусмония кутубхонаси: 4970	-	-
12	Миллат кутубхонаси, Ҳакимўғли Али: 640	-	-
13	Ускудар, Салим оға кутубхонаси, Каманкеш: 454	-	-
14	Кўния, Музей ихтисос кутубхонаси, 2423	-	-
15	Истанбул, Фаҳри билга кутубхонаси: -	886/1481 й.	-

ФОРСЧА ДЕВОН

т/1 ^p	Сақланиш жойи ва ашё рақами Турк – ислом музейи: 1952	Кўчирилиш даври -	Котиби -
2	Нуруусмония кутубхонаси: 3850	999/1591 й	Камол ибн Маҳмуд

“ХАМСА”

т/1 ^p	Сақланиш жойи ва ашё рақами Тўпқопи, Реван: 809	Кўчирилиш даври -	Котиби -
2	Тўпқопи, Реван: 810	900/1495 й.	Султон Али ал-Машҳадий
3	Тўпқопи, Хазина: 802	937/1530 й.	Пираҳмад ибн Искан-дар
4	Истанбул университети кутубхонаси: 5451	-	Мир Исмоил Асрушоний
5	Сулаймония, Фотих: 3754	-	-
6	Сулаймония, Фотих: 3755	895/1490 й.	-
7	Сулаймония, Асад: 2578	1093/1682 й.	Мухаммад Али ибн Мухаммад Ҳасан

8	Аёсўфия кутубхонаси: 3854	-	-
9	Кўния, умумий кутубхона: 6627	1244/1828 й.	-

“ХАМСА” дан⁹¹

1 ^p	Сақланиш жойи ва ашё рақами Истанбул университети кутубхонаси: 1191	Кўчирилиш даври -	Котиби -
2	Истанбул университети кутубхонаси: 3230	-	-

“ҲАЙРАТУ-Л-АБРОР”

1 ^p	Сақланиш жойи ва ашё рақами Сулаймония кутубхонаси, Шоҳид Али: 2156	Кўчирилиш даври 963/1556 й.	Котиби Илмий
2	Аёсўфия кутубхонаси: 4334	903/1498 й.	Султон Муҳаммад
3	Амасия, Боязид кутубхонаси: 550/2	1155/1742 й.	Хандон Олоуддин валади
4	Истанбул университети кутубхонаси: 2794	1044/1634 й.	Сўхбаткули Карамон- ди Ҳусайн ибн Ҳайдар ал-Ҳусайний Журжон- ний

“САБЪАИ САЙЁР”

1 ^p	Сақланиш жойи ва ашё рақами Истанбул университети кутубхонаси: 1409	Кўчирилиш даври -	Котиби -
----------------	--	----------------------	-------------

“АСАРЛАР МАЖМУАСИ”

1 ^p	Сақланиш жойи ва ашё рақами Истанбул университети кутубхонаси: 4149	Кўчирилиш даври 1291/1874 – 1295/1878 йй.	Котиби Муҳаммад Юнус Шаҳрисабзий
----------------	--	---	--

“АРБАИН”

1 ^p	Сақланиш жойи ва ашё рақами Сулаймония кутубхонаси, Асад: 1441/2	Кўчирилиш даври -	Котиби -
2	Сулаймония кутубхонаси, Фотих: 3886	-	-
3	Сулаймония кутубхонаси, Ашир: 41	-	-
4	Аёсўфия кутубхонаси: 3981	958/1551 й.	Султон Али ал-
5	Нуруосмония кутубхонаси: 4968	-	Машҳадий Қосим Али
6	Миллат кутубхонаси, Амирий, манзум: 807	-	-

“НАЗМУ-Л-ЖАВОҲИР”

1 ^p	Сақланиш жойи ва ашё рақами Сулаймония кутубхонаси, Қилич Али: 800/1	Кўчирилиш даври 932/1526 й.	Котиби Пираҳмад ибн Искан- дар
2	Аёсўфия кутубхонаси: 4334	903/1498 й.	Султон Муҳаммад Хандон

“СИРОЖУ-Л-МУСЛИМИН”

1 ^p	Сақланиш жойи ва ашё рақами Сулаймония кутубхонаси, Шоҳид Али: 1634	Кўчирилиш даври -	Котиби Ҳожи Муҳаммад
----------------	--	----------------------	-------------------------

91 Ушбу ном остида тавсиф килинган 1191-рақамли қўлёзма таркиби: “Ҳайрату-л-аброр” (1⁶-45^a), “Фарҳод ва Ширин” (46⁶-116^a), “Мажнун ва Лайли” (117⁶-160⁶); 3230-рақамли қўлёзманинг таркиби: “Мажнун ва Лайли” (16-51a), “Саъбаи сайёр” (536-1206) каби “Хамса” дostonларидан иборат.

“МАЖОЛИСУ-Н-НАФОИС”

№	Сақланиш жойи ва ашё рақами	Кўчирилиш даври	Котиби
1 ^p	Истанбул архиология музейи кутубхонаси: 178	-	-
2	Истанбул университети кутубхонаси: 841	942/1535 й.	Бурхон ибн Зайнул Ҳавофий
3	Сулаймония кутубхонаси, Фотих: 4065	-	-
4	Сулаймония кутубхонаси, Асад: 1675	-	-
5	Сулаймония кутубхонаси, Қилич Али: 800/2	932/1526 й.	Пирахмад ибн Искан- дар
6	Боязид кутубхонаси, Валийиддин: 2661	-	-
7	Аёсўфия кутубхонаси: 2045	948/1541 й.	Муҳаммад ибн хожи Маҳмуд
8	Миллат кутубхонаси: Амирий, Тарих: 779/1	-	-
9	Миллат кутубхонаси, Амирий, Гаруллох: 1573	934/1528 й.	-
10	Анқара давлат кутубхонаси, Исмоил Соиб: 1/2286	962/1555 й.	-
11	Анқара умумий кутубхонаси: 634	-	-

“МАҲБУБУ-Л-ҚУЛУБ”

№	Сақланиш жойи ва ашё рақами	Кўчирилиш даври	Котиби
1 ^p	Истанбул университети кутубхонаси: 5757	977/1569 й.	Дарвеш Хусайн ар- Румий
2	Сулаймония кутубхонаси, Асад: 1700	-	-
3	Сулаймония кутубхонаси, Лала Исмоил: 251	-	-
4	Сулаймония кутубхонаси, Лала Исмоил: 252	966/1559 й.	Мусо Самарқандий

“ҲАМСАТУ-Л-МУТАҲАЙЙИРИН”

№	Сақланиш жойи ва ашё рақами	Кўчирилиш даври	Котиби
1 ^p	Миллат кутубхонаси, Амирий, Тарих: 779/2	-	-

“ВАҚФИЯ”

№	Сақланиш жойи ва ашё рақами	Кўчирилиш даври	Котиби
1 ^p	Сулаймония кутубхонаси, Фотих: 3886	-	-
2	Миллат кутубхонаси, Амирий, Тарих: 779/3	-	-
3	Миллат кутубхонаси, Ҳақимўғли Али: 640	-	-

Каталогдаги тавсифлар қуйидаги мезонлар асосида ёзилган:

асар номи, сақланиш ери, ашё рақами, муқоваси, муқованинг бичими, қоғози, хат тури, матннинг ўлчами, матннинг неча устунда берилгани, матннинг сатри, матн кўчирилган сиёҳ ранглари, ҳар бир асар ёки жанрнинг бошланиши ва якуни (араб алифбосида), муҳри, қўлёзма қайси даврда қайси подшоҳ саройида сақлангани (муҳрдаги ёзувлар асосида), қўлёзманинг ҳажми, қўлёзманинг кўчирилиш тарихи, кўчирилган ери, колофон матни, таркиби (масалан, девонларда қайси жанрдаги шеърларнинг мавжудлиги, хаттоғазалларнинг алифбо тартибида яқунланишига кўра сони), котиби ва китобат санъатига оид маълумотлар (қўлёзмада миниатюра ва бошқа безакларнинг мавжудлиги).

Каталогнинг хулоса қисмида келтирилган маълумотлар тадқиқотчининг эътиборини ўзига тортади. Унда тавсиф қилинган асарларнинг сақланиш ери рўйхати, қўлёзмаларнинг асар номига кўра кўрсаткичи, Навоийнинг қайси асарлари Туркиянинг муаллиф тадқиқот ўтказган кутубхоналарида алоҳида нусха сифатида мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотлар берилган. Навоийшунос олим, шунингдек, бир асарнинг кўплаб нусхалари орасидаги фарқлар ҳақида шундай ёзади:

а) ҳар икки куллийёт таркибибир хил, девонлардаги ғазаллар сони ва “Мажолисун-нафоис”даги шоирлар сони фарқланиди, холос. “Маҳбубу-л-қулуб”, девонлар учун ёзилган сўнгги дебеча ва форсча асарлари – бир девон, бир мушаот, бир муаммо рисоласи – куллийётда учрамайди;

б) “Хазойину-л-маоний” нусхалари бир-биридан фарқланади. Жумладан, 5254 ва 6623 рақамли қўлёзмаларда тўрт девон кетма-кет келади. 807, 2001 ва 3886 рақамли нусхаларда эса тўрт девондаги барча шеърлар алифбо тизимида аралаш ҳолда келади;

в) девонлардаги ғазаллар сони турли хил;

г) девонларда шеърларнинг “адашиб” қолиши, масалан, ҳар девонда биттадан мустаъзод бўлишига қарамай, баъзи нусхаларда бир девон таркибида икки мустаъзод келади;

д) “Ашрақат...” билан бошланганига қарамай, “Ғаройибу-с-сиғар” таркибида учрамайдиган шеърлар келади. Масалан, шоирнинг муаммолари иккинчи, луғуз ва туюқлари учинчи, фардлари тўртинчи девон таркибига киритилган бўлсада, баъзан улар “Ғаройибу-с-сиғар” девони нусхаларида ҳам келади;

е) терма девонлар турли дид асосида тузилгани учун, шубҳасиз, фарқлидир;

ё) “Мажолисун-нафоис”да шоирлар сони ҳар хил нусхада турлича;

ж) “Хамса” ва бошқа асарларнинг нусхалари эса, баъзи байтлардаги имло билан боғлиқ фарқларни ҳисобга олмаса, деярли бир хил⁹².

Ушбу каталогдаги тавсифлар навоийшуносликдаги илк қадамлардан бўлишига қарамай, кенг қамровлиги, мукамаллиги билан афзалдир. Ундаги тавсифлардан анлашиладики, тузувчи ҳар бир қўлёзма асарнинг таркибини жиддий ўрганиб чиққан.

Яна бир жиҳати, ушбу каталог Туркиянинг деярли барча фондлари ва кутубхоналарида, ҳатто шахсий кутубхоналарда сақланаётган Алишер Навоийнинг қўлёзма асарлари тавсифини қамраб олган.

Каталогда келтирилган қўлёзма асарларнинг қайси ҳукмдор саройида сақлангани ҳақидаги маълумотлар эса маданий-маърифий аълоқаларнинг тарихини баён этади.

Огаҳ Сирри Левенд томонидан тузилган мазкур каталог ўтган асрда фақат собиқ Иттифок, хусусан, юртимиздагина эмас, бутун дунё шарқшунослигида Алишер Навоий ижодига бўлган эътиборнинг юксаклигидан дарак беради.

Ушбу каталогни ўзбек тилига таржима қилиш – навбатдаги вазифамиз.

“НАСОЙИМ УЛ-МУҲАББАТ”ДА МУРШИД ОБРАЗИ

Зулайхо РАҲМОНОВА

*(ЎзР ФА Ўзбек тили,
адабиёти ва фольклори институти)*

Тазкирачилик анъанасида, айниқса, валийлар ҳаётига бағишланган тазкираларда тасаввуф таълимотининг энг нозик жиҳатлари, тариқатлардаги таълим-тарбия усуллари, мазкур таълимотнинг сир ва пардалари ҳамиша эътиборда бўлган. Валийлар шахсиятига, уларнинг ҳол ва мақомларига оид энг инжа, энг муҳим жиҳатлар қаламга олинган. Мутафаккир Навоий ҳам нақшбандия тариқатининг буюк пирларидан бўлмиш Жомий ҳазратларининг тарбиятида бўлган бир шахсият нигоҳи ила авлиёлар ҳаёти ҳақида сўз юритиб, “Насойим ул-муҳаббат”да муршид образини шундай гавдалантиради: “Ва чун Ҳазрат с.а.в. анбиёнинг хотими эрди ва андин сўнгра нубувват эшиги боғланди. Ҳар ойинаким ноқислар такмилиғига умматининг комилу уламоларини номвар эттики, бурунғи анбиё ўрнига уҳда қилғайлар ва йўлдан чиқғонларга йўл кўргузғайларки, (умматим уламози Бани Исроил олимлари кабидир. Ва яна – уламо пайғамбарлар ворисидир)... Бу тоифаким, валоятю каромат ахлидурлар ва

92 Levend A.S. “Türkiyekitaplıklarındaki NevaiYazmaları” // Türkdiliarastırmalarıyillığı.Belleten. Ankara, 1958, -S.208-209.

халойикқа иршоду уҳда килурлар, муборак зотларининг барокоти бу миллат аҳли бошидин кам бўлмагай”.⁹³ Муршид бир силсила билан Муҳаммад с.а.в.га боғланган кишидир. Шу боис муршид, пир, шайх, бобо, ходий, раҳбар, ҳаким, хозик, куловуз каби истилоҳлар билан келувчи Устоз, бир сўз билан айтганда, Расули акрамнинг халифаси дейилган. Муршиднинг ҳар бир сабоғи Муҳаммад с.а.в. суннатига мувофиқ бўлиши лозим. Тазкирада маълум бир валий ҳаёти ҳақида маълумот берилар экан, аввало, унинг устозлари хотирланади ёхуд баъзи валийларнинг муршид ва мусохиблари айтилади холос. Шу билан унинг маънавий даражаси белгиланади. Масалан, “Абу Хозим Маккий қ.т.с. Ҳасан Басрийнинг шогирдидир ва кўп машойих суҳбатига етубдур”, “Абу Муҳаммад Ҳаддод қ.т.р. Абу Ҳафснинг муридларидандур”, “Хусайний саййиддур ва Тирмиздан эрди ва шайх Боҳовуддин Валад қ.с.нинг асхоби ва муридларидандур” ва х.к. “Авориф ул-маориф” асарида Ш. Сухравардий ҳазратларининг шундай иқролари келади: “Муршидлик рутбаси сўфийлар йўлида рутбаларнинг энг юксаги ва Аллоҳга даъватда пайғамбар вакилидир”.⁹⁴ Аёнки, ўзлигини англашга уринаётган инсон қалбининг хотиржамлигини устоз тарбиясисиз тасаввур қилиш қийин. Албатта, аҳли тасаввуф муршидсиз йўлга чиқиш – бу нотаниш, таҳликали йўлчиликда нафақат хатарли, балки хато эканини кўп бора таъкидлашган. Аллоҳнинг хазинаси ҳисобланган Қалб риёзатида маънавий хасталикларни даволовчи табиб – муршиди комилга эҳтиёж, қоронғуликда бир нурга эҳтиёж кабидир. Чунки комил муршид бу йўлларда юрган, унинг паст-у баландини кўрган, бу йўлдаги нафс қароқчилари билан ўз маърифати орқали курашиб, ҳол ва мақом завқларини ҳис этиб, манзилга етган кишидир. Шу боис у билан кечган сайру сулук хавфсизроқ, осонроқ, энг муҳими манзилга етмоқ ишончлироқ бўлади. Шунинг учун бир муршид қўл остида тарбия кўриб, бу сулук машаққатларини, асрорларини бирма-бир англаган солиқкина келажакда Устоз бўлиши мумкин. Маърифат соҳиблари бу ҳақиқатни тўғри англашган, шу боис муршидлик мартабасининг жавобгарлиги, масъулиятини ҳар доим ёдда тутишган.

Муриднинг ҳол ва мақомлари муршиднинг қалб ойнасида намоён бўлган. Алишер Навоий валийлар шахсиятидаги, уларнинг камолотидаги энг аҳамиятли жиҳатларни қаламга олади. Масалан, Нажмиддин Кубро ҳазратлари ҳақида қуйидаги муридда кечадиган исёнлар, муршиддаги толибнинг ҳар бир нафасидан огоҳлик акс этган тарбия жараёни манзарасини яратади: “Бир кеча ҳаёлимга келдики, ботин илмидин хабардор бўлдунг ва зоҳир илминг Шайх илмидин кўпракдур. Сабоҳ шайх мени тилади ва дедиким, кўп, сафар қилки, сенга Аммор Ёсир қошига бормоқ керак. Мен билдимки, кечаги хотиримдин Шайх воқиф бўлди, аммо ҳеч нима демас ва шайх Аммор хидматиға бордим ва сулук бунёд қилдим. Анда ҳам бир кеча ҳамул даъво кўнглумга хутур қилди. Сабоҳ Шайх Аммор буюрдиким, Нажмуддин, кўп ва Мисрға бор! Шайх Рўзбехон қошигаким, бу инониятни силлий била сенинг бошингдин чиқарғой! Мисрға бордим...Шайх Рўзбехонни кўрдумки, андоқ оз сув била вузуъ қиладурким, шаръан жоиз эмас. Яна кўнглумга инкоре келди. Чун шайх вузуъни тамом қилиб, кўпти. Икки ўл илкин юзумга сочти. Ул сув етгач, менга беҳудлуғ асари зоҳир бўлди”.⁹⁵ Муршиднинг маънавий ҳайбатидан мурид таслимият бажо келтирган. Мана шундай таълим ва тарбиянинг натижаси ўларок, Нажмиддин Кубро ҳазратлари тариқат асосчисига айландилар. Муриднинг хотирига келадиган ҳар бир фикр ҳам хотири Ҳақ эмаслигини муридларига хотири шайх изни билан ёзилган рисолаларида баён қилдилар.

Тасаввуф нафс тарбияси экан, унда кибр тўни ечилади. Маърифат нури ила фақрлик жандаси кийилади. Абу Саид Харроз қ.т.с. ҳақида тўхталар экан, тариқат одобида ибратли бўлган қуйидаги маълумотни келтиради: “Ва Шайх ул-ислом дебдурки, ул ўзин Жунайдиннинг шогирдлигида кўргузур эрди, аммо анинг устои эрди ва андин улуғ эрди. Ва андин бурунроқ, икки юз саксон олтида дунёдин ўтти. Ва Жунайид айтибдурки, [агар Аллоҳу таоло Абу Саид Харроз эришган ҳақиқатни биздан талаб қилганда, албатта, ҳалок бўлардик]”. Бу сўзи Жунайдиннинг далил бўла олулки, Абу Саид Харроз ан-

93 Навоий. А. МАТ. 17-жилд. Фан, Тошкент, 2001, 14-бет.

94 Suhrawardi. Avariful – Mearif. – Istanbul: Semerkandyayinlari, 1999, 102-s.

95 Навоий. А. МАТ. 17-жилд. Фан, Тошкент, 2001, 14-бет.

дин улугроқ ва анинг пири бўлғай ва анинг устои”⁹⁶. Демак, тасаввуф шундай таълимотки, унда ҳар бир қалбнинг ўз маърифати, ҳар бир руҳнинг ўз сири бор. Орифларнинг ўзаро давомли суҳбатлари сабаби шундан. Уларнинг сайру сулукдаги ҳол, асрорлари қалб ойнасида тажалли этган, аҳли тарийк сифатида бир-бирини тушунган. Ва натижада уларнинг мақомлари янада юксалган. Суҳбат руҳий тарбиянинг бир кўриниши бўлган. Шу боис тазкиранавис сифатида Навоий ҳам мазкур таълимнинг аҳамиятини яхши англаган ҳолда зикр этилаётган шайхнинг мусохиблари ҳақида алоҳида тўхталган.

Авлиёлар – Аллоҳнинг севган қуллари. Баъзан пирлар қабрини зиёрат қилиш, уларнинг ҳимматидан умидворликдир. Қабз ва баст тариқатдаги бир мақом. Шайх Абулфазл Сарахсий к.с. қабрини зиёрат қилган муридлар тариқатнинг қабз ҳолидан баст ҳолига ўтишгани ҳақидаги муҳим маълумот келтирилади. Пирлар ҳимматидан толиблар истаги мустажоб бўлган. Зеро, улар дуолари мустажоб бўлгучи зотдирлар. Ҳатто уларнинг бир назарларидан ҳайвонлар ҳоли ўзгарган. Нажмиддин Кубро ҳазратларининг муборак назарлари тушган ит “филҳол бахшиш топиб, мутаҳаййир ва беҳуд бўлуб, шаҳрдин юз эвурди ва гўристонға мутаважжих бўлди”. Бунга ўхшаш ҳоллар тазкирада бир неча ўринларда баён қилинган.

Баъзан пирлар илми ладун ила ўз муридларини таниганлар. Ўзларидан олиши мумкин қадар насиба – маърифатнинг адоғини ҳам билгайлар. Шу боис шогирдлар устоз изни билан бошқа муршидлар кўлида риёзатни давом эттиришган. Ҳатто авлиёulloҳлар туғилмасидан олдин уларнинг келажаги пири комиллар томонидан эътироф этилган, илми ладун орқали кашф бўлган.

Руҳ ва нафс тарбияси комил муршиднинг маърифати ва мурид таслимиятидир. Бу йўлда, албатта, руҳий раҳномо ва итоатли ҳамроҳ бор. Аммо улар ўзаро орифлар тили билан сўзлашадилар. Уларнинг рамзий ишоратлари-ю, мажозий тафаккурлари, ҳол баёнлари тасаввуф адабиётини яратди. Бу адабиётнинг ўзига хос тил, баён услуби, образ, тимсол ва рамзлари бўлиб, уни фақат хосларгина тушунишган. Муршиднинг ҳар қандай ишоратини мурид англай олиши зарур. Ҳатто устозини сўзсиз тушуниши лозим. Зеро, устоз шогирдлик муносабати басират очилиб, қалб кўзи ила ҳис қилишданбошланадики, муршиднинг мақсадини мурид, муриднинг холини муршид қалбани ҳис этиб, ботин тили пайдо бўлади. Муриднинг одоби, таслимияти нафс тарбиясида муҳим. Навоий муриднинг садоқати ва унинг фанофил шайх мақомини белгилайдиган талай ибратли мисолларни келтиради. “Шайх ул-ислом дебдурки, мен Ибн Самъун била яхши эрмасменки, ул менинг устодим Ҳусрийни ранжида қилур эди. Ҳар кишиким устодингни ранжида қилур бўлса, сен андин ранжида бўлмасанг, ит сендин яхшироқ! Ҳам Шайх ул-ислом дебдурки, Ибн Самъун соҳиби калом эрди ва Ҳусрий соҳиби дард”⁹⁷. Муаллиф маълумот танлашда навоиёна ёндашади. Ўқувчининг қалб эврилишларида энг аҳамиятли, энг қимматли фикрларни беради. Ва қалб тазкиясида комил бир муршидга эҳтиёжни ҳис қиласиз.

Тазкирашунослик тарихидан маълумки, аксар тазкираларда дастлаб тасаввуф илми ҳақида назарий маълумотлар берилди ва кейин валийлар ҳаёти зикр этилади. Бундан мурод баъзи китобларни ўқиш, ундаги рамз ва ишоратларни англаш учун ҳам маълум тайёргарлик, бир устознинг таълими керак. Ёхуд тасаввуф таълимотининг назарий ва амалий жараёнларидан хабардор бўлмоқ лозим. Уни ҳар қандай китобхон ўз даражасида ўқиши мумкин эмас. “Насойим ул-муҳаббат” тазкираси ҳам шундай асарлар сирасига киради. Гарчи тазкирада тариқат таълими ҳақида назарий маълумотга катта ўрин ажратилмаса-да, сўз мулкининг султони нафснинг рангин ҳоллари, каромат, руҳий робита, Ҳақ ва Ҳақиқатга муҳаббат, бандаликка хиёнат этмаслик каби қарашларини муршид ва мурид муносабати акс этган кичик қиссаларга сингдира олган. Асарда зикр этилган авлиёлар -маънавий кўриқчилар, комил муршидлардир. Уларнинг гўзал ҳоллари, ҳайбатли мақомларида айтилган фикрлар, яъни шатаҳотлар мағзини англаш, уларнинг нафақат зоҳирий, балки ботиний маънолари ҳақида мушоҳада қилиш навоийшуносликдаги муҳим вазифалардан биридир.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, “Насойим ул-муҳаббат” тазкираси бугунги ёшларимиз тарбиясида ҳам жуда муҳим. Мазкур асарнинг мутолааси китобхонни гўзал ахлоқ билан зийнатлаши шубҳасиз.

96 Suhrovardi. Avariful – Mearif. – Istanbul: Semerkandyayinlari, 1999, 102-s.

97 Suhrovardi. Avariful – Mearif. – Istanbul: Semerkandyayinlari, 1999, 102-s.

II. АЛИШЕР НАВОЙНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ ВА ТАРЖИМАИ ҲОЛИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР

САМАРҚАНД НАВОЙШУНОСЛИК МАКТАБИ

Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ

(СамДУ)

Она халқимиз шухратини оламга ёйган қайси улуғ аждодимизнинг ҳаёт йўлига назар ташламайлик, Самарқанд шаҳри, Самарқанд муҳити, Самарқанд мактаби бу зотларнинг умр йўлларида муайян мақомга эга эканлигига гувоҳ бўламиз. Одам уш-шуаро Рудакий ва Имом Бухорийдан бошлаб, Соҳибқирон Амир Темур ва Мирзо Улуғбеккача, Мавлоно Абдурахмон Жомий ва Хожа Аҳрор Валийдан тортиб, Мир Алишер Навоий ҳамда Мирзо Бобургача ўз қисматларини Самарқанд тақдири билан муштарак, деб билганлар, илм-фан, дину диёнат, маданият ва санъатнинг бешиги бўлган бу муқаддас маконга ҳамиша ўз эҳтиромларини изҳор этиб турганлар. Ўз навбатида, Самарқанд аҳли ва Самарқанд мактаби намояндалари бу улуғ зотларнинг шухратини оламга ёйишга баҳоли қудрат ҳисса қўшганлар.

Жумладан, миллий маънавиятимизнинг яловбардори, ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси Мир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда самарқандлик олимларнинг ҳиссаси – бекиёс. Алишер Навоийнинг сиёсий фаолиятини ёритувчи илк тарихий манба Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаъи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн” асари бўлса, унинг ижодий фаолияти ва шоирлик салоҳияти ҳақида қимматли маълумот берувчи илк манба муаллифи бошқа бир самарқандлик шоир ва олим – Давлатшоҳнинг “Тазкират уш-шуаро” тазкирасидир. Самарқандлик бу икки олим ҳали Мир Алишер ҳаётлиги пайтидаёқ навоийшуносликни бошлаб берганлар ва ушбу анъана асрлар давомида бошқа олимлар томонидан изчил давом этиб келмоқда.

XX асрнинг биринчи чорагидан бошлаб, навоийшунослик фаннинг алоҳида тармоғи сифатида шакллана бошлади. Камоли қониқиш билан қайд қилиш лозимки, Алишер Навоий ҳақидаги дастлабки мақола ва тадқиқотлар айнан Самарқанд илмий ва адабий мактаби намояндалари томонидан яратилди.

Айтиб ўтиш керакки, Навоийга муносабат, Навоий шахсига эҳтиром шўролар замонида бирданига ижобий тус олган эмас. Айрим олимлар: “*Навоий каби сарой шоирларининг услублари асримиз завқига ҳам, эҳтиёжига ҳам тамомила яроқсиздир*”, – деган фикрда бўлган пайтда Абдурауф Фитрат ва Вадуд Маҳмуд каби миллат фидоийлари Навоийни “*ўзбек шоирларининг бобоси*”, Навоий яшаган даврни эса адабиётимизнинг “*биринчи олтин даври*” деб ҳаққоний баҳо беришга журъат қилганлар.

Кейинчалик бу жараёнга Садриддин Айний, Абдурахмон Саъдий, Воҳид Абдуллаевлар қўшилиб, Самарқандда том маънодаги навоийшунослар мактабига асос солдилар. Садриддин Айний тожик тилида “*Алишер Навоий*” монографиясини яратиш баробарида “Хамса”нинг қисқартирилган нашрини тайёрлаган бўлса, Абдурахмон Саъдий Навоий ижодининг умумфалсафий ва бадий маҳорати масалаларини ўз докторлик диссертатсиясида асослаб беришга ҳаракат қилган.

Айниқса, аллома Воҳид Абдуллаевнинг “Навоий Самарқандда” номидаги тадқиқоти ўз даврида воқелик ҳисобланиб, бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Воҳид Абдуллаев тадқиқотида Алишер Навоийнинг Самарқандда тўрт йил яшаганлиги, Самарқанд ва Мовароуннаҳрнинг қатор шоирлари ва олимлари билан ижодий алоқада бўлгани, Самарқанддан олган баҳрамандликлари кейинги

бутун ижодига самарали таъсир қилиб, гўзал шеърлари ва дostonларига материал сифатида хизмат қилгани илмий далиллар асосида исботлаб берилган. Академик В.В.Бартольд ва бошқа шарқшунослар, *бу даврда Самарқандда илм-фан, маданият инқирозга юз тутган, Ҳиротда эса, аксинча, ривожланган*, деган фикрни илгари суришган. В. Абдуллаев ўз тадқиқотида аниқ факт ва далиллар асосида XV асрнинг 50 – 60-йилларида Самарқандда маданий-адабий анча жонлангани, аксинча, Абусаид Мирзо давридаги Ҳирот зиддиятлар ўчоғига айланиб қолгани, шу боис, илм ва адабиёт намояндалари Ҳиротдан Самарқандга интилганларини исботлаб берган.

Бу устозларнинг давомчилари – Содиқ Мирзаев, Ботирхон Валихўжаев, Раҳмонкул Орзибеков ва бошқаларнинг тадқиқотларида ҳам Навоийнинг шахсияти, ижоди ва дунёқарашининг турли қирралари тадқиқ этилди. Содиқ Мирзаев ўз номзодлик диссертациясида Навоий арузи ҳақида тадқиқот олиб бориб, аруз вазнининг замони ўтгани, шоирлар энди аруз вазнидан эскилик сарқити сифатида тезроқ қутулишлари лозим, маъносидаги “башорат” ва “кўрсатма”лар берилаётган даврда Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асари ҳамда лирик меросининг қуллийетини тадқиқ этди. Навоийнинг хизматлари натижаси ўлароқ туркий тилни аруз вазнига тўлиқ мослаштириш назарияси ва амалиёти яратилгани, бу вазн тизими ўзбек тилининг фонетик ва фонологик таркиби ўзгармасдан келишида муҳим рол ўйнаганини илмий жиҳатдан асослаб берди. Айниқса, “Навоий лирикасига вазн кўрсатгичи” деб номланган диссертация иловаси 147 бетдан иборат бўлиб, унда адабиётшуносликда биринчи марта Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” қуллийетига кирувчи тўрт девоннинг ҳар биридаги лирик жанрнинг вазн хусусиятлари ўрганилган. Ушбу кўрсатгичлар кейинчалик “Хазойин ул-маоний”нинг академик нашри учун асос қилиб олинди.

Академик Ботирхон Валихўжаев ижодининг ўқ томирини Навоий мавзуси ташиқил этади, десак, янглишмаган бўламиз. Адабиётшуносликни мумтозлик даражасига кўтарган заҳматкаш устозимиз деярли барча тадқиқотларида Навоийнинг шахсияти, ҳаёти ва фаолиятига муносабат билдириб келганлар. Бу хулоса, кузатув ва умумлашмалар кейинчалик икки жилдлик “Ўзбек адабиёти тарихи” ўқув қўлланмаси (2002), Хожа Аҳрор Валий ҳақида ёзилган “Буюк маънавий муршид”, шунингдек, “Мумтоз сиймолар” китобида ўз аксини топди. Б. Валихўжаев учун Навоий номи – Самарқанддек азиз ва табаррук. Бу икки муқаддас тушунчани боғловчи ҳар қандай далил, ҳар қандай кичик чизги (детал) олимнинг диққат марказидан четда қолмади.

“Мулоқот” журналида эълон қилинган “Алишер Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари” мақоласида Навоийнинг Самарқандда таълим олган мадрасалар ҳақида маълумот берган бўлса, “Ўзбек адабиёти тарихи” китобида Навоий ва Самарқанд адабий муҳити масаласини янги фактик материаллар ва хулосалар билан бойитди.

Раҳмонкул Орзибеков ўз тадқиқотларида Навоийнинг бой ва бетакрор бадиий-естетик олами, бу муаззам ижоднинг кейинги давр адабий жараёнга кўрсатган ижобий таъсири, Навоийдан илҳомланган шоир ва адибларнинг ижодий мероси тадқиқига эътибор қаратди. Бу тадқиқотлар Самарқанд илмий муҳитидаги қиёсий адабиётшуносликнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатди.

Тарихий манбалардан маълумки, Алишер Навоий улкан мутасаввиф шоир Фаридуддин Атторнинг “Мантик ут-тайр” дostonини олти ёшлигида ёд олиб, умр бўйи унинг таъсирида юрган ва олтимиш ёшларида, яъни умрининг охирида “Лисон ут-тайр” асарини ёзиб, устозга чуқур эҳтиром кўрсатган.

Худди шунга ўхшаш ҳолатни биз Самарқанд давлат университетининг мактабида таълим олган йирик олим Нажмиддин Комилов ҳаёт ва ижод йўлида ҳам мушоҳада қилишимиз мумкин. Албатта, биз бу ўринда Нажмиддин Комилов илму ижодини улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий даҳосига қиёслаш фикридан мутлақо йироқмиз. Гап шундаки, Н. Комиловнинг илк илмий-ижодий тадқиқоти – Самарқанд давлат университетининг талабаси сифатида 1965-йилда ёзган “Форс-тожик адабиётида Алишер Навоийга издошлик тарихидан” мавзусидаги диплом иши ҳам, энг сўнгги, ўзи варақлашга улгурмаган “Маънолар оламига сафар (*Алишер Навоий газалларига шарҳлар*)” (2012) китоби ҳам Алишер Навоий ҳазратларининг ижодига бағишланган. Олимнинг ўз таърифи билан айтганда, у бир умр “*Навоий мулкининг нигоҳбони*” бўлиб яшаган.

“Маънолар оламига сафар (*Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар*)” асари олимнинг бу борадаги охириги, айна чоғда, энг сара тадқиқотларидан бири бўлиб қолди. Атоқли олим ўз китобида Алишер Навоий қаламига мансуб элликта ғазални атрофлича шарҳлар экан, бу этук назм жавоҳирларининг ҳар бир байти, ҳар битта мисраси замиридаги чуқур фалсафага, нозик ташбеҳ ва тимсолларга ақл ва қалб кўзи орқали нигоҳ ташлаган. Навоий ишлатган ҳар бир сўздаги ҳикматга, бадиий сайқалу маъно жилоларига китобхонни ошно этишга интилган.

Шарҳ, шарҳлаш – бу қадимий адабий анъана. Ибн Сино, Бурҳониддин Марғиноний, Ибн Арабий, Жалолиддин Румий, Хожа Ҳофиз, Мирзо Бедил каби улуғ аждодларимизнинг мураккаб адабий ва илмий-ирфоний асарлари турли даврларда шарҳ этилиб, уларнинг маъно-мазмуни, ибора ва истилоҳлари тушунтириб келинганини яхши биламиз. Н.Комилов таъкидлаганидек: “...Бу, биринчидан, машҳур асарлар зоялари, маъносини соддароқ тарзда кенг ўқувчиларга тақдим этишга қўмаклашса, иккинчидан, шу баҳонада янги-янги асарларнинг яратилиши, ўлмас инсоний туйғулар, тафаккур ва ақлий-ижодий кашфиётларнинг ривожини, тўлиқлигини боришига сабаб бўлган”.

Алишер Навоий асарлари ҳам неча юз йиллар давомида турли даражада, турфа тилларда изоҳланиб, шарҳланиб келган. Бадиий асарларни шарҳлашнинг ўз талаблари борлигига эътибор қаратган ҳолда Навоий ғазалларини шарҳлашдаги Н.Комиловнинг ўзига хос ёндашуви ғазалларнинг қийин ибораларини ва кўп маъноли мураккаб ўринларини имкон қадар содда тилда тушунтириб берилгани билан ажралиб туради.

Эътиборли жиҳати шундаки, олим бу борадаги адабий анъанани ижодий ўрганиб ва синтез қилиб, Навоий ғазалларини қуйидаги уч усулга таяниб шарҳлайди: биринчидан, асар тилидаги ҳозирги китобхонга тушунилиши қийин сўзлар луғатини беради; иккинчидан, байтларнинг насрий баёнини тақдим этади; учинчидан, ғазалнинг умумий мазмун-маъноси, бадиий хусусиятлари устида мулоҳаза юритади. Бу анча қулай усул бўлиб, амалий аҳамияти ҳам кўп эканига ушбу шарҳларни мутолаа қилиш жараёнида яққол ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Нажмиддин Комиловнинг “Тасаввуф” деб номланган, икки китобдан иборат, “Комил инсон ахлоқи” деб номланган биринчи китоби 1996-ҳамда “Тавҳид асрори” деб номланган иккинчи китоби 1999-йили чиққан, кейин бир муқовада иккинчи бор 2009-йили чоп этилган илмий асари ҳам, 2005-йили нашр юзини кўрган “Хизр чашмаси” китоби ҳам Алишер Навоий ижодини таҳлил қилиш асосига қурилган. Бу асарларида олим буюк шоир ижодини тамоман янги, яъни тасаввуфий нуқтайи назардан атрофлича таҳлил қилиб беради.

Университетимизда камол касб этиб, кейинчалик мумтоз адабиётимизнинг йирик билимдонлари сафидан муносиб ўрин эгаллаган олимларимиздан яна бири сифатида, албатта, филология фанлари доктори, профессор Ҳасан Қудратуллаевни алоҳида таъкидлаш жойиз. У “Навоийнинг адабий-эстетик олами” асарида буюк шоир ва мутафаккир Навоийнинг бадиий ижод ҳақидаги мулоҳазалари, шакл ва мазмун, бадиий адабиётнинг ижтимоий вазифаси борасида илгари сурган эстетик қарашларини атрофлича тадқиқ ва таҳлил қилган. Китобда берилишича, Навоийнинг бадиият, гўзалликка муносабати, нафосат сирларини заковат билан ифодалаган пурмаъно фикрлари ўлмас меросининг ажралмас қисми ҳисобланади. Хусусан, Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари бадиий асарларида, “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Насойим ул-муҳаббат” каби илмий асарларида ҳам ўз ифодасини топган.

Навоий Аҳмад Тарозийдан кейинги биринчи ўзбек адабиётшунос олими, шунингдек, ўзбек тилида асар ёзган илк муаррих ва тазкиранавис ҳам. У адабиёт ва санъатнинг туб назарий асосларини таҳлил қилиб, замондошларини қизиқтирган муаммоларга жавоб қидиради, адабиётнинг ижтимоий вазифасини энг муҳим масалалардан бири сифатида таъкидлайди. Бадиий маҳорат масаласи Навоий қарашларида асосий ўринни эгалласа-да, Навоийнинг эстетик олами – кенг ва ранг-баранг. Унда анъанавий жанрлар, бадиий санъатлар, вазн ва қофия хусусида қизиқарли, ибратомуз фикрлар – талай.

Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашларини ўзбек ва рус олимлари ҳам ўрганган. Бирок

шоирнинг эстетик олами, бадиий ижоди янглиғ, чексиз ва бепоёндр. Биз унинг гўзаллик, ижод жараёни, илҳом ва нафосат ҳақидаги қарашларини кўздан кечирганимизда ҳали қатор масалалар ёритилмагани, улуғ мутафаккирнинг салоҳият ва тафаккур қудратини белгилаб берувчи хизматлари этарли баҳо олмаганини кўраимиз.

Мазкур рисола – шу ва шунга яқин масалалар хусусида сўз юритилгани билан алоҳида қимматга эга.

Алишер Навоий асарларининг тил хусусиятларини ўрганиш масаласи ҳам самарқандлик олимларнинг доимий диққат марказида бўлган. Улуғ Турсунов – Самарқандда навоийшунослик мактабига асос солган олим. Зеро у ўтган асрнинг 30-йилларидаёқ республикамизнинг таниқли олимлари қаторидан ўрин олган. 1936-йилдан эса ЎзДУ (ҳозирги СамДУ)да ўз фаолиятини бошлаб, то умрининг охиригача Ўзбекистонда тилшунослик тараққиётининг фидойиси бўлди. Унинг кўп илмий асарлари тил тарихини тадқиқ этиш, ўтмиш аждодларимизнинг асарлари тили ва услубини ўрганиш, унинг ҳозирги ўзбек тилига муносабати ҳамда тараққиётидаги ўрнини белгилаш каби муҳим масалаларни ёритишга бағишланди. Шу жиҳатдан устознинг тил тарихи масалаларига доир ишларини икки катта гуруҳга ажратиб қараш мумкин:

1. Ўзбек тили тарихини ўрганиш;
2. Алишер Навоий асарлари тили ва услубини тадқиқ этиш.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Улуғ Турсунов раҳнамолигидаги тилшунослик мактабида этишиб чиққан самарқандлик олимлар орасида устознинг таъсирида Алишер Навоий ижодий меросини тилшунослик нуқтайи назардан ўрганиш билан шуғулланмагани кам топилади. Х.Дониёров, А.Мухторов, Н.Ражабов, Р.Қўнғиров, Б.Ўринбоев, Ж.Ҳамдамов, У.Санакулов каби республикамизнинг етакчи тилшунослари илмий фаолиятида навоийшунослик соҳаси алоҳида ўрин эгаллади. Масалан, таниқли тилшунос Х.Дониёров ижодида “Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили” (Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972), “Алишер Навоий – ўзбек адабий тилининг асосчиси” (Самарқанд: СамДУ, 1985), “Алишер Навоий – тилшунос олим” (Т.: 1991, У. Санакулов билан ҳаммуаллифликда) каби асарлари – шулар жумласидан.

Шунингдек, навоийшуносликнинг илк даврлари бўйича Қутбиддин Муҳиддинов XV – XVI асрларда Алишер Навоий асарларининг тилини тадқиқ этиш, махсус луғатлар тузиш ишлари бошланганлигини муҳим илмий тадқиқот ишларида ёритиб берди. Айниқса, унинг 1971-1973-йиллар давомида Навоий асарлари бўйича тузилган “Абушқа”, “Санглоҳ”, “Мабоне ул-луғат” каби луғатлар бўйича амалга оширган илмий тадқиқотлари навоийшуносликда ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди.

Профессор Назар Ражабовнинг ҳам “Алишер Навоий – олим ва мураббий” (Самарқанд: 1971, 1989), “Навоий – она тили тақдири учун курашчи” (1990), “Алишер Навоий ва она тилимиз” (Т.: 1992), “Алишер Навоий меъроси – туганмас бойлигимиз” (1994) каби асарларида Алишер Навоийнинг педагогик қарашлари, моҳир сўз санъаткори эканлиги, юксак бадиий маҳорати, унинг она тилини бирдан-бир, ягона асосчиси ва ҳимоячиси бўлганлиги ҳамда мутафаккирнинг фаол ҳаракати ва ташаббуси билан теурийлар (Ҳусайн Бойқаро) даврида она тилимиз юксак мақомга эга бўлганлиги талқин этилади.

Профессор Абдужаббор Мухторов ҳам ўзбек тили тарихи соҳасидаги ишларида Алишер Навоий асарларининг лингвистик хусусиятлари бўйича махсус боблар ажратган. Масалан, Усмон Санакулов билан ҳамкорликда “Ўқитувчи” нашриётида чоп эттирган “Ўзбек адабий тили тарихи” (1995) ўқув қўлланмасининг сўнгги бобида “Алишер Навоий – она тили учун кураш байроқдори”, “Алишер Навоийнинг адабий тили ҳақида”, “Навоий асарларида адабий тил ва жонли сўзлашув тили хусусиятларининг акс этиши”, “Алишер Навоий ва адабий тил услублари”, “Навоий асарларининг тили ва услуби”, “Навоий асарларида бошқа тилларнинг унсурлари”, “Навоийнинг тил ҳақида қарашлари”, “Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг илмий-тарихий аҳамияти”, “Ўзбек адабий тили тарихида Навоийнинг ўрни” каби қатор мавзулар таҳлил этилган.

Профессор Бозорбой Ўринбоев, устози – Улуғ Турсунов қўлэмалари асосида (ҳаммуаллифликда)

чоп эттирган ишларидан ташқари, яна Навоий асарларининг лисоний хусусиятлари бўйича бир қатор тадқиқотларни амалга оширди. Жумладан, “Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили” (1968), “Алишер Навоий асарлари тилида лексик ва грамматик нормаларнинг белгиланиши” (1971), “Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили тарихи” (1982), “Навоий асарларининг изоҳли луғати”, “Навоий ижодининг чўккиси” (1985), “Алишер Навоий асарларида тасвирий воситалар” (1991) каби ишлари фикримизга далил бўла олади.

Усмон Санакулов Алишер Навоийнинг сўздан фойдаланиш маҳорати, тил билимига, умуман, тилшуносликка доир қарашлари хусусида қатор илмий рисола ва ўқув-услубий қўлланмалар яратишга киришди. Жумладан, унинг “Алишер Навоийнинг сўздан фойдаланиш маҳорати ва қофия” (1988), “Алишер Навоий – тилшунос олим” (1991), “Алломалар мероси – ҳаётимиз зиёси” (1996), “Навоийнинг сўз қўллаш маҳорати” (2004), хусусан, “Ўқитувчи” ва Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётларида чоп эттирган “Ўзбек адабий тили тарихи” (1995), “Ўзбек адабий тилининг илк даврлари” (2004) ўқув қўлланмаларида “Навоий даври ўзбек адабий тили” ва “Ўзбек адабий тилининг асосланишида Алишер Навоийнинг ўрни” номи билан махсус боблар ажратиб, уларда буюк сиймонинг асарлари ва унинг ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва тараққиёти соҳасидаги хизматлари ҳолисона талқин этилган, юксак баҳоланган.

Қ.Муҳиддинов, Х.Дониёров, У.Санакулов, И.Носиров, З.Ҳамидов каби тилшунос олимлар Навоий асарларининг лексик-семантик хусусиятларини тадқиқ этишда ўз хиссаларини кўшдилар. Хусусан, Худойберди Дониёров ўтган аср 60-йилларининг охирида навоийшуносликнинг энг муҳим қисмларидан бири бўлган Алишер Навоий асарларининг тили ва услуби масалаларини кенг қўламда тадқиқ этишни бошлаб берди. 1968 йили чиққан “Навоий тилининг диалектал асосларини ўрганиш масаласига доир” мақоласида олим Алишер Навоий асарларининг қайси туркий лаҳжа ва шеваларга асослангани масаласини батафсил таҳлил этади. Навоий ўз асарларида тез-тез қайд қилганидек, унинг асарлари “Хитодин то Хуросон”га қадар тарқалган туркий эл, уруғ ва халқларнинг барчаси учун умумий бўлган адабий тилда ёзилган, шу сабабли, олимнинг фикрича, бу адабий тилнинг диалектал манбалари ўлароқ Марказий Осиё худудларида тарқалган қарлук, ўғуз ва қипчоқ лаҳжалари бирдай хизмат қилган.

Х.Дониёровнинг “Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили” номли илмий рисоласида Марказий Осиё жўғрофиясида XI асрда шаклланган адабий тилнинг XV асрда улуғ шоир ва мутафаккир томонидан дунёнинг энг ривожланган ва нафис адабий тиллари даражасига олиб чиқилгани, шу боис эски ўзбек адабий тили то XIX асрнинг иккинчи яримига қадар нафақат ўзбек этноси, балки, бошқа қардош туркий халқлар учун ҳам муштарак адабий тил вазифасини бажариб келгани хусусидаги қарашлар олға сурилади.

Алишер Навоийнинг тилшунослик ва услубшунослик борасидаги қарашлари Х.Дониёровнинг “Эски ўзбек тили ва қипчоқ диалектлари” китобида теран таҳлил қилиб берилган. Бу таҳлиллар якунида олим: *“Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” номли машҳур асари унинг умр давомида қилган илмий-ижодий меҳнатининг самараси, тилшуносликка оид илмий-назарий фикрларининг якуни ва натижасидир. Бу асар тилшунослигимиз учун катта бир маданий мерос ва туганмас хазинадир”*, – деган чуқур мантиқий-илмий хулосани чиқаради.

Худойберди Дониёров бошлаб берган Навоий асарлари тили ва услубини ўрганиш ишини СамДУ профессорлари У.Санакулов ва С.Каримовлар давом эттирдилар. Профессор И.Мирзаев эса Э.Э.Бертелс, В.В.Бартолд каби буюк шарқшуносларнинг Навоий ҳақидаги асарларини ўзбек адабий тилига таржима қилган ҳолда кенг илмий жамоатчиликни бу ноёб ва теран илмий асарлар билан таништирмоқда.

Самарқанд навоийшунослик мактабида камол касб этиб, аммо Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги илмий марказларда фаолият олиб борган ва олиб бораётган олимлар ҳақида ҳам кўп ва хўб гапириш мумкин. Уларнинг бу соҳадаги изланиш ва тадқиқотларини алоҳида эътироф этган ҳолда, бемалол айтиш мумкинки, мустақилликдан кейин ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кузатилгани каби, Самарқанд навоийшунослик мактаби ҳам ривожланишнинг янги палласига қадам қўйди. Бу олимлар томонидан

Навоий ҳаёти ва ижоди бўйича учта докторлик (М.Муҳиддинов, Ш.Сирожиддинов, Д.Салоҳий) ва бир нечта номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди, ўнлаб китоб ва монографиялар, ўқув қўлланма ва дарсликлар нашр этилди. Бу шаҳарда республика миқёсида навоийшуносликнинг долзарб масалаларига бағишланган турли илмий-амалий конференциялар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Самарқанд давлат университети филология факультетида “Темурийлар даврида яратилган “Хамса”ларнинг компаративистик тадқиқи” мавзусида фундаментал тадқиқот олиб борилмоқда.

Бу вазифалар самарқандлик олимлардан янада кўпроқ заҳмат чекиш, илмий ҳолислик мезонлари асосида янги-янги тадқиқотларни амалга оширишга ундайди, шунингдек, Самарқандни том маънода жаҳон навоийшунослигининг асосий марказларидан бирига айлантиришни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев В. Танланган асарлар. 2 жилдлик. I жилд. –Т.: «Фан», 2002. –248 б.
2. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. – Т.: «Фан», 2008. – 462 б.
3. Валихўжаев В. Мумтоз сиймолар. 2 жилдлик. I жилд. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. –304 б.
4. Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1967. –224 б.
5. Маҳмуд Вадуд. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи Б.Каримов. –Т.: «Маънавият», 2007. –160 б.

Навоийнинг “Сегоҳ” ва “Сарахбори дугоҳ” куйлари билан айтиладиган ғазали шарҳи

Нусратулло ЖУМАХЎЖА
филология фанлари доктори

Алишер Навоийнинг “Ушшоқ” куйи билан айтиладиган “Қаро кўзум”, “Муножот” куйи билан айтиладиган “Ул сарви гулрў келмади” каби машҳур ғазалларидан бири “Сегоҳ” ҳамда “Сарахбори оромижон” куйлари билан айтиладиган “Холу хатинг хаёлидин, эй сарви гулбўзор” ғазалидир. Биз бу ғазални шурҳлашни 40 йилдан бери орзу қиламиз. Лекин ўзимизда шунга етарли тайёргарлик ва журъат сезмаймиз. Бунга сабаб шуки, ғазалнинг мусикий ижролари жуда баланд, авжли пардаларда куйланган. Шашмақом куйларининг ҳазин нолалари, маҳоратли ҳофизларимизнинг инсонларни ларзага солиб, юракларни ўртовчи фарёду фиғонлари ғазал сатрларига сеҳрли қўшимча маънолар юклаганки, асарни улардан ажратиб, фақат ғазал сифатида шарҳланса, гўёки жўн бир мазмун чиқадигандек туюлади. Шунинг учун ушбу ғазални ашула – санъат асари сифатида мукаммал шарҳлаш мақсадга мувофиқдир. Аммо биз маърузанинг имкониятини инобатга олиб, биринчи босқичда ғазалнинг ўзини алоҳида таҳлил этишга уриниб кўрамиз.

Сўзaro ғазалларни шарҳлашнинг ўзига хос назарий хусусиятига алоҳида тўхталиб ўтишни лозим топамиз. Бу ҳақда устоз аллома Н. Комилов айтган эдиларки: “Шарҳ ... том маънодаги адабий танқид ёхуд тадқиқот ҳам эмас, гарчи унда тадқиқотий ва интерпретацион хусусиятлар бўлса ҳам. Шарҳнинг бош мақсади ... асарнинг (жумладан, ғазалнинг) қийин иборалари, кўп маъноли мураккаб ўринларини соддароқ қилиб тушунтиришдир”⁹⁸. Ушбу фикрни қувватлаб ва мантиқан давом эттириб, биз таъкидламоқчимизки, ғазал шарҳи том маънодаги илмий тадқиқот бўлмаса-да, илмийликдан холи ҳам эмас. У ғазал мазмуни ва бадий хусусиятларини илмий асосларда имкон қадар мукаммал ёритиб беришга хизмат қилади. Таъбир жоиз бўлса, шарҳ мумтоз ғазалларни ўрганишнинг ўзига хос илмий-бадий йўлидир.

98 Н. Комилов. Маънолар оламига сафар. –Т.: “Тамадун”, Тошкент, 2012. 3-бет.

Энди бевосита шарҳга ўтадиган бўлсак, мазкур асар Навоийнинг ишқий ғазаллари туркумига мансуб бўлиб, “Ғаройиб ус-сигар” девонининг 171-ғазалидир. У Навоийнинг биринчи расмий девони “Бадоеъ ул-бидоя”дан ҳам (161) ўрин олган бўлиб, ҳар икки девонда ҳам ғазал 7 байтдан иборатдир. Ғазалнинг тўлиқ матни куйидагича:

*Холу хаттинг хаёлидин, эй сарви гулўзор,
Гоҳи кўзумга хол тушубтур, гоҳи губор.
Юзунгда хол сафҳада томган киби қаро,
Холинг малоҳати туз эрурким, қарода бор.
Жонимни ўртаган юзу холингни билмасанг,
Ўт шўъласида айла гумон бир ўчук шарор.
Билман кўнгулда холларингнинг хаёлидур,
Ё кирпигинг тиканларин айлабсен устувор ?
Ҳар дам кўнгул ҳалоку кўзум тийра бўлмагин
Билгай бировки, ёри эрур шўху холдор.
Машишотаи қазо безамиш холу хаттини,
Беихтиёрлиқда манга борму ихтиёр ?
Мискин Навоий холи лабинг кўрса, жон берур,
Боқсанг не бўлди сурати ҳолига, эй нигор ?!*

Нашрлардаги матнларда маъно-мазмунни ўзгартирувчи жиддий фарқлар йўқ. Шоир – ошиқнинг мурожаатлари “эй сарви гулўзор” ундалмасида мужассамлашган ёрга қаратилган. Бу – умумлашма бадий образ бўлиб, биз уни бевосита шоирнинг ҳаётдаги севиклиси ёхуд мажоз тариқида тавсифланган илоҳий маъшук дея муайянлаштиришдан ҳозирча сақланамиз. Бу муаммо таҳлил жараёнида аниқлашиб боради. Ғазалнинг яратилишига холу хатти гўзал бир ҳаётий сиймо сабаб, асос бўлганлиги аниқ. Чунки ғазал бошдан-оёқ холу хат(т) тавсифига бағишланган.

Ғазалнинг ҳар байтида хол билан хат(т) тасвири уйғун ифодаланган. Гўзал хотин-қизларнинг лаблари узра ёйилган, кўзга жуда ҳам ташланиб турмайдиган майин, нафис туклар хат(т) дейилади. Ушбу сўз луғатларда иккита “т” ҳарфи билан ёзилган. Йигитларнинг лаблари узра пайдо бўлган тукларга “мўйлови сабза урган” дея таъриф берилади, “хат(т)” дейилмайди. Ҳамма хотин-қизларнинг лаблари ҳам хат(т) билан музайян эмас. Демак, хат(т) ҳам илоҳий бир зийнатдир. Шунинг учун ҳам Навоий бир ҳуснда бир-бирига жуда мувофиқ тушган хол билан хатни тасвир объектига танлаган. Лабдаги хат(т) нафис, бир текис ёзилган ёзувга ҳам ўхшайди. Лабдаги тукларни хат(т) дейиш ана шу монандликдан келиб чиққан бўлса ҳам ажаб эмас.

Матлаъ байтнинг мазмуни куйидагича:
*Холу хатинг хаёлидин, эй сарви гулўзор,
Гоҳи кўзумга хол тушубтур, гоҳи губор.*

Лирик қаҳрамон маҳбубага мурожаат қилиб, унинг кўркем холу хатти ўзини не кўйларга солганини изҳор этмоқда: Эй сарв қоматли, гул юзли дилбар, сенинг чехрангдаги хол билан хаттинг мени ўзига мафтун этиб, хаёлимни шу қадар банд этганки, гўёки гоҳо холинг кўчиб кўзимга ўрнашгандек, яъни кўзимга хол тушгандек. Хаттинг ғуборга ўхшагани учун, гўё гоҳи кўзимга ғубор оралагандек. Бу тасвирни яратиш учун шоир нозик ҳаётий тафсиллардан фойдаланган.

Инсоннинг кўзига хол тушиши ҳаётда бор ҳодиса. Баъзан одамнинг кўзида нима сабабдандир турли тусдаги доғ, нуқта пайдо бўлиб қолади. Буни халқ “кўзига хол тушди” ибораси билан ифодалайди. Бу ҳодисанинг тиббий асослари бизга қоронғи. Айнан Навоийнинг кўзига хол тушганми ёки тушмаганми, биз бунга ҳам билмаймиз. Бу ҳақда маълумот йўқ. Бироқ Навоий гўзал холнинг унинг вужудига таъсири ана шу ҳаётий тафсил билан бадий асослайди. Маъшуқа лабдаги хат(т) нимранг тусда-

ги ғуборга ўхшайди. Ана шундан қиёс олиб Навоий: “Сенинг хаттингининг ишқидан менинг кўзимга ғубор инди, яъни чиройли хатнинг кўз нуримни ўзига тортганидан, кўзим хиралашиб қолди”, дея киноя қилади.

Иккинчи байтда Навоий тиник, оппоқ юзга ярашиб тушган холнинг силсилавий тасвирини яратади:
*Юзунгда хол сафҳада томган киби қаро,
Холинг малоҳати туз эрурким, қарода бор.*

“Юзингдаги хол қандай чиройга эга эканлигини ўзинг биласанми, - дейди шоир. – Юзингдаги хол гўёки оппоқ қоғоз саҳифасига бир томчи қора рангли сиёҳ томган каби манзарага эга. Ёки агар буни тескари тасвир билан англатадиган бўлсак, холингининг гўзаллиги шундайки, у бир қора манзара устида ўрин тутган оппоқ тузга ўхшайди”. Тасвир жуда содда, лекин топилмас муқояса орқали яратилган. Айниқса, иккинчи мисрадаги образлар шу қадар сирли даражада соддаки, ундаги “туз” нима, “қаро” нима экан дея анча бош қотиришимизга тўғри келади. “Туз” сўзи биз билган оддий ош тузи эмас, “қаро” ҳам оддийгина қора тусли нарса эмасдек туюлади. Биз бу сўзлардан қандайдир сирли маънолар излаб кўрамиз. Луғатларни титкилаймиз. Аммо Навоий асарлари луғатларидан биз излаган маънолар чиқмайди. Сўзларнинг бирламчи оддий маънолари билан кифояланишдан ўзга чора қолмайди. Шоир тазод усулидан фойдаланиб биринчи ва иккинчи мисрадаги тасвирни ўзаро қарама-қарши қўйган.

Шоир юз узра зебанда жойлашган хол тасвирида бу билан ҳам чекланмайди. Ружу санъатининг ўзига хос кўринишини қўллайди ва тасвирнинг таъсирчанлигини янада кучайтиради:

*Жонимни ўртаган юзу холингни билмасанг,
Ўт шуъласида айла гумон бир ўчук шарор.*

Жонимга ўт ёққан юз билан холингининг сифатини, суратини билмасанг, ловиллаб ёниб турган олов шуъласи сатҳида куйиб тошқўмирга айланган бир оташ, учқунни тасаввур қилгин. Ушбу тасвир олдинги байтдагидан чандон таъсирчан. Унда маҳбубанинг ўт шуъласидек порлаб турган нурли, тафт-ли, ҳароратли юзини ва бу юзда куйиб ўртанган учқун донасидек холни аниқ тасаввур этиш мумкин. Байтда нафақат ушбу бадиий тасвир аён англашилиб турибди, балки унда кўз илғамас параллелизм усули яширинган. Биринчи мисрада тасвирланган ошиқнинг ўртанган жони ва маҳбубанинг юзу холи иккинчи мисрада “ўт шуъласи” ва “бир ўчук шарор” образларида тескари тартибда жойлаштирилган. “Ўт шуъласи” ва “бир ўчук шарор” – истиоравий иборалар. “Ўт шуъласи” – маъшуқа юзини, “бир ўчук шарор” эса юз саҳифасидаги холни ифода этади. Демак, бу ерда истиора санъати қўлланган. Шу билан бирга, образларнинг ўрни алмаштирилиб, тарди акс санъати қўлланган. Образларнинг мисраларда остин-устун, ўзаро мутаносиб жойлаштирилиши таносуб санъатини ташкил этган.

Кейинги байтда тасвир ана шундай санъатпардозлик билан давом этади:

*Билман кўнгулда холларингининг хаёлидур,
Ё кирпигинг тиканларин айлабсен устувор?*

Байтда шундай мазмун ифода этилган: “Билмайманки, холларингининг хаёли кўнглимни асир этганми ё кипригининг тиканлари билан кўнглимни асир этганмисан?” Мазкур мазмун “тажохули орифона”, яъни орифларча (донишмандларча) билиб-билмасликка олиш санъати асосига қурилган. Бугина эмас, байтда ихом санъати ҳам мавжуд. Ихомдек нодир бадиий санъатнинг вазифаси “Ё” юкламасига юклатилган. Биринчи қарашда “Ё” юкламаси “ё ундаймикин ё бундаймикин” маъносидаги айириш юкламаси вазифасини бажариб турибди. Бу ихом санъатининг яққол кўриниб турган юзаки маъносидир. Ихомнинг шоир назарда тутган ва яширин ифодалаган иккинчи асосий, нозик маъноси шуки, у ёр киприкларини ёй – отиш қуроли ўқларига истиоравий равишда ўхшатади. Гўёки ёр киприги тиканлари, яъни ёр камонидан отилган ўқлар ошиқ кўнглини – юрагини қамал қилган. Бу ўқларнинг айлана шаклдаги қамали маъшуқа холига монанддир.

Аммо ошиқ – шоирнинг бу аҳволини ҳар ким билавермайди. Фақат “шўху холдор” ёри бор ошиқларгина билишлари мумкин:

*Ҳар дам кўнгул ҳалоку кўзум тийра бўлмагин
Билгай бировки, ёри эрур шўху холдор.*

Тасвир объектидаги хол ва хат(т) ошиқ кўнгли ва кўзининг кушандаси. Унинг шўх, ўйноқи холи ҳар дам ошиқ кўнглини таҳликага солади. Бу ўринда “ҳалок” сўзининг ҳозирги ўзбек адабий тилидаги “ўлмоқ” маъносидан ташқари, форс-тожик тилидаги “чарчамок”, “ҳолдан тоймоқ” маъноси ҳам бор. Навоий ҳар иккала тилдаги сўз маъноларини мукамал билган ва асарларида улардан ҳадди аълосига етказиб фойдаланган. Маъшуканинг хатти эса ошиқ кўзига дам-бадам ғубор – тийралик солиб турган. Ушбу жабру ситамларни эса, Навоий таъкидлаганидек, шўх-шаддод ёри бор ошиқларгина билишади.

Мақтадан олдинги байтда Навоий ҳар доимгидек лирик чекиниш қилади. Ошиқ дарду холининг сабабига ва ечимига оид фалсафий хулоса чиқаради:

*Машишотаи қазо безамиш холу хаттини,
Беихтиёрликда борму манга ихтиёр ?*

Лирик қаҳрамон олдинги байтларда ёри холу хаттининг жабру ситамларидан оҳ-воҳ, фарёду фиғон билан изҳори шикоят қилиб келди. Навбатдаги байтда ушбу феъл-атвордан кескин равишда чекинади. Юз бераётган ишқий изтироблар сабабкори ҳақида узил-кесил хулосага келади. “Маъшуканинг холу хаттини машшотаи қазо безаган экан,” – дейди у. “Машшота” – биламизки, пардозчи. “Қазо” эса – азал, яратувчи, Тангри-таолодир. “Машшотаи қазо” илоҳий пардозчидир. Демак, маъшуқа хусни малоҳатини мафтункор холу хат(т) билан азал пардозчиси, яъни Оллоҳнинг ўзи безаган экан. Унинг илоҳий ишқига, мафтункор хусну жамолига, ситамкор холу хаттиги дучор бўлиш азал котиби томондан ошиқнинг пешонасига ёзилган экан. Қисматидаги бу ишқни ихтиёр этиш ёки ихтиёр этмаслик ошиқнинг измида эмас. У шу қисматни тан олишга маҳкум. Буни шоир “Беихтиёрликда манга борму ихтиёр?” дея азал ҳукмига итоат сифатида жуда чиройли иқроп этади.

Бу ғазал дастлабки беш байтининг мантиқий-бадий яқуни бўлди. Ғазални шу ерда тугаллаш ҳам мумкин эди. Бироқ лирик қаҳрамон ёрнинг висолидан умидвор. Ана шу умидворлик ғазалнинг сўнги – еттинчи байтини қуйидаги мазмунда вужудга келтиради:

*Мискин Навоий холи лабинг кўрса жон берур,
Боқсанг не бўлди сурати ҳолига, эй нигор ?!*

Лирик қаҳрамон маъшуканинг холи лаби тимсолидаги висолига муштоқ. Унинг висолига муяссар бўлса, жонини қурбон қилишга тайёр. Қани энди Нигор – маъшуқи азал унинг сурати ҳолига бир қиё бокса-ю, ошиқ унинг нигоҳига ғарқ бўлса. Ғазалда шоир атиги икки марта ундалма қўллади. Биринчи мисра ва охириги мисранинг сўнгида. “Нигор” илоҳий маъшук образидир. “Нигор” сўзи “нигоҳ” сўзи билан маънодошдир. “Нигоҳ” сўзи “қараш”, “боқиш”, “кўз ташлаш” маъноларини англатса, “нигор” – “қаровчи”, “боқувчи”, “кўз қорачиғида асровчи” маъноларини билдиради. “Оллоҳ – нигоҳбон, Оллоҳ – меҳрибон” тушунчалари шундан. Дарвоқе, Яратувчи жамики бандаларига боқувчи, уларнинг хол-аҳволидан бохабар, паноҳ ва нажоткордир.

Хулоса қилиб айтганда, ғазалнинг дастлабки байтларида мажозий ишқ, яъни инсоннинг инсонга бўлган муҳаббати тасвирланган. Лекин охириги байтлар ҳақиқий ишқ тўғрисидаги фалсафий хулосалар билан яқунланган. Бу Алишер Навоийнинг, профессор Н.Комилов таъбири билан айтганда, “мажозий ишқ орқали илоҳий ишққа қараб бориш”⁹⁹ услубидир.

99 Н.Комилов. Маънолар оламига сафар. –Т.:“Тамаддун”, Тошкент, 2012. 171-бет.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Ж 1. Бадоеъ ул-бидоя. –Т.: Фан, 1987.
2. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Ж 3. Фаройиб ус-сигар. –Т.: Фан, 1989.
3. Н.Комилов. Маънолар оламига сафар. – Т.: Тамаддун, 2012.
4. Ё.Исҳоқов. Сўз санъати сўзлиги. –Т.: Ўзбекистон, 2014.

Навоий ижодида китобат санъатининг ўрни

Иқболой АДIZОВА

(ТошДЎТАУ)

Маълумки, мумтоз адабиётда сўзларгина эмас, балки ҳарфлар ҳам муҳим бадиий вазифаларни бажарган. Кўплаб шоирларимиз араб ҳарфлари шаклидан тасвир воситаси сифатида фойдаланиб, асарларига зебу сайқал, кўрк ва маъно бағишлаган. Китобат ёки ҳарфий санъат деб аталувчи мазкур бадиий восита ўзбек мумтоз адабиётида кенг қўлланилган.

Китобат сўзининг луғавий маъноси “ёзиш, кўчириб ёзиш, хат ёзиш, ёзув” демакдир. Адабий истилоҳ сифатида эса, араб алифбосидаги ҳарфлар шаклидан фойдаланиб тимсол яратиш санъатига айтилади. Китобат санъатининг асосида ташбеҳ ётади. Уни шеърятда қўллаганда, араб ҳарфлари воситасида ўзига хос ўхшатиш яратилади. Бунда араб ҳарфлари мушаббах бих, яъни ўхшатилаётган нарса вазифасини ўтайди. Араб ҳарфларининг ёзувдаги шакли билан бирор нарса – ҳодиса ёки ҳолат ўртасида ўхшашлик юзага келтирилади.

Китобат санъати маълум доира ҳосил қилади. Яъни дастлаб ҳолатлар шаклга – ҳарфга айланган бўлса, кейинчалик шакл ҳолатни ёритишга хизмат қила бошлайди.

Китобат санъати, гўё шаклий хусусиятга, шаклий ўхшашликка асослангандек туюлади. Аммо, унинг намуналарини кузатсак, зоҳиран шакл бирламчидек туюлса-да, замирида ижодкорнинг чуқур маъновий, ғоявий мақсад-муддаоси мавжудлиги сезилади.

Алишер Навоий шеърятда ҳам китобат санъатининг ўрни ўзига хос. Мумтоз шоирларимизнинг кўпчилигида бадиий мақсадни ифодалашда кўпроқ араб алифбосидаги ҳарфларнинг шаклидан фойдаланилади. Навоийда эса, бироз бошқача. Унинг моҳиятига ишора биринчи ўринда туради. Жумладан, қуйидаги байтда шоир сўзнинг ёзилишини назарда тутади. Аммо уни ўқувчига сездирмасдан, ниҳоятда нозиклик билан, маъно қобиғига ўраб тақдим этади:

*Васлида лаъли уза холин кўруб куйган киби,
Ўртанурмен жонда эмди доғи ҳижронинг кўруб. [1]*

Биринчи мисрада шоир маҳбубани кўриб маҳлиё бўлган висол айёмида лаби устидаги холидан сўзлайди. Аммо зукко ўқувчи шоир мазкур сўзнинг араб ёзувида ёзилишидан келиб чиқиб, лаб сўзидаги “бе” ҳарфи остидаги нуқтага ишора этаётганини дарҳол сезади. Иккинчи мисрада ҳам жонни ўртовчи ҳижрон изтироблари ҳақида сўзлай туриб, шоир “жон” сўзидаги “же” ва “нун” ҳарфларининг нуқталарини назарда тутаётганини англаш қийин эмас. Мумтоз адабиётда китобат санъати қўлланганда шакл ва ўхшатиш, киёслаш катта ўринни эгаллайди. Аммо Навоий мазкур санъатни зоҳирий кўринишда қўллашдан сакланади. Унга янги бир теранлик ва кенглик бахш этишга ҳаракат қилади. Лафзий санъат хисобланган китобатга маъновийлик, фалсафийлик, кўпмаънолилик бағишлайди:

*Қора менгинг била қаддинг хаёли келса, ватан
Мунга кўз ичра ясай, анга жон аро қилайин. [1]*

Шоир мазкур байтда махбуба юзидаги қора холни кўзнинг қорачиғига, унинг қадди қоматини эса “жон” сўзининг арабча ёзилишида, ўртада келувчи “алиф” ҳарфиға менгзайди. Кўринадики, шоирга ушбу ўринда китобат санъати фикрдаги кўпқатламлилиқни юзага чиқаришга имкон яратади. Яъни, дастлаб “кўз” сўзининг араб алифбосидаги ёзуви шаклидан келиб чиқиб, ундаги “зе”нинг нуқтасига ишора этилса, иккинчидан, қора холнинг кўз қорачиғи-мардуми янглиғ ўринлашишига эътибор тортилади. Шоирнинг кейинги санъаткорлиги “жон” сўзининг ёзилиши билан алоқадорликда намоён бўлади. Яъни, аввало, махбуба қаддининг “алиф” янглиғ тиклиги назарда тутиб тасвирланса, иккинчидан, ана шу “алиф”нинг жон ичра ўрнашишига диққат қаратилади. Бундай тасвир ижодкорга сўзларнинг катта туркуми билан ифодаланиши лозим бўлган фикрни қисқа, аниқ, тушунарли ва таъсирли ифодалаш имконини беради. Бу эса шеърятда, ниҳоятда муҳим.

Ҳарфий санъат кўп ижодкорларда алиф рафтор, қадди дол каби ташқи қиёфани тасвирлашда фаол қўлланилади. Навоий эса ундан турли-туман теран бадий мақсадларда фойдаланади. Баъзан махбуба гўзаллигини тавсифлаш, баъзан ошиқ изтиробларини, баъзан мураккаб тасаввуфий ғояларни талқин этиш, баъзан қийноқли руҳий ҳолат ва кечинмаларни таъсирли ва равшан баён этиш кўзга ташланади:

*Алифсиз жон киби йўқ ул паридин ўзга мавжуде,
Ҳазин жонимда то ҳижрон хаданги чиқти жонимдин.[1]*

Мазкур байт 9 байтли ғазалнинг 4-байти. Унда “жон” сўзи ўртасидаги “алиф” билан боғлиқ китобат қўлланмоқда. Ошиқ назарида, алифсиз жон сўзини ёзиб бўлмаганидек, ул паридан ўзга мавжудлик ҳам йўқ. Гўзал махбубасиз, ҳаттоки, ошиқнинг ўзидан ҳам ном-нишон қолмаслигини таъкидлайди шоир:

*Навоий, билки топмишмен нишон мақсуддин бешак,
Ўшал кунким, нишоне топмасанг истаб нишонимдин.[1]*

Кўринадики, мазкур ғазалда шоир ошиқ ва махбуба руҳий ҳолатидаги ваҳдат мақомига кўтарилиш даражаси ҳақида фикрламоқда. Ошиқнинг ўзлигини унутган, ўзлигидан нишон тополмаган ҳолатда унинг асл мақсад ва ниятига эришишидан дарак бериши мақтаб байтни теран фикрли шоҳбайтга айлантиради. Ана шу шоҳбайтнинг яратилишига заминни эса шоир 4-байтда қўлланган китобат санъати воситасида амалга оширади.

Шоирнинг яна бир байтида ҳам ҳабиби юзидаги қора хол ва мардум-кўз қорачиғи муносабати эътиборимизни тартади:

*Агар ҳарф ўлса мудғам, ваҳки, холинг нуқта идғомин
Аён қилди кўзумнинг мардуми ичра мақом айлаб.[1]*

“Мудғам” сўзи араб сарфида ҳосил бўлиш ўрнига кўра ўзаро яқин товушларни бир-бирига сингдириб айтиш, идғом қилиш маъносида изоҳланади. Шоир тилдаги ана шу ходисадан чуқур моҳиятни ёритишда фойдаланади. Байтнинг мазмуни қуйидагича: агар икки ҳарф бир –бирига идғом бўлса, холинг нуқта билан бирлашиб кетиб кўзумнинг қорачиғи сифатида макон тутди. Бу ўринда шоир, аввало, “кўз” сўзининг эски ўзбек ёзувидаги шаклидан келиб чиқиб, “зе” товушининг нуқтасини назарда тутмоқда. Бу байтда қўлланган китобат санъати Навоийга, юқорида баён этилгани каби содда мазмундан ташқари, мураккаб, тасаввуфий моҳиятни ёритиш имкониятини ҳам беради. Тасаввуфшунос олимларимизнинг нуқтаи назарича, “кўз – Комил инсон тимсоли. Чунки у фақат ўзгаларни кўради, ўзини эса кўрмайди. Агар юз илоҳий зухурот рамзи бўлса, кўз шу зухуротни жамлаган манбаъ – мазҳар, комилликнинг рамзи. Кўзни севиш орқали илоҳий жамолни севиш ифодаланади”. [2]

Агар биз, шоирнинг мухлислари, сўзларни мутолаа этиб баҳра олсак, Навоий ҳар бир сўзнинг ичида яшайди. Унда маънолар денгизи тўлқинларининг тўфонларини, гулдуросларини тинглайди. Уларни чуқур ҳис этади. Ҳар бир сўз замирида ўзгандан-ўзга маънога эга янгича сўзларни кўради ва сўздан

сўзни уйғота олади. Бунга ижодидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, қуйидаги байтда шоирнинг ана шундай ноёб маҳоратининг гувоҳи бўламиз:

*Кўрмасам қошинг, бўлурмен турғоним бирла фигон,
“Войи” эрур, бас чу бўлмаса “Навойи” бирла “нун”. [1]*

Маълумки, “Навойи” сўзининг луғавий маъноси наво-қуй, дилкашлик, хушнудлик бахш этувчи маъноларини англатади. Бу ўринда шоир “Навойи” сўзининг ботинига сафар этади. Унинг турли маънолари ҳақида фикрлайди. Ажабланарлиси шундаки, шоир мазкур ғазалнинг мазмунидан келиб чиқиб, сўзни китобат санъати воситасида мўъжизага айлантиради. Ўқувчи учун ниҳоятда қутилмаган маъно қирраларини назарда тутиб қўллайди. “Нун”сиз Навойи кўнгли “войи”, яъни фарёдга айланиши таъкидланади. “нун” маҳбубанинг қошига менгзалади. Кўринадики, шоир ҳарфий санъат воситасида биргина ҳарф бутун моҳиятни ўзгартириб юбориши мумкинлигига эътиборни қаратмоқда. Бу ҳолат эса мутафаккир асарларининг ҳар бир сўзи ва, ҳатто, ҳарфи устида чуқур мушоҳада этиш лозимлигини исботлайди.

Шоирнинг

*Жонимдаги “жим” икки долингга фидо,
Андин сўнг “алиф” тоза ниҳолингга фидо.
“Нун”и доғи анбарин ҳилолингга фидо,
Қолгон ики нуқта икки холингга фидо. [3]*

Рубойиси тўлиқлигича китобат санъати асосида яратилган. Тўрт мисрада “жон” сўзининг араб ёзувидаги ёзилиш шаклидан келиб чиқиб, шоир маҳбуба аъзоларини ундаги ҳарфларга қиёслаб тасвирлайди.

Кузатишларимиздан шундай хулосага келишимиз мумкинки, шоир маҳбуба аъзоларини шунчаки ҳарфлар шаклига қиёсламайди, балки унинг замирида чуқур фалсафани мужассамлаштиради. Шоир нега, айнан, “жон” сўзини танлаган. Бу, тушунишимизча, бежиз эмас. Чунки “жон” сўзининг ичида маҳбуба мужассам. Яъни ошиқнинг жони, руҳи маҳбубадан иборат. Тўрт мисрадаги навоийвор фалсафа “ичингдаги ичингдаир”, дея тушунтирилган Румий фалсафаси билан жуда мутаносиб.

Маълумки, ишқ йўлидаги солиқнинг, ошиқнинг асосий мақсади ва умр мазмуни маҳбуба васлига етишиш. Уни излайди, унга интилади. Аммо, рубойидаги фикрлардан кўринадики, ошиқ излаётган маҳбуба унинг ичида, жонида. Ҳаётининг маъноси, мазмуни ундан иборат экан.

“Ирфоний истилоҳлар луғати”да “Жонни – инсон жони, руҳи ва Ҳақ тажаллиси ҳамда илоҳий исм ва сифатлар моҳиятини чуқур англаш мартабасига ишора”[4] сифатида талқин этишади. Шундай экан, Навойи ана шундай улуг: “илоҳий исм ва сифатлар моҳиятини чуқур англаш мартабаси”дан туриб, “Жон”ни таърифлайди. Унинг моҳиятига етиб, бутун ҳаёти мазмунини фидо этишни мақсад қилгани, интилгани гўзал маҳбуба ўз ичида эканлигини англаб етади. Мазкур рубойини Навойи “Лисон ут-тайр” достонининг тезис кўринишидаги нусхаси деб қарашимиз ҳам мумкин. Рубойидаги фикр-ғояни шоир кейинчалик яратган “Лисон ут-тайр” асарида бадиий образлар воситасида чуқур талқин этиб беради.

Бизга китобатнинг қўлланилиши содда ва оддийдек туюлади. Гўё шоир сўзнинг шаклий хусусиятларини инобатга олаётгандай тасаввур уйғотади. Аммо аслида шундаймикин? Йўқ албатта. Чунки Навойидек буюк аллома бундай содда йўлдан бормаслигини биламиз. Лаб, қош, нуқта, жон каби сўзларнинг чуқур тасаввуфий мазмун моҳиятига ҳам ишора борлигини англаш қийин эмас. Шундай экан, бу шоир ижодидаги китобат санъатини янада чуқурроқ нуқтаи назардан тадқиқ этиш лозимлигини кўрсатади. Унинг воситасида яратилаётган шаклий хусусиятларнинг ботиний маъно ва моҳиятини англаш шоир ижодининг биз етиб бормаган теран маъно сарҳадларига йўл очиши муқаррар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. МАТ. 3-том. Хазойин ул-маоний. Фаройиб ус-сиғар. Т.: Фан, 1988.
2. Комилов Н. Тасаввуф. Тавҳид асрори. Иккинчи китоб. Т.: Ўзбекистон, 1999, 88-бет.
3. Навоий. Қаро кўзум. Т.: Фан, 762-бет.
4. Сажжодий. Ирфоний истилоҳлар луғати, 283-бет.

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ИЖОД ТАБИАТИ ВА ИЖОДҚОР МАСЪУЛИЯТИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ

Нурбой ЖАББОРОВ

(ТошДЎТАУ)

Ижод ўзи нима? Унинг шахс камолоти ва жамият равнақида тутган ўрни қандай? Ижодқор ким? Унинг фаолияти қай мезонлар асосида баҳоланади? Табиийки, бу сингари саволлар инсоният пайдо бўлганидан буён ҳар бир тафаккур эгасини ўйлантириб келади. Бундай саволларга жавоб турлича бўлиши табиий. Бироқ бадий ижод тарихида шундай шахсиятлар борки, уларнинг қарашлари неча замонлар ўтса-да эскирмайди. Аксинча, барча даврларда ҳам авлодлар адабий-эстетик тафаккурини юксалтиришда ҳал қилувчи омил, ўзига хос барометр бўлиб қолаверади. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ана шундай сиймолардан эканлиги маълум.

Ҳазрат Алишер Навоий ижод табиати ва ижодқор тутуми ҳақида қандай фикрларни билдирган ва бобокалонимиз қарашларининг бугунги кун учун аҳамияти нималарда кўринади? Табиийки, бизнинг бу борадаги мухтасар фикрларимиз улуғ мутафаккир қарашларини тўлиқ қамраб ололмайди. Бу фикрларни бекиёс уммондан олинган бир ҳовуч сувга қиёсласа бўлар, эҳтимол.

Буюк адиб наздида бадий ижод қуйидаги талабларга мувофиқ бўлмоғи зарур:

1. Қалам ва сўзни муқаддас билиш, уни воситаи жоҳ этишдан сақланиш.
2. Ижод намунаси мукамал бадийят билан бирга теран маънони мужассам этмоғи зарурлиги.
3. Бадий асар Ҳақ ва ҳақиқатга таяниши.
4. Ижодқор ўз мустақил йўлидан юриши, тақлиддан йироқ бўлиши.

Ушбу мезонлар ҳазрат Алишер Навоий ижоди ва адабий-эстетик қарашларининг моҳиятини белгилайди. Уларни алоҳида таҳлил этишга уринамиз.

1. Қалам ва сўзни муқаддас билиш, уни воситаи жоҳ этишдан сақланиш. “Хамса”нинг иккинчи достони – “Фарҳод ва Ширин”да буюк шоир қаламни қуйидагича васф этади:

*Қаламким раҳнаварди тезтакдур,
Азалдин манзили фавқ ул-фалакдур.*

Яъни қалам энг илдам йўлчидир, унинг учун масофа аҳамиятга молик эмас. Қаламнинг манзили фалакдан ҳам юксакроқда – Аршдадир. Бу ўринда тақдир китоби – Лавҳ ул-махфузни ёзган илоҳий қалам назарда тутилган. Ҳазрат Навоий фикрича, қалам аҳли буни назарда тутмоғи, маскани фавқ ул-фалак бўлган қаламнинг шарафини ерга урмаслиги зарур. Бошқача айтганда, қалам билан фақат ва фақат муносиб сўзлар битилмоғи керак. Агар шундай масъулият бўлмаса, ижод аҳли қўлидаги қалам дарёда ўсган оддий қамишдан фарқ қилмайди:

*Қалам баҳри кафида турфа ишдур,
Магар дарё аро бутган қамишдур.*

Сўз, ҳазрат Навоий наздида, илоҳий неъмат. Тангри таоло ўз сирларининг хазинаси бўлган инсонни яралмишлар ичида сўз туфайли мумтоз этди. Ҳатто оламнинг яратилиши ҳам сўз шарофатидан. Шунинг учун “Хазойин ул-маоний”даги лирик шеърларида ҳам, насрий ва адабий-илмий асарларида

хам улуғ мутафаккир сўз кадри, сўз масъулияти масалаларига алоҳида диққат қаратади. “Хамса”нинг ҳар бир достонида сўз таърифига алоҳида боблар бағишлайди. “Назм ул-жавоҳир” асариди, жумладан, сўзга мана бундай таъриф берилади:

*Сўздурки нишон берур ўлукка жондин,
Сўздурки берур жонга хабар жонондин,
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳаре шарифроқ йўқ ондин.*

Улуғ мутафаккирнинг сўзга бу қадар эҳтиром билан муносабатда бўлиши замирида, биринчидан, инсон учун сўзнинг нечоғлик улуғ неъмат экани, уни кадрлаш зарурати ифодаланган бўлса, иккинчидан, ижод аҳли зиммасидаги улкан масъулиятни таъкидлаш мақсади ётади.

“Ҳайрат ул-аброр”да “назми ақолими жаҳонни, насри доғи кишвари жонни тутган” устози мавлоно Жомийни васф этар экан, шоир мана бундай ёзади:

*Парда ясаб ҳолати пинҳон учун,
Сафҳа ёзиб сатр ила китмон учун .*

Яъни, Абдурахмон Жомийнинг сафҳа ёзишидан, яъни бадий ижод билан шуғулланишидан муроди “кўкси ҳақойиқ дури ганжинаси, кўнгли маоний юзи ойинаси” эканини халойиқдан бекитмоқ, ҳолатини пинҳон тутиш учун парда ясамоқ бўлганини таъкидлайди. Демак, бобокалонимиз эътиқодича, сўз, бадий ижод – воситаи жоҳ эмас, халойиқ ўртасида шухрат қозонишдан сақланмоқ омили бўлмоғи зарур. Ундан шон-шавкатга, мансаб-мартабага, бойлик-ҳашамга эга бўлиш йўлида фойдаланмоқ ижод аҳлини тубанлик сари бошлайди. Мана, ижодкорнинг эътиқоди қандай бўлмоғи керак?! Бу фикрлар замирида ижод аҳли учун барча замонларга татирли ибрат сабоқлари бор.

2. Ижод намунаси мукамал бадийят билан бирга теран маънони мужассам этмоғи зарурлиги. Ҳазрат Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонида

*Назмда ҳам асл анга маъни дурур,
Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур,–*

деб ёзган эди. Бу сўзлари орқали улуғ мутафаккир замонлар келиб назмнинг суратида янгилинишлар бўлишини башорат қилган. Буюк шоир назмнинг ранго-ранг либослар билан зийнатланиши табиий эканини таъкидлаш баробарида, ҳар қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, “асл анга маъни” эканини алоҳида таъкидлаган.

Алишер Навоийнинг бу масаладаги адабий-эстетик тутуми “Бадойиъ ул-бидоя” девони дебодасида ҳам қатъий ифодаланган: “*Яна бир буқим, гўйиё баъзи эл ашъор таҳсилдин ва девон такмилидин гараз мажозий ҳусну жамол тавсифи ва мақсуд зоҳирий хатту хол таърифидин ўзга нима англамайдурурлар. Девон топилгайким, анда маърифатомиз бир газал топилмагай ва газал бўлгайким, анда мавъизатангиз бир байт бўлмагай. Мундоқ девон битилса, худ асру беҳуда заҳмат ва зойиъ машаққат тортилгон бўлгай*”.

Бу ўринда буюк адиб “маъни” тушунчасига янада ойдинлик киритади. Унинг “*маърифатомиз, мавъизатангиз*” бўлмоғи зарурлигига эътибор қаратади.

Таъкидлаш зарурки, ҳазрат Навоий “маъни”га урғу берар экан, зинҳор бадийятни инкор этмайди. Аксинча, назмда ёки насрда битилган бўлишидан қатъи назар, теран мазмун ва гўзал бадийят уйғунлиги талаб этилишини таъкидлайди. Ўз асарлари орқали бунинг беқиёс намунасини кўрсатади.

3. Бадий асар Ҳақ ва ҳақиқатга таяниши. Буюк мутафаккир таърифича, ана шу фазилатдан маҳрум бўлса, асар ҳеч қандай қимматга эга эмас. Унингча, ижод намунаси Ҳақ ва ҳақиқат нурига йўғрилмоғи зарур. Акс ҳолда ижод аҳлининг сўзи эътиборга тушмайди, эътироф қозона олмайди. Бу ҳақиқат “Ҳайрат ул-аброр”да куйидагича бадий талқин этилади:

*Нукта су янглиг эритур тошни,
Топса ҳақиқат ўтидин чошни.
Бўлса ҳақиқат гуҳаридин йироқ,
Ришта сўзин сўзламаган яхишироқ.*

Яъни, ҳақиқат гуҳаридин мосуво сўзни сўзлашдан наф йўқ. Бундай сўз на халойиқ олдида эътиборли, на Холик наздида. Инсоният тарихининг ибтидосидан то бугунга қадар қоғоз қоралаганлар сони қанча эканини Яратганнинг ўзи билади, улар орасида ёзмишлари эл кўнглига малҳам бўлганлари эса бармоқ билан санарлидир. Чунки, ижод сир-синаотга тўлиқ жараён. Қалбида хидоят нури мужассам бўлганларгина ҳам халққа, ҳам Ҳаққа манзур асарлар битиш шарафига ноил бўлади. Ҳазрат Навоий ижоди бунинг исботидир, “Ҳамса”нинг умрбоқийлиги боиси шунда. Шу сабабдан ҳам ул зот муяссар бўлган буюк мақомга эришмоқ маҳол.

Ҳазрат Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида ижод аҳлига баҳо берар экан, уларнинг Ҳақ ва ҳақиқатга муносабатини асосий мезон деб билади. Жумладан, биринчи мажлис ибтидосида “*ҳақойиқ ва маориф адосида назм либоси дилпазирроқ*” эканини алоҳида таъкидлайди. Асарларида “*ҳақойиқ ва маорифни дарж этган*” шоиру адибларни алоҳида эътироф этади. Хусайн Бойқаронинг туғишган акаси Бойқаро Мирзо ҳақида ёзар экан, “*ҳақиқунослиги аъло мартабада*” эканини мамнуният билан таъкидлайди. Ўз навбатида, бу каби фикрлар ҳазрат Алишер Навоий адабий-эстетик қарашларида ҳақиқат ва маърифат масаласи алоҳида мавқега эга бўлганидан далолат беради.

“Маҳбуб ул-қулуб”да эса, сўзлари ҳақиқат ва ростликдан йироқ қалам аҳли ижодкорларнинг “адно”, яъни энг қуйи табақаси сифатида таърифланади ва қаттиқ танқид қилинади: “*Яна адно табақаси, жамоатедурларким, назм била фақат кўнгуллари хушнуд ва хурсанд ва розию баҳраманддурлар. Ва юз машаққат била бир байтким боғлаштургайлар, даъво овозасин етти фалақдин ошургайлар. Сўзларида не ҳақойиқ ва маориф нўшидин ҳаловат ва назмларида не шавқ ва ишқ ўтидин ҳарорат. Не шоирона таркиблари аҳсан ва не ошиқона сўзу дардлари шуълаафган. Баъзидин агар гоҳи бирар яхиш байт воқеъ бўлур, аммо ўн онча ямон даъво зоҳир бўлурки, у ҳам зоеъ бўлур*”.

Ҳазрат Навоий фикрича, назмдан мурод кўнгул хушлиги эмас. Юз машаққат билан ёзган шеъри учун шоирлик даъвосини қилиш ва овозасини етти фалақдан оширишга уриниш – уят. Шеърнинг шеър бўлиши унда ҳақиқат ва маорифдан баҳра, шавқ ва ишқ ўтидан ҳарорат бўлмоғида кўринади. Юқорида танқид қилинган адно тоифанинг битиклари ана шу фазилатлардан маҳрум. Уларнинг баъзиси агар бир яхиш байт ёзса, ўн ёмон даъвоси билан уни ҳам зое қилади.

Умуман, Ҳақ ва ҳақиқатга таяниш – ижод намунасининг қимматини оширгани каби ижодкорнинг ҳам мартабаси юксалишига далолат қилади.

4. Ижодкор ўз мустақил йўлидан юриши, тақлиддан йироқ бўлиши. Буюк бешлик – “Ҳамса”ни ижод этар экан, ҳазрат Навоий мана бундай сатрларни битади:

*Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлгай,
Улусга майли беандоза бўлгай.*

*Йўқ эрса, назм қилгонни халойиқ
Мукаррар айламак сендин не лойиқ.*

*Хуш эрмас эл сўнгинча рахш сурмак,
Йўлеким, эл югурмишидур – югурмак.*

*Биравким бир чаманда сойир эрди,
Нечаким гул очилгон – кўрди, терди.*

*Ҳамул ерда эмас гул истамак хўб,
Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп.*

Улуғ мутафаккир халойиқ назм қилгонни мукаррар айламоқ – такрорламоқ фикридан йироқ. Ул зотнинг эътиқодича, бировлар кетидан от сурмоқ, эл югурган йўлдан югурмоқ зинҳор маъқул эмас. Бошқалар гул терган чаманда гул истамоқ оқил иши саналмайди. Ваҳоланки, “Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп”. Яъни ҳар ким ўз дидига мос гулни изламоғи, термоғи зарур. Шоир фикрича, шеъриятда ўзгаларни такрорлаш (“мукаррар айламак”) айб. Чинакам шоир ўз сози билан куйлаши лозим. Бошқалар кетидан от сурмоқ, ўзгалардан туйғу олиш ҳақиқий ижодкор иши эмас. Таклидчилик ижод табиатига зид. Ўз сўзини, ўзигагина хос услубда ифодалаган ижодкоргина адабиёт оламида ўз ўрнини топади, муайян мавқега эриша олади.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг ўзи бу борада барча замон ижодкорларига ибрат бўларли буюк ишни бажарди. Анъана замирида ўзига хос ижод мезонлари асосида оламшумул янгилик яратди, хамсанависликни юксак бир даражага кўтарди. Ваҳоланки, Низомий-Ганжавий, Хусрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомийдай буюк ижодкорлардан кейин хамсачиликни янги босқичга олиб чиқиш осон бўлмагани аён. Ҳазрат Алишер Навоий буюк салафларини такрорлаш у ёқда турсин, уларга эътирозларини билдиради. Жумладан, улар Хусрав образи талқинида “*Ки, мулки андоғу ойини мундоқ, сипоҳи андоғу тамкини мундоқ*” тарзида мақтовни ҳаддан оширганини танқид қилади. Ўз асарини “Фарҳод ва Ширин” деб атар экан, ўз ижод мезонидан келиб чиқиб, бош қахрамонликка Хусравни эмас, Фарҳодни танлайди. Баҳром образи талқинида ҳам 1) унда мояи дард йўқлиги ва ишқ оташидан маҳрумлиги; 2) етти қаср куриб, ишрат суриши ва маст-аласт ҳолда афсона тинглашида ҳақиқатга номувофиқлик кўради. “Сабъаи сайёр” сюжети ва композициясини навоийона асосга қуради.

Бу таҳлиллар буюк мутафаккирнинг ижодда таклидни қоралаши ва ҳар бир шоиру адибнинг ўз йўли, услубини яратиши зарурлиги ҳақида эътиборга молик фикрларни билдириш баробарида ўз асарлари билан буни амалда ҳам исботлаганини кўрсатади.

Умуман, ҳазрат Алишер Навоийнинг ижод табиати ва ижодкор масъулияти ҳақидаги адабий-эстетик қарашлари наинки улуғ шоир яшаган давр, балки барча замонлар учун ҳам бирдек аҳамиятлидир. Зеро, адабиёт оламига қадам қўйган ҳар бир ёш шоир ёки адиб буюк мутафаккир ижод лабораториясига қанчалик чуқур кирса, сўз санъати сирларини нечоғлик теран ўрганса, ижодда шунчалик камолга эришади. Бу эса, ўз навбатида, миллий адабиётимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшадиған, салоҳияти юксак ижодкорларнинг янги авлоди шаклланишиға олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. Йигирма жилдлик. Биринчи жилд. –Т.: Фан, 1987.
2. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр, Фарҳод ва Ширин. /Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Олтинчи жилд. – Т.: Фафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011.
3. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис, Маҳбуб ул-қулуб. /Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Тўққизинчи жилд. - Т.: Фафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011.
4. Алишер Навоий. Назм ул-жавоҳир. /Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Ўнинчи жилд. - Т.: Фафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011.
5. Жўракулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси. –Т.: Turon-iqbol, 2017.
6. Маллаев Н. Сўз санъатининг гултожи. –Т.: Фафур Ғулом номидаги НМИУ, 1991.
7. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик ва текстологик таҳлили. – Т.: “Akademnashr”, 2011.

ШАРҚ ДЕБОЧАНАВИСЛИГИ ТАРИХИДА НАВОЙНИНГ ЎРНИ

Фарида КАРИМОВА

(НамДУ)

Шарқ адабиёти тарихида узоқ тарихга эга бўлган дебочалар шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишда муҳим адабий манбалардан ҳисобланади. Асосан, девонларга битилган бу дебочалар бошқа асарлардан масалаларнинг кўйилиши ва мазмуни, композицияси, баён услуби каби жиҳатлари билан фарқ қилади. Айниқса, дебочалардагит шоир таржимаи ҳолига оид маълумотлар, унинг адабий фаолияти, асарлари яратилишининг тарихи, адабий-эстетик қарашлари ифодасида муҳим аҳамиятга эга.

Дебочаларнинг ҳамду наът билан бошланиб, саҳву хатолар учун узрхоҳлик билан яқунланади. Шоир ҳаёти ва ижодига доир маълумотлар, давр ҳукмдори мадҳи, шоирнинг ўз устозларига бўлган муҳаббати, девон мундарижаси билан таништириш каби қатор масалалар дебоча композициясида муҳим ўрин эгаллайди.

Фикрлар баёнидаги жимжимадорлик, образлилик, яъни дабдабали шарқона услубнинг ҳукмронлиги дебочаларга хос муҳим хусусиятлардандир. Бунда дебоча муаллифи фикрларини узундан-узоқ жумлалар, мураккаб ташбеҳлар, истиора ва образли параллелизмлар орқали ифодалашга интилади. Бу услуб Хусрав Дехлавий, Алишер Навоийдан то XIX ва XX асрлар шоирлари томонидан яратилган дебочалар учун ҳам характерлидир.

Дебочаларга хос яна бир хусусият назм билан насрнинг қоришиқ ҳолда истифода этилишидир. Дебочалардаги насрий баён давомида маснавий, рубоий, қитъа, байт каби турли жанрдаги шеърий парчалар бериб борилади. Бу парчалар, Хусрав Дехлавий таъкидлаганидек, наср гўзаллигини оширади, шунингдек, насрдаги фикрларни далиллаш, давом эттириш, хулосалаш каби вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Дебочалар бадиий тасвир воситаларининг қўлланиш доираси кенглиги ва хилма-хиллиги билан ҳам диққатни жалб этади. Булар фикрни аниқ, равшан ва образли тарзда ифодалашга имкон беради. Айниқса, дебочаларда сажъ санъати кенг истифода этилади.

Дебочалар бошланма манба сифатида девоннинг ажралмас қисмидир. Шунинг учун дебочада девоннинг ўзига хос хусусиятлари, унинг тузилиш тарихи билан таништириш ҳам муҳим ўрин тутди. Масалан, Алишер Навоий «Бадоеъ ул-бидоъ» дебочасида девон тузиш тарихида янгилик бўлган девонининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг қай тарзда бунёдга келганлигини баён этишга алоҳида эътибор беради.

Дебочаларнинг муҳим хусусиятларидан бири – унинг ижодий-биографик характерда бўлишидир. Улар шоир ҳаёти ва ижодининг жуда кўп қирралари билан таништиради. Масалан, Алишер Навоий ҳар икки дебочада замона ҳукмдори Ҳусайн Бойқаро унинг ижодини ҳамиша кузатиб борганлиги, шеърларини таҳрир қилганлиги, айрим ўзгартиришлар киритганлиги ҳақида сўзлайди. Бу маълумотлар Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатларини ўрганишда муҳимдир.

Дебочалар шаклий – поэтик жиҳатдан икки хил бўлади: насрий ва назмий дебочалар. Ўтмишда яратилган дебочаларнинг аксарияти насрий услубда битилган. Насрий дебочалар таркибида юкорида таъкидлаганимиздек, турли жанрдаги шеърий парчалар кўплаб келтирилади. Назмий дебочалар эса кам учрайди. Ўзбек адабиёти тарихида Шавқий, Узлат каби шоирлар ўз дебочаларини шеърий йўлда битганлар. Дебочалар шоир ё котиб, шунингдек, девонни тузувчи шахс томонидан ёзилади. Шунини таъкидлаш керакки, котиб ёки девонни тузувчи шахс томонидан ёзилган дебочалар муаллиф томонидан ёзилган дебочадан фарқ қилади. Бу характердаги дебочаларда, асосан, турли манбаларга асосланган ҳолда шоир ҳаёти ва ижодига доир маълумотлар келтирилади, девоннинг тузилиши ва кўчирилиш сабаблари изоҳланади. Масалан, Ҳофиз Шерозий девонига дўсти Муҳаммад Гуландом томонидан ёзилган дебочани мисол келтириш мумкин. Муҳаммад Гуландом шоир ўлимидан сўнг унинг шеърларини

тўплаб девон тузган ва унга дебоча ёзган. Ёки худди шу девонга Хусайн Бойқаро саройида хизмат қилган Навоийнинг замондоши Хожа Абдуллоҳ Марварид Баёний ҳам дебоча ёзган.

Шарқ халқлари адабиёти тарихида девонларга ёзилган илк дебочалар форсий адабиётда учрайди. Санойи девони нинг қадимги кўлёзма нусхасида (ЎзРФАШИ, кўлёзма, №760) шоир томонидан ёзилган насрий дебоча мавжуд. Мураккаб ва жимжимадор насрий услубда ёзилган дебочада шоир бутун адабий фаолияти давомида умидсизликка тушганлиги, дўсти ва ҳомийси Аҳмад ибн Масъуд Муставфий унга таскин берганлиги ва тарқоқ шеърларини тўплаб, девон тузишга даъват қилганлигини айтади.

Амир Хусрав Дехлавийнинг лирик шеърлари жамланган «Тухфат ус-сиғар» («Ёшлик тухфаси»), «Васатул-ҳаёт» («Ҳаёт ўртаси»), «Гурратул-камол» («Камолотнинг бошланиши»), «Бақияун-нақия» («Сараларнинг сараси»), «Ниҳоят ул-камол» («Камолот чўққиси») номли беш девони мавжуд. Бу девонларнинг кўлёзма нусхалари Ҳиндистон, Британия, Эрон, Россия кутубхоналарида сақланади. Шоир девонларига дебоча ёзган. Шунингдек, ЎзРФА Шарқшунослик институти кўлёмалар фондида сақланаётган «Тухфат ус-сиғар» («ЎзРФАШИ, кўлёмма, №9661/І»), «Васат ул-ҳаёт» (ЎзРФАШИ, кўлёмма, № 9661/ІІІ), «Гурратул-камол» (ЎзРФАШИ, кўлёмма, № 9661/VI, №178) девонларининг дебочали нусхалари мавжуд. Хусрав Дехлавий ҳаёти ва ижодини ўрганишда бу дебочаларнинг аҳамияти каттадир.

Абдурахмон Жомий ҳам 1491 йили Навоийнинг таклифи билан уч девонини алоҳида номлайди ва «бир пўст ичида уч мағиз етишгани каби» бир жилдга жамлайди ва уларга дебоча ёзади.

Жомийнинг биринчи девони «Фотихат уш-шабоб» («Ёшликнинг бошланиши»)га 10 варақ, «Фотихат уш-шабоб» ва «Воситат ул-иқд» («Дур шодаси ўрталиғи»), «Хотимат ул-ҳаёт» («Ҳаёт якунлари») девонларига 2-3 варақ дебоча ёзилган. Уларда девоннинг яратилиш тарихи, шоирнинг адабий-эстетик қарашлари ўз ифодасини топган.

Алишер Навоий Хусрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомийнинг дебоча тузишдаги хизматларини кадрлади, уларнинг девонга дебоча ёзиш аънарасини ижодий давом эттирди. Бу ўринда Хусрав Дехлавийнинг таъсири алоҳида бўлди. Навоийнинг «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Ҳазойин ул-маоний» девонларига ёзган дебочалари ана шу ижодий ва илмий жараённинг маҳсули эди. Шоир иккинчи девони «Наводир ун-ниҳоя»га ҳам дебоча ёзганлиги ҳақида хабар беради: «Андин сўнгра дағи ул жамъу тартибдин бошқа яна ҳар такриб била ҳар навъ абётким, айтилиб эрди-ю, ҳар навъ ғазалиётким, йиғилиб эрди, ул хаёл шабистонининг дурахшон ахтарларину ул кўнгул махзанининг дурахшон гавҳарларин дағи иккинчи девонимдаким, «Наводир ун-ниҳоя»га машхурдур, рабту тартиб бериб, дебочасинда шарҳ била аиззайи асҳобу ажиллайи аҳбоб хидматларида арз қилиб эрдим»(2,10). Лекин бу дебоча девоннинг бизга маълум нусхаларида қандайдир сабаблар билан сақланмаган.

«Бадоеъ ул-бидоя» девони 1478-79 йиллари тузилган ва унга дебоча ёзилган. Улкан ғоявий мақсадни ифода этиш эҳтиёжи туфайли яратилган мазкур дебочада кўйилган масалалар камрови ниҳоятда кенг.

Дебоча аънавий ҳамду сано ва наът билан бошланади. Шоир дебочанинг бу қисмида мусулмон фарзанди сифатида Оллоҳ ва пайғамбар (а.в.)ни таъриф тавсиф этади. Сўнгра шоир ўзи ҳақида хабар бериб, девондаги ашъорларнинг қай тарзда туғилганлиги ва кўпчилик орасида кенг ёйилганлиги хусусида сўзлайди. Дебочанинг муҳим жиҳатларидан бири шоирнинг ўз салафлари ижодига бўлган муносабатидир. Гарчи шоирнинг шеърларидан мухлислари томонидан девон тузилган бўлса-да, у ўзини соҳибдевон бўлишга лойиқ, деб билмайди. Уни ўз салафлари девонлари даражасига тенг келадиган девон тартиб беришнинг мушкуллиги ўйлантиради. Шу муносабат билан Навоий ўз салафлари – Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий ҳамда Мавлоно Саккокий, Мавлоно Лутфий каби туркий шоирларга бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиромини ифода этади. Хусайн Бойқаронинг Алишер Навоий ижодига муносабати масаласи дебоча композициясидаги муҳим масалалардан биридир. Унда Хусайн Бойқаронинг Навоий шеърятига муносабатининг икки муҳим қирраси акс этган. Хусайн Бойқаро бир томондан, шоир шеърларининг тарқоқ ҳолда йўқолиб кетмаслиги учун уларни бир жойга жамлаб, девон тузиш ҳақида топшириқ берган, яъни:

*Бу наъв истайдур эмди ройи олий,
Ки қилгай фикратинг девон хаёли...
Чу билдинг ҳукм, бор иштин ружуъ эт,
Равон мақсуд сори – ўқ шуруъ эт (1,19).*

Шу билан бирга, шоирга моддий ҳамда маънавий кўмак бергани ҳолда девон тузилиши жараёни ни назорат қилиб турган. Иккинчи томондан, дебочада муболағали билан аъкидланганидек, Хусайн Бойқаро Навоий ижоди, айниқса, шеърляти билан бевосита ва мунтазам машғул бўлган, шеърларини ўқиб, уларни таҳрир қилган, адабий мажлисларда юксак баҳо берган. Зеро, дебочалар Алишер Навоий ва Хусайн Бойқаро муносабатларини ёритувчи муҳим бир ҳужжатли манбадир. Дебоча композициясидаги жиҳатлардан яна бири – девон тузиш истагининг бўлмаганлиги ва бунга муайян шахслар томонидан туртки берилганлигининг таъкидланишидир. Кўпчиликнинг девон тузиш ҳақидаги илтимосига камтарона жавоб бериб келган шоир, ниҳоят, Хусайн Бойқаронинг топшириғи ва назорати остида «Бадоеъ ул-бидоя» девонини яратади ва уни Хусайн Бойқарога бағишлайди. Шу аснода девоннинг яратилиш тарихини ҳам баён қилади. Девоннинг ўзига хос хусусиятлари ва мундарижасини баён қилиш дебоча композициясидаги муҳим масалалардан ҳамда шоирнинг лирик дебоча яратишдан кўзлаган ғоявий мақсадларидан биридир. Шоир девони девончилик тарихида янги ҳодиса эди. Шу боис дебочада шоир, аввало, ўзининг девон тузиш принципларини асослаб беради. Биринчидан, Навоий девон тартиб берган шоирлар араб-форс алифбосидаги 32 ҳарфнинг тўрттаси билан тугалланувчи ғазал битмаганликларини таъкидлайди ва девоннинг ғазалиёт қисмини «ўттиз икки ҳарф тартиби била» тасниф қилганлигини баён қилади: «...ул тўрт ҳарф жавоҳирларин доғи ўзга ҳуруф жавоҳири силкига тортиб, ғазалиётни ўттиз икки ҳарф тартиби била мураттаб қилинди»(1,21). Иккинчидан, Навоий девон ва ундаги ҳар бир ҳарф ғазалиёти композициясининг мукамал бўлишини таъминлайди. Яъни, девон ва ҳар бир ҳарф ғазалиётининг дастлабки ғазаллари ҳамду наът ёки орифона руҳдаги ғазаллардан таркиб топади: «...ҳар ҳарф ғазалиётининг аввалги ғазалини ё Тенгри тало ҳамди била мувашшаҳ, ё Расул алайҳис-салом наъти била муфаттах, ё бир мавъиза билаким, бу икки ишдин бирига дол бўлғай, муваззаҳ қилинди»(1,21). Учинчидан, Навоий ишқий ғазаллар билан биргаликда ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий-таълимий характердаги ғазалларнинг ажойиб намуналарини яратди ва ўз девонининг композицион-мавзувий жиҳатдан мукамал бўлишига эришди: «...бу девонда ҳамду наът ва мавъизадин бошқа ҳар шўрангиз ғазалдинким, истимоъи маҳвашларға мужиб саркашлик ва ғамкашларға боиси мушаввашлик бўлғай, бирор-иккирор насихаторо ва мавъизатосо байт иртиқоб қилинди...»(1,21). Навоий ғазалдаги мазмун ва шакл уйғунлиги масаласига катта эътибор берадики, бу дебочада таърифланган тўртинчи принципдир. Шоир ғазал матлаъидаги мазмунни мақтаъгача ривожлантириб давом эттиришга, байтларнинг шакл жиҳатдан ўзаро мувофиқ ва маънога мос ҳамда изчил бўлишини таъминлашга ҳаракат қилдики, бу шоирнинг ғазал поэтикаси соҳасидаги муҳим янгиллиги эди: «...ҳар мазмунда матлаъе воқеъ бўлса, аксар андоғ бўлғайким, мақтаъгача сурат хайсиятидин мувофиқ ва маъни жонибидин мутобик тушқай» (1, 22). Бешинчидан, девоннинг жанрий мундарижаси ҳам мукамал бўлмоғи лозим. Шоир «Бадоеъ ул-бидоя» девонига лириканинг ўн бир жанридаги гўзал шеърларини киритганлигини таъкидлар экан, уларни бирма-бир таърифлаб ўтади. Ниҳоят, девонга кирган шеърлардаги айрим сахву хатолар учун китобхондан узр сўраш билан дебоча хотима топади. Шунингдек, шоир таржимаи ҳоли ва қаламкашлик ҳаётига оид чизгилар, илк девони ҳақидаги маълумотлар ҳам дебоча композициясига маҳорат билан сингдириб юборилган.

Юқоридагилардан кўринадики, «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида қўйилган масалаларнинг кўлами анча кенг ва уларни муайян тартибда жойлаштириш ва изчил баён этиш шоирдан санъаткорликни талаб қилгани шубҳасиздир. Дебочадаги маълумотлар Навоийнинг ўз эътирофлари бўлганлиги боис, шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишда муҳим манба вазифасини ўтайди.

«Хазойин ул-маоний»га ёзган дебоча ўзбек дебочанавислигининг энг юксак чўққисидир. Дебоча

композицияси шоир таржимаи холи ва ижодига доир маълумотлар, Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоий муносабатлари, «Хазойин ул-маоний»нинг яратилиш тарихи, унинг тузилиши ва таркиби каби қатор муҳим масалаларни қамраб олади.

Шоир ҳамду сано ва наътдан сўнг «Хазойин ул-маоний»нинг тартиб берилиш сабаблари ҳақида сўзлайди. Бунда шоир дастлаб тартиб берган икки девони ҳақида гапириб, кейинги даврда айтилган шеърлари ҳам ҳажм жиҳатдан улардан кўплигини таъкидлайди. Замон ҳодисалари туфайли йўқолиб кетмаслиги учун уларни тартибга солиш зарур эди. Лекин бунга шоирнинг соғлиғи йўл бермай қийнайди. Шу вақтда Навоий ижоди билан доимий равишда қизиқиб борган Хусайн Бойқаро шоирга барча шеърларини тўплаб, тўрт девон тузиш ҳақида фармон беради: «...бурунги икки девонким, бизнинг ҳукму хитобимиз била мураттаб қилдинг... Андин сўнгра йиғилғон ашъорингу назм риштасиға тортилғон шахворинг адади бурунги девонлардин ортқан чоғлиғдур ва бу латофатсифот хўблар ва малоҳатсимот маҳбублар била яна икки девон тартиб берса бўлурдек маълум бўладур... Эмди авло будурким, бу ғариб ишга кўнгул келтургайсен...» Шоирнинг соғлиғидан хабардор бўлган шоҳ унга ҳар томонлама ёрдам беришга ваъда беради: «Чун заъфи ҳолинг бизга зохиру пайдодур, шафқат ва банданавозлиғлар била равшану ҳувайдодур, марҳамату навосозлиғлар била мушкилинг бўлса ҳал қилинғусидур»(2,16).

Шундан сўнг Навоий бевосита Хусайн Бойқаронинг моддий ва маънавий кўмаги туфайли барча шеърларини тўплаб, уларни таҳрир қилади ва улар ёнига янгиларини ёзиб қўшади. Бу шеърларни шоҳнинг «кимё асар наз ари»дан ўтказди. 70-йиллардаёқ Навоий шеърларининг таҳрири билан шуғулланган Хусайн Бойқаро «Хазойин ул-маоний»даги шеърларни ҳам шоҳ сифатида, ҳам шоир сифатида кўздан кечириб, уларнинг айримларига ислоҳлар киритган. Ниҳоят, шоир барча лирик шеърларини жамлаб тўрт девон тузади ва уни «Хазойин ул-маоний» деб номлайди.

Шу ўринда шоир «Хазойин ул-маоний»нинг тузилиши ҳақида батафсил маълумот беради. Шоир йил фасллари ва инсон умрига монанд тўрт девонини тўрт хил ном билан атайди. Яъни, биринчи девон «Ғаройиб ус-сиғар», иккинчи девон «Наводир уш-шабоб», учинчи девон «Бадоеъ ул-васат», тўртинчи девон «Фавойид ул-кибар» деб номланган. Шунингдек, шоир ҳар бир девонига кирган шеърларининг ёш чегараларини ҳам кўрсатади. Навоий «Хазойин ул-маоний»ни яратишга сарф этган йиллар давомида «Хамса» назми билан шуғулланганлиги, «Назм ул-жавохир», «Мажолис ун-нафоис», «Зубдат ут-таворих» ва «сойир тасниф»лар битганлигини таъкидлайди. Шу ўринда бадий ижод соҳасида эришган ютуқларидан ниҳоятда мамнун эканлигини фахрия усулида баён қилади: «Ва бихамдиллоҳ андоқ муродлар касб эттиким, менинг абнойи жинсимнинг юзидин бирига муяссар бўлмайду... Бихамдиллоҳи таолоки, бу авқотдаким умр водийсининг кўпрагин анинг давлатидин муродлар била қатъ этибмен ва ҳаётнинг ниҳоятиға комлар, балки комронлиғлар била етибмен... Ҳар не дунё муродио зоҳир комронлигидур сурубмен ва сўзумнинг сийту садосин анинг мадҳида етти фалакка еткурубмен» (2,20).

Девон тузишдек улкан ишни ниҳоясига етказган шоирнинг шу даврда соғлиғи ниҳоятда ёмонлашади ва бу ҳам дебочада ўз ифодасини топган. Дебочанинг хотима қисмида шоир гўё Султон соҳибкироннинг давлатли даргоҳида ўтган умрига якун ясагандек туюлади. Хусайн Бойқаро давлатидаги хизматларини «дин ва охиратим шарафи» деб билган Навоий дебочани дуо, тилак характеридаги уч рубоий билан якунлайди.

Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» дебочасида қўйилган масалаларнинг кенг қўламчилиги ва уларни жойлаштириш тартибидаги изчиллик ҳамда баёндаги услубий етуклик унинг композициясига ҳар томонлама мукамаллик бағишлаган. Мазкур дебоча ғоявий-бадий жиҳатдан юксак девон дебочаларининг энг гўзал намунасидир.

Умуман, Алишер Навоий Шарқ адабиётидаги дебочанавислик анъаналарини ижодий давом эттирди ва ўзбек адабиётидаги дебочаларнинг ажойиб намуналарини яратди. Унинг дебочали девон тартиб бериш анъанаси кейинги асрлардаги Нодира, Амирий, Мунис Огаҳий, Шавқий, Муҳсиний, Фақирий, Табибий, Муҳаййир, Фано каби ўнлаб ўзбек шоирлари томонидан давом эттирилди. Адабиётимиз тари-

хида яратилган ўнлаб дебочалар муаллифларнинг ҳаёти ва ижоди, улар яшаган давр тарихини тўларок ўрганишда ва ёритишда адабий манбалардан бири сифатида муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоий Мукамал асарлар тўплами, 20 жилдлик, 1-жилд. –Тошкент: 1987.
2. Алишер Навоий Мукамал асарлар тўплами, 20 жилдлик, 3-жилд. –Тошкент: 1988.
3. Абдурахмон Жомий «Фотиҳат аш-шабоб», Биринчи девон. Танқидий матн. –М.: 1978.
4. Абдурахмон Жомий «Воситат ул-иқд», «Хотимат ул-ҳаёт». Иккинчи ва учинчи девонлар. Танқидий матн. –М.: 1980.
5. Хусрав Дехлавий. Девон. «Фуррат ул-камол», ЎзРФАШИ, қўлёзма инв. №178.

ВАҲДАТ ВА КАСРАТ ТАСВИРИ БАДИИЙ РАМЗЛАРДА

Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА
(ТошДЎТАУ)

Алишер Навоий ғазалларининг бош мавзуси – ишқ. “Фавойид ул-кибар” девонидаги мазкур (121-) ғазалда ҳам дунёни мукамал идрок этиш, ўзликни англаш, нафснинг бало-қутқуларини енгиш ва Ҳаққа – ҳақиқатга етиш маслаги ишқнинг тасвири талқинларида намоён бўлади.

*Ишқ аро куймак ишим, қайда мену қайда хирад,
Буйла ўт ичра кирарга хирад аҳлига не ҳад.*

*Ишқ ўти Тури тажаллийга чу солди партав,
Хаски кул бўлди, бурунроқ йўқ эди гайри хирад.*

*Зухд хуффоши оча олмаса кўз, кимга гунаҳ,
Ишқ хуришиди ёрутмиш чу азал то ба абад.*

*Ишқ ул бир муаллимки, анинг мактабида
Ақл ўқиб тифл кеби лавҳи фанодин абжад.*

*Ишқ жонбахш насими не чамангаки эсиб,
Юз ниҳол анда бўлуб лолаузору гулҳад.*

*Ул чаман барги гули шавқ ҳадисига варақ,
Сунбули силсиласи ҳуш жунунига мадад.*

*Асли бир зот келиб чунки маротибга ўтуб,
Бениҳоят бўлуб ижоду сифот ичра адад.*

*Бирдурур асли адад, кимки ҳақиқатбиндур,
Гар адад юз туман ўлса, тузатур бирга санад.*

*Эй Навоий, десанг ихлос ила бу сирни тилай
Кулҳуаллоҳу аҳад, сўнградур оллоҳу самад.*

Ишқ ўтида ўртаниб-ёниш – инсоннинг ўз моҳиятини, дунёни, тирикликни англашга етаклайди. Ҳазалда тасвирланган ишқнинг кўлами дунёни идрок этиш кўлами билан баробар, балки ундан ҳам кенгрок ва баландрок. Шу боис бу ишқни инсонга ёки дунёга ва илоҳга бўлган ишқ деб ажратиш, улар ўртасига тўсиқ қўйиш мумкин эмас. Яратганга муҳаббат, у яратган дунё – борликқа, унинг яратиклари – инсон ва бошқа махлуқотларга бўлган муҳаббат билан узвийдир – дунёга, инсонга бўлган муҳаббат Ҳақнинг муҳаббати сари юксалтиради, буни эса шоир ирфоний-бадий талқинларда тасвирлайди.

*Ишқ аро куймак ишим, қайда мену қайда хирад,
Буйла ўт ичра кирарга хирад аҳлига не ҳад.*

Ишқ ичра менинг ишим куймоқлик, мен қайдаман-у, хирад – ақл қаерда? Яъни, ақл мenden мутлако узоклашиб кетган. Бундай ўт ичига киришга хирад аҳлининг (ақл эгаларининг) ҳадди сиғармиди, – деган мазмун англашилган ушбу байтда ишқ ва ақл қарама-қарши тушунчалари тазодидан фойдаланилган. Шарқ адабиётида ишқ (баъзан ҳусн номи билан келади) ва ақлни бир-бирига қарама-қарши қўйиш анъанаси азалдан мавжуд. Бу, албатта, дунёни идрок этиш масаласи билан боғлиқ. Шоир ишқ моҳиятини тушунтириш мақсадида бундай зидлантиришдан фойдаланади. Зеро, юкорида таъкидланганидек, ишқнинг моҳиятини англаш, инсоннинг инсонлик моҳиятини, тириклик моҳиятини англаш, демакдир.

Ишқнинг оташин ҳарорати ва қудратини шоир жонсўз воситаларда кучайтиради. Кейинги байтда пайғамбарлар тарихига тегишли бир воқеа – Мусо алайҳиссаломнинг Тур тоғига тушган Мутлақ гўзаллик жамоли жилвасини кўришга муяссар бўлгани воқеасини талмеҳ санъати асосида байтга кўчиради:

*Ишқ ўти Тури тажаллийга чу солди партав,
Хаски кул бўлди, бурунроқ йўқ эди гайри хирад.*

Байтда ёдга олинган воқеа мазмунига кўра, Ҳақ жамолини кўришни истаган Мусо алайҳиссалом учун У зот (Ҳақ) ўз жамоли жилваси – тажаллийсини Тур тоғига ташлайди. Бундай гўзаллик (ишқ) оташига тоғ бардош беролмай, мумдек эрийди. Бу ҳодиса мазмуни Шарқ шеъриятида “Тури тажаллий” ифодасида бадий воқеликка айланган. Навоий ҳам ишқ оташи ва унинг ҳароратини китобхонга етказишда ундан бадий киёс сифатида фойдаланган. Мазкур байтнинг насрий баёни: Тажаллийга маскан бўлган Тур (тоғи)га ишқ ўти ўз партави – шуъласини солдики, тоғ хасдек, (умуман, бу ўринда тоғ) кул бўлди, чунки у ерда ақл – хасдан бўлак нарса йўқ эди. Моддий нарсалар бир-бири билан муайян қонуниятлар асосида, мантиқ билан боғланади. Демак, улар қайсидир жихатдан ақлнинг маҳсули. Ишқда эса бу мантиқ кўринмайди. Шу боис ҳам шоир “Лайли ва Мажнун” достонида Навоий шоир:

*Эй ақл сенинг йўлунгда гофил,
Ким телба сенинг йўлунгда оқил, – деб ёзади.*

Ўрганилаётган ғазал байтидаги “бурунроқ йўқ эрди хирад” жумласига эътибор қаратилса, то ишқ ўти (тажалли) тушгунича, хасдек кул бўлган ақлдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Сабр ва бардош тимсоли ҳисобланган тоғ ишқ олдида, унинг оташи олдида хасдек – енгил ва ожиз.

Ошиқ муҳаббатининг кўлами ва юксаклиги кейинги байтда куёш билан кўршапалак – ишқ ва зухд тазодлари воситасида яна ҳам очикроқ кўрина бошлайди.

*Зухд хуффоши оча олмаса кўз, кимга гунаҳ,
Ишқ хуршиди ёрутмиш чу азал то ба абад.*

Зухд – зоҳиднинг аъмоли хуффош – кўршапалакнинг аҳволига қиёсланмоқда. Кўршапалак нурга – ёруғликка тоқат қилолмайди. Байтда у “зухд хуффоши” бирикмасини шакллантирган. Кўршапалак каби куёшга тоқат қилолмайдиган (одам) зоҳид ишқ куёши олдида кўз очолмаса, бунинг гуноҳи ким-

га, ахир ишқ қуёши ҳамиша нур сочади – у азалий ва абадийдир. Одатда, орифона шеърларда ишқ ва зуҳд, ошиқлик ва зоҳидлик бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Яъни зуҳд аҳли ишқдан беҳабар. Улар ёр жамоли эмас, балки дўзахдан кўрқиб, жаннат илинжида, истагида умрини тоат-ибодат билан ўтказадилар. Шу боис ҳам зуҳд аҳлини ишқ моҳиятини англолмаслиги жиҳатидан кўршапалакка қиёслайдилар. Кўршапалакнинг қуёшга тоқат қилолмаслик хусусияти мисолида ишқнинг Қуёшга тенглаштирилаётганлигини англаш мумкин. Бу қуёш – ишқ қуёши азалий ва абадийдир. Демак, ҳеч қачон ёруғликда яшолмайдиган кўршапалак тимсолидаги зоҳид ишқдан мосуво, гарчи у ҳеч кимга зиён келтирмаса ҳам зулматдаги кабидир.

*Ишқ ул бир муаллимки, анинг мактабида
Ақл ўқиб тифл кеби лавҳи фанодин абжад.*

Байтни шундай тушуниш мумкин: Ишқ шундай бир муаллимки, унинг мактабида сабоқ олаётган ақл фано деган лавҳдан – ёзув тахтасидан абжад ўрганаётган боладек, илк дарсларни ўзлаштираётгандек. Аниқроғи, ишқ муаллимлик қилаётган мактабда ақл абжаддан нарига ўтолмайди. Агар бу мактабда фано ҳақидаги дарслар ўтилса, у (ақл) худди ёш болага ўхшаб қолади. Ҳазрат Жомий бир қасидасини шундай бошлаган эди: “Муаллим кист? – Ишқу кунчи хомуши дабистонаш”. Мазмуни: “Муаллим ким? – Ишқ ва унинг мактаби хомушлик бурчагидир”. Ақл хомушликни бартараф қилишни, кўнгилдаги изтироблардан халос бўлишни истайди, хотиржамликка интилади. Ишқ эса бунинг акси. Ҳамиша изтиробда.

Шу маънода, бу ишқ мактабида ақл фано ҳақида дарс олса, абжаддан нарига ўтолмайди. Чунки у ишқнинг моҳиятини англашга ожиздир.

*Ишқ жонбахш насими не чамангаки эсиб,
Юз ниҳол анда бўлуб лолаузору гулҳад.*

Байтнинг насрий баёни: Ишқнинг жон бахш этувчи насими – шамоли қайси чаманга – гулбоққа эсса, у ерда лола юзли, гулёноқли юзлаб ниҳоллар пайдо бўлади.

Ишқнинг моҳияти, инсон, дунё қисматидаги ўрни ифода топган ушбу байтни шарҳлашда унинг тирклик маъно-мазмуни ва инсоннинг инсонлик моҳиятини англаш ва англантишдаги масалалар ҳақида сўз боради. Яъни: дунё ишқ туфайли яралди – ишқ насими дунёга таралди ва дунё яралди... Дунё мутлақ гўзаллик жамолининг жилваси, деган фикр-қараш бу ўринда бадий бўёқлар ёрдамида янада ривожлантирилган. Демак, Мутлақ гўзалликдан гўзал дунё яралган. Кейинги байт ҳам аввалгисидагидек гулу сунбул каби мутаносиб бадий тимсол ва қиёслар воситасида давом эттирилади.

*Ул чаман барги гули шавқ ҳадисига варақ,
Сунбули силсиласи ҳуш жунунига мадад.*

Байтнинг насрий баёни: бу чамандаги гулнинг барги шавқ ҳадисини – сўзларини ёзиш учун саҳифа бўлса, сунбулларнинг занжири ҳуш (ақл)нинг жунунига мададдир. Бу ўринда: шавқ ҳадиси – шавқнинг сўзлари; сунбул силсиласи – сочининг занжири, ўрамлари.

Чаман, яъни боғ тасвири орқали дунё тасвири берилмоқда. Гул – маъшук; сунбул, яъни соч – дунё. Умуман, бу тимсоллар дунё гўзаллигини, ундан завқланишни ифодаламоқда. Гул ва сунбул ботиний мазмунда ҳақиқий гўзалликдан завқланиш, ундан ҳайратга тушиш маъноларини ҳам ифодалайди. Демак, ушбу байтни бир пайтнинг ўзиде икки маънони: дунё гўзаллиги ва Ҳақ гўзаллигига ошиқликни ифодалаши ғазалнинг таъсир қувватини оширган. Дунёни тажалли назариясига мувофиқ идрок этиш байтнинг ботиний маънода ҳам тўғри идрок этишга олиб келади. Буни кейинги байтдаги фикрлар ҳам асослайди:

*Асли бир зот келиб чунки маротибга ўтуб,
Бениҳоят бўлуб ижоду сифот ичра адад.*

Байтнинг насрий баёни: Аслида, бир зот қачонки (олам деган) мартабани, даражани яратишга ўтганида, Унинг ижоди – яратган, вужудга келтирган (нарсаларининг) сифати (кўриниши) ададсиз (саноксиз, кўп) бўлди. Дунё – Ҳақнинг ижоди. Унда Буюк Зотнинг сифатлари зоҳир. Бу ўринда ғазалнинг бошланишидаги иккинчи байтда ишора этилган тажалли назариясининг ғоялари орқали дунёнинг яратилиши ҳақида сўз боради, моҳият ва ҳодиса, ваҳдат ва касрат масалалари кўтарилади, шоир байтларни тадрижий ривожлантириб, буларнинг бари ишқ туфайли эканлигига ишонтиради. Дунё – Мутлақ жамолнинг кўзгудаги жилваси деган фикрлар асосланади, гўё.

*Бирдурур асли адад, кимки ҳақиқатбиндур,
Ғар адад юз туман ўлса, тузатур бирга санад.*

Аслида, санок бир, яъни бирда жамланган. Ҳамма нарса бирга (биру борга – азалий ва абадий бўлган зотга) – ягона Ҳаққа бориб тақалади. Ким агар ҳақиқатбин – ҳақиқатни кўра олувчи бўлса, санок юз туман бўлса ҳам, бир қилиб тузатади, бирга таянади, бирни асос қилиб олади.

Моҳиятнинг ҳодисада намоён бўлишига ишора қилинган байтни шу тарзда тушуниш мумкин.

Моҳият битта – ягона, ҳодиса – кўплик – касрат олами эса юз туман, кўп, балки ададсиз. Бу ҳақиқатбин одам ана шу юз туман нарсани (ҳодисани) бирда – моҳиятда кўра олади. Буни англаш сирларини шоир кейинги байтда асослашга ўтади:

*Эй Навоий, десанг ихлос ила бу сирни тилай
Қулҳуаллоҳу аҳад, сўнградур оллоҳу самад.*

Насрий баёни: Эй Навоий, Агар ихлос билан айтаман десанг, сенинг бир сирни билишингни истайман: “У– Оллоҳ Бирдир. (Яъни Унинг ҳеч қандай шериги йўқдир. У якка-ю ёлғиздир), Оллоҳ (барча ҳожатлар билан) кўзлангувчидир (яъни барча ҳожатлар Ундан сўралади, аммо У ҳеч кимга муҳтож эмасдир) [Қуръон тафсири, 1992, 530-бет].

Қуръони каримнинг Ихлос сураси оятларини келтираётган шоир бу суранинг номига ҳам ишора қилади ва айни пайтда, унинг ўз маъносидан ҳам фойдаланади. Байт иккинчи мисрасидаги биринчи жумла – имонга тегишли. Шундан келиб чиқиб, шарҳланса, Ҳақнинг биру борлигига ишонган – имон келтирган одам дунёнинг яралишини ҳам шу асосда идрок эта олади ва шу боис У зотга эҳтиёж сезади.

Адабиётшунос Олимжон Давлатов ушбу байтдаги ихлос сураси оятларини шарҳлашда тавил усулига ёндашган тафсирларга мурожаат қилишни таклиф этади ва Ҳусайн Воиз Кошифийнинг Навоийга бағишлаб ёзилган ва катта эътиборга сазовор бўлган “Мавоҳиби алия” асаридан мазкур суранинг суфиёна тафсири келтиради: Кимки (Ихлос сурасида зикр этилган – *О. Д.*) хуванинг ифорини кашф этса, воладир (ҳайратзада ошиқдир – *О. Д.*), улким, Аллоҳни билса, олим ва ориф эрур, ҳар кишики “аҳад”ни топса, муҳибдир (севгандир), Кимки “самад”ни таниса, орифдир, “Лам ялид ва лам юлад”ни эътикод қилган киши оқилдир. “Ва лам якун ла ҳу куфуван аҳад”ни тасдиқлаган киши мўъминдир. Бу маъниларнинг ҳаммасини жамъ этган киши хос муваҳҳид эрур...”¹⁰⁰.

Демак, ушбу ғазал ҳам Навоийнинг диний-тасаввуфий қарашлари асосида ишқ моҳияти бадиий талқин этилган асарларидан ва у шоир дунёқарашини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

100 This ten virtues are *tawba, zuhd, tawakkul, qanā'at, ṣabr, tawāḍu' wa adab, zikr, tawajjuh, riḍā, 'ishq*.

‘AlīShīr Nawā’ī deals more specifically with the notion of *adab* in two of his most famous works: *Ḥayrat al-abrār* (‘Confusion of the Righteous’) and *Maḥbūb al-qulūb* (‘The Beloved of Hearts’), both composed in Eastern Turkish respectively in 888/1483 and in 906/1500-1501. A work of ethics and morals written in a rhymed prose interspersed with verses, *Maḥbūb al-qulūb* has been said to be inspired by two Persian masterpieces: Sa’dī’s *Gulistān* and Jāmī’s *Bahāristān*.¹⁰¹ The treatise comprises an introduction and three sections. In the second of these, *adab* is listed among ten virtues¹⁰², each of which is described by an *andarz*-type development and then illustrated by an apologue (*ḥikāyat*). The second work in question, *Ḥayrat al-abrār*, is the first *mathnawī* of Nawā’ī’s *Khamsa*. As such, it was conceived as an imitation of Nizāmī’s *Makhzan al-asrār*, Amir Khusraw Dihlawī’s *Maṭla‘ al-anwār* and Jāmī’s *Tuḥfat al-aḥrār*. Like its models *Ḥayrat al-abrār* is a didactic *mathnawī* that comprises, besides a good deal of introductory matter, twenty *maqālat*s or ‘discourses.’ Each of these discourses deals with some theological or ethical topic, which is first discussed in the abstract and then illustrated by an apologue (*ḥikāyat*). Interestingly, Nawā’ī is the only one among the poets quoted above (Nizāmī, Amīr Khusraw Dihlawī and Jāmī) who devotes a specific *maqālat* to *adab*.

1. Addressing several types of *adab*

In the sixth discourse (*maqālat*) of *Ḥayrat al-abrār*, the Timurid poet sheds light on various dimensions of *adab*. *Adab* is about relationships: the relationship to others, to God and to oneself.¹⁰³ According to this schematic vision, there have been numerous attempts to make up a classification. Sufi theorists have often treated *adab* in terms of various configurations of one’s behaviour: “as proper comportment vis-à-vis divine law (*adab al-sharī‘a*), as proper comportment vis-à-vis others (*adab al-khidma/al-mu‘āmalāt*), and as *adab al-ḥaqq*, or proper comportment vis-à-vis God.”¹⁰⁴ Ibn ‘Arabī (d. 638/1240), whose works were known to Nawā’ī thanks to Jāmī’s teaching¹⁰⁵, added a fourth dimension, as noted by Erik Ohlander, to this list: *adab al-ḥaqīqa*, or proper comportment vis-à-vis the divine reality.¹⁰⁶ As far as Nawā’ī’s *maqālat* is concerned, we may distinguish three categories: *adab al-sharī‘a*, *adab al-khidma*, and an *adab al-ṭarīq*, which refers more specifically to those who intend to follow the mystical path.

It is obvious from the beginning of the *maqālat*, that Nawā’ī immediately adopts a Sufi perspective. The poet primarily addresses those who sit in “the house of request” (*ṭalab iyyidā*)¹⁰⁷, those who “lower their height under the weight of service” (*khidma yūki*)¹⁰⁸ and “blind the eyes of arrogance” (*kibr kōzi*)¹⁰⁹. While the necessity to struggle against the lower soul (*nafs*) and its desire (*hawā*) is also repeated, the verses unfold a mystical terminology (*riyāḍa*, *ṣidq*, *rukḥṣa*, etc.), which clearly refers to engagement along the Sufi path. The discourse thus concerns primarily those who intend to model their behaviour around an *adab* of the ‘path’ (the word *ṭarīq* is used in this meaning in the eighth *bayt*).¹¹⁰

Nawā’ī then urges this audience to engage on the *shar‘ ṭarīqi* (‘the path of the law’),¹¹¹ meaning that Sufi apprentices should also conform to an *adab al-sharī‘a*. In this respect, the poet reaffirms the importance of religious duties (*farḍ*), especially when it comes to instruct people about what is good or bad:

101 Mayeur-Jaouen and Patrizi, “Ethics and Spirituality in Islam: Sufi *adab*,” 6.

102 Ohlander, “*Adab* d) in Sūfism.”

103 See Toutant, *Un empire de mots*, 492-494.

104 Ohlander, “*Adab* d) in Sūfism.” See also Gril, “*Adab* et éthique dans le soufisme”, 59.

105 Nawā’ī, *Ḥayrat al-abrār*, 49.

106 Nawā’ī, *Ḥayrat al-abrār*, 49.

107 Nawā’ī, *Ḥayrat al-abrār*, 49.

108 Nawā’ī, *Ḥayrat al-abrār*, 49.

109 Nawā’ī, *Ḥayrat al-abrār*, 49.

110 Nawā’ī, *Ḥayrat al-abrār*, 49.

111 Nawā’ī, *Ḥayrat al-abrār*, 50.

*farḍ u sunan olcha erūr dilpathīr
barchagha örgätmäk erūr nāguzīr*¹¹⁷

What is convenient according to the [religious] duties and the Sunna
It is necessary to instruct everyone about it

It should be borne in mind that in the Timurid context, these words find a significant echo, owing to the persistence of Mongolian customs.¹¹² The *adab al-sharī'a* that Nawā'ī promotes here first relates to family. Practical pieces of advice are given with respect to this matter. For instance, one should give a good name to his children so that they do not feel shame later. Children should also have a teacher (*mu'allim*) in order to learn knowledge and *adab*. Likewise, one's wife should stay at home (*anīs-i ḥarām*). She should adapt her conduct to the *sharī'a* (*shar' tarīqi*), display a true sense of modesty (*ḥayā'*) and avoid the traps set by the carnal soul (*nafs*) such as vanity. To honour one's parents as much as one can is also an essential duty (*farḍ-i 'ayn*).¹¹³ This kind of exhortations is indeed very common. Many *ḥadīths* link *adab* and the way a good Muslim should behave towards his children, his wife and his parents, giving the very same kind of advice.¹¹⁴ These very concrete dispositions recall one of Nawā'ī's peers' statement: "Adab consists wholly of doing good deeds."¹¹⁵ In the same line of thought, insofar as Islamic law is observed, the proper conduct requires 'nothing but wisdom' (*khīrad*), remarks Nawā'ī.¹¹⁶

- 5."Девони Фоний" устида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг баъзи натижалари ЎзР ФА томонидан ҳар йили Навоийга атаб ўтказиладиган илмий сессияларда проф. Ҳ.Сулаймон маърузаларида тўрт мартаба баён қилинган. Қаранг: Навоий сессияси материалларининг программалари: 1."Девони Фоний"нинг икки мўтабар Париж қўлёзмалари ҳақида, 1961; 2. Навоий форсий қасидаларининг ижодий тарихига оид, 1962; 3. Навоийнинг форсий рубоийлари, 1963; 4. "Девони Фоний" ғазалларининг социал мазмуни ҳақида, 1964 .
6. Сулаймон Ҳ. Алишер Навоийнинг форс тилидаги поэтик мероси тадқиқотидан // "Ўзбек тили ва адабиёти", 5-сон, 1965. 32-бет.
7. Сулейман Х. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои. АКД. –Ташкент, 1961.С. 38.

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “ТУХФАТ УЛ-АФКОР” ҚАСИДАСИДА ЖОМИЙ ВАСФИ

Дурдона ЗОҲИДОВА
(Қўқон ДПИ)

Ҳазрат Навоий бутун ижодида жонкуярлик билан талқин ва тарғиб этган комиллик, энг аввало, унинг ўз шахси ва фаолиятига хос эди. Бу сўзлар Навоийнинг дўст, шогирд ва мурид сифатидаги аъмолига ҳам тегишлидир. Алишер Навоий ва унинг устози, пири, ҳаммаслаги Абдурахмон Жомий ўртасидаги муносабат инсоннинг инсонга бўлган самимий дўстлиги, чексиз меҳру муҳаббатининг олий намунаси эдики, бундай муносабат тарих саҳифаларида кам учрайди.

Навоий ва Жомий фикран ва руҳан яқдил, бир-бирларига сирдош, ҳаммаслак, ҳамдурд эдилар. Бу яқинлик ҳатто замондошларининг ҳам ҳайрати ва таҳсинига сазовор бўлган. Жомий бу ҳақида шундай деб ёзган.

К-ин писар мешавад туро фарзанд?

Ёки шогирди тусту хешованд?

Гуфтам: “У турк асту ман тожик,

Лек дорам хешии наздик”

Мазмуни:

Бу йигит фарзандингизми?

Қариндошингизми ё шогирдингизми?

Дедим: “У туркийдир, мен эса тожик,

Лекин у билан яқин қариндошлигим бор” (1.72-73-бет)

Бу билан Жомий иккалалари ўрталаридаги маънавий муштарақликни назарда тутган. Дарҳақиқат, улар руҳоният, тафаккур, дунёқараш ва ахлоқда қариндош эдилар. Навоий 1476 йили расман Жомийга пир, муршид сифатида қўл бериб, нақшбандия тариқатига киради. У ҳар бир асарини яратиш билан боғлиқ ижодий режаларини биринчи бўлиб Жомийга айтар, унинг фотиҳасини олгандан кейингина асарини ёзишга киришар эди. Бу ўринда машҳур “Тухфат ул-афкор” қасидасининг яратилиш тарихини эслаш кифоя. Мажлислардан бирида Навоий Амир Хусрав Дехлавийнинг “Дарёи аброр” қасидасини мақтайди. Навоийнинг айтишича, Хусрав Дехлавий ўзининг бу қасидаси ҳақида: «Агар афлок ҳаводиси ва рўзгор навоибидин менинг борча назмим замона саҳифасидин маҳв бўлса ва бу қасидам қолса, менга басдур, невчунким, ҳар киши ани ўқуса билурким, назм мулкида менинг тасарруф ва иқтидорим не мартабада эркандур», яъни “Агар фалак ходисоти ва рўзгор мусибати туфайли менинг бошқа барча шеърларим замона саҳифасидан ўчиб кетгудек бўлса-ю шу қасидам қолса, шунинг ўзи менга етади, уни ўқиганкиши менинг назм мулкини қанчалик эгаллаганимуқтидорим мартабаси қандайлигини билиб олади” деб айтган экан (2.34-бет). Жомий бу сўзларни индамай эшитади. Бир неча кундан кейин Марв сафари олдидан устози фотиҳасини олиш учун келган Навоийга Жомий “Дарёи аброр” га татаббуъ сифатида ёзилган “Лужжатул-асрор” қасидасини тақдим этади. Навоий уни сафар давомида от устида кетаётиб ўқиб тугатади. Шунда унинг хаёлида “Тухфатул-афкор” қасидасининг “*Оташин лаълеки, тожи хисравонро зевар аст, Ахгари баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст*” деб бошланувчи илк байти туғилади. Навоий уни Жомийга чопар орқали жўнатиб, қасидани давом эттириш ёки эттирмасликни сўрайди. Жомий албатта давом эттиришни айтиб мактуб йўллайди. Навоий Марвга етгунга қадар от устида байтлари сони 99 та, яъни Аллоҳнинг гўзал исмлари – асмоул-хусно ададига тенг бўлган “Тухфатул-афкор” қасидасини тугаллайди:

Дар адад абёти у сад кам як омад, гуиё

Ҳар якеро равнақ аз як номи ҳайи акбар аст. (3, 246-бет)

Мазмуни: У(қасида)нинг байтлари адади бир кам юз та, ҳар бир байти буюк тирик (Аллоҳ)нинг бир номидан нурланган.

Навоий Марвга етиб келгач, қасидани Жомийга жўнатади. Қасиданинг сўнгги 26 байти Жомий вас-фига бағишлангани ва унга туҳфа сифатида яратилгани учун ҳам “Туҳфатул-афкор”, яъни “Фикрлар совғаси” деб номланади:

“Туҳфатул-афкор” агар номаш ниҳам набвад ажаб,

Туҳфа наздат чун зи баҳри фикратам ин гавҳар аст.

Мазмуни: Номини “Туҳфатул-афкор” атасам, ажабланарли жойи йўқ, чунки фикрим денгизидан олинган бу гавҳар сенга туҳфадир.

Жомийга аталган байтларда Навоий устозининг тенгсиз инсоний камоли ва шоирлик истеъдодига юксак баҳо беради. У осмондаги юлдузларни бир кўз билан ҳисоблаб бўлмаганидек, ақл Жомийнинг фазилятларини тўлик идрок этишдан ожизлигини айтади:

Ожиз аз теъдоди авсофи камоли уст ақл,

Анжуми гардун шумурдан кай тариқи аъвар аст?

Мазмуни: Унинг камоли сифатларини санашдан ақл ожиз, бир кўзлик кўр осмон юлдузларини қандай қилиб санай олсин?

Навоий Жомийнинг шоирлик фасоҳатини беҳад таъсирчан ва завқбахш мисраларда тавсиф этади. Жомийнинг қаламини ўзида нафосат ва маънони яширган бокира нукталарнинг онаси деб атайди. Улар ўқувчида жонбахш ҳолатларни пайдо қилса, бунинг ажабланарли жойи йўқ, бокира Марямдан жон ато этувчи Исо туғилган-ку, дейди ва талмех воситасида Жомий учун Марям кизу Исо набирадир, дея лутф қилади.

Истеъдоднинг порлашига сабаб бўладиган, унга авжи илҳом ва ҳадди аъло ато этадиган нарса муаллифнинг васф этилувчига (у хоҳ ғоя, хоҳ шахс бўлсин) нисбатан том ихлоси ва шавқу муҳаббатидир. Бу жиҳат, айниқса, қасида жанри учун лозим бўлиб, у асарни маддоҳлик қусуридан, носамимият ва сунъийликдан холи қилади, санъат ходисаси сифатида вокеланиши учун замин яратади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Навоий “Туҳфатул-афкор” да бир томондан умр мазмуни деб билган олий қадриятларини бадиий либосда тақдим этди, иккинчи тарафдан қасидани ҳаёти давомида маънавий издошлик тариқини тутган жондан азиз инсони Жомийга бағишладики, шу ошуфталик уйғунлиги асарга бетакрор бадиий ҳарорат ва мўъжизбаёнлик бахш этди. Асарнинг ҳайратомуз бадиияти ўз замонидаёқ эътироф топгани хусусида Навоий “Муҳокаматул-луғатайн” асарида шундай дейди: “Фақир иккаласи бузургвори рафеъ миқдорига ниёзмандлиғ ва гадолиғ юзидин татаббуъ қилибмен ва отин «Туҳфат ул-афкор» дебман... Ва кўп *маъниангез* иборат ва *таъмияomez* ишорат изофа қилибменки, бу фан аҳлининг мохирлари мусаллам тутуптурлар” (4. 29-бет). “Таъмия” сўзи “яширмоқ”, “беркитмоқ” маъноларини билдириб, луғавий ва истилоҳ маъносига кўра муаммо санъатига яқин туради. «Туҳфат ул-афкор» да, Навоий ўзи ҳам таъкидлаганидек, ундан ўнлаб ўринларда закийлик билан истифода этган. Шунингдек, “таъмия” истилоҳи таърих санъатининг санани яширишга асосланган мураккаб шаклига нисбатан ҳам қўлланадики, Навоий қасидада таърихнинг айнан шу турга мансуб ажойиб намунасини яратган, бу ҳақида қуйида тўхтаимиз. Умуман олганда, Навоий қачон устози Жомий хусусида қалам сурмасин, мисралари руҳоний файздан нурланиб туради, бадиий кашфиётлар билан зийнатланган бўлади. Масалан, 1472 йили бир гуруҳ олиму фузалолар кузатувида ҳаж зиёратига кетган Жомийнинг Шом орқали муборак сафардан қайтаётгани хабари Навоийга етиб боргач, у мана бу ажойиб форсий рубоийни ёзиб, Жомийга жўнатади:

Инсоф бидеҳ, эй фалаки мийнофом,

То ин ду қудом хубтар кард хиром,

Хуришиди жаҳонтоби ту аз жониби субҳ,

Ё моҳи жаҳонгарди ман аз жониби Шом?(2. 39-бет)

Мазмуни: Эй мовийранг фалак, инсоф билан айтгин, бу иккисидан қайси бири яхшироқ юриш қилди: тонг отар тарафдан чиққан сенинг жаҳонни ёритувчи қуёшингми? Ёки Шом (кун ботар) тарафдан чиққан менинг жаҳонни кезувчи моҳимми?

Навоий ушбу ўринда “Шомдан чиққан моҳ” ҳақида гапирганда бир пайтнинг ўзида ийҳом восита-сида икки жиҳатни назарда тутди: ойнанинг шом пайтида чиқишини ва ҳаж сафаридан Шом (Сурия) орқали қайтаётган Жомийни. Рубоийда саволнинг риторик тарзда қўйилишидан ва Навоийнинг усто-зини фахр билан “менинг моҳим” дейишидан англашиладики, у Жомийни бутун жаҳонни ёритувчи қуёшдан ҳам устун қўяди. Навоийнинг Жомийга нисбатан чексиз муҳаббатидан туғилган бу каби ба-дий топилмалар «Тухфат ул-афкор»га ҳам хос.

*Ҳомийи шаръи наби Жомий, ки жоми шаръро,
Дошта бар каф лаболаб аз шароби Кавсар аст.*

Мазмуни: пайғамбар шариатининг ҳомийси бўлган Жомий қўлида (жаннатдаги) Кавсар шароби би-лан лиммолим тўлган шариат жомини тутиб турибди.

Байтдаги “ҳомий” ва “Жомий” сўзлари ўзаро тажниси хатти санъатини ҳосил қилган, уларнинг араб ёзувидаги шакли бир хил асосга эга бўлиб, биринчи ҳарфга нуқта қўйилиши ёки қўйилмаслигига кўра фарқланади, холос (حامى ва جامى). Шунингдек, “Жомий” сўзи “жоми шаръ” бирикмасидаги биринчи сўз билан ҳам шаклдошлик муносабатини ҳосил қилган. Бундан Навоий “Жомий” тахаллусини фақат нисба эмас, балки қўлида шариат жомини тутиб турган жом эгаси сифатида шоирона талқин этганини кўришимиз мумкин.

Барча аҳли ислом каби Навоий учун ҳам комилликнинг олий намунаси, сўзсиз, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) бўлган бўлсалар, у кишидан сўнг ахлоқи билан хулқланишни Навоий ният қилган замондош инсон Жомий бўлган деб айтиш мумкин. У Жомийнинг Муҳаммад (с.а.в)нинг муносиб во-риси эканлигини шундай тавсиф этади:

*Он ки аз илми фузун аз ҳад набиро ворис аст,
Балки аз қавли набӣ пайғамбаронро ҳамбар аст*

Мазмуни: У (Жомий) беҳад кўп илми билан пайғамбарнинг ворисидир, балки пайғамбар сўзи (ҳадиси)га кўра пайғамбарлар қабидир.

Бу ўринда Навоий иқтибос санъати воситасида олимликнинг мақоми ва шарафи ҳақидаги “Олимлар пайғамбарлар ворисидир” деган ҳадиси набавийни назарда тутдики, бу каби ишоралар Навоийнинг бошқа асарлари учун ҳам хос. “Фарҳод ва Ширин” достонида ҳам мазкур ҳадиснинг гўзал назмий баёнини келтирилган:

*Бировким қилса олимларга таъзим,
Қилур гўёки пайғамбарга таъзим.
Ҳадис ўлмиш набийдин бўйла ҳодис
Ки, олим келди пайғамбарга ворис. (5. 460-бет)*

Қасида хотимасида “Тухфатул-афкор”нинг Жомийга бағишланган тухфа сифатида ёзилгани ва номлангани айтилгач, асарнинг яратилиш тарихи берилади:

*Гаит «Явмижомеъишаҳриражаб» таърихи он,
Турфатар, к-он моҳурўз итмомиуромазҳараст.*

Мазмуни: У (қасида)нинг ёзилиш таърихи «Явмижомеъишаҳриражаб» (“ражаб ойининг жума куни”) бўлди. Қизиғи шундаки, бу ою кун (ҳисоби) унинг ёзиб тугалланишини ҳам акс эттиради.

Бу байтда Навоий бежиз қасиданинг ёзилиш санасини яшириш тарзи ажабланарли эканлигини алоҳида урғуламаган. У таърихи таъмиянинг юксак ва маҳоратгалаб намунасини ижод қилган. Байт-даги «Явмижомеъи шаҳри ражаб» (يوم جامع شهر رجب) жумласи қасиданинг ражаб ойининг жума кунда

ёзиб тугалланганини билдиради. Айни пайтда шу жумланинг ўзи таърих моддаси ҳамдир. Уни ташкил этувчи ҳарфларни абжад бўйича ҳисоблаб чиқилса, ҳижрий 880 қасида яратилган йил санаси ҳосил бўлади. Бу милодий 1476 йилга тўғри келади. Бу сана Навоийнинг Жомийга иродат қилиб, расман накшбандия тариқатига кирган йилга тўғри келади. У пирининг фазилатбахш назаридан умидворлиги бежиз эмаслигини таъкидлаш учун қасидада хоксорлик билан Нажмиддини Кубронинг назари туфайли ўз ҳамжинсларига сарвар бўлган итни тамсил қилади:

*Як назар афкан, ки мустасно шавам з-абнои жинс,
Саг, ки шуд манзури Нажмиддин сагонро сарвар аст.*

Навоий ижодида алоҳида мавқеъга эга “Тухфатул-афкор” қасидасини ҳар томонлама, жумладан, пири ва ижодкор дўсти Абдурахмон Жомийга бўлган юксак эътирофининг ифодаси сифатида тадқиқ этиш унинг дарҳақиқат бадииятан мукамал ва маснӯъ асар эканлигини чуқурроқ идрок этиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Э. Шодиев. Алишер Навоий ва форс-тожик адиблари. Тошкент: Ўқитувчи, 1989
2. Алишер Навоий. Йигирма жилдлик. 15-том. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин. Тошкент: Фан, 1999.
3. Алишер Навоий. Йигирма жилдлик. 20-том. Девони Фоний. Тошкент: Фан, 2003
4. Алишер Навоий. Йигирма жилдлик. 16-том. Муҳокамат ул-луғатайн. Тошкент: Фан, 2000
5. Алишер Навоий. Йигирма жилдлик. 8-том. Фарҳод ва Ширин. Тошкент: Фан, 1991

“САДДИ ИСКАНДАРИЙ” ДОСТОНИДА АДОЛАТ ТУШУНЧАСИНИНГ ТАЛҚИНИ

Олимжон Давлатов
(“Ўзбеккино” МА)

Буюк мутафаккир шоир, ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси, маънавиятимизнинг яловбардори Мир Алишер Навоий ижодининг ўзак мавзуси – адолат ғоясининг тараннуми, десак, янглишмаган бўламиз. Улуғ даҳонинг афсункор қаламидан чиққан қайси бир асарини очсак, улар бетакрор адабий-бадиий обида эканлиги билан бирга, кишилик жамиятидаги ҳодисалар, тартиб-қоидаларнинг асл инсоний идеалларга, ҳақиқат мезонларига қанчалик мос эканини аниқлашда ўзига хос адолатли меъёр ва мезонлар ўлчовини бажаришга қодир дастурамал эканлигига иқрор бўламиз.

Алишер Навоий талқинида, адолат ҳуқуқий-ахлоқий кадрят бўлиб, бу тамойил фақат давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларида эмас, балки инсоннинг жамийки муносабатларини белгиловчи хусусиятга эга. Унингча, ҳар бир шахс ўз моҳиятига кўра бетакрордир. Бу бетакрорлик, табиийки, тенгсизликни вужудга келтиради. Тенгсизлик фақат ижтимоий муносабатларда эмас, балки инсонларнинг ташқи қиёфасида, ақлий ва жисмоний салоҳиятида, маънавий оламида, иқтисодий имкониятларида, ҳаёт ва жамиятга бўлган муносабатларида, дунёқарашида, феъл-атворида ҳам намоён бўлади. Аммо ана шу тенгсизлик ичида муайян бир уйғунлик, гармония ҳам мавжудки, ана шу уйғунлик ва мувозанатни сақлаш учун инсон доимий равишда адолатга эҳтиёж сезади.

“Садди Искандарий” достонида тўлиқ бир боб ҳажмида адолат маърифати ҳақида фикр юритилган. Унда дастлаб ўша даврдаги адабий анъанага кўра, адолат ғоясининг диний-ирфоний негизлари тадқиқ қилинган.

“Шоҳлар – Худонинг ердаги сояси” дейдилар. Шу маънодаги тўқима ҳадисни рўкач қилиб, халққа кўп жабру жафо етказган золим шоҳларни тарихнинг ҳар бир саҳифасида учратиш мумкин. Аслида “зилли илоҳ” – зулми илоҳ эмас, дейди Навоий. Тангри зот ичра ягона бўлса ҳам унинг сифатлари

беададдир. Яратганнинг муайян бир сифатини англатувчи исми борки, бу исмларни “асмо ул-хусно” дейдилар. Аллоҳни карампешалигини англатувчи “карим”, раҳмлилигини билдирувчи “раҳим” каби исмлари борлигини биламиз. Адолатпарварлик сифатини билдирувчи исми “одил” (адолатли) эмас, балки “ал-адл” (Адолат)дир. Адолат билан иш тутадиган шоҳ ал-Адл, яъни Худо билан иш тутади, унга Худо ёрдир. Шу сабабдан, адолатпарвар шоҳни одил дейдилар. Фақат одил бўлган шоҳгина Тангрининг ердаги сояси бўла олади. Қиёмат куни ҳам элга бошчилик қилган одамлардан энг аввало унинг адолати ҳақида сўралади:

*Не шаҳим, анинг адл кирдоридур
Десам, йўқ, ажабким Худо ёридур.
Бу маънидин эркинки, оламда шоҳ
Ки дерлар ани халқ зилли илоҳ
Эрур адлким, қодири зул-жалол
Қиёмат куни андин айлар савол.*¹⁸²

Навоий ўз фикрини янада қувватлаш учун Ануширвони одилни мисол келтиради. Ануширвон мусулмон бўлмаса ҳам, бошқа мушриклар каби дўзахий бўлмади. Уни дўзах оловидан одилона сиёсати қутқарди. Адолат тимсоли бўлмиш Ануширвон ҳақида расулуллоҳ (с.а.в) ифтихор билан шундай хабар берадилар:

*Манга чун валодат замони эди
Улусқа адолат замони эди*¹⁸³.

Юқорида мазмунан келтирилган ҳадис “Маҳбуб-ул-қулуб”нинг “Одил подшоҳлар зикрида”ги фасли дебочасида айнан келтирилган: “Бу ким одил подшоҳ рифъати таърифидан бийикрок эрур. “Вулидту фийзамани-с-султони-олили” андин хабар берур”. Ушбу ҳадисни “Маҳбуб-ул-қулуб” тадқиқотчиси Ш.Ҳайитов қуйидагича шарҳлаган: “Арабий матндаги “султони одил”дан мурод оламлар Подшоҳидир... Султони одил энг аввал Муҳаммад нуруни яратди. Кейин оламлар ва одамларни яратиб, адолат мезонини ўрнатди. Барча сайёраларни мувофиқ ўлчовда қилиб қўйди. Ерни инсон ҳаёти учун мослади... Муҳаммад ҳамма нарсани илоҳий адолат ила яратган ва ҳар бир муаммони илоҳий адолат ила ҳал қилувчи мана шу Подшоҳ замонида нур шаклида барчадан олдин туғилган эди. Кейинчалик султони одил уни инсон суратида бор қилди. Ва пайғамбар сифатида танлаб, Қуръон ва Муҳаммад (с.) орқали ҳақиқат ва адолат низомини ўрнатди”¹⁸⁴.

Албатта, ҳадисни бу йўсинда талқин қилишда Ш. Ҳайитовда асос бор – бу фикрлар фақат унинг тафаккури маҳсули бўлмай, балки ўрта асрларда бир гуруҳ фалсафа ва илоҳиёт олимлари ҳадисни ана шундай тушунганлар ва талқин этганлар. Аммо дуч келган талқин ва ғояни Навоий ижодиётдан излаш ва уни турли позициялардан туриб, талқин қилиш ҳамиша қутилган натижани бермайди. Бунда энг аввало XV асрнинг тарихий муҳити, Навоийнинг дунёқараши, шунингдек, асарларининг ўзаро боғлиқлик жиҳатларини ҳисобга олиш керак. Ўшанда ҳар бир нукта ва нуқтани асарнинг умумий маромидан келиб чиқиб тўғри баҳолаш имкони пайдо бўлади. Чунки Навоий ижодиёти уйғун бир тизимни ташкил этади. Ана шу ягона тизимга сиғмайдиган ёхуд унга зид фикр илгари сурилган бўлиши мумкин эмас. Шу сабабдан, одил подшоҳ ҳақидаги ҳадисни таҳлил этишда бошқа изоҳларга эмас, балки Навоий инонган Анушервон одил ҳақидаги талқинга таянмоқ лозим.

Навоий ўз қарашларини ҳадислар билан далиллаштиришга давом этиб, бир соатлик адолат бутун Борлиқдаги мавжудотнинг ибодатидан афзал эканлигини охирзамон пайғамбари номидан келтиради:

Ҳадисида ҳам бу башоратдурур,

182 Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 11-том. Садди Искандарий. – Т.: Фан, 1993.-Б.115.

183 Ўша манба, 117-б.

184 Ҳайитов Ш. “Маҳбуб ул-қулуб”да тасаввуфий жилолар. – Т.: Фан, 1996.-48б.

*Ки адл аҳли сори шиоратдурур.
Ки адл ичра ўтганча бир соате
Эрур беҳки жинну башар тоати.*¹⁸⁵

Навоий адолатни кенг маънода тушунади, уни инсоннинг ахлоқий фазилатларининг юксак шакли сифатида талқин қилади. Унинг таъкидлашича, адолат энг яхши фазилат бўлиб, айниқса, жамиятнинг илғор қисми – ҳукмдорлар табақасида бўлиши шарт. Аслида, адолат – бу кишилар ўртасидаги тенгликни назорат қилишдир. Бир тоифа иккинчи тоифа устидан тазйиқ ўтказмаслиги, зўравонлик қилмаслиги лозим. Навоий адолатнинг ҳуқуқий томони Қуръон ва шариат қонун-қоидаларига сўзсиз амал қилишдан иборат, деб тушунган. Юқорида келтирилган мисол шуни кўрсатадики, исломда ҳам адолат билан иш тутиш Тангри таоло олдида намозу рўза, закату ҳаждан афзалроқ ҳисобланади.

Шоир адолат тушунчасини фақат ахлоқий, ҳуқуқий талқин қилиш билан чекланиб қолмасдан, унинг сиёсий томонига ҳам эътибор беради. Адолат сиёсий тушунча сифатида давлатни оқилона бошқаришни билдириб, давлат бошлиқларининг сиёсий фаолиятига баҳо беришда асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Навоий адолатни мамлакат фаровонлиги, хазинанинг маъмурлиги, бойликнинг кўпайиши, шаҳар ва қишлоқларни гуллаб-яшнаши билан боғлайди. Бу фикрларни эса саҳиҳ ҳадис билан қувватлаб, шундай ёзади:

*Яна ҳам ҳадиседурур бу саҳиҳ,
Ки айлабдур они баёни фасиҳ:
Қолур куфр аро қолса обод мулк,
Бўлур зулм, агар бўлса барбод мулк.*¹⁸⁶

Алишер Навоий талқинида, ижтимоий муносабатларнинг энг оддий кўринишидан тортиб, умум манфаатларини ҳал қилувчи ҳолатларгача адолат тамойилига оғишмай амал қилиниши шарт. Унинг талқини бўйича, адолат, энг аввало, жамиятдаги ижтимоий муносабатларни уйғунликда, бир-бирини тўлдириб боровчи ҳолатда вужудга келишига замин ҳозир қилади. Иккинчидан, адолат тамойили қарор топган жамиятда турли ижтимоий қатламларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди, улар орасидаги мувозанатни сақлаб туради. Учинчидан, жамиятдаги яхлитлик, сафарбарлик малакасини шакллантиради, одамларда Ватанга садоқат туйғусини тоблантиради. Тўртинчидан, ташқи ёвуз кучлар ўртасида парокандаликни юзага келтиради. Чунки, дейди Навоий, адолатпарвар мамлакатда сипоҳийларнинг аҳволи босқинчи қўшинларга нисбатан яхши бўлади. Табиийки, бу ҳолат душман томонда ички низо ва норози кайфиятни уйғотади. Бешинчидан, кишиларнинг ҳуқуқ ва бурчининг мослиги, меҳнатига муносиб рағбатланиши одамларда эртанги кунга ишонч кайфиятини уйғотади ва кучайтиради. Адолатли жамиятда, дейди Навоий, одамларда шукроналик туйғуси устувор бўлади:

*Яна улки чун адли зоҳирдурур,
Бари халқ ила қавми шокирдурур.*¹⁸⁷

Умуман олганда, адолат – эскирмайдиган мавзу. Адолат тамойили бугунги кунда ҳам турли соҳа олимлари томонидан тадқиқ қилинмоқда. Аммо бирор илмий-амалий хулоса йўқки, адолатпарвар амир ва мутафаккир шоир Алишер Навоий ижодида у ё бу кўринишда талқин этилмаган бўлса. Шу сабабдан, адолатпарвар жамият қуришдек эзгу ғояни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилган мустақил диёримизда Ҳазрат Алишер Навоийнинг бу борадаги фикрлари ўз амалий ифодасини топмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

185 Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 11-том. Садди Искандарий. – Т.: Фан, 1993.-Б.117.

186 Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 11-том. Садди Искандарий. – Т.: Фан, 1993.-Б.118.

187 Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 11-том. Садди Искандарий. – Т.: Фан, 1993.-Б.120.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. Ж.11. Садди Искандарий. –Т.: Фан, 1993.
Комилов Н. Хизр чашмаси. – Т.: Маънавият, 2003.
Комилов Н. Маънолар оламига сафар. – Т.: Тамаддун, 2012.
Ҳайитов Ш. “Махбуб ул-қулуб”да тасаввуфий жиллар. – Т.: Фан, 1996.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР” ДЕВОНИДА МУЖТАСС БАҲРИ

Собиржон ТОҲИРОВ, Алишер САБРИЕВ

(СамДУ)

Шарқ адабиётида шакл ва мазмун диалектикасига жуда катта эътибор қаратилган ва бу, айниқса, мумтоз адабиётимиздаги аруз тизимида яратилган асарларда яққол кўзга ташланади. Шундай экан, аруз вазни ҳақида тасаввурга эга бўлмасдан туриб, мумтоз адабиётимиз, ундаги ўзига хос хусусиятлар ҳақида фикр юритолмаймиз. Ҳазрат Алишер Навоий “Мезон ул-авзон” асарларида мавжуд 19та баҳрнинг баъзилари араб ва баъзилари ажам халқлари шеърияти учун ихтисослашгани, қолган бир қисм баҳрлар эса ҳам араб, ҳам ажам шеъриятида қўлланилиши хусусида айтиб ўтганлар. Шунингдек, мазкур рисолада туркий шеъриятдаги аруз ҳам ажам халқлари учун махсус бўлган баҳрлар билан муштараклиги қайд этиб ўтилади. Булар: ҳазаж, ражаз, рамал, мутақориб, музореъ, мужтасс, сариъ ва хафиф каби баҳрлар бўлиб, форс-тожик ва туркий назмиётда кенг қўлланилган.

Эътибор қиладиган бўлсак, туркий ғазалчиликда ҳазаж ва рамал баҳрлари энг кўп қўлланилганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Айниқса, рамал баҳрида яратилган ғазаллар кишилар қалбига тез этиб бориши, куйга осонроқ тушиши сабабли халқда катта қизиқиш уйғотган. Ушбу баҳрдаги асарларга эҳтиёж катта бўлгани боис шоирлар ижодининг катта қисмини рамал баҳридаги ғазаллар ташкил этган. Бу баҳрда яратилган асарга нисбатан “туркий” ёки “туркона” атамасининг қўллангани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Албатта, ҳар бир баҳрга мурожаат қилишда шоирларимиз муайян концепцияларга амал қилишган, яъни асарнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда асар руҳига мос вазни танлаб олишган. Ҳазажнинг зиҳофга учрамаган шакли, асосан, ўта ҳазин ғазалларда, ахраб шажарасидаги кафф ва ҳазф (ёки қаср) қилинган шакли эса ўйноқи вазн бўлгани учун енгилроқ руҳдаги ғазалларда қўлланилган.

Биз бу ерда Алишер Навоий ижодида мужтасс баҳрининг тутган ўрни хусусида фикр юритамиз. Мужтасс баҳрининг ўзига хослиги нимада ва у асосан қайси мавзудаги ғазалларда қўлланилган, деган саволга Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги ғазаллар доирасида жавоб топишга ҳаракат қиламиз. Мазкур девонда мужтасс баҳрининг авзониде ёзилган 80та ғазал мавжуд. Девонда жами 650та ғазал киритилганлигини инобатга оладиган бўлсак, бу баҳрдаги ғазаллар девондаги барча ғазалларнинг 12,3 фоизини ташкил этади.

Мужтасс баҳри мустафъилун ва фозилотун рукнларининг қўшилишидан вужудга келган бўлиб, унинг парадигмаси – – V – / – V тарзида воқеланади. Ғазалчиликда кўпинча бу баҳрнинг мусамман шакли қўлланилади. Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонларидаги ғазалларда мужтасс баҳрининг қисқаришга ёки ўзгаришга учрамаган мусаммани солим вазни кузатилмайди, балки унинг хаби қилинган, яъни рукнлардаги биринчи сабаби хафифнинг сокин ҳарфи ташлаб юборилган ёки биринчи чўзиқ хижо қисқартирилган шаклини учратишимиз мумкин. Айтиш жоизки, мужтасси мусаммани махбун (афоили: мафоилун файлотун мафоилун файлотун; парадигмаси: V – V – / VV – – / V – V – / VV – –) вазнида девонда атига 2та ғазал учрайди.

Биринчи ғазал матлаъси:

*Паривашим қора бўркинки, бир ён эгри қилибдур,
Магарки шамъи жамоли фатиласи эгилибдур*[1, 167].

Иккинчи ғазал матлаъси:

*Яна бало чоқинин ишқ телба жонима урди,
Фано қуюни этибон қудумни қўкка совурди* [1. 633].

Мужтасс баҳри вазнларида битилган қолган 78та ғазал эса яна тўрт хил зихофотга учраган шаклда кўзга ташланади. Бу қуйидаги вазнлар:

1. Мужтасси мусаммани махбуни мақсур.

Мафоилун фаилотун мафоилун фаилон
V – V – / VV – – / V – V – / VV ~

2. Мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф.

Мафоилун фаилотун мафоилун фаилун
V – V – / VV – – / V – V – / VV –

3. Мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ

Мафоилун фаилотун мафоилун фаълун
V – V – / VV – – / V – V – / – –

4. Мужтасси мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ

Мафоилун фаилотун мафоилун фаълон
V – V – / VV – – / V – V – / – ~

Шундай қилиб, юкорида айтиб ўтганимиз “Ғаройиб ус-сиғар”даги 78та ғазал мужтасснинг келтирилган тўрт вазнида яратилган. Ўтиборли жиҳати шундаки, ўша ғазалларнинг ҳар бири алоҳида шу вазнлардан бирида ёзилган эмас, балки ҳар бир ғазалнинг таркибида шу вариация вазнларнинг камида иккита у ёки бу тури кўзга ташланади. Айрим ғазалларда хатто юкоридаги тўртала вазни ҳам кузатишимиз мумкин.

Бу тўртта вазн бир-бирини тўлдирар олар экан, унда буларни фарқлаб ўтириш шартмикан, ҳаммасини битта вазн деб билсак, бир ном билан атаб қўя қолсак бўлмасмикан, деган савол туғилиши мумкин. Албатта, булар алоҳида-алоҳида вазн сифатида тилга олиними шарт, бизнингча. Чунки бу вазнларнинг ҳар бири ўзининг алоҳида шакли, ритми, кўринишига эга.

Хўш, ғазал вазнини белгилашда қандай йўл тутиш лозим? Матлаънинг вазни ёхуд нисбатан кўпроқ мисраларда қобулланган вазн билан номлаш маъқулми? Бизнингча, Анвар Ҳожиаҳмедовнинг қуйидаги сўзлари бу саволга энг муносиб жавобдир: “...мужтасс баҳрида битилган шеърлар кўпинча 3-4 вазнга асосланади. Рамал ва хафиф баҳрлари заминиде яратилган лирик ёхуд лиро-эпик асарлар 8 тагача вазнда ёзилиши мумкин. Ҳозирда ҳам давом этиб келаётган анъанага биноан бундай асарларнинг вазнини матлаъга кўра белгилаш улар ритм-оҳанг хусусиятларини бир томонлама, нотўғри акс эттиришга олиб келиши шубҳасиздир. Шундай экан, ҳар бир шеърин асар ўлчовини унда иштирок этаётган вазнларнинг барчасига кўра аниқлаш ниҳоятда муҳимдир”.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг мужтасс баҳридаги ғазаллари мавзуси ва мазмунида ўзига хослик борми, деган савол туғилади.

“Ғаройиб ус-сиғар”да мужтасс баҳри авзониде битилган ғазалларда ҳам бошқа кўпчилик баҳрдаги сингари ишқий мавзу етакчилик қилади. Албатта, ғазал мавзу-мундарижасини белгилашда биз ундаги бирор бир мавзунинг етакчилик қилишига таянаемиз. Зеро, Ҳазрат Навоийнинг ғазаллари, қайси мавзуда битилганидан қатъи назар, панд-насихат руҳидаги байтлар билан таъминланганини билаемиз. Демак, мужтасс баҳридаги 80та ғазалдан 60таси айнан ишқий мавзуда яратилган бўлиб, бу мавзу ҳам ўз ичиде ишқий ҳақиқий, ишқий мажозий, ошиқнинг ҳасби ҳоли сингари бир неча ички мавзувий гуруҳларга бўлиниши мумкин. Фикримиз далили сифатида бир матлаъни келтириш билан кифояланаемиз:

*Яна ғариб гуле жонима жафо қиладур,
Яна ажиб тикане кўнглум ичра санчиладур*[1, 213].

Бу матлаъда ошиқнинг ишқ дардига мубтало бўлгандан кейинги ҳолати баён этилмоқда. Ғазалнинг давомида байтма-байт мана шу мавзу кенгроқ очиб борилади. Демак, бу ғазални ишқий ва шу билан бирга, ошиқнинг ички кечинмаларини очиб бераётгани учун ҳасби ҳол характериға эға ғазал дейишимиз мумкин.

“Май”, “шароб”, “бода”, “майхона”, “муғ дайри”, “соқий”, “муғбача” сингари рамзий образлар билан боғлиқ бўлмиш риндона ғазаллар ҳам мужтасс баҳрида вужудға келган бўлиб, “Ғаройиб ус-сиғар”да бу мавзудаги ғазал (фақат мужтасс баҳридаги!) 5та ҳисобланади. Тўғри, кўпчилик ғазалларда бундай байтлар битта-иккита учрайди, лекин уларда биринчи планға чиқмаган бўлади. Биз тилға олаётган 5та (44-ғазал,65-бет; 99-ғ,120-б; 103-ғ,124-б; 476-ғ,497-б; 535-ғ,556-б)ғазал эса тўла риндона кайфиятға мансубдир. Мисол тариқасида матлаъ келтирамиз:

*Фалак ситезасидин бўлма, соқийё, маҳзун,
Қадаҳ кетурки, эрур бесабот олами дун[1, 497].*

Албатта, бундаги ҳар бир риндона образлар рамзий маъноға эға ва таҳлил қилиш жараёнида бунга алоҳида эътибор беришимиз керак бўлади.

Мужтасс баҳридаги вазнлар панд-насихат руҳидаги фикрларни баён этиш, ўқувчиға етказишға ҳам қулай вазн ҳисобланади. Комил ишонч билан бундай дейишимизға сабаб – “Ғаройиб ус-сиғар”да мужтасс баҳридаги 8та ғазал айнан панд-насихат йўсинидаги асарлардир. Улар 2013 йили нашр қилинган Алишер Навоий тўла асарлар тўплами I жилдида шундай тартиб рақам ва саҳифаларда жойлашган: 92-ғ,113-б; 119-ғ, 220-б; 226-ғ, 247-б; 271-ғ, 292-б; 276-ғ, 297-б; 284-ғ,305-б; 287-ғ,308-б ва 496-ғ,517-б. Мисол:

*Дема, не суд эрур ўлмоқ фано ҳаримиға хос,
Яна не суд керак ўзлугунгдин этса халос[1, 292]*

Мужтасс баҳри мусаммани маҳбуни маҳзуф (мақсур ёки мақтуъ ва ё мақтуъи мусаббағ) вазнининг яна бир характерли жиҳати шундаки, Ҳазрат Алишер Навоий ижодларида ҳамд мазмунидаги ёки Аллоҳнинг қудратини, Унинг исмлари, сифатларини мадҳ этувчи ғазаллар, шунингдек, хотам ул-анбиё Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)ға бағишлаб ёзилган наът руҳидаги ғазалларға кўпинча мазкур вазнларға мурожат қилинганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, “Ғаройиб ус-сиғар” девонининг 242-ғазалида Аллоҳнинг яратувчанлик қудрати, барча мавжудотнинг асл манбаи Ўзи эканлиги чиройли баён этилади. Ғазал шундай байт билан бошланади:

*Зиҳи камол ила кавнайн нақшиға наққош,
Мукавванот вужудин вужудунг айлаб фош[1, 263].*

Бу байтда бутун бир олам ёки коинот Яратган жамоли (вужуди)нинг тажаллийси эканлиги айтилмоқда. Бундай ғазаллар “Ҳазойин ул-маъоний”нинг бошқа девонларида ҳам учрайди.

“Ғаройиб”да наът мазмунида эса ушбу баҳрдаги 5та ғазал учрайди. Девон доирасида бемалол айтишимиз мумкинки, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) мадҳларидаги ғазалларда бошқа ҳеч қайси баҳр ва вазнлар мужтасс баҳрининг маҳбунидаги вариацияларичалик кўп қўлланилган эмас. Яъни сўз мулканинги кишварситони – Алишер Навоий расули акрам мадҳларидаги ғазалларда кўпинча мужтасс баҳриға мурожат этганлар. Бешта ғазалнинг ҳам биринчи байтларини келтириб ўтамиз.

Биринчиғазал матлаъси:

*Қачонки ул бути ширин калом қилди ҳадис,
Хавоси шарбати юҳйил-изом қилди ҳадис[1, 110].*

Иккинчи ғазал бошланма байти:

*Зиҳи тилинг ана афсаҳ такаллумида фасих,
Сен амлаҳ ўлдунг, агар дилраболар ўлди малиҳ*[1, 122].

Учинчи ғазал матлаъси:

*Эмас гамимни ёзар хатқа зарфишон қоғаз,
Ки шуъла чекти гамимдин битир замон қоғаз*[1, 151].

Бу ғазал, бир қараганда, пайғамбаримизга алоқасиздек туюлади, лекин ғазалнинг ички маъносига эътибор қаратадиган бўлсак, бунда ҳам Муҳаммад (с.а.в)нинг расули барҳақ эканликлари, у кишига осмоний китоб нозил этилганлиги ҳақида ишоралар бор. Айниқса, ғазалнинг олтинчи байтида бу маъно яққол кўзга ташланади:

*Ёзар фаришта қуёш сафҳасига васфингни,
Магарким ул фалакий топмас обдон қоғаз*[1, 151].

Тўртинчи ғазал матлаъси:

*Зиҳи азалда карам айлабон санга Халлоқ,
Карим хилқат ичинда макорими ахлоқ*[1, 330].

Ва бешинчи ғазал матлаъси:

*Юз-у кўзунда муайян камоли сунъи Илоҳ,
Не юздурур бу, не кўз “ло илоҳа иллаллоҳ”*[1, 542].

Мумтоз адабиётда рубоий, туюк, мустазод, муҳаббатнома (жанри) ва хамсанависликда, яъни “Хамса”даги дostonларда вазн танлашда қатъий қоида мавжуд. Масалан, рубоийнинг қатъий вазни ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб шажарасидаги 24 вазн, туюқнинг вазни рамали мусаддаси максур, “Хамса”нинг биринчи достонига сариъ баҳрининг сариъи мусаддаси матвийи макшуф (мавқуф) вазни махсус ва ҳоказо. Ғазалчиликда эса турли баҳрларнинг ҳар хил вазнларидан фойдаланиш мумкин. Мана бу мавзудаги ғазал мана шундай вазнда ёзилиши шарт, деган талаб қўйилмаган. Шундай бўлса-да, маълум вазнлар ўзининг ритмикаси, оҳангдорлиги, ўйноқи ёки ҳазинлигига қараб асар руҳига мувофиқат ҳосил қилади. Бизнингча, мужтасс баҳри авзони ўзининг оҳанги, ритми ва бошқа хусусиятлари билан ҳамд ва наът мазмунидаги ғазалларга кўпроқ роғибдир.

Хулоса қиладиган бўлсак, мужтасс баҳридаги вазнлар бир-бири билан алмашилиб, бир ғазал таркибида то тўрттагача вазнлари биргаликда қўлланилиши мумкин. Ғазалларнинг вазнини белгилашда, профессор Анвар Ҳожиаҳмедов тўғри таъкидлаганларидек, фақатгина матлаъга қараб эмас, балки асар таркибида иштирок этаётган барча вазнларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Мужтасс баҳрининг саккизлик рукни маҳбунининг вазнлари ўзининг ўйноқилиги, ўқувчига завқ уйғота билиши ва асосийси, ҳамд ва наът руҳидаги асарларга жуда ҳам мувофиқ келиши билан характерланади. Ҳазрат Алишер Навоий “Ғаройиб ус-сиғар”ининг ўзигагина киритилган бир ҳамдона ва бешта наът мазмунидаги ғазални айнан шу баҳрда яратилгани, албатта, бежизга эмас. Бунинг замирида ҳам чуқур ижодий тажриба мавжуд, бизнингча.

Аммо биргина “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги мазкур кўрсаткичлардан келиб чиқиб, мужтасс баҳрининг ҳамд ва наът руҳидаги ғазалларга ихтисослашганлигини даъво қилиб бўлмайди. Келгусида Ҳазрат Навоийнинг бошқа девонлари таркибидаги ғазалларни ҳам шу нуқтаи назардан таҳлил ва тадқиқ этиш бу борадаги хулосаларни мустаҳкамлаши ёхуд ислоҳ қилиши мумкин, албатта. Мазкур ҳодисани (ҳамд ва наът масаласи) форс-тожик мумтоз шеърлятидаги анъаналар, айниқса, Навоийнинг ўзлари эътироф этган ғазалчиликдаги устозлари (Хофиз Шерозий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий) шеърлятидаги анъаналар билан қиёслаш ҳам келажакдаги муҳим вазифалардан саналади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. 10 jildlik. I jild. “G‘aroyib us-sig‘ar”. O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. –Toshkent, 2013.
2. Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. 10 jildlik. X jild. “Mezon ul-avzon”. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2013.
3. Рисолаи аруз / Ж. Абдурахмон. Масъул муҳаррир А.Эркинов. – Тошкент: “ТАМАДДУН”, 2014
4. Анвар Ҳожиаҳмедов. Навоий арузи нафосати. – Тошкент: ФАН, 2006.

ИСКАНДАР – ОБРАЗИ ВА ЖАВОНМАРДЛИК

Зухра МАМАДАЛИЕВА

(Жиззах ДПИ)

Бадий адабиётда Искандар образи илк бор Фирдавсийнинг “Шохнома”сига киритилган бўлса, Низомий достонида у анчагина ижобий образ тарзида тасвирланди. У Искандарни донишмандлар маслаҳати билан иш кўрадиган жаҳонгир шоҳ сифатида талқин этди.

Амир Хисрав Дехлавийнинг “Ойнаи Искандарий”достонида Искандарнинг ҳар икки хислати – жаҳонгирлик ва донишмандлиги бирлаштирилади. Унда Арестотел, Апполоний, Афлотун каби донишмандларни Искандарнинг устозлари сифатида тасвирлаб, уни ер юзи ва денгиз сайёҳатида ҳамроҳлар тариқасида тасвирлайди.

Жомий “Хиридномаи Искандарий” достонида эса жаҳонгир шоҳ образи иккинчи даражага туширилади. Жомий Искандарнинг шоҳлигидан кўра кўпроқ унинг ҳикматларига, насихатларига аҳамият беради, унинг ўзини ҳам донишмандлар сафига қўшиб юборади.

Фирдавсий “Шохнома”сидаги Искандар тадбиркор ва адолатли жаҳонгир, лекин донишманд эмас.

Низомий “Искандарнома”сидаги Искандар илмпарвар ва донишманд инсон, лекин файласуф эмас.

Жомийнинг “Хиридномаи Искандарий” достонидаги Искандар файласуф ва донишманд, лекин унда шижоат етишмайди.

Навоий ўзигача бўлган тажрибаларни умумлаштирди ва доҳиёна истеъдодидан фойдаланган ҳолда Искандарнинг мутлақо янги сиймосини яратди.

Биз Навоийнинг Искандари мисолида аввал тожу тахтдан нафратланадиган мард шахзодани, кейин эса турли юртларни ва кишилар қалбини мардлик-шижоат ва хийла-тадбир билан эгаллаган тадбиркор шоҳни, сўнгра илми ғайбни эгаллашга интилган комил инсонни ва ниҳоят асар сўнгида буларнинг барчасидан мақсади ҳосил бўлмаган, дунёдан куруқ қўл билан кетган ожиз банда сиймосини кўрамыз. Бироқ, энг аввало, Навоийнинг Искандари кишилар қалбини мардлик ва меҳр-шафқат билан, жаҳон илмини эса ақл ва табдир билан эгаллаган ориф жавонмард инсон образидир.

Достоннинг композицияси ҳақида адабиётшунос Д.Юсупова “Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври)” номли ўқув қўлланмасида қуйидагича маълумот беради:

“Асосий қисм ўзига хос композицияга эга. Уни шартли равишда қуйидаги тўрт қисмга бўлиш мумкин:

- 1) Искандар воқеаси – Искандар ҳаёти билан боғлиқ бирор воқеа ёки ҳодиса баёни;
- 2) назарий масала – муайян ахлоқий муаммонинг таърифи;
- 3) хикоят – шу ахлоқий масалага доир хикоят;
- 4) хикмат – Арасту ва Искандарнинг суҳбати”.

Достонда Искандар тахтга ўтириши воқеасидан кейин берилган илк назарий қисмдаёқ Навоий ҳиммат ҳақида сўз юритади, яъни қаҳрамони бўлмиш ёш шахзодага муаллиф дастлаб ҳимматдан таъ-

лим беради. Боб “Ҳиммат ҳумойининг баландпарвозлиғи таърифидаким...” деб бошланиб, бобда улуг шоир тақрир санъатидан фойдаланган ҳолда, ўн тўққиз марта ҳиммат сўзини ишлатади. Унга илова тарзида келтирилган ҳикоятда эса Мағриб заминига қилган юришида учраган аслзода дарвеш томонидан жаҳонгирга Оллоҳ наздида шоҳу гадонинг баробарлиғи ва подшоҳ ҳам ожиз банд эканлиғи уқтирилади:

*Эмас рубъи маскунга рағбат манга,
Тилар тўрт сармоя ҳиммат манга:*

*Бири андин ўлди ҳаёти абад
Ки, йўқтур анинг интиҳосига ҳад.
Яна бир: йигитликки топмай халал,
Қарилик била бўлмагай ул бадал.*

*Яна бир: гинойи муаббаддурур
Ки, оллинда ифлосқа раддурур.*

*Яна: шодлигим, йўқ онинг гами,
Адам бўлгай ул сурнинг мотами”.*

Мазмуни: *Ер юзига (жаҳонгирликка) менда рағбат йўқ, менинг ҳимматим тўрт давлатга муяссар бўлишни тилади. Булардан бири ниҳояси йўқ, абадий ҳаёт бўлса, яна бири қариликка алмашмайдиган (яъни боқий) йигитлик, ёшлиқдир. Учунчиси камбағаллик юзини кўрмайдиган бойлик бўлиб, тўртинчиси эса гами йўқ шодлиқдир.*

Кўнгли мана шундай эзгу ниятлар билан озикланган шахзода ҳам ҳиммати баланд, жавонмард йигит бўлиб етишади. Бунга Искандарнинг мислсиз қўшини ва жасорати бўлса-да, ҳар бир юртни қуролсиз ва қон тўқмасдан забт этишини мисол қилиб олсак бўлади.

Азалдан футувват, жавонмардлик, меҳмондўстлик, ҳиммат каби фазилатлар халқимиз ахлоқ тарзининг узвий бир қисми сифатида шаклланган. Кейинчалик бундай фазилатларга эга кишилар, золимлар зулмидан ожиз ва мазлумларни ҳимоя қилиш учун бир уюшма сифатида бирлашганлар. Ислом дини юртимизда шаклланиб улгургач, ҳаракат ислом динининг такво, ҳалол-покизалик каби хусусиятларини ҳам ўзида мужассамлаштирган ҳолда янада тараққий этган. Бундай уюшмалар ҳақида бир қатор тарихий манбалар, жумладан, араб тарихчиси Ибн Батутанинг “Сафарнома”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футуватномаи султоний” асарлари гувоҳлик берган бўлса, Кайковуснинг “Қобуснома”сида ушбу уюшма яъзоларининг яшаш қонун-қоидалари ўз ифодасини топган.

Кошифий асарларидан таржима қилган профессор Н.Комиловнинг “Футуватнома...”нинг таржима нашрига ёзган “Мардлик дастури” сўзбоши-мақоласида улар ҳақида шундай маълумот берилди: “Умрни дўстлар ҳаётига бағишлаш, фақат яхшилиқни ўйлаб, фақат яхшилиқ қилишдан чарчамаслик, эзгу хулқ-атворга эга бўлиш, борини ўзгалар билан баҳам кўриш, муҳтожларга ёрдам бериш, пиру устозлар, дўст-биродарлар номуси, шарафини ҳимоя этиш, зоҳиран ва ботинан пок юриб, покиза инсонлар суҳбатини қозониш... Уларни жавонмардлар, ахийлар ёхуд фатийлар деб атардилар”.

Маълумки, Ҳусайн Воиз Кошифий Навоийнинг замондоши ва яқин мусоҳибларидан бўлган. Навоий тариқат нуқтаи назаридан нақшбандия маслағига мансуб бўлса ҳам, ҳайру саховат эгаси бўлган ўз табиатидан келиб чиққан ҳолда ушбу таълимотга ижобий муносабат билдирган. “Фавойид ул-кибар” девонидаги:

*Мурувват барча бермақдур, емак йўқ,
Футувват барча қилмоқдур, демак йўқ.*
фардини ҳаммамиз яхши биламиз.

Адабиётшунос олим Ё. Исоқов “Накшбандий таълимоти ва ўзбек адабиёти” китобида Навоий футувватга ижобий муносабатда бўлганлиги, бу муносабатини “Сабъаи сайёр” достонида Ахий образида тасвирлаши, лекин сарбадорлар ҳаракати сабабли Темурийлар билар фатийлар орасида бўлган келишмовчиликлар туфайли бу таълимотга муносабатини очиқ баён этмаганлигини билдириб ўтади. Лекин “Хамса”ни варақлаганимизда, Навоий футувватни нафақат Ахий, балки бошқа кўпгина тимсоллар орқали тасвирлаганини, айниқса охириги икки достонида футувватга очиқ-ошкора мойиллик билдирганини кўришимиз мумкин. Адабиётшунос Ё. Исоқовнинг ўзи таъкидлаганидек, улуғ шоир “Фарход, Маъсуд, Саъд, Фаррух, Искандар, Шопур, Муқбил сингари ҳақиқий жавонмардлар тимсолида ўзининг бу масалага доир қарашларини етарли даражада ифода қилган”.

Достоннинг 44-бобида Навоий авф фазилати ҳақидаги ҳикматда дарёдил жавонмардларни мадҳ этади:

*Биров шаҳлар ичра эрур муҳтарам
Ки, бўлғай анинг даъби афву карам.*

*Ангадур жаҳон аҳлидин фардлик
Ки, ойини бўлғай жувонмардлик.*

*Ани бил жувонмард ёхуд карим
Ки, бедодидин бўлмагай элга бим...*

Мазмуни: *Қайси шоҳ авф билан карамни ўзига одат қилиб олган бўлса, у бошқа шоҳларга нисбатан ҳурматлироқ бўлади. Жавонмардликни – саховатни ўзига ҳунар қилиб олган киши жаҳон аҳли ичида ягона ва тенгсиздир. Ким ўз зулми билан халққа хавф солмаса, шунинг энг саҳий ва карамли одам деб бил.*

Ҳикматга илова қилинган ривоятда эса фарзандини йўқотган савдогарнинг бор пулини бир асирни қутқариб олишга сарфлагани ва у асир савдогарнинг ўз фарзанди бўлиб чиққанлиги ҳикоя қилинади. “Футувватномаи султоний”да футувватнинг одоби ва моҳияти ҳақидаги 1-бобда жавонмардликнинг моҳияти ва одобининг тўртинчиси *афв ва марҳамат, яъни, халққа шафқат кўргизмоқ, кишилар гуноҳини кечирмоқ ва иложи борича уларга яхшилик, мурувват билан муомила қилиш*¹⁸⁸, дейилган.

Бундан кейинги бобларда Навоий ахийлар мадҳ этган *сафар, жасурлик, саҳийлик ва исрофгарчилик*, фатийлар улуғлайдиган *жамоавийлик* ҳақида мулоҳаза билдиради. Шоҳликни ҳам, Луқмони ҳакимнинг дунёдан воз кечганлигини ҳам футувватга боғлаб тушунтиради.

Жумладан, достондаги биринчи ҳикматда Искандар берган саволга жавобан Арасту манзилга олиб боровчи иккинчи йўл хайру эҳсондир, дейди. Зеро, бу йўлда ҳам меъёр ва ўрин кераклиги ҳақида сўз боради. “Футувватномаи султоний”да саховатни тариқатнинг ботиний рукнларидан биринчиси деб ҳисоблаган Кошифий, *тиланмасдан бурун, оқибатини ўйламасдан бағишламоқ, яъни ҳолис ҳиммат қилмоқ – саховатдир*, деб ҳисоблайди.

Достондаги тўққизинчи ҳикматда рост сўз ва тўғри фикр борасида сўз юритилади. Саволга жавоб берган Арасту *инсонларнинг ҳар бири Яратганнинг сифатларидан бир кўринишидир*, дейди ва ҳар қандай покрав (йўли покиза) инсон ҳам хато қилиши мумкинлигини таъкидлайди.

“Футувватномаи султоний”да ҳам рост сўзлаш ва тилни ғийбат, бўҳтондан ҳоли қилиш, яъни тўғри фикрлаш тариқатнинг ўн икки устунидан биринчиси сифатида қайд этилади: *биринчиси гийбат, ёлгон, бўҳтон ва беҳуда сўзлардан тилни тийиш. Зероким, тилидан халққа озор етмайдиган одамгина футувватга даъво қила олади.*

Мана шундай футувват талабларининг “Садди Искандарий”даги тарғибини яна бир неча ўринда кўраимиз.

Жумладан, ўнинчи ҳикмат Чин хоқонининг Искандарга зиёфат бериши муносабати билан

188 Юсупова Д. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври). Тошкент: TAMADDUN, 2016. – Б. 169.

сўзланиб, у зиёфатдаги меъёр ва исрофгарчиликнинг зарари хусусида бўлади. Арасту халкнинг пастки табақасига инъом ва эҳсон қилган шоҳнинг мартабаси баланд бўлиши ҳақида Искандарга насиҳат қилади.

*Яна сўрди фармондиҳи рўзгор:
Ки: «Эй, дониш аҳлига омузгор,*

*Зиёфатда недур тариқи савоб,
Амал айламак бизга қилгил хитоб.*

*Қилиб донишойин дуо ибтидо,
Дуодин сўнг айтти бу янглиг адо:*

*«Ки, ҳар неки меҳмонга бор эҳтиёж,
Агар ошу нон, йўқса шаҳду кулоч.*

*Керак ҳозир ўлса бори хон аро,
Таодул тариқида мезон аро.¹⁸⁹*

Мазмуни: *Яна дунёнинг фармон берувчиси сўради: “Эй билимдон кишиларнинг устози! Зиёфат ва меҳмон кутишининг савоб бўладиган, маъқул йўли қайси? Шу ҳақида бизга маслаҳат бергил. Донишиманд устоз сўзини дуо билан бошлади ва дуодан сўнг шундай сўзларни айтди: “Меҳмоннинг ейиши учун зарур бўлган ҳамма нарсани: ошу нон, асалу ҳалвони – барчасини тартиб ва меъёр билан дастурхонга тортмоқ лозим. Лекин дастурхон ошириб-тошириб юборилмагани каби, кам-кўсти ҳам бўлмагани маъқул”.*

“Футувватномаи султоний”да Кошифий меҳмондўстликни футувватнинг бир шарти сифатида эътироф этади:

Агар меҳмон кутишининг одоб ва қоидалари нечта деб сўрасалар, айтгил: ... биринчидан меҳмонни таъзим билан кутиб олиш ва яхши жойда ўтқизиш, иккинчиси, меҳмон қаришида очиқ чехра билан хушнуд ўтириш. Учинчиси, меҳмон қанча (кўп) келса ҳам ранжимаслик. Тўртинчидан, чақирилмаган меҳмонни кўпроқ ҳурмат қилиш, бешинчидан, бахиллик қилмаслик ва меҳмондан нарсани қизганмаслик. Олтинчидан, ясама илтифот кўрсатмаслик, қўлдан келгунча меҳмонни самимий, сидқидилдан қабул қилиш¹⁹⁰.

“Садди Искандарий”да ҳам Навоий “Сафар мадҳи” борасида махсус боб киритади. Унда сафарни уч бўлимга ажратиб, биринчиси – ўзлик сари қилинган сафар, иккинчиси – пири муршид ёрдами билан тариқат йўлида сафар қилмоқ, учинчиси – жаҳонгирлик даъвоси билан дунё олмоқ, дейди. Унда сафар инсон ҳаёти учун муҳим ҳодиса эканлигини айтади:

*Сафар заҳмати гарчи душвор эрур,
Тенгиз қаърида дурри шоҳвор эрур.*

*Муҳит ичра чўммай нечукким наҳанг,
Киши урса бўлғайму гавҳарга чанг.*

Мазмуни: *Сафар азоби қийин бўлса ҳам, денгиз қаърида шоҳона дур бўлгани каби (унинг фойдаси тайиндир. Ахир) денгизнинг ичига наҳанг каби чўммасдан туриб, киши гавҳарга қўл узатиши мумкинми?!*

189 Алишер Навоий. Садди Искандарий. Йигирма жилдлик. 11-жилд. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 120.

190 Бу ҳақда қаранг: Исҳоқов Ё. Накшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Тошкент, 2002. – Б. 48.

Олтинчи ҳикматда жаҳонгир сафар тадоригини кўра бошлайди ва сафарнинг фойда ва ҳикмати тўғрисида устозининг фикри билан кизиқади. Арасту сафардан инсон саломатлиги ва руҳиятига яхши таъсир этиши ҳақида сўзлаб беради.

Демак, бу дostonда Навоий ҳам сафарга нафақат ўз маъносида қараган, балки улуғ Шарқ донишмандлари каби инсонни улуғловчи, уни асл мақсадга етказувчи, кишининг ўзлигига қилинган маънавий сайёҳат талқинида эътибор берган ва ўз қаҳрамонини мана шундай улуғвор сафарга чиқарган.

Сафар, унинг фойдалари, одоб ва қоидалари ҳам ахийларни қизиқтирган ва улар сафар ҳақида ўз тушунчаларига эга бўлганлар. “Футувватномаи султоний”да сафар қилиш одоби ҳақида махсус боб борлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

... Агар нима мақсад учун сафарга чиқилади, деб сўрасалар, жавоб бериб айтки, суфийлар уч нарса учун сафар қиладилар: улуғ авлиёларни зиёрат қилиш, ё нафс риёзати, ёки тариқат йўлига кирган мардларнинг дийдорини кўриш учун. Сафарнинг фойдаси кўндир... биринчидан таннинг сиҳатиға фойдали, чунки ҳаво алмашади ва аъзолар чиниқади, зеро ҳаракат бадан рутубатини кетказади, қон айланишини яхшилади. Иккинчидан, азиз-авлиёлар ва улуғ инсонлар қабрини зиёрат қилишининг савоби беҳад улугдир. Учинчидан, ғам ва маҳзунликни кетказади, негаки одам доим бир мақомда истиқомат қилса, сустилик ва касаллик кучаяди, баданнинг озуқалари, суви юришмай қолади. Тўртинчидан, ғам ва маҳзунликни кетказади, негаки киши қанчалар ғамгин бўлмасин, сафарга чиқса, кўнгил чигали ёзилади. Олтинчидан, сафарда умр осойишта ўтади. Еттинчидан, сафарда юриб, илминг ортади, зеро сафарда кўп нарса ўрганиш мумкин”¹⁹¹.

Бундай ўхшашликлар бежиз эмас, балки юқорида айтилганидек, Искандарнинг жавонмард сиймо эканлиги билан боғлиқдир.

Бундан ташқари, Искандар образи Навоийнинг фано ва бақо, қариллик ва йигитлик, яхши ва ёмонга ажру мукофот (Искандар ойнаси), шоир Ҳақиқат ва Худо, Борлиқ ва билиш ҳақидаги мулоҳазаларини баён этиш учун Искандар образидан фойдаланади, яъни уни ориф инсон тариқида тасвирлайди.

Искандарнинг Эрон шоҳи Доро юборган рамзий мактубини англаб этиши, яъни Доронинг Искандарни болаликка йўйиб юборган чавгон ва гўйни ҳамда аскарларининг ҳаддини кўрсатиш учун ҳавола қилган кунжутни ўзгача тушуниши унинг устози Арастуға муносиб шогирд эканлигидан дарак беради. Жаҳонгир подшо бўлишига қарамай, ҳар қандай ишга киришишдан олдин уни устози Арасту билан маслаҳатлашиши, у берган таълимдан келиб чиқиб, иш юритиши ҳам унинг ориф инсон эканлигидан дарак беради.

Демак, Искандар Навоийнинг ҳам ориф инсон, ҳам олийжаноб жавонмард образ сифатида талқин этилган мураккаб қаҳрамонларидан бири сифатида қадрли ва аҳамиятлидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Садди Искандарий. Йигирма жилдлик. 11-жилд. – Тошкент: Фан, 1993.
2. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. –Тошкент, 2002.
3. Кошифий Хусайн Воиз. Футувватномаи султоний. Форс-тожик тилидан Нажмиддин Комилов таржимаси. –Тошкент, 1994.
4. Хондамир Ғиёсиддин. Макорим ул-ахлоқ. –Тошкент, 2015.
5. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври). Тошкент: TAMADDUN, 2016.

191 Алишер Навоий. Садди Искандарий. Йигирма жилдлик. 11-жилд. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 252.

АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА ОРИФОНА РУҲ ВА МАЪМУН

Алишер РАЗЗОҚОВ

(Сам ДУ)

Ҳазрат Алишер Навоийнинг ижодий ниятига назар ташлайдиган бўлсак, учун шоирликдан мақсад назмбозлик, қофия тизиш эмас, балки қалбида тўлиб-тошган ориф руҳи ва ҳолини уни қабул қила оладиган ўқувчисига етказиш эди. Шоир шеърнинг мақсадини ҳам шундан келиб чиққан ҳолда белгилайди. Навоий назмнинг мақомини “эъжоз” – мўъжизавийлик мақоми билан тенглаштирир экан, у қайси суратда бўлмасин (ғазалми, рубоийми, қитъами, фардми ва ҳ.к.) унинг зимнида маъни бўлиши кераклигини, назм бўлса-ю, маънисини бўлмаса аҳли маъни олдида эътибори йўқлигини таъкидлайди:

*Бўлмаса эъжоз мақомида назм,
Бўлмас эди Тенгри каломиди назм.
Назмда ҳам асл анга маъни дурур,
Бўлсун анинг сурати ҳарне дурур.
Назмки, маъни анга марғуб эмас,
Аҳли маоний қошида хўб эмас.¹⁹²*

Алишер Навоий ўзигача бўлган ғазалнавислик, девончиликдаги мавзу яқранглигидан қоникмайди. Бунга шоир ўз танқидий муносабатини билдириб шундай ёзади: “...гўйиё баъзи эл ашъор таҳсилдин ва девон такмилидин ғараз мажозий ҳусну жамол тавсифи ва мақсуди зоҳирий хатту хол таърифидин ўзга нима англамайдурлар. Девон топилғайким, анда маърифатомиз бир ғазал топилмағай ва ғазал бўлғайким, анда мавъизатангиз бир байт бўлмағай. Мундоқ девон битилса худ асру беҳуда заҳмат ва зойиъ машаққат тортилғон бўлғай”. Демак, “маърифатомиз” бирор ғазал мавжуд девон ёки “мавъизатангиз” бир байт бўлган бирор ғазалнинг учрамаслиги ҳазрат Навоийнинг норозилигига сабаб бўлган экан. Ирфон ва мавъизадан холи бўлган девончилик ва шоирликни у “беҳуда заҳмат” ва “зойиъ машаққат” деб баҳолайди. Модомики, бадий адабиётнинг предмети инсон экан, у нафақат инсоннинг руҳий кечинмаларини тасвирлаши, балки унинг маънавий комиллигига ҳам масъулдир. Буни теран ҳис қилган Алишер Навоий ҳам бадий ижод олдида янги талабларни қўяди ва ўзининг ҳар бир девонини анъанавий ҳамд ва наътлардан ташқари ирфоний-фалсафий мазмундаги шеър ва байтлари билан бойилади.

Адабиётшунос олима К.Муллахўжаева орифона ғазалларнинг мазмун-мундарижасини шундай тунтиради: “Дунёни мукамал идрок этиш, зотни сифатда, моҳиятни ҳодисада кўра олиш, ўзликни англаш, Ҳаққа – моҳиятга етишиш учун ҳаракат, нафсни енгиш сингари масалалар ва, энг муҳими, шу сифатларни ўзида жамлаган комил инсон ва комиллик ҳақидаги қарашлар орифона ғазалларнинг бош ғояси ва асосий мазмунини ташкил этади”. Навоий ғазалларида ҳам маърифат ғояси орифона руҳ ва кечинмалар, мушоҳадалар асосида талқин этилади.

Алишер Навоий ғазалларида ирфоний ғоялар талқинининг асосий воситасини кўнгил-қалб тимсоли ташкил этади. Тасаввуф манбаларида қайд этилишича, “...қалб бамисоли ойна, тоза ва порлоқ бўлмагунча илоҳий тажаллиларни зухурлантормайди. Ойнанинг кирланиши ва қорайишига сабаб Аллоҳдан бошқа борлиқлар билан яқиндан боғланишдир”¹⁹³. Нажмиддин Кубронинг “Усули ашара” асарини шарҳлаган Ибҳоҳим Ҳаққи Бурсавий шундай ёзади: “Қуръони карим”ни фақат покиза бўлганлар қўлга ола билганидек (Воқеа 56:79), маънан нопоклар ҳам илоҳий сирларга ҳаргиз яқинлаша олмайдилар. Жунублик инсонни масжиддан қандай йироқлаштира, дунёга боғлайдиган ришталар ҳам

192 Кошифий Ҳусайн воиз. Футувватномаи султоний. Форс-тожик тилидан Нажмиддин Комилов таржимаси. Тошкент: А.Қодирий, 1994. – Б. 62.

193 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик: 6-жилд. – Тошкент, 2011. 51-бет.

инсонни худди шундай ҳақдан йироқлаштиради”.¹⁹⁴ Шу маънода Навоий “Ғаройиб ус-сиғар” девонида шундай дейди:

*Соф қил хотирки, солғай акс ул юз яхишим,
Кўргузур юзни, қачонким равшан ўлди кўзгу хўб.*

Яъни байтда хотир – кўнгилдан ўтаётган фикрни соф қилиш кераклиги, шундагина унда юз – Ҳақ тажаллиси акс этиши таъкидланиб, бу фикр кўзгу тамсили билан асосланган. Унинг яна бир муҳим маъноси шуки, шоир бу орқали банда Ҳақ таоло ҳар доим гўзал гумонда, андишада бўлмоқлиги кераклигини уқтирмоқда.

Ҳаққа етишни, Унинг маърифатига соҳиб бўлишни истаган солиқ ўзлигидан тамоман кечиб, жамики иродасини Ҳаққа таслим қилсагина муродига етади, деб ҳисобланган. Бу йўлда банда заррача бўлсин ўзининг ҳавою нафсига эргашса, кўзланган мақсад ҳосил бўлмайди. Бинобарин, Алишер Навоий ҳам ҳақиқат асрорини излаган солиққа насиҳат тарзида дейдики, ҳавода учсанг, сувда юрсангу буларни Ҳақ иродасидан эмас, ўз ироданг, ҳаракатингдан деб билсанг, ўртада хасчалик бўлса-да, ўзингни кўрсанг, сен одам эмассан:

*Гар ўзунгни хасча кўргунгдур эмассен одамий,
Гар ҳавода сайр қил, гар су уза кўргуз хиром.*

Мана шу хасча бўлса ҳам ўзлигингни фано ўтхонасига ташлаб кул қил, токи бу кулдан кўнгил ойнаси поклансин, дейди шоир:

*Кул қил ул хасни фано отаиғаҳига ташлабон,
То кўнгул миръоти ул кулдин жило топқай тамом.*

Бу каби мисралардаги ўзни ўрташ, яъни куйдириш каби тушунчаларни ўзни тамоман Ҳаққа топшириш, қазосига розилиги билдириш, дея талқин этилса тўғри бўлади. Ўзини Ҳаққа топширган бандагина маърифатга етади, қалбида Ҳақ нури порлайди. Шу боис шоир:

*Тажаллий истасанг ул юздин ўртабон жисминг,
Кули бирла кўнгул ойинасин жило қилақўр, – деб ёзади.*

Маърифат талқинидаги шеърларда қалб, кўнгил, дил тимсоллари марказий ўрин тутишининг сабаби ҳам унинг Ҳақ тажаллигоҳи сифатида талқин этилишидир. Тасаввуф илмида қалбга шундай таърифлар берилган: “Қалб” лафзи икки хил маънода ишлатилади:

Биринчиси – инсоннинг чап кўкрагида жойлашган, конус шаклидаги махсус жисм. Уни бизнинг тилимизда “юрак” дейилади. Тасаввуфда “қалб” дейилганда ўша аъзо кўзда тутилмайди.

Иккинчиси – Раббоний, руҳоний ва латиф нарса бўлиб, унинг аввалги қалбга боғлиқлиги мавжуд. Уларнинг орасидаги алоқа худди сифатнинг сифатланган нарса билан алоқасига ўхшайди. Ана ўша латиф нарса инсоннинг ҳақиқатидир. Идрок, билим ва маърифат ўшандандир. Хитоб, итоб, иқоб ва талаб ҳам ўшангадир”.

Алишер Навоий шеърлятида аксарият ҳолларда бунинг маънодоши бўлган “кўнгил” истилоҳи қўлланади. Баъзи ҳолларда “кўнгил ойнаси”, “сафҳайи дил”, “сафҳайи хотир” бирикмалари кўринишида ҳам учрайди. Кўнгилга хитоб тарзидаги шеърларининг ҳам аксариятини маърифат мавзуси ташкил этади. Хуусусан, “Ғаройиб ус-сиғар” девонидига 364-ғазал ҳам кўнгилга хитоб билан бошлангани учун унда тасаввуфнинг бир қатор масалаларига даҳл қилинган.

Шоир ғазалда кўнгилга хитоб тарзида аслида шу кўнгилнинг соҳиби бўлган инсонга, тўғрироғи, ҳақиқатга етиш йўлини ихтиёр қилиб, қутлуғ сафарга чоғланган солиққа хитоб қилади. Матлаъда шоир эътиборини, аввало, дунёнинг, еру кўкнинг пойдор эмаслигига, ундаги барча нарсаларнинг ўткинчи эканлигига урғу беради:

*Эй кўнгул, ер-кўк асосин асру бербунёд бил,
Ул кесакни суда кўр, бу сафҳани барбод бил.*

Ғазалда, аввало, еру кўкнинг омонат эканлигига урғу берилишининг боиси шуки, еру осмондаги

194Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик: 4-жилд. – Тошкент, 2011. 764-бет.

ҳамма нарса ўткинчи, фоний экан, унда абадийлиги завол билмайдиган боқий Аллоҳни кидир, демоқчи бўлади шоир. Басирати очик инсонга оламнинг омнотлиги ҳар лаҳзада, ҳар нарсада аён бўлиб туради. Қуръони каримда хабар берилишича, Иброҳим а.с.нинг аввал Қуёшни, сўнгра ойни ва юлдузларни улуғлаши, улар заволга юз тутгач, улардан юз ўгириб Аллоҳга таважжух этиши ҳам бунинг бир далилидир.

Навбатдаги байтда тасвир оламдан инсон жисмига кўчади:

Жисм уйи чунким эрур фоний, тафовут йўқ ани

Гар фано селобидин вайрону гар обод бил.

Қаршилантириш санъати воситасида шоир айтмоқчики, жисм уйи хоҳ обод бўлса ҳам, хоҳ вайрон бўлса ҳам фарқи йўқ, барибир бир куни фано селидан вайрон бўлиши тайин. Бинобарин жисмнинг ҳам дунёда абадий бор бўлиб туришига эътимод йўқ. Шундай экан, инсон нажотни нимадан ахтариши керак, деган саволга кейинги байтда шундай жавоб берилади:

Тўрт унсур қайдидин то чиқмагайсен, нафъ эмас

Осмоний тўрт дафтарни тутайким ёд бил.

Байтда тилга олинган тўрт унсур – табиатдаги тупроқ, сув, олов ва ҳаво деб талқин этилиши маълум. Шеърятда бу нарсалар “чор аждаҳо”, “чор аркон”, “чор асл”, “чор гавҳар”, “чор модар”, “чор пайванд” шаклларида ҳам ишлатилган.¹⁹⁵ Масалан, Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонининг Пайғамбар с.а.в. меърожи тасвирида “тўрт гуҳар” шаклида ҳам ишлатилганини кўриш мумкин:

Олди жиҳат қайдидин ихрож ўлуб,

Тўрт гуҳар тарки анга тож ўлуб.¹⁹⁶

Инсонинг жисми ҳам мана шу тўрт унсур – элементдан таркиб топган деб қаралади. Тасаввуфда бу унсурларнинг инсонда тутган ўрни ҳақида турли қарашлар мавжуд. “Инсон шахсиятининг майдалашиб, турли-туман зиддиятлар гирдобига чўкиши, энг аввало, уммаҳот аталмиш тўрт унсур “занжир”ларига боғланиб қолишидадир... Инсоннинг ўзини билиши, илм эгаллаши, Оллоҳ яратган оламлардан бохабарлиги биринчи навбатда аносири арбаъани қай даражада идрок айлаб, унинг сир-асрорини нечоғлик кашф эта билишига ҳам боғлиқ”.

“Осмоний тўрт дафтар” – Аллоҳ томонидан инсониятга яшаш ва амал қилиш дастури сифатида юборилган тўрт китоб. Инсон ўзининг тўрт унсурга бандалигидан қутулмас экан, бу тўрт китобни ҳифз қилмоқлигидан ҳам фойда йўқ, дейди шоир. Бу – банда ўзини танимагунча Роббини танимаслигига ишорадир. Шунинг учун ҳам бу масала ҳал қилингандан сўнггина кейинги байтда Ҳақни қандай таниш мумкин, деган саволга жавоб берилади:

Эйки дебсен, Ҳақни не таърифу васф ила билай,

Васфдин мустағню таърифдин озод бил.

Шоир Ҳақни қандай таъриф ва васф билан таниш мумкин, деган саволга Ҳақ васфга эҳтиёжсиз, таърифдан озод Зотдир, деб жавоб қайтаради. Банда Аллах маърифатини қандай эгаллайди, Уни қандай танийди, албатта, Унинг Ўз каломида танитганидек танийди. Бошқача таъриф тавсифга йўл йўқ. Зеро, “Аллоҳ таоло ўз сифатларини бизларга Қуръони каримда билдирган. Шунга асосланиб, у зотнинг сифатларини таниймиз. Аллоҳ таолони ўзи хабар бермаган сифатлар билан сифатлашимиз мумкин эмас”¹⁹⁷.

Узоқ сафарга отланган киши, албатта, зоди роҳила – йўл озиғини ғамлаши табиий. Бусиз кўзланган манзилга етиш мушкул. Ҳаққа етиш сафарига отланган солиқнинг йўл озиғи эса зикруллоҳдир. Зикрнинг усул ва қоидалари ҳар бир тариқатда турлича бўлса-да, лекин барчасининг мақсади бир. Зикр тариқатнинг ажралмас узвидир. Шу боис ғазалда бу масалага ҳам, албатта, ўрин берилган:

195Муллахўжаева К. Алишер Навоий ғазалларида тасаввуфий тимсол ва бадий санъатлар уйғунлиги. НДА. – Тошкент: 2005. 14 – 15-бетлар.

196Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. 41-бет.

197Ўша манба. 61-бет.

*Тенгри зикриким, малойикка гизойи руҳ эрур,
Бу гизони Ҳақ йўлига кирган элга зод бил.*

Сафарда йўл озиғи қандай муҳим бўлса, йўлбошловчининг ҳам зарурати шу қадар катта. Улуғ сафарга отланган солиққа, албатта, йўлбошловчи – пирнинг лозимлиги боис Навоий бу масалани ҳам эътибордан четда қолдирмайди:

*Эл оёғига тушардин бошқа чиқмоқ расмини,
Май куҳанпириндин ушбу дайр аро иршод бил.*

Эл оёғига тушиш орқали бошга чиқиш деганда шоир қалбадаги кибру ғурурни ўлдириб, тавозе ҳолатига етмагунча иззат-икромга етиш йўқ, демоқчи бўлади. Бу ишнинг воситаси ва макони “май куҳанпирин” (тарикат оқсоқоли, шайхи) ва “дайр” (шайх даргоҳи, мажлиси) деб кўрсатилади. Тасаввуф манбаларида ва адабиётида, шунингдек, тарихий асарларда ҳам бу масалани ёритувчи турли-туман маълумотлар бисёр. Масалан, “Насойим ул-муҳаббат”да шундай маълумот келтирилган: “Шайх Абдуллоҳнинг бир муриди бор эрди таббоҳким, дўкони бор эрди, ул мурид бир аёғ ош ясаб, шайх учун келтирур эрди. Бир кун ул мурид дўконига етганда ул мурид ҳамул дастур била бир аёғ ош келтуруб, Шайх аёғ устида туруб, ул ошни ичадур эрдиким, бир дарвеш етишди ва оқ покиза хирқа кийиб эрди. Шайхқа дедиким, эй шайх, тиларменки, мени Тенгри таолоға далолат қилгайсен ва дегайсенки, фойда не ишдадур? То ўшандоқ қилгаймен. Шайх ичадургон илкидаги аёғ ошни анга бердиким, олиб ичгил! Ул олиб ичгандан сўнгра буюрдиким, ёғ бўлгон илкингни бу хирқанга арт ва доим ушмундоқ қил! Ул деди: Эй шайх, муни қила олмон. Ўзга иш буюр! Шайх дедиким, мунча ишни қила олмасанг, ҳар ишни буюрсам қила олмагунгдур. Борки, сен бу иш кишиси эмассен”.

Мазкур парчадаги Шайх Абдуллоҳ Балёнийнинг хузурига иршод истаб келган дарвешга бундай ишни буюришдан мақсади ундаги кибру ужбни йўқотиш бўлган. Чунки шайх дарвешнинг эғнидаги уст-бошидан кибр аломатини кўради. Кибр эса қалб офатидир. Уни илдизи билан кўпориб ташламагунча мақсадга етиб бўлмайди. Шу сабаб тарикат пирлари мурид қалбадаги кибру ужбни ўлдириш учун қаттиқ курашганлар, кибрнинг даражасига қараб шогирдларига ўта оғир, ҳатто таҳқирловчи вазифаларни буюрганлар. Ҳатто “мавлавийликда тарикатга кирмоқчи бўлган солиқ 1001 кун суфийлар ва муршидларнинг хизматини бажармоғи, бундан аввал 40 кун ҳаммоллик, сўнгра 40 кун аравакашлик, 40 кун фаррошлик, 40 кун ўтинчилик ва шу тарзда 1001 кун хизматни тамомлагандан кейингина силсиланинг комил ҳуқуқли аззоси ҳисобланган”. Мурид ҳам ўз иродасини пирга тўлиқ топшириб, бу каби вазифаларни сўзсиз бажарсагина синовдан ўта олган. Тасаввуф манбаларидаги “мурид ўзини пир қўлида худди ғассол қўлидаги майитдек тутмоғи керак” деган иборанинг кўп учраши шундан.

Маърифатга толиб шогирд учун пирнинг ўрни ва унга хизмат қилиш нечоғлик аҳамиятли эканлигини теран ҳис қилган Навоий бошқа бир байтида:

*Пирсиз кезма бу водий ичраким, топмас Калим
Тийра шомин равшан амр этмай анга хидмат Шуайб –*

дейди. Бунда тилга олинган водий – тарикат водийси, бу водийни йўл кўрсатувчи пирсиз кезма, дейди шоир ва бу фикрни талмеҳ санъати ёрдамида асослайди. Шу боис “...муридни чексиз уммонга кирган кемага, пирни эса шу кемани тўғри йўлга солувчи дарғага ўхшатиш мумкин. кемачидан айрилган кеманинг тақдири вайрон бўлишдир”¹⁹⁸.

Таҳлил этилаётган ғазалнинг кейинги байтида мақсадга етишнинг яна бир шартини шундай қўйилади:

*Эй сулук аҳли, қачон мақсуд топқумдур десанг,
Мосиваллоҳни фано кўрган кунин мийъод бил.*

Байтда гўёки шоирдан бир гуруҳ солиқлар мақсадга етиш муддати қачонлигини сўраганлар. Навоий эса, мосиваллоҳ – Аллоҳдан бошқа барча нарсаларни йўқотган кунингиз унинг вақтидир, дейди. Шеърдаги “фано” атамаси шоир ибораси билан айтганда, “юз рисола” бўладиган кенг қамровли тушунчадир. Бинобарин уни фақат жисмоний маънодаги йўқотиш деб талқин қилиш шоирнинг ниҳоятда

198Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Тошкент, 2011. 66-бет.

кенг ва муҳим фалсафий ғояларини ўзида мужассам қилган биргина истилоҳий маъносини чегаралаш ва жўнлаштириб юборишга сабаб бўлади.

Шоир тавҳид ҳақидаги кейинги саволга шундай жавоб беради:

*Эйки дебсенким, билай тавҳид сирридин хабар,
Шаръдин неким тажовуз айлади илҳод бил.*

“Тавҳид” – Аллоҳнинг бирлиги, ягоналигини билмоқчи бўлган кишига шоирнинг жавоби шуки, бу йўлда кимки шариат чегарасига тажовуз қилса, йўлдан адашади. Ҳақнинг маърифатига элтадиган “сирот ал-мустақим” – тўғри йўл, албатта, белгиланган чегарадан чиқмаган ҳолда бўлмоғи керак, солиқ шариатнинг темир қоидаларига оғишмай амал қилибгина кўзлаган мақсадига етади, демоқчи бўлади шоир.

Масалани теран англаш учун, аввало, Навоийнинг ўз асарларини синчиклаб ўқишнинг ўзи кифоя. Жумладан, “Насойим ул-муҳаббат” асарида Абдуллоҳ Ансорий тилидан қуйидаги сўзларнинг келтирилиши ҳам бежиз эмас: “...ҳар нимадан бир миқдорин олсалар, бир миқдори қолур, шариатдан ўзгаки – бир миқдори андин кам бўлса, ҳеч нима қолмас”. Шоир лирикасида бу масаланинг образли талқинига кенг ўрин берилади. Буни қуйидаги байтда ҳам кўриш мумкин:

*Шаръсиз хошок аро хошокдекдур, эй ҳақим,
Кўкка чиқсанг жайбинг ичра субҳайи парвин солиб.*

Навоий бу байтда шариат йўлидан юрмаса ҳам осмонга чиққан “қаромат” соҳибини ҳеч нарсага арзимас хашак, киссасидаги тасбиҳни кўкнори уруғи деб тасвирлайди. Албатта, бу каби осмонда учиб, сувда сузиш сингари одатдан ташқари ишлар тўғри йўлда бўлмаган кимсаларда ҳам бўлиши мумкин.

Ёки:

*Шаръдин айру риёзатдин сафо касб айлаган,
Уйладурким соф ўлур таскин била мурдор су.*

Бу ўринда сафо – покликни шариатда буюрилмаган риёзатдан топиш тамсил санъати орқали нопок, ҳаром сувни тиндириш билан покламоқчи бўлишдек кулгили ҳаракат сифатида талқин этилган. Бу байтда тасвирланган ҳолат эҳтимол, бошқа диний-фалсафий таълимотларда учраши мумкиндир. Дейлик йога, буддавийлик кабиларда ҳам ислом тасаввуфидаги сингари муруқаба, риёзатга ўхшаган амаллар бор. Бироқ, бу амаллар Қуръон ва суннатда буюрилганидек эмас, банданинг ўз райи ва тузган дастурлари асосида бўлганлиги сабабли ҳам ҳақиқий маънодаги руҳий-маънавий камолот воситаси бўла олмайди. Шундай экан, инсонга Ҳақ ато этган фитратни пок ҳолида сақлаш учун У белгилаб берган йўлдан бориш лозим деб тушунтирилади. Жунайд Бағдодийнинг фикрича, “ўнг қўлида муқаддас китобни, чап қўлида суннатни тутган кишигина тариқат йўлини босиб ўта олади”¹⁹⁹.

Булардан маълум бўладики, шариат – руҳий-маърифий камолот юксаклигининг биринчи поғонасидир. Усиз эришилган ҳар қандай даража мардуд бўлиши суфийлар қарашларида ҳам, суфиёна шеъриятда ҳам ўз аксини топган. Шундай экан, тасаввуфда ҳам, унинг таъсиридаги адабиётда ҳам “шариат – машъал, тариқат – йўл, ҳақиқат – борадиган манзилдир”²⁰⁰, деган қараш умумий ва ўзгармас қоида ҳисобланади.

Навоийнинг ирфоний сабоқлари, панду ўғитлари бошқа ғазаллари ва байтларида ҳам турфа бадиий кўринишларида намоён бўлади. Жумладан, қуйидаги байтда тариқат йўлларининг пасту баландини яхши англаган шоир “дайр” – маърифат зиёси етадиган пир даргоҳини “ростлар маъмани” – тўғри йўлдагилар омонлик топадиган макон ва кимки унда эгри қадам босса, иши ўнгидан келмаслигини уқдиради:

*Ростлар маъманидур дайр, туз ур ул сари гом,
Кимки ул эгри қадам урди, иши келмади ўнг.*

199Фарҳанги забони тоҷикӣ. Ҷ. 2. – Москва, 1969. С. 544.

200Алишер Навоӣ. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик: 6-жилд. 38-бет.

Шоир Ёр васлига етмоқни, яъни Ҳақ маърифатига етмоқнинг яна бир йўлини юқорида кўрилган масалага боғлиқ равишда шундай кўрсатади:

*Бўл сафо аҳлига ҳамдам, ёр васлин истасанг,
Аксини солгайму соқий бўлмагунча бода соф.*

Демак, қалбда маърифат зиёси порлаши учун у пок бўлиши лозимки, бунинг учун ҳар доим пок қалблилар (сафо аҳли) билан ҳамдам, ҳамнафас бўлмоқ керак. Тасаввуфда муридлар тарбиясининг муҳим усулларида бири ҳам ўзaro суҳбат, ваъз мажлислари ҳисобланган.

Хуллас, таҳлилимиз марказида бўлган ғазални тасаввуфнинг энг муҳим ўзак масалаларига шоирона тавсиф берилган мўъжаз рисола десак, хато бўлмайди. Бадиий сўзнинг инсон ва унинг руҳий кечинмаларини тасвирлаши билан бирга, балки унинг маънавий комиллигига ҳам масъуллигини теран ҳис қилган Навоий бадиий ижод олдига янги талабларни қўяди ва ўзининг ҳар бир девонини анъанавий ҳамд ва наътлардан ташқари, ирфоний-фалсафий мазмундаги шеър ва байтлари билан бойитади. Бу каби шеърларда маърифат ғоясининг бадиий талқини, асосан, мавъиза характеридаги байтларда ирфоний кечинмалар, орифона мушоҳадалар орқали очик ифодасини топган. Ҳамд ва мавъиза ғазаллардан ташқари бошқа лирик ғазалларда бу масала турли рамз ва тимсоллар орқали ифодаланган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик: 1-, 2-, 3-, 4-жилдлар. – Тошкент, 2011.
2. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965.
3. Муллахўжаева К.Т. Алишер Навоий ғазалларида тасаввуфий тимсол ва бадиий санъатлар уйғунлиги. НДА. – Тошкент: 2005.
4. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Тошкент, 2011.
5. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004.
6. Ҳазраткулов М. Тасаввуф. – Душанбе: Маориф. 1988.

АБУЛҚОСИМ БОБУР АДАБИЙ МАЖЛИСЛАРИ ВА НАВОИЙ

Шерхон ҚОРАЕВ
(ТДҶАУ)

Алишер Навоий ўзининг бир байтида “Навоий назмини куёш лавҳида ёзилиши”да Хусайн Бойқаронинг нечоғлиқ катта хизмати бор эканлигига, буни у – “шоҳу хурдадон” “буюрганлигига” урғу беради. Бундан ташқари, Навоий ҳаётида ҳамда бетакрор истеъдодининг шаклланишида темурий ҳукмдорлардан Абулқосим Бобур мирзо (1422-1457) ҳам муҳим рол ўйнагани айни ҳақиқатдир.

Абулқосим Бобур Бойсунғур ибн Шохрух хонадонидида 1422 йили дунёга келган. Унинг отаси 11 яшарлигида вафот этгач, Бобур мирзо бобоси Шохрух қўлида тарбия топган. 1447 йили Шохрух мирзо вафот этганидан сўнг тахт учун курашлар бошланади. 1448 йили Улуғбек Ҳиротни эгаллагач, Хуросон пойтахтини ўғли Абдуллатифга қолдириб, ўзи Самарқандга йўл олади. У кетиши биланоқ ўн беш кун ўтар-ўтмас Ҳиротни Абулқосим Бобур қўлга киритади. Аммо Хуросонда 1449–1450 йиллари ака-укалар Алоуддавла, Султон Муҳаммад ва Абулқосим Бобур ўртасида тахт учун кураш авжига чиқади. Мазкур курашда қўли баланд келган Абулқосим Бобур 1451 йили иккинчи марта тахтни эгаллайди. Абулқосим Бобур Хуросон тахтига ўтиргач, мамлакатда осойишталик ўрнатилади ҳамда унинг даврида маданият, илму фан ва адабиётга эътибор кучаяди. Шоислом Шомухамедов Абулқосим Бобур давридаги маънавий тараққиётни ҳамда адабиётнинг гуллаб яшнашини, адабий муҳитни Хусайн Бойқаро замони билан бир қаторга қўяди: “...Абулқосим Бобур эса, илмдўст, адабиётчи бўлган, ўз саройига

олимлар, шоирлар, санъат арбобларини тўплаб, уларга ҳомийлик қилган... Аввало шуни қайд қилиб ўтиш зарурки, Абулқосим Бобур ва айниқса, Ҳусайн Бойқаро билан Навоийлар давлатида адабиётнинг таракқий топиши учун анча қулай шароит яратилди”.

Сарой адабиёти Бобур мирзо даврида ҳам бир қадар ривожландики, ўнлаб шоирлар бунинг учун ўз ҳиссаларини қўшдилар. “Алишер Навоий” қомусий луғатида Бобур Қаландар (Дарвеш) номи билан машғур бўлган Абулқосим Бобур атрофига шоирларни тўплаб, мушоиралар ўтказишни хуш кўргани қайд этилади. “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”да келтирилган бир воқеада ҳам Абулқосим Бобур мажлислари тилга олинади: Яъни Паҳлавон Муҳаммад билдирмасдан бетоб ётган ёш Навоийнинг чўнтагидаги янги ёзилган ғазални олиб, уни ёдлайди ва бу шеърни Саййид Насимийники деб ҳазиллашади ва суҳбат асносида шундай дейди: “Ўн икки йил бўлғайким, Бобур мирзонинг мажлисида бу шеър ўтар эрди, менга бағоят хуш келди, битиб олиб ёд туттим”. “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”да зикр этилган бундай шеърият йиғинлари – мажлислар Абулқосим Бобур саройида доимий фаолият кўрсатганини таъкидлаш жоиз. Ушбу адабий мажлисларда Навоий “Мажолис ун-нафоис”да кўплаб шоирлар қатори Бобур Мирзо хизматидаги Мавлоно Сулаймонийнинг бадихани равон айтганлигини тасдиқлаганидан келиб чиқсак, шоир ўзи гувоҳ бўлганидек, мажлис қатнашчилари ҳақида фикр-мулоҳазаларини кейинчалик ўз тазкирасига киритади. “Мажолис ун-нафоис”да қайд қилинишича, Мавлоно Муҳаммад Муаммоий Бобур мирзо сарой хизматчиларидан бири бўлганки, бойлигини сарфлаб, Шерозда Ҳазрат Хожа Ҳофиз (Шерозий) қабри бошида гумбаз ясаган ва Абулқосим Бобурни ушбу зиёратгоҳга таклиф қилиб зиёфат ташкил қилган. Навоийнинг ёзишича, Муаммоий... андин сўнгра ҳам салотин (султонлар) мажлисида мақбул ва махсус эрди”²⁰¹. Вали Қаландар, Ҳофиз Шарбатий ҳамда Мавлоно Муҳаммад Амин ҳам Абулқосим Бобур анжуманларининг фаол иштирокчилари бўлганлар. Навоий “Мажолис ун-нафоис”да Ҳофиз Шарбатий ҳақида ёзар экан, бир воқеани келтиради: Бобур мирзо хиёбондан Ҳирот муфтиси сархуш Мавлонзодаи Абҳарий билан келаётганда, Ҳофиз Шарбатийга Мавлонзодага қадаҳ тутиб, бир байт ўқишни буюрди.

Мазмуни:

*Мурувватли ва гуноҳ ишларни ёпиб кетувчи подшоҳ даврида
Ҳофиз соқий бўлдию, муфтий майхўр бўлди.*

Бобур мирзо байтни эшитиб, Ҳофизнинг иқтидорига офарин айтди.

Навоий “Мажолис ун-нафоис”даги Вали Қаландарга бағишланган мақолада уни Бобур мирзо хузурида мулозим эканлигини таъкидлаш билан бирга, Пир Будоғ Ҳирот шоирларини Шерозга элтганда “ул ҳам борди” дейди²⁰². Демак, бундай тасдиқдан Навоий ҳам ҳамшаҳар шоирлар қатори Пир Будоғ бошчилигида Шерозга боргани, ўз навбатида, Хожа Ҳофиз (Шерозий) қабрини зиёрат қилгани маълум бўлади.

“Мажолис ун-нафоис”да шоир Муҳаммад Амин “Дилбарам” номли ғазалини Бобур мирзо “тобуғига (хузурига) келтурди”, дейилади. Ёқимли бу шеърни подшоҳ адабий мажлисларда ёддан ўқиган:

*Эй сияҳ чашми хитой мурғи жонро бо ту унс,
Ба-з сияҳ чашмони дигар ҳамчу оҳу дилбарам*²⁰³.

Ҳақиқатан, “Мирза Бобур Қаландар”²⁰⁴ ҳомийлигида кўплаб шоиру адиблар улғайгани тарихдан маълум. Мавлоно Тўтий ҳам **“Бобур мирзо мулозаматида тарбия топти”** ва саройдаги адабий муҳит ва мажлисларда истеъдодли шоир бўлиб шаклланди²⁰⁵. Мавлоно Волахий – ошуфта киши эрди, деб ёзади Навоий. Волахий Бобур мирзо Машҳад шаҳрига борганида подшоҳга бағишлаб “орапта” ра-

201 Ш.Шомухамедов.Форс – тожик адабиёти классиклари.–Т., 1963.168-б.

202 Алишер Навоий. Қомусий луғат. Биринчи жилд.–Т: ”Шарқ” НМАК БТ, 2016. 120-121-б.

203 Навоий Алишер.Тўла асарлар тўплами. Ўнинчи жилд. Т: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2012. 27-б.

204 А.Навоий.Тўла асарлар тўплами.Тўққизинчи жилд. Т: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2012. 319-б.

205 А.Навоий.Тўла асарлар тўплами.Тўққизинчи жилд. Т:Ғафур Ғулом номидаги НМИУ.2012.321-б.

дифли қасида ёзади. Унда «Шоҳ Абулқосим даврида Султон Али Мусо Ризо “шаҳид бўлган” Машҳад жаннатдан ҳам ёқимли бўлгани” қаламга олинади. Мавлоно Қанбарий ҳам ижод шайдоси Бобур Мирзога бағишлаб, қасида яратганини Навоий таъкидлайди.

Абулқосим Бобурнинг дарвешваш ва шоиртабиат бўлганлиги учунми мушоираларда тасаввуфга йўғрилган шеърлар ўқилган, йиғинлар дарвешона мажлисларни эслатиб турган. “(Хожа Аҳрор валий) ойтур эрдилар: “Мирзо Бобур тасаввуфдонлик даъвосини этур эрди ва муқаддимоти тасаввуфдин онинг мажлисида хийла ўтар эрди. Шайхзодаи Пурқиёмким, мутасаввуф эрди, Мирзонинг мулозама-тида бўлур эрди. Ва Мирзо Бобурнинг бу тоифаи алиййага кўп эътиқоди бор эрди”²⁰⁶. Ҳақиқатан, ўз даврида Бобур Қаландар номи билан машҳур бўлган ҳукмдор ҳақида ҳам Навоий шунга ўхшаш фикрларни билдирган: “Бобур мирзо – дарвешваш ва фоний сифат ва карим ул-ахлоқ киши эрди. Ҳиммати олида олтунинг дағи кумушнинг тош ва туфроғча ҳисоби йўқ эрди. Тасаввуф рисолаларидин “Лама-ъот” била “Тулшани роз”га кўп машъуф эрди. Таъби дағи назмға мулоийм эрди...”

Агарчи туркча назмлар айтур эрдик, барчага қабул эрди. Аммо, бу байт ҳам анингдурким:

*Неча юзунг кўриб ҳайрон ўлайин,
Илоҳи, мен санга қурбон ўлайин*²⁰⁷.

Юқоридаги маълумотлар “дарвешваш” ва шеърият ихлосманди, кези келганда ўзи ҳам шеър айтган Абулқосим Бобур саройи мажлисида тасаввуфга оид суҳбатлар ўтказилганини исботлайди.

Бундай йиғинларда шоирлардан ташқари, олиму уламолар, фақиҳлар, мунажжимлар, табиблар ва бошқа соҳаларнинг вакиллари қатнашган. Машҳур тарихчи олим Абдураззоқ Самарқандий ҳам Абулқосим Бобур хизматида бўлган ва унинг ҳарбий юришларида ҳамроҳлик қилган²⁰⁸. Навоий туркийғўй шоир Гадоийнинг шеърлари “Бобур мирзо замонида... шуҳрат тут”ганига алоҳида тўхтайтиди.

Фахриддин Али Сафий Абулқосим Бобур мирзонинг мажлислари тўғрисида сўз юритади. Жумладан: “Шу орада Мирзо Бобур мажлис ораста қилиб, шу мажлисда Мавлоно Мазид ҳам, Мавлоно Жомий ҳам ҳозир бўлдилар. Абулқосим Бобур мирзо фақиҳ (ҳуқуқшунос)дан сўради:

– Язид (араб имомларини ўлдирган қотил) лаънати тўғрисида нима дея оласан?

– Бир нарса дейиш менинг учун нораво,- деди Мавлоно Мазид,-чунки мен Язидга қабиладошман. Мирзо Бобур шу лаҳзада эшонга қаради:

–Мавлоно, Мазид нима демоқчи?

Жомий дарҳол жавоб қайтарди:

–Унинг муроди тайин, – деди у,– бир қабиладан эканми, демак, Язидга ҳам, Мазидга ҳам минг лаънат демоқчи²⁰⁹. Бундай фикр алмашиш, мулоҳазалар айтиш, баҳс ва мунозараларга киришиш бу ерда кечадиган мажлисларга хос эди.

Демак, Абулқосим Бобур ва темурийлар мажлисларини уч турга бўлиб таснифлаш мумкин:

1. Дарвешона йиғинлар (тасаввуфга оид суҳбат ва мушоиралар).

2. Илмий-диний мажлислар (ислом дини, шариат ва фикҳга оид мулоқотлар, диний қиссахонлик, олимлар билан баҳслар).

3. Шеърият кечалари (янги ғазаллар тақдимоти, куй ва кўшиқлар ижроси, рақслар, ҳажвлар ва бадийят масалаларига оид мунозаралар).

Умуман олганда, “Мажолис ун-нафоис”да Бобур мирзо саройидаги мажлис иштирокчилари, шоирлар, давр фозиллари, зиёлилар ҳақида кўп маълумотлар берилганлиги Навоийнинг ушбу мушоираларда мунтазам қатнашганлигидан далолатдир. Қолаверса, юқоридаги маълумотлар, ўз навбатида, Бобур мирзо саройи чинакам илм-маърифат ва маданият маскани бўлганлигини кўрсатади.

Ёш Навоий ҳам Абулқосим Бобур саройида хизматда бўлганлигини тарихий фактлар тасдиқлайди.

206 А.Навоий.Тўла асарлар тўплами.Т:Ғ.Ғулом номидаги НМИУ.2012.321-325.

207 Зайниддин Восифий.Бадоеул вақоеъ.Тўққизинчи жилд. Т:Ғ.Ғулом номидаги АСН -1979.157-б.

208 Алишер Навоий.Тўла асарлар тўплами.Тўққизинчи жилд. Т:Ғ.Ғулом номидаги НМИУ2012.313-б.

209 Фахриддин Али Сафий. Рашоҳоту айнил-хаёт.Т:”Абу Али Ибн Сино”-2004. 383-б.

Аниқроқ айтганда, Хуросонда Абулқосим Бобур ҳукмдорлиги даврида (1449-1457) Навоийнинг от-аси Амир Ғиёсиддин Кичкина подшоҳнинг яқин кишиларидан бири бўлган. *“(Ғиёсиддин Боҳодир) ... чизатой улуси улугларидан ва султон Абулқосим Бобур баҳодир ҳукмронлиги даврида султоннинг яқин кишиси бўлиб, мамлакатни идора қилиш ва давлатга кафиллик унинг инон-ихтиёрида эди. Бениҳоят фаоллигидан ҳаммавақт ўғлига(Навоийга) фазилат ўргатди, тамом ҳимматини саодатманд фарзандини илм-ҳунар безаклари билан зийнатлаш ҳамда ҳидоят нурлари билан равшан қилишга сарф қилди”²¹⁰... “Ул жаноб (Навоий) болалик пайтларидан зафар байроқли хоқоннинг хизматида бўлди, ул ҳазрат Абулқосим Бобурга суҳбатдош бўлиб қолгач, амир Алишер ҳам ул олий даражали подшоҳнинг мулозаматини ихтиёр қилди”²¹¹.*

Хўш, Навоий қачон Абулқосим Бобур саройига хизматга ўтган? Фахрий Хиротий “Алишер ўн яшарлигида Абулқосим Бобур хизматида кирган”лигини тасдиқлайди²¹². Бинобарин, ўн ёшидан, яъни 1450 ёки 1451 йилда подшоҳ саройига хизматга киргани Навоий фавқуллода истеъдодининг тан олинishi эди. Абулқосим Бобур иктидорли ёш Алишерни фарзандлари қаторида кўрган, уни доим “ўғлим” деб чакирган ва ундан ўз панд-насихатларини, ёрдамини аямаган. Шунингдек, шоирнинг дўсти Хусайн Бойқаро ҳам Бобур мирзо хизматида бўлган.

Хондамир “Ҳабиб ус-сияр”да ҳам таъкидлаганидек, Алишер Навоий Абулқосим Бобурнинг яқин суҳбатдоши бўлганига ҳамда “фазл эгалари суҳбатини топгани”га асосланиб айтиш мумкинки, шоир саройдаги адабий йиғинларда доимий иштирок этган. “Мажолис ун-нафоис”нинг еттинчи мажлисидаги Шохрух мирзо билан боғлиқ воқеанинг “Бу фақири ҳакир(Навоий) Бобур Султон муборак тилидан мундоқ эшиттимки...” деб бошлагани ҳам фикримизнинг бир далилидир. Яна буни “Мажолис ун-нафоис”даги Бобур мирзо мажлислари иштирокчиларига, яъни шоирларга бағишланган мақолалар ва Навоий асарларида шеърят кечалари, яъни Бобур мирзо мажлисларининг тез-тез олинishi ҳам тасдиқлайди. Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, Навоий сарой шоири сифатида Абулқосим Бобур хузуридаги адабий мажлисларнинг фаол қатнашчиларидан бири бўлганлиги, бу йиғинларда шоир томонидан ўқилган шеърлар подшоҳ ва анжуман ахлининг эътиборини тортгани бежиз эмас. Чунки, Давлатшоҳ Самарқандий ёзганидек, “Султон Абулқосим Бобур ...улуғ амир (Навоий)га таъбининг мулоимлиги, зийраклиги учун офаринлар ўқир эди, баъзи пайтларда улуғ амир битган туркийча ёки форсийча шеърларни мутолаа қилар ва хайрли дуолари билан қўллаб-қувватларди...”²¹³. Ёш Навоий “малик ул-калом” Лутфийни бир ғазали билан қандай хайратга солган бўлса, Абулқосим Бобурни ҳам ўз шеърлари билан мафтун этган эди.

Тарихий манбаларга асосланиб, ёш Навоий ўз даврида теурий ҳукмдор Абулқосим Бобурнинг уч қарра яқин кишисига айланган дейиш мумкин.

1. Мажлисларининг надими (мусоҳиб ёки суҳбатдоши)га.
2. Сарой шоирига.
3. Тутинган ўғлига.

Навоий Бобур Мирзонинг умрининг охиригача ёнида бўлган. Аниқроқ қилиб айтганда, Абулқосим Бобур 1457 йилда пойтахтни Машҳадга кўчириб келади ва шу йил ушбу шаҳарда вафот этади. Ҳерман Вамбери Бобур ичкилик туфайли ёш ўлиб кетганини айтиб ўтган²¹⁴. Бобур вафот этгач, Навоий Машҳадда қолиб таҳсилни давом эттиради, Хусайн Бойқаро эса кўшин тўплаб, салтанатни забт этишга отланади.

Демак, Навоий тафаккури, қарашлари ва дунёқарашининг шаклланишида Абулқосим Бобур даври адабий муҳити ва адабий мажлисларининг таъсири бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Қолаверса, “дарвешваш” Бобур мажлисларидан Хуросон ҳукмдори бўлгач, “шоҳлар дарвешини”

210 Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Ўн иккинчи том. –Т., 1966. 171-172-б.

211 Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. –Т.: Ўзбекистон, 2008. 18-б.

212 Фахриддин Али Сафий. Латоиф ут-тавоиф. –Т, 1996. 71-б.

213 Навоий замондошлари хотирасида. Т:Ф. Фулом номида АСН-1985.14-б.

214 Навоий замондошлари хотирасида. Т:Ф. Фулом номида АСН-1985.116-б.

Хусайн Бойқаро ҳам андоза олганлигини тахмин қилиш мумкин. Чунки бу икки темурий шахзода табиати ҳамда адабий мажлисларининг бир-бирига ўхшаш жиҳатлари шундай хулосага асос бўлади. Бинобарин, келгусида бу икки ҳукмдор ҳаёти ва фаолиятини қиёслаб ўрганиш ҳам навоийшуносликни янги маълумотлар билан бойишига хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 1 – 10 жилдлар. –Т: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2012.
2. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 1 – 20 жилдлар –Т: Фан, 1983 – 2003.
3. Алишер Навоий. Қомусий луғат. 1-2 жилдлар. Т: “Шарқ” НМАК БТ. 2016.
4. Алишер Навоий ва XXI аср. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. –Т: “Тамаддун”, 2017.
5. Навоий замондошлари хотирасида. –Т: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.
6. Ш. Сирожиддинов. Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. –Т: “Akademnashr”, 2011.
7. Шоҳ ва шоир. Хусайн Бойқаро. Рисола ва Девон. Нашрга тайёрловчи А.Эркинов. –Т: “Шарқ” НМК БТ. 1995.

III. АДАБИЙ ТАЪСИР ВА САНЪАТ МАСАЛАЛАРИ

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА БОБОРАҲИМ МАШРАБ ИЖОДИЁТИДАГИ АНЪАНАВИЙЛИК

Мўмин ҲОШИМҲОНОВ
(ЖизДПИ)

Бобораҳим Машрабнинг ахлоқий қарашлари таҳлил этилаётганда “Фарҳоду Ширин”, (“Фарҳод ва Ширин”) “Лайлову Мажнун” (“Лайли ва Мажнун”) дostonлари билан яна бир бор чуқурроқ танишиб чиқишга тўғри келди. Машраб нима сабабдан шеърлятида айниқса Лайли ва Мажнунни такрор ва такрор тилга олгани, уларни мадҳ этганлиги:

*Ҳар замоне Лайлидин манга китобатлар келур,
Санки Мажнун бўлмасанг, сардафтаримни кавлама, -*

Деб одамзод аҳлига мурожат этиши ва яна у башар, башариятга хитобан:

*Биродарлар, манушбу кеча Мажнундин назар топдим,
Тун ўткунча риёзат бирлан одамдин хабар топдим,-*

дея бонг урганлиги ҳайратга солди. Албатта, бу мавзу доирасида нафақат Машраб, шарқнинг улуғ алломалари Лутфий, Фузулий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Амир Хусрав Дехлавий, Низомий Ганжавий ва бошқа кўплаб мутафаккир шоирлар қалам тебратганлар, дostonлар ёзганлар. Тўрт элда ҳинд, форс-тожик, озарбайжон ва туркий-ўзбек тилида ҳам “Хамса”лар яратилиб, унинг учинчи дostonи “Лайли ва Мажнун” деб аталган. Ҳеч бир халқнинг “Хамса”сини камситмаган ҳолда, шуни ифтихор ҳисси билан айтамлики, ҳеч қайси халқнинг-миллатнинг “Хамса”си Навоийники сингари юқори мартабада турмаган.

Буни Е.Э.Бертельс, И.Ю.Крачковский ва бошқа олимлар таъкидлашган.

“Лайли ва Мажнун” жаҳон адабиётда севги ҳақида яратилган энг ғамгин қиссалардан биридир. Бу қиссани “Ромео ва Жульетта” билан қиёс қилар экан, машҳур арабшунос, академик И.Ю.Крачковский жумладан бундай деган эди:

“Ғарб сюжети Шекспир томонидан абадийлаштирилган “Ромео ва Жульетта” қиссасидан кўра жаҳонда аламлироқ қисса йўқ.

Шарқ, албатта, Ромео ва Жульеттани билмаган ва улар билан фақат XIX асрдагина танишган эди, аммо унинг узок асрлар давомида яшаб келаётган ўз ғамгин қиссаси, Лайли ва Мажнун қиссаси бор... бу қисса ўнлаб улуғ шоирларни романтик дostonлар яратишга илҳомлантирди ва ҳозирги кунга қадар Яқин Шарқнинг турли халқлари шоирларининг ҳам, драматургларининг ҳам, музикантларининг ҳам ижодида ўз аксини топиб келмоқда. Ғарбдаги Ромео ва Жульеттанинг шуҳрати билан қиёс этганда, Шарқда Мажнун ва Лайли янада машҳурроқдир...”²¹⁵

Агар Мажнун номига нисбат берилган шеърлар турли ривоятларнинг вужудга келишига асос бўлган бўлса, ривоятлар ёзма адабиётда Лайли ва Мажнун ҳақида йирик обидаларнинг пайдо бўлишига замин тайёрлади. Лайли ва Мажнун ҳақида биринчи марта 1188 йилда улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавий дoston яратди. Навоий қалами билан “Лайли ва Мажнун” қиссаси ғоявий-бадий юксак ва

215 III.Сирождидинов.Алишер Навоий.Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. –Т: “Akademnashr”- 2011.286-287-б.

мукаммал бир бадий асар даражасига кўтарилади, хамсачиликнинг анъанавий достони бўлиб қолди. “Лайли ва Мажнун”нинг тадрижий такомлида Навоий достони янги ва улкан воқеа бўлди²¹⁶.

Кўришиб турибдики, рус шарқшунос олимлари Лайли ва Мажнун ҳақидаги Навоийнинг дostonларига юқори ва юксак баҳо берганлар. Шуни қайд қилмоқ керакки, Алишер Навоий шеърятдан баҳраманд бўлган Бобораҳим Машраб сабога мурожаат қилиб, Илоҳий ишқдан назар топганлигини, Мажнун назари билан Аллоҳни таниганлигини, унга Лайли ҳолидан китоботлар келаётганлигини, Мажнун мақомига етганлигини, кишида улар дарди бўлмаса “дарди саримни кавлама”, “маърифатдан беҳабарсан, дафтаримни кавлама” дея мурожаат қилиб, ўз қалби фикрини куйидаги ғазалида ифода этади:

*Эй сабо, гамбодадурман, бистаримни кавлама,
Чун шафақ олудаман, хокистаримни кавлама.
Ҳар замоне Лайлидин манга китоботлар келур,
Санки Мажнун бўлмасанг, сардафтаримни кавлама.
Хонавайронлар билур афтодаларнинг ҳолини,
Эйки, маҳрам бўлмасанг, чашми таримни кавлама.
То кишига дард тегмай, бўлмади бағри кабоб,
Дилда дардинг бўлмаса, дарди саримни кавлама.
Ломаконнинг шаҳрини бир “ҳу” билан сайр айладим,
Жабраил, борғил нари, болу паримни кавлама.
Баҳри раҳматга кириб қилдим вужудимни адам,
Маърифатдин беҳабарсан, дафтаримни кавлама.
Дури дарёи маоний бўлди чун Машираб, вале
Дийда бийно бўлмасанг, кўз гавҳаримни кавлама²¹⁷.*

Шу ўринда икки калима сўз – улуг Алишер Навоийнинг Бобораҳим Машраб ижодига таъсири масаласида фикр юритганда, ўзбек адабиётининг навоийшунос олимлари, хусусан унинг “Хамса”си, қолаверса, Лайли ва Мажнун сиймосини талқин этган олимлар номини келтириб ўтиш бурчимиз эканлигини қайд этмоқчимиз. Файласуф ва адабиётшунослар В.Й.Зоҳидов, А.Рустамов, А.Н. Қаюмов, Б. Валихўжаев, В. Абдуллаев, Ғ. Каримов, Ҳамид Сулаймон, Н. Комилов, Ш. Сирожидинов, И. Ҳаққулов, А. Ҳайитметов, Д. Салоҳий, Н. Жумахўжа, И. Ғафуров, А. Абдуғафуров, Э. Шодиев, Ё. Исҳоқов, Ҳ. Болтабоев, С. Ғаниева каби олимлар Лайли ва Мажнуннинг илоҳий севгиси ҳақида фикр билдирганлар.

Н.М. Маллаев, Ғ. Каримов, А. Ҳайитметов, Т. Аҳмедов, Т. Жалоловлар махсус тадқиқотлар яратганлар. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonининг насрий баёнини Амин Умарий ва Хусайнзодалар (Давлат бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1958) нашрга тайёрлаган, унга Тўхтасин Жалолов сўзбоши ёзган.

1976 йил шу насрий матнни тузатиш ва тўлдириш билан Ваҳоб Раҳмонов ва Наим Норкуловлар (Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1976) қайта нашр этдилар.

Аммо шуни таъкидламоқчимизки, Лайли ва Мажнуннинг илоҳий ишқини Н. Комилов, И. Ҳаққулов, И. Ғафуровлар тасаввуфий руҳда талқин этиб, унинг ахлоқий такомлини Навоий фалсафасидаги инсон руҳининг ишқи илоҳий билан бирлашиб кетиш концепциясини тушунтира олдилар.

Машраб шунинг учун неча Мажнунга сабоқ берганлигини, *доман* (доман-этак, ўнгир)дан Аршнинг устига Аллоҳнинг ўзи тортиб чиқариб қўйганлигини, Мансур мақомига етказганлигини, Мусо, Исо нисбатига етишганлигини, хислатим ўшалар даражасига етди, фанодан ўтиб бақога етдим, “Суратим гарчи башар келди, малакдур сийратим”, “Лекин Арш устида Жибрилдир менинг хамсуҳбатим” дея,

216 Навоий замондошлари хотирасида. Т: Ғулом номида АСН-1985.116-б.

217 Навоий замондошлари хотирасида. – Т: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. 14-15-б.

юз минг биёбон пойимда турса-да, шу дамда бир пашшача хизмат қилолмадим деб, Аллоҳ билан бирлашиб кетганлигини изҳор этади:

*Етти дарёга қўшулди оби чаими ҳимматим,
Неча Мажнунга сабақ берди дилимда ҳайратим.
Доманимдан тортти, дунёни кўринг дунни дагал,
Варна Аршининг устида эрди камоли миннатим.
Ҳеч билолмайман ўзимни қайси қавмийман букун,
Лекин Арш устида Жибрилдур манинг ҳамсуҳбатим.
Машрабо, охир санга юз минг биёбон тай уруб,
Бўлмади бир пашшайи логарча акнун хизматим²¹⁸.*

“Лайли ва Мажнун” достони Шарқ халқлари фольклорининг энг нодир намунаси саналади. Севги аламларида куйган, ҳажр оловларида ёнган бу бахтсиз ошиқлар ҳикоясини эхтирос ва зўр руҳий тўлқинланиш билан эшитмаган киши эҳтимол Шарқда топилмас. Халқимиз ўзининг юрак жавҳари бўлган бу ажойиб дostonни минг йиллар давомида сақлаб, қора кунларнинг аламли ёдгори сифатида бизга – бахтли болаларига совға қилди. Шарқда етишган даҳо ёзувчилар бу ажойиб афсонага эътиборсиз қараб қололмаганлар. Уларнинг ҳар бири кенг халқ орасига тарқалган “Лайли ва Мажнун” достони сюжетидан ўз ғояларини рўёбга чиқариш йўлида фойдаланишга уринганлар. “Лайли ва Мажнун” афсонаси сюжетида даставвал асар ёзган, уни ёзма адабиётга киргизган киши, Озарбайжоннинг машҳур шоири Низомий бўлди (Низомий ўз асарларини форс-тожик тилида ёзган эди.) Низомийдан сўнг 750 йил давомида ўнлаб шоирлар шу сюжетда дoston ёздилар. Хисрав Дехлавий, Ҳотифий ва бошқалар²¹⁹.

Бизгача сақланиб қолган Мажнун ҳақидаги ривоятлар тарқоқ эпизодлардан иборат бўлиб, изчил ва мукамал сюжет ва композицияга эга эмас. Мажнун ривояти баён этилган қадимийроқ ёзма манбалардан бири бўлган Ибн Қутайбанинг “Китоб уш-шеър ва шуаро” асарида қуйидагилар ҳикоя қилинади: Қайс Лайли билан бирга туя боқар экан. Қайс билан Лайли севишиб қолишибди. Бироқ севгилисига эриша олмаган Қайс телбаланиб, кишилардан ётсираб, сахрога чиқиб кетади, ҳайвонлар билан дўстлашади.

Навоий “Лайли ва Мажнун” достонини яратишга киришар экан, маълум адабий анъаналардан воз кечолмасди, албатта, унинг олдида мана шу адабий анъаналардан ижодий фойдаланиш ва шу асосда даврининг янги ва муҳим талаб ҳамда эҳтиёжларига жавоб бериш вазифаси турар эди. Бу ҳақда шоирнинг ўзи достонининг хотимасида бундай дейди:

*Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фасонани ҳикоят.
Ким шуҳрати жаҳонга тўлғай,
Турк элига доғи баҳра бўлғай...*

Бу парчада Навоий икки масалага, биринчидан “афсона”, ва “мазмун”га, яъни асарнинг қобиғи ва мағзи, ички моҳияти масаласига, иккинчидан, тил масаласига эътибор қилади.

Навоий ўз достонида Лайли ва Мажнун ҳақидаги афсона ва ривоятлардан фойдаланади. Бироқ унинг асл мақсади «афсона» сўзлаш эмас, балки “мазмун” баён этишдир. “Афсона” асарнинг “мавзун либоси” бўлса, ҳаёт, Навоий яшаган муҳит масалалари асарнинг мазмуни, моҳиятидир²²⁰.

Алишер Навоий чинакам инсонийликни айнан илоҳийликда, илоҳий файздан баҳраманликда кўради. Ахир Куръони шарифда бир неча жойда инсон худонинг ердаги халифаси, у энг мукаррам зот, махлуқотнинг гултожи, дея таъкидланади. Алишер Навоий инсоннинг ана шу шарафга муносиб

218Ўша манба, 161-бет.

219Тўхтасин Жалолов. Нафосат оламида. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1974. 33-34-бетлар.

220Ўша манба, 65-бет.

бўлишини истайди, нафси шайтон йўлига кирган риекор шахслар, шариату тарикатни сохталаштирувчи кишиларни нафратли сатрларда мазаммат этади. Шоирнинг ишк тушунчаси шу эътиқодга асосланади. Яъни пок муҳаббат, покиза инсонлар қалбидан жой олиши мумкин. Мажнун ишқи бу борада олий намуна, чунки у бутун вужуди, жону дили ила Илоҳни севади, айни вақтда эса шафқат-муруввати, нажиб ахлоқию беқиёс истеъдоди билан энг гўзал инсондир. Иккинчи тарафдан, пок инсоний муҳаббат ва илоҳий ишқни бир-бирига зид қўйиш нораво, аксинча, улар ўзаро боғлиқ, бири иккинчисидан ўсиб чиқадиган фазилат деб қаралган.

Машраб бекорга олам аҳлига мурожаат этмаётир, чунки нури илоҳий инсони комил эканлигини у бизга-сизга-хаммага, жаҳонга билдирмоқда-чунки у ўз тажаллийсини кўришни хоҳлаб турар экан. Курьондаги “Кунти канзан махфиян”-Мен сирли, махфий-яширин ганж эдим, ўзимни билдирмоқ учун Одамни яратдим, дейди. Мансур Ҳаллож айтган “Анал-Ҳақ”лик худо даъво қилиш эмас, унинг зарраси эканлигини билдирмоқ. “Анал-Ҳақ” қандайдир мавхум ёки умумий бир тушунча бўлмасдан, биринчи галда ахлоқий покланиш, руҳоний ҳаётда яшашга етишиш ва илм, маърифат, фикр ҳамда иродада олий натижаларни қўлга киритмоқдир. Бундай ҳолда мағрурлик ёки манманликдан ному нишон ҳам қолмайди. Шу маънода мавлоно Жалолиддин Румийнинг мана бу сўзлари алоҳида эътиборга лойиқ: “Анал-Ҳақ” – “Мен Ҳақман” дейишни одамлар буюкликни даъво қилиш ҳисоблайдилар. “Мен Ҳақман” дейишлик улуг бир камтарликдир. Бунинг ўрнига “Мен Ҳақнинг қулиман”, деган киши икки борликни исботлаган бўлади. Холбуки, “Мен Ҳақман” деган ўз борлигини йўқ қилгани учун “Анал-Ҳақ” демоқда, яъни мен йўқман, барчаси Улдир. Аллоҳдан бошқа борлик йўқдир.

Алишер Навоий ҳам Лайли ва Мажнун ахлоқий поклигини, ошиқлиги фидокорлигини таърифлашда, Лайли Мажнун қалбини маҳв, забт этганлигини, тирик қалблар фоний (ўткинчи)ликда бирика олмаслигини, абадийликда – бақода бирга бўлишлигини айтади:

Лайли ва Мажнун образлари “Лайли ва Мажнун” достонидан ташқари, Навоийнинг лирикаси, бошқа достонлари ҳамда фалсафий-таълимий асарларидан ҳам ўрин олган. Ишқ куйчиси бўлган Навоий лирикасида тез-тез Лайли ва Мажнунларга мурожаат этади, уларнинг севгиси ва фожиасини эслатади, Лайлининг гўзаллик ва покликнинг, Мажнунни ошиқлик ва фидокорликнинг рамзи сифатида кўллайди. Бир неча мисол келтирамиз:

*Кўп сўз ясоди Лайли Мажнун сўзида халқ,
Эрмас начкки ҳуснунгу ишқим афсонаси.*

(“Бадоеул-васат”, 601-ғазал.)

*Чу Лайли қилди Мажнун кўнглунинг сарманзилин хилват,
На суд ар қўймаса ҳай гирдида они араб ҳаргиз.*

(“Бадоеул-васат”, 213-ғазал.)

*Зинда дил Мажнуннинг ўлмиш кўнгли чун Лайлига ҳай,
Бас не осиз ани ҳайдин қовламоғлик, эй араб,-*

(“Ғаройибус-сиғар”, 65-ғазал.)

Биринчи байтда Лайли ва Мажнун «сўз» и (дарди, фожиаси) ҳақида халқнинг сўзи (афсона ва ривоятлари) кўплиги таъкидланса, кейинги икки байтда Мажнуннинг хўрланиши, таҳқирланиши таъкидланади²²¹.

Машраб Лайли ёдини Мажнун нигоҳидан, унинг дарчасидан қараб, “манга бу дарди бедаво” дейиши, у нафсоний эмас, етиб бўлмас, аммо азалий-боқий ишқ эканини англатади.

*Ғамза қилиб қошима кел, сенга қилай жонни фидо,
Кўйди юрак ҳажр ўтида, оҳ нетайин, бўлдум адо.
Ўлди бу Мажнунинг хароб, Лайли, ғамингда тинмади,*

221 Н. Маллаев. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1974. 159-160-бетлар.

*Тўлди юракка ҳасратинг, куйдиву бўлди мубтало²²².
Ўшал Мажнунни шайдодек биёбонлар аро ман ҳам,
Кўюнгда дам-бадам ёниб, қани Лайли деб оҳ урсам.
Кел, эй Машраб, кўзунг йўлларда қолди термулуб, найлай,
Қани ул хоки пойинг, кўзларимга тўтиё қилсам.*

Навоий бой-камбағаллар орасидаги тафовутни тасвирлаш мақсадида қалам тебратгани ҳам йўқ. Зеро, Лайлининг отаси каби Мажнуннинг отаси ҳам қабила бошлиғи, унинг бойлиги Лайли отасиникидан ҳам, Ибн Саломникидан ҳам кам эмас. Зиддиятнинг тугуни шундаки, Лайли отаси “девона” Қайсга кизини беришдан ор қилади, Мажнуннинг отаси эса, ўғлининг “девоналиғи” ни тузатиш учун жони ҳалак. Агар мана шу тўсиқлар бўлмаганда ҳам, яъни Қайс Лайлига уйланганда ҳам у, барибир, мажнунлигича қоларди, зеро унинг мақсади уйланиш эмас, балки Лайли воситасида илоҳий ишқ камолотини касб этишдир. Шунинг учун, бемалол айтиш мумкинки, Мажнун замон ва макондан ташқари бир тимсол. Машрабнинг Лайли ва Мажнун қиссаларидан огоҳлиғи, унинг васл ҳақидаги орзуси, шу даврга мубталолиғи: “Куюб ҳажринг билан ўлгон манингдек мубтало борму?” дейиши унинг Ҳаққа ошиқлиғи рамзи эди:

*Ўқуб ул “Лайлову Мажнун”, эшитгил сўнгра бул қиссам,
Куюб ҳажринг билан ўлгон манингдек мубтало борму?
Ўшал Фарҳод билан Мажнун кўруб ишқиде жон берди,
Фироқингда адо бўлгон манингдек мосиво борму?*

Машрабнинг ошиқ Мажнун ва маъшуқа Лайли ҳақидаги ишқ изтиробларини улуғ Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони хотимасидаги бу ишқ тарихи фонийликда висолга етмай, абадийлик-бакони орзу этиб бир тобут, бир гўр, бир қабр, бир кафанга ўралиб, тонгла қиёматгача хур, покиза бўлиб илоҳийлашганлигини Навоий шундай баён этган:

Мажнун гоҳ тушида, гоҳ хаёлида иш қилиб, ҳамиша Лайли билан бирга бўларди. Гоҳ пок кўнги, гоҳ хотиф уни дилдоридан воқиф қилиб, маҳваш ажал қўлидан майни олгунча бўлган ҳолларни айтар эди.

У девона, яъни Мажнун симобга ўхшаб титраб-қалтираб ётганида, тўсатдан қулоғига бир овоз эшитилдики, у куйидаги шум хабарни эълон қилмоқда эди: “Эй, дарду бало қўшинларининг шоҳи! Ишқ аҳли эшигинг олдида тупроқ бўлган зот!

Эй дард ўлкасининг қаҳрамони ва ишқ аҳлининг ҳукмрони! Шу онда у Лайли эшигига қадам қўйди, лекин йиртқич хайвонлар орқада қолди. Мажнуннинг бундай ҳайбатидан Лайли қабиласи одамлари кўркиб, жойларидан қимирлаёлмай қолдилар. Лайлининг ҳовлисига етганида у ҳеч тортинмай уй ичига кирди.

Лайли ўлум олдида, онасига қилган васиятларида, Мажнун бу даргоҳга келаркан, унга ҳеч қандай озор бермаслигини илтижо қилган эди. Бу жондан азиз ёри, балки абадий йўлдоши уй ичига кириб, бир-бирини кўргач, ҳам у, ҳам бу муродларига етдилар.

Лайли жононига қандай жон фидо қилган бўлса, Мажнун ҳам жонондек жон берди. Лайли абадий уйкуга кўз юмиб, йўлдошига етишди, Мажнун эса унинг йўлидан бош тортмай, ўз жонини фидо қилди.

Ҳисобсиз кишилар уйга кириб, Мажнун ишига назар солганларида, унинг жонсиз гавдаси ерда узола тушиб, Лайли билан баравар ётганини кўрдилар. Кўрилмаган бундай воқеа қабилани ҳайратга туширган эди. Уларнинг бундай ишқ ичида ўлмоғи барча элнинг ҳам ишқини пок айлади.

Таъзия ўтини пасайтирганларидан сўнг, ўртада шундай бир ажиб сўз ўтди: қайси суратда кўмиш керак?

Барчалари дедиларки: “Бу ҳар икки ғамгин бутун бузукликлардан пок эдилар. Ҳаёт чоғларида бу

222Нажмиддин Комилов, Бобомурод Эралиев. Ишқ оташининг самандари Шарқ юлдузи. 1991, 11-сон, 161-162-бетлар.

раҳмсиз ишқ уларни бир нафас бўлса ҳам шодлантормади. Айрилиқ биёбонида жонларидан тўйиб, армон билан оламдан ўтдилар. Уларнинг руҳлари жаннатда абадий висолга етишади. Шунинг учун ҳам ҳар икки баданни қўшиб, бир кафан, бир гўр яшаш керак. Жонлари бўлса бир-бирига қўшилди, тупроқлари ҳам тупроқларига қўшилиши мувофиқдир”.

Лайли ҳам шу васиятни қилганини эсларига туширгач, барчалари шод бўлдилар ва керак нарсаларни хозирлаб, ўликни одат бўйича ясантдилар. Бир тобутга солдилар икковни, жонсиз келину ўлик куёвни. Ҳар икки гавда бир кафанга жойланди, йўқ-йўқ, балки икки жон бир гавдага кирган эди. У икки дилоромнинг бир тобутда ётиши, худди бир бодом пўсти ичида бўлган қўш донага, дугонага ўхшар эди. Йўқ-йўқ, уни қўш дона дема, у дона дугона ҳам эмас, дугона икки бадандан иборат бўлиб, ҳар иккаласининг бошқа-бошқа кафанлари бор. Булар шундай бир дона эдиларки, аслида икки жузв деб айтиш мумкин бўлса ҳам, лекин ҳар бири бир-бирига ёпишган бир узв эди. Буларга васл ваҳдатининг шиддати, иккилик мажolini бермаган эди. Ҳар икки бадан дона каби бир бўлганидан, дона қобуғи каби кафанлари ҳам бир бўлди.

Алқисса бу жонажон ёрлар, абадий висолни топгач, тобутлари устига чиройли рангдаги ажойиб нақшли ипак пардаларини ёпдилар. Уларни бош устига кўтариб, гўристонгача олиб бордилар. Бу икки дилрабои тобут билан гўр ичига оҳистагина олиб кирдилар. У мўлжалланган жойгача олиб бориб, тупроқ ғарибхонасига қўйдилар.

Уларни тупроққа қўйгач, у қоронғу гўрдан, ҳайҳот, тезда чиқдилар.

Қора булутлар ой билан қуёш юзини бекитгани каби гўр бир бўлгандек қабр ҳам бир бўлди. Ишқ аҳлининг умид шамълари ўчди, чунки ой билан қуёш ерга ботган эди... На ишқаҳлинингшоҳва на хусносмонинингмоҳиқолди.

Лайлинингота-онаси, қавму-қариндошлари биргалашиб, ҳар кун икки маҳал йиғилиб, қабр устида йиғлашар эдилар. Замон ўтиши билан булар ҳаммалари бир-бир тупроққа жойланди²²³.

Бу фожиага, хусусан Лайли ва Мажнун қавмигина эмас, балки инсон, инсоният қавмлари чидаши мумкин эмас эди. Машраб ўша дардни, Навоий куйлаган дардни бошидан кечирди.

*Сўнгин нечаким узаттим охир,
Йиғлай-йиғлай тугаттим охир..-*

дейди Навоий. Машраб “Ишқ мазҳабига..” чидолмаслигини баён этган:

*Ишқ мазҳабига тақвию тоат чидаёлмас,
Тасбеҳу сано, зуҳду ибодат чидаёлмас.
Машраб, келибон кўнгул ила рақси само қил,
Ишқ мазҳабига оби таҳорат чидаёлмас.*

Навоий ва Машраб куйлаган муҳаббат қиссаси, фожиа билан тугаши аён бўлса-да, улар Илоҳни севган комил инсон ғоясини асарларида башариятга, унинг фаҳму фаросати юксак Одам зотига тушунтира олдилар. “Ишқ кимё” эканлигини англатдилар. Жисмоний ўлим топган Лайли ва Мажнун фожиасини ва улар тонгла қиёматгача бир-бири васли билан нафас олаётганлигини, васл фоний (ўткинчи) дунёда эмас, бақо-абадий дунёга қолдирилганлигини, руҳан Илоҳ билан бирлашиб кетиш концепциясининг гувоҳи бўлдилар. Бу муҳаббат нафсдан холи, пок, ҳур муҳаббат тимсоли бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1976.
2. Е.Э.Бертелъс. Лейли и Меджнун / Родоначалник узбекской литературы. - Ташкент, 1941.
3. Е.Э.Бертелъс. Избранные труды. Навои и Джами. М., 1965.

223Н.Маллаев. Сўз санъатининг гултожи. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти., 1991, 86-87-бетлар.

4. И.Ю.Крачковский. Ранняя история повести о Меджуне и Лейле в арабской литературе, сб. “Алишер Навои”, изд. АН СССР, М.,-Л., 1946.
5. Машраб. Девон. “Янги аср авлоди”, Тошкент, 2006.
6. Н. Маллаев. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1974.
7. Н. Комилов, Б. Эралиев. Ишқ оташининг самандари / Тасаввуф. – Тошкент, 2009.
8. Н.Маллаев. Сўз санъатининг гултожи. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
The rhyming phrase of the second bayt *šam^c-i mahfil-hā* ‘candles of the parties’ became an integral part of the signifying universe of the Hāfīz first ghazal paraphrase network very soon. Like *hall-i muškil-hā* it appears first in the first half of the 15th century in the ghazals of Kātībī and Fattāhī. It occurs in the ghazals of the other 15th-early 16th century authors of the network Šāhī, Jāmī, Ahlī and Hilālī and later resurfaces in the paraphrase of an Ottoman poet, Emīrī in the 16th century, in the *javāb* of Sā’ib and in the paraphrase of an Indian poet Rusvā.²⁴³ In most paraphrases of the network the focus of the couplet falls on the face of a beautiful person for which the image of the candle is used as a metaphor. Navāyī, perhaps because he wished to follow the line of thought he began in the previous couplet, continues to focus on wine. The key topic of the third bayt is still wine. The two notions providing a link between the second and the third couplet is ‘brightness’ as represented by the adjectives *furūzān* ‘radiant’ in the second, *ravšan* ‘bright’ in the third couplet and ‘heat’ suggested by the image of the sun (*āftāb*) in the second and by the noun *tāb* ‘heat’ in the third bayt.

III.

Dil u may har du ravšan šud na-mī-dānam ki tāb-i may
Zad ātaš-hā ba-dil yā tāb-i may šud z-ātaš-i dil-hā

‘Heart and wine. Both shone brightly and I can not tell

Whether the heat of the wine lit the fire of the heart or the fire of the heart heated up the wine.’

The second hemistich of the couplet contains one of the not too numerous intertextual allusions to the ghazal of Hāfīz. Except for the poems of Hāfīz and Navāyī none of the other paraphrases include the key word *tāb* (‘heat’) and the rhyming word *dil* (‘heart’) within the same couplet, though we should add here, that the noun *tāb* occurs in another meaning (‘curl’) in the second bayt of Hāfīz.

Hāfīz IIB

Zi tāb-i ja^cd-i muškīn-aš čī hūn uftād dar dil-hā

“from the shining twists of his musk-black curls, what blood rushed into (lovers’) hearts.”²⁴⁴

IV.

Ba-maqṣad garči rah dūr-ast agar ātaš rasad az ^cašq
Ču barq-āsā tavān kardan ba-gāmī qat^c-i manzil-hā

‘Let our destination be far away, if the fire of love fuels us,

We can traverse all the stations with one step like a lightning.’

The logical link between the third and the fourth couplet is provided by the image of fire and the notion of love evoked by the noun phrase *ātaš-i dil-hā* ‘the fire of hearts’. The couplet is dominated by the presence of the notion of love and the semantic field of ‘journey’ which suggests that though *^cašq* here might also be interpreted as this worldly love (*^cašq-i majāzī*) what Navāyī really had in mind was a spiritual journey motivated by true devotion and the wish to reach the ultimate goal of experiencing the proximity of God. The validity of this interpretation seems to be confirmed by the rhyming word *manzil* ‘halting place’ which in the vocabulary of Islamic mysticism refers to the stages through which a seeker has to pass before he reaches his final destination.

The rhyming phrase *qat^c-i manzil-hā* ‘traversing the stations’ occurs first in two of Jāmī’s paraphrases and it seems to have become an integral part of the *mundus significans* of the Hāfīz first ghazal network as it appears in quite a few later paraphrases up to the 18th century.²⁴⁵

243 Koç Konuksever, Serpil, *Emirī Divanı* (Metin - İnceleme). Yüksek Lisan Tezi. İstanbul 2012, p. 3; *Dīvān-i Rusvā*. Lakhnav, 1898, p. 46.

244 Meisami, A Life in Poetry, p. 167.

245 *Dīvān-i Fārsī-yi Hazrat Mīr Dard*. Delhi, 1309, p. 7.

V.

*Man u **bī-hāsīlī** k-az ^{‘ilm} u zuhd-am ān-či hāsīl šud
Yak-ā-yak dar sir-i ma[‘]šūq u may šud jumla hāsīl-hā*

Me and (my) fruitlessness. All the fruits of knowledge and devotion I harvested
Were one by one exchanged for the secret(s) of (my) beloved and wine.

The only 15th century element of the paraphrase network where the rhyming word *hāsīl* occurs is Kātibī’s ghazal.

Kātibī III.

*Ču mahsūl-i du ^{‘ālim} ^{‘āqibat} **bī-hāsīlī** āmad
Pay-i tahsīl-i ^{‘ilm}-i ^{‘āšiqī} dar-bāz hāsīl-hā*

‘Since all gains harvested from the two worlds ended in fruitlessness,
You should risk loosing all the gains you harvested for being initiated into the science of love.’

Both couplets are dominated by keywords derived from the Arabic h-s-l root (*hāsīl*, *bī-hāsīlī*, *mahsūl*, *tahsīl*). Kātibī’s couplet contains four and Navāyī’s three such words. However, this is not the only similarity between the two couplets as they are very close to each other not only in form but also as far as their content is concerned. Kātibī claims that all material goods and other gains this world can offer and all merits that can be accumulated in heaven through orthodox religious practices are ephemeral. Thus it is worth risking them in the hope of acquiring an in-depth knowledge of love (^{‘āšq}) referring to ^{‘āšq-i haqīqī} true devotion to God in this context.

Navāyī’s first hemistich is an interpretation of Kātibī’s first *misrā‘*. This-worldly gains appear in the form of rational knowledge in Navāyī’s line perhaps because by using the noun ^{‘ilm} which derives from the same Arabic root as ^{‘ālim} the word used for the concept of ‘world’ in the model line, Navāyī was able to strengthen further the linguistic bonds connecting the two *misrā‘*s. The other pole of the dichotomous universe is represented by asceticism (*zuhd*) an austere form of devotion requiring much effort and self-denial. Neither learning nor asceticism is an easy path to follow, gains acquired this way should be considered valuable.

The second *misrā‘* however informs the reader that Navāyī, who seems to have taken Kātibī’s advice, sacrificed everything he struggled for throughout his life in the hope of experiencing the closeness of God with the help of selfless devotion and ecstasy.

The fifth couplet of Navāyī’s ghazal clears two important points and makes it evident that Navāyī, like many later commentators read the poem of Hāfiz as a mystical ghazal and his paraphrase should also be interpreted as such.

We do not have much information on the reception history of Navāyī’s Persian ghazals. The sheer fact that two of the manuscripts of the *dīvān* are preserved in libraries in Istanbul suggests that beside his Turkish poetry his Persian pieces were also known in the Ottoman Empire. Sultān Selim’s reply to the poem of Hāfiz however shows that Navāyī’s Persian ghazals were not only appreciated but imitated as well, as the third couplet of the sultan’s poem seems to be inspired by Navāyī’s fifth *bayt*.

Selim III.

*Savāb-i hajj KUNAD HĀSIL faqīh ammā na-mī-dānad
Kī dar **bī-hāsīlī** dārand ^{‘uššāq-i tu} **hāsīl-hā***

A jurist harvests the fruit of reward for completing a pilgrimage but he does not know,
That these fruits are useless in the eyes of your lovers.

Navāyī V.

*Man u **bī-hāsīlī** ki-z ^{‘ilm} u zuhd-am ān či HĀSIL SHUD
Yakāyak dar sir-i ma[‘]šūq u may šud jumla **hāsīl-hā***

The similarities between Selim’s third and Navāyī’s fifth couplet does not appear to be coincidental. The

dichotomy of orthodox religious practices leading to nowhere and the mystic's successful spiritual quest facilitated by love or wine, a recurring topos in classical ghazal poetry, is the basic idea behind both couplets which is expressed by both Navāyī and Selim in a very similar way, using the same or very similar tropes, words and phrases. The parallelisms between the two bayts, the pair of opposing notions of fruitful (*hāsīl*) and fruitless (*bī-hāsīl*), the compound verb in the first hemistich with the same none verbal element (*hāsīl kunad; hāsīl shud*) which serves to secure a poetic focus on the concept of "fruitfulness", the antithesis of orthodox religion represented by the character of a jurist (*faqīh*) in Selim's ghazal and by the term asceticism (*zuhd*) in Navāyī's poem and the mystical path symbolized by lovers and beloved respectively, the appearance of two verbal nouns (*ʿuṣṣāq/maʿṣūq*) formed from the same arabic radicals and last but not least the use of the same rhyming word, seems to confirm the reader's suspicion that the basic idea for Selim's couplet came from Navāyī's bayt.

VI.

*Buvad čūn abr sayr-i nāqa-yi Laylā ki dar vādī
Figān az čāk-i dil Majnūn kašad ni zang-i mahmil-hā*

"When Laylā's she-camel approaches, it is like the coming of a [storm]cloud, as the valley (is filled),
Not with the sound of bells on the camel litter but by the heartbroken Majnūn's outcries"

The idea of faithful love for which one sacrifices everything is the link connecting the fifth to the sixth couplet. The key character of the bayt is Majnūn, the symbol of the devoted lover of Islamic lore who sacrificed everything for the sake of his love. There are only two 15th century paraphrases where a *talmīh* alluding to the story of Laylā and Majnūn appear in the same couplet together with the rhyming word *mahfil* 'camel-litter', and both of these were composed by Jāmī. The image of the bells attached to a camel litter and the concept of a 'loud outcry' evokes the third couplet of Hāfiz where the bells warn the traveller that the caravan is ready to resume its journey. Nevertheless, except for this minor formal similarity there is nothing in common between the two bayts.

Though the basic formal elements of the couplet seem to have been borrowed from the poems of Hāfiz and Jāmī, Navāyī's couplet is an original piece of art, something unique created from ready made poetic building stones. The couplet is dominated by the image of a storm. Laylā's she-camel is approaching the valley swiftly like a dark cloud and while it closes in thunder like sounds are heard: the sound of Majnūn's sorrowful heart bursting and the sound of his loud cries. The storm metaphor is reinforced by the image of a cloud full of water. Though the metrical pattern would not allow the reading *abr-i sīr* the image of a rain cloud is still felt lingering in the background.

VII.

*Ču dar dašt-i fanā manzil kuni yak rūz ay Fānī
Zi man ān jān-fizā atlāl-rā f-ašjad va qabbil-hā*

"Fānī! Should you stay at least for one day in the desert of annihilation,
Prostrate before those soul-enlightening ruins and kiss them for me."

The image of the desert, the abode of Majnūn and the concept of *fanā* 'the passing away of the self' for which Majnūn's devotion might be regarded as a symbol takes us to the seventh couplet of Navāyī's poem. *Fanā* a term derived from the same Arabic root as Fānī, the nom-de-plume Navāyī used in his Persian poems is a very appropriate key-word for the last couplet (*maqtaʿ*) of Navāyī's first poem of his *divan* because the same way as *fanā* indicates the end of something, the annihilation of the self and at the same time signals the beginning of a new stage of consciousness in Islamic mysticism, the closing couplet of the introductory ghazal brings the first poem to an end and at the same time it beckons the beginning of a collection of poetic texts.

Navāyī's *maqtaʿ* contains the last allusion that binds the poem to its model. The Arabic phrase at the end of the second hemistich serves to evoke the last *misrāʿ* of Hāfiz which is in Arabic too.

As a conclusion of my analysis I might say that Navāyī's response to the first ghazal of Hāfiz is more of an emulation than a simple imitation. We have seen that Navāyī responded to the challenges of composing an imitation to a prestigious and well-known model in a very creative way. Instead of trying to produce a close

replica of the model which would have of course involved the risk of failure, he turned to the Hāfiz first ghazal *javāb* network for inspiration. He picked several of the poetic building stones of some choice elements of the other paraphrases, reworked, reshaped them according to his own taste, added his own ideas and out of this mixture he created his own poem. The result of his efforts is a typical *javāb* which in spite of being in constant discourse with the tradition that inspired it, manages to remain refreshingly unique and original.

Navāyī's method of imitation seems to completely fall in line with the 1st century Roman philosopher Seneca's views on gathering ideas: "We also, I say, ought to copy these bees, and sift whatever we have gathered from a varied course of reading, for such things are better preserved if they are kept separate; then, by applying the supervising care with which our nature has endowed us, – in other words, our natural gifts, – we should so blend those several flavours into one delicious compound that, even though it betrays its origin, yet it nevertheless is clearly a different thing from that whence it came."

АЛИШЕР НАВОЙИ ВА ЗОКИРЖОН ФУРҚАТ: АРУЗГА ДОИР РИСОЛАДАН ДАСТХАТ-КОНСПЕКТГАЧА

Дилнавоз ЮСУПОВА
(ТошДЎТАУ)

Аруз шеър тизими Шарқ халқлари шеърятининг асосий шеърий ўлчови сифатида минг йиллардан бери туркий шеърятимизда кенг қўлланилиб келаётган шеърий вазнлардан биридир. Унинг шеърятимизга кириб келиши ва мустақкам ўрин олиши тасодифий бўлмай, исломдан олдинги шеърий меросимизда ҳам мисралардаги чўзиқ ва қисқа ҳижолаҳ ўртасида муайян мутаносиблик мавжуд бўлган. Олимларимизнинг аниқлашларича, Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асаридан ўрин олган 224 шеърий парча аруздаги – V – –, V – V –, – V V –, V V –, V – – –, – V –, V – – турокларига мос келувчи ўлчовда яратилган²⁴⁶.

Туркий арузнинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ривожланиши ва тараққиёти бевосита Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ. Буюк мутафаккир шоир ўзининг аруз қонун-қоидаларига бағишланган "Мезон ул-авзон" асарида 19 баҳр, 160 вазн ҳақида маълумот берган бўлса, лирик ва эпик шеърятда 13 баҳр, 100 га яқин вазндан кенг фойдаланди ва бу билан аруз тизими туркий шеърятнинг ажралмас қисмига айланганлигини асослаш билан бирга бу шеърий тизимнинг туркий тил қонуниятларига ҳар томонлама мос келишини исботлади.

Туркий арузшунослик Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг рисоласи билан янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Бобур ўзининг «Рисолаи аруз» ёки замонамизда "Мухтасар" номи билан машҳур бўлган асарида 21 баҳр, 537 вазн, 9 доира ҳақида муфассал маълумотлар бериб ўтган эди. Лекин афсуски Бобур рисоласидан сўнг туркий арузшунослик тарихида анча катта танаффус пайдо бўлди...

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида филология фанлари доктори, профессор Шариф Юсупов Фурқатнинг кенг жамоатчиликка маълум бўлмаган бир неча дастхатларини топиб, «Адабий мерос» журналининг 1983 йил 4-сонида «Фурқат дастхатлари» сарлавҳаси билан эълон қилди. Улар орасида «Илми шеърнинг қоидаи авзонини баёни» дастхатининг мавжудлиги илм аҳли орасида катта қизиқиш уйғотди, бу асарнинг шеършунослик, хусусан, арузшуносликдаги салкам тўрт асрлик бўшлиқни тўлдиришига умид пайдо бўлди.

Матбуот ҳамда Фурқатга доир мақола ва тадқиқотларда «Илми шеърнинг қоидаи авзонини баёни» дастхатига турли шаклларда бўлса-да, муносабат билдириш бошланди. Холид Расул дастхатни Фурқат асарларининг 2-жилдига киритиб, уни аруз илмига доир "рисола" деб баҳолаган бўлса, Шариф Юсупов "дастхат асар" деб номлади. Фулом Каримов ушбу асар ҳақида сўз юритиб, шундай деб ёзди: "Қўлёзма ҳолидаги бу кичкина китобча шеър илмининг қоидаи деб аталган бўлса ҳам, ўзбек шеърятдаги – по-

246 Юсупов Ш. Фурқат дастхатлари / Адабий мерос. – Т., 1983. – № 4. (Мақоладаги иқтибослар шу манбадан олинди).

этикасидаги бир вазн – аруз вазни ва унинг конун-қоидалари тўғрисида сўзлайди. Рисола Фуркатнинг ўз қўли билан ёзилган, ҳажми 16 бет, формати 12x22. Китобча аруз вазни билан танишмоқчи бўлган адабиёт хаваскорлари учун қўлланма тарзида тузилган. Унда арузнинг поэзиямизда энг кўп учрайдиган 55 баҳри ҳақида маълумот берилади”.

Шу тариха мазкур дастхат Фуркатнинг арузга доир асари сифатида эътироф этила бошланди ва Фуркатга доир тадқиқотлар, дарслик ва қўлланмаларда ҳам ушбу маълумот ахборот тарзида такрорланаверди. Хусусан, ўрта мактабларнинг 9-синфига оид “Адабиёт” дарслиги (Тошкент, 2014)нинг 1-қисмида “Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фуркат” деган мавзуда шундай дейилади: “Фуркат ижодий меросида тўрт илмий асар учрайди. Уларнинг учтаси этнографик характерда бўлиб, “Тўй тавсифи”, “Гап таърифида”, “Аза тавсифи” деб аталади. Тўртинчиси “Илми ашъорнинг қоидаи авзони” (Шеър илмининг ўлчов қоидалари) аталиб, адабиёт хаваскорлари учун қўлланма сифатида тузилган, унда аруз вазнининг қоидалари баён этилган” (151-бет)²⁴⁷.

Лекин Фуркат дастхатини ўрганишимиз ва тадқиқ қилишимиз жараёнида бу манба Фуркатнинг мустақил асари бўлмай, балки Алишер Навоий қаламига мансуб «**Мезон ул-авзон**» рисоласининг Фуркат томонидан ихчам тарзда қайта кўчирилган дастхат нусхаси (бошқача айтганда конспект) эканлиги маълум бўлди. Бу ҳол муқаддимани ўзаро солиштириш жараёнидаёқ кўзга ташланади. Қиёслаш учун ҳар иккала муқаддимадан парча келтирамиз. Алишер Навоий асари: *Аммо билгилким, аруз фаниким, назм авзонининг мезонидур, шариф фандур. Нечунким, назм илмининг рутбаси багоят бийик рутбадир. Андоқки, Ҳақ субҳаноҳу ва таъолонинг Каломи мажидида кўп ерда назм воқеъ бўлубтурки, аруз қавоиди била ростдур. Ул жумладин бири бу оятдурким: “Лан танолул-бирра ҳатто тунфиқуна” дур, вазни фоилотун фоилотун фоилундур...*” Энди Фуркат дастхатидан парча келтирамиз: *“Аммо билгилким, аруз фаники, назм авзонини мезонидур, шариф фандур. Нечунким, шеър илмининг рутбаси багоят буюк мартабадур. Андоқки, Ҳақ субҳаноҳу ва таолонинг Каломи мажидида кўб ерда назм воқеъ бўлубдур. Андин бири буқим: “Лан танолул бирра ҳатто тунфиқу”.* Вазни буқим: *Фоилотун фоилотун фоилун...*”

Шу тариха Фуркат дастхатида «Мезон ул-авзон»нинг кириш қисмида берилган арузнинг «шариф фан» эканлиги, Куръондаги кўп оятлар аруз баҳрларига мослиги борасидаги фикрлар мухтасар тарзда келтирилгач, «Байт» деган сарлавҳа остида мисоллар рукн номлари билан биргаликда бериб борилади. Масалан:

Байт:

*Зиҳи мулкиннинг ўн сақиз мингидин бир келиб олам,
Бу олам ичра бир уйлик қулинг Ҳавво билан Одам.
(Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун)*

Майи лаълингга гўёким, ҳаёти жон эрур мамзуж –
Ки ул эрмас зулоли чашмаи ҳайвон эрур мамзуж.
(Мафойилун мафойилун мафойилун, мафойилун)

*Зиҳи қаддинг ниҳоли бутуб жон гулшанидин,
Юзунг меҳри кўнгулга кириб кўз равзанидин.
(Мафойилун фауълун мафойилун фауълун)*

*То кўз била кўнглумни ул ғамза мақом этмиш,
Қонимни ҳалол айлаб, уйқумни ҳаром этмиш.
Мафъулу мафойилун мафъулу мафойилун*

Энди шу мисолларнинг Алишер Навоий рисоласида қай тарзда акс этганлигини кузатамиз:

247 Yoʻldoshev Q. va b. Adabiyot: Umumiy oʻrta taʼlim maktablarining 9-sinfi uchun darslik-majmua. – T., 2014.

Ҳазажи мусаммани солим ул-аркон

Зиҳи мулкингнинг ўн сакиз мингидин бир келиб олам,
Бу олам ичра бир уйлук кулунг Ҳавво била Одам.
Мафъийлун мафъийлун мафъийлун мафъийлун

Ҳазажи мусаммани мусаббағ

Майи лаълингга гўёким, ҳаёти жон эрур мамзуж -
Ки ул эрмас зулоли чашмаи ҳайвон эрур мамзуж.
(*Мафъийлун мафъийлун мафъийлун, мафъийлун*)

Ҳазажи мусаммани маҳзүф

Зиҳи қаддинг ниҳоли бутуб жон гулшанидин,
Юзунг меҳри кўнгулга кириб кўз равзанидин.
Мафъийлун фаувлун мафъийлун фаувлун

Ҳазажи мусаммани ахраб

То кўз била кўнглумни ул ғамза мақом этмиш,
Қонимни ҳалол айлаб, уйқумни ҳаром этмиш.
Мафъулу мафъийлун мафъулу мафъийлун...

Кўриняптики, Фурқатнинг дастхати ҳам “Мезон ул-авзон”даги тартиб асосида *ҳазаж* баҳри вазнлари билан бошланяпти. Фақат Навоийдан фаркли ўлароқ, Фурқат ўз дастхатида ҳар бир байтни рукнлар асосида бериб борса, «Мезон ул-авзон»да аввал баҳр номи, сўнгра вазн номи ва ундан кейингина байт ва рукнлар тартиби келтирилган. Демак, кўринадики, Фурқат кўчирмалар келтиришда, иложи борича, уларни мухтасар ва содда тарзда ёзиб боришни маъқул кўрган ва шу билан аруз вазни қоидаларини осонлаштиришга ҳаракат қилган.

Фурқат ўз дастхатида жами 10 га яқин баҳр ва улар билан боғлиқ ҳолда 56 вазнни келтириб ўтган. Навоийда эса бу кўрсаткич 19 баҳр ва 160 вазнни ташкил этади. Фурқат ҳазаж баҳри вазнларини келтирар экан, уларни имкони борича тўлиқроқ беришга интилади ва хатто, рубоий вазнларининг ахрам шажараси билан боғлиқ вазнларга ҳам тўхталиб ўтадики, натижада дастхатда ҳазаж баҳрининг 30 дан ортиқ вазни мисоллар билан келтирилади. Бу дастхатдаги вазнлар кўрсаткичининг ярмидан кўпроғи шу баҳрга тегишли дегани. Демак, шу ўринда, яна бир ҳолатга диққат қаратиш зарурдек туюлади: Фурқатшунос олимларнинг эътирофича, Фурқат бу дастхатни кўчираётган пайтда, Тошкентда бўлган. Айнан, шу ерда Фурқат ўзининг маърифатпарварлик руҳидаги кўплаб шеърлари, хусусан, «Илм хосияти», «Нағма ва нағмагар ва анинг асбоби ва ул нағма таъсири хусусида» каби шеърларини яратганки, улар арузнинг ҳазаж баҳрида эканлигини кузатиш мумкин. Фурқатнинг ўз дастхатида ҳазаж баҳрига батафсил тўхталганлигини шу ҳолат билан ҳам алоқадор деб айтиш мумкин.

Дастхатда *ражаз* ва *рамал* баҳрларига оид байтларнинг келтирилиши асносида эса, энди айрим қискартиришлар вужудга келади: ражаз баҳрига доир 9 та, рамал баҳрига доир 3 та байтга тўхталиб ўтилади. Шу тариқа, Фурқат *мутақориб* баҳридан 2 та, *мунсарих*, *мужтасс*, *сарих*, *қариб*, *мадид*, *комил*, *басит* баҳрларидан фақат биттадан байтларни келтириб ўтади. Фурқатнинг ҳазаж, ражаз ва рамал баҳрларига доир вазнларга нисбатан кенгрок тўхталганлигини мазкур баҳрларнинг айнан туркий шеърятга хос эканлиги ва Фурқат шеъриятида ҳам улар етакчилик қилиши билан боғлиқ ҳолда талқин қилиш мумкин. Профессор Анвар Ҳожиаҳмедовнинг ёзишича, Фурқат шеъриятида аруз тизимининг 7 баҳри ҳамда бу баҳрлар билан боғлиқ 21 та вазндан фойдаланилган²⁴⁸. Унинг жами 232 асаридан 135

248 Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2000. Т. 16. (Бу ва кейинги иқтибослар шу манбадан олинди).

таси рамал, 75 таси ҳазаж баҳрида яратилганлиги ижодкорнинг туркий аруз назариясини амалиёт билан муштарак олиб борганлигидан далолатдир.

Яна бир эътиборли томони шундаки, Фурқат ўз дастхатида бирор ўринда баҳрлар ёки вазнлар номини келтириб ўтмайди, балки байтларни фақат рукнлар тартиби асосида бериб боради. Бу ҳолат ҳам Фурқатнинг янги аср бошларига келиб, энди арузни нисбатан соддароқ, мураккаб атама ва истилоҳларсиз ўрганишни жорий қилиш зарурлигини кўрсатишга интилганлиги билан боғлиқ, деб айтиш мумкин.

Навоий «Мезон ул-авзон»да халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ айрим байтларни асарнинг сўнги қисмида келтириб, уни ёзишдан мақсад ва ниятларини хотимада баён қилгани ҳолда ўз асарини яқунлайди. Фурқат эса, дастхатнинг охирида яна «Мезон ул-авзон»нинг баҳрлар қисмига, хусусан мутақориб баҳри вазнларига мурожаат қилади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкин: Фурқат дастхати ёки ниҳоясига етмай қолган ёки олим томонидан келтирилган кўчирмалар Фурқатнинг дастхатни яратиш билан боғлиқ мақсади учун етарли бўлган.

«Илми шеърнинг қоидаи авзонини баёни»ни «Мезон ул-авзон» билан ўзаро қиёслаш жараёни шуни кўрсатдики, Фурқатнинг қўлида Навоий асарининг бошқа бир нусхаси мавжуд бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Бундай мулоҳаза юритишимизга сабаб, дастхатда келтирилган 56 байтдан 2 байт биз фойдаланган «Мезон ул-авзон»нинг 10 жилдлик Тўла асарлар тўплами нашрида ҳам, 20 жилдлик Мукамал асарлар тўплами нашрида ҳам учрамади. Ҳар икки байт ҳазаж баҳрига оид бўлиб, бири мусамман рукнларга асосланган:

*Зиҳи ҳусн авжи узра узоринг меҳри анвар,
Қулогингда дуру лаъл ики пурханда ахтар, —*

байти бўлса, иккинчиси мусаддас рукнларга асосланган:

*Эй маҳваш, келки зордурмен,
Ҳажрингдан беқарордурмен, -*

байтидир. Шунингдек, Навоий асаридаги баъзи байтлар Фурқат дастхатида бир оз ўзгарган шаклда учрайди. Хусусан, «Мезон ул-авзон»даги

«Эй орази насрин, сочи сунбул, қадди шамшод»

мисраси дастхатда:

«Эй орази насрин, юзи гул, қомати шамшод» шаклида,
«Раҳм қилки, бўлдум фурқатингдин абтар» мисраси

«Бўлдум фурқатингдин қил раҳм, абтар» шаклида ва ҳ.к. келтирилган. Буларнинг барчаси Фурқат фойдаланган нусханинг қўлимиздаги нашрлардан фарқ қилишини кўрсатади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, «Илми шеърнинг қоидаи авзонини баёни» Фурқатнинг Тошкентда яшаган даври (1899-1891)да майдонга келган. Фурқат Тошкентда бўлган пайтида кўплаб шоирлар, санъаткорлар ва илм аҳллари билан танишади, улар билан суҳбатлар, мушоиралар уюштилади. Шоирнинг ўзи «Саргузаштнома» асарида ёзишча, шундай суҳбатлардан бирида хожи Муҳаммад Зухур исмли кишининг таклифи билан Тошкентнинг руслар яшайдиган қисмига боради ва у ерда гимназиядаги таълим тизими билан танишади. Гимназия директори унинг шеърят илмидан хабардорлигини фаҳмлаб, Фурқатни рус шоирларининг шеърлари билан таништиради. Шунингдек, Фурқат Тошкентда Лахтин босмаҳонасида ҳам бўлиб, у ердаги китоб нашр қилиш имкониятларини кўриб ҳайратланади ва ҳатто бир кишининг Фузулий «Девон»и ва «Лайли ва Мажнун» достонини минг нусхада нашр қилдирганлигини алоҳида эътироф этади. Фурқатнинг дастхати, айнан, шу даврда яратилганлигини ҳисобга олсак, қуйидагича мулоҳаза юритиш мумкин бўлади: Фурқат рус шоирлари шеърятини, гимназиядаги таълим тизими билан танишар экан, туркий шеърят учун асосий ўлчов бўлган аруз вазнини имкон қадар соддалаштиришни ва келгусида шу асосда ихчам ўқув қўлланма тузишни ният қилган. Шу мақсадда, ўзи ёшлигидан устоз деб билган Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон» асарини мух-

тасар тарзда кўчириб чиққан. Кейинчалик, бу дастхатни ўзи кўргани босмахонада кўпайтириб, эълон қилиш ниятида ҳам бўлган, эҳтимол. Аруз қонун-қоидалари билан боғлиқ мазкур асарга эҳтиёж ҳамма даврда катта бўлганлиги ушбу фикрни маълум даражада асослайди.

Хулоса қилиб айтганда, Фурқатнинг «Илми шеърнинг қоидаи авзонини баёни» дастхати ижодкорнинг мустақил асари бўлмай, Алишер Навоий каламига мансуб «Мезон ул-авзон» асарининг мухтасар тарздаги кўчирмасидир. Фурқат ўз устозининг маҳорат мактабини ўзига намуна сифатида олиб, уни содда ва мухтасар тарзда ўз даври китобхонлари учун “кўлланма” (Ғ.Каримов таъбири) шаклида қайта кўчириб чиққан ва шу билан Навоий асарининг ўзбек китобхонлари орасида муайян маънода оммалашшига ўз ҳиссасини қўшган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2000. Т. 16.
2. Каримов Ғ. Халқ, тарих, адабиёт. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.
3. Юсупов Ш. Фурқат дастхатлари / Адабий мерос. – Т., 1983. – № 4.
4. Ҳожаҳмедов А. Фурқат арузи // Фурқат ижодиёти. –Тошкент: Фан, 1990. – 196 б.
5. Ҳожаҳмедов А. Навоий арузи нафосати. –Тошкент: Фан, 2006. – 288 б.

“АДАБ МУЛКИН ГУЛИСТОНИ – НАВОИЙ...”

Гулбахор АШУРОВА

(ТошДўТАУ)

Навоий ижодига қизиқиш, унинг асарларини тадқиқ ва таҳлил қилиш масаласи мутафаккир шоир замонидан то ҳозирга қадар давом этиб келаяпти. Навоийни англаш ва ҳис қилиш ўзбек халқи тарихини, маданиятини, қалб эҳтиёжларини, ўзлигини англаш ва ҳис этишдир.

Алишер Навоий ўзбек мумтоз адабиётини энг юқори босқичга кўтарган мутафаккир санъаткор. Шунинг учун ҳам Навоий ҳақли равишда ғазал мулкининг султони деб эътироф этилган ва ундан кейин яшаб ижод этган барча истеъдод соҳиблари Навоийнинг санъат мактабидан сабоқ олишган. Ўзбек адабиётида Алишер Навоий ижодидан таъсирланмаган, бу серкирра меросни ижодий ўзлаштириб, ундан илҳомланмаган қалам соҳиби топилмайди. Навоий яшаган даврдан буён неча юзлаб шоирлар унинг асарларига назира, мухаммас, татаббуълар битиб келишган. Кўплаб ижодкорлар эса бу мавзуда анча-мунча шеърлар ёзишган. Максуд Шайхзода, Ғафур Ғулом, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Жамол Камол ва бошқалар. Бу қаторни шоир Чустий номи ҳам тўлдириб турибди.

Чустий мумтоз адабиётимиз билан янги давр адабиёти оралиғидаги кўприкни яратган ва арузнавислик санъати анъаналарини ривожлантирган адиблар сирасига қиради. Шунга кўра, у Ҳабибий, Собир Абдулла, Чархий каби ғазалнавис шоирлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаган. Чустийнинг бир ғазали шундай бошланади:

Адаб мулкин гулистони – Навоий,

Адиблар фаҳри, достони – Навоий.

Чустий, дастлаб, Навоий ижодининг асл мағзи, моҳиятини кўрсатиб беришга интилган. Навоий асарларида мужассамлашган тарбиявий имкониятларни назарда тутган. Шунинг учун ҳам Навоий асарларидаги “адаб мулки” қаламга олинган. “Адаб мулкин гулистони” айна пайтда, барча ижодкорларнинг илҳом манбаи эканлиги ҳам қайд этилган. Албатта, ҳар қандай объект ҳам поэтик ижод учун кўтаринки, бардавом ва жонли илҳом манбаи бўла олмаслиги табиий. Чустий айна мана шу руҳий ҳолатни назарда тутган бўлса керакки, “Қаламга жон қирад мадҳин ёзарда, Ғазаллар жисмининг жони – Навоий”, – дея алоҳида уқтиришни маъқул кўради.

Навоий хаёлотининг чеку чегарасини белгилаш қийин. Бу шоир қолдирган меросдан келиб чиқадиган сабоқдир. Унинг бадиий фантазияси ҳар қандай ижодкорни ҳайратга солиши ажабланарли эмас. Навбатдаги байтда Навоийнинг мана шу жиҳатларига эътибор қаратилади:

*Тафаккур оламида марди майдон,
Азиз ўзбек шараф-шони – Навоий.*

Навоий сиймосини чизишда янги сўз айтиш анчайин қийин, мушкул юмуш. Бунда бошқаларни такрорлаб қўйиш, бошқа ижодкорлар таъсири остида қолиш хавфи ҳар доим мавжуд. Чустийда бу хавф йўқ. У ҳар бир мисрада янги мулоҳазаларнинг яхши ифодаларини беришга ҳаракат қилади. Бор қаламкашларнинг барчаси минглаб сафларни ташкил этса, Навоий — уларнинг бошлиғи, саркардаси, бош қўмондонидир:

*Қаламкашлар агар бўлганда минг саф,
Баҳодир, бош қўмондони – Навоий.*

Буни Чустий қаламидаги оҳорли оҳанглардан бири сифатида қабул қилиш мумкин. Худди шу силсилада Навоий боғбонларнинг боғбони, буюк инсонларнинг инсони сифатида улуғланади:

*Ҳисобсиз маънавий боғларга боқсам,
Аларнинг катта боғбони – Навоий.
Жаҳонда қилди чексиз одамийлик
Буюк инсонлар инсони – Навоий.*

Эҳтимолки, бу шеър ёзилган пайтларда Навоийнинг улкан юбилей саналари билан боғлиқ тадбирлар кучайгандир. Ҳар ҳолда куйидаги мисралардан шундай руҳ сезилиб туради:

*Навоий қадрига етди замонам,
Бу даврон – янги даврони Навоий.*

Навоийдан илҳом олиш, ундан ўрганиш, унга эргашиш ҳақиқий ижодкор учун ҳар доим ҳам ўрناق ва намуна мактаби бўлиб келган. Чустий ўзини бевосита Навоий шогирдиман демайди, балки шогирдларининг шогирдлари қаторида турадиганлардан биттасиман дея уқтиради. Назаримизда, бу Навоий ижодининг кейинги давр ижодкорларига кўрсатаётган ижобий таъсирининг ўзига хос эътирофларидан биридир.

*Унинг шогирдларин шогирдиданман,
Хазина менга – девони Навоий.*

Кейинги байт юқоридаги мисраларнинг изоҳи сифатида юзага келган. Эътирофнинг боиси шуки:

*Қўйиб кетди ҳисоби йўқ асарлар,
Эрур нодир асар кони Навоий.*

Чустий чиқараётган асосий хулоса шуки, Алишер Навоий қолдирган барча асарлар ҳам, уларнинг алоҳида олинган биттаси ҳам жуда катта ижтимоий адабий-эстетик аҳамият касб этади. “Ҳисоби йўқ асарлар” ҳамда “нодир асар” айна мана шу тушунчалар ифодасига хизмат қилган.

*Ҳақиқатга, адолатга чақирди,
Шаҳу бекларни ҳар они Навоий.*

Куйидаги байтда бу хулосага асос бўлувчи мулоҳазаларнинг поэтик ифодаси мужассамлашган. Айниқса, “ҳақиқат”, “адолат”, “шаҳу беклар” сўзларининг ёнма-ён келганлиги мисраларни санаш ва таъкид оҳангларини сингдирган. Ана шу аснода шоир энди ўзини ҳам ўша силсилага мансуб кўришда маънавий ҳуқуқ кўради:

*Менинг шеъримга ҳам андоза бўлди,
Етук мезонул авзони Навоий.*

Ушбу мисралар кўплаб шоирларга адабий таъсир кўрсатган буюк ижодкорнинг шоирона кучу қудратига берилган ҳаққоний баҳо сифатида эътироф этилиши мумкин. Юқорироқдаги “шаҳу беклар”нинг ўзларига ишора этилган эди. Чустий бу ифодани сал ўзгартириб “шоҳ ва султон” шаклида яна қўллайди. Аммо бу ифода энди истиора сифатида “сухан шоҳи, сухан султони” тушунчасини акс эттиради. Бунинг бевосита Навоий даҳосини акс эттиришга йўналтирилгани очик кўриниб турибди.

*Дедим таъзим этиб, алқисса, Чустий,
Сухан шоҳию султони Навоий.*

Демак, Навоий ҳақида жуда кўп гапириш, таърифи учун сўз излаш мумкин. Лекин энг қисқа таъриф шундан иборатки, Навоий сўз мамлакатининг шоҳи, сўзнинг султонидир. Ғазал пароканда байтлардан иборат. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир алоҳида байтда Алишер Навоий сиймосининг у ёки бу жиҳатлари қаламга олинади. Алоҳида мисра ва байтларнинг поэтик талабларга мос ва муносиб эканлигини инкор этмаган ҳолда, уларнинг ўзаро алоқадорлигидаги заифликни, баъзан зўрма-зўракиликни ҳам эътироф этишга тўғри келади. Биргина қофия тизимини олиб кўрайлик. У бир қарашда ғазалчилик анъанаси доирасидаги барча талабаларга мос ва уйғундек таассурот қолдиради. Лекин шу силсилада “ҳар они”, “авзони” сўзлари ҳам мавжуд. Уларни қофия тизимидаги нотабий сўзлар сифатида ажратиш мумкин. Зеро, улар замонавий китобхон учун дабдурустан тўла тушунарли эмас.

Чустийдаги Навоийни улуғлаш оҳанглари мустақиллик даврида Чоршамъ шеърларида давом этгандек таассурот қолдиради. Аммо бу оддий эргашиш эмас, балки айна мавзуда ўзини синаб кўриш дейилса, кўпроқ мос келади. Чоршамъ Навоийни орзулар олами билан боғлиқ ҳолда тасвирлашга жазм этади. Унинг Навоий ғазалларга боғлаган мухаммаслари ҳам ўзига хос. Улардан бирига “Бир лаҳза” деб ном қўйилган. Ғазал “Хазойин ул-маъоний”нинг “Наводир уш-шабоб” девонидан олинган. Ғазал етти байтдан иборат. У куйидаги матлаъ билан бошланади.

*Манга бир лаҳза вафо айламадинг,
Ки ҳамул лаҳза жафо айламадинг.*

Ғазалда ишқ ва ошиқлик мавзуси бош ўрин тутати. Унда анъанавий тарзда ёрнинг вафосизлигидан шикоят мотивлари устувор. Лирик қаҳрамон бевосита ёрнинг ўзига мурожаат этади. Чоршамъ ҳам мана шу оҳанглarga мос ва уйғун мисралар тузишга ҳаракат қилади:

*На эди лаҳза ато айламадинг,
Дардима лаҳза даво айламадинг,
То дедим лаҳза сафо айламадинг...*

Кўришиб турганидай, мухаммасда радиф сақлаб қолинган. Қофиялар ҳам тўла ва нуқсонсиз. Унинг устига Алишер Навоий қофиядан олдин “лаҳза” сўзини такрорлаган. Бу мумтоз адабиётда қофия билан боғлиқ шеърый санъат сифатида қайд этилади ҳамда “ҳожиб” деган ном билан юритилади. Чоршамъ ҳам шу анъанани давом эттирган. Кейинги байтнинг таянч сўзлари қаторида “комимни раво айламадинг” ифодаси турибди. Боғланган тахмисда ҳам унга урғу берилган:

*Айласанг бўлгай эди кўнглими ром,
Бор манга ҳажр аҳлига ҳар интиқом,
Ошиқи озурдаман, бўйла мудом.
Қоматингдин манга ком² эрди хиром³
Ваҳки, комимни раво айламадинг.*

Тахмис қилинган учта мисранинг иккинчиси мазмун моҳиятига кўра ғазал байтлари билан омукта бўлиб кетолмайди. Зеро, унда “ҳажр аҳлига интиқом” кўзда тутилган. Агар шу гуруҳга лирик қаҳрамон – ошиқнинг ўзи ҳам кирадиган бўлса, интиқомнинг йўналиши ва мазмуни очиқ англашилмай қолади. Мустақил сўзларнинг қофия ёхуд радифда қўлланиши унчалик қийин эмас. Шунинг учун ҳам шоирлар бу борада истаган ҳаракатларини қила олишади. Ёрдамчи сўзлар, хусусан, боғловчиларга боғлиқ ҳолда эса бу ишни амалга ошириш қўшимча қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Қуйидаги бандда шоирнинг ушбу муаммони табиий ва мос ҳолда ҳал қила олгани сезилади:

*Бу жаҳон кони гадодур, лекин,
Ишқ аро ҳар ким адодур, лекин,
Ҳар бало бунда бажодур, лекин,
Отмоқ ўқ элга хатодур, лекин
Манга отқанни хато айламадинг.*

Алишер Навоий навбатдаги байтда ёрнинг жафокорлигига урғу беради. Чоршамъ кўшган мисралар мазмунида эса ёрнинг мадҳи, унинг таърифи асосий ўрин тутиб, Навоий мисраларидаги мазмуннинг бойитилиши учун ҳисса қўшади:

*Борлигингда барқ урар наишъу намо,
Баҳшида бўлсин санга назму наво,
Кимга васлинг ёр ўлиб, эй махлиқо,
Элга лутфинг манга гар бўлса жафо,
Не жафоларки манга айламадинг.*

Мухаммас боғлашда қийинчиликлар, оз эмас. Шулардан бири вазн, қофия ва радифлардан иборат шаклий талабаларнинг қатъийлигидир. Гарчи асосий ўринларда Чоршамъ бу талабаларга жиддий риоя этса-да, айрим ҳолларда шаклга эътибор берган ҳолда мазмуннинг баркамол бўлиши кераклигини назардан қочириб қўяди:

*Бир чаман ичра манга ёр йўладинг,
Ғунчаю гулни саросар⁴ силадинг,
Лолавор кўз ёшларим қон демадинг,
Гарди⁵ раҳшингга²⁴⁹⁶ баҳо жон тиладинг,
Ани туфроқча баҳо айламадинг.*

Дастлабки мисранинг ўзиёқ кишида қандайдир нотугал мазмун ҳақидаги тасаввурни уйғотади. Назаримда, бу “йўладинг” сўзининг қўлланиши туфайли содир бўлади. Ҳар ҳолда бу ерда кутилмаган, тасодифий бир ҳолат назарда тутилган. “Йўлиқмоқ”, айниқса, “йўлиқиб қолмоқ” сўзларида шу маъно кучлироқ тарзда намоён бўлган. Табиийки, улар шу ҳолида вазнга ҳам, қофияга ҳам сиғмайди. Шунинг учун ҳам шоир “йўла” моқ вариантини танлаган. “Тул ва ғунчани силаш” ҳам мантикий меъёр ва мезонлар ташқарисида қолаётгандек туюлади.

Навоий навбатдаги мисраларда оламга тасаввуфона қараш натижаларидан бири ҳақида сўз юритади. Тахмис қилинган мисраларда ҳам дунёвий, ҳам тасаввуфий талқинларга имкон бор. Демак, уларда ҳам Навоий оҳанглариининг бизнинг асримиздаги давоми кўзга ташланади:

*Олама кўз юндириб не кўзни
Бўзлатиб қўйдинг бўғизда сўзни,
Ўтғуси деб то ҳануз им рўзни
Топмадинг мулки бақо то ўзни
Азими дашти фано айламадинг.*

Ғазалда ҳамма байтлар ҳам муҳим. Шунга қарамасдан, ғазалнавислар матлаъ билан мақтаъга алоҳида диққат қаратишган. Уларда бадиий фикрнинг энг муҳим ва асосий нуқталарининг акс этишига, “мазмун ва бадиият жиҳатдан пухта ва оригинал бўлишига катта” эътибор беришган²⁵⁰. Мақтаъда эса фикр “интиҳосига етибгина қолмай, айна замонда, шоирнинг ўз-ўзига ёхуд умумга қаратилган салмоқли хулоса ҳам чиқарилади”²⁵¹. Бу маънода Чоршамъ ҳам мазкур анъанани давом эттирган:

*Қанча дод этмай фироқингда куйиб,
Боқмадинг бир бора Чоршамъга кулиб,
Маъшуқи даввормисан, бўлмас билиб,
Юз вафо ваъда Навоийга қилиб,
Оҳким, бирга вафо айламадинг.*

249³ Шод бўлиш.

250 Исмоков Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент, Ўзбекистон, 2014, 74-бет.

251 Ўша китоб, 76-бет.

Мумтоз адабиётимизда, жумладан, Алишер Навоий ижодида ҳам “даввор” сўзи кўп қўлланган. У “айланувчи”, “чарх урувчи”²⁵² деган маънони англатади ва асосан, осмон жисмларига нисбатан қўлланади. Аммо бу сўзнинг бирикиши кўпинча умумий маъноси “осмон” сўзи билан уйғун бўлган ҳолатлардагина (“гунбади даввор”, “чархи даввор”, “сипехри даввор”, “фалаки даввор”) кузатилади. Унинг “маъшук” сўзи билан бирика олиш имконияти эса кишида ишонч уйғотмайди. Бу бирикма табиий эмас. Унда сунъийлик аломатлари кўпроқ. Борди-ю, тахмис боғлаган шоир ундан “давраларда айланиб юрувчи” деган салбий маънони кўзлаган бўлса, у ғазал мантиғига умуман сиғишмайди.

Бугунги адабий жараён анъаналар заминидан озикланади. Шундай экан, миллат поэтик тафаккурининг Навоийни англаш даражаси анъана ва новаторлик, образнинг тарихий асослари, поэтик маҳорат ҳамда ижодий индивидуаллик сингари йўсинлардаги кўплаб изланишларга объект бўла олади. Навоийга қайтиш адабий ҳодисасининг даврлар оша яшовчанлигини ўрганиш ҳам ғоятда ибратли хулосаларга келиш имконини беради. Фольклор ва мумтоз адабиётдагина эмас, балки мустақиллик даври адабиётининг барча тур ва жанрларида айнан Навоийга мурожаат этилиши мутлақо тасодифий эмас. Бизнингча, бу миллатнинг ўз даҳосини идрок этиш йўлидаги интилишларининг самарасидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: O‘zbekiston, 2017 йил.
2. Сирожиiddинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. –Т.: Янги аср авлоди, 2011. - 326 б.
3. Алишер Навоий ва XX аср. Республика илмий-назарий анжуман материаллари. – Т.: TAMAD-DUN, 2016. - 280 б.
4. Алишер Навоий. МАТ, Ҳазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. 20 жилдлик, 4-жилд. – Тошкент, Фан, 1989. 251-бет.
5. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент, Ўзбекистон, 2014, 74-бет.
6. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. I том. – Тошкент, Фан, 1983, 436-бет.

БАҲОРНИНГ ҚЎШ БАЁТИ

**Зебо Қобилова,
Шаҳбоз Эргашев**
(Қўқон ДПИ)

Ҳазрат Навоийнинг “Фавойид - ул кибар” девонида баҳор ҳам ёр васфига бағишланган “Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар наврўз ила байрам, Чаман сарви ёшил хилъат, менинг сарви равоним ҳам” матлаъли беназир ғазал учрайди. Мазкур етти байтли ғазал аввалроқ “Бадойиъ ул - бидоя” девонидан ўрин олган эди. Шаклан пароканда бўлган ушбу ғазал ҳазажи муссамани солим вазнида ёзилган. Ички қофияларнинг мавжудлиги уни мусажжаъ ғазал демоққа изн беради (фақат матлаъ ички қофиядан маҳрум холос).

Ғазалда табиат тасвири, баҳор манзаралари билан баробар руҳ манзаралари чизилган. Тўғриси, таносуб усулидан истеъфода қилингани ҳолда, баҳор манзараси орқали ёр гўзаллиги, бу икки нафосат таъсирида лирик қахрамон (ошиқ) кайфиятида юз берган пўртаналар мисраларга кўчирилган.

Қўқон адабий муҳитининг асосчиси Умархон Амирий Навоийнинг мазкур ғазалига тахмис боғлаган. Беназир ғазал баркамол тахмиснинг туғилишига сабаб бўлган. Шоир мусамматлари ичида сара ҳисобланган бу тахмис шоир девонининг 2017 йилги нашрига киритилган.

²⁵² Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. I том. – Тошкент, Фан, 1983, 436-бет.

Тахмис пейзаж характерида, бироқ табиат лавҳалари бошдан охир берилмайди, унинг қаторига маъшуканинг нозик образи қўшилади. Амирий дастлабки бандда, Навоий изидан бориб, баҳор таровати, наботот оламидаги нафосатни тасвирлар экан, ўқувчига сездирмай маъшуқа образини ва шу баробарида ошиқ образини ҳам сингдириб юборади:

*Баҳор айёми келди, ўлди олам тозау хуррам,
Бинойи хонаи айшу нишотим айлади маҳкам,
Бери кел завқ ила шодмонлиқ, нари бор эй ғам,
Мувофиқ кийдилар бўлмиш магар наврўз ила байрам,
Чаман сарви ёшил хилъат, мени сарви равоним ҳам.*

Шуни таъкидлаш ўринлики, бандда нафақат фасл таровати, балки шу нафосат билан уйғун ҳолда маъшуқа латофати борасида сўз бормоқда. Бу бир поэтик усул. Ошиқ наврўз шавқида маъшуқа гўзаллигини кўради. Шу боис, ошиқ руҳиятидаги ҳижрон, муштоқлик кечинмалари ўрнини васл умидидаги шодмонлик эгаллайди. Бу сурур дунё ғамини четга суради. Банд мазмунидан кўриниб турибдики, бу мухаммас марказига дунёвийлик ҳамда инсонпарварлик туйғуларининг бадиий тасвири қўйилган. Шоир табиатни тасвирлаш баробарида маъшукани-да тасвирлашни ихтиёр этган экан, ҳар иккисига дахлдор поэтик образларни ифода этади. “Чаман”, “яшил хилъат” баробарида “олам”, “завқ”, “шодмонлик” бадиий мақсадни юзага чиқарувчи поэтик образлар сифатида намоён бўлади. Албатта, мазкур поэтик материал ёхуд образ табиат ва жамиятдан олинган. Табиатнинг маълум лавҳаси, баҳор манзараси, шу билан уйкаш маъшуқа қиёфаси поэтик образ қиёфасини олган ҳамда шоирнинг бадиий мақсади йўлида хизмат қилган, навбатдаги банднинг мазмуни ва ундаги шаклий унсурлар ана шундай дейишга асос бўлади.

*Баҳори ноз эрур ҳар ён, очилди лолау райҳон,
Гулистон хурраму хандон, исидин тоза бўлди жон.
Хиромон қад била жонон насимасо абирафшон,
Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарвим қилиб жавлон,
Анинг шайдоси бир дехқон, мунга шайдо бари олам.*

Мазкур банд мазмунан аввалги банддаги фикрни давом эттиради. Айёми наврўзнинг бетакрор нафосати галма-гал тилга олиб ўтилади. Ва навоийёна хулоса: агар баҳор дехқонни шайдо этиб, унда олдиндаги меҳнат самарасидан умидворлик туйғуларини туғдирса, шунга вобаста маъшуқа бутун оламни ўзига мафтун қилиб жавлон урмоқда. Лолау райҳон, чаману гулистон кишини хурраму хандон қилади. Дехқон фаслга андармон, бутун олам эса маъшуқага. Шулар поёнида баҳор гўзаллик, насиба, ободончилик бунёдкори сифатида гавдаланади, маъшуқа эса шунга монанд насимасо, абирафшон бўлиб кўзга ташланади, ошиқни умидвор этади.

Галдаги бандда анъанавийлик устувор: маъшуканинг икки кўзи кофир бўлиб ошиқни диндан чиқаради, мижгон (киприк)лари эса, ханжар бўлиб ошиқ қалбини тирнайди, лаби ахзар, оғзи (сўзи) кавсар, хироми (қадам босиши) худди масихдек ошиқнинг мурда жисмига жон бахш этади, қадди эса, ошиқдагина эмас, балки бутун оламда қиёмат қўптиради. Муболаға кучи билан нафосатнинг икки манбайи фасли баҳор ва маъшуқаи хунхор киши кўз ўнгида намоён бўлади ва бунда реалликдан кўра романтик тасвир етакчилиги биринчи қаторга чиқади. Мухаммасга тегишли дастлабки уч мисрада маъшукани тавсифлаш усули амалда бўлса, қолган икки мисрада яна баҳор васфи берилаётгандек таассурот туғилади. Бироқ Навоий маҳорати туфайли бунда ҳам маъшуқа образи мукамаллик даражасига кўтарилди. Шунга кўра, Амирий ошқора йўлни тутиб бориб, Навоийдаги коса остидаги нимкосани юзага чиқаради. Мана ўша байт:

*Чаман сарви қолиб бебар, менинг сарвим бўлиб дилбар,
Ани ел айлабон музтар, бу элдин секретиб адҳам.*

Қолган бандларда ҳам тадрижийлик, мутаносиблик ва муфассаллик давом эттирилади. Мутаносиблик ва муфассаллик фасл ва маъшуқа тавсифидан аён. Олдинги байтларда бошланган табиатдаги янги-ланиш онлари тасвири даражама-даража кучайиб боради, хусусий лавҳалар умумий манзаралар ҳосил қилади. Тўғрироғи, шоир баҳор ва маъшуқа севимлиликдан ер юзида жаннат боғини бино қилади.

*Узори бодадин гулгул, юз узра кокули сунбул,
Фалакни атласи ул гул саманди узра бўлсун жул,
Дедим: “Ҳар ён на чиндир бул?” Деди: “Ул турраи кокул”,
Қўнуб ул сарв уза булбул, чекиб шавқидан гулгул,
Бу сарв узра очилиб гул, анга тердин тушиб шабнам.*

Баҳор ва маъшуқанинг шўхчан образлари тасвирида яна анъанавий йўл тугилади. Бандда баҳор, маъшуқа ҳақидаги фикрлар, қарашлар узвийлиги учун табиатнинг ўзидан матоҳ танланган. “Бода”, “кокул”, “гул”, “булбул” каби поэтик образлар таъсирида маъшуқа киёфаси аниқ, равшан жонланиб боради. Хатто диалогик нутқ (банднинг учинчи мисрасида) бу фикрнинг юзага чиқишига кўмак беради. Банд мазмунидан аёнки, наботот олами қанчалик серқирра ва мураккаб бўлса, инсон (бу ерда ошиқ) руҳияти ҳам шу қадар мураккаб. Танланган поэтик образлар санъаткорга психологик таҳлил учун катта имкониятлар яратади.

*Ичиб ҳар дам майи боқий, қизорди ёр янгоқи,
Сочилди гуллар авроқи, кўнгиллар они ушиоқи,
Соч узра синдируб тоқи, нигорим фасли гул чоқи,
Бу боғ ичра май, эй соқий, ки, борму асру муштоқи,
Ки анда сарв ҳам боқий эмас, гул аҳди ҳам маҳкам.*

Сўнгги банд умидворлик руҳи билан суғорилган. Ана шундай улғувор ва ҳаётбахш манзара, шундай гўзал ва бокира маъшуқа лирик қаҳрамонни мутаассир қилароқ, унда ҳаётга, яшашга муҳаббат туйғуларини ошқора этмоққа имкон беради. Шу сабабли, маъшуқага мурожаатида анъанавий умидсизликдан кўра биров мутақаббирлик устун. Аслан ҳам, лирик қаҳрамоннинг олдинги бандларда тадрижма тадриж келган кайфияти шундай хулосани айтиш учун изн беради. Зеро, шундай баркамол манзара фасл тароватига узук кўзидек мос тушган маъшуқа ёрга вафо қилса яхши-да...

Буларнинг барчаси Амирий шеърятининг нозик бадиияти янада жиддийроқ илмий таҳлил этилиши лозимлигини кўрсатиб турибди.

Фойдаланилган дабиётлар:

Алишер Навоий. “Фавойид ул-кибар”. Мукамал асарлар тўплами. 6-жилд. 1990.

Алишер Навоий. “Бадойи ул-бидоя”. Мукамал асарлар тўплами. 1-жилд. 1987.

Амирий. Девон. Тошкент: Тамаддун, 2017.

Исҳоқов Ё. Навоий поетикаси. Тошкент: Фан, 1983.

Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. Тошкент: Ўқитувчи, 1993.

Ҳаққул И. Ирфон ва идрок. Тошкент: Маънавият, 1998.

АНЪАНАВИЙЛИК ВА ВОРИСЛИК

Сурайё ЭШОНҚУЛОВА

(ЖизДПИ)

Адабиёт тарихида бир сюжет асосида бир қанча ижодкор томонидан яратилган асарларни учратиш мумкин. Бир сюжетнинг қўплаб ижодкорларнинг асарларида учрашига нисбатан қўлланадиган сайёр сюжет тушунчаси мавжуд. Шарқ халқлари адабиётида сайёр сюжет асосида яратилган асарларга нисбатан назира-татаббуъ истилоҳи ишлатилади. Татаббуъда татаббуъ қилинадиган асарнинг шакл ва мазмуни янги ёзилаётган асарда ўз аксини топиши керак бўлади. Татаббуълар йирик эпик асарлар билан бирга лирик асарлар асосида ҳам ёзилиши мумкин. Шуни ҳам айтишимиз мумкинки, бир шоирнинг бирор бир ғазалига тахмис боғлашини ҳам татаббуънинг бир кўриниши дейиш мумкин.

Тахмис (арабча – “бешталиқ қилиш”, “бештага етказиш”) - мухаммаснинг бир тури. Тахмис бандлари ҳам мухаммас сингари 5 мисрадан иборат; улар бир шоиргагина тегишли бўлмай, балки 2 шоирнинг мисраларидан ташкил топади: дастлабки 3 мисра тахмис ёзаётган шоир қаламига, кейинги 2 мисра эса тахмис ёзилаётган шоир ғазалига мансуб бўлади. Тахмисда ҳар иккала шоирнинг бир бандни ташкил этаётган мисралари мазмун ва шакл жиҳатидан ўзаро мос бўлиши талаб этилади. Тахмисни, одатда, фалончи шоирнинг ғазалига мухаммас, деб таъкидлаб ёзганлар (фақат бир шоирнинг мисраларидан иборат бўлган мухаммасларга баъзан “таъби худ” - ўзиники, ўзининг таъби, деб қўшиб ёзганлар). Тахмислар шоирга ёққан ғазалларга ёзилиши сабабли биргина ғазалга бир неча тахмис қилиниши мумкин. Тахмис ёзиш шоирдан катта маҳорат талаб этади, чунки тахмис яратувчи шоирлар ўзидан аввал яшаб ижод қилган шоирларнинг етук ғазалларини ривожлантирганлар, анъаналарини давом эттирганлар. Тахмиснинг сўнгги бандида шоирларнинг тахаллуслари эслатиб ўтилади [2; 302].

“...ўзга шоир ғазалига боғланган мухаммас тахмис деб юритилиб, у тахмисчи шоирнинг ўзга шоир ғазалидаги ҳар бир байтга ўзидан яна уч мисра қўшиш орқали яратилади. Бунда тахмис боғлаётган шоирнинг ўша ғазал мазмунига путур етказмаслиги, қўшилаётган мисраларнинг ғазал вазни, кофияси, радифи ва бошқа жиҳатларига мос бўлиши талаб этилади” [3].

Юқорида тахмисга берилган таърифларга яна шуни ҳам қўшимча қилиш мумкинки, баъзида бир шоирнинг бирор ғазалининг бошқа бир шоир тахмиси таркибида айрим байтнинг тушириб қолдирилганлиги ёки бирор сўзнинг ўрнига бошқа сўз қўлланганлигини кўрамиз. Байтнинг тушириб қолдирилишига сабаб тахмис боғловчи шоирга танланган ғазалнинг умумий мазмуни маъқул келса ҳам, тушириб қолдирилган байтига мос мисралар топа олмаганлигидир. Бундан ташқари, байтнинг тушириб қолдирилишига байт тахмис боғловчи фикрларини давом эттиришга халал берганлиги ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, тахмис боғлаш учун танланган ғазал тахмис қилувчи фойдаланган манба нуқсонли бўлиши ҳам мумкин. Бундай нуқсонлар котибнинг ўз билим даражасида матнга “ижодий” ёндашиши ёки тахмисчи фойдаланган манбанинг ноқулай шароитда сақланиши натижасида зарарланган бўлганлигидан келиб чиқади. Шу боис, тахмис учун танланган ғазал матни бирламчи манбадаги матндан фарқ қилади.

Мумтоз адабиёт анъаналарини давом эттирган Нодири шеъриятида Навоийнинг “*Кўнгул жон бирла борди ҳамроҳинг, мен дард ила турдум*” мисраси билан бошланувчи ғазалига боғланган тахмис учрайди.

Навоийнинг Нодири тахмис учун танлаган ғазали аслида тўққиз байтдан иборат. Нодири тахмисиди Навоийнинг қуйидаги олтинчи байти учрамайди:

*Қотибдур кўзларимким не ёпилмоқ, не таҳаррук бор,
Қиё боққайму бир деб, азм этарда баски телмурдум [1;290].*

Биз ғазал матнини “Хазойин ул-маоний”нинг нашри, ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи қўлёзмалар фондида сақланаётган 164, 459 ва 698 рақамли қўлёзмалари матни билан

солиштирганимизда, айрим сўз ва мисраларнинг таҳрир қилинганлигини кўрамиз. Масалан, иккинчи байтнинг иккинчи мисрадаги “*Тугонларким*” сўзи, 164 (516-бет), 459 (223б-варак), 698 (139а-варак) рақамли қўлёзмаларнинг барчасида бир хил тарзда “*Тугунларким*” шаклида берилган. Тўртинчи байтнинг иккинчи мисрасидаги “*чокига*” сўзининг ўрнига 698 рақамли қўлёзмада “*хокига*” сўзи ёзилган. Олтинчи байтнинг биринчи мисраси 164 ва 459 рақамли қўлёзмаларда “*Қотибдур кўзларимким не юммоқ бор, не таҳаррук*” тарзида берилган. 164 ва 459 рақамли қўлёзмаларда учинчи ва тўртинчи байтларнинг иккинчи мисралари ўрин алмашган. Бу сингари ўзгаришларнинг айримлари мантикийдек туюлади. Масалан, учинчи ва тўртинчи мисраларнинг куйидаги каби кўринишда берилиши мисраларро поэтик фикрнинг боғланишини таъминлаган:

*Йиғоч бирла бошоққим, танда қолмиш улдурур марҳам,
Илик марҳам қўяй деб чун кўнгул чокига еткурдум.*

*Тугошти шамъдек ҳар бармогин ҳижрон шароридин,
Жунундинким, фироқинг ўқларин жисмимда синдурдум.*

Олтинчи байтнинг биринчи мисрасидаги “*Қотибдур кўзларимким не юммоқ бор, не таҳаррук*” деб таҳрир қилинганлиги ҳам тўғри деб ўйлаймиз. Чунки сўзлашув нутқида ҳам, адабий тилда ҳам “*кўзим ёпилмади*” эмас, балки “*кўзим юмилмади*” дейилади. Ўз навбатида кейинги таҳрир мисранинг мусиқийлиги ва мазмун таъсирчанлигини ҳам оширган.

Шунингдек, ғазал 164 ва 459 рақамли қўлёзмаларда “*Бадоеъ ул-васат*” таркибида берилган бўлса, 698 рақамли қўлёзмада “*Ғаройиб ус-сиғар*”га киритилган.

Навоий ғазали ёридан ажралиб ҳижронда қолган ошиқ тилидан баён этилган. Унда фироқ, айрилиқ онларининг шиддати, ошиқнинг севгилисига етишиш учун ўзини ҳар кўйга солганлиги, турли хил орзулар оғушида бўлганлиги тасвирланган. Ғазал лирик қаҳрамон орзуларининг амалга ошмаслигини билгач, тақдирга тан берганлигини билдириши билан яқун топган. Навоий ғазалидаги айнан ана шу фироқ билан боғлиқ мотивлар шоиранинг севимли ёри - Амир Умархондан айрилган жудолик, фироқда кечираётган руҳий ҳолатига ҳамоҳанг келганлиги тахмис боғланишига туртки берган. Шунга кўра, уни Нодиранинг “*Фироқнома*” шеърлари қаторига қўшиш мумкин:

*Сўрогингда биёбонлар кезиб бепоу сар юрдум,
Кўюндек чарх уруб жисмим гўборин кўкка совурдум,
Сен азм айлаб кетарга, мен бўлуб бемор, қайгурдум,
Кўнглум жон бирла бўлди ҳамроҳинг, мен дард ила турдум,
Сенга жон бирла кўнглумни, сенинг тенгрига топшурдум.*

*Видоингни қилурда куйди жоним хайрбодидин,
Фалак сақфи қарорди дуди оҳимни мидодидин,
Жаҳон зулмат саройи дуди оҳим имтидодидин,
Нишондур тийра бўлгон ахтари бахтим саводидин,
Туганларким, фироқинг ўтидин гам шоми куйдурдум.*

*Қошинг ёси таманносидадур пайваста қаддим ҳам,
Юрак захмига марҳам истаб этмасман тараддуд ҳам,
Кўнгул новакларингни захмидин роҳат топар ҳар дам,
Ёғоч бирла бошоқ ким танда қолди ул эрур марҳам,
Жунундин ким фироқинг ўқларин жисмимда синдурдум.*

*Гирибон чок этурман субҳи висолинг интизоридин,
Қаронғу бўлди шомим дуди оҳимни губоридин,
Шарарлиғ шуълалар бош чекти кўксум хор-хоридин,
Туташти шамъдек ҳар бармогим ҳижрон шароридин,
Илик марҳам кўяй деб чун бағир чокига еткурдум.*

*Кўруб ул бутни зуннор олмағайсиз, эй мусулмонлар,
Менингдек юз балога қолғайсиз, эй мусулмонлар,
Саломат кунжидин кўзғолмағайсиз, эй мусулмонлар,
Чу ул кофир чиқар кўз солмағайсиз, эй мусулмонлар,
Ки мен бечора кўнглумни боқиб ўткунча олдурдум.*

*Мени лол этти гуфтори лаби хомуши гўёси,
Ушатти қанду шаккар қимматин лаъли шакархоси,
На дилкаш ҳусн эрур кўрган сари ортар таманноси,
Юзинг кўргач бошимга тушти мушкин зулфи савдоси,
Физонким, бир боқишда юз бало бошимга келтурдум.*

*Сени топмоқ баса мушкул кўрунди жустужў бирла,
Фироқинг дардига таскин тилармен гуфтуғў бирла,
Гаҳи паймона бирла шугл этиб, гаҳи сабу бирла,
Кўнгул тинмасқа қолмиш эрди ҳар нав орзу бирла,
Ризо кўйига то кўйдум қадам кўнглумни тиндурдум.*

*Зарар қилмас муҳаббат аҳлига агёрни таъни,
Эрур бадхоҳларнинг гуфтуғўйи барча бемаъни,
Бу кун, эй Комила, бошдин кўюб тожи мурассаъни,
Макон гулхан кулин қилди Навоий телбадек яъни,
Жунун торожидин охир қаро туфроққа ўлтурдум.*

Қайд қилинганидек, Навоий ғазали аслида тўққиз байтдан иборат. Унинг матлаъсидаги тасвирларданок лирик қаҳрамоннинг ёри тирик, лекин етишиш имкони йўқ даражада узоқда эканлигини билиш мумкин. Биринчи ва иккинчи мисраларда лирик қаҳрамон ўзининг бир гўзалга ошиқлиги, унга жону кўнглини берганлиги, айна пайтда ҳижрон азобида севгилисига етиша олмай қийналаётганлигини айтади. Учинчи байтдан саккизинчи байтгача ошиқ маъшуқасининг гўзаллиги, ҳеч кимга ўхшамаслиги, унга етишиш учун ўзини ҳар томонга урганлигини баён қилади. Саккизинчи ва тўққизинчи байтларда эса, ёр дийдорига етишиш орзуларининг амалга ошиши мушкуллигини англаб, тақдир ишига тан берганлиги, энди ўзини бу орзулардан четга торганлигини ёзади. Нодира матлаъдан бошлаб бу тасвирларга ўзининг айрилиқ, жудолик аламлари билан боғлиқ рухий кечинмаларини қўшиш билан Навоий ғазалига янгича руҳ бағишлаган. Энди ғазал тахмис таркибида ўқилса, Нодира ва Навоийнинг тақдири бир хилдек деган тасаввурни уйғотади.

Булар билан бирга Нодира бошқа ижодкорлар сингари тахмис қилиш учун танланган ғазалга айрим ўзгартиришлар киритган. Чунончи, бешинчи банднинг Навоий ғазали байтининг иккинчи мисраси “*Ки мен бечора кўнглумни боқиб ўткунча олдурдум*” тарзида тахрир қилинган. Айтилганидек, Навоий ғазалининг олтинчи байтига банд ҳосил қилинмаган. Базнингча, бундай бўлишига сабаб, бу байтда лирик қаҳрамон олтидан карамай ўтиб бораётган ёрининг бир бор қараб кўйишидан умидворлигини айтмоқда. Ундаги ана шу жиҳатлар Нодиранинг Амир Умархондан айрилган, уни қайта кўришдан

умидини узганлиги билан боғлиқ руҳий кечинмаларини тасвирлашга қаратилган фикрининг мантикий давомийлигига монелик қилади. Шу боис шоира бу байтни тушириб қолдиришни лозим топган. Ғазалнинг бир байти тушириб қолдирилган бўлса ҳам, Нодири тахмисининг кейинги байтидаги мисралар тасвири билан узвийлик ҳосил қилган.

Хулоса қилиб айтганда, Нодири ижодий илҳомланган бош сарчашма Навоий шърияти бўлиб, унинг лирик мероси мавзу-мундарижаси, ғоя ва образлари эътибори билан улуғ шоир ижодига ҳамоҳанглик касб этган. Шоира ҳам тахмис яратишда мумтоз адабиёт анъаналарига қатъий амал қилган. Шу билан бирга ўзининг бадиий майлларига мослаштириш учун тахмис учун танлаган ғазали матнига таҳрир киритишга ҳам жазм қила олган. Бу билан тахмис учун танлаган ғазалидаги байтлараро поэтик фикр узвийлигига путур етказмаган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Навоий Алишер. Хазойин ул-маъоний. Ғаройиб ус-сиғар. Биринчи том. –Т.: Ўз Давлат Адабиёт нашриёти, 1963.
2. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 8-жилд. –Б. 302.
3. <http://quronov.narod.ru/dkitk3.html>

НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ ДОСТОНЛАРИНИНГ ТАРТИБИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Собиржон ТОҲИРОВ
(СамДУ)

Буюк мутафаккир ва шоир Низомий Ганжавий бошлаб берган ҳамсанавислик Шарқ мумтоз адабиётининг энг гўзал ва бой анъаналаридан биридир. Мазкур анъана ҳосиласи ўлароқ инсоният маънавий хазинаси беш юздан ортиқ нодир дурдоналар, ажойиб достон, қисса, романларга эга бўлди. Шу билан бирга, мазкур асарларни ўрганиш адабиётшуносликнинг ҳам алоҳида тармоғини, ҳамсашунослик йўналишини юзага келтирган бўлиб, бу соҳада ҳам жаҳон халқлари адабиётшунослигида юздан ортиқ йирик тадқиқотлар амалга оширилди ва ушбу хайрли иш ҳозир ҳам давом этмоқда. Шунга қарамай, ҳамсанависликнинг назарий қонуниятлари билан боғлиқ бир қатор муаммолар борки, улар ҳамон ўз ечимини кутмоқда. Қуйида ушбу кенг қамровли назарий муаммонинг бир жузви, яъни «Хамса»лар таркибидаги достонларнинг тартиби хусусида баъзи мулоҳазаларни ўртага ташламоқчимиз.

Маълумки, ҳамсанависликнинг асосий назарий қонуниятлари ўз ибтидосини бу анъананинг бошловчиси Низомий Ганжавийдан олади. Зеро, Низомий ҳамса таркибидаги достонларнинг мавзуси, вазни, композицияси ва тартибини белгилаб берди. Низомийга бағишланган тадқиқотларда унинг 572 ҳ. (1176 м.) йилда «Махзан ул-асрор» достонини, 577 ҳ. (1182-83 м.) йилда «Хусрав ва Ширин» достонини, 584 ҳ. (1188-89 м.) йилда «Лайли ва Мажнун», 593 ҳ. (1196-97 м.) йилда «Ҳафт пайкар» ҳамда 594-600 ҳ. (1198-1204 м.) йилларда «Искандарнома» достонларини ёзганлиги қайд қилинади. Аммо сўнгги достоннинг ёзилган даври ёхуд тўртинчи ва бешинчи достонларнинг ўрни, тартиби ҳақида адабиётшуносликда мунозарали фикрлар билдирилган.

Машҳур шарқшунос Е.Э.Бертельс ўз тадқиқотларида ушбу масалани атрофлича ўрганиб, «Искандарнома» ёки унинг «Шарафнома» ва «Иқболнома» деб номланувчи иккала қисми ҳам «Ҳафт пайкар»дан кейин ёзилган, деган хулосага келган ва бу хулосани кейинги тадқиқотчилар ҳам маъқуллайди. Аммо «Искандарнома» достонининг танқидий матни билан танишар эканмиз ёхуд кейинги ҳамсанависларнинг бу масалага муносабатини кузатар эканмиз, юқоридаги хулосага шубҳа уйғотувчи бир қатор асосли далиллар кўзга ташланади. Масаланинг моҳияти ҳақида ойдин тасаввур ҳосил бўлиши учун дастлаб

«Искандарнома»нинг «Ҳафт пайкар»дан кейин ёзилганлигига асос бўлувчи ёки асос қилиб олинган ҳолатларни кўриб ўтамиз.

1. «Искандарнома»нинг биринчи қисми «Шарафнома» достонининг «Рағбати Низомий ба назми «Шарафнома» деб номланган бобида куйидаги байтлар мавжуд:

*Басе ганҷҳои кўҳан сохтам,
Дар ў нуктаҳои нав андохтам.
Суйи «Махзан» овардам аввал басеч,
Ки сусти накардам дар он кор ҳеч.
В-аз ў чарбу ширини ангехтам,
Ба «Ширину Хусрав» даромехтам.
В-аз он чо саропарда берун задам,
Дари ишқи «Лайлову Мажнун» задам.
В-аз ин қисса чун боз пардохтам,
Суи «Ҳафт пайкар» фарас тохтам.
Кунун бар бисоти суханпарвари,
Занам қўси иқболи Искандари... (2. 78)*

Парчадан англашиладики, шоир «Шарафнома»ни «Ҳафт пайкар»дан сўнг ёза бошлаганлигини қайд этади.

Аммо достоннинг бир қатор эски қўлёзмаларида, хусусан, Тожикистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги 756 инвентар рақамли (2. 454) ҳамда В.Бахер тадқиқотларига асос бўлган қўлёзмада (1. 151) келтирилган парчанинг бешинчи, яъни «Ҳафт пайкар» ҳақидаги байти мавжуд эмас.

2. «Искандарнома»нинг иккинчи қисми («Иқболнома») хотимасида икки сана, аниқроғи, муаллифнинг ёши ҳақида икки маълумот мавжуд:

*Фузун буд шаш маҳ зи шасту се сол,
Ки бар азми раҳ бар духул зад дувол (3. 245).*

*Ба шаст омад андозаи соли ман,
Нагашт аз худ андозаи ҳоли ман.(3. 252)*

Биринчи байт Низомийнинг олтмиш уч ярим ёшда вафот этгани ҳақида бўлиб, унинг вафотидан кейин котиб томонидан қўшилган деб ҳам тахмин қилинади. Иккинчи байт эса достон тугалланган пайтда шоирнинг ёши олтмишга яқинлашганлигини, яъни достон шоир вафотидан уч йил олдин ёзиб тугалланганлигини кўрсатади.

Шу ўринда қайд қилиш лозимки, аксарият ҳолларда шоирлар ўз ёшларига ишора қилганда уни ўнли сонлар (йигирма, ўттиз, қирқ, эллик ва ҳоказо) билан ифодалайди. Бу эса ушбу сонларни айнан эмас, шунга яқин деган маънода қабул қилишни тақозо этади. Юсуф Хос Ҳожиб, Саъдий Шерозий, Абдурахмон Жомий ва бошқа бир қатор мумтоз шоирларнинг асарларида ҳам шу ҳолатни кузатамиз. Низомий асарларида муаллиф ёшига ишора қилувчи учта сана мавжуд бўлиб, булар қирқ («Махзан ул-асрор»), эллик («Шарафнома») ва олтмишдир («Иқболнома»). Бу ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

3. «Панж ганж» яхлит китоб шаклида кўчирилган аксар қўлёзмаларда «Искандарнома» охириги ўринда, бешинчи достон сифатида жойлаштирилган. Бироқ Низомий достонларининг яхлит китоб ҳолидаги нусхалари асосан XV-XVI асрларга тааллуқли эканлигини эътиборга олиш лозим бўлади.

Е.Э.Бертельс шу маълумотлар асосида «Искандарнома» сўнгги достон деган хулосага келган. Аммо юқорида айтилганидек, бир қатор фактлар бундай хулоса чиқаришга шубҳа уйғотади. Қуйида шулардан айримларини кўриб ўтамиз.

1. «Шарафнома» дostonнинг муқаддимасидаги «Дар ҳасби ҳол ва анжоми рӯзгор» бобида шоир ўз аҳволи ва соғлиги ёмонлашганлиги ҳақида гапириб, куйидаги байтни келтиради:

*Чу тарихи панжаҳ даромад ба сол,
Дигаргуна шуд бар шитобанда ҳол (2. 48).*
(Ёшим элликдан ўтгач, аҳволимда ўзгариш пайдо бўлди).

Албатта, бу рақамни шоирнинг айна пайтдаги ёши сифатида эмас, умуман хасталик кучая бошлаган вақт сифатида ҳам тушуниш мумкин. Аммо мазкур сананинг шу мазмундаги байтлар мавжуд бўлган «Ҳафт пайкар»да эмас, айнан «Шарафнома»да келтирилганлиги эътиборга лойик.

2. «Шарафнома» хотимасидаги «Насихати фарзанд» бобида (Ушбу бобни Е.Э.Бертельс кейинчалик қўшилган деб ҳисоблайди. Қаранг: 1. 119) куйидаги байтларни ўқиймиз:

*Ба ёд овар аз бозии ҳафтсол,
Ки бар чаими мо чун гузаит он хаёл.
В-аз он бо ту андарзҳо карданам,
Муфарреҳ ба ёқут парварданам.
В-аз он чордахсола гаштан ба ноз,
Чу моҳи шаби чордах чилва соз.
Дигарбора андарзҳо сохтам,
Сиҳисарверо сар барафтохтам.
В-аз ин ҳафда(ҳ) хасл оваридан ба даст,
Шуда ҳафда(ҳ) сола бад-ин сон, ки ҳаст.
Ба ҳар пойгоҳе, ки шоиста буд,
Хабар додамат он чи боиста буд.(2. 449 - 450)*

Ушбу байтларда шоир ўғли Муҳаммаднинг етти ёшлигида («Хусрав ва Ширин») ва ўн тўрт ёшлигида («Лайли ва Мажнун») унга панд-насихат қилганлигини эслатиб, ўн етти ёшида ҳам ушбу дoston воситасида унга йўл-йўриқ кўрсатаётганлигини қайд этади. «Лайли ва Мажнун» дostonи ҳижрий 584 (1188-89 м.) йилда битилганлиги инobatга олинса, юқоридаги сатрлар ҳижрий 587 (1191-92 м.) йилда ёзилган бўлади. Ушбу маълумот В.Бахер ва Е.Э.Бертельс тадқиқотларида ҳам тилга олинган. Е.Э.Бертельс бу матннинг саёз услубда ёзилганлигини асос қилиб, унинг Низомий қаламига мансуб эмаслигини айтади: «...тяжеловесность и неуклюжесть стихов ясно показывает, что они не могут принадлежать Низами» (1. 119). Бироқ бизнинг назаримизда, ушбу парчада Низомий услубидан тубдан фарқ килувчи ғализлик кўринмайди.

Бобнинг давомида яна куйидаги байтларни ўқиймиз:

*Китоби гаронмоя дори чаҳор,
Чудогона ҳар як зи ман ёдгор.
Бародар чаҳор аст, панчум туйи,
Гар аркон чаҳоранд, панчум туйи,
Ҳама коре аз довари дур кун,
Ба дастурие чор дастур кун. (2. 450)*

Ушбу байтларда Низомийнинг тўртта дostonи («Шарафнома» билан бирга) мавжудлиги қайта-қайта таъкидланган.

Юқорида тилга олинган боб кейинчалик котиб томонидан қўшилган бўлса, нима учун учта дostonида ўғли учун алоҳида боб ажратган шоир «Искандарнома»да бу ишни қилмади, деган табиий савол туғилади. Е.Э.Бертельснинг фикрига кўра (1. 123) «Иқболнома»нинг хотимасидаги ушбу мисралар (тагига чизилган) ҳам ўғлига бағишланган:

*Ду гавҳар баромад зи дарёи ман,
Фирӯзанда аз рӯяшон рои ман.
Яке исмати марями ёфта,
Яке нури Исо бар ӯ тофта.
Ба хуби шуд ин як чу бадри мунир.
Чу шамс он ба равшандили беназир. (2. 248)*

Аммо бу байтларда шоир икки қисмдан таркиб топган ўз достонини «тафаккур дарёсидан чиққан икки гавҳар» деб таърифламоқда. Қуйидаги байтлар ҳам шу фикрни тасдиқлайди:

*Ба навбатгаҳи шаҳ ду ҳиндуйи бом,
Яке муқбилу дигар «Иқбол» ном.
Фиристодаам ҳар ду ро назди шоҳ,
Ки ёқутро дурч дорад нигоҳ. (2. 249)*

Юқоридаги боб котиб ижоди маҳсули бўлган тақдирда ҳам, уни Низомий ва унинг достонлари, ўғли ҳақида яхши тасаввурга эга бўлган кишигина ёза олиши шубҳасиздир.

Айтилганлардан келиб чиқиб, «Искандарнома»нинг биринчи қисми бўлган «Шарафнома» достонини шоир эллик ёшдан ўтган пайтларда, тахминан ҳижрий 587-588 (1191-92 м.) йилларда ёза бошлаган ва 593 йилгача («Ҳафт пайкар» ёзилгунга қадар) ёзиб тугатган деб айтиш учун асослар бор.

3. Бу масалани ойдинлаштиришга ёрдам берувчи манбалардан яна бири кейин яратилган «Хамса»лар ва уларда билдирилган муносабатдир.

Низомийга илк бора назира боғлаган Хусрав Дехлавий бешинчи достони «Ҳашт биҳишт»да шундай ёзади:

*Ки аз он нақди қиммате ба се сол,
Кардам ин «Панч ганч» молломол...
Як-як ин «Панч ганч» то поён,
Арз кардам ба чашми доноён. (4. 430)*

Амир Хусрав Низомий достонларига бирма-бир, тартиб билан жавоб ёзганлигини таъкидлаб ўтади. Аммо унинг тартиби бўйича Искандар ҳақидаги достон («Оинаи Искандари») ҳеч бир изоҳсиз тўртинчи ўринда келтирилган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, Низомий ўз достонларини қандай тартибда ёзганлигидан қатъи назар, XIV асрдаги хамсанавислик анъанасига кўра якунловчи достон Искандар ҳақида эмас, Баҳром ҳақида бўлган.

Абдурахмон Жомий «Нафаҳот ул-унс» тазкирасида Низомийнинг «Искандарнома»си 592 х. (1196 м.) йилда ёзилганлигини қайд этган (1. 91). Шу билан бирга, Жомий «Хираднома»да шундай ёзади:

*Хираднома з-он ихтиёри ман аст,
Ки афсонахони на кори ман аст.
Зи асрори ҳикмат суҳан рондан,
Беҳ аз қиссаҳойи кўҳан хондан.
Зи Баҳроми Гўраш нарондам суҳун,
Накиштам ба боғи худ он сарвбун.
Чу маъмураи умр шуд хоктўд,
Зи меъмури «Ҳафт пайкар» чи суд?(5. 247)*

Жомий сўнгги достони Баҳром ҳақида эмас, Искандар ҳақида бўлганлигини изоҳлаб, афсонахонлик қиссахонликдан кўра ҳикматгўйликни афзал билганлигини таъкидлайди. Албатта, Жомий Баҳром сюжетига мурожаат қилмаганлигига изоҳ бериши табиий. Аммо бу изоҳни тўртинчи ёки шу баҳрда ёзилган «Сабҳат ул-аброр»да эмас, сўнгги достонда келтирилганлиги эътиборлидир.

Таҳлил этилган манбалар асосида шуни айтиш мумкинки, «Искандарнома»нинг сўнгги дoston эканлигини тасдиқловчи маълумотлар кўпроқ «Иқболнома» таркибида бўлса, иккинчи фикр ўз исботини «Шарафнома» таркибидаги маълумотлардан топади. Бу эса мазкур муаммонинг учинчи бир ечими, яъни «Искандарнома»нинг икки қисми икки даврда, «Ҳафт пайкар»дан олдин ва кейин ёзилмаганмикин, деган мулоҳазани ҳам текшириб кўришни тақозо этади.

Низомий Искандар ҳақидаги достонини бошлашдан олдин кўплаб шоҳномаю солномаларни, тарихий манбаларни кўздан кечирганлиги, ўз идеалига мос тимсол излаганлиги сир эмас. Шу жараёнда у Баҳром Гўр ҳақидаги маълумотлар, афсона ва ривоятларни ҳам кўриб ўтган. Айни шу пайтда, яъни Искандар ҳақидаги шоирнинг энг муҳим асари ёзилаётган фурсатда янги буюртма - Алоуддин Кўрпа Арслоннинг «пинҳоний ишорати» келади:

*Чун ишорат расид пинҳоний,
Аз саропардаи Сулаймоний.
Пар гирифтам чу мурғи болкушой,
То қунам бар дари Сулаймон жой.*

Сюжет жиҳатидан энг мураккаб ва воқеаларга бой катта ҳажмдаги достоннинг қисқа фурсатда ёзилганлигини шу билан изоҳлаш мумкин. Айни дамда шоирнинг молиявий қийинчиликда ҳаёт кечирганлигини, энг муҳим мақсадини амалга ошириш учун унга моддий ёрдам зарур бўлганлигини ҳам кўшимча қилиш мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, гарчанд битта мавзуда ёзилган бўлса-да, «Шарафнома» ҳамда «Иқболнома» муқаддима ва хотима боблари, бағишловларга эга бўлган алоҳида дostonлардир.

Бизнингча, «Шарафнома» «Ҳафт пайкар»дан олдин тугалланиб, алоҳида дoston сифатида машҳур бўлган, сўнгра эса шоир уни қайта таҳрирдан ўтказиб, «Иқболнома» билан бирга китобат қилган. «Искандарнома»нинг ёзилиш даври ҳамда ҳамса таркибидаги ўрни хусусида икки хил фикрнинг юзага келишини шу билан изоҳлаш мумкин.

Хуллас, Низомий Ганжавий «Искандарнома»си ёхуд унинг «Шарафнома» ҳамда «Иқболнома» қисмларининг ёзилиш даври ҳақидаги мавжуд фикрларни мутлақ тўғри деб бўлмайди. Унинг «Ҳафт пайкар»дан кейин ёзилганлигига ишора қилувчи фактлар билан бирга ундан олдин ёзилганлигини кўрсатувчи манбалар ҳам талайгина. Е.Бертельс таъкидлаб ўтганидек (1. 87), Низомийга доир тадқиқотларда маълум даражада тахминий фикр билдиришга тўғри келади. Аммо шу тахминлар орасидан имкон доирасида ҳақиқатга яқинроғини аниқлаш, танлаш ҳам муҳимдир. Зеро, бу форс-тожик ва туркий адабиётнинг юксак мавқеини таъминловчи аъёналардан бири бўлган ҳамсанависликнинг туб моҳиятини, поэтик кирраларини ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Низами и Фузули. – М.: ИВЛ, 1962.
2. Низоми Ганчави. Куллиёт. Чилди чаҳорум. – Душанбе: Ирфон, 1984.
3. Низоми Ганчави. Куллиёт. Чилди панчум. – Душанбе: Ирфон, 1984.
4. Дехлави. Осори мунтахаб. Чилди дуйум. – Душанбе: Ирфон, 1972.
5. Чоми. Осори мунтахаб. Чилди панчум. – Душанбе: Ирфон, 1964.
6. Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 17-том. – Т.: Фан, 1999.

НАВОИЙ ИЖОДИ АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ТАЛҚИНИДА

Отабек ЖЎРАБОЕВ

(ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат
адабиёт музейи)

Масала шундаки, Алишер Навоий асарларига Абдулла Қаҳҳор (1907-1968) муносабатини ёритишнинг ўз навбатида икки сабаби бор. Биринчиси, Навоий ижодиёти адабиётимиз чўққиси бўлиш билан бирга, бу даҳо ижодкорга кейинги, хусусан XX аср адилларининг муносабати ва унинг асарларини нечоғлик англай билганликлари қизиқ. Қолаверса, матн талқини ва уни тадқиқ этиш билан боғлиқ жараёни А.Қаҳҳор мисолида кузатиш.

Айтиш керакки, Абдулла Қаҳҳор XX аср ўзбек адабиётидаги Ойбек, Мақсуд Шайхзода ва Иззат Султон каби Навоий ижодиёти билан профессионал даражада шуғулланмаган. Унинг бу борада бирор махсус мақоласи ҳам маълум эмас. Бироқ ёзувчи қаламига мансуб бир неча асар бор ва улар орқали А.Қаҳҳор Навоий ижодий меросини нечоғлик яхши билганига амин бўлиш мумкин. Айрим асарларида эса улуғ шоирнинг бир неча асарларидан кўчирмалар келтирадигани, бу билан Навоийни теран англай олгани ва унинг асарларидаги ғояни тўғри ифодалашга интиганига гувоҳ бўламиз.

Ёзувчи “Барон Фон Ринг” фельетонига эпиграф сифатида қуйидаги байтни келтирди:

*Бировким тамаъ риштае қилғуси,
Анинг бирла бўғзидин осилғуси [1, 251]*

Бу “Садди Искандарий” достонининг 35-бобидан. Мазкур боб эса Искандарнинг жаҳонгирлик муддаоси билан Хуросон, Мовароуннаҳр ва Кашмирни фатҳ этиш учун юришлари, бу йўллардаги айрим саргузаштлари ҳақидадир.

А.Қаҳҳор фельетони 1942 йил, фашистлар Германиясининг дунёга дағдағаси авжига чиққан вақтда ёзилган. Асар қисқа. Унда Қаҳҳорга хос сатира билан фашистлар орзу қилаётган келажак сароб эканлиги кўрсатиб берилган. Уларнинг фотиҳлик иддаоси ва орий (олий ирқ)лик даъвосининг таги пуч эканлиги, бу айнан тамаъни ришта қилиб олганлик билан баробарлигига ишора қилинмоқда. Тарих ҳам буни исбот қилди. Яъни фашистлар айнан “бўғзидан осил”дилар.

Ўткир мунаққид Абдулла Қаҳҳор “Шакл ва мундарижа ҳақида” мақоласида арузий шеърлардаги мазмун-маънога тўхталиб, уларда ўзбекча сўзлар қанча-ю, араб ва форсча сўзлар нечта қўлланилаётганига эътиборни қаратади (А.Қаҳҳорнинг арузга муносабати ҳақида бошқа алоҳида мақола бор). Ушбу мақолада Алишер Навоийнинг биратўла учта байтини келтирадигани, бу билан ўз фикрини асослашга ҳаракат қилган. У дастлаб келтирган байт машҳур бўлиб, А.Қаҳҳор мақоласида шу шаклда берилган:

*Аширқат мин акси шамсул-каъс анворул ҳудо,
Солики роҳи ҳақиқат ишқи айлар иқтидо...[7, 186]*

Ушбу мақола кейинчалик А.Қаҳҳорнинг беш жилдлик асарлар тўпламининг охириги жилдига киргизилган. У эса 1989 йил нашрдан чиққан. Ваҳоланки, Навоий асарларининг йигирма жилдлик мукамал асарлар тўплами бу вақтда нашр этила бошлаган. Устига-устак, айнан мазкур ғазал ўрин олган икки жилд (“Бадойиёул бидоя” 1- ва “Ғаройибус-сиғар” 3-) 1987 ва 1988 йиллардаёқ китобхонлар кўлига етиб борган эди.

Албатта, матнни инжа тушунувчи Кибриёхоним бу нашрлардан хабардор эканлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Аммо нимагадир Қаҳҳор асарларини нашрга тайёрловчиси бўлган К.Қаҳҳорова Навоий ғазали матлаъсини аслиятдагидек – тўғри шаклда бермайди.

Асли эса қуйидагича:

*Аширқат мин акси шамсул-каъси ановорул-ҳудо,
“Ёр аксин майда кўр” деб, жомдин чиқти садо...[2, 29; 3, 25]*

Мазмуни: “Эрталаб чиққан куёш косасининг аксидан хидоят нурлари порлаб кўринди ва Худонинг жамолини унинг тажаллисида кўр, деб оламдан садо чиқди” [8, 13].

Абдулла Қаҳҳор келтирган байтнинг иккинчи сатри эса “Ҳақиқат йўлига кирган солиқ (йўловчи) ишққа иктидо (эргашиш) қилиши керак” деган мазмунда келмоқда.

Афсуски, ёзувчи архивида мазкур мақоланинг кўлёмаси сақланиб қолмаган. Шунинг учун, К.Қаҳҳорова тайёрлаган матнга кўра шундай хулоса қилиш мумкинки, Абдулла Қаҳҳор ўз мақоласида Навоий матлаъсини келтиришда анъанавий ва машҳур девон матнидан эмас, бошқа бир нусхадан фойдаланган. Шунга кўра, байтнинг иккинчи мисраси маълум нашрларниқидан фарқ қилади.

Аммо кейинги келтирилган матлаъ аслиятга мувофиқ. У улуғ шоирнинг “Бадоеъул-васат” девонининг 314-ғазалидандир.

*Эй, жамолу нозу ишванг бир-бирдан хўброқ,
Қоматинг марғубу андин пайқаринг марғуброқ...* [4, 227]

Кейинги келтирилган қўшмисра “Маҳбулбул-қулуб” асарининг 123-танбеҳида берилган маснавийнинг дастлабки икки сатридир.

*Хирадманд чин сўздин ўзга демас,
Вале бари чин ҳам дегулик эмас...*

Шеърнинг тўлиғи эса шундай:

*Хирадманд чин сўздин ўзга демас,
Вале бари чин ҳам дегулик эмас.
Киши чин сўз деса зебо дурур,
Неча мухтасар бўлса, авло дурур* [5, 125].

Гарчанд ёзувчи ўз нуқтаи назарини акс эттириш учун мисол тариқасида бу мисраларни келтирсада, фикримизча, улар Қаҳҳор учун тасодифий шеърлар эмас. У мумтоз адабиётни, айниқса, Навоийни яхши англаб ва доимо мутолаа қилар эди. Кибриёхонимнинг хотирлашича:

“Абдулла Қаҳҳор шеърятни яхши кўрар, Навоий, Муқимий, Фурқат, Бобурнинг жуда кўп ғазал, рубоийларини ёддан билар эди...” [9, 68]

Бу эътирофга шахсан тўлиқ ишонаман. А.Қаҳҳор уй-музейидаги ёзувчи кутубхонасида Муқимийнинг шеърлар тўпламини кўплаб саҳифаларига ёзувчи турли белги ва қисқа фикрлар битиб қўйилганини кўрганман. Ҳақиқий билимдон ўқувчи китобни шундай мутолаа қилади.

Адиб 1941 йил ёзилган “Поэзия – юксак санъатдир” мақоласида таъкидлайди:

“Бирдан ялт этган шоирдан катта аланга чиқишини кутдик. Лекин афсуски, мана шу алангани кўрмадик ва кўрмаётимиз. Чустий ҳамон «йилт» этганича турибди. Унинг аланга олишига кўп нарсалар халал бераётинти. Бу халал бериб турган нарсалар уни кўзга шу қадар майиб қилиб кўрсатадики, ҳатто Навоий айтган тиндаги шоирлардан ажратолмай қолади киши.

«Яна адно табақасида жамоатедурларким, назм била фақат кўнгуллар хушнуд ва хурсанд, розию баҳраманддурлар. Ва юз машаққат бирла бир байтким боғлаштургайлар, ва даъво овозасин етти фалакдин ошургайлар. Сўзларида не ҳақойиқ ва маориф нўшидин ҳаловат ва назмларида не шавқ ва ишқ ўтидин ҳарорат. Не шоирона таркиблари аҳсан ва не ошиқона сўзу дардлари шуълаафкан. Баъзидин агар гоҳе бирар яхши байт воқеъ бўлур, аммо ўн онча ёмон даъво ҳам зоҳир бўлурки, ул ҳам зойеъ бўлур.

Агар бир нозук маънида писандида печ қилур, аммо ўн онча нописанд даъво била ани ҳам ҳеч қилур. Гўё ўзларига ақидада мувофиқдурлар ва сўзларига эътиқодда муттафиқ. Турфароқ буқим, ҳар бирининг сўзида маъно озроқ ва ўзида даъво кўпроқ...» («Маҳбулбул қулуб»)

Чустийнинг алангаланишига тўсқинлик қиладиган нарсаларнинг биринчиси, Навоий айтгандай «даъво овозасин етти фалакдин» оширгани, иккинчиси саводсизлигидир...” [7, 59-60]

Бу ўриндаги шоир Чустийга нисбатан А.Қаҳҳорнинг танқиди баҳсимиз мавзуи эмас. Бироқ таъ-

кидлаш жоизки, муаллиф ўз фикрини ҳам аниқ, ҳам тўғри, ҳам етарли далил билан асослаб берган. У келтирган парча эса “Маҳбуб ул-қулуб”нинг “Назм гулистонининг хушнағма қушлари зикрида” дея аталувчи қисмининг охирги ўринларидир[5, 26].

Не тонгки, А.Қаҳҳор Навоийдан жуда ўринли далил келтирган. Бу мақоланинг номига ҳам, у ёритаётган мавзуга узвий боғлиқдир.

Худди шу мақоласида у яна ёзади:

“Маълумки, замон ўтиши, давр алмашуви билан кишиларда фикр ўзгаради. Ҳозиргидек бурунги шоирлар ҳам ўқувчининг ҳиссига таъсир қилиши учун аксари унинг ўзида бўлган тайёр ҳисдан фойдаланганлар. Масалан, маълум давр кишиларида Худо, Каъбага нисбатан маълум бир ҳис бўлган. Шунинг учун:

*Муаззин Каъба тоқи узра гулбонги самад урди,
Бараҳман дайр айвонида оҳанги санам чекти.*

деган мисралар уларга таъсир қилган.”[7, 60]

Эътибор қилинса, мақола ҳали манфур Сталин қатағонлари давом этаётган йилларда ёзилмоқда. Бу вақтда бутун бошли мақолада ўтмишда халқимизнинг эътиқодий қарашига дахлдор фикр айтиш ва “Худо”, “Каъба” сўзларини келтириб, исбот учун Навоий байтини бериш жасорат ва ҳақгўйлик эди.

Абдулла Қаҳҳор жуда усталик билан, бадийий приём ишлатиб фикр маромини эътиқодий заминга бурмоқда. У “маълум давр” деб ўтмишга ишора қилса, шу юрт шоирлари ўша ўтмишдош шоирларнинг авлоди эканлигини ҳам эслатиб, уларнинг эътиқодий қарашлари бадийий адабиётда, хусусан шеъриятда баралла бўй кўрсатганига ишора қилмоқда. Энг муҳими “маълум бир ҳис” доимо бўлишини таъкидламоқда. Буни энди ёзувчи Навоийнинг “Наводир уш-шабоб” девони 606-ғазалидан келтирган байт билан далилламоқда [6, 437]. Албатта, мақолани бир қур кўз югуртирган китобхон ундаги танқид билан андармон бўлиб, мақоланинг асл муддаосидан бебахра қолади. Лекин матнга теран назар ташланса, унинг матностидан мазмунлар чиқиб келади.

Ёзувчининг “Ғап арузда эмас” мақоласида (у 1946 йил ёзилган) шоир Собир Абдулла шеъриятига танқидий нигоҳ бор. Аммо мақоланинг сарлавҳасиёқ арузни эмас, муқаддас тилимиз бойликларини билмай, муносиб асар ярата олмаётган ижодкорларни танқид қилингани сезилади. Унга кўра: *“Шўро даврида ўсган, шўро мактабида ўқиган, шўро ёзувчиси деб аталган шоирни нима учун шўро даври китобхони лугатсиз ўқиёлмайди? Шўро даври ёзувчиси асарни кимга деб ёзади? Жаҳон адабиёти классикларининг энг машҳур асарлариши бутун маъноси, гўзаллиги билан таржима қилишига яраган ўзбек адабий тили наинки Собирнинг анчайин фикрларини, сира ҳам мураккаб бўлмаган туйғусини ифода қилишдан ожиз бўлса?! Ўзбек тилида яшии фикр ва туйғуларни ифода қилиб бўлмайди, деган назарияни Навоий бундан беш юз йил бурун тор-мор қилган!”*[7, 76-77]

Хўш, муаллифнинг бу мулоҳазалари ҳозир ҳам ҳақ ва долзарб эмасми?! У тилимизнинг қудрати, жозибаси, гўзаллиги ва энг муҳим бадийий мукамал асар ярата оладиган мумтоз тил эканлиги исбот талаб қилмайдиган қонунлигини Навоий номи билан ҳақли кўрсатмоқда.

1956 йил ёзилган жуда қисқа ва сермаъно “Талант” номли нутқ-мақоласининг киришида эса: *“Биз бугун поэзиямизда кўпдан учирма бўлиб юриб, энди дадил қанот қоқаётгани, баъзан йиқилиб тушса ҳам, лекин шеърятнинг баланд чўққиларини кўзлаётган бирмунча ёшларимизни кўриб қувонгани йиғилдик.*

Ким билади, бу ерда кимлар ўтирипти экан! Ҳали чиқиб ўз асарларини ўқиб берадиган ёки кейинги шунақа йиғилишларда ўқигани навбат кутиб турган ёшлар орасида ўз замонасининг Навоийси, Пушкини бўладиган одам йўқ деб ким айта олади? Агар бўлса битта-иккитамикан?

Ўша муборак кунларга етишганимизда бугунги ва шунга ўхшаган бошқа йиғилишларимизни ўз замонасининг Навоийси, Пушкини бўлиб қолган одамлар ҳам эслайди, бу ерда унинг биринчи парвозини кўрган одамлар ҳам эслайди.

Ўшандоқ муборак кунларга етишишига умидимиз катта. Умид қилиши учун ҳамма шарт-имконият мавжуд: талантимиз бор, талантни ҳалқимиз бағрининг ҳарорати билан ундиради, ўстиради. Лекин талантни ўстириши аввало талант эгасининг ўзига боғлиқ.

Навоийнинг бир ҳикматли сўзи бор:

Гарчи қўшининг парвариши олам юзига оmdir,

Саҳрода қумгогу тикан, бўстонда сарву гул бутар.

Яъни: қўшининг нури барчага баробар бўлса ҳам, саҳрода тикану бўстонда сарву гул битади.

Бу жуда чуқур, жуда зўр гап, дўппини ерга қўйиб, **хўп** ўйлаб кўрадиган гап...” дея таъкидлайди [7, 102-103].

Мақола ёш истеъдод (талант)ларни тарбиялаш, камол топтириш ҳақида. Келтирилган матн давомида диққат этсак “ўз замонасининг Навоийси, Пушкини” жумласи икки бора такрорланади. А.Қаҳҳор урғу бермоқдаки, ҳар бир халқнинг абадий буюк шоири бўлади. Бу руслар учун А.С.Пушкин, биз учун Алишер Навоий. Ўсиб келаётган ижодкор авлод биринчи галда шулардан озуқа олган ҳолда, тарбияли равишда улғайиши зарур. Шундан сўнггина “ўз замонасининг Навоийси, Пушкини” чиқиши мумкин.

Бу фикрни қувватлаш учун эса “жуда чуқур, жуда зўр гап, дўппини ерга қўйиб, **хўп** ўйлаб кўрадиган гап”ни яъни ҳазрат Навоий байтини баёни билан келтиради. Ушбу кўшмисра аслида “Бадоеъ ул-васат” девонидаги 37-қитъадандир [6, 498]. Қитъага Навоий кўйган сарлавҳага эътибор берайлик: “*Шаҳ лутфи ом бўлса ҳам, барчага тенг тарбият бўлмасқа жиҳат айтур ва хуришиддин равшан далил кўргизур*”.

Гарчанд шоҳнинг оммага лутфи ҳақида сўз кетаётган бўлса-да, моҳиятан қитъанинг ўзи тарбия ва унинг маҳсули ҳақидадир. Демак, бу ўринда ҳам Абдулла Қаҳҳор улуғ Навоийнинг мутаффақирлик ва мураббийлик ёғдусини теран ҳис қилган ҳолда унинг энг мувофиқ битикларидан бирини келтиради.

Умуман, Навоийни тушуниш ва шарҳлаш даъвосида бўлмаган Қаҳҳор ўз чиқишларида Навоийни чуқур эҳтиром қилувчи, ҳассос англовчи сифатида кўзда ташланади. Юқорида келтирилган мисолларнинг ўзиёқ у Навоий ижодини яхши билгани ва доимо мутолаа қилиб турганига далолатдир.

Шу билан бирга у Навоийнинг халқимиз учун доимо ўрناق шахс эканлигига урғу берган. 1962 йил Республика матбуотида чиққан ашулачилик муносабати билан Камтар, Ямин Қурбон, Маъруф Қориев номли кўшиқчи шоирлар ўринсиз танқид қилинган мақолага жавобан “Ашула тўғрисида” номли чиқиш қилади. Унда жумладан шундай келтиради:

“Муаллифлар ҳеч бир далил-исботсиз Камтарнинг шеърларини ёмонга чиқариб, унинг «Унутма» деган шеърига сиёсий айб тақмоқчи бўлишади. Бу шеърда шундай сатрлар бор:

Ёш умринг ўтар, фасли баҳорингниунутма,

Халқингни безар қабру мазорингни унутма.

Бу: «Ёшлигинг ўтиб кетади, қабринг Навоий, Улуғбек қабри сингари халқингни безаши кераклигини унутма», деган сўз.

Мақола муаллифлари қоровул чақиршиади: «*Вой-дод, ҳозирги замон одамлари коммунизм қуришини қўйиб, қабру мазор тўғрисида ўйлаши керакли!*»

Бундан ортиқ шаллақилик, бундан ортиқ шармандароқ «тоғорабозлик» бўлмас!” [7, 169].

Мақоладаги ҳажвий оҳанг остида эса миллий меросимизни ҳар турли йўл билан топташга интилаётган мустабид шўро тузуми мафқураси тарғиботчиларига зарба берилмоқда. Иккинчи жиҳатдан эса мумтоз адабий ва маданий меросни асраш миллат фарзанди бўлган барчага бурч эканлигига ишора қилинмоқда. Инчунин, “Шижоат ҳақида” мақоласида у келтиради (мақола 1963 йил ёзилган): “*Улуғ Навоий ҳаққониятга келганда, вазирлик либосини ечиб ташлаб «қора халқ» қучоғига отилган...*” [7, 179]

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 11-т. –Тошкент: Фан, 1993.
2. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 1-т. –Тошкент: Фан, 1987.
3. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-т.–Тошкент: Фан, 1989.
4. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-т. –Тошкент: Фан, 1990.
5. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 14-т. –Тошкент: Фан, 1998.

6. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 4-т. –Тошкент: Фан, 1989.
7. Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Беш жилдлик, 5-ж. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989.
8. Н.Комилов. Маънолар оламига сафар (Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар). –Тошкент: Та-
maddun, 2012.
9. К.Қаҳҳорова. Чорак аср ҳамнафас. –Тошкент: Ёш гвардия, 1987.

МУҲАММАД ҒОЗИЙ ИЖОДИДА НАВОИЙ АНЪАНАЛАРИ

Назмия МУХИТДИНОВА

(СамДУ)

XV-XVI асрларда Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур томонидан ўзбек адабиётида тугал ва асосли равишда ўрнатилган ижодий анъаналар XVIII-XIX асрларда Қўқон шаҳрида марказлашган адабиётда ҳам ўзининг тарихий давомини топди. Шу мавзуда фикр юритар экан йирик ўзбек адабиётшуноси академик А.П.Қаюмов шундай сўзларни ёзади: «Шарқ поэзияси, шу жумладан, Ўрта Осиё халқларини поэзияси ўтмиш классик адабиётининг баракали таъсири остида ривожланди. Ҳоҳ Ўрта Осиёда, ҳоҳ Эронда, ҳоҳ Ҳиндистонда бўлсин, бирор шоир улуғ Шарқ классикларини Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Бедил, Фузулий ва бошқа машҳур сўз усталарининг мактабини ўтмай туриб поэзия майдонига чиқмаган. Ҳар бир кўзга кўринган шоир ижодининг камолотга етишувида бу устозлар ижодининг самарали таъсири катта аҳамиятга эга бўлган. Шунинг билан бирга, ҳар бир шоир у устозларидан шеърият таълимини олар экан, ўз ижодий интилишларига кўра яна унинг ҳар бирига алоҳида ихлос қўйди. Шу сабабли айрим шоирлар ижодида шарқ классик шоирларидан биронтасининг таъсири бошқалардан кўра тўлароқ ва аниқроқ сезилиб туради». [6. С.29]

Ғозий девонини ўрганиб чиқиш натижасида унинг ижоди ўзбек адабиётининг энг баланд чўкқиларидаги сарчашмалардан, Алишер Навоий каби ўзбек шеърияти мактаби асосчилари дарсхоналаридан баҳраманд бўлмаганлиги ҳақида фикр туғдирмайди. Бинобарин, адабий ворисийлик тарихий нуктаи назаридан изчил ва мунтазам давом этиб келган ҳодисадир. Қўлига қалам ушлаган шарқ барча ижодкорларининг ғоявий мақсади йўналтирилган масала битта – инсон қалби, инсон камолоти. Ғозий девонидаги бир қатор шеърлар унинг бевосита Ҳазрат Навоий ижодий услубидан баҳраманд бўлганлиги, ижодкорлик мактаби анъаналари ва хусусиятларини шеъриятига сингдирганлигидан далолат беради. Маълумки, бадиий таъсир ғоятда кўп қирралидир. У ғоявий уйғунлик, шакл яқинлиги кўринишларига эга бўлади. Шу билан бирга у бадиий восита ва образлардан фойдаланиш соҳасидаги яқинликда ҳам кўзга ташланади. Шу нуктаи назардан Ғозий девонидаги шеъриятга назар ташлайлик. Унда буюк Навоий руҳида ва услубида ёзилган асарлар анчагина. Шоирнинг «бўлмадим» радибли ғазали ижтимоий руҳдаги, муаллифлар олам эли ва нокомил жамиятдан шикоят оҳанглари билан суғорилган:

*Ўтти умрум ёримнинг базмига маҳрам бўлмадим,
Етти жон чиқмоққа у бир лаҳза ҳамдам бўлмадим.*

*Ғам сафоли ичра қилдим нўш заҳроби ситам,
Шукрким миннат раҳини соғара жамъ бўлмадим.*

*Олам аҳли айшу ишрат бирга шоду бир нафас,
Мен нечук бахти қародурменки беғам бўлмадим...*

Шу мазмунда девондан яна бир ғазал ўрин олган. У шундай бошланади:

*Ўтти умрум даҳр аро афсус нодонлиг била,
Қолғони сарф ўлди андуҳу пушаймонлиг била.*

*Рўзгорим тийра, бахтим қора, иқболим нигун,
Жамъ қилсун хотирин сунбул паришонлиг била...*

*Рўбарў бўлмай жаҳон аҳлина ким ойна ҳам,
Соф эмас гаммозлигдин мунча ҳайронлиг била...*

Бу ғазаллар Ҳазрат Навоийнинг чуқур ижтимоий мазмуни билан ижод этилган «Ваҳки, умрум...» деб бошланувчи ғазалига бадиий услуб, тил, мазмун-моҳият жиҳатидан ниҳоятда яқин. Учала ғазалда ҳам битта ғоя - аҳли даврон ва даврон носозлигидан шикоят ва комил жамият кўриш орзуси, асосий лирик қахрамон (шоирлар ўзи) ва бошқа бадиий тимсолларнинг айнан ўхшашлиги, халқона унсурларининг уйғунлиги кўзга ташланади. Навоий ғазалига диққат қилайлик:

*Ваҳки, умрум борча зойиъ бўлди эл коми била,
Бодаи ноб ўрнида хуноба ошоми била.*

*Кимса юз йил комронлиқ қилса билким арзимас,
Даҳр аро бир лаҳза бўлмоқлиқ биров коми била...[2. С.553]*

Шу мазмундаги Ҳазрат Навоийнинг яна бир ғазаллари:

*Кечти умрум нақди гафлат бирла нодонликка ҳайф,
Қолғони сарф ўлди андуҳу пушаймонликда ҳайф.*

*Жонга бир душворлиқ қўймай риёзат ранжидан,
Сарф бўлди нақди авқотим таносонликда ҳайф...[1. С.324]*

Шу тарика, ғазалларни бошидан охиригача бир-бирига қиёслар эканмиз, поэтика талабларининг барча жиҳатларидан улар ўртасида ўзаро уйғунлик, яқинлик борлигининг гувоҳи бўламиз. Алишер Навоийнинг сеvimли маъшуқа бевафолик кўрсатиб, ошиғини тарк этгани, бу воқеа сабабли ошиқнинг чеккан нолаю афғонлари, ўз аҳволдан зору нола шикояти ифода этилган ғазаллари девонларида анчагина. Уларда ошиқнинг ҳасрат – надомати, маъшуқага нисбатан таъна ва маломати ўз аксини топган. Хусусан, қуйидаги матлаълар билан бошланувчи ғазаллар шу мазмунда ижод этилган:

*Вою юз минг войким, тарки муҳаббат қилди ёр,
Билмайин қолдим мену қилмай хабар айрилди ёр...[1. С.206]*

Яна шундай бир ғазал:

*Не учун тарки муҳаббат қилди моҳим-билмадим,
Бу газабким айлади моҳим, гуноҳим билмадим...[3. С.441]*

Ҳазрат Навоийнинг девонларида ҳам «тарки муҳаббат» мавзусида буюк шоир услубига ҳамроҳ тарзда яратилган ғазаллар мавжуд. Шундай ғазаллардан баъзиларининг мақтаълари:

*- Фигон, эй дўстларким, ёр тарки ёрлиг қилди,
Мени душман санаб душманлара гамхўрлик қилди;
- Тарки меҳр этмиши нигори лоларухсорим менинг,
Мақсади ким, муддаоси эрмиши озорим менинг...*

Тарки муҳаббат қилган ёрни қўйиб, бошқа бир ёр иташ, кўзлаш мавзусида буюк шоир ва унинг халафи девонида келган ғазаллар ҳам вазн ҳам бадиий тимсол, ҳам санъаткорлик унсурларининг ғоятда ўхшашлиги билан ворисийликнинг ўзига хос кўринишини намоён этади:

Навоий:

*Эй кўнгул, келким иков бўлуб нигоре кўзлали,
Сарв қадде истабон, сийминузоре кўзлали... [1. С.624]*

Ғозий:

*Эй кўнгул, кел биз иков аҳд қилиб ёр ўлали,
Ишқдин ўзга наким вор эса безор ўлали...*

Навоий:

*Ёрлиғ кўз тутқонимиз кўзлади чун ўзга ёр,
Бизда ҳам кўз бор,бориб, бир ерда ёре кўзлали...*

Ғозий:

*Бевафолиқ йўлини тутти умид этганимиз,
Меҳр ила ошиқи бир шўхи вафодор ўлали...*

Ғазаллар мавзуси, тарзу услуби жуда ўхшаш. Фақат Навоий ғазалида ошиқ кўнглини дўст тутиб, биргаликда бир ёр топишни илтимос қилса, Ғозий шеърида ошиқ кўнгиллар ўзи билан дўст-ёр тутинишини илтимос қилмоқда.

Қуйидаги байтларда ҳам бир мазмун - ёрнинг қилдек ингичка бели ва жуда кичкина оғзи ҳақида сўз боради. Маъшуқа гўзаллиги ифодачиси бўлган бу тимсоллар икки шоир ижодида икки хил бадиий лавҳада намоён бўлади. Навоий фарди:

*Белу оғзингдин дедилар ким, дегил афсонае,
Бошладим фиҳолким: «Бир бор эди, бир йўқ эди». [3. С. 832]*

Бу ерда «бир бор» деганда ингичка белни, «йўқ» деганда оғизни англаш лозим. Шу мазмунда Ғозий яратган лавҳа:

*Белу оғзин сўз эли гаҳ вор дерлар, гоҳ йўқ,
Вору йўхи садқасидур йўх ила ворим менинг.*

Ғозий девонида шарқ фалсафасининг бутун борлиқ оламлар ва сарвари коинот бўлмиш инсоннинг яратилиши, муваққат руҳларнинг мутлақ руҳга сингиб кетиши мазмунини ифода этилган, ваҳдати вужуд, илоҳий тажалли тушунчалари ифода этилган ҳамдлар мавжуд эканлиги ҳақида сўз юритган эдик. Шу мазмун девондан ўрин олган бошқа йирик ғазалларда ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, илоҳий тажаллининг бадиий ифодаси гўзал бир тарзда намоён бўлган Навоийнинг машҳур «Очмағай эрди жамоли, оламаро кошки, Солмағай эрди бори оламга ғавго кошки» [2. С.631] матлаи билан бошланувчи ғазалига ғоявий, мазмунан ва тарзу услубда мутаносиб Ғозийнинг ҳам бир шеъри мавжуд эканлиги аён бўлди. Бу ғазал Султон Ҳусайн Бойқаро фармони билан XV асрда ташкил этилган ўзига хос мушоира-қўриқнинг XVIII – XIX асрлардаги давоми сифатида ҳам кўзга ташланади. Ғозий ушбу шеъри билан гўёки Ҳазрат Навоий даврида ва ундан кейинги даврларда «Очмағай эрди...» ғояси билан ёзилган ғазаллар қўриқ-танловида иштирок этади. Мана ўша ғазал:

*Очти бурқаъ юзидин ул санами лола узор,
Партави оразидин даҳр ўла рашки гулзор.*

*Тавба қилдинг, эй кўнгул, бодаи ноб ичмакдин,
На қилурсен кела гул фаслию айёми баҳор.*

*Хату холу қаду рухсорини кўргач на қилай,
На шикебу, на сукун қолди на сабру на қарор,*

*Йигласам ёр солур қошина юз чини газаб,
Ўла су вермак ила рост қилич жавҳардор.*

*Хотирим гарди қудуратдин эмас бир дам соф,
Сарнавиштим мени гўёки эрур хатти губор.*

*Тиларам чора кунун бир мену ёлғиз бошим,
Бир тараф хайли гаму бир сори фавжи азёр.*

*Жому май, шоҳиду не менга керак, эй зоҳид,
Сенга лозим фашу мисвоку асоу дастор.*

*Раҳм эдиб ҳолини сўр, лутф этиб шод эда кўр,
Ўргулай, Ғозийи мотамзададин айлама ор.*

Ғозий девони яна бир жиҳатдан Навоий шеърӣ услуби анъаналарини ўзида мужассам этди. Маълумки, лирик жанрларда мустаъзодни Алишер Навоий кашф этган. Буюк шоир ўзининг «Мезон ул-авзон» асарида «ва яна бу халқ орасида бир суруд бор экандурким, ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазида анга байт боғлаб битиб, анинг мисраидин сўнгра ҳамул баҳрнинг икки рукни била адо килиб, суруд нағомотиға келтирурлар эрмиш ва ани “мустазод” дерлар эрмиш» [4. С.582], -дея ғоят дилписанд ва ниҳоятда руҳафзо бир ғазал тури бўлмиш мустаъзод ҳақида маълумот беради. Ўзининг биринчи девони «Бадоеъ ул-бидоя»га бу жанрдаги асарнинг мукамал бир намунасини яратиб киритади. Шу тариқа бу жанр ташаккули ва таракқаетига асос солади. Ана шу жанрга тааллуқли асарнинг ажойиб намуналарини Ғозий ҳам ижод этган. Шоир девонида ўзбек, тожик тилларида ва ширу шакар услубида ижод этилган 11 мустаъзод ўрин олган.

Муҳаммад Ғозий ўтмиш мумтоз шеърӣти ғоявий-бадий анъаналаридан баҳраманд бўлгани ҳолда, ўзининг хусусий жиҳатларига ҳам эга бўлди. Алишер Навоий анъаналарини ўзида мужассам этди ва давом эттирди. Унинг инсонпарварона ижоди ўзбек шеърӣтининг муҳим тарихий қисми ҳисобланади ва кейинги даврлар қалам аҳли учун ўзига хос мактаб вазифасини ўташи мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Алишер Навоий, МАТ. X жилдлик, 1-жилд. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – 764 б.
- Алишер Навоий, МАТ. X жилдлик, 2-жилд. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – 772 б.
- Алишер Навоий, МАТ. X жилдлик, 4-жилд. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – 840 б.
- Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. ТАТ 10 жилдлик. Мезон ул-авзон. 10-жилд. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.
- Қаюмов А. Ғозий. – Т.: ЎзФА нашриёти. 1959. – 145 б.
- Ғозий. Девон. Қўлэзма. ЎзФАШИ қўлэзмалар бўлими. Инвентарь №121.

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ СОДИҚИЙ ИЖОДИГА ТАЪСИРИ

Тўлқин СУЛТОНОВ
(СамДЧТИ)

Алишер Навоий адабий мероси билан энг яқин алоқада бўлган илк озарбайжон шоирларидан бири Содиқий тахаллуси остида қалам тебратган Содиқбек Афшор (1533-1610) олий навоиёна услубдаги ғазалларга муносиб назиралар битган.

Содиқий шеърларига Алишер Навоий поэзияси таъсири юзасидан тадқиқот олиб борган озарбайжонлик олима Жаннат Нағиеванинг фикрича, Содиқийнинг «бўлғай кошки», «кошки», «этдинг», «қолмади», «субҳ» радибли ва бошқа ғазаллари фақат радифу қофия жиҳатдан эмас, балки мазмун, ғоя ҳамда бадиий санъатларни қўллаш нуктаи назаридан Навоий услубига уйғун ҳисобланади [8,162].

Шунингдек, Содиқий 1597-1598 йилларда шоҳ Исмоил I ҳукмронлиги даврида Эрон, Озарбайжон, Ўрта Осиё, Туркия, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ҳудудларида форс-тожик ва туркий тилларда ижод қилган шоирларни дунё аҳлига танитиш мақсадида Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари услубида озарбойжон тилида муқаддима, 369 шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи саккиз мажмаъ ҳамда хотимадан иборат «Мажмаъ ул-хавос» тазкирасини ёзган [11, 183].

Алишер Навоийнинг «Ғаройиб ус-сиғар» девонидан ўрин олган «Сихҳатим озурда жононимда бўлғай кошки» [3, 447] мисраси билан бошланувчи ғазалига Содиқбек Афшор Содиқий томонидан жавоб тарзида ёзилган «Menzilim dergahi-cananımda bolğay kaş ki» [9, 52-53] («Манзилим даргоҳи жононимда бўлғай кошки») сатри билан ибтидоланадиган назирани жанрий унсурлар, шеърий санъатлар, бадиий ғоя ва образлар тасвири нуктаи назаридан қиёсий таҳлил қилиш орқали ўзбек ижодкори анъаналарининг озарбойжон шоири ижодига бўлган таъсирини очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Навоийнинг «Сихҳатим озурда жононимда бўлғай кошки» мисраси билан бошланадиган ғазали етти байтдан иборат бўлиб, илоҳий ишқ мавзусида битилган. Ушбу ғазалда мажоз йўли билан Илоҳга бўлган муҳаббат ифода этилган бўлиб, унда ошиқнинг ёрга бўлган фидойилик ва юксак эҳтиром туйғулари ифодаланган руҳий ҳолати гўзал тасвир билан акс эттирилган. Матлаъдан бошланган хоксорлик, жонфидолик ва балогардонлик истаги талқини мактаъга қадар юксалиб, авжланиб боради.

Ғазал ўзбек мумтоз шеъриятида кенг қўлланилган рамали мусаммани маҳзүф, яъни «фоилотун – фоилотун – фоилун» вазнида (тактеъи: –V – – /– V – – /– V – – /– V –) ёзилган бўлиб, унда «бўлғай кошки» бирикмаси радиф сифатида саккиз ўринда қўлланилган. Қофияда келтирилган сўзлар асосидан еттитаси («жононимда – жонимда – гирёнимда – хиромонимда – найистонимда – жонимда – афғонимда») – форс-тожикча, биттаси («султонимда») – арабча бўлиб, матлаъдаги мисралар ўзаро ва бошқа байтларнинг жуфт мисралари мабдаъга мутаносиб тарзда қофияланган.

Озарбайжон шоири Содиқбек Содиқий Алишер Навоийнинг мазкур машҳур ғазалига назира боғлаш чоғида айни қофия, вазн ва ғояни қўллаш орқали фақат назира эмас, балки оригинал асар ёзганлиги маълум бўлади. Озар шоири назирасининг етти байтдан иборатлиги ва «жононимда», «жонимда», «афғонимда», «султонимда», «жононимда» қофияларининг ишлатилиши навоийона услубдан дарак берса, «меҳмонда», «ёнимда», «ёнимда» оҳангдош сўзларининг айнан қўлланилиши ғазалнинг ўзига хос жиҳатини ташкил этади. Лекин Содиқий негадир назиранинг иккинчи байтида оч қофия («меҳмонда») қўллаган. Аслида, мазкур қофияда ҳам бошқа қофиялардаги каби I шахс бирлик шаклидаги эгалик кўшимчаси (-им) бўлиши керак эди. Озарбойжон шоири ғазалнинг шаклий тузилиши жиҳатдан ҳам Навоийга эргашган.

Ҳазрат Навоий ғазали матлаъси ошиқ сиҳат-саломатлигининг озор чеккан жононида бўлишини орзу қилиши билан бошланади. Лирик қаҳрамон севгилисига шу қадар фидокорки, ёрининг нозик қалбини азоблаётган барча дарду аламларнинг тиниб-тинчимас ўз жонига жо бўлишига ҳам тайёр. Ҳақиқий ишқ туфайли ғамгин ошиқ қалбига маънавий ҳузур бахш этган илоҳий ғамга ташналик истаги

тасвирланган риндона ғоя байт мазмунининг қат-қатига сингдирилганлиги лирик қахрамон ишқининг камолот чўққисига етганлигидан далолат беради. Зеро, ҳақиқий ошиқ учун маъшуқани азоблаётган хасталиқдан уни фориг этиш – шараф, унинг жонини ўртаётган дард юкини ўз зиммасига олиш – олий савабдир. Шунингдек, илк байтда **иштиқоқ** (*жонон, жон*), **таносуб** (*дард, озурда*), **ташхис** (*сихҳатнинг озурда жононда бўлиши ва дарднинг тинмағур жонда бўлиши*), **радд ул-ажуз илал-аруз** (*биринчи мисра охиридаги «бўлғай қошки» сўзларининг кейинги мисра якунида келтирилиши*), **сифатлаш** (*тинмағур жон*) ва **тазод** (*сихҳат, дард*) санъатларининг қўлланилиши мисраларнинг оҳорийлигини таъминлаб, бадиийлик даражасини юксалтирган:

*Сихҳат*²⁵³им *озурда*²⁵⁴ жононимда бўлғай қошки,
Дарди анинг тинмағур жонимда бўлғай қошки [3, 447].

Содиқий Алишер Навоийнинг ғазалига назира битиш жараёнида матлаъда «жононимда – жонимда» оҳангдош сўзларини айнан келтириш орқали салафининг ижодига бўлган улкан муҳаббатини намоён қилган. Озарбойжон шоири Навоийдан фарқли равишда назиранинг илк байтида манзилининг жонон даргоҳида бўлишини таманно қилади, шунингдек, ошиқнинг жони маъшуқа учун доимий манзилга айланишини илтижо қилади. Навоий тасвирлаган ошиқ ранж чеккан ёрига ўз сихҳатини фидо этиб, унинг дарди учун жонининг макон бўлишини исташ орқали камтаринлик фазилатини намоён этган бўлса, Содиқий талқинидаги лирик қахрамон эса жонон даргоҳининг муқим фуқаросига айланиш ёхуд ўз жонини маъшуқанинг манзилгоҳига айлантиришни орзу қилишини ифодалаши баробарида жасоратли ҳамда реалистик образ эканлигини билдирган. Озар шоири қаламидан туғилган мабдаъда **ташхис** (*манзилнинг ёр даргоҳида бўлиши, ошиқ жонининг ёрга манзил бўлиши*), **таносуб** (*манзил, даргоҳ*), **иштиқоқ** (*жонон, жон*), **радд ус-садр илал-хашв** (*биринчи мисра бошидаги «манзил» сўзининг иккинчи мисра ўртасида қўлланилиши*), **радд ул-ажуз илал-аруз** (*биринчи мисра охиридаги «бўлғай қошки» сўзларининг кейинги мисра якунида келтирилиши*) сингари шеърини санъатларнинг қўлланилиши Содиқий поэтик маҳоратининг юксаклигидан далолат беради:

Mənzilim dərgahi-cananımda bolğay kaş ki,
Ya ona mənzil mənim canımda bolğay kaş ki [9, 52].

Ўзбек тилидаги матн:

*Манзилим даргоҳи жононимда бўлғай қошки,
Ё анга манзил маним жонимда бўлғай қошки.*

Навоий талқинидаги лирик қахрамоннинг ёрига бўлган фидокорлиги даражама-даража ошиб боради. Ошиқ ёри учун юзта найзанинг йиғлоқи кўзига азоб беришига (**иккинчи байт**), кўздан селдек оққан ёшда жилваланган Яратган хуснининг қомати сарвдек келишган маъшуқасида бўлишига (**учинчи байт**), ёрига озор берадиган киприкнинг офат чакмоғида ёнишига (**тўртинчи байт**), ёрининг бошидан то оёғигача камраб олган барча қийинчиликларнинг ўз жонида бўлишига (**бешинчи байт**), маъшуқанинг висолдан баҳраманд бўлиш учун фиғонига жонини фидо этишга (**олтинчи байт**), умрининг юзтаси султонида бўлишига (**еттинчи байт**) ҳам розидир.

Содиқий талқинидаги лирик қахрамон устозининг тасвиридаги ошиққа нисбатан анча жасоратли ва ҳақгўй. Озарбайжон шоири маъшуқасига фақат ўзи фидойилик кўрсатмасдан, ёрида ҳам бу фазилатнинг бўлишини назира давомида истаб боради. Жумладан, Содиқийнинг **иккинчи байтда** жононининг ҳам меҳмондорчиликда иштирок этишини, **учинчи байтда** кўзларининг манзили бўлган чашмаларнинг ёнида бўлишини, **тўртинчи байтда** кўнгли ёнаётганлиги сабабли маҳбубасининг доимо ёнида бўлишини, **бешинчи байтда** бераҳм маъшуқанинг оху афғонига кулоқ солишини, **олтинчи байтда** са-

253 **сихҳат** – саломатлик, тўғри.

254 **озурда** – озор чеккан, ранжиган, хафа бўлган.

мимийлик фазилатининг бераҳм султонида бўлишини, **еттинчи байт**да манзилининг жонон даргоҳида бўлишини орзу қилганлигида яққол сезиш мумкин.

Умуман олганда, Алишер Навоийнинг юксак поэтик анъаналари озарбайжон мумтоз шоирларига илҳомбахш манба бўлиб хизмат қилиши натижасида озарбайжон адабиётида асрлар давомида дурдона асарлар юзага келган. Буни Алишер Навоийнинг «*Сихҳатим озурда жононимда бўлғай кошки*» мисраси билан бошланувчи миллионлаб мухлислар қалбидан муносиб ўрин олган ғазалидан адабий таъсирланган ҳолда Содиқбек Содиқий томонидан ёзилган «*Mənzilim dərgahi-cananımda bolğay kaş ki*» («*Манзилим даргоҳи жононимда бўлғай кошки*») сатри ила ибтидоланадиган назиранинг ғоявий-бадий муқоясаси мисолида имкон қадар очиб беришга ҳаракат қилдик. Содиқий Навоий ғазалларидаги мавзу ва ғояларни янгидан қаламга олиш орқали бебаҳо асарлар яратди ҳамда озарбайжон мумтоз шеърияти тадрижий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Йигирма жилдлик. Биринчи жилд. Бадойиё ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. – 689 б.
2. Алишер Навоий. Йигирма жилдлик. Иккинчи жилд. Наводир ун-нихоя. – Тошкент: Фан, 1987. – 622 б.
3. Алишер Навоий. Йигирма жилдлик. Учинчи жилд. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988. – 575 б.
4. Алишер Навоий. Йигирма жилдлик. Хазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. – Тошкент: Фан, 1989. – 526 б.
5. Çınarcı Mehmet Nuri. Sâdıkî-i Efşârın Tebriz Milli Kütüphanesindeki Külliyyatı ve Türkçe Manzumeleri. // Turkish Studies, 2012, Volume 7/3, Summer, p. 813-835.
6. Gandjei Turhan. Sadıkî Afşar'ın Türkçe şiirleri // Türkiyat Mecmuası, 1971, XVI, s.19-26.
7. Məhəmməd Tahir. Türklərin ülum və fünuna xidmətləri. – İstanbul, 1327 (=1909). – 246 s.
8. Nağıyeva Cənnət. Azərbaycanca Nəvai. – Bakı: Tural-Ə, 2001. 264 s.
9. Sadiq Bəy Əfşar. Şeirilər (transfoneliterasiya və fotofaksimile). Nəşrə hazırlayan: Paşa Kərimov. – Bakı: «Nurlan», 2010. – 80 s.
10. Serpil Yazıcı Şahin. Sâdıkî Afşar'ın Doğu Türkçesinde Yazılmış Şiirleri. // Turkish Studies – International Periodical For the Languages, Literature and History of Turkish or Turkic, Volume 8/13 Fall 2013, p. 1645-1741.
11. Султонов Т. Навоий ва Содиқий. // «Навоий ижоди ва қиёсий таҳлил масалалари» илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: TAMADDUN, 2017, 182-202-бетлар.

IV. АЛИШЕР НАВОЙ ИЖОДИНИНГ ЖАҲОН ТАМАДДУНИДАГИ ЎРНИ, ШОИР АСАРЛАРИНИ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА ТАРЖИМА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

MY WONDERS ON GHAZALS BY ALISHER NAVOIY

Kambon OBAYANI
(USA)

It has been said, that “with language comes culture”, and therefore when a writer delves into His/her cultural reservoir, and emerges with a cultural dipper carrying a pulsating heart which throbs with melodic images from

his/her pathways to the soul, inroads to the scenic landscape of the writer's life, people, love, environment, one is transformed... I am a lover of language, of sound, imagery, and through reading the Ghazals by Alisher-Navoiy, I have been transformed!

I have read the 21 ghazals of Alisher Navoiy, by American translator Dennis Delay and published in USA on the internet. Though I was slightly acquainted with Uzbek literature, I had never heard of this amazing poet. Once I got this book, I couldn't keep my mind from wondering while reading it.

For example "Fortune's wheel halts heavily before your dark eyes:

My soul suspended in the
absence of those eyes.

Life promising potions concocted into poison.

Bringing me nearer to
death, unveil your dark eyes...

One is immersed in the halting of life because of this woman's striking eyes, which hangs the Poet's inner being into space... a space where what one would normally think of life as providing something positive, her eye's beauty is so powerful that it transforms life into something lethal, which can end the poet's life because it threatens his/her life force. Others who want her beauty, "sutors", are mesmerized by the windows to her inner whirlpool, "ravishing eyes"... The poet no longer has access to her "alien beyond my borderland", bringing him to "salt spiked tears". The writer, here, has been overwhelmed, by love, but rejected by it, and in turn is left on the island of wanting, admiring the beauty of her eyes, of her soul, from a far. I thought of what Walt Whitman told poet, who sought him out for counsel in writing "you need to have your heart broken to really write about love"... Navoiy portrays this exquisitely, and opens a vein into my heart. This master writer again turns to love when he begins in another ghazal :

"Lost in my love's absence,
I feel her in my heart.

Her teasing words touch the pulse of my lonely heart".

Again love... The loss of love, the search for love, the hunt and chase of love, the conquest of Love..

"Now your tresses have snared me, held me to your heart"... "breathless, I search in vain for love's lost tokens"...
Those who suffer, lovers all, are no different"... and the resolve..

Give thanks for those long moments that still fill your heart"...

How romantic! How poetic! How indicative of the cultural poet who reflects the immensely intense emotional longing this wordsmith has for the enchanting women of his culture, his land, emanating from the heart-beat of its life givers...

Navoiy then turns his gaze to nature, and the effect it's searing existence has on the poetic vision, shaping his consciousness...

"Tulip fields blaze the face of my soul's fire.

Sunsets sear across the sky, touch the earth with fire.

Light radiates through that flesh-façade to essence.

Without fortune and prospect, I ignite with the fire".

Nature connects with the poet and ignites the embers within the poet's sensibilities.

His "caravan defenseless to the coming fire"... "A lightning flash has struck and changed me utterly". The poet questions nature's power, as the power within oneself is always questioned when one is confronted with one's powerlessness.

Having traversed the globe many times, but never having tasted Uzbekistan soil, placing my toes in its body, feeling its texture, I found myself visualizing the Uzbek soil, contemplating its forces, how it, as nature, eases its strength into one's veins, as it did to Navoiy. The next ghazal again addresses love, but with more intensity; the direct intensity of loss, and recalled the words of poet.

I see with my heart,

but my heart has no eyes.
Sightless heart,
Guiding me down pathways of love.(KO)

Navoiy says:

“God of grief, my love has left, oh my beloved!
She has taken my life, left her distraught beloved”.

Navoiy then questions himself “Was it my weakness that lost me my beloved?”

Then concludes, “Take this lesson: avoid the cruelty of love”. An artist, especially those gifted with the word, cannot avoid love, forsake love, because it is love which stokes the fire’s coals, giving it, the fire, and the poet, life, and inspiration.

Navoiy then looks into his mirror, and sees it is the poet’s lifestyle which has snatched love from him and tossed it into the dirt.

“Know this well, Navoiy, your wanderings are to blame:

The same road is now companion to your beloved”.

The author implies that creativity is both a blessing and a curse; a blessing in the loveliness which exudes through one’s medium. A curse in the never ending pursuit of beauty, forever beckoning the poet to follow. Navoiy intricately knows the complexity of love, and the duality of the loved, and this is evident in the ghazal which begins with this line;

*“She carries infinite worlds of woe and trouble,
The lightness of her eighteen years- all trouble’
Even as this complex woman matures, her temperament remains.
“Twice eighteen, her beauty will continue to shine
From her dark imaginings, rolling with trouble..” and,
“A hundred times her age and a monarch of beauty,
She’ll still complain and see only doom like trouble’.
This woman, whom the poet loves, has another feature
“A lovely handiwork, untouched by flaw or trouble.
But a stone heart of profane, reasonless trouble”
His escape is steeped in fate inspired Sufi thought
“Wine! Give me more wine to face these solemn wonders
And duck the diving bats in this world of trouble”
“you cannot control your tears that pour forth-
each tear encompasses her splendor, your trouble”.*

The good and bad, the joy and pain, the hurt and the ecstasy, are essential elements of love, the loved, and being loved. This is life, and therefore accept it, as love, and a woman who embodies these contradictions with a drink of wine, and keep living.

Alisher Navoiy personifies the beauty of one who understands and conveys, through his native language, which was different from his era, the majesty and richness of his land, the striking exoticism and regality of the obsidian eyed, raven haired women from his culture, country, along with man’s limitations against nature. The moon effects water, as we, as humans, are 90% liquid, and therefore he knows nature’s power. Such poetic lyrical language is exquisite.. Such imagery profoundly touching, and moves the poetic soul to tears. I found myself wishing to see this land which inspired these ghazals, and to lift my head upward, if I’m ever in Uzbekistan, and smell this country’s richness, pervading the air. I also long to study this poetic form, and to humbly gaze upon the women blessed with the night’s regality, reflected in eyes and hair, which inspired this master. And finally, for those who’ve inherited Alisher Navoiy’s tradition, I salute you with hands across my heart, and head bowed, for you carry the seeds of songs sculpted in mystic lyricism, and gardens of romantic flowers, rooted in love.

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ ФРАНЦУЗ ШАРҚШУНОС ОЛИМЛАРИ ТАРЖИМАЛАРИДА

Холбеков МУҲАММАДЖОН

(СамДЧТИ)

Ёркиной НАСИРДИНОВА

(АДУ)

Француз шарқшунос олими, доктор Реми Дор ўзбек фольклори ва мумтоз адабиёти дурдоналари намуналаринидан бир нечтасини француз тилига таржима ва таҳлил қилиш билан шуғулланиб келади.¹ Олим 2006 йил Алишер Навоийнинг муаммоларини француз тилига таржима қилиб, изоҳлар билан нашр эттирди.

Муаммо санъати дунё адабиётида турли ном ва турли шаклларда ривожланган. Масалан, Францияда ушбу харфий ўйинлар XV асргача қўлланилиб, шоир ва ёзувчи исми харфлари шеър мисраларига яширилган ва “яширинган имзо” (signaturepengin) деб номланган. Мисол тариқасида, ўрта асрларда яшаган шоир Француа Вийоннинг деярли барча асарлари анаграмма номи билан юқоридаги жанрда ёзилган. XVII-XVIII асрга келиб мазкур санъат тури Францияда бироз эскирган ва унутилган бўлсада, Россия ва Италияда анаграмма, акростих ва бошқа харфий ўйинлар шаклида ривожланди. Ҳозирда ҳам бу мамлакатларда ушбу илми ўрганувчи кўплаб уюшма ва жамиятларни топиш мумкин.

Доктор Реми Дор муаммо илмининг дунё адабиётида икки тоифага бўлиниши ва уларнинг алоҳида ўрганилишини таъкидлаб ўтади.²⁵² Биринчи тоифага топишмоқлар мансуб бўлиб, уларда маълум бир сўз яширинган бўлса, иккинчи тоифадаги муаммоларда харфлар яширинган ва улар ўзбек адабиётидаги муаммо санъатига мос келади. Француз олими М.Бернассони яширинган сўзни топишга қаратилган етти жанр борлигини билдиради.³ Улар маълум бир сўзнинг бир сўзнинг бошқа сўз билан алоқаси, охангдошлиги, келиб чиқиши, харфлар ва товушлар сони билан боғлиқ.²⁵⁶ Бу сўз ўйини француз тилида «*griphos*» - харф сўздан олинган логогриф (le logogriphe) деб номланади. Логогриф қадимдан маълум бўлган адабий ўйин бўлиб, бир сўзга харфлар қўшиш ёки айириш орқали янги сўз ясалади. Таржимон бир лотин кишининг дўстига ёзган хатидаги логогрифни келтиради: « mitto tibi navem proga puppique carentem», «мен сенга тумшуксиз ва қуйруқсиз кема юборяпман». Лотин тилида кема сўзи «navem» деб аталади. Унинг тумшуги *n* харфини ва қуйруғи *m* харфини олиб ташласак *ave - салом* сўзи хосил бўлади. Бу адабий санъат тури ўзбек тилидаги муаммоларда ҳам кенг ифодасини топган.

Муаммоларни француз тилига ўгириш жараёнида Реми Дор учун асосий манба Л.Зоҳидовнинг «Алишер Навоий ижодида муаммо жанри» қўлланмаси бўлди. Муаммолар эса Навоийнинг «Девони Фоний», «Рисола-и Муфрадот», «Наводируш-шабоб» асарларидан олинган. Бу уч асарда келтирилган муаммолар сони 500 дан ортиқ бўлиб, 121 таси «Рисола-и Муфрадот»да қайд қилинган.

Доктор Реми Дор жаноблари Навоийнинг форсий муаммоларининг Л. Зоҳидов томонидан ўзбек тилига ўгирилган таржималаридан фойдаланганлигини айтса ҳам, аммо у кўпроқ аслиятга таяниб иш тутганлигини таъкидлаб ўтади. Баъзи ҳоллардагина муаммо ечимига оид кўрсатмаларга асосланди. «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати», «Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат», Э. Фозиловнинг «Староузбекский язык», “Хорезмские памятники XIV века», француз тилшуноси Жилбер Лазарнинг «Dictionnaire persan-francais, Teheran, 1996 (форсча-французча луғат) луғати муаммоларни француз тилига ўгиришда ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилган. XV аср ўзбек шеърятига хос характерли хусусиятларни

255¹Dor Rémy. Nourali le Preux et Marghoumon - Peri. Bilingue ouzbek-francais IFEAC 2005

Dor Rémy. Sarah-Rose la rosophile, virelangues d'Ouzbekistan. Paris. 2005

Dor Rémy. L'Enigme du Nom Propre. (Муаммо)Langes Mondes IFEAC. 2006

Dor Rémy. Un seul corbeau ne fait pas l'hiver. (Қадимгитуркий тилдан 100 мақол таржимаси). Paris, Langes du Mondes,2010

² Қаранг: Dor Rémy. L'Enigme du Nom Propre. (Муаммо)Langes Mondes IFEAC. 2006, 7 бет.

256³M. Bernasconi, Histoire des enigmes, Paris: PUF, 1964, p. 10

яхши тушуниш учун доктор Реми Дор ўзбек навоийшунос олими, профессор Э.Р. Рустамовнинг «Узбекская поэзия в первой половине XV века» номли асарни тавсия этади.

Доктор Реми Дор таржимага киришишдан аввал бошқа халқлар адабиётидан ҳам муаммо ҳақида маълумот тўплайди. Француз олими Гарсин де Тассининг «Rhetorique et prosodie des langues de l’Orient musulman» («Шарқ мусулмонларининг тили просодия ва риторикаси»), Paris, 1873, 2 edition, асарининг 3-боби логогриф ва унинг бошқа турларига бағишланганлигини айтиб ўтади. XVIII асрда ижод қилган форс шоири Мир Шамс уд-дин Фақир Дехлавийнинг «Ҳадоийқ ул-балоғат» асарини француз тилига таржима қилишда Реми Дор муаммо санъатига қуйидагича таъриф беради: «Ҳиндистон мусулмонлари шеърлятида, тўғриси айтганда, муаммо санъати кам ривожланган. Мазкур жанрнинг мураккаблиги туфайли, уни француз тилида беролмадим. Натижада берилган мисоллар аниқлигини баҳолаш қийин кечди. Шамс уд-дин Фақир Дехлавий берган маълумотлардаги камчиликларни Навоий ғоялари тўлдириб, менга муаммоларни ўгиришда сўқмоқни ёритувчи чироқ сингари хизмат қилди».

Реми Дор муаммо жанрини мураккаб, қоронғу, ноаниқ бир оламга ўхшатади. Унинг сўқмоқлари кўп бўлиб, жуда кам ўрганилган. Бу жанрда шоир ўзини эркин ҳис этади. У ўз ғояларини шунчалар қисқа, лўнда ифодалайдики, бир қарашда уни англаш қийиндек туюлади. Муаммо муаллифи кўпроқ жавоб, муаммонинг ечимини кўрсатади-ю, ечиш усуллари сир тутилади. Бунда муаммо ўқувчисига ҳам, таржимонга ҳам пухта билим ва кенг дунёқарашгина қўл келади. Шунинг учун Навоий даврида муаммо шоирлар бадий маҳоратини баҳолаш мезони вазифасини ўтаган. Жамият аъзолари учун эса ақлни чархлаш, фикрни такомиллаштириш воситаси бўлган, дея таъкидлайди Реми Дор жаноблари. Ҳазрат Навоий муаммоларининг ўзига хос таровати билан француз китобхонларини таништириш учун муаллиф қуйидаги таржима ишларини олиб борди.

“Аслида, ўзбек шеърларининг ҳар қандай турини француз силлабикасида аслият вазнига бир бўғин қўшиш орқали ўгириш мумкин, - деб ёзади доктор Реми Дор, - бироқ баъзи ҳолларда бўғинлар сони шеър мисралари учун умумий бўлиб қолади. Бу эса ўзбек шеърлятида бўғинлар сонига асосланган байтлар учун ҳар доим ҳам мос келавермайди. Таржимада урғу, аниқлик ва байтни чиройли ўқилиши учун, доим қатор охирига туширилади. Худди шу мақсадда таржимада француз тилининг ҳозирги замон луғати қўл келса-да, ушбу луғатдан топилмаган баъзи сўзларга ўқувчи қатта томли ўрта аср ва уйғониш даври луғатларини варақлаб юрмаслиги учун, изоҳ бериб ўтишни маъқул кўрдик”.

Реми Дор байтларда қофияни сақлашга ҳаракат қилди, баъзи ҳолларда эса фақат ассонанс – ҳамоҳанглик билан кифояланди. Ўзбек тилидаги қисқа товушларни ифодалаш учун француз шеърляти просодикасида учрайдиган эллизиядан (охирги ҳарфи унли бўлган сўзнинг унли билан бошланган сўз олдидан келганда, унли кетма товушлар келганда бир унлининг тушиб қолиши) фойдаланган. Бу эса кўпроқ вазн ўлчовини сақлаб қолишга ёрдам берган.

Доктор Реми Дор ушбу китобида ҳазрат Навоий асарларидаги тўқсон тўққиз муаммонинг мазмунини ечишга муваффақ бўлган. Ўз исмига ёзилган муаммони топиш учун ўқувчилар француз алифбоси тартибига асосан уни кидиришлари мумкин. Француз тилидаги таржимадан сўнг муаммонинг ўзбек тилидаги шакли келади. Ечим осон топилиши учун таржимон байтнинг форсий шаклини ҳам келтириб ўтади. Китоб охирида муаммо ечимига схематик тарзда калит берилади. Биринчи қаторда муаммо ечимига йўналтирувчи сўзлар, иккинчи қаторда муаммо тури, учинчи қаторда эса муаммони ечиш усули келтирилади. Илова қилинган изоҳлар қисмида ечимда топилган исмларнинг маъноси, келиб чиқиши ҳақида қисқача ахборот бериб ўтилади. Шу ўринда таржимон Э. А. Бегматовнинг «Ўзбек исмлари маъноси», Ф. Сумер «Турк давлатлари тарихида шахс отлари» (“*Turk devletlari tarihinde shahis adlari*”, Istanbul, 1999), Р. Ал-Ҳаят “Мағриб ва Ўрта Шарқда атоқли номлар” (R. El Khayat «*Le Livre des prenomms du Maghreb et du Moyen-Orient*», Casablanca, 2004) каби манбаларидан фойдаланганлигини таъкидлайди. Атоқли номлар маъносининг келиб чиқиш тарихига қизиққан ўқувчилар учун эса французча А.Фин, Ф.Р. Уэллетларнинг “Ҳозирги давр Ғарб мамлакатларида атоқли отлар” (*Le Nom dans la sociétés occidentales contemporaines*, Toulouse, 2005) қўлланмасини тавсия этади.

Доктор Реми Дор ўз таржимаси ва тадқиқоти сўнгида: “Алишер Навоий даври адабий ҳаракатчилигида муаммога яқин турган луғаз, таърих жанрлари, мақлуби муставий, ҳарф санъати каби санъатлар ҳам ривожланди. Шаклпараст, хушомадгўй сарой шоирлари маънога эътибор бермай, мақлуби муставий ва ҳарф санъати каби санъатларни қўллаб шаклбозлик билан шуғулланиб адабиётни тушкунликка судрасалар, прогрессив шоирлар луғаз ва таърих жанрида ҳам шеърятнинг ажойиб дурдоналарини яратдилар, мазкур санъатлардан ўз асарларида баъзи нозик маъно ва мавҳумликларни баён қилишда маҳорат билан фойдаландилар. Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Зайниддин Восифийлар лирикасидаги муаммо элементлари барча асарларни беэба туради. Буни биз Навоий лирикасида айниқса «Ҳайрат ул-аброр» асарида, Жомий ғазал ва қасидаларида кузатамиз” – деган хулосага келади.

Қуйида таржима намуналаридан келтириб, таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Интиқод қондасида муаммодаги маълум ишорага асосан маълум бир сўзнинг маълум бир ҳарфлари саралаб олинади. Қоидаларни французча тушунтиришда қулайлик учун, таржимон, ўзбек классик шеърлари таржимасида қофия учун фойдаланган сўзларни танлади. Мазкур сўзларни биз Реми Дор Бобурнинг “Мухтасар” асарига бағишлаган мақоласидан топишимиз мумкин. У сўзларни қуйидагича таржима қилди: *аввал – anterior, биринчи – premier, юз – face, бош – tete, можа – diademe, баланд – haut, аланга – clarte soudene, лаб – levre, рух – jouie* каби сўзлар билан ёки нарса-ҳодисаларнинг бошланиш, суюқликнинг устки қисмига ишора қилинган бўлса, сўзнинг биринчи ҳарфи олиб сараланади.

Масалан: *Одам исмига ёзилган муаммо.*

Аслият: *Дили моро чу ҳвани ваз жушташ,
Зи оҳу дарду миҳнат жу нахусташ.*

Ўзбекча таржима: *Дилимизни яна қидирмоқчи бўлсанг,
Энг аввал оҳ, дард ва меҳнатдан изла.*

Французча: *Si tu desires enfin retrouver notre coeur,
Quete au debut soupirs et peines et douleurs.*

Ўзбек тилида муаммода “оҳ”, “дард” ва “меҳнат” сўзларидан бош ҳафлар олиниб, **Одам** исми хосил қилинади.

Алишер Навоийнинг ғазал ва муаммоларидан ташқари, ҳикматли сўзлари (афоризм) ҳам француз тилига кенг таржима қилинган. Таржималарнинг айримларида фақат мазмун муқобиллигига эътибор берилган. Шунинг учун кўп ҳолда шакл муқобиллиги бой берилган. Масалан:

Аслият: *Билмаганни сўраб ўрганган олим,
Орланиб сўрамаган ўзига зolim.*

Таржима: *En decouvrant sur quelque point ton ignorance,
Va consulter un sage, etends tes connaissances.
Sinon, tu deviendras pour toi-même un tyran,
Et mourras dans la peau d’un sot, d’un ignorant.*

Аслият: *Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила.
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.*

Таржима: *Si quelqu’un t’enseigna ne fût ce qu’une lettre
Du livre de la vérité
Avec tout l’or du monde envers un pareil maître
Pourras-tu jamais t’acquitter?*

Баъзи ҳолларда таржимада шакл ва мазмун бирлиги сақланган:

Аслият: *Ҳам сўз ила элга ўлимдан нажот,
Ҳам сўз ила топиб ўлик тан ҳаёт*

Таржима: *La parole met fin aux pires désaccord.*

Elle peut arracher un cadavre à la mort .

Аслият: *Ҳар кишиким бировга қозгай чоҳ,
Тушгай ул чоҳ аро ўзи ногоҳ.*

Таржима: *Qui creuse un fossé sous le pied,
D'un autre, y tombe lui le premier*

Аслият: *Топсанг неча шоҳлар узра шаҳлих,
Фақр аҳлига айла ҳамраҳлих.*

Таржима: *Si par mirable tu deviens un roi puissant,
Aux pauvres sois toujours tendre et compatissant.*

Навоий муаммолари билан бир қаторда унинг ғазаллари ҳам француз тилига ўғирилди. Уларни Франция элчихонасининг маданият ишлари бўйича маслаҳатчиси, туркшунос олим, Баке Граммоннинг шогирди, ҳозирда Париж университетининг профессори Пьер Шувен жаноблари таржима қилган.

Таржимада ғазалнинг нафақат мазмуни, сюжети, шоир кечинмалари, балки унинг радифи ҳам сақланган. Бундан кўринадики, таржимон форс, араб тилларини мукамал билиш билан бирга аруз вазнининг нозик томонларини яхши тушунган. Хулоса қилиб айтганда, француз адабиётида ўзбек мумтоз адабиёти ва ўзбек фольклор асарлари таржималари сони кўпайиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Dor Rémy. Nourali le Preux et Marghoumon - Peri. Bilingue ouzbek-francais IFEAC, 2005.
2. Dor Rémy. L'Enigme du Nom Propre. Langes Mondes IFEAC. 2006.
3. Dor Rémy. Sarah-Rose la rosophile, vielangues d'Ouzbekistan. Paris. 2005
4. Dor Rémy. L'Enigme du Nom Propre. (Муаммо)Langes Mondes IFEAC. 2006
5. Dor Rémy. Un seul corbeau ne fait pas l'hiver. (Қадимги туркий тилдан 100 мақол таржимаси). Paris, Langes du Mondes, 2010.
6. Зоҳидов Л. Алишер Навоий ижодида муаммо жанри. – Т.: Фан, 1986.
7. Насирдинова Ё. Реми Дор – фольклоршунос олим ва таржимон. – Тошкент, 2015.

ТАРЖИМАДА ТРАНСФОРМАЦИЯЛАРГА САБАБ БЎЛАДИГАН ВАЗИЯТЛАРГА ДОИР

Носир ҚАМБАРОВ

Кейинги йилларда Алишер Навоий асарларини ғарб тилларига таржима қилиш бўйича анча ишлар амалга оширилди. Таржима қилиш билан боғлиқ жараёнлар муайян тажриба ва натижаларга олиб келиши табиий бир ҳол. Навоий асарлари ғарб ёки бошқа тилларга ўгирилар экан, таржима назарияси билан боғлиқ назарий масалаларга ҳам диққат қаратиш лозим бўлади. Масалан, шундай назарий масалалардан бири таржимада трансформациянинг ўрни бўлиб, мақоламизда унга эътибор қаратамиз.

Таржима жараёнида эквивалентлик ва муқобилликни таъминлаш учун турли ўзгартиришлардан фойдаланишга тўғри келади. Бундай ўзгаришлар таржимашуносликда трансформация тушунчаси билан номланади. Трансформацияларнинг миқдорини таржимашунос олимлар 2тадан 8тагача деб кўрсатишади. Бу трансформациялар матнда учрайдиган элементлар турига боғлиқ бўлиб, улар ўз ичига лексик, грамматик, стилистик ва бошқа шу каби ўзгаришларни олиши мумкин.

Таржимада қўлланадиган ҳар бир трансформация ўз асосига эга. Соҳа бўйича мавжуд адабиётларда таржимашунослар трансформацияга асос бўладиган турли сабаб ва заруратни кўрсатишади. Аксарият ҳолларда қайси таржима трансформациясини эътиборга олиш тадқиқотчининг олдига қўйган мақсадларидан келиб чиқади. Таржима трансформацияларининг турлича бўлиши тадқиқот чоғида уларни муайян туринигина илмий талқин ва таҳлил қилиш учун олишни тақозо этади.

Баъзи олимлар трансформацияга эҳтиёж прагматик мақсаддан келиб чиқишини таъкидлайдилар. Жумладан, Г.М. Стрелковский таржима трансформацияларининг қўлланишини қуйидагича изоҳлайди: «Таржимон аслиятдаги ахборот юборувчисидан ахборотни аниқ нутқ асари сифатида қабул қилади. Айни шу нутқ асарларида коммуникатив (мулоқот) мақсади амалга ошади. Бу дегани таржимон коммуникатив мақсадни бериш учун бир тилдаги нутқий асарни бошқа тилда ўзгартириши лозим бўлади. Таржимадаги аниқ талаб икки тил бирликлардагианоаниқлик билан белгиладнадиган функционал жиҳатдан бир-бирига мос келадиган бирлик билан бериш ҳисобланади» [Стрелковский 1979:272].

А.М.Фитерман ҳамда Т.Р.Левицкая таржима трансформациясининг 3 та тури, яъни лексик, грамматик ҳамда стилистик турларини ажратади (Левицкая, Фитерман 1973:136).

Л.К.Латышев таржима трансформацияларини 8 гуруҳга ажратади (стилистик, лексик, морфологик, синтактик, семантик ва аралаш тарнсформациялар) [Латышев 1986: 86]. Соҳа бўйича адабиётларда таржима трансформацияларига бошқача ёндашувлар мавжудлигини кўриш мумкин. Масалан, А.Д. Швейцер таржима трансформацияларининг ўрнига таржима сатҳлари ҳақида фикр юритишни кўпроқ маъқул кўради (Швейцер, 1973).

Турли сатҳда қўлланадиган таржиманинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Хусусан прагматик сатҳдаги таржима трансформацияси ҳақида фикр юритганда тушириб қолдирилган сўзалар ўрини қоплаш (компенсация), муайян лингвистик усулни бошқаси билан алмаштириш, аллюзияларни ўхшаш турлари билан алмаштириш, тасвирий, талқиний ва шу каби таржималар назарда тутилади.

Аниқлик киритиш, умумлаштириш, реалийларни алмаштириш, бир метафорани иккинчи бир метафора билан алмаштириш, метаномик ва метафорик трансформациялар референциал сатҳдаги трансформациялар сирасига киради. Бундан ташқари юқорида тилга олинган трансформацияларнинг комбинацияси ва биргаликда келиш ҳолларидаги трансформациялар ҳам буларнинг турларига киради.

А.Д.Швейцер стилистик сатҳни ажратиб, уни компрессия (фикрни сиқик бериш) ҳамда унинг акси кенгайтириш турларини ажратади [Швейцер 1973: 215].Я.И.Рецкер эса трансформациянинг фақат иккита турини тилга олади:грамматик ва лексик [Рецкер 1974:216].Р.К.Миньяр-Белоручев эса Я.И.Рецкер тилга олган трансформация турларига яна битта қўшимча қилади ва уни семантик трансформация деб атади. Трансформациянинг учинчи тури бошқа олимларда стилистик тарнсформация турига киритилади [Миньяр-Белоручев 1996:204].

Энди юқорида кўрсатиб ўтилган таржима трансформацияларига нималар сабаб бўлишини атрофлича кўриб чиқамиз.

Л.К.Латышев таржима трансформациясининг учта асосий сабабини кўрсатиб ўтган. Булар, унинг фикрича, ўз ичига қуйидагиларни олади:

1. Аслият ва таржима тиллари системасидаги фарқлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:
а) тилларнинг бирида бошқа тилга хос бўлган категория мавжуд бўлмаслиги мумкин;
б) айна бир категория ичида бўлиниш турлича;
в) қиёсланаётган тил категориялари маъно кўлами жиҳатидан бир-бирига тўлиқ мос келмаслиги мумкин;

2. Аслият ва таржима тилларидаги нормаларнинг (меъёрларнинг) фарқ қилиши. Норманинг бузилишига жумланинг маъноси тушунарли бўлиб, нутқнинг ногўғрилиги ҳақида фикр пайдо бўлганда дуч келамиз.

3. Аслият ва таржима тилида сўзлашувчилар муҳити ўртасида узуснинг тўғри келмаслиги [Латышев 1986:85].

Кейинги таржимашунос олим А.Ф.Архипов бошқа тилшуносларга нисбатан таржима трансформациялари қўлланишининг ўнга яқин, аниқроғи, саккизта сабабини таъкидлаб ўтган. Улар қуйидаги сабабларга асосланади:

таржима тилидаги бирикма ҳосил қилиш нормасини, яъни ҳарфма-ҳарф таржима қилишдан қочишга ҳаракат қилиш;

таржимани идиоматиклаштириш, яъни таржима тилида кўп қўлланадиган ибора ва конструкцияларни (қурилмаларни) қўллашга ҳаракат қилиш;

гапнинг уюшиқ бўлақларини тузишда тиллараро фарқни енгил зарурати;

таржима тилига ёт сўз яшаш намуналаридан қочишга ҳаракат қилиш;

фикр ифодалашнинг сунъийлиги, баъзи такрорларнинг ноэстетиклиги, ҳаддан ташқари қўполлиги, ноаниқлиги ва номатикийлигидан қочиш мақсадида;

таржиманинг лўндароқ бўлишига ҳаракат қилиш мақсадида;

(таржимани қабул қилувчига) муҳим қўшимча маълумотни етказиш ёки ортиқча маълумотни олиб ташлаш га ҳаракат қилиш масадида;

таржима қилиш мураккаб бўлган сўз ўйини ёки образлиликни қайта тиклашга ҳаракат қилиш мақсадида [Архипов 1991:84].

Т.Р.Левицкая ва А.М.Фитерманлар таржима трансформациясига мурожаат қилишнинг қуйидаги тўртта асосий муҳим сабабини тилга олиб ўтишган:

1. Икки - аслият ва таржима тили структурасидаги фарқ. Бу лексик-семантик жиҳатнинг ўзига хослиги биринчи навбатда ҳар бир тил сўз маъно структурасида намоён бўлади. Ҳар қандай сўз, яъни лексик бирлик қандайдир алоҳида эмас, балки тил лексик системасининг ташкил этувчи қисми, уни асосий элементи ҳисобланади. Бундан ташқари, турли тиллардаги тегишли семантик бирликлар турлича бирикмаларга эга бўлиши мумкин, яъни тил системасида турлича ўринга эга бўлиши мумкин.

2. Сўз маъно кўлами (ҳажмидаги) фарқ. Ҳар бир тилда ҳар бир сўзнинг мазкур тилнинг лексик-семантик хусусияти билан боғлиқ ўз ҳаёт йўли мавжуд. У мазкур тилнинг турлича лексик маъноларига эга бўлиши, у ўз маъносини торайтириши ёки кенгайтириши, уни аниқроқ ёки мавҳумроқ қилиши мумкин.

3. Бирикма ҳосил қилишдаги фарқ. Сўзлар мазкур тилга хос бўлган муайян ўзаро алоқада бўлади. Шунини таъкидлаш муҳимки, сўзнинг бирикма ҳосил қилиши улар ифодалаган тушунчаларнинг бир-бирига тўғри (мос) келган тақдирдагина юз беради. Бу мос келишлик турли тилларда турлича бўлади, битта тилда мумкин бўлган нарса, иккинчи тилда тўғри келмаслиги мумкин.

4. Ҳар бир тилга хос бўлган одатий сўз ишлатиш. Бу мазкур тилнинг тарихий ривожланиши, шаклланиши ҳамда лексик системаларининг ривожланиши билан боғлиқ. Ҳар бир тилда ўзига хос қолип

сўзлар яратилади, мазкур тилда сўзлашувчилар қўллайдиган худди тайёр формулаларга, сўзларга ва сўз бирикмаларга ўхшаган клишелар яратилади [Левицкая, Фитерман 1971:15].

Е.В.Бреуснинг фикрига кўра, таржима трансформациялари қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин: «Аслият мазмуни нафақат бошқа тил ифодаларига эга таржима муқобиллари ёрдамида, балки аслият семасидан фарқ қиладиган йиғиндилар ёрдамида берилади. Мана шуларнинг ўзи турли таржима трансформацияларидан фойдаланиш заруратини туғдиради» [Бреус 2002:208].

Турли таржимашунос олимлар томонидан келтирилган ҳамда юқорида келтирилган таржима трансформацияларидан фойдаланиш сабабларини умумлаштириш мумкин. Умумлаштиришни Л.К.Латышев тавсия этган 3 асосий сабабини кўрсатиб ўтаемиз: аслият ва таржима тили системаларидаги фарқлар, аслият ва таржима тил нормаларидаги фарқлар, тил соҳиблари ўртасидаги аслият ва таржима тилларидан узусларнинг фарқ қилиши (мос келмаслиги).

Юқорида айтилган фикрлар асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин. Таржима трансформацияларининг қайси бирини танланиши, унинг сабаб ва омиллари турлича бўлиши мумкин. Биринчидан, таржима трансформацияси тиллар системаси қанча яқин бўлса, уларнинг турига қараб сони шунча кам бўлади. Аксинча тиллар системаси бир-биридан қанчалик кўп фарқ қилса таржима трансформациялари шунчалик кўп бўлади. Иккинчидан аслият ва таржима тилларидаги сўзлар ва маънолари ўртасида фарқ мавжуд бўлганда таржима (лексик) трансформацияга, сўз тартиби ҳамда сўз туркумлари икки тилда фарқ қилганда грамматик трансформацияга, сўзларнинг бўёқдорлиги, маъно нозиклиги, сўзларнинг услубий қўлланиши фарқ қилганда эса стилистик таржима трансформациясига эҳтиёж сезилади.

Таржиманинг турли моделлари денотатив, коммуникатив, семантик, информатив (ахборот), тиллар муқобиллиги назарияси ҳамда таржиманинг трансформацион моделлари асосида таржиманинг эквивалентлик тушунчаси келиб чиқади, бу эса ўз навбатида таржима трансформациясининг моҳиятини белгилайди. Қўлланилган барча таржима трансформациялари бир мақсадга – таржиманинг адекватлигига, муқобиллигини таъминлашга хизмат қилади. Таржимада қандай трансформация қўлланмасин барчаси битта мақсадга, яъни адекватликни таъминлашга, таржима сифатининг юқори бўлишига қаратилган бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Архипов А.Ф. Самоучитель перевода с немецкого языка на русский. – М.: Высш. школа, 1991.
2. Бархударов, Л. С. Язык и перевод: Вопросы общей и частной теории перевода / Л. С. Бархударов. - М.: Международные отношения, 1975. - 237 с.
3. Бреус Е.В. Теория и практика перевода с английского языка на русский. – М.: Изд-во УРАО, 2002. – 208 с.
4. Комиссаров, В. Н. Лингвистическое переводоведение в России: Учеб. пособие. - М.: ЭТС, 2002. - 184 с.
5. Комиссаров В.Н. Теория перевода. – М., 1990.
6. Левицкая Т.Р., Фитерман А.М. Пособие по переводу с английского языка на русский. – М.: Высшая школа, 1973.
7. Рецкер Я.И. Теория перевода и переводческая практика. – М., 1974.
8. Стрелковский Г.М. Теория и практика военного перевода (Немецкий язык). – М.: Воениздат, 1979. – 272 с.
9. Стрелковский Г.М., Латышев Л.К. Научно-технический перевод. – М.: Просвещение, 1980.
10. Швейцер А.Д. Перевод и лингвистика. (Газетно-информационный и военно-публицистический перевод). – М., 1973.
11. Щетинкин В.Е. – М., 1987.

“НАВОИЙ-БЕНАВО” МАҚОЛАСИ ХУСУСИДА

Ровияжон АБДУЛЛАЕВА
(ЎзР ФА ТАФИ)

Мир Алишер Навоий нафақат туркий халқларнинг буюк мутафаккир шоири, балки бутун дунё эътироф этган Шарқ Фарб маъвосидир. Озорбайжон шоири Фузулий ўз девонининг дебчасида шамс ул-миллатимизни „Манзури шоҳаншоҳи Хуросон“ дея улуғлаган бўлса, европалик Хофман „Хиротнинг бахти“, „Хирот бошига қўнган бахт қуши“ („*Phönix von Herat*“) деб эътироф этган эди.

Гарчи, бетакрор истеъдод соҳиби Ҳазрат Навоий сайёрамизнинг энг кучли шоирлари қаторида эътирофга лойиқ кўрилатган бўлса-да, унинг бадиий ижодидан жаҳон шеършунослари тўлиқ бахраманд бўлаётган деб бўлмайди. Агар қиёсан айтилса, немисларнинг даҳо шоири Й.В. Гётеннинг „Фауст“ трагедияси, „Ёш Вертернинг изтироблари“ маҳзун романи, араб-форс маданий доира ижодкорлари таъсирида битилган машҳур „Фарбу Шарқ девони“ асарлари аллақачонлар ўзбекларнинг дил мулкига айланган. Умуман, Гёте адабий меросига муносабат билдирилмоқда. Монографиялар ёзилиб, диссертациялар ҳимоя қилинмоқда²⁵⁷. Асарлари ўгирилиб, қайта-қайта нашр этиляпти[□]. Бироқ Навоий узок танаффуслар билан немис юртига эндигина кириб бормоқда. Ижодий ва давлат арбобилик фаолиятига бағишлаб симпозиумлар ўтказилмоқда. Симпозиум материаллари жамланиб, илмий тўпламлар чоп этилмоқда.

2001 йилда ЮНЕСКО қарори билан оташзабон шоиримизнинг 560 йиллиги нишонланган эди. Ўша йили *Навоий йили* деб эълон қилинди. Шоир ижоди юзасидан мушоиралар, қизгин мунозаралар, учрашувлар бўлиб ўтди. Ижодидан намуналар Фарб ва Шарқ тилларга таржима қилинди. Мамлакатимизда шундай кўтаринки кайфият, қизгин ижодий жараён бошланиб, тантаналар *адабиёт байрамига* айланган эди. Ўзбек германистлари „*Уммондан дурлар*“²⁵⁸ таржималар тўпламини уч тилда яратдилар. Немис туркологлари эса Берлин ва Фрайе университетлари билан биргаликда симпозиум ташкил қилдилар. *Берлин, Франкфурт, Ҳалле, Лайпциг, Лондон, Майнц, Вен а* ва Германиядан ташқаридаги немис забон давлатлардан мухлислар маърузалар билан қатнашдилар. Маъруза матнлари қайта ишланиб, тўплам тайёрланди. Унда Б. К. Ҳайнкеле, Ю. Паул, К. Шўнинг, К. Рўмер, М. Кирхнер, З. Клайнмихель, Э. Таубе, Й. Гирлихес ҳамда Лондондан ташриф буюрган адабиётшунос ва таржимон Ҳамид Исмоиловларнинг тадқиқотларини ўқиш мумкин.

Маърузачилар эътиборни шоир ижоди ва унинг замондош дўстларига қаратиб, давр ижтимоий - сиёсий, адабий муҳитига яқинлашишга ҳаракат қилганлар. Тўпламда „*Мир Алишер Навоий - кечмишга (мозийга) бир назар*“ (Б.К.Ҳайнкеле), „*Темурий манбаларида ўзбеклар ифодаси*“ (Ю.Паул), „*Бобурномада Навоий образи*“ (К.Шўнинг), „*Марказий Осиё халқлари эртақларида Алишер Навоий*“ (Э.Таубе), „*Навоийнинг „Лайли ва Мажнун“и*“ (М.Кирхнер), „*XVI аср Чигатой Усмонли турк лугати „Абушқа“ да чигатой тилидаги феъл шакллари умонлича берилиши*“ (К. Рўмер), „*Мир Алишер Навоий даврида санъат ва архитектура*“ (Й. Гирлихес), „*Навоий асарларида очиқ ва яширин, сирли ҳолатлар*“ (Ҳ. Исмоилов), „*Навоий бенаво*“ (З.Клайнмихел) каби тадқиқотлар берилган. Ҳар бир тадқиқот асосида битта мақола ёзиб сериал тўплам яратиш мумкин. Аммо бу гал „*Навоий - бенаво*“ мақоласи хусусида тўхталмоқчимиз.

Авваламбор, „Алишер Навоий ва унинг жаҳон адабиёти ҳамда маданиятига қўшган ҳиссаси“ мавзуида ўтказилган Берлин анжуманини эслаш жоиз. Мазкур тадбир Берлин давлат кутубхонаси, Хумбольдт ва Фрайе университетлари, Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси ҳамкорлигида

257 Й.В.Гёте. Фауст (Э.Воҳидов тарж.) Ҳ.Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1 қисм. 1972; 2 қисм. 1974; Й.В. Гёте. Ёш Вертернинг изтироблари. – Т.: Янги аср авлоди (Я.Эгамова тарж., 2006; Й.В.Гёте. Муҳаббатнома. (Я.Эгамова тарж.) – Т.: Шарқ, 2013.; Я.Эгамова. Муҳаббат фарзанди. – Тошкент: Академнашр, 2016.

258 *Nawai A.*, „Die Perlen aus dem Ozean“ (Н.Пфеффер ва Й.Парда таржимаси). – Тошкент: Шарқ, 2000.

ташқил этилган. Анжуманда Германиянинг расмий, ижтимоий - маданий, илмий-академик, экспертлар ва маданий доиралари вакиллари, журналистлар, Ўзбекистон, АҚШ, Франция, Венгрия, Туркия, ХХР каби йирик давлатлардан шарқшунос, туркийшунос ва Навоийнинг мухлислари иштирок этдилар. Америка, Европа, Ўзбекистон олимларининг маърузалари тингланди. Германия университетлари профессорлари И. Балдауф, Э. Рагагнин, Б. К. Хайнкеле, Калифорния ва Будапештдан М. Тоутант, Б. Перилар Навоий номи Ҳомер, Данте, Шекспир, Гёте, Бальзак, Пушкин, Низомий ва Жомийлар қаторида туришини таъкидладилар. О. Мирсултон, К. Раухлар „Навоий асарлари қўлёзмалари ва Шарқ коллекциясида сақланаётган бошқа қимматли манбалар“ юзасидан маъруза қилдилар. К.П. Хаасе „Навоий давридаги Темурийлар саройида китобат санъати ва унинг бошқа санъатларга таъсири“ масаласини Навоий ва шоҳ Хусайн Бойқаро қўлёзмалари мисолида ёритган.

Анжуманда шоир Муҳаммад Али, А. Навоий номидаги Тош ДЎТАУ ректори Ш. Сирожиддинов, навоийшунос А. Эркиновлар қатнашган. Жаҳоннинг юксак минбарларида Навоий ижодиёти ҳақида ўзбек тилида маърузалар қилиш шоир руҳини шод айласа, ўзбек тилининг жаҳон аренасига чиқиши ҳар қандай маърифатли ўзбек қалбида фахр туйғусини уйғотади.

Энг кучли хорижий давлатлар илм аҳли қаторида профессор Ш.

Сирожиддиновнинг „Алишер Навоий ҳаётига қайта назар ёхуд юз йил тузатилмаган хатолар“ маърузаси, иштирокчиларда катта таассурот қолдиргани шубҳасиз. Навоийшунослик келажакда ҳам жаҳон миқёсида янги натижаларга эришишига ишонамиз. Буни З. Клайнмихелнинг: „... яна ва яна Алишер Навоий ижодига мурожаат қилавераман“ каби фикрлари ҳам тасдиқлайди. Хўш, анжуманда „Навоий – бенаво“ мақоласи билан қатнашган З. Клайнмихель илмнинг қайси йўналишида фаолият кўрсатади?

З. Клайнмихель Германиядаги етакчи турколог. Миллати немис. 29.04.1938 йилда Саарбрюкенда туғилган. Мактабни (1945-1955) Ҳемнитц, Берлин шаҳарларида, „Arbeiter und Bauern Fakultät II“ (1956) ни Ҳалледа ўқиган. Ленинград университетининг ориенталистика факультетига кириб, туркология йўналишини битириб чиқади (1961). У Хумбольдт университетида асистент (1962-1964), катта илмий ходим (1967-1974), Истанбулдаги ГДР Ташқи савдо палатасида таржимон (1964-1967) бўлиб ишлаган.

З. Клайнмихель Петербург университетида Иванов раҳбарлигида XIV асрда Эронда яшаб ижод этган шоир Шейх ўғлининг „Марзубон-нома“ асари юзасидан „Марзубон-нома“ да фонологик, морфофонологик ва морфологик проблемалар“ мавзусида диссертация ҳимоя қилган. Эски турк тилини форсчадан эски усмонличага таржима қилиб, „Марзубон-нома“ асарини лингвистик таҳлил қилган. У ГДР ФА Адабиёт тарихи институтида (1974-1991) илмий ходим бўлиб ишлаган. У олимларнинг „Қурилиш ва координациялаштириш ташаббусларининг интеграцион дастури“ да (1992-1993) муҳим лойиҳалар устида ишлаган. Проф. И. Балдауф билан Хоразмга сафари (1990 -2000) натижасида „Хоразмда „халпа“ Фарғона водийсида „отин ойи““²⁵⁹ асари дунё юзини кўрди.

Диссертация ёзиш жараёнида олима темурийлар даврини, хонлар саройидаги ижтимоий-сиёсий аҳволни ўрганиб чиққан. „Навоий бенаво“ тадқиқотигача турк шоири Аҳмад Пошшо ва Алишер Навоий ораларидаги ижодий муштаракликни кузатган. „Навоий ва Аҳмад Пошшо“, „Ўзбек шоири - исми Чўлпон, Чўлпон -тонг юлдузи демек“²⁶⁰, „Навоий кулги ҳақида“²⁶¹ тадқиқотлари билан немис навоийшунослари даврасида танилди. „Ўзбек шоири-исми Чўлпон...“ деб бошланувчи тадқиқотда фикр Чўлпон ҳақида бўлса-да, Навоийнинг Нозим Ҳикматга ижодий таъсири ҳам кузатилган.

У университетда ўзбек тилидан сабоқ бериш билан бирга педагогик -методик тадқиқотлар ҳам қилади. Мақсади Ўрта Осиёдаги ижтимоий - сиёсий, адабий-маданий ва маърифий муҳитни ўрганиш бўлган. Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Ўзбекистонда илмий таътилда бўлган. Ёзувчи

259 Sigrid Kleinmichel. Literatur aus dem türkischen Sprachraum. Das arabische Buch. 1991. S. 8-26.

260 Sigrid Kleinmichel. „Ališir Nawa’i über das Lachen“. In: Ingeborg Baldauf, Michael Friedrich (Hrsg.). Bamberger Zentralasiestudien. Konferenzakten ESCAS. 1Y. Bamberg 8. - 12. Oktober 1991. =Islamkundliche Untersuchungen. Band 185, Berlin. 1994. 205-215.

261 Literatur aus dem türkischen Sprachraum. Das arabische Buch. Berlin. 1991.

-шоирлар давраларида қатнашган. Натижада „Туркий тиллик худудлар адабиётларидан намуналар” китоби чиқди. „Тан олинг! Шарқ шоирлари улуғроқдир...” эпитафия билан бошланган бу китобда унинг „Замонавий туркий адабиётларни ўқиш-бугунги кун талабидир” мақоласи берилган. Китобга Элчин (озарбайжон), Надим Гурзел, Пинар Кюр (турк), Темур Пўлатов (ўзбек), Вали тахаллуси билан ижод қилувчи Вали Собир ўғли Ризаев (озарбайжон), Зўрдун Собир (уйғур), Ўлжас Сулаймон (қозоқ) ва Отажон Таган (туркман) лар ижодидан намуналар киритилган. Бу тўпламни нашрга тайёрлашдан мақсад, Европадан Хитойга қадар тарқалган Ислом дунёсига тааллуқли туркий адабиёт намуналарининг завқ-шавқини, ўзига хос урф-одатию менталитетини, миллий колоритини олмон аудиториясига олиб кириш бўлган. Унинг илмий ишлари рўйхатида „Ҳозирги замон қозоқ прозасида афсоналар”, „Минора ёки бир афсона якуни”, қозоқ адиби А. Кекилбаевга сўнгсўз, М. Ауезовнинг „Дўст Бедил”и, А. Нурпесов ижоди ҳақида Л. Теракопьян билан ҳаммуаллифликда яратган асари, Ч. Айтматовнинг „Қатл майдони” романи ҳақида, турк халқлари фольклорига оид „Бўри метафора ва тотем сифатида”, жадид адабиёти намуналари камраб олинган „Шарқона ёзиш анъаналарининг ривожланиши” монографиясини ҳам учратасиз.

3. Клайнмихель Навоий ижоди ҳақида қатор илмий ишлар яратган. Чунончи, „Мир Алишер Навоий ва Аҳмад Пошо”, Навоий кулги ҳақида, Алишер Навоий ва усмонли шоирлар, Навоий ижодида Хизр”, Навоий - бенаво” . Талабаларга дарсни „Хайрат - ул аброр” достонидан бошлаган. „Навоий кулги ҳақида” мақоласи шу дарслар натижасидир. У ўзининг навоийшунос эмаслигини таъкидлайди. Бироқ унинг: „... кўпроқ замонавий ўзбек адабиёти билан қизиққан бўлсам-да, барибир яна ва яна Алишер Навоий ижодига мурожаат қилавераман”²⁶² каби сўзлари характерлидир.

„Навоий-бенаво” олмон навоийшунослиги йўналишида яратилган йирик илмий тадқиқот. У „Навоий васл остонасида, Навоий ўзгалар ҳақида, Навоий кундалик турмуш ҳақида, Навоий кимлар учун ёзган, Наволикға қандай етишмоқ мумкин?, Ғазал қурилиши ҳақида, Шоирнинг тахаллуси (мажаллиси)-Навоийдир” каби еттита фаслга бўлиб ўрганилган. Фасллар байт билан бошланган. Байтлар араб, ўзбек, немис тилларида берилиб, чоғиштирма усулда илмий таҳлиллар қилинган.

Олима „Навоий кундалик ҳаёт ҳақида” фаслида ғазаллардан ўгириб, қиёсий таҳлил қилган. „Андоқки мен”[□] ғазалининг мақтаъсидаги:

Gär berür husni zakatin, ey Nawai, yoqturur
hasta-i zar-i (-u??) garib-i be-nawa andaқki men,

байтида келтирилган „husni zakatin” нинг таржимаси эътиборни тортади.

„Husni zakatin”ни лингвопоэтик таҳлил қилишдан олдин „зако́т”

калимасига тўхталсак. „Зако́т” - фарз, айн. Исломнинг бешта устунининг биттаси. Бунга дин уламолари қатъий риоя қилганлар. Қадимда шундай шайхлар бўлганки, улар тилово́т қилаётганларида, „зако́т” га дуч келиб қолса, дарҳол эшиги олдига нимадир чиқариб қўйганлар. Чунки „зако́т” Аршдан тушган сўз. Шу туфайли ҳам аждодларимиз уни қадрлаган.

„Зако́т” мусулмон қавмлари орасида асрлардан асрларга ўтиб келаётган анъанавий тимсол. У Ислом дини пайдо бўлган замонларда моддий ҳодиса сифатида намоён бўлган. Вақтлар ўтиши билан моҳият кўлами кенгайиб, маъжозий маъно касб этиб, „маънавий, лирик тимсол (образ, ҳодиса)” сифатида Шарқ томон кўчиб ўтган. Қадимда Боғот (Хоразм) нинг Работўғуз қишлоғида туғилган, тарихчи, шоир ва таржимон Носируддин Рабғузийнинг олам, одам ва пайғамбарларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги „Қисаси Рабғузий”²⁶³ асари (асар 1310 йил 21 мартда якунлаган ва илк бор „Қисаси ар-Рабғузий” деб номлаган-А.Р.) насрда баён этилган бўлиб, ҳикоятлар ичида ғазаллар ҳам келтирилган. „Юсуф ва Зулайҳо” можаролари акс этган ҳикоятда келтирилган ғазал матлаъси шундай жаранглайди:

262 Немис тилига „*Die Richtstatt*” деб ўгирилган. Рус тилида „*Место казни*”.

263 Kleinmichel S., Nawai über das Lachen; Europa.Zentralasiatischen Studien. Bamberg, Oktober. Die These. S. 8-10.1991.; „Mir Aliser und Ahmed Pasa”. Oprint from Archivum Ottomanicum. Edited by Gyorgy Hasaj A.1933; Nawai über das Lachen; Nawai-benawo, Nawai und Achmad Poscho...

*Жилва бирла солигу чиқган ол яноглиг ёни қор,
Кўзлари юлдуз, юзи кун, олин кўкнинг ойидин.*

Мазмуни:

*„Ёноқларинг қордек оппоқ, кўзларинг юлдуздай,
Юзинг кундай, нечун шу қадар чиройликсан”.*

Иккинчи байтда „хусн закоти” ҳақида фикр боради. Ўқиймиз:

*Кўрсаюрман кўркингизни кўргу бўлмас кўзгинам
Кўрк закотин берки вожиб қилса кўркнинг бойидан.*

Бу ерда ҳам „кўрк закотин берки” деб хусн закоти сўралмоқда.

Бу тимсолни Лутфий девонларида ҳам учратиш мумкин. „Бўлсин санга” радифли ғазалининг мақтасида шундай мисраларни учратамиз:

*Бир қиё боқсанг закоти хусн учун,
Лутфий мискидин ўлгунча дуо бўлсин санга.²⁶⁴*

Лутфий бошқа бир ғазалида лирик қаҳрамонига „Эй пари, юзлик бегим”, деб ундалма билан мурожаат қилади. Яъни,

*Эй пари, юзлик бегим, жон фидо бўлсин санга,
Дунёда хусн оти бор эркан, бақо бўлсин санга.*

Ғазал „бўлсин санга” кўш радифидан, „фидо” ва „бақо” ички қофиялардан иборат. Ғазал „паричехра” бегимга бағишланган. Шоир „пари, юзлик бегим”га: „хусн деган зот бор эркан, бу сенга абадий (бақо) бўлсин”, деб тилак ҳам билдиради. Лутфий лирик қаҳрамонининг чиройини янада ошириш учун „эй пари, эй кўрк” деб „эй” ундалмасидан фойдаланган. Ғазалда фикр аёлнинг хусни, уни закотини бериш ҳақида.

Лутфий ғазалларида „хусни закотин” тимсоли характерли хусусият касб этади. Мисол учун,

*Кимдин тиласун хаста Гадо хусн закотин,
Сенсен чу бу кун кишвари хусн ичра тавонгар.*

Ёки:

*Ҳоли зоримга назар қилгил закоти хусн учун,
Лутфу эҳсон кўрса султондин, не бўлгай бир Гадо?*

Ёки:

*Кўз учундин бир назар қилгин закоти хусн учун,
Мен Гадоғаким, маҳалли лутфу эҳсондур, бегим.*

Яна:

*Эй пари рухсорлар, бизга нигоҳ айлаб ўтинг,
Бир назар бирла гадони подшоҳ айлаб ўтинг.*

(таъкидлар бизники)

Охирги бандаги (матлаъ) икки қисмли „айлаб ўтинг” радифли ғазалининг мақтасида Лутфий маҳорат билан шундай ёзади:

*Ҳар нечаки(м) сизга захматтур, закоту хусн учун,
Илтифоте Лутфий сори гоҳ - гоҳ айлаб ўтинг.*

Матлаъ ва мақтада фикр аёл чиройи ва унинг „закот”ини бериш ҳақида боради. Баъзан „закот” „лаъл” сўзи билан боғланиб „лаълнинг закоти” шаклида ҳам учрайди. „Лаъл”- ол рангли қимматбахо, нодир тош. Бунда маъшуканинг қирмизи, ол рангли „лаб” ига ишора қилинмоқда.

Зебуннисо ижодида ҳам „хусн закоти” тимсоли учрайди. Оқилхон Иброҳимов „Самарқанд ушшоғи” мақоласида Зебуннисонинг „инжост” (ин жо аст-А.Р.) радифли ғазалини таҳлил қилган. Ғазал мақтасидан:

264 „Жаҳон адабиёти” журнали. 2012. 12-сон. Б.128. 3.Клайнмихель: „Яна ва яна Навоий ижодига қайтаман”.

*Зақоти ҳусн агар мебиҳи барои Худо,
Биёки, Зебуннисо янглиғ гадо бу ердадир.*

(М. Муинзода таржимаси)

Мазмуни: Истасанг ҳуснингнинг зақотини берарга мустаҳиқ,
Келки, бу Зебуннисо янглиғ гадо бу ердадир.

Муаллиф „инжост“ ғазалининг куй (оҳанг) жиҳатига, „Ушшоқ“нинг тарихи Нух пайғамбарига бориб тақалишига тўхталган. Бу тимсол кўп ҳолларда ғазал мақтаёсида келиши кузатилди. Биз „ҳусни зақотин“ га „Навоий-бенаво“ тадқиқоти баҳонасида классикларимиз Носируддин Рабғузӣ, Лутфӣ, Зебуннисолар бисотидан мисоллар келтирдик.

Яна бир фикр. Навоий „ҳусни зақотин“ дер экан, уни солиқ, ўлпон, тўлов ёки хирож маъноларида эмас, балки контекстан келиб чиқиб „ҳурматлаш, кадрлаш“ ёхуд „қойил қолмоқ, тан бермоқ“ маъноларида ҳам ишлатган бўлиши мумкин. Бу фикр махсус кузатувларни тақоза этади.

„Зақот“ никоҳдан ҳам улуғ суннат - фарз, намоз қаторида туради. Пайғамбаримиз: „Суннат қил, аммо мажбур эмас“, деган. Демак, Оллоҳ сенга мулк берибдими, унинг зақотини чиқар; Оллоҳ, аёлга чирой берибдими (бу ҳам бойлик), жуфти-ҳалолинга бир қиё боқиб, табассум қилиб қўй, бу сенинг гўзаллигинг зақоти бўлсин. Оллоҳ сени ҳуснли қилиб яратдими, ҳуснингни зақотини ҳам бергувсидир. Яъни, эр унга тилло тақинчоқ, узук, мунчоқ, тароқ, хналар олиб берар.

Энди, юқорида келтирганимиз байтнинг немисча ифодаси ва „*husni zakatin*“ таржимасининг таҳлилига ўтамиз.

Selbst wenn er die Steuer (*zakāt*)auf seine Schönheit zahlte, he Nawāi,
gäbe es keinen weinenden Erschöpften und keinen unglücklichen Heimatlosen wie mich“.

(seine - таъкиди бизники-А.Р.)

Таржима шаклида номутаносиблик кўзга ташланади. Биринчи мисрадаги „ҳусни зақотин“ - „die Steuer deiner Schönheit“ деб ўгирилган. Мазмуни: „ҳуснинг (чиройинг) солиғи“дир. Немис тилида иккита „*Steuer*“ сўзи бўлиб, улар икки хил родда. Аёл жинси (ж.род.)даги „*die Steuer*“, пул билан боғлиқ „солиқ“, „давлат солиғи“ тушунчасини англатади. Русчада „государственный налог“. Катта Лангеншайдт луғатида „*die Steuer*“ „бирор товар ёки маҳсулот қийматининг, умумий мулкнинг ёки даромаднинг бир қисмидан давлатга тўланадиган солиқ“²⁶⁵, деб изоҳланган. Демак, ҳоҳлаймизми, йўқми, у давлатга тўлаш шарт бўлган „солиқ“дир. Навоийда мазмун бошқача, „солиқ“ эмас, „зақот“. Иккинчи „*das Steuer*“

ўрта жинс (ср.род) даги сўз туркуми от бўлиб, „рул“, „машина рули“ яъни, „механик бошқарув“ маъносини англатади. „*Seine Schönheit zahl(te)en*“ таржимасидаги „*seine*“ эгалик олмоши ҳам таҳлил талаб. „*Die Schönheit*“ женсий родлиги боис, олдида турган олмошни ўша родга мослаб келишикларда турлаш керак, чунки ғазалдаги ҳусн, чирой, сифатлари фақат „маҳбуба“га тегишли. Европа тилларида род категорияси муҳим. Немис тили грамматик қоидасида от олмош билан келишикларда, кўплик ва бирлик сонларда турланади. „*die Schönheit*“ ни родини унутмасдан, уни аниқлаётган олмошни ҳам женский родга қўйиш лозим. Агар „ҳусн (чирой)“ маҳбубага даҳлдор бўлса, албатта. Шу маънода, ғазалдаги бу сўз „*seine*“ эмас, „*ihre*“дир. Башарти, З. Клайнмихель маҳбубани эмас **Оллоҳ** (*der Gott*) ни назарда тутаётган бўлса, ёки *Оллоҳнинг тажаллиси, жилваси* маъносида тушунган бўлса, у ҳолда „*seine*“ таржимаси тўғри. Бу тасаввуф билан боғлиқ мунозарали масала ва жиддий изланишларни тақоза этади.

„**Зақот**“нинг келиб чиқиши „*ن ا ك ذ*“ арабча бўлиб, у илоҳий калима сифатида илк бор Қуръони Каримда тилга олинган. Кейин Ҳадисга ўтган.

Ислоннинг учинчи асоси, молий-иқтисодий ибодат, покланишнинг бир тури, пешона тери билан топилган давлатдан, йилда бир марта Рамазон ойида берилади. „**Зақот**“ ҳаммага ҳам фарз эмас,

265 Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 1 том. – Тошкент: Фан, 1 987. - Б.457-458.

фақат молиявий жиҳати бут бўлган мусулмонлар эҳтиёжидан ортиқча молдан „**эхсон**” қилишлари фарз. Эҳтиёж молдан „**закот**” берилмайди. Уни кимларга бериш кераклигини Оллоҳ „**Тавба**” сурасининг **60-оят**ида зикр қилган. Яъни, уни фақат:

1. Камбағалларга
2. Турар жойи, бола - чақаси, қариндош - уруғи йўқ мискин кимсаларга.
3. Закот йиғувчиларга.
4. Аввал кофир бўлиб, кейин ислом динини қабул қилганларга.
5. Қулларга.
6. Турли офатлар туфайли уй-жой ва мол-мулкидан ажралиб қолганларга.
7. Аллоҳ йўлида ўзини илмга фидо қилганларга.
8. Аслида ўзи тўқ бўлса-да, турли сабабларга кўра мол-дунёсидан ажралиб қолган мусофирларга бериш фарз қилинган.

„**Закот**” - 80 граммдан ортиқ олтини, 595 грамм кумуши бўлган одам бой ҳисобланиб, шу миқдордаги олтин ёки кумуш қийматида маблағи бўлган киши, умумий бойлигининг қирқдан бири миқдорида бериладиган **диний тўловдир**. Уч турлик молдан закот берилади:

1. Олтин ва кумушдан;
2. Сотиладиган молдан;
3. Яйловда ўтлайдиган ҳайвонлардан. Ерни ҳайдаб, суғориб, экиладиган экинлардан ўндан бирини *ушр* - закот қилиб берилади.

Баъзи тарихий манбаларда Закотни диний солиқ ҳам дейишади. Бу истилоҳ мантиққа тўғри келмайди, чунки у мажбурий эмас, унга давлат аралашмайди. З. М. Бобур „Мубаййин” асаридаги „Китоб уз - закот” бобининг „Закот шароитининг баёни” қисмида закотни шамсий йил ҳисобида эмас, қамарий йил ҳисобида берилиши ҳақида гапириб ўтган.

Мумтоз адабиётда маъшуқа бойлигини („хусн мулкида танҳо”, „якто”деб), уни борликдаги гўзаллик тангриси - хусн маъбудаси сифатида учратамиз. Ҳар қандай бойлик у маънавий - моддий ёки хусн бойлигимизни уни закоти бор экан. Шу ўринда, „*husni zakatin*” яъни, хусн бойлигининг закоти қай йўсинда тўланиши керак? - деган савол туғилиши табиий.

„Хусни закотин” мажозий маъно касб этиб, унга Навоий асарлари луғатида „озгина чирой кўрсатиш” („бир чимдим чирой” маъносида-А.Р.) деб, изоҳ берилган. „Хусн” инсонгагина ато этилган олий неъмат. Албатта, ташқи ва ички гўзаллик уйғунлашгандагина ҳақиқий „*хусн, чирой*” бўй кўрсатади. Бундай уйғун гўзаллик ҳаммага ҳам насиб этмайди, шундай экан, уни кадрламоқ, закотини тўламоқ жоиз. Бунини ўша хусн мулкидин „озгина чирой кўрсатиш”, „бир қараб қўйиш”, „бир қиё боқиш” ёки „ним (илик) табассум” маъноларида тушунса ҳам бўлар, бу бизнинг субъектив фикрларимиз. Ушбу мулоҳазаларни Навоийнинг:

*Закот ўлур эди юзунг жамоли нақдига меҳр,
Тажаммул²⁶⁶ аҳлига юздин бир ўлса эрди закот*

ёки :

*Эйки, йўқтур хусн иқлимида сендек подишо,
Ошиқингнинг неча тутқайсен мунингдек бенаво,
Нечаким бўлди эшикинда Навоийдек гадо,
Қовма Лутфини эшиктин, бер закоти хусн анго,
Қайда этсун сен гани боринда шайаллоҳни,²⁶⁷*

(таъкидлар бизники-А.Р.)

каби мисралари ҳам тасдиқлайди.

Шу он **закот** билан боғлиқ бир факт хотирга келади. Навоийнинг мол-давлат, пулга муносабати

266 Рабғузий Носуриддин Бурҳонуддин. „Қисаси Рабғузий”. 1-китоб. Тошкент „Ёзувчи” нашриёти. 1990. - Б.240.

267 *Алишер Навоий*. Ҳазойинул-маоний. 2 жилд. Навоидуруш-шабоб. Ўзбекистон ССР ФА нашриёти. Тошкент. 1959.

„Вақфийя” асарида баён қилинган. Гарчи Навоийнинг дўконлари, катта тимлари, боғу-бокча, молу-мулклари бўлса-да, „Вақфийя” да: „... *нақд жоним ул тангрига закотдир*” - деган экан. Нега? Чунки буюгимизнинг хусусий мулклари қўлида сақланмаган, айланмада бўлган, у „... *мол закотини айиргунча қўлимда қолмади*” – дейди.

„Хусни закотин”нинг сўзма - сўз таржимаси „*einwenig (kleinwenig, ein bißchen) Schönheit zeigen*” дир. Бир мулоҳазали фикр. „Хусн” ни „чирой, гўзаллик” деб берилишини ўйлаб кўриш жоиз. Бунга ортиқча ташбех, синоним ахтариш шарт эмас, чунки „хусн” ни ўзида „чирой” ва „гўзаллик” жамулжамдир. „Хусн”даги поэтик кўтаринкилик „чирой” ва „гўзал” лексемаларига қараганда анча баланд. „Чирой (лик) доим „хусн”ни том маъносини бера олмайди. Мисол, чиройлик сумка (рўмол, иморат, идиш ва ҳ.к.). Шу сўзларга, „хусн”сифатини қўллаб бўлармикан, йўқ албатта. Демак, ижобий оттенкага эга бўлган бу сўзларни баъзи предметларга ишлатиб бўлмас экан. Зотан, „хусн” айни маъшуқага мос сифатлаш бўлиб, немис ва рус тилларида унинг кўтаринки маъно оттенкаларини бера оладиган:

Der Reiz (weibliche Reize) - *женское обаяние*-аёл жозибаси, дилбарлиги,

der Liebreiz - *любовные обаяние* - муҳаббат жозибаси,

муҳаббат жилваси, муҳаббат оҳанрабоси

die Anmut - *обаяние*-жозоба, мафтун этиш, ўзига тортиш

- *прелесть* - кўркамлиқ, гўзаллик, латофат,

- *грация* - латофат, назокат, жилва, хушқадлик,

чиройли ҳаракат, поэтикада эса „гўзал,

маҳбуба, нозанин, соҳибжамол

das Antlitz - *лик* - юз, қиёфа, башара, афт;

- *лицо* - бет, қиёфа, чеҳра, сиймо, жамол

сингари сўз бирикмалари мавжуд. Поэтик кўтаринкиликни ҳосил қилиш

ва адекватликка эришиш учун таржимада шулардан бири танланганида мақсадга мувофиқ эди.

Иккинчидан, „закот” транслитерация қилинса, у мусулмончиликнинг беш амалларидан бири экани, аҳли мусулмон йилда бир марта „закот” бериши фарз экани, унинг мажбурий эмаслиги изоҳланса, „закот”, „солиқ” ораларидаги мазмун ва моҳиятан фарқ осонгина ечимини топарди. Бу немис аудиторияси учун муҳим ва қизиқарлироқ бўлишига шубҳа йўқ. Зеро, „солиқ” - давлат солиғи, у мажбурий, имкони борми, йўқми уни тўлаш шарт. Мантиқан қараганда поэтик мисралар орасига „солиқ” сиғмайди ҳам. Буни на Оллоҳга, на поэтикага алоқаси бор. Агар фикр Навоийнинг давлат арбобилик фаолияти, фуқаролар билан молиявий муносабатлари ҳақида борганида эди, балки ўрин топилармиди?!

Тадқиқотчининг мусулмончилик фарзларини билишига ишонамиз. Бу

борада унинг қатор мақолалари, рисоалари мавжуд. Муҳаммад (с.а.в.) га бағишланган „*Муҳаммад пайгамбарнинг туғилиши. Ўрта Осиёда Муҳаммад пайгамбар ҳақида учта асар*”²⁶⁸ номли монографияси Навоий ижодини ўрганишга киришишида, илмий таҳлил қилишида Пайгамбаримиз ҳаётини билиши асосий манба бўлиб хизмат қилган. Шундай экан, „Навоий-бенаво” тадқиқоти жаҳон туркийшунослигига қўшилган муҳим ҳиссасидир.

Кузатишлардан аён бўлдики, Германияда Ҳазрат Навоий ижодига қизиқиш ортиб бормокда. Адабий мероси ўрганилмокда, таржима қилинмокда. Немис адабиётшунослигида бу алоҳида йўналиш касб этган. Ўз тарихига эга. Аммо асарлардаги *бадиийлик, поэтика, тил хусусияти* каби масалалар илмий жиҳатдан таҳлил қилиниб, тўлиқ ўрганилган дейиш қийин, чунки бу иш:

немис туркологлардан юксак малака, кўникма билан бирга, асл нусха тилини, араб имлосини, асосийси, тасаввуф илмини, унинг назариясини, балки „... *бу назариядан ҳам кенгроқ бўлган „Навоий фалсафаси*” ни пухта билишни тақоза этса, иккинчидан, мусулмон дунёсига оид исломий

268 Kleinmichel S., Die Geburt des Propheten Muhammad. Drei Dichtungen aus Mittelasien. Hrsg. Von I. Baldauf und Bert G. Fagner. Reichert Verlag Wiesbaden. 2009. S. 346.

лексемалар таржимасида ўта эҳтиёткорлик зарур. Навоий адабий мероси билан шуғулланаётган немисларда нафақат шоир ижодини ўрганиш, таржима қилиш, балки уларда арабшунослик, исломшунослик, диншуносликдан фундаментал билим бўлиши зарур. Буни биз „зақот“ ва „солик“ сўзларининг мазмуни ва таржимаси мисолида кўриб чиқдик.

Ҳар қандай мулоҳазаларга қарамадан, Германияда Навоий адабий мероси ва давлат арбоби фаолиятининг тадқиқотчилари, таржимонлари борлиги кишида фахр туйғусини уйғотади. Бу - биз кутган ва истаган мумтоз адабиётимиз дарғаси, фавқуллодда нодир истеъдод соҳиби бўлган „Буюгимиз“нинг жаҳон аренасида эътироф этилаётганидан даракдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. *Аллаберганов А.*, Воспроизведение единства содержания и формы подлинника в поэтическом переводе (на материале узбекского перевода трагедии Й. В. Гёте „Фауст“. АКД. Ташкент. 1982. С.20 ;
2. *Сатимов У.*, Из истории переводов произведений немецкой литературы на узбекский язык. АКД.Ташкент. 1978. С. 26;
3. *Жабборов С.*, Гётенинг „Ғарбу Шарқ девони“. (Матн. Талқин. Таржима). НДА. Тошкент. 1995. Б.24;
4. *Абдуллаева Р.*, Ваймар-шоирлар маккаси. Шу кунлар шиддати.Тошкент. „Ёш гвардия“.1989. Б.223-224;
5. *Абдуллаева Р.*, Э.Воҳидов - „Фауст“ таржимони. Ўша манба. Б.224-226;
6. *Абдуллаева Р.*, „Й.В.Гётенинг „Фауст“ трагедияси Э. Воҳидов ижодида“. Бадиий таржима ва ўзбек адабиётининг халқаро алоқалари. Самарқанд.1990. Б.14-15;
7. *Абдуллаева Р.*, Ижодий таъсир кирралари. Бадиий таржима ва ўзбек адабиётининг халқаро алоқалари. Самарқанд.1991.
8. *Абдуллаева Р.*, „Бир сир бор...“. Ўз АС.газ., 1995. июнь;
9. *Абдуллаева Р.*, „Фауст: немис-ўзбек адабий алоқалари“. „Ўзбек тили ва адабиёти“ журн., 1995. 2-сон.
10. *Абдуллаева Р.*„Фауст“трагедиясининг ёзилиш тарихи ва таржималари.„Адабиёт кўзгуси“.1998.Б.94-102;
11. *Абдуллаева Р.*, „Гётенинг „Сайёҳнинг тунги қўшиғи“ шеърининг таржималари ва киёсий таҳлили. „Адабиёт кўзгуси“. Тошкент. „Халқ мероси“.2002. Б. 195-198;
12. *Абдуллаева Ровияжон.* Гёте севган аёллар. ЎзАС газ., 2002. 8 март;
13. *Абдуллаева Р.*, „Гётенинг „Сайёҳнинг тунги қўшиғи“ шеърининг таржималари ва киёсий таҳлили. „Адабиёт кўзгуси“ Тошкент. „Халқ мероси“.2004.Б.153-158;
14. *Й.В.Гёте.* Муҳаббатнома. (Я.Эгамова таржимаси),„Шарқ“нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти.Тошкент.2013. Б.512; Я.Эгамова. Муҳаббат фарзанди.Тошкент. Академнашр. 2016.Б.248.
15. *Mīr ‘Alīšīr Nawā’ī.* Hrsg. von B. K. Heinkele & S. Kleinmichel. Ergon Verlag. Würzburg. 2003. S.140.
16. *Nawāi A.*, „Die Perlen aus dem Ozean“(Н.Пфеффер,Й.Парда тарж.), „Шарқ“нашриёт-матбаа концерни. Бош таҳририяти. Тошкент. 2000. Б.144.
17. „Жаҳон адабиёти“ журн., 2012.12-сон. Б.127-131.
18. *Kleinmichel Sigrid.* Halpa in Choresm (Hārazm)und ātin āyi im Ferganatal.Das arabische Buch. Berlin. 2000. 19. *Sigrid Kleinmichel.* Literatur aus dem türkischen Sprachraum. Das arabische Buch.1991.Seiten 8-26.
20. *S.Kleinmichel.* „Alīšīr Nawa’i über das Lachen“. In: I.Baldauf, Michael Friedrich (Hrsg.). Bamberger Zenral-asienstudien. Konferenzakten ESCAS. 1Y. Bamberg 8. - 12. Oktober 1991. =Islamkundliche Untersuchungen.

- Band 185, Berlin. 1994.
21. Literatur aus dem türkischen Sprachraum. Das arabische Buch. Berlin. 1991.
22. *Sigrid Kleinmichel*. Die turksprachigen Literaturen der Gegenwart - eine Aufforderung zum Lesen. Das arabische Buch. Berlin. 1991.
23. Асар сарлавҳаси немис тилига „*Die Richtstatt*” деб таржима қилинган. Рус тилида „*Место казни*” дир.
24. *Kleinmichel S.*, Nawai über das Lachen; Europa.Zentralasiatischen Studien. Bamberg.Oktober.Die These.1991.
25. „Mir Aliser und Ahmed Pasa”. Oprint from Archivum Ottomanicum. Edited by Gyorgy Hasaj A.1933;
Nawai über das Lachen; Nawai-benawo, Nawai und Achmad Poscho,
26. „Жаҳон адабиёти” журнали. 2012. 12-сон. Б.128. З.Клайнмихел: „Яна ва яна Навоий ижодига қайтаман”.
27. *Алишер Навоий*. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 1 том. Фан.Тошкент.1987. Б.457-458.
28. *Рабғузий Н. Б.*, „Қисаси Рабғузий”. 1-китоб. Тошкент. „Ёзувчи” нашриёти. 1990. Б.240.
29. *Лутфий*. Девон. Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент. 2012. Б.24.
30. „Ўзбек тили ва адабиёти” журн., 2017. 5-сон. Б. 37-41.
31. *Langenscheidts Großwörterbuch*. Deutsch als Fremdsprache. Das neue einsprachige Wörterbuch für Deutschlernende. Hrsg.von Professoren Dr.Dieter Götz, Prof. Dr.Günther Haensch, Prof.Dr.Hans Wellmann.
Berlin - München - Leipzig - Wien - Zürich - New York. 1997. S. 925.
32. Адабиёт кўзгуси. 5-сон. Абдулла Қодирий номидаги „Халқ мероси” нашриёти. Тошкент. 2000. Б.85.
33. Тажаммул-безак, зийнат, пардоз.
34. *Алишер Навоий*. Ҳазойинул-маоний. 2 жилд. Наводир уш-шабоб. Ўзбекистон ССР ФА нашриёти.
Тошкент. 1959. Б.661 (Нашрга проф. Ҳ.Сулаймонов тайёрлаган)
35. *Kleinmichel S.*, Die Geburt des Propheten Muhammad. Drei Dichtungen aus Mittelasien.Hrsg.Von I.Baldauf
und Bert G. Fagner. Reichert Verlag Wiesbaden. 2009. S. 346.
36. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 1 том. Фан. Тошкент.1987. Б. 457-458.

НАВОИЙ ҒАЗАЛИНИНГ ОЛМОНЧА ТАРЖИМАСИ ВА ТАЛҚИНИ

Мусо ТОДЖИХОДЖАЕВ
(НамДУ)

Ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий Шарқ шеърлятидаги деярли барча жанрларда баракали ижод қилган. Шоирнинг барча девонлари “Чор девон”га жамланган. Бу девонларда ғазал етакчи жанр ҳисобланади. Шоирнинг тинчлик, фаровонлик, илоҳий ишқ, инсоний поклик, диний бағрикенглик, илм – фан ва санъатга ҳомийлик, ватанпарварлик ва миллий юксалиш каби мавзуларга йўғрилган асарлари унинг ҳаёти давридаёқ форс тилига ўгирилган бўлса, 1557 йилдан бошлаб бу жараён Ғарбий Европа тилларида давом этган. Унинг “Сабаи сайёр” дostonидаги “Баҳромгўр ва Дилором” қиссаси эркин таржима усули билан итальян тилига ўгирилган бўлса, эндиликда унинг кўплаб асарлари дунёнинг барча етакчи тилларида севиб ўқилади.

Чевурмалар ичида энг кўп асарлар ғазаллардир. Таржимашунос А. Абдуллажоновнинг ёзишича, шоирнинг 2600 та ўзбекча ғазалидан 21 та, навоийшунос Р. Абдуллаеванинг таъкидича, 50 та ғазали немисчалаштирилган. Бирок бу кўрсаткичлар эндиликда тахрирга муҳтож бўлиб қолди. Бу тадқиқотчилар Мартин Хартманн таржимасидаги 3 та яхлит ғазал ва шоирнинг турли ғазалларидан териб олинган 57 байт ҳамда “Махбуб-ул қулуб” асаридан олинган 2 та кичик парчани бу ҳисобга қўшмаганлар. Шуниндек, Йоханнес Аветаранианнинг Болгарияда нашр қилинган “Шохид-ул ҳақойиқ” журналида шоир қаламига мансуб иккита ғазални услубий-қиёсий таҳлил қилгани ва немис тилига таржима қилгани бу ҳисобни янада бойитади.

Буюк немис шарқшуноси, профессор Мартин Хартманнинг (1851-1918) ўзбек мумтоз адабиётига бўлган меҳри ва таржимонлик маҳоратини аниқлаш учун унинг 1902 йилда Берлинда нашр қилинган “Saghataisches” (Чигатой тили) дарслигидаги “Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо, Айла-мас тўти такаллум шакарисондин жудо” матлаъси билан бошланувчи ғазалнинг немисча таржимаси таҳлиliga жазм қилдик. Ғазал шарқшунос олимнинг “Чигатой тили” дарслигидаги ўзбек тили грамматикаси қоидаларини мустаҳкамлаш учун киритган хрестоматия бўлимидан жой олган. Мутаржим ғазал таржимасига киришишдан аввал унинг турли даврлар ва турли шаҳарларда яратилган вариантларини ҳам ўрганиб чиқди. Чунки девонлардаги ғазаллар турли ўзгаришларга учраган¹.

Мақоламизда ғазалда қўлланган сўз ўйинлари, истиора ва таносуб санъатларининг қўлланиши ва уларнинг Хартманн томонидан таржимада қайта яратилишига дахл қилдик. Маълумки, ғазал бошдан-оёқ бадиий санъатларга йўғрилган. Унда, анъанага кўра, ошиқ булбул, тўти, қуёш, парвонага қиёсланган:

*Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо
Айламас тўти такаллум шакарисондин жудо.*

Яъни: булбул гулистондан жудо бўлса наво қилолмайди, тўти шакарисондан жудо бўлса сўзламайди, яъни тўтига нуктадон нутқ ўргатмаса сўзламайди. Бу ўринда шоир усталик билан таносуб, истиора санъатларини қўллаган – булбул ва тўти – ошиқ рамзи, гулистон ва шакарисон эса туғилиб ўсганинг ва сенга ризқ бераётган ватандир. Шоирнинг фикрича, ватан шунчаки таваллуд маскани ва ҳаётий фаолият манбаи эмас, балки, у гулистондир, шакарисондир. Мутаржим буни тўғри тушунган ва мутаносиб равишда таржимада қайта яратишга интилан:

*Wie soll der Nachtigal Melodien singen ohne Rosenhain?
Nicht redet der Papagei ohne Zuckerbücksen*

Маъноси: Булбул *гулистонсиз* қандай қилиб куйлайди, тўти *шакар қутисиз* сўзламайди.

Шарқ ва Ғарб адабий оламининг гўзаллик ва муҳаббат мавзусидаги тушунчалари, образлари, ранглари, ҳолатлари гарчи, бир хил кўринса-да кўпинча турлича ҳис қилинади. Лекин ҳар икки адабиётлар учун ҳам мувофиқлик касб этган образлар ва жилолар ҳам мавжуд. Булар гулнинг маъшуқа, гулзорнинг севги, гўзаллик ва фаровонлик, гул бериш севги ва ҳурмат – эҳтиром изҳори, булбулнинг эса ошиқ рамзи эканидир. Булбулнинг наво қилиши – куйлаши, тўтининг такаллум қилиши севги изҳори. Аммо байтда тўтининг ҳам, булбул каби, ошиқ рамзи бўлиб ижобий образ сифатида талкин қилиниши Ғарб адабиёти учун янгилик. Навоий бу борада новаторона йўл тутган – янги тасвир, янги мажозларни шеъриятга киритган. Шоир “гулистон” сўзига қофиядош қилиб “шакарисон” сўзини қўллаганки, бу сўз немис тилида айнан шу маъно ва шаклда йўқ. Бу сўз ўзбек тилини луғавий жиҳатдан қанчалик бойитган бўлса, таржимонга шунчалик муаммо туғдирган. Аммо Навоий ижодидан яхши хабардор бўлган мутаржим шоирнинг бу байтда новаторлик қилиб, янги истилоҳ яратганига “кўниккан” ва уни немисчага “der Zuckerbuckse” деб ўгирган. Бу сўз немис тилида “шакар солинадиган қути”, “шакардон” ёки “қанддон” маъносини беради. Немислар шарқона мулоҳаза юритиб, “der Zuckerbuckse” сўзини, маъно кенгайиши ҳисобига мажозий маънода, ватан сўзига синоним деб қабул қилдилар.

Мутаржим гўзаллик объектларини ифодаловчи, бир қадар мавҳум бўлган бу тушунчаларни немисчага, ўз халқининг лисоний хусусиятларидан келиб чиқиб, сўзма-сўз усул билан ўгирганки, бу тадбир шарқона тасаввурнинг таржимадаги инъикосини ярата олган.

Ғазалнинг иккинчи байтида аввалги байтдаги фикр кучайтирилган:

*Ул қуёш ҳажрида қўрқомен, фалакни ўртагай,
Ҳар шарори ким бўлар бу ўтлуғ афгондин жудо.*

Байтда ошиқ кечинмалари тасвири янада кучлироқ ифодаланган: “ул Қуёш – Ёрнинг ҳажрида ўтлуғ афгоним (нолам)дан жудо бўлган – ажраб чиққан учкунлар фалак (осмон)ни ҳам ўртайди, деб қўрқаман”.

Машуқа – Аллоҳнинг рамзи, ошиқ-солиқ, ҳижрон эса Ҳақдан, вақтинча бўлса-да, айрилиш, яъни кўнглининг бошқа ўй-ташвишлари билан банд бўлиши, афгон – Ёр ишқида ёнаётган безовта, бетоқат ошиқ аҳволининг ночорлигини англатувчи муболағали тасвир. Бундай тасаввурларни ўзга тилларда, айниқса, генетик йироқ тилларда қайта яратиш – мураккаб вазифа. Хартманн байтни куйидагича ўгирган:

*Bei der Trennung von jener Sonne fürchte ich,
daß den Himmel verbrenne jeder Funke,
der von dieser glühenden Klage sich trennt.*

Маъноси: Ул қуёш айрилигидан қўрқаманки, у туфайли оловли ноламдан чиқаётган ҳар бир учкун осмонни ёндиради.

Таржимада байтнинг мазмуни тўла ифодасини топган. Маъшук(а)нинг қуёш каби улуғланиши таржимага кўчган ва кўчимнинг қайта яратилишига олиб келган. Шу ўринда Европанинг бир қатор халқлари маъшук(а)ни қуёшга тенглаштиришларини эсга олиш жоиз. Демак, Навоий томонидан қўлланган бу усул Шарқу Ғарб халқларига тушунарли. Муболаға - кишининг ўтли ноласидан чиқаётган олов бутун фалакни куйдириши ҳам мутаржим томонидан қайта яратилган. Байтнинг ботиний, ва зоҳирий маъно англатиши немис тилида муваффақиятли чиққан. Таржимон Шарқ адабиёти, айниқса, араб, турк ва форс адабиётидан таржималари жараёнида бундай тасвирларга кўп бора тўкнаш келган. У байтнинг мажозий мазмунини, яъни ошиқнинг маъшуқа ҳажридаги руҳий ҳолатини тўғри тушунган. Демак, байтда истиора санъати ҳам қайта яратилган. Таржимон доимо тўрт хил деярли мустақил ва мураккаб тизим билан иш кўради. Булар реал воқеълик объектлари, уларнинг субъектив образлари, тил система-си унсурлари ва инсоннинг ҳиссий - эмоционал ҳолатидир. ²⁶⁹¹

Хартманн Шарқ шоирининг ғазалини таржима қиларкан, юқорида келтирилган тўрт тизим бўйича иш кўрган. Реал воқеъликнинг – яъни инсон тақдирининг табиат кучларига боғлиқлиги, бу боғлиқликнинг шоир томонидан субъектив равишда ижобий образлар - қуёш, фалак, шарора, ўтлуғ афгон ва салбий образ ҳажр шаклида инсон тақдирига таъсири, образларнинг таржимон билими ва ҳаракати билан аслият тилидан иккинчи тилга шикастсиз кўчира олиш маҳорати ва уларнинг таржима тилида ҳам эквивалент равишда ҳиссий – эмоционал кайфият уйғота олишини таъминлаган. Ғазалнинг учинчи байти иккинчи байтдаги дил изҳорига жавобдир: Дема, ҳижронимда чекмайсан фиғону нола қўб,

Жисм айларму фиғон , бўлгой нафас жондин жудо.

Яъни: (эй, машуқам!) ҳижронимда яхшигина фиғону нола чекмайсан дема. Ахир, нафас жондан жудо бўлмай туриб, жисм фиғон айлайдими?! Бу ўринда нафас - вақтни, лаҳзалик ҳолни, оний ўзгаришни билдиради. Жон – бу байтда “равон”, “юрим борувчи” каби иккинчи маънони англатади. Жисм – яъни жонсиз жисм қора тупроқдек гап. Қора тупроқ эса ҳаракатсизлик маъносида келяпти. Байтдаги “жон” ва “жисм” сўзларининг қўллангани ҳам таносуб, ҳам зидланиш–тазод санъатини юзага келтирган.

2691 Абдуллажонов А. Навоий бадииятини немисча таржималарда қайта яратиш ва табдил қилиш. 62-б.

Немисча таржимаси: *Sage (mir) nicht: du klagst und weinst nicht genug bei der Trennung von mir; klagt der Leib,*

wenn der Lebensodem von der Seele getrennt ist? Маноси: Менга айтмаки, сен мендан жудо бўлганиндан етарли нола қилмаяпсан, йиғламаяпсан; ҳаётий нафас қалбдан жудо бўлса тана нола қиладими ?

Таржимашунос олимлар Ғ. Саломов ва Н. Комилов Миртемирнинг Пушкин шеърятидан қилган таржималари ҳақида шундай ёзганлар: “Мисрама – мисра аниқ таржима. Аслиятдаги сўзларнинг деярли ғаммаси таржимада муҳайё. Лекин маъно ёрқин... Миртемир асарни сўзма – сўз таржима қилгани учун эмас, Пушкиннинг руҳига киргани учун мана шундай ажойиб сатрларни ярата олган...”²⁷⁰¹ Худди шундай усулни Хартманн ҳам қўллаган. У Навоий руҳига қира олган. Шунинг учун ғазал маъмуни ва хатто шоирнинг иқтидори таржимада намоён.

Ғазалнинг тўртинчи байтида аввалги байтдаги савол - жавобдан сўнгги ҳолат – ошиқнинг ҳижронга нидоси ифодаланган:

*Бўлса юз минг жоним ол, эй ҳажр, лекин қилмоғил
Ёрни мендин жудо, ёҳуд мени ондин жудо.*

Байтнинг олмонча таржимасидан ҳам айнан шу маънони уқиш мумкин:

Hätte ich hunderttausend Seelen, nimm sie hin,
O Trennung (Schicksal), aber trenne nicht
den Freund von mir oder mich von ihm.

Маъноси: Агар юз минг жоним бўлса олақол, эй айрилиқ (тақдир), аммо дўстни мендан жудо қилма, ёки мени ундан жудо.

Аслиятдаги фикр қисқа ва лўнда ифодаланган. Жон жисмдан айрилиб, Дўст – Ёрга қўшилгач, осойиш ва оройиш топиши таржимада ўз аксини топган. Байтдаги истиора санъати таржимада ҳам табиий чиққан. Ундаги *der Freund* (дўст, ёр), *Seele* (қалб, жон), *Trennung* (айрилиқ, ҳажр, ҳижрон), *Schicksal* (тақдир), *nehmen* (олмоқ), *trennen* (айирмоқ, жудо қилмоқ) каби сўзлар таносуб санъатини ҳам яратганлар.

Ғазалнинг мақтаъси ундан англашилган асосий хулосадек жаранглайди:

*Бир иёсиз ит бўлиб эрди Навоий ёрсиз,
Бўлмасун, ё рабки, ҳаргиз банда султондин жудо.*

Таржимаси: Ein herrenloser Hund würde Newa`i ohne Freund;
laß es nicht geschehen, o Herr, daß jemals der Diener
getrennt werde von dem Herrscher.

Маъноси: Навоий дўст – ёрсиз эгасиз итдай бўлиб қоларди. Бунинг содир бўлишига йўл қўймагин, эй Эгам, худди хизматкор хўжайиндан айрилиб қолмаганидай.

Таржимада “иёсиз ит” образи аслиятдагидай, муҳим вазифани бажаряпти. Ошиқнинг ночор, ғариб ҳолати бир сўз билан “иёсиз ит” – “ein herrenloser Hund” образи билан ифодаланмоқда. Байт ўртасидаги алоҳида ўринда келтирилган “laß es nicht geschehen, o Herr”- “эй Эгам, бундай бўлишга йўл қўймагин” – нидоси ҳам эргашган қўшма гапнинг марказида келиб, муҳим стилистик вазифани бажармоқда. Гапнинг маъновий урғуси айнан шу қисмга тушмоқда. Шунингдек, ғазалдаги синтактик қурилишга монанд равишда немис тили гап қурилишига ҳам ўзгариш киритилгани - эргашган қўшма гапларда бош гап ва эргаш гапларнинг ўрнини ўзгартирилгани ҳам аслиятдаги юқори пардани таржимада юзага чиқаришга хизмат қилган. Шунингдек, ўзбек тилидаги «Ёр» сўзи немис тилида муқобил равишда *der Freund*, *Раб* – *der Herr*, *банда* - *der Diener*, *султон* - *der Herrscher* калималари билан ўгирилган. Гарчи таржима сўзма – сўз ўғирма деб таърифланса-да, Шарқ шоирининг лутфи таржимада тўла акс этган. Чунки, мутаржим шоирни тўғри тушунган, Шарқ фалсафасини англаб етган, ғазал руҳига қира олган. Аслиятдаги “султон” сўзининг немисчада “*der Herrscher*” (хукмдор) сўзи билан ифодаланиши мақсадга мувофиқ

2701 Абдуллаева Р. Ғарб олимлари Навоий ва Бобур ижоди ҳақида.// Ўзбек тили ва адабиёти. №1. 2007. Б.40-45.

бўлган. Навоий шеърда “Оллоҳ” ва “султон” сўзларини ёнма-ён келтириш билан сўз ўйини қилгани Хартманн томонидан немисчада англантилган деб ўйлаймиз. Зеро Оллоҳ–бутун фалакнинг султони. Сўзнинг иккинчи маъноси билан шоирнинг дўсти – султон Ҳусайн Бойқарони тушуниш мумкин. Навоий бир қатор асарларида шундай йўл тутган. Бу билан дўсти Ҳусайн Бойқарога бўлган дўстлигини, юрт ҳукмдорига бўлган садоқатини яна бир бор таъкидлаган бўлса, султонга қарши турган кишилар, жумладан унинг ўғилларига султон–Оллоҳнинг Ер юзидаги вакили (сояси), унга қарши бўлиш Ҳақдан йироқлашиш (узилиш) деган мулоҳазани эслатмоқда. Эҳтимол, таржимани, ҳаттоки аслиятни ўқиган ҳамма ўқувчилар ҳам шоирнинг бу истакларини тушунавермайдилар. Зеро ...” Навоийнинг ҳар бир байти замирида бир, уч, беш ёки ўнлаб маъно ва мазмунлар яширин, инчунин, уларнинг изоҳи учун бир, уч, беш ёки ўнлаб талқинлар туғилиши муқаррар. Уларнинг қирралари, чизгилари, товланишлари, рамзу ишоралари беҳисоб. Бир йўла қамраб олиб бўлмайди. Дунёни бир қарашда қамраб ёки битта талқинга сиғдириб бўлмаганидек...²⁷¹¹ Навоийдан ҳар ким, у қайси юртнинг, қайси замоннинг фарзанди бўлмасин, ўзига яраша баҳра олади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Шарқ шоирнинг юксак бадиий –фалсафий маҳорат билан яратилган ғазалини немис таржимони мохирлик билан ўз тилига ўгирган. Шоир қўллаган бадиий санъатларнинг аксари таржимада ўз ифодасини топган. Айниқса, сўз ўйинлари, истиора, таносуб санъатлари аксар ҳолларда муваффақиятли қайта яратилган. Демак, Шарқ шеъриятининг Европа тилларига таржималари халқларимиз ўртасидаги тинчлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи қуролдир. Бу соҳадаги ишларимизни жадаллаштиришимиз давр талаби.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаева Р. Ғарб олимлари Навоий ва Бобур ижоди ҳақида.// Ўзбек тили ва адабиёти, № 1, 2007.Б. 40-45.
2. Абдуллажонов А. Навоий бадииятини немисча таржималарда қайта яратиш ва табдил қилиш. Фил.фан.номз... диссертацияси, Тошкен, 1998.
3. Жамол Камол. “Қизил, сориг, яшил.”// Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. Нашрга тайёрловчилар: А. Шаропов, Б. Эшпўлатов.-Тошкент: Камалак, 1991
4. Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
5. Тоджиходжаев М. Ўзбек адабиёти намуналари Мартин Хартманн таржимаси ва талқинида.-Тошкент: Баёз, 2016.
6. Hartmann M. Čaghataisches. - Berlin, 1902.
7. Awetaranian J. Ali Scher Newai.//Schahid-ul haqayiq. - Schumen, 1900, Nr.1.
8. Стрелковский Г.М. Пособие по переводу с немецкого яз. на русский и с русск.языка на немецкий: - Москва, “Высшая школа”, 1973.
9. Riesel E., Schendels E. Deutsche Stilistik. - Moskau, Verlag Hochschule. 1967.

2711 Awetaranian J. Ali Scher Newai. / in: Schahid-ul haqayiq.1902, Nr.1

ШАРҚ САЙЁР СЮЖЕТЛАРИНИНГ ҒАРБ АДАБИЁТИГА РЕЦЕПЦИЯСИ (ФИРДАВСИЙ, ДЕХЛАВИЙ, НАВОИЙ АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)

Дилнавоз ЮСУПОВА, Гулноза ОДИЛОВА
(ТошДЎТАУ)

Бугун жаҳонга машҳур кўплаб Ғарб адабиёти намуналарининг Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган ҳикоят ва афсоналар, Шарқ мумтоз ижодкорлари асарларида келтирилган сюжет ва мотивлар таъсирида вужудга келганлиги замонавий китобхонга сир эмас. Шарқнинг Ғарбга бевосита таъсири ҳақида кўплаб илмий тадқиқотлар, монография ва мақолалар яратилган ва яратилмоқда. Уларнинг аксариятида муаззам Шарқ маданиятининг Ғарб илм-фани ва санъатига билвосита таъсири ҳақида сўз борса, кўплаб тадқиқотларда мумтоз алломалар асарларининг хорижий тилларга таржима қилиниши билан боғлиқ адабий таъсир масалалари тадқиқ қилинган.

Биз ушбу мақоламизда 1557 йилда Венецияда Майкл Трამезино томонидан “Сарандибнинг уч шахзодаси” номи билан итальян тилида босилиб чиққан ва муқаддимасида муаллиф томонидан “Христофор Арманодан эшитган Шарқ эртагим асосида ёздим” деб қайд этилган “Сарандибнинг уч шахзодаси” асарининг 1964 йилда Элизабет Хода Шарқ адабиёти сюжетларидан таъсирланиш қай тарика амалга ошгани ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Ўзбек навоийшунослигида “Сарандиб шоҳининг уч ёш ўғлони зиёрати” номи билан танилган мазкур асар табризлик арман ёзувчиси Христофор Табризий қаламига мансуб деб қаралади. Бундай қараш шўролар даврида бу ҳақда илк марта мақола ёзган шарқшунос олим Е.Э.Бертельс фикри билан боғлиқ. Е.Э.Бертельснинг “Навоий ва Жомий” номли тадқиқотидан ўрин олган “Навоий асарларининг Ғарбий Европа тилларига қилинган қадимги таржималари” номли мақоласида Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” асари таъсирида яратилган икки асар: юқорида тилга олганимиз “Сарандиб шоҳининг уч ёш ўғлони зиёрати” ҳамда грузин ёзувчиси Цицишвилининг “Етти сайёра” асарлари ҳақида маълумот берилади. Хусусан, олим биринчи асар “Сарандиб шоҳининг уч ёш ўғлони зиёрати” асарига кенгрок тўхталар экан, унинг муаллифи сифатида Христофор Арmani Табризий номини келтириб ўтади. Бертельснинг маълумот беришича, ушбу асар таржима характериға эға бўлиб, 1557 йилда яратилган ва 1766 йилгача, яъни 209 йил ичида 11 марта қайта-қайта нашр этилган.

1557 йилда Венецияда Майкл Трამезино томонидан итальян тилида нашр этилган асар муқаддимасида “Сарандибнинг уч шахзодаси” Муаллиф мазкур асарни форс тилидаги эртақни итальянчада сўзлаб берган Христафор Арманодан эшитганлари асосида ёзаётганлигини айтиб таъкидлаб ўтади. Аммо ҳеч қаерда Майкл Трამезино на муаллифлар номи на унинг таржима эканлигини келтиради. Айтиш мумкинки, Майкл Трამезино асар муллифи ёҳуд муаллифларини яшириши билан бирға, юксак маҳорат ва янғича ғояларға йўғирилган асари эғаларининг қайси Шарқ алломалари эканлигини яхши билган. Асарни бутунлай ўзлаштириб олганликда айбламасликлари учунми, номи ҳеч қайси манбаларда учрамайдиган Христофор Арmano дегани шахсни кашф этади. Америкалик шарқшунос олим Ричерд Бойла ўзининг “Сарандиб шоҳининг уч ўғли” асари ҳақидаги 2000 йилда нашр этилган илмий тадқиқотида “Арmano” деган шахс Трამезинонинг хаёлий тасавури маҳсули бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Бинобарин, бошқа бирон бир тарихий манбаларда бу ном бошқа қайд этилмаган.

Ғарб олимлари мазкур асар Хусрав Деҳлавийға тегишли деб тахмин қилсалар, Бертельснинг фикрича, китоб икки мустақил сюжетдан ташкил топган бўлиб, унинг биринчи қисмида Сарандиб шоҳининг уч ўғли оталари ҳузурида яхши тарбия топиб, саёҳатға отланганликлари ва кўп саргузаштларни бошдан кечирганлари ҳақида ҳикоя қилинади. Шахзодалар йўқолган туяни ўғирлаганликда гумон қилиниб, улар бориб қолган мамлакат шоҳи Баҳром Гўрнинг ҳузуриға олиб келинадилар ва ақл-заковатлари туфайли подшоҳнинг ишончини қозониб, Баҳромни ўлдиришни ният қилган вазирдан халос бўлишиға сабаб

бўладилар. Бертельс ушбу сюжет Хусрав Дехлавийнинг “Ҳашт беҳишт” достонидан олинганлигини таъкидлайди, дарҳақиқат, Дехлавий достонидаги биринчи ҳикоят воқеалари асарнинг биринчи қисми билан кўп жihatдан мос келадики, биз бу ҳақда қуйироқда тўхталиб ўтамиз.

Асарнинг иккинчи қисми бевосита Баҳром Гўр саргузаштлари билан боғлиқ. Унда келтирилишича, ўзининг ёвуз ниятли вазиридан шахзодалар ёрдамида халос бўлган Баҳром шахзодаларни ўз хизматига олади. Сал аввалроқ Баҳром ўз севгилиси Дилоромни ҳайдаб юборган ва унинг фиоқида изтироб чекиб, хасталаниб қолган эди. Табиблар уни даволашда ожиз қоладилар. Шунда шахзодаларнинг маслаҳати билан етти қаср қуриб, Баҳром тунги уйқусизлиги пайтида турли мамлакатлардан келган мусофирларнинг ҳикоясини тинглайди. Еттинчи тунда Дилором ҳақида хабар топади. Бертельснинг мақоласида келтирилишича, “Шарқ ва Ғарб” журналининг ношири, шарқшунос олим Бенфей асарнинг иккинчи қисми айнан Низомийнинг “Ҳафт пайкар” асаридан олинган деган фикрни билдиради, зеро ушбу қисмнинг Баҳром ва унинг саргузаштлари билан боғлиқлиги унинг шундай хулосага келишига сабаб бўлади. Бертельс мазкур мақоласида ушбу қисмнинг асл манбасини излашга ҳаракат қилган ва унинг Алишер Навоийнинг “Сабаи сайёр” достони билан боғланиши ҳақидаги илк мулоҳазасини баён қилган. Бертельснинг бу фикри кейинчалик озарбайжон олими Ғ.Алиев, ўзбек олимларидан Н.Маллаев, Н.Комилов, А.Ҳожиаҳмедов ва бошқалар томонидан айнан тақрор тарзда баён қилинди[□].

Даставвал “Сарандибнинг уч шахзодаси” асарининг умумий сюжетида қисқача тўхталиб ўтсак:

Сарандиб деган мамлакат шоҳи Жаъфарнинг уч ўғли бўлиб, шоҳ уларнинг билим етук инсон бўлиб етишлари ва мамлакатни бошқариш йўлларини яхши эгаллашлари учун оролдаги ҳар бири турли соҳаларнинг устаси бўлган машҳур олимларни уларга устоз қилиб тайинлабди. Шахзодалар илму фан, санъат ва адабиёт соҳасида ҳамма билимларни эгаллаб, комил шахс бўлиб вояга етибдилар. Уларнинг устозлари шахзодаларнинг комиллик чўққисини забт этганликларини айтганда, шоҳ унчалик ишонмабди. У ўз олдига ўғилларини чақириб, бундан буён давлатни тўнғич ўғил бошқариши кераклигини, ўзи эса қолган умрини тоат-ибодатда ўтказмоқчилигини айтади. Катта ўғил “Ота сиздаги тажриба ва оқиллик менда йўқ, умрингизнинг охиригача мамлакатни ўзингиз бошқаришингиз керак” деб камтарлик билан жавоб беради. Ўртанча ва кенжа ўғиллар ҳам акасининг гапини тақрорлаб, шоҳнинг таклифини рад этадилар. Шоҳ ўғилларининг доно ва ақли жавобларидан таъсирланади. Кўнгли хотиржам тартади. Бироқ эртаси куни ўғиллари ҳаётий тажрибани ҳам орттириб, олган билимларини амалиётда синаб кўришлари учун, уларни мамлакатдан ташқарига чиқариб юборишга қарор қилади. Ўғилларини ҳузурига чорлаб, мамлакат кирғоқларини кўп йиллардан бери хавф солиб келаётган аждарлардан озод қилиш учун сеҳрли шеър зарур эканлигини ва улар ушбу шеърни излаб топишлари лозимлигини айтиб, шахзодалар 15 кун ичида мамлакатни тарқ этишлари ҳақида буйруқ беради. Шоҳ қарори билан мамлакатдан чиқиб кетган шахзодалар қудратли император Баҳром (Баҳром Гўр)нинг мамлакатига бориб қоладилар. Йўлда бир туякашнинг йўқолган туясини кўрмаган бўлсалар-да, фаҳму идрок билан унинг белгиларини айтганларида, ўғриликда гумонланиб, мамлакат подшоси Баҳром ҳузурига олиб келинадилар. Баҳром берган саволларига зийраклик билан жавоб берган шахзодаларни ўз саройида меҳмон бўлишга таклиф этади. Зиёфатдан сўнг Баҳром уларга унинг салтанатни бошқаришида ёрдам берадиган – ким ёлғон гапирса кўрсатиб турадиган адолат ойнаси бўлганлигини, уни қўшни қиролликдаги бокира малика салтанатига олиб кетишганини сўзлаб беради. Ва улардан мамлакатда адолат ўрнатишга ёрдам берадиган кўзгуни келтириб беришларини сўрайди. Шахзодалар бунинг учун даставвал кирғоқ соҳилида пайдо бўлиб, қироллик аҳолиси ва ҳайвонларни ҳалок қилаётган баҳайбат қўлни йўқотишлари керак эди. Шахзодаларнинг ақл-идроки ва тадбиркорлиги туфайли, қўл маҳв этилиб, малика кўзгуни уларга ҳадя этади. Шахзодалар кўзгуни Баҳромга қайтарганларида, шоҳ чуқур тушқунлик кайфиятида эди, чунки сал аввалроқ Дилором исмли севимли канизагини овдаги маҳоратини мақтаб, унга таҳсин айтмагани учун қўл-оёғи боғланган ҳолда саҳрода ташлаб келган, эртаси куни қилган ишидан пушаймон еб, ўрмонга борса, қиздан ном-нишон тополмаган ва бу ҳолатдан қайғуга ботиб севгилисининг ҳажрида хасталаниб қолган эди.

Шоҳнинг дардига чора сифатида катта ўғил етти қаср қурдиришни, мазкур қасрларга мамлакатнинг етти бурчагидан эртақчиларни чақиртириб, ҳар кун битта қасрда тунаб, уларнинг ҳикояларини эшитиб кўришни таклиф қилади. Шоҳ шахзодаларнинг айтганини қилиб, тез орада соғлиғи тиклана бошлайди. Еттинчи қасрда тунайдиган кун эртақчи унга ўзи ва Дилором ҳақидаги ҳикояни айтиб бераётганлигини фаҳмлаб қолади. Эртақчи шоҳга Дилором Баҳромнинг қаҳру ғзабига қарамасдан ҳамон уни севишини айтади. Баҳром эртасигаёқ Дилоромга чопар юбориб, уни олиб келтиради.

Шахзодалар ўрмонда бирорта из топа олмагач, Дилоромни ёввойи ҳайвонлар еб кетган деган фикрдан воз кечиб, уни кимдир олиб кетган деган таҳминга боришган, шунинг учун мамлакатнинг турли бурчагидан сайёҳларни чақиртиришни маслаҳат берган эди. Шахзодалар ўз юртига қайтиб борадилар, тўнғич ўғил тахтга ўтиради, ўртанча ўғилга қўшни қиролликдаги бокира малика турмушга чиқмоқчи эканлигини айтиб, чопар йўллайди ва улар турмуш курадилар. Бир неча йиллардан кейин Баҳром қиз кўрганлигини ва қизига кенжа шахзодани куёв қилмоқчи эканлигини айтиб нома йўллайди. Кенжа ўғил Баҳромга куёв бўлади ва тўйдан кейин Баҳром вафот этгач, ўша давлатни бошқаради.

Асар билан танишиш жараёнида ундаги бир қанча сюжетлар Шарқ мумтоз адабиёти таъсирида вужудга келганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Хусрав Дехлавийнинг “Ҳашт беҳишт”, Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” асарларидан олинган кўплаб ўринлар мавжудки, биз даставвал асарнинг Фирдавсий достони билан алоқадор жиҳатларига эътибор қаратмоқчимиз. Маълумки, “Шоҳнома” асари 100 га яқин кичик дostonлардан таркиб топган бўлиб, ундаги қаҳрамонлар кейинчалик Шарқ мумтоз адабиётида кўплаб асарларнинг вужудга келиши учун асос бўлган. Биз таҳлил қилаётган асарда ҳам шундай таъсирланиш кўзга ташланади. Унга кўра, Баҳром хасталаниб ётган вақтида, унинг юртидаги одамлар сарандиблик уч шахзодага Эрон юртига хавф солаётган Заҳак исмли уч бошли илон ҳақида хабар берадилар. Айтишларича, баҳайбат илон Дамованд тоғидаги зиндондан озод бўлганмиш. У бир неча йиллар илгари аждодлар томонидан зиндонбанд этилган экан. У ўрмонлар бўйлаб, тоғлар ортидан пойтахт Бишапур томонга ҳаракатланиб келаётган экан. Ака- укалар унинг нима учун келаётганини сўрашганда, бир дехкон у Баҳромни қўлга киритмоқчи эканлигини, шунингдек бир неча йил илгари кўзғолон кўтарган Кова исмли темирчининг кучини ҳам ўзига тортиб олиш учун келаётганини айтади. Шахзодалар уни махв этиш усуллари ҳақида сўраганларида, уларга шундай жавоб беришади: “Унинг учта бошини ушлаб турган тиргаги бу унинг учта бўйнидир. Агар ҳамма бир ёқадан бош чиқарса, Заҳакдан кутулиш мумкин. Кейин у кучсизланади ва уни император куши олиб кетади”.

Ушбу сюжет ва ундаги қаҳрамонлар Фирдавсийнинг “Шоҳнома” достонидаги “Заҳҳок ва темирчи Кова” достонини ёдга солади. Унга кўра, араб халқларида ҳукмронлик қилган шоҳ Мирдоснинг Заҳҳок исмли ўғли бўлиб, у Иблиснинг ҳийласига учиб, ўз отасини ўлдиради ва тахтга ўтиради. Иблис ошпаз қиёфасида унинг саройига ишга кириб, унга таомлар тайёрлаб беради ва Иблиснинг макри билан Заҳҳокнинг елкасида илонлар ўсиб чиқади. Иблис улар инсон мияси билан боқилсагина, тинчланиши ва йўқолиши мумкинлигини айтади ва шу тариқа одам насли камая боради. Бир куни Заҳҳок туш кўради: унга кўра, уч баҳодир хўкиз бошли гурзиси билан Заҳҳокни савалаётган эканлар. Улардан навқирони Заҳҳокнинг терисини шилиб олиб, икки кўлини кесиб, боғлаб, уни Дамованд тоғи томон судраётган экан. Уйқудан уйғонган Заҳҳокка муъбадлар туш таъбирини айтиб берадилар: Бир кун келиб, Фаридун илонларга ем бўлган отаси Отибиннинг хуни учун ундан қасос олади. Дарҳақиқат, шундай бўлади: Заҳҳок қанча уринмасин, Фаридунни ўлдиришга чоғланмасин, тақдирдан кутула олмайди, темирчи Кова эса ўлдирилган ўғилларининг қони учун Заҳҳокка қарши кўзғолон кўтаради, паҳлавон Фаридун уни асир олади ва Дамованд тоғига зиндонбанд қилади. Кўринадики, “Сарандиб шоҳининг уч ёш ўғлони” асарига киритилган ушбу мотив Фирдавсий достонидаги шу қиссадан олинган.

Шарқшунос олим Е.Э.Бертельс ўзининг “Навоий асарларининг Ғарбий Европа тилларига қилинган қадимги таржималари” номли мақоласида “Сарандиб шоҳининг уч ёш ўғлони зиёрати” асари Амир Хусрав Дехлавийнинг “Ҳашт беҳишт” (“Саккиз жаннат”) таркибига кирувчи бир ҳикоя заминидан

ёзилганлигини айтади. Дархақиқат, унинг умумий қолипловчи сюжети Дехлавий достонидан олинган ҳикоятни ёдга солади. Достонда Баҳром шанба куни қора гумбаз остида ҳинд маликасининг ҳикоятини тинглайди. Ҳикоятнинг қисқача мазмунини баён қиламиз:

Сарандиб мамлақати шоҳининг ҳар томонлама етук ва баркамол уч ўғли бўлиб, подшоҳ уларнинг ҳар бирини алоҳида ҳузурига чақириб, ўз тахтини таклиф қилибди. Лекин улар ота тахтига рағбат билдирмабдилар. Отаси ичида бундан хурсанд бўлса-да, лекин ғазабланган киши бўлиб, ўғилларини мамлакатдан ҳайдаб юборибди. Уч шаҳзода бошлари оққан томонга йўл олибдилар. Йўлда туясини йўқотган бир кишини учратибдилар. Ўз билимлари ва зийракликлари туфайли туянинг устида бир ҳомиладор аёл ва ёғ ҳамда асал ортилган хуржун борлигини айтибдилар ва туя кетган томонга ишора қилибдилар. Туянинг эгаси бу маълумотлардан уларни ўғри деб гумон қилибди ва подшоҳ ҳузурига олиб борибди. Подшоҳ уларни зиндонга ташлабди. Эртаси куни туя ва аёл топилгач, шаҳзодаларнинг бегуноҳлиги маълум бўлибди ва подшоҳ улардан узр сўраб, уч-тўрт кун саройда меҳмон бўлишларини илтимос қилибди. Меҳмондорчилик асносида шаҳзодалар уларга таом ўрнида тортилган кўзичоқнинг ит сути билан боқилганлигини, шаробнинг қабристонда ўсган узумдан тайёрланганлигини ва подшоҳнинг ўзи ҳам шоҳ ўғли бўлмай, ошпазнинг фарзанди эканлигини айтибдилар. Ҳикоят сўнгида шаҳзодалар оталари ҳузурига қайтиб, бахтли ҳаёт кечирибдилар. Кўринадики, “Сарандиб шоҳининг уч ёш ўғлони” зиёрати асари учун айнан шу ҳикоят умумий қолипловчи сюжет вазифасини ўтаган.

Табризийга нисбат берилган асарнинг иккинчи қисми кўп жиҳатлари билан “Сабъаи сайёр” достонини ёдга солади. Бу қисмнинг Алишер Навоий достонига қай даражада алоқадорлигини билиш учун ҳамсанавислар: Низомий, Дехлавий, Ашрафнинг Баҳром мавзусидаги достонлари ва Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достони сюжетларининг баъзи қирраларига қисқача тўхталиб ўтсак. Биринчи масала канизакнинг исми билан боғлиқ. Табризийга нисбат берилган асарда канизакнинг исми Дилором. Низомийда Фитна, Ашрафда Баҳромнинг ошиқлиги билан боғлиқ сахна, демак канизак воқеаси йўқ, Дехлавий ва Навоийда қизнинг исми Дилором. Бу жиҳатдан асар Дехлавий ва Навоий асарига яқинлашади. Салафларда, яъни Низомийда ҳам, Дехлавийда ҳам Дилоромнинг келиб чиқиши, болалик тақдири тасвирланмаган. Навоий достонида эса Дилором хоразмлик созандага ўзининг асли Чиндан эканлигини, бола эканлигида уруш вақтида асир тушиб, Хожа уни ўзига фарзанд қилиб, боқиб олганлигини, болалигиданок дилкаш оҳанг билан қўшиқ қуйлаганлигини айтади:

*Икки хон кину размидин тақдир,
Тифл эканда биравга қилди асир.*

*Байъима хожса муштари бўлди,
Бандаси меҳри ховарий бўлди.*

*Гарчи мундоқ азиздурмен анга,
Сотқун олган каниздурмен анга,*

*Чунки йўқ эрди хожсага фарзанд,
Мисли фарзанд қадрим этти баланд,*

*Чун унум дилкаш эрди, лаҳжам хуш,
Чекар эрдим таронаи дилкаш.*

“Сарандибнинг уч шаҳзодаси” асарида ҳам Дилоромнинг тақдири Навоий достонидаги Дилоромга яқин туради. Дилоромни илк бор кўрган Баҳром унинг ўтмиши билан қизиқиб, унинг хожаси бўлмиш савдогардан Дилором ҳақида сўраганда, у қизни ҳали болалик пайтидаёқ топиб, боқиб олганини айтади:

“When I found the child, she was too young to speak, nor growing up, could she remember aught to tell us of her past. Only the tunes she sings suggest she may have heard in her former days some songs we never new” (*Three princes of Serendip*).

Сўзма-сўз таржима: “Мен бу чақалоқни топиб олганимда, у ҳали гапира олмасди. Ўтмиши ҳақида ҳам ҳеч нарсани эслай олмасди. Фақат унинг ҳиргойиларигина биз ҳеч қачон била олмайдиган ўтмишдан бизга хабар берарди”.

Энди канизакнинг овдан кейинги тақдири билан боғлиқ ўринларни қиёсласак. Низомийда ов пайтида канизакнинг “машқнинг натижаси” деган гапларидан Баҳром ғазабланиб, ўз саркардасига Фитнани ўлдиришни буюради, лекин Фитна тadbир ишлатиб омон қолади. Дехлавийда Баҳром Дилоромни отдан тушириб юбориб, бир ўзини саҳрода қолдириб кетади. Навоийда эса ғазабланган Баҳромнинг фармони билан унинг одамлари Дилоромни узун сочларига боғлаб, саҳрода қолдириб кетадилар:

*Маҳддин ойни чиқордилар,
Бир биёбонга элта бордилар.*

*Ҳар гиёҳи анинг нечукким ўқ,
Даврида неча кунчилик сув йўқ.*

*Жонивар умрини қилурга табоҳ,
Бутмай анда бағайри захр гиёҳ.*

*Икки гисусидин каманд айлаб,
Ташладилар гулула банд айлаб.*

“Сарандибнинг уч шахзодаси” асарида ҳам Баҳром Навоий Баҳроми сингари йўл тутади, уни ўрмонга ҳайдаб юборишларини талаб қилади:

“Take her away; take her far away...Let her be driven into the darkest forest and there be devoured by beasts” (*Three princes of Serendip*).

Таржимаси:

“Уни ҳозирок кўзимдан йўкотинг, кўзимга кўринмасин... Қоронғу ўрмоннинг ичкарасига ҳайдаб юборинглар, махлуқларга ем бўлсин”.

Эртасига мастлик тарқагач, пушаймон бўлади ва уни излаб саҳрога келади, бироқ топа олмайди ва изтиробдан хаста бўлиб қолади. Табиблар уни даволашда ожизлик қиладилар. Бу ўринлар ҳар иккала асарда юксак пафос билан тасвирланган. Хусусан, “Сабъаи сайёр”да

*Сўрдиким: «Моҳваши қаён кетмиши?»
Беҳабарким, не шоҳ кор этмиши?*

*Дедилар қилганин неча маҳрам,
Тийра бўлди анга ёруғ олам...*

*Хажрдин жон чу оззига етти,
Кўпти беихтиёру азм этти.*

*Ул навоҳига тегру қилди шитоб
Қи, суманбарга қилмиши эрди итот*

*Ким, бор эрса ҳаёти имкони,
Бўлғай ул руҳга фидо жони.*

*Улукин топса мотамин тутқай,
Ун чекиб навҳаи ғамин тутқай.*

*Кўтариб зор сарви чолокин,
Солибон маҳд аро тани покин,*

*Навҳадин кўнглин айласа холи,
Ўзин ўлтурсай устига холи.*

*Ёри хилватгаҳига хос ўлғай,
Фурқатидин ўлуб халос ўлғай.*

*Ҳар неча кезди дашту саҳрони,
Топмади зод сарви раънони...*

*Не ўлук эрди, не тириксони,
Бўлмас эрди тирик демак они.*

Баҳромнинг Дилоромни йўқотгандан кейинги ҳолати Трამеззино асарида ҳам чуқур изтироб билан тасвирланган:

“He gave commands in a voice as sharp as lightning, as urgent as thunder. To the guards of the palace and to those who had driven Deliramma away, he gave instructions. “Hurry to the north and south. Hurry to the east and west. If need be, turn my entire empire upside down, but find fair Deliramma. Even at this moment a lion may be at her throat. I cannot bear to have her suffer. I cannot bear to have gone. So the guards rode off in search. And the anxious emperor walked back and forth, back and forth, as he waited for news of his missing love. When it come time to eat, Vahram’s face was long and sorrowful. The imperial cooks had prepared all of his favorite foods; but he tasted only a little rose petal pilau and called for some pussy willow broth. Every few moments he stood up and looked out to see if anyone was coming back with Deliramma, but none of the guards could find her. The search continued for many days. Crashing through the forests on elephants and racing along the imperial roads on horses, the pursued every rumor of where she might be. Unfortunately, the rain had washed away her footprints, and each disappointment was followed by another. At last, grieving deeply, the emperor gave up hope and became ill with unhappiness. He stopped going out of doors; and because Deliramma was not there to sing, he would allow no music within his palace. Although many noted doctors came to see him and consulted daily with each other medicines seemed to improve his pitiful condition.” (*Three princes of Serendip*).

Таржимаси: “Баҳром Дилоромни қочириб юборганларга ҳамда сарой аскарларига янги буйруқлар берди: “Шимолга, Жанубга шошилинг, Ғарбга, Шарққа боринг. Керак бўлса, бутун империяни ағдартўнтар қилинг, аммо ой юзли Дилоромни топинг. Эҳтимол, бирор йиртқич ҳайвонга ем бўлгандир. Мен унинг изсиз йўқолишига ҳам, азоб чекишига ҳам бардош беролмайман”.

Шундай қилиб, аскарлар уни қидиришга тушдилар. Ташвишлар гирдобиди қолган шоҳ у ёқдан бу ёққа юрар, севгилисидан бирор бир янгиликни интиқиб кутарди. Овқат маҳали, Баҳромнинг юзи жуда ҳорғин ва ғамгин эди. Империя ошпазлари унинг ёқтирган барча таомларини тайёрлашган, аммо у атиргул баргларидан қилинган овқатдан ва шўрвадан нари-бери татиб кўрди, холос. Ҳар дақиқада бирортаси Дилоромни олиб келяптимиқан дея ташқарига назар ташлаб кўярди. Аммо бахтга қарши

аскарларнинг ҳеч қайсиси уни топа олишмаган эди. Узоқ изладилар. Отларда империя йўллари бўйлаб, филларда ўрмонлар орқали ҳаракатланаётган аскарлар у қаерда бўлиши мумкинлиги ҳақида бош қотирар эдилар. Бахтга қарши, ёмғир ҳам унинг оёқ изларини ювиб кетган, бир кўнгилсизлик кетидан иккинчиси келар эди. Ниҳоят, чуқур тушкунликка тушган шоҳ умидини узар экан, бу фожиага қўшилиб ўзи ҳам бетоб бўлиб қолди. У эшикдан ташқарига чикмай қўйди. Чунки ташқарида майин қўшиқлар куйловчи Дилором йўқ эди. У сарой ичида қўшиқ куйлашни ман этиб қўйди. Кўпгина табиблар уни текшириб кўриб, ўзаро маслаҳат қилишди, аммо на бир гиёҳ ва на бир дори-дармон унга кор қилди”.

“Сабъаи сайёр”да табиблар ва етти иқлим шоҳи, “Сарандибнинг уч шахзодаси” асарида эса шахзодалар Баҳромнинг дардига чора бўлиши учун 7 қаср қуришни маслаҳат берадилар. Уларнинг сайъ-ҳаракатлари билан тез орада 7 қаср қурилади. Баҳром ҳафтанинг етти кунида мана шу қасрларга кириб, 7 иқлимдан келган мусофирларнинг ҳикоятларини тинглайди.

Низомийда ҳам, Дехлавийда ҳам ўз канизақларини йўқотган Баҳромнинг изтироблари кўрсатилмаган. Қаср қурилиши ҳам Баҳромнинг дардини енгиллаштириш учун эмас. Низомийда Баҳром уста Симнор томонидан Хаварнақ қасрида ўзининг 7 сайёҳ даврасида тасвирланган суратини кўриб, шундай қаср қуришларини буюрса, Дехлавийда овга ва айш- ишратга берилиб кетган Баҳромни пойтахтга қайтариш учун 7 қаср қурадилар. Низомийда ҳам, Дехлавийда ҳам Баҳром Навоий таъбири билан айтганда, ишқдан, дарду ғамдан холи тарзда тасвирланган. Навоийнинг Баҳроми эса Дилоромни йўқотгандан сўнг руҳий изтироблар туфайли покланиб, чин маънода ошиқлик сифатларига эга бўла бошлайди. Европалик муаллифнинг асарида ҳам Баҳром айнан мана шу сифатларга эга қахрамон сифатида тасвирланган, шу жиҳатдан у Низомий ва Дехлавий Баҳромига эмас, айнан Навоий Баҳромига яқин туради.

Шунингдек, асарда келтирилган баъзи буюм ва предметлар ҳам Навоий достони таъсирида вужудга келган. Масалан, “Сарандибнинг уч шахзодаси” асарида Баҳром саройида бир вақтлар бир ажойиб кўзгу бўлади. У бу ҳақда шахзодаларга куйдагиларни сўзлаб беради:

“Formerly in this country evil arose less often than nowadays,” he said, “because my grandfather possessed a device called the Mirror of Justice, which had been found by philosophers of ancient times. This glass, inherited by my father and uncle, had the property of reflecting both truth and falsehood. “When two people were at difference, both were obliged to look into it. As they did so, the face of the one who had lied, immediately turned purple. The face of the one in the right, retained its own color; and so the latter one would win his case” (*Three princes of Serendip*).

Таржимаси: “Илгарилари бу ерларда шайтоний найранглар ҳозиргидан анча кам эди, чунки бобомда қадимги файласуфлар томонидан топилган Адолат кўзгуси деб номланувчи буюм бор эди. Кейинчалик ўзида ҳақиқат ва ёлғонни акс эттирувчи бу кўзгу отам ва амакимга меърос бўлиб ўтди... Икки кишининг гаплари ҳар хил бўлганда шу кўзгуга қарашга мажбур қилишарди. Ёлғон гапирган кишининг юзи тезда сиёҳранг тусга кириб қоларди. Ҳақиқатни сўзлаган кишининг юзи бўлса ўз рангини сақлаб қоларди”.

“Сабъаи сайёр” достонидан олинган тўртинчи ҳикоятда ҳам айнан шундай кўзгу ҳақида сўз боради. Унда келтирилишича, бир куни Жуна исмли подшоҳга бир мусофир бир кўзгу тухфа қилади. Бу кўзгу шундай мўъжизага эга эдики, агар ким унга боқиб туриб сўзласа, сўзи ёлғон бўлса, юзи қорайиб кетарди ва агар гапи чин бўлса, юзи аслича сақланиб қоларди:

*Тухфа келтурмиш эрди бир кўзгу
Ким, ани тутса ҳар киши ўтру.*

*Чин деса аксида сафо эрди,
Деса ёлғон юзи қаро эрди.*

*Кўп киши қилди озмойиш анга,
Айтгондек эди намойиш анга.*

Юқоридагилар асосида айтиш мумкинки, Майкл Трэмеззино ёки бошқа номаълум шахс Шарқ мумтоз ижодкорлари Фирдавсий, Деҳлавий ва Алишер Навоий асарларининг маълум қўлёзмалари асосида (ёки уларни ўз юртига олиб кетиб) янги қоришма асар яратган. Бу асар Трэмеззинонинг асари сифатида уйғониш даврининг шоҳ асарлари қаторидан жой олган. Асарнинг жаҳон тамаддунидаги ўрни ҳақида сўз юритишдан аввал ўша даврдаги адабий жараёнларни кўздан кечирсак. Ренессансгача бўлган давр, эрта Ренессансда асосан архитектура ва тасвирий санъат ривожланади. Дунёнинг гелиоцентрик тизими, неоплатонизм, секуляризм диний қарашлар уйғунлигидаги фалсафий таълимотлар негизида файласуфлар, олимлар ва ижодкорларнинг идеологик ғоялари шаклланади. Бироқ ғарб олимлари эътироф этганидек ҳақиқий ренессанс XV аср охири — XVI асрнинг 90 йилларида содир бўлади. Бу Ренессанснинг ўзига хослиги шунда эдики, адабиётда гуманизм фалсафаси илгари сурила бошлайди. Коинотнинг мақсади ва муддаоси инсон эканлиги, инсон комил зот бўлмоғи, унинг ҳис- туйғулари ва кечинмалари реалистик олам манзарасида тасвирлана бошлайди. Италиян шоири Франческо Петрарке ўзининг соҳибжамол Лаурага бағишланган сонетлари орқали инсоннинг ички ҳиссий-эмоционал туйғуларини англаш билан Уйғониш даври адабиётида инсон мавзусини бошлаб берган бўлса, Джованни Боккачо новеллаларида инсон тасвирида ҳаққонийлик, унинг яхши ва ёмон сифатларини, ҳиссиётларини ошқо- ра драматик тасвирлаш устунлик қилди. Сервантеснинг «Дон Кихот» рицарлик романсларига пародия тариқасида дунёга келган. Бироқ 1557 йил Майкл Трэмеззинонинг мазкур асаригача Европа адабиётида комил инсон тасвири, шаҳзодалардаги диний ва дунёвий билимлардан хабардор бўлишлари кераклиги ва ўз оталари томонидан дунёвий билимларни эгаллашга даъват этилиши, шаҳзодага таълим берувчи устозларни ёллаш мотивлари учрамайди. Шарқда шоирлар туркий ва форсийни билганларидек, Ғарбда италян тили инглиз тили билан бир мавқега эга бўлган. Шекспир италян тилини яхши билган ва италян сонети асосчиси Франческо Петрарка ижодига ниҳоятда қизикқан. Шарқда Навоий туркий тил мавқеини кўтарганидек, Ғарбда Шекспир италян сонети темир қонуниятларини ўзгартириб инглиз сонетининг ўзгармас вазнини яратади. 1589-1613 йилларда ижоди гуркираган Шекспир Европани кезиб чикқан Трэмеззинонинг машҳур “асари”ни ўқиган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Зеро, шарқшунос олим Ричерд Бойланинг 2000 йил нашр этилган илмий рисоласида олим “бу китоб Европада уша даврда шу даражада машҳурлик қозондики, 1584 йил китоб Венецияда қайта нашр этилди” дейди. Олимнинг таъкидлашича, мазкур асар Бокаччонинг “Декамерон”идан кам бўлмаган шухрат қозониб, бутун Европани кезиб чикқан. Асарнинг инглиз тилига таржимаси илк бор 1722 йилда италянчадан француз тили воситасида амалга оширилган.

Шекспир ижодидаги комиллик фазилатларига эга – Ҳамлетнинг пайдо бўлиши, унинг шаҳзода бўлишига қарамай, ҳаёт фалсафаси ҳақида олимлардек фикр қилиши бу Трэмеззинонинг асаридан руҳланиш натижаси бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Франсуа Рабленинг “Гаргантюа Пантагюел” асарида эса, ўша даврдаги Франция маданияти, овқатланиш тарзи, онги, одамларнинг турли жинсий касалликларга чалиниши ва ижтимоий ҳолатлар танқидга олинган. Мазкур сатирик асардаги қирол Грангузьенинг ўғли Гарьгантюанинг отаси томонидан дин уламолари тарбиясига топширилиши натижасида ўғлининг янаям онгсиз тўпори бўлиб қолиши, қиролнинг ўз ўғлига бошқа устоз топиб, уни Парижга жўнатиб юбориши ёки китобнинг иккинчи қисмида Гарьгантюа Пантагюел деган ўғил кўриши, ўғлининг турли университетларда таҳсил олиб, Парижга бориб қолиши ва отасига дунёвий билимларнинг инсон ҳаётида ўрни нечоғлик муҳимлиги ҳақида хат ёзиб юбориши, отасининг муаммоларини ақл кўзи билан ечиб бериши, Вольтернинг Задиг асари қаҳрамонида ҳам ўша машҳур асардан илҳомланиш, кутилмаган тасодиф ва бахтсиз ходисалар чоғида онг ва тафаккурни ишлатиб, омадга эришиш ғояси мавжудки, ғарб олимлари Вольтернинг “Сарандиб шоҳининг уч ўғли” асаридан илҳомланган ва адабиётда “Сарандибийлик” йўналиши пайдо бўлганини таъкидлашади. Ўша даврнинг зиёли қатлами ўртасида қўлма-қўл бўлган мазкур асар уйғониш даври адабиётига гуманистик ғояларни, янги йўналишни ҳам олиб кирди.

Мазкур асар таъсирида инглиз ёзувчиси ва файласуф Хорас Волпол 1754 йилда ўзининг дўсти Харас

Маннга ёзган мактубида янги сўз “serendipity” ни қўллайди ва унга – фавкулудда ҳолатларда онгнинг юқори ишлаб кетиши натижасида кашфиётлар қилиш ва кутилмаганда омадга эришиш деб изоҳлайди. Волпол бу сўз маъносини тушуниш учун “Сарандиб шохининг уч ўғли асари”ни ўқиш керак эканлигини таъкидлайди. Шу биргина ёзишма натижасида мазкур асар Англияда қайта қайта ўқиб чиқила бошлайди “serendipity” сўзи эса ингизларнинг сеvimли сўзи, фалсафий тушунчасига айланади. Асардаги бутун фалсафий маънони қамраб олган мазкур янги сўз Англия ва Америкада сиёсат, медицина, ранг тасвир, таълим, иқтисодиёт, алгебрининг илм фан ва ижтимоий жараённинг ҳамма тармоқларигача кириб боради ва фан тараққиётига сабабчи бўлади. Аммо бу тараққиёт негизида Шарқ алломаларининг закоси ётибди. Бу оламшумул асар ҳақида ҳамон Ғарб олимлари илмий тадқиқодлар олиб бормоқдалар бунга Бэверидж ва Татон, Рэмер, Майкл Стоскоф, Мариэль Девидсон, Мортон ва Швендлер, Кэмпбел Кэсей ва Аргуэтти каби олимларнинг тадқиқодларини келтириш мумкин.

Мазкур асар сюжетларидан эса уйғониш давридан то ҳозиргача Европа адабиёти фойдаланмоқда, фильмлар ва мусикалар, санъат асарлари яратилмоқда.

ВВС журнали ўтказган сўнги ўн йилликда англияликларнинг энг сеvimли сўзлари 10 талигида биринчи ўринда SERENDIPITY сўзи турибди. Инглиз тили луғатларда “серендилик” - сўзига дунёвий билим ва ақлнинг юксак даражада ривожланиши натижасида, муаммоли вазиятда онгнинг ишлаб кетиши ва кутилмаган жойдан омадга эришиш деб изоҳ берилади.

Кўриниб турибдики, дунё тамаддунига салмоқли ҳисса қўшган мазкур асарга бўлган қизиқиш Ғарбда ҳамон сўнгани йўқ. Асарнинг Ғарб уйғониш даврига туртки бўлган шарқона фалсафа ва жозибаси бир қадар буюк мутафаккир Алишер Навоийга ҳам тегишли эканлиги киши қалбини фаҳрга тўлдирди. Биз ушбу асарни инглиз тилидан таржима қилиб хукмингизга ҳавола этмоққа жазм этдик. Зеро, Ғарбни бутунлай мафтун этган Шарқ алломалари – Фирдавсий, Деҳлавий ва Алишер Навоий ижоди тандемга берилган ғарбона бўёқлар сизни ҳам беътибор қолдирмайди деган умиддамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алиев Г. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. – М.: Наука, 1986.
2. Elithabeth Jamison Hodges. Three princess of Serendip (by Mikel Tramezzino. ATHENEUM 1964. New York.
3. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж. 7: Сабъаи Сайёр. – Т.: Фафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011.
4. Абулқосим Фирдавсий. Шохнома (сайланма). Нашрга тайёрловчи ва насрий баён муаллифи Х.Ҳомидий. – Т.: Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2012.

ШЕЪРИЙ ТАРЖИМАДА ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН: ҒАЗАЛ ТАРЖИМАСИДА ШАКЛ ВА МАЪНО МУТАНОСИБЛИГИ

Аидахон БУМАТОВА
(ТошДўТАУ)

Бадий адабиёт асос-этибори билан эстетик тарбия ва турли маданиятларнинг ижобий кўринишларидан маънавий озикланиш манбаидир. Шарқ ва Ғарбда буюк ижодкорлар томонидан яратилган мумтоз адабиёт бугунги глобаллашув даврида дунё халқлари маданиятларида муайян қадриятларнинг шаклланишига ҳисса қўшмоқда. Шу маънода ўзбек мумтоз адабиёти ўзининг умрбоқий миллий ва умуминсоний қадриятлари билан жаҳон адабиёти ихлосмандларининг диққат-этиборини тортаётганини кўришимиз мумкин. Бунга дунёда Ўзбекистон халқи ва унинг маданиятини ўрганиш учун очилган катта имкониятлар ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Чунки Интернет тармоқларида ўзбек ада-

биётининг тарғиботи, туризмнинг ривожланиши ўзбек адабиёти намуналари билан хорижликларни таништириш ишларини кескин кенгайтди. Бугунги кунда хорижлик адабиёт ихлосмандлари ўзбек адабиёти намуналарини таржима қилишга уринаётганликлари шундан далолат беради.

Хусусан, 2016 йилда АҚШнинг Массачусетс штатида Деннис Дэйли ўзининг ўзбек тилидан таржима қилинган ғазаллар тўпламини оммага таништирди. У инглиз адабиётшуноси бўлиб, ижод билан ҳам шуғулланади. Шу вақтга қадар унинг 3 та шеърий китоби, жумладан, Навоий ижодидан шеърий таржималарни ўз ичига олган тўплами нашр этилган. У 2001 йилда Самарқандга қилган саёхати чоғида Алишер Навоий ғазаллари билан танишади ва меҳр қўяди. Ватанига қайтгач, у дарҳол ўзбек тилини ўрганишга киришди ва ўзбек тилини билувчи Джен исмли қизининг насрий тағламалари ёрдамида шоир ғазалларининг 21 тасини инглиз тилига таржима қилди. Ушбу китоб 2016 йил Сервена Барва Прес нашриётида босилиб чиқди.

Бу таржималарнинг диққатга сазовор жойи шундаки, улардаги шарқона бадиий тафаккур тарзи ва шеър жилоси америка ўқувчисини ўзига ром этади. Таржималарнинг шаклийжозибаси шу вақтгача Навоийнинг хориж тилларига ўгирилган ғазалларига қараганда анчайин силлиқ ва ўқишга осон қилиб берилган. Ғазалларда макта, кўп ҳолларда оригиналдаги радифлар ва мисралар сонининг сақланиб қолишига эришилган.

Китобдан ўрин олган ғазаллардан бири Навоийнинг “Лолазор эрмаски оҳимдин жаҳонга тушти ўт” мисраси билан бошланадиган ғазали таржимасидир. Шу вақтга қадар ғазал инглиз тилига бевосита 2 маротаба таржима қилинган эди. Биринчи марта ғазалнинг таржимаси Қосим Маъмуров ва Леонид Кметюклар томонидан амалга оширилган бўлиб, Тошкентда 2000 йилда нашр этилган Алишер Навоийнинг баъзи ғазаллари, рубоийлари ва ҳикматли сўзларининг таржималарини ўз ичига олган “Уммондан дурлар”, иккинчи марта самарқандлик таржимон Динара Султонова томонидан 2015 йилда нашр этилган “Selected gazels of Navoiy” (Навоийнинг танланган ғазаллари)²⁷² тўпламларида чоп этилди. Деннис-Дэйли таржимаси ушбу ғазалнинг учинчи таржима версияси сифатида илмий қимматга эга.

Навоий ғазали ишқий-гасаввуфий мавзуда ёзилган. У арузнинг рамали мусаммани маҳзуф вазнида (фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун) битилган бўлиб, тақтеъси: – V – – / – V – – / – V – – / – V –; Қофияланиш тартиби: “a-a; b-a; c-a; d-a; e-a; f-a; g-a;”. Ғазалда – “жаҳонга, осмонга, бехонумонга, корвонга, найистонга, сарви равонга, нотавонга, мозандаронга” сўзлари қофия, “тушти ўт” эса радифдир. Ғазал 7 байт ва 14 мисрадан иборат.

Ғазалнинг биринчи байти²⁷³:

*Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонга тушти ўт,
Йўқ шафақким, бир қироқдин осмонга тушти ўт.*

Байтнинг маъноси:

Теварак-атрофнинг қизилликка бурканганини асло лолазор деб ўйлама, бу менинг оҳим тафтидан оламга тушган ўтдир. Шафақ ҳам эмас, ердан самога ўрлаб кетган оҳим оловидир.

Навоий байтда тафреъ санъатини кўлламоқда. Бунда маълум бир образ ўқувчига кўрсатилади-да, кейин бу сиз кўрган нарса эмас, аслида бу бошқа нарса деб, аввалгисидан кучлироқ образ берилади²⁷⁴. Мазкур байтда лолазор ва шафақ аслида шоирнинг оҳидан еру кўкка тушган ўт дея таъкидланмоқда. Шоир лолазор, олов ва шафақнинг бир рангдалигидан фойдаланган ҳолда бу образни яратмоқда.

Д.Султонова таржимаси²⁷⁵:

*My sigh not only to dale of tulips but to world of mine set fire,
It wasn't sunset but one woeful touch set the Heaven on fire.*

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

272 Алишер Навоий “Уммондан дурлар” – ғазаллар, ҳикматлар ва рубоийлардан намуналар. Тузувчи Йў.Парда; “Шарк” нашриёт-манбаа концерни, 2000 йил. – 144 б.

273 Султонова “Selected gazels of Navoiy”; Тошкент – 2015 йил. – 68 б.

274 Алишер Навоий. “Ғаройиб ус-сиғар”, МАТ, III жилд. Тошкент, «Фан», 1992. 87-бет

275 В.Раҳмонов: “Мумтоз сўз сеҳри”; “Ўзбекистон” НМУИ – 2015 йил. 88-б.

*Менинг оҳим нафақат лолазорга, балки менинг дунёмга ўт қўйди,
Бу қуёш ботиши эмас эди, балки, бир фиғонли тегиш осмонга ўт қўйди.*

Таржимада шоирнинг охи унинг оламнигина эмас, унга қўшиб, лолазор ва осмонни ҳам ёқиб юбормоқда. Аслият матнида эса лолазор олов ичида эмас, унинг алвонлиги ошиқнинг оҳидан ёниб кетган далага қиёсланиб, ўша даладан ўт кейинчалик осмони фалакка ўтгани айтилган эди. Мисрадаги лолазор образини яратишда таржимон поэтик синоним “tulip dale” иборасини қўллайди.

Д. Дэйли таржимаси²⁷⁶:

*Tulip fields blaze the face of my soul's fire.
Sunssets sear across the sky, touch the earth with fire.*

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

*Лолазорлар ёқадилар юзини менинг қалбим оловининг,
Шафақлар осмонни куйдириб, ерга олов билан тегади.*

Мазкур таржима она тили инглиз тили бўлган таржимон томонидан бажарилган. Унда шакл ва ритм сақланган. Инглиз тилида байтлар осон ва рагон ўқилади. Таржимон мисраларда қофияни тикламаган бўлсада, радифни сақлай олган. Хорижлик шоир-таржимоннинг буюк Навойга муҳаббат қўйиб уни таржимасига киришгани таҳсинга сазовор. Аммо шаклий гўзаллик ва нафосат, таржимондан асл маънони қурбон қилишини тақозо қилган ва бу баъзан аслият байтларини соф дунёвий муҳаббат изҳорига айлантирган.

Таржимада шарқ мумтоз адабиётига ҳос бўлган тарфё сақланмаган. Бундан ташқари, янги образ “soul's fire” (қалб олови) киритилган. Энг муҳими, таржимага кўра, дунёни шоирнинг охи ёндирган эмас, аксинча, лолазорлар шоир қалбидаги оловнинг юзини шуълалантирмоқда. Аслиятдаги тарфё тақозосига кўра, ер билан осмон туташган уфқдан самога ҳам ўт кўтарилган эди. Таржимада эса, оловнинг нақд иккита сабаби берилмоқда. Биринчиси, лолазорлар; иккинчиси, шафақлар. Иккинчи мисрада айнан шафақдан ерга ўт кетганини кўраимиз.

Бу ўринда «Уммондан дурлар»да келтирилган таржима айни маънони акс эттирганини кўраимиз:

*That is no tulip field but a world set aflame by my sighs.
That is no sunset - the sky- has caught fire where it touches the earth.*

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

*Бу лолазор эмас, балки дунёга ўт қўйилгандир менинг оҳларимдан,
У қуёш ботиши эмас, балки осмонга ўт тушиди у ер билан туташган жойидан.*

Мазкур таржимада тарфё яхши сақланган.

Иккинчи байт:

*Дедилар: эл хонумонин ўртар ул рухсор ўти,
Бу сўз эшиткач, мени бехонумонга тушти ўт.*

Байтнинг маъноси:

Ёр ишқининг ўти элнинг ҳолин хароб қилар, дедилар. Буни эшитибок, мен, бечоранинг қалбига ўт тушди.

“Хонумон” хонадон, уй жиҳозлари, бойлик маъноларни англатади²⁷⁷. Ёрнинг ишқида ёнмаган қалб, куймаган юрак қолмаган экан; унинг кўп сонли ошиқлари, ёр учун жонларидан ҳам, молларидан ҳам кечиб юборишга тайёр турган эканларини эшитдим. Атрофидагиларнинг унга нечоғлик ошиқ эканларини кўриб, мен бечора рашқдан куйиб кул бўлдим.

Д. Султанова таржимаси:

*It's said the blaze of her beauty burns every dwelling of men,
Catching hold of this word me a homeless one wished burn as fire.*

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

276 Султанова “Selected gazels of Navoiy”; Тошкент – 2015 йил. 28-бет.

277 Д.Дэйли: “Twenty-one ghazals; Alisher Navoiy”; Сервена Барва Пресс, Коммервил, Массачуссетс – 2016 йил. 7-б.

Айтишларича ёр гўзаллигининг олови ёндиради кишиларнинг ҳар бир уйини,
Бу сўзни эшитиб, мен бир уйсиз, хоҳладим ёнмоқни олов каби.

Таржимада генерализация қўлланилган бўлиб, ёр юзининг ўти, унинг умумий гўзаллигининг оловига айланиб кетган. Натижада ёр юзидаги қизилликка ишора бой берилган. Биринчи мисрадаги “dwelling”нинг маъноси “уй-жой”дир. У ҳам толеъ, ҳам моддий бойлик маъносини англата оладиган “fortune” сўзи билан берилганда маъқул бўларди. Иккинчи мисрада, содир бўлган иш-ҳаракат ҳақида гап кетмоқдаки, таржимада эса бу қисм истак майли билан берилмоқда. Айни пайтда, “бу сўз эшитгач” бирикмасининг “Catching hold of this word” тарзида таржима қилиниши ўқувчи тасаввурини ёритади.

«Уммондан дурлар»да келтирилган таржима²⁷⁸:

It has been said the light of her visage sears to the core...

I heard and was ignited, fortuneless as I was.

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Айтилдики, унинг юзининг олови куйдирар эмиш жонгача,

Мен эшитдим ва ёндим, шундайин бахтиқаро мен эдим.

“Рухсор” – “Ёр” маъносида келмоқда. Контекстдан гўзал ёр англашилмоқда. Юзнинг ёруғлиги ҳақида гап кетмаяпти. “Ўт” эса ёрнинг гўзаллигидан ошиқ қалбига тушган муҳаббат ўти. Таржимон томонидан “хонумон” сўзининг тағмаъноси жуда яхши тушунилиб – “core” билан таржима қилинган. Агар шу ўринда, аслиятдаги каби “хонумон” ва “бехонумон”ни тазодланганда эди, шаклий ва луғавий эквивалентликка эришилган бўларди.

Д.Дэли таржимаси:

Light radiates through that flesh-façade to essence.

Without fortune and prospect, I ignite with the fire

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Ёруғлик нурланади у тана ташқи қобикдан жонга қадар,

Омадсиз ва умидсиз, мен ёнаман оловда.

Байтни яна бундай тушуниш мумкин: “Ундан чиқадиган нур тўғри қалбгача келадики, мен бу оловдан қочиб қутула олмайман”. Яъни, ундан тараладиган нур, менинг қалбимга тушади. Мен эса омадсизлик ва умидсизлик аро ёнаман. “Рухсор ўти”ни таржимон ўзича талқин қилиб, умумлаштирган ҳолда бермоқда. Аслиятдаги образлар қисман туширилгани боис, шоирни куйдирган нарса ёрнинг элни куйдиришга ҳаракат қилаётгани эмас, ундан таралаётган нур бўлиб қолган. Бу кўпол хато эмас, аксинча, маъно товланиши кузатилади. Ишқ ўти “ишқ нури”га айланган. Христиан ўқувчиси учун “ўт”дан кўра “нур” анча тушунарли. Христиан илоҳиёти назарияси нуқтаи назаридан “нур” ҳам муҳаббат ўтини англатади. Бу байт Дели таржимасида анча муваффақиятли таржима қилинган дейиш мумкин.

Учинчи байт:

Оразингнинг ламъаси куйдурди сабрим хайлини,

Барқи офат чақилиб ул корвонга тушти ўт.

Байтнинг маъноси:

Гўё йўлдаги карвонни яшин урганидек, Ёр юзининг (гўзаллигининг) шуъласи менинг сабр-тоқатимни ёндирибқул қилиб юборди.

Байтда тамсил санъати қўлланилмоқда. Иккинчи мисрада келаётган карвон – кўплика мос келиши учун, шоир сабрим тўдаси деган бирикмани киритмоқда. Карвон кўп киши ва уловдан ташкил топгани каби, шоирнинг ҳам сабри беҳад эди. Ёр юзини кўргунча у васл умидида қанча бўлса-да, кутишга тайёр юрарди, аммо, уни кўргач, шоирнинг улкан сабри тугади. У оғир ғамга дучор бўлди, худдики яшин урган карвон офатга дуч келгани каби.

Д. Султанова таржимаси:

Miraculous fair of you grace set fire to my patience firm,

278 “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”, III жилд. Тошкент, «Фан», 1983. 414-бет

Ill-meant flash of lightning struck at, and set the caravan on fire.

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Нафосатингнинг бетакрор гўзаллиги, менинг қаттиқ сабримни ёқиб юборди,
Ёмон ниятли чакмоқ чакдию, карвонга ўт кетди.

“Сабрим хайли” таржимада “my patience firm” билан берилган. Бу билан тамсил санъатини қайта яратиш учун керак бўлган кўплик тушиб қолмоқда. Аслиятда мавжуд бўлмаган ўзгаришларни ҳам кузатдик; лаъма – шўъла сўзи эса “fair” – “чирой” сўзи билан алмаштирилган. Ва ниҳоят “барқи офат” – “Ill-meant flash of lightning” (ёмон ниятли чакмоқ)га айланмоқда.

«Уммондан дурлар»да келтирилган таржима:

Those rays have incinerated the gallant troops of my patience,
Recuding to ashes the caravan that they guarded,

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

У нурлар менинг кўркмас сабрим кўшинини кул қилиб юборди,
Кул қилиб улар кўриқлаб келаётган карвонни ҳам.

Мазкур таржима бутунлай эркин талқиннинг ёркин мисолидир. Масалан, “Those rays” қандай нурлар экани ноаниқ; агар улар иккинчи байтда келтирилган “light of her visage” бирикмасига тегишли бўлса, прагматик диссонанс ҳосил бўлади, сабаби юзда “ray” бўлмади. Иккинчидан, аслиятда “gallant troops of my patience” бирикмаси йўқ. “Хайл” сўзи тўда, гуруҳ, тоифа, эл, жамоа; оила, бола-чақа, аҳлу-аёл деган маъноларни англатади. Таржимон карвонни кўриқловчи аскарлар образини киритмоқда, аммо Навоий сабрнинг кўркмас аскарлари ҳақида ёзмаган эди. “Сабрим тўдаси” бизнингча, туганмас, улкан, тоғдек сабрига ишора. Учинчидан, маъно ўзгариб кетган: карвонни кўриқлаб келаётган аскарларни ёндиргач, сирли нурлар карвоннинг ҳам кулини кўкка совурган бўлиб чиқмоқда. Тўртинчидан, “recuding” сўзини “reducing” сифатида ўқиш тўғри бўлади.

Д. Дэли таржимаси:

Of impatience—the guards of prudence have vanished:
My caravan defenseless to the coming fire.

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Сабрсизликдан ақл кўриқчилари ғойиб бўлдилар,
Менинг карвоним ҳимоясиздир ёпирилган олов олдида.

Юқорида “сабр” лашкари сабрсизликдан ғойиб бўлган “ақл лашкари” билан алмаштирилмоқда. Кейинги мисрада шоир карвоннинг эгаси бўлиб чиқмоқда. Аскарлар ғойиб бўлгач, унинг карвони (қаердандир) унга томон келаётган олов олдида ожиз бўлиб қолмоқда. Тамсил санъатининг қайта яратилмагани таржимада маъновий ноаниқликни келтириб чиқармоқда. Маъно жиҳатидан таржима Навоий байтидаги умумий ғояни тўғри етказа олган.

Тўртинчи байт:

*Ўқларинг кўнглимга тушкач куйди ҳам кўз, ҳам бадан
Ким, куйар ўлу қуруғ чун найситонга тушти ўт.*

Байтнинг маъноси:

Сенинг ўтли ўқларинг менинг кўнглимга қадалгач, ҳам кўзим, ҳам танам куйиб кетди, чунки камишзорга ўт тушса, хўлу-қуруқ баравар ёнадику. Ўқ, бу ўринда ёр нигоҳининг метафорасидир. Шоир маъшуқасининг ўтли нигоҳига дуч келиб, унинг кўнглига муҳаббат ўқлари қадалди. Севги олови унинг қалбидан кўзлари ва танасига тарқайди. Шоирнинг бутун вужуди маъшуқа томон талпинади. Бу ўтни ҳеч ким ўчиролмайди. Мазкур байтда шоир ирсоли масалдан фойдаланган ҳолда, ўзининг аҳволини ўт кетган тўқайга қиёслайди. “Тўқайга ўт кетса хўлу – қуруқ бирдай ёнади” деган мақол билан ўз аҳволини далилламоқда. Бундан ташқари байтда параллел қурилмалар ҳам бор. Яъни, кўз одатда ёрдан айро ёш тўкавериб доим хўл бўлади, натижада тана беҳол бўлиб қуриб қолади.

Д.Султановатаржимаси:

When your arrows reached my heart both my eyes and body burnt,
And who could stay safe if everything dry and wet one were on fire.

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Сенинг ўқларинг қалбимга етиб келганида ҳам кўзим, ҳам қалбим куйди,
Ким кутулиб қолар эди, агар хўлу-курук бирданига ёнса.

Агар иккита камчиликни ҳисобга олмаса таржима жуда яхши бажарилган. Биринчидан, байтнинг иккинчи мисрасидаги “чунки” маъноси берадиган “ким” боғловчисининг кишилиқ олмоши “who” билан алмаштирилган. Иккинчидан, эга ва кесим мослашуви қоидасига эътибор берилмаган. Грамматик тўғри қурилган фикр шеърни тушунишни енгиллаштиради. Шу нуқтаи назардан “everything” олмоши билан “was”нинг ишлатилиши мақсадга мувофиқ бўларди.

«Уммондан дурлар»да келтирилган таржима:

One flash of lightning and my eyes and my body and soul were consumed,
All was a sea of flame as though the rushes had been set ablaze.

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Чакмоқнинг бир чақишидан менинг кўзлариму танам ва қалбим олов ичида қолди,
Ҳамма ёқ олов денгизига айланди худдики қамишзорга ўт қўйиб юборилгандек.

Аслиятдаги “ўқлар” негандир “one flash of lightning” (“чакмоқнинг бир чарақлаши”) билан ўгирилган. Бундан ташқари, аслиятдаги мантикий кетма-кетлик ҳам ўзгартирилган. Хусусан, аввал кўз, кейин тана ва охирида қалб ёнмоқда. Бу Навоийнинг идеалидаги севги эмас. Севгининг айнан юракдан бошланиши унинг ҳақиқий эканидан нишонандир. Бу Аллоҳга муҳаббат ҳамбўлиши мумкин, сабаби кишилар Аллоҳ жамолига кўз ва тана билан эмас, қалбвоситасида етишадилар. Таржимада ирсоли масалнинг қайта тикланмагани унга катта зиён етказган. Таржимага “sea of flame” ва “rushes” образларининг киритилиши мисрани сўзма-сўз тушуниш натижасида келиб чиққан бўлиши мумкин.

Д. Дэли таржимаси:

A lightning flash has struck and changed me utterly
As rushes burst and spread in a sea of fire.

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Чакмоқ чақиб менга тегди-да мени бутунлай ўзгартириб юборди,
Худдики қамишлар гув этиб ёниб олов денгизига айлангани каби.

Таржима бошқаларига қараганда шаклан анча сиқик. Бу қисқалиқ, аслиятнинг кўпчилик образларини ташлаб юбориш натижасида пайдо бўлган. Хусусан, ирсоли масал умуман берилмаган. Унинг ўрнига шоирни чакмоқ уриб уни ўзгартириб юбормоқда. Кейинги мисрада маъно сақлангани диққатга сазовор. Қамишзорнинг олов денгизига айлангани хўлу куруғ бирдек ёнгани ҳақида тасаввур уйғотади.

Бешинчи байт:

*Совуруб гул хонумониму қуюн рангин экин,
Ё фалак бедодидин сарви равонга тушти ўт.*

Байтнинг маъноси:

Ё гулларнинг кулини кўкка совургани учун ҳам қуюн рангдор бўлиб қолганмикан ёки фалакнинг жафоларидан сарв дарахтига ўт тушдимикан.

Қуюннинг туси одатда унинг гирдобига тушиб қолган нарсалар ва тупроқнинг аралашмасидан ҳосил бўлади. Шоир кўриб турган қуюн ҳам гул рангини олган. Бу ерда қуюн офат, гуллар қонини тўкиб, яъни яксон этиб, қонга беланган. Шунинг учун у рангли тусда. Шоир қизил рангни назарда

тутаётгани кўришиб турибди. Тикқомат сарв дарахти ҳам тақдирнинг адолатсизликларидан ўт бўлиб ёнмоқда. У ҳам олов шуъласида қизил ранга бурканган. Ушбу байтда шоир ташбеҳ санъати воситасида олов ва гул ранги ўртасида параллел чизиқ тортади. Ишқ – офат, бало. Унинг домига тушган ошиқнинг ишқ азобида қон ютиши ҳақида мумтоз шеърятда мисоллар кўп.

Д.Султанова таржимаси:

Whirlwind furiously blowing snatched, scatted roses of my land,
Was it dooms of Heaven that to cypress fascination was set a fire?

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Даҳшатли қуюн бўлиб менинг ерим атиргуллари пайҳон қилиб, кўкка совурдимикан,
Ёки фалакнинг бедодлигидан у сарви равон ёндирилдимикан?

Биринчи мисрадаги “to scat” феъли шоир назарда тутган пайҳон қилиш маъносини бермайди. Шунинг учун бу феъл аслида “to scatter” бўлиши керак деб ўйлаймиз; нашрда хато кетган бўлиши мумкин. Таржима конкретлаштириш ва кўшиш усулидан фойдаланиб гулга нисбатан “rose of my land” иборасини ишлатмоқда. Тўғри, атиргул инглиз шеърятда муҳаббат рамзидир. Унинг Шекспир сонетлари ва драммалари, ҳамда Р.Бёрнснинг “Red rose” шеърида келтирилиши бунга ёрқин мисолдир. Бироқ Навоий байтда ўзига юзланган офатни тасвирлашда қуюн ва олов образидан фойдаланаётганига эътиборни қаратмоғимиз даркор. Аслият образларини таржимада ўқувчи тилилексикасида боршеърый образлар билан алмаштириш лозим деган фикрда ҳам маълум бир маънода жон бор. Аммо, иложи борица миллий колоритни, бу ўринда Навоий қўллаган бадий санъатларни очишга йўналтирилган образларни сақлаш ўзбек мумтоз ғазалиётининг жозибасини кўрсатишга хизмат қилишини унутмаслигимиз мақсадга мувофиқ. Мумтоз адабиёт намуналарини кўпроқ таржима қилиб, янги образ ва бадий санъат воситаларини чет эл адабиётига неологизм қилиб киритиб боришга қаратилган уринишларни кўллаб –қувватлашимиз керак. Вақт ўтиши билан соф миллий рух билан йўғрилган тушунчалар, хориж адабиёт учун ҳам осон қабул қилинадиган тушунчаларга айланиб қолади. Форс ва араб адабиётидан қилинган мумтоз асарларнинг таржималари, ҳозирда америка ва кўпгина Европа давлатларида ғазалнависликнинг шаклланганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Бутун бошли ғазал жанрини ғарб адабиёти томонидан ўзлаштирилганда, ундаги образларнинг ўзлашмаслиги, ёки тушунарсиз бўлиб қолиши ҳақида гапириш ноўрин бўлади.

«Уммондан дурлар»да келтирилган таржима:

Was it a whirlwind that snatched and scattered the life of the flower?
Was it the treachury of the skies that ignited the tapering cypurus?

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

У қуюнмикан қайсики гул умрини янчиб кўкка совурган,
Ёки осмонлар бедодлигидан у тораяётган сарвга ўт тушдимикан.

Матндаги “treachury” аслида “treachery”, “cypurus” эса “cypress” шаклида ёзилади. Аммо имло хато туфайли ёрнинг Кипр ярим оролига айланиб қолгани жуда жиддийдир. Балки бу нашр жараёнида рўй берган хатоликдир. Бу ўринда Сарв – дарахт, ёки ёрга нисбатан қўлланилаётган метафора; Кипр – жануби-шимолий Европада жойлашган орол-давлат. “Tapering cypress” бирикмаси инглиз тилида ландшафт дизайнига мослаш учун сарвга ишлов беришга нисбатан қўлланилади. Гап ҳам ёр, ҳам дарахт ҳақида бораётгани учун “beautiful” сўзини қўллаш мақсадга мувофиқ бўларди деб ҳисоблаймиз.

Д. Дэли таржимаси:

Did a whirlwind seize and scatter the flower’s life?
Did heaven’s treachery envelope in fire

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Қуюн гулнинг ҳаётини юлиб олиб совурдими,
Осмоннинг бедодлиги ёқиб юбордими.

Байт оҳанги ёқимли. Аммо маъно сийқалашган. Агар иккинчи мисрада сарв образи туширилиб қолдирилмаганида эди, ўзининг шакли нуқтаи назаридан ўқилиши осон, маъноси ҳам яхши сақланган таржима шу бўларди.

Олтинчи байт:

*Куйдум ул дамким, юз очдинг халқни куйдурғали,
Элга ўт солдинг вале, мен нотавонга тушти ўт.*

Байтнинг маъноси:

Сен элни куйдириш учун юзингдан пардани кўтарган захотинг менинг бағрим ёниб кул бўлди.

Бу байт-шоҳбайт. Унда тасаввуф фалсафаси акс этган. Аллоҳ жамолини кўришга ҳамма иштиёқманд. Унинг жамоли оламда акс этади. Аммо уни кўриш ҳаммага ҳам насиб этмайди. Уни англаш учун солиқ Илоҳий Ишқ оташида ёнмоғи лозим. Аллоҳ (Ҳақ) васли йўлида маст ошиққа етган ҳар бир жазба ошиқ қалбини куйдириб кул қилади.

Д. Султанова таржимаси:

*I caught fire, just when you'd showed thy face to make men be in flames,
Yours people thou made take fire, but only me poor one took fire.*

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

*Мен ёндим, сен юзингни очишинг биланоқ, одамларни куйдириши учун,
Сеникилар одамлар сен куйдирдинг, лекин фақат бечора мен куйдим.*

Орттирма нисбатдаги “make smb V” ибораси одатда ҳаракат феъллари билан ишлатилади. “Yours” сўзи ўзидан кейин от олиб келгани учун “youг” бўлиши лозим. “Ўт солмоқ” ва “тушти ўт”нинг биргина “take fire” билан ағдариб, таржимон формал эквивалентликни сақлашга уринган, аммо, бу жумла сунъий жарангламоқда.

«Уммондан дурлар»да келтирилган таржима:

*How I suffered that moment. Did you inveil you countenance to punish?
You scorched them all and I, like a fool, was inflamed.*

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

*Қандайин қийналдим ўшанда. Сен юзингни жазолаш учун очдингми?
Сен уларнинг ҳаммасини куйдирдинг, мен аҳмоқ каби ёндим.*

Инглиз тили учун “unveil” шакли ҳос, “inveil” эмас. Биринчи мисрадаги жумланинг иккига ажратилиши, бир қисмининг ҳаяжон, иккинчи қисмининг сўроқ шаклига айлантирилишидан кўзланган мақсад ноаниқ. Аслиятда “punish” ҳақида гап кетмаган. Ёр нега одамларни жазолаши керак? У гўзал, у эрка; у ҳамма уни суйишини хоҳлайди. Шоир ўзини аҳмоқ (“fool”) деб атагани ҳақида аслиятда умуман маълумот йўқ.

Д. Дэли таржимаси:

The tapering cypress? How could you do it:

Unveil your countenance, unleash my passion's fire?

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Торайиб бораётган сарв? Нега ундай қилдинг?

Юзингни очдинг, менинг эҳтиросим оловини бўшатдинг?

Олдинги байт билан солиштирилганда, мазкур мисралар таржима эмас, эркин интерпретация кўринишига келиб қолганини кўриниб турибди. Маълумки, мақтаъдан олдинги шоҳбайтда шоир ғазалдаги асосий фикр, таъбир жоиз бўлса ўз ҳаёт фалсафасини ифодалайди. Шу боисдан, бир қарашда бу каби мисралар умумий ғазал билан боғланмагандек туюлиши мумкин. Навоийнинг замони, анъаналари, ҳаёт

тарзи билан унчалик яқиндан таниш бўлмагани учун таржимон ирфоний фикрга йўғрилган мисраларни, ғарб кишиси осонроқ тушунадиган қилиб, оддийлаштириб, дунёвий ҳис-туйғу кўринишида ўгирган. Шаклга ҳам мазмунга мос равишда қайтадан ишлов берилиб, сўроқ гап қурилмалари киритилган.

Еттинчи байт:

*Эй Навоий, билки оҳе чекмишам беихтиёр,
Десаларким, бешайи Мозандаронга тушти ўт.*

Байтнинг маъноси:

Эй Навоий, агар кимдир Мозандарон тўқайига ўт кетибди деса, билки, мен ногаҳон оҳ чеккан бўламан; Мозандаронга ўт менинг оҳим учқунидан тушган бўлади.

Мақтаъ, ғазалнинг якуни бўлиб, унда шоир ўз фикрларини хулосалайди. Шоир мактаси матла билан узвий боғланган. Ўзига қарата қилган хитобида юқорида атрофга ўт қўйган образлардан ҳам кучлироқ бўлган – унинг оҳи экани, ва шу оҳдан чиққан учқун ҳатто бир неча масофа узоқдаги Мозандарон ўрмонларини ҳам кул қилиб юбориши мумкунлигини ғулув ёки гипербола орқали таъкидламоқда. Фикримизча байтлар таржимасида бир хил хатоликларга йўл қўйилган:

Д.Султанова таржимаси:

*Hey Navoiy get aware of that, that I've moaned all at once,
As I was told that brush woods in Masandaran had been on fire.*

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

*Эй Навоий, билки мен ногаҳон оҳ чеккан бўламан,
Чунки менга Мозандарондаги ўрмонга ўт кетган деб айтишган бўлишади.*

Таржимага кўра, шоирга Мозандаронга ўт кетганини айтишгани учун у оху-фиғон чеккан бўлади. Аслида эса унинг ёрдан бошқа дарди йўқ, шоир ҳижрондан оҳ чекмоқда.

«Уммондан дурлар»да келтирилган таржима:

*When it is said the forests of Masandaran had caught fire,
Know, Navoiy, I suffer unwittingly.*

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Мозандарон ўрмонларига ўт кетибди дейишса,
Билгин Навоий, мен ногоҳ қийналаман.

Мазкур таржимада ҳам шоир Мозандарон тўқайининг ёниб кетганидан қийналаяпти. Аслиятда эса бунинг акси.

Д.Дэли таржимаси:

*Understand, Navoiy, I deny my suffering
As the Masandaran forests turned red with fire.*

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Тушун Навоий, мен азоб чекишни рад этаман,
Чунки Мозандарон ўрмонлари оловдан қизариб кетди.

Таржима ҳам маъно, ҳам шарқ мумтоз ғазали анъаналари нуқтаи назаридан ғализ чиққан. Аввало шоир ўз оҳининг кучлилиқ даражасини Мозандарон тўқайзорларидаги кучли ёнғинга менгзаган. Таржимада эса бунинг акси.

Юқоридаги таржималар таҳлили натижасида қуйидаги умумий хулосаларга келдик:

1. Ҳар учала таржимада ҳам ғазалнинг аслиятдагидек ҳажми ва шакли сақланган – 7 байт ва 14 мисра;
2. Аслият матнидаги “жаҳонга, осмонга, бехонумонга, корвонга, найистонга, сарви равонга, нотавонга, мозандаронга” қофиялари афсуски бирорта ҳам таржимада қайта тикланмаган;

3. “Тушти ўт” радифи Д.Султанованинг таржимасида тўлик, Д.Дэлининг таржимасида 6-байтдан ташқари барча байтларда тикланган;

4. Вазн ва ритм нуқтаи назаридан қараганда энг осон ўқиладиган таржима Д.Дэлининг таржимасидир;

5. Аслият матнидаги образлар баъзи ҳолатларда янги бирикмалар билан алмаштирилган;

6. Мақтаъ ҳар учала таржимада ҳам аслият матни билан номутаносиб;

Учала таржимон ҳам Навоийнинг мазкур ғазалини инглиз тилига ўгиришда жуда катта жонбозлик кўрсатганлар. Классик адабиётнинг лирик жанрлари мутахассисдан чуқур лингвистик билим, улкан маҳорат, ўз ишига муҳаббат, ғазалда келтирилган нозик маъноларни илғай олиш кўникмаси ва албатта, катта жасорат талаб қилади. Сабаби, ҳар кимнинг ҳам Навоийни таржима қилишга ҳадди сиғмайди. Бу жуда катта масъулият. Навоийни инглиз тилига таржима қилиш XIX асрда бошланган бўлсада, бугунга қадар биз буюк Навоий даҳосини, форс адабиётининг йирик намоёндалари бўлмиш Саъдий, Ҳофиз, Хайём, Румий кабилар қаторида танита олган эмасмиз. Навоийнинг тили мураккаб, чет элликлар у ёқда турсин, оддий кишилар баъзан мутафаккирнинг байтларини тушунишга қийналиб қолишлари мумкин. Аммо бу таржима қилмаслик, миллий адабиётимизни жаҳонга тарғиб қилмаслик учун баҳона бўла олмайди. Иш бор жойда камчиликнинг ҳозир бўлиши табиий ҳол. Мақоланинг асосий мақсади асло устоз таржимонларимиз томонидан бажарилган таржималарни танқид қилиш эмас. Аксинча, улар қўйиб берган асосни таҳлиллар воситасида ривожлантириш, силлиқлаштириш ва ўзбек маданияти билан таниш бўлмаган кишиларнинг юксак нафосат ва бадиийлик намунаси бўлмиш ғазалларни қабул қилишини енгиллаштириш йўллари топишдир.

Америкалик Д.Дэли томонидан амалга оширилган ғазалларининг таржимаси ҳақида гапирадиган бўлсак, у камчиликлардан холи бўлмаса-да, буюк Алишер Навоийни жаҳонга танитишда яна бир даражада қадамдир. Келажакда хорижий таржимон ижодкорларининг ўзбек навоийшунос олимлари билан фаолият олиб боришлари эса унданда гўзал ва мукамал таржима асарларини дунёга келтиришига ишончимиз қомил.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ, III жилд.- Тошкент: Фан, 1992.
2. Алишер Навоий “Уммондан дурлар” – ғазаллар, ҳикматлар ва рубоийлардан намуналар. Тузувчи Й.Парда. – Тошкент: Шарқ НМК, 2000.
3. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. III жилд. - Тошкент: Фан, 1983.
4. В. Раҳмонов. Мумтоз сўз сеҳри. – Тошкент: Ўзбекистон НМУИ, 2015.
5. Д.Дэли: “Twenty-one ghazals; Alisher Navoiy”; Сервена Барва Пресс, Соммервил, Массачуссетс, 2016.
6. Султанова Д. Selected gazels of Navoiy. - Тошкент, 2015.

V. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИ ЎҚИТИШ МУАММОЛАРИ

НАВОИЙ – ДАВЛАТ АРБОБИ, ХАЛҚ ҲИМОЯЧИСИ

Омонилла МАДАЕВ

Алишер Навоий бутун ҳаётини, ижодини, фалсафий фикрларини Аллоҳнинг инояти билан миллатининг, халқининг келажаги учун хизмат қилишга бағишлади. Агар Форобий, Беруний, Ибн Сино, Ал Фарғоний ўзбекнинг доврўғини кўпроқ илм соҳасида дунёга машхур қилган бўлсалар, Алишер Навоий жаҳон халқларининг маданий, маънавий, адабий меросига муносиб ҳисса қўшиш билан ўз бурчини бажаришга мушарраф бўлди. У яратган сўз санъати хазинаси миллатимизнинг бебаҳо улуши сифатида эътироф этилмоқда. Аммо шу билан бирга Алишер Навоий ўз замондошларини ҳам унутмади. Буюк давлат арбоби сифатида халқнинг мушкулларини осон қилиш чораларини излади, юрт тинчлигини асраб авайлади.

Қадимги тушунчаларга кўра, подшоҳ ҳузурида халқнинг дардини айта оладиган давлат арбоби бўлса, юрт тинчлиги кафолатланади, осойишталик сақланади, эл равнақи учун имкон туғилади. Разолат йўли беркитилади, адолат йўли очилади. Бундай вазиятнинг ёрқин намунасини Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романида Юсуфбек ҳожи, “Меҳробдан чаён” романида Анвар Мирзо тимсолларида ифодалаган. Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романида ҳам Қосимбек тимсолини яратишдан адиб шу мақсадни назарда тутган бўлса, ажаб эмас. Алишер Навоий ҳаётлиги пайтида Ҳусайн Бойқаро у билан ҳар бир тадбирни маслаҳатлашишга ўрганган ва мусохибининг йўл йўриқлари билан иш кўрган эди. Бу анъана бузилгани заҳоти Маждиддин, Низомулмулк таъсири кучайиб мамлакатда адолатсизликлар бошланган. Аммо Алишер Навоий имкони борича шоҳ ҳузурида халқ ҳомийси, ҳимоячиси сифатида фаол ҳаракатда бўлган. Айрим ҳаётий лавҳаларга мурожаат қилайлик: Гиёсиддин Хондамирнинг маълумот беришича, Султон Ҳусайн Бойқаронинг кўнглига Хоразм вилоятини обод қилиш фикри келиб Хуросондан уч минг хонадонни у ерга кўчириш ҳақида фармон чиқаради. Фармоннинг мазмун-моҳияти яхши бўлса ҳам уни бажариш уч минг оилани ватанидан ажратарди. Уч минг хонадон аъзолари, кўчлари, бор-йўқлари билан минглаб чақирим йўлни азобда босиб ўтишга мажбур эдилар. Тоғликлар, сувликлар, чўллар ва саҳроларда кўч-кулон, бола-чақа, қариялар, беморлар билан йўл босишни тасаввур қилиш қийин. Бечораларга раҳми келган Амир фармонини бекор қилдириш умиди билан Ҳусайн Бойқаро ҳузурига келиб шоҳга далиллар келтириб халқ номидан илтимос қилади. Аммо Султон илтимосга кулоқ солмайди. Алишер Навоий шоҳ ҳузурида шу илтимос билан ўн марта мурожаат қилади. Шоҳ бу сафар ҳам дўстининг илтижоларига эътибор қилмайди. Шунда ҳазрат ўн биринчи марта шоҳга мурожаат қилиб шундай дейдилар: (Аъло Ҳазрат чиқарган) муборак фармонга мувофиқ камина ҳар бир муҳим масала борасидаги ўз вақтида билдириладиган фикримни тўққиз мартагача (қайта-қайта) айтишга ҳақли бўлганлигимдан келиб чиққан ҳолда, халқни Хоразмга кўчириш масаласи тўғрисидаги фикримни тўққиз марта маълум қилдим, бироқ натижа бермади. Ҳатто ундан ошириб ўнинчи марта ҳам бу ишнинг олдини олиш учун сизга бош оғриғи бўлдим, лекин илтимосимнинг бажарилишига эриша олмадим. Энди илтимосимни яна бир марта такрорлайман ва умид қиламанки, бу гал бу илтимосни бажо келтирасиз.

Ҳусайн Бойқаро халқ ҳомийси илтимосини қисман бажаришга мажбуран рози бўлди. Хоразмга уч минг эмас, мингта хонадон кўчирилади. Бу воқеага бугунги кунда муносабат билдириш осондир. Аммо ҳодиса рўй бераётган замон нуқтаи назаридан ёндашсак, даҳшатга тушишимиз аниқ. Ўзингиз ййлаб кўринг, биз бугун Алишер Навоийнинг жаҳон миқёсидаги обрў эътиборига қараб баҳо берамиз,

кадрлаймиз. Энди XV асрдаги Хуросон микёсида улкан мамлакатни бошқараётган подишоҳ Хусайн Бойқаро хузурига унга маъқул бўлмаган илтимос билан ўн бир марта киришга журъат этган Алишерни кўз олдимизга келтирайлик. Ўн марта муржаат қилаётган шоирнинг тақдири, ҳаёти қанчалар таҳдид остида эканини ҳисобга олайлик. Исталган бир сафарда шоҳ жаҳл йўлида ҳаддан ташқари кескин қарорга келиши мумкин эди. Алишер Навоий ақлли, саройдаги вазиятлар тажрибасига эга инсон сифатида қилаётган ҳаракатининг оқибатини билмаслиги мумкин эмас эди. Аммо фожиага йўлқитирилаётган уч минг оила тақдири ўзининг ҳаётидан устун эканлиги шоиримизга тинчлик бермаган. Ўз жонини гаровга қўйиб юртдошлари ҳимоясига отланишга мажбур қилган. Мана шундай вазиятда шоир ўрнига ўзимизни қўйсак, Алишер Навоий жасоратига қойил қолмаслик мумкин бўлмайди.

“Шундай ҳолатлар ҳам кўплаб юз берганки, Соҳибқирон Султон саройи амалдорлари айрим зарурий харажатлар учун катта миқдордаги пулни (солиқлар сифатида тўлаш учун) халқ зиммасига юклашмоқчи бўлишганида, қалби денгиздай кенг бўлган бу Амир халқ қийналиб қолмаслиги ва бу нарса салтанат қасри пойдеворининг ларзага келишига сабаб бўлмаслиги учун ўша пулни ўз хазиналаридан тўлаб юборардилар”²⁷⁹. Хондамир юқорида айтган фикрининг бир далили сифатида 1500 йил июль-август ойларида рўй берган бир воқеани келтиради. Амалдорлар зарур харажатлар учун юз минг динор миқдорида пул ундириш зарурлигини маълум қилишганида, эллик минг динори Ҳирот атрофидаги бойлардан ва яна эллик минг динори Ҳирот аҳолисидан тўплашга қарор қилинади. Буни қарангки, халқдан тўпланадиган солиқни йиғиш амали бажарилишидан аввал Алишер Навоий билан маслаҳат қилиш одат тусига кирган экан. Ноиблар Ҳазрат хузурига бориб, маслаҳат сўрашганида, бу сафар ҳам шоир:

“Шу пайтда халққа ўринсиз солиқ солинишини олий манзилатли Соҳибқирон салтанати учун муносиб иш деб билмайман, - дедилар-да, ўша пулни ўз ёнларидан тўлаб юбордилар”²⁸⁰.

Адабий манбалардан маълумки, Алишер Навоий умрлари давомида бир неча марта Ҳаж сафарига отланганлар. Аммо ҳар сафар мамлакатдаги нотинчлик, шоҳ хазинасидаги камайган маблағни тўлдириш, шоҳ ва шахзодалар ўртасидаги муомала муросага келтириш каби ҳолатлар сабаб бўлиб Ҳажга бориш амалга ошмаган. Буларнинг ҳаммасида буюк давлат арбобининг халқи, юрти, ватани олдидаги бурчни ҳис қилиш туйғуси ғолиб келган. Мана, табаррук Ҳаж сафарига кетишнинг охиргиси қандай натижа билан тугаганига ўзингиз гувоҳ бўлинг. Ҳижрий қамарий 906 йил, милодий ҳисобда 1500 йил 26 августда муқаддас Машҳадга етиб олиш ва у орқали муқаддас водийга етиб бориш учун йўлга тушдилар. 1500 йилнинг 3 сентябрида ушбу сафарни режалаштириб, муборак уйларига қайтдилар. Бироқ шу ойнинг иккинчисида жума намози ўқилганидан сўнг Шайх Жалолиддин Абусаид Пуроний бошлиқ замоннинг энг мўътабар зотларидан 12 киши, атроф жойларидан зодагонлар, аъёнлар, раҳбарлар Ҳазрат хузурига келиб арз қилдилар:

Сизнинг баракалар ёғилиб турган шахсингиз Хуросон мамлакати вилоятларидаги тинчлик ҳамда аҳолининг турли табақа ва гуруҳларига мансуб кишилар ўртасидаги осойишталикка сабаб бўлиб турибди. Ҳозир бу диёр Соҳибқирон Султоннинг саховати вужудидан холи бўлиб, агар сизнинг ўзидан нурлар сочгувчи вужудингиз куёшидан ҳам холи қолса, фитналар юз бериши, уларни бостириш эса имконият доирасидан ташқарида бўлиб қолиши мумкин...

Илтимос қилиб келган юртдошларига жавобан Ҳазрат Ҳаж сафарига тайёргарлик кўриш амаллари бажариб бўлинганини маълум қилади. Султон Хусайндан сафарга жавоб олиш осон бўлмаганини айтади. Аммо юртнинг тинчлиги ҳар қандай савобли амалдан афзаллигини ҳам тилга олиб, ўз фикрини шундай яқунлайди: “... ҳозир ўзимизнинг истагимизни сизнинг илтимосингиздан устун кўришнинг ўрни эмас. Қолаверса, “Мўминлар қалбига хурсандчилик киритиш бутун одамлар ва жинларнинг қилган ибодатидан яхшироқдир”, деган ҳадисга асосланиб, сизнинг илтимосингизни ижобат этишга

279 Ўша жойда. Б - 117

280 Ўша жойда. Б - 117

лойик деб топдик ва бандаларнинг манфаатини кўзлаб, бу сафар ҳам ушбу истагимиздан қайтдик”²⁸¹.

Халқ вакилларининг илтимосларини, Ҳазратнинг жавобларини ўқир эканмиз, ўзбек миллати кадриятларидаги улуғ инсонларни ҳурмат қилиш одатига офаринлар ўқисак, арзийди. Гап шундаки, Алишер Навоийнинг Ҳиротда, бинобарин, Хуросон юртида бўлиши бутун мамлакатда тинчликнинг бардавомлигига гаров сифатида баҳоланмоқда. Муҳими шундаки, Ҳазрат Амир Низомиддин Алишер-бек Навоийнинг номи ҳамиша ҳамма ҳудудларда топиладиган нияти бузук ғаламисларга ҳам ўз разил ниятларини амалга оширишга йўл қўймаган. Шоир ўз юрти ва халқи орасида адолат, эзгулик, тинчлик, нажот рамзига айланган. Бундай шараф ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди.

Алишер Навоий тожу тахт эгаси бўлмагани ҳолда давлат арбоби сифатида олиб борган фаолияти Хуросон мамлакатада адолат ҳукми мавқеига; халқ ҳаётининг тинчлигига; илм, маданият, санъат, ҳунар аҳлининг юрт фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларига ижобий таъсир кўрсатди. Ўндан ортиқ хонақоҳ ва масжидлар, эллик тўртта рабоб, ўн тўққизта ҳовуз, ўн олтига кўприк, тўққизта ҳаммом ва бошқа иншоотлар; етимлар, иқтисодий қийналган ночор аҳоли учун ҳар куни тайёрланадиган эҳсон таомлар; муттасил инъом қилинадиган кийим-кечаклар; алоҳида иқтидорли одамларга ҳомийлик; тожу тахт учун қонли жанглари тўхтатиш; қарама-қарши кучларни муросага келтириш; подишоҳ фармонларини назорат қилиш, кези келганда вазиятга аралашиб, шубҳасиз, бутун юртдаги сиёсий, иқтисодий, маиший, маданий ҳаётда ижобий оқибатларга олиб келди. Ғиёсиддин Хондамирнинг хабар беришича, қурилишлар тугалланиши олдида Ҳазрат ташриф буюрар, кўпинча этагини қайириб бошқалар қатори ишларди. Бир неча кунлар орасида меъморлар, усталар, ҳунармандларни қимматбаҳо кийимлар билан мукофотлаган. Иши баракали муҳандислар, қўли гул кошинкорлар, наққош санъаткорлар, сангтарош усталар доимий равишда рағбатлантириб турилган. Натижада баъзан беш йиллик режа билан бошланган қурилишлар бир йил ичида битказилган²⁸².

Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома”да шундай деган: “Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекка мураббий ва муқаввий (мадад бергувчи – *Муал.*) маълум эмаским, харгиз пайдо бўлмиш бўлғай”²⁸³. Яъни зиёли олим санъаткор аҳлига Алишер Навоийча эътибор берган ва қўллаб қувватлаган инсон маълум эмас, бундан кейин ҳам маълум бўлмайди. Бобур фикри давомида устоз Қулмуҳаммад, Шайхи Нойи, Ҳусайн Удий каби созандаларнинг Амир ҳомийлигида шуҳрат топганларини ёзади. Шунингдек, Бекзод ва Шоҳ Музаффар каби мусаввирлар ҳам эсга олинган. Яқунда: “Мунча бинойи хайр ким, ул килди, кам киши шундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай”, - дейилади. Ҳақиқатан ҳам ўз замонасида Алишер Навоийчалик ўз маблағини халққа бағишлаган одам бўлмаган. Ғиёсиддин Хондамирнинг ўзи “Мақорим ул-ахлоқ”нинг бошидан охиригача ҳазратдан миннатдор эканини эсга солиб туради. Ҳатто жуда қизиқ маълумотни ҳам фахр билан қайд этади. Хусусан, Алишер Навоийдек буюк зот бирон марта ўз маблағлари ҳисобидан закот тўламаган эканлар. Маълумки, ислом дини қондаси бўйича бир йил давомида ҳаракатда бўлмаган маблағ, жамғармадан закот тўлаш талаб қилинган. Алишер Навоийда эса бир йил давомида ҳаракатсиз ётган маблағнинг ўзи бўлмаган. Демак, бир томондан ҳазинага даромад келиб тушган ва шу заҳоти харажат қилинган. Оқибатда закот тўлашга хожат қолмаган. Аслини олганда кундалик қирим ва чиқим бир-бирини қопламаган ҳолатлар кўп кузатилган. Хондамир “Мақорим ул-ахлоқ” да Амирга бағишланган йигирмадан ортиқ китоб ва рисоалар номини келтиради. Бутун бошлиқ бир тадқиқот яқка бир шахсга бағишланиши бежиз бўлмайди.

Алишер Навоий ўзларининг самимий хайрихоҳликлари билан ҳар бир замондошлари қалбида ўта камтарлик рамзини ҳосил қилган эдилар. Нозик ҳаётини вазиятларда ҳар бир юртдош бу саховат пешаси ҳузурига нажот истаб бориши ва, албатта, мушкулнинг осон бўлишига умид қилиши одат тусига кирган эди. Кунлардан бир кун Амир дўстлари Мавлоно Фасихиддин Соҳиб билан шахмат ўйнаб ўтирганда, ҳурматли одамлардан бири Амир Бурҳониддин Атоуллоҳ кириб келади. Ҳазрат у киши-

281 Ўша жойда. Б – 90-91.

282 Ғиёсиддин Хондамир. Мақорим ул-ахлоқ.. –Тошкент; Фафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2015. Б-73.

283 Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Тошкент; Фан, 1960. Б – 233.

дан хол-ахвол сўрайди. Амир Бурхониддин Атоуллох “Ихлосия” мадрасаси яқинидан бир ҳовли сотиб олмоқчи эканини, ҳатто ҳовлини топганини, нарҳини келишганини айтади. Аммо орага бир киши аралашиб олди-сотди шарти бузилаётганини билдириб, Амирдан ёрдам сўрайди. Амир унинг гапларига жавоб бермай ўйинини давоб эттираверадилар. Илтимос қилувчи ноқулай аҳволга тушиб қолади. Амирга илтимоси оғир ботганини ўйлаб андишага боради. Шахмат ўйини тугагач, Амир ҳузурига келган кишига шундай дейдилар:

– Фақирлардан бири майдоннинг кенглиги ва хоналарнинг кўплиги, ҳавосининг мусаффолиги ва сувининг ширинлиги билан ажралиб турадиган, бунинг устига мадрасага яқин бўлган бир ҳовлини сизга тортиқ қилгани яхшими ёки (ўзингиз айтган) ўша ҳовлини сизга олиб беришга ҳаракат қилингани маъқулми? Амир Бурхониддин Атоуллох бу сўзларни эшитиб ниҳоятда хурсанд бўлганларини билдирдилар. Бундай воқеа ходисаларнинг сони ҳам, саноғи ҳам бўлмаган. Амир ҳамиша ҳар бир имкониятдан одамларга яхшилиқ қилишда фойдаланган эканлар. Ва деярли ҳар сафар келажакка умид билан қараганлар. Одамларга яхшилиқ қилиш, миллат келажакига хизмат қилиш, инсоният мушқулини осон қилишга уруниш билан Яратганнинг эътиборини қозонишга, охиратининг обод бўлишига умид билдирганлар.

Буюк инсоннинг бу фазилати Ойбекнинг “Навоий” романида алоҳида эътибор билан тасвирланади. Алишер Навоий асар қаҳрамонлари Дилдор ва Арслонқулга ҳақиқий маънода оталиқ қилади. Арслонқул қурилишда ишлаган кезлари шоир билан танишади. Бу учрашув йигит тақдирида ўзини таниш, ўзига ишонч, келажакка умид туйғуларини уйғотди. Ҳатто Дилдор ҳарамдан қочиб ўлим жазосига ҳукм қилинган пайтда Арслонқул зудлик билан Марвга – Алишер Навоий ҳузурига от чоптиради. Навоий Дилдорни озод қилиш ҳақидаги ҳужжатни расмийлаштириб жон ҳолатда безовталанаётган Арслонқулга беради. Оқибатда сарой розолати адолат олдида мағлуб бўлади. Тўғонбек ҳам ғафлатда қолиб Дилдорнинг озод этилишини кузатишга мажбурлигини тан олади. Ойбекнинг “Навоий” романини ўқисангиз буюк адиб Навоийнинг халқ ҳомийси сифатидаги ҳаракатларига гувоҳ бўласиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гиёсиддин Хондамир. Мақорим ул-ахлоқ. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2015.
2. Ойбек. Навоий. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
3. О.Жўрабоев. Матннинг матности сирлари. –Т.: Тамаддун, 2017.
4. Д.Юсупова. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти. –Т.: Тамаддун, 2016.

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА УНИНГ АСАРЛАРИ ҲАҚИДА ҚОЗОҒИСТОНДАГИ ҚОЗОҚЧА НАШРЛАР

Эржан Петэк (Ercan PETEK)
(*Ҳожа Аҳмад Яссавий Халқаро
Турк – Қозоқ Университети*)

Кириш

Низомиддин Алишер Навоий Маҳмуд Қошғарийдан сўнгра туркий тилга энг кўп хизмат қилган иккинчи исмдир. Маҳмуд Қошғарий “Девону лугатит турк” асарида туркий тилнинг араб тили билан тенг от чоптириб кетаётганлиги ҳақидаги фикрни илгари сурган бўлса, Алишер Навоий “Муҳокамату-л-луғатайн”(“Икки тил муҳокамаси”) номли асарида туркий тилнинг форсчадан қолишмаслигини исботлашга ҳаракат қилган.

Алишер Навоийнинг асарлари 15-асрдан бошлаб фақатгина Мовароуннаҳр ва Хуросон минтақасида эмас, балки Эрон, Озарбайжон, Шарқий Туркистон, Ҳиндистон, Миср, кейинроқ эса Европа ва Америка кутубхоналарида тарқалди.

Алишер Навоий асарларини “туркий тил билан” ёзганлини алоҳида ифода этган. Чигатойча (ўзбек тили)нинг адабий тил мақомига эга бўлишида Алишер Навоийнинг меҳнати каттадир. Замондошлари каламларини форсчада тебратган вақтда Навоий одатда асарларини туркий тилда ёзишни афзал кўрган. Навоийнинг форс тилида ёзган асарлари ҳам мумтоз даражага кўтарилган.

Навоий Ўрта Осиёда асарлари билан турк тилини бир туғ мисоли ҳилпиратган шоирдир. Ўз замонасига ва ўздан кейинги даврларда яшаган инсонларга ҳам ўз ижодий таъсирини ўтказган. Ҳиндистонда 300 йилдан кўпроқ вақт ҳукм сурган Бобурийлар давлатининг асосчиси Бобур ҳам, Усмонлилар давлатининг подшоҳларидан бири Сулаймон биринчи ва 16-асрда яшаган Фузулий ҳазратлари ҳам Мир Алишер Навоийдан таъсирланган эканлар.

Алишер Навоийнинг ижодидан таъсирланган яна бир муҳим шахс, қозоқ халқининг алломаси Абайдир. Абай Навоийнинг шоирлик қобилиятига қойил қолган ва унинг ижодидаги адабий анъаналарни давом эттирган (КУЕ 1998: 680).

Алишер Навоий ҳақида Қозоғистонда қилинган илмий изланишлар ҳақида гапирадиган бўлсак, уни шартли равишда икки босқич – советлар даврида қилинган ишлар ҳамда мустақиллик давридаги изланишларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Алишер Навоийнинг танланган шеърлари, икки марта – 1948 ҳамда 1968-йилларда қозоқ тилида китоб бўлиб чиққан. 1950-йилда ўзбек ёзувчиси Ойбекнинг “Навоий” романи қозоқчага таржима ва нашр қилинди. М. Аvezов, Э. Исмоилов, Р. Бердибоев, К. Сейдаханов каби қозоқ олимлари ҳам А. Навоийнинг асарлари юзасидан илмий изланишлар олиб боришган. Э. Исмоиловнинг “Навоий ва қозоқ адабиёти” (1948), Р. Бердибоев “Гулистоннинг булбуллари”(1970) Н. Айтовнинг “Ғазаллар” (1968) каби изланишларини алоҳида қайд қилмоқ жойиз (КУЕ 1998: 680).

Навоийнинг “Садди Искандарий” достони 1989-йилда “Эскендир Қорган” сарлавҳаси остида Насиббек Айтов томонидан ўзбекчадан қозоқчага ўгирилган. Тўрт юз бетдан иборат ушбу таржима асарга Раҳмонкул Бердибоев “Кўркем Сўз Кўмбези” сарлавҳаси остида сўзбоши ёзган.

1987-йилда А. Конираббоев томонидан тайёрланган *Қазақ Эпосы және Түркология* (Қозоқ эпоси ва Туркология) номли асарнинг 316-326-бетлари оралиғида “Фаробий ва Навоий” сарлавҳаси остида Навоийни муҳокама қилган. Бу китобда Ўрта Осиё уйғониш даврининг 10-асрда Фаробий билан бошланганлиги ва Навоий замонидан, айниқса Хусайн Бойқаро (1438-1506) даврида ривожланганлиги алоҳида таъкидланган. Фаробий фалсафасининг Навоийнинг асарларига асос бўлганлиги ифода этилган(Конираббаев 1987:318).

1966-йилида Сагингали Сейитов тарафидан тўпланган “Сўз заргарлари” номидаги китобнинг 180-209-саҳифалари Навоийга ажратилган. Бу бўлим Т. Султонов тарафидан қаламга олинган. Бу китобда Навоийнинг ҳаёти ва асарлари ҳақида умумий маълумотлар берилган. Навоийнинг ижоди туркий халқларнинг адабиётига тасир этганлиги, рус адабиётидан Пушкин, Гогол, Толстой, Чеховни; Грузия адабиётидан Руставелини, қозоқ адабиётининг тамалини яратган Абай ҳам унинг таъсири остида қолганлиги алоҳида таъкидланган (Сейитов 1966:209).

1976 йилда М. К. Каратаевнинг бош муҳаррирлиги остида тайёрланган Қозоқ совет энциклопедияси, 8-жилдининг 285-саҳифасида Алишер Навоийнинг ҳаёти ҳақида маълумот берилган. Ва ўша йилгача Навоий ҳақида қилинган барча қозоқча нашрларнинг номлари ҳам зикр қилинган.

Қозоғистон мустақилликка эришганидан кейинги даврда ҳам советлар даврида бўлгани каби Навоий ҳақида мустақил изланишлар билан бир қаторда, баъзи бир китобларнинг ичида Навоийга ажратилган қисмлар ҳам кўп учрайди.

Қозоғистон мактабларида ўқитиладиган “Адабиёт ва қозоқ адабиёти” дарслик китобларида (6-синфдан 11-синфгача) Алишер Навоий ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмагани афсусланарли ҳолдир.

“Садди Искандарий” 2008-йилда қайтадан *Эскендир Қорган* оти билан қозоқ тилида нашр қилинган. Китобнинг *Эскендир Қорган* номли биринчи қисмининг таржимаси Н. Айтули тарафидан

амалга оширилган. *Ғазаллар* деб номланган иккинчи қисм эса Калийжан Бекхожин томонида қозоқчага ўгирилган. Китоб 408 саҳифадан иборатдир.

1998-йилда нашр қилинган Қозоқ Миллий Энциклопедиясининг 1- жилдининг 679-680 бетларида Навоийнинг ҳаёти ёритилган. Ўша давргача А. Навоий ҳақида қилинган қозоқча изланишлар ҳам зикр қилинган. Бу ерда совет энциклопедиясидаги маълумотлар такрорланади.

1998-йилда нашр қилинган ва Асанбай Асқаров тарафидан тайёрланган *Ули Тураннинг Улдари* номли китобининг 96-97 бетларида Навоийнинг ҳаёти ҳақида умумий билгилар берилган.

2009-йилда бир гуруҳ томонидан *Алемдик Педагогикалик Ой-Сана* номи билан тайёрланган 10 жилдлик тадқиқотнинг 2-жилди *Ҷигис Адеми (Орта Ғасир)* ўрта аср номи билан нашр қилинган. Бу китобнинг 266-294-саҳифалари Навоийга ажратилган. Бу бўлимда Навоийнинг ҳаёти ҳақида қисқа бир маълумот берилган ва И. Сапарбаевнинг Навоийдан таржима қилган бир ғазалига ўрин берилган. Бу билан бирга *ЭскЭндир Коргани* номли дostonнинг бир бўлимининг таржимаси мавжуддир.

2017-йилнинг 22 сонли (3552) ва 26-май - 1-июн санасидаги *Қозоқ адабиёти* номли газетанинг 22-бетида Навоийнинг шоирлик қобилияти ҳақида Мақсат Алсейитовнинг бир мақоласи чиққан.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий ҳақида қилинган тадқиқотларнинг кўп қисми советлар даврида қилинганлиги ва мустақиллик давларида қилинган изланишларнинг кўпи советлар даврида қилинган ишларнинг такрори эканлигини таъкидламоқ керак. Советлар даврида 5 мустақил тадқиқот, мустақил Қозоғистон давридан бугунгача бир мустақил изланиш қилинганлиги аниқланган. Афсуслар бўлсинки, буюк шоир Навоийнинг асарлари ҳақида қилинган катта-кичик ишлар бармоқ билан санокли даражададир.

Дунё адабиётига тубдан таъсир кўрсатган Навоийнинг асарлари ҳақидаги қозоқча изланишлар етарсиздир. Ўзим фаолият кўрсатаётган Кентав шаҳрида 17-сонли Навоий номидаги мактаб бор. Аммо бу мактабнинг кутубхонасида Навоийга оид қозоқ тилида ҳеч қандай адабиёт мавжуд эмас. Фақат Тошкентда нашр қилинган ўзбекча нашрлар, совет давридаги русча нашрлар китоб жавонларида учрайди.

Навоий “Хамса”сидаги маснавийлардан фақатгина биттаси қозоқ тилига ўгирилган. Турк тилининг буюк вакили бўлган Навоийнинг асарлари қозоқ тилига таржима қилиниши керак. Бургут панжасининг уч тирноғи қаршисидаги тирноғига ҳам қозоқча исм берган қозоқ тили, Навоийнинг асарларини қозоқчага таржима қилиш учун етарли кучга эгадир. Бу тилнинг 15 жилдлик бир адабий тил луғати бор эканлигини унутмаслигимиз керак!

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Navai, Älişer (1989), *Sedd-i İskenderi* (çev. Nesipbek Aytov – Eskendir Korganı), Almatı.
2. Navai, Älişer (2008), *Sedd-i İskenderi - Gazallar* (çev. Nesipbek Aytulı, Qalıyjan Bekhojin –Eskendir Qorganı – Gazaldar), Astana: Avdarma.
3. Älseiytov, M. (2017, 26 Mayıs-1 Haziran), *Nevai'nin Şairlik Kabiliyeti, Qazaq Ädebiyeti*, s. 22.
4. Askarov, Asanbay (1998), *Ulı Turannıñ Uldarı*, Almatı: Nurlı Älem.
5. Älemdik Pedagogikalık Oy-Sana (2009), *Şıgıs Älemi (Orta Gasır)*, C. 2, Almatı: Taymas Baspa Üyi
6. Qazak SSR Gılım Akademiyası (1976), *Qazaq Sovet Entsiklopediyası*, C.8, Almatı: Metafaza-Ölke, s. 285.
7. *Qazaq Ulttıq Entsiklopediya* (1998), C.1, Almatı, s. 679-680.
8. Qoñıratbayev, Ä. (1987), *Qazaq Eposı jäne Türkologiya*, Almatı: Gılım Baspası.
9. Seyitov, Sağingali (1966), *Söz Zergerleri*, Almatı.

АЛИШЕР НАВОЙИ ВА ХХІ АСРДА ТАЪЛИМГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ: МАДАНИЙ ТАРБИЯ МАКТАБИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК СТРАТЕГИЯЛАРИ

Азамат АКБАРОВ

(Қозоқ Миллий Университети профессори)

Биз Мир Алишер Навоийнинг фақат ўзбекларга тегишли эмасликларини ёддан чиқармаслигимиз лозим. Бир-биридан узоқ масофада жойлашган Истанбул, Табриз, Қозон, Тошкент ва Урумчи каби мусулмон туркий халқлар яшайдиган шаҳарларнинг барчасида Навоийнинг шеърляти у фоний дунёни тарқатганидан кейин 500 йил ўтган бўлса ҳам жуда қадрланади. Ўзидан олдин ўтган Данте ва Чосер каби, Навоий ўз қўли билан алоҳида олинган бир тилга ҳурмат уйғотди ва ушбу тилни жаҳоннинг буюк адабиёти қаторига киритишга эришди. Худди Данте ва Чосерга тегишли бўлганидек, одамлар Навоийнинг асарларини ҳам абадулабад ўқиб юришади.

Барри Хоберман (1985)

1. Кириш қисми:

Ўзбек халқи маънавиятининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатган буюк инсонлардан бири Алишер Навоий ҳисобланади, чунки у жаҳон тамаддунида ўз изини қолдирган буюк шахсдир. Ушбу иқтидорли шоир ва буюк мутафаккирнинг таржимаи ҳоли кўплаб Шарқ тарихчи мутахассислари ва адабиётшуносларининг диққат-эътиборини тортиб келган. Навоий таржимаи ҳолига доир жуда кўп тўлақонли илмий ишлар қилинган ва ҳатто Навоийшунослик мактаблари ташкил қилинган. Бироқ, ушбу мавзу вақт ўтган сари ўз долзарблигини йўқотмайди, чунки Навоийнинг ҳар бир асари кўп томли таҳлилга лойиқ (Ақбаров, 2017б). Унинг шеърляти жуда қизиқарли ва қўлланилган услублар эса ранг-барангдир, унинг қарашлари – ғайриоддий тарзда прогрессив. Алишер Навоийнинг ижодида мужассам бўлган умуминсоний ғоялар Европа Уйғониш Даври ғоялари билан ҳамоҳанг. Навоийдан юз йил кейин яшаб, ижод қилган Шекспир ҳам ўз драмалари ва сонетларида комил инсонни тавсиф этган. Навоий ғазалларининг Шекспир шеърлятидан фарқи шундаки, Шекспир оддий такқослаш усулларини қўллаб камолотга қақиради, Навоий эса нозик метафоралар ва мураккаб сўз ўйини, турли хил шеърлий образларни қўллайди.

Мустақилликка эришгандан сўнг, Ўзбекистонда шоирнинг ҳаёти ва ижодини, унинг бебаҳо меросини ҳар томонлама ва чуқур, муносиб равишда ўрганиш жараёни бошланди, Навоийга қизиқиш Фарбда ҳам ўсиб бормокда (Ақбаров, 2017а). Алишер Навоийнинг ижоди ҳозирги кунга қадар ҳам бутун дунёда қизиқиш уйғотмокда. Буюк шоир асарларининг инглиз, француз, немис, рус, турк, форс, озарбайжон, қозоқ, украин ва бошқа кўплаб тилларга таржима қилинганлиги бунинг яққол исботидир. Адабиёт мухлисларини шоир ижодининг чуқур фалсафаси, бой метафоралари ва шеърлий образларнинг турли-туманлиги ўзига жалб қилади.

2. Алишер Навоийнинг ҳаёти

Алишер Навоий 1441 йилда ҳозир Афғонистоннинг шимоли-ғарбида жойлашган Ҳирот шаҳрида туғилган. Алишер Навоийнинг ўзи уруғ-аймоғи борасида деярли маълумот қолдирмаган. Фақат тоғалари Мир Саид Қобулий ва Муҳаммад Али Ғарибий, укаси Дарвишали ҳақида “Мажолис”да бир оз тўхталлади (Sirojiddinov, 2011). Алишер яшаган даврда, Ҳирот Темурийлар империяси қўл остида эди ва Ислом дунёсининг етакчи маданий ва интеллектуал марказларидан бирига айланди. Алишер Темурийлар юқори табақасининг Чиғатой-амир (ёки форсча Амир) синфига мансуб эди (Allworth, 1990). Алишернинг отаси Ғиёсиддин Кичкина, Хуросон ҳокими Шохруҳ Мирзо саройида юқори лавозимдаги ходим бўлиб хизмат қилган. Унинг онаси саройда шахзода тарбиячиси бўлиб хизмат қилган. Ғиёсиддин Кичкина бир муддат Сабзавор ҳокими ҳам бўлган (Subtelny, 1993). Отаси Алишернинг ёшлигида оламдан ўтган ва Хуросоннинг бошқа ҳокими, Бобур ибн Бойсунқур ёш йигитга хомийлик қила

бошлаган. Алишер кейинчалик Хуросон султони бўлган Хусайн Бойқаро билан синфдош бўлган. 1447 йилда Шохрухнинг ўлимидан кейин сиёсий барқарорлик йўқолгач, Алишернинг оиласи Хуросонни ташлаб кетишга мажбур бўлади. Улар Хуросонга, тартиб тиклангач, 1450 йилларда қайтиб келишади. 1456 йил, Алишер ва Бойқаро ибн-Бойсунқор билан Машҳадга боришади. Навоийнинг Машҳаддаги ҳаёти тафсилотлари шоирнинг ўз асарларида учраб турадиган хотиралари асосида тикланади. Жумладан, Алишернинг Машҳадда қолиб, илм такомилли билан машғул бўлиши, Имом Ризо зиёратгоҳидаги хужрага жойлашиб, ўша ерда истиқомат қилиб ва кўпгина шоиру илм аҳли билан мулоқотда бўлган (Sirojiddinov, 2011). Бир йилдан кейин ибн-Бойсунқор ўлади ва Алишер ва Бойқаронинг йўллари айри бўлади. Бойқаро сиёсий ҳукуматни йўлга қўйишга ҳаракат қилаётган даврда, Алишер Машҳад, Ҳирот ва Самарқандда таълим олади (Subtelny, 1991). 1460 йил Абу Саид Мирзонинг ўлимидан сўнг, Хусайн Бойқаро Ҳиротда ҳукуматни ўз қўлига олади. Натижада, Алишер Бойқаро хизматида бўлиш учун Сарақанддан Ҳиротга боради. Бойқаро Хуросонни деярли қирқ йил тинимсиз бошқарган. Алишер оламдан ўтгунга қадар Бойқаронинг хизматида бўлган. Шоир 1501 йил вафот этган ва Ҳирот шаҳрида дафн қилинган. Алишер Навоий зоҳидлик ҳаёт тарзида яшаган, яъни “бу дунёдан умуман уйланмасдан ёки фарзанд кўрмасдан” ўтган (Subtelny, 1993).

3. Алишер Навоийнинг сидқидилдан давлат ишларини олиб бориши

Алишер Навоий ўз султони Хусайн Бойқаро ҳузурида маъмурий бошқарувчи ва маслаҳатчи сифатида хизмат қилган. Бунгача уч султон хизматида бўлади: Абдулқосим Бобур, Абу Саъид мирзо ва Султон Аҳмад мирзо. Алишер Навоий илм-фан ва санъат аҳлига, айниқса, эътибор берар, уларга катта маошлар тайинлабгина қолмай, уй-жойлар инъом этиб турарди (Sirojiddinov, 2011). Шунингдек, Алишер Навоий қурилиш ишларига катта ҳисса қўшган, манбаларга кўра, у Хуросонда 370 масжид, мадраса, кутубхона, касалхона, карвонсарой ва бошқа маърифий, хайрия муассасалари қурилишини молиялаштирган, қайта қурдирган ёки ўз маблағларини бу қурилиш ишларига сарфлаган. Ҳиротда у 40 карвонсарой, 15 масжид, 10 қаландархоналар, тўққизта ҳаммом, тўққизта кўприк ва 20 чўмилиш ҳавзалари қурилишга жавобгар бўлган (Alisher Navoi, Tashkent, 2002). Алишер Навоийнинг энг машҳур қурилиш иншоотларидан 13-аср орифи, шоир Фаридуддин Аттор Нишопурий мақбараси (шимоли-шарқий Эрон) ва Ҳиротдаги Холисия мадрасасидир. Навоий Ҳирот меъморчилиги ривожланишига асосий ҳисса қўшган инсонлардан бири бўлган ва Ҳирот, Рене Груссенинг таъбири билан айтганда, “адолатли тарзда Темурийлар бошқаруви Уйғониш даври деб аталган замоннинг Флоренциясига айланди” (Subtelny, 1988). Бундан ташқари, Навоий санъат ва адабиётни ва ҳаттотликни тарғиб қилувчи ҳомий, ҳаттот рассом ва ҳайкалтарош, шундай машҳур ёзувчи эдики, машҳур Ислом дунёси тарихчиси Бернард Льюис уни “Туркларнинг Чосери” деб атаган (Hoberman, 1985).

4. Навоий асарларининг улкан таъсири

Алишер Навоий мероси шарқда Ҳиндистонга ва ғарбда Усманийлар Империясигача бекиёс таъсир қилди. Унинг таъсирини Марказий Осиёда, ҳозирги Туркия, Россиянинг Қозони ва Туркий тилларда сўзлашадиган аҳоли яшайдиган барча мамлакатларда кузатиш мумкин. Ҳиндистонда Мўғул империясини барпо қилган ва Бобурнома муаллифи Бобур Мирзо Навоийдан кучли таъсирланган ва ўз хотираларида шоирга бўлган ҳурматини ёзган. Усманий Турклар ўзларининг Марказий Осиёдан қолган меросларидан жуда яхши хабардор эдилар; Навоий Буюк Султон Сулаймонда кучли таассурот қолдирган ва Навоийнинг “Девон”ини, “Хамса”сини ва “Муҳокамат-ул луғатайн”ини ўзининг шахсий кутубхонасига қўшиб қўйишни буюрган (Rogers, 1988). Сафакийлар ҳамда Усманий Турк султонлари ҳомийлигида ижод қилган машҳур Озарбайжон шоири Фузулий ҳам Навоийнинг шеърини услубидан кучли таъсирланган.

5. Навоийнинг маънавий ҳиссиётлари ва шеърӣ фикрлари

Беш дostonдан иборат «Хамса» шоир ижодининг энг юқори чўққиси ва энг катта адабий асар ҳисобланади. Хамса таркибига «Ҳайратул аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Саъбаи сайёр» ва «Садди Искандарӣ» киради. Хамса чуқур фалсафӣ асосга эга том маънодаги бадиий қомус бўлиб, унда ўз даврининг кўплаб муҳим масалалар кўтарилади: давлат ҳокимияти, ижтимоий ҳуққ-атвор, тарбия, муҳаббат ва дўстлик идеаллари, илм ва ҳоқ. Шоир ҳаёт, баҳор ва бирлашганда инсон бахтга етишишининг тамойили бўлмиш муқаддас табиатни куйлайди (Akbarov & Shukurova, 2016).

Навои инсон ақли ва илм-фанни юқори баҳологан, ва ўзининг тилларда машҳур бўлган гапини айтиб ўтган: «Билим ва донишмандлик – инсон зийнати». Тарбия ва таълим масалалари Навоийнинг назмий ва насрий асарларида кенг ёритилган. Навоийнинг педагогик қарашлари чуқур инсонпарварлик маънога эга. У ўзи инсон хонадонидида оилага қувонч ва бахт келтирувчи ёруғ юлдуз деб билган болани (шаҳс бўлиб) шакллантириш ва тарбия қилиш масалаларига катта эътибор қаратган. «Боллага чақалоқлигидан ёшига муносиб равишда тўғри тарбия бериб бориш лозим, фанларни ўрганишни эса имкони борича эрта бошлаш лозим. Илмлар ва ҳунарларни ўрганиш халқ учун фойдали бўлиши лозим, чунки билим олиб, уни қўллай билмаган инсон, ерни ҳайдаб, унга ҳеч нима экмаган деҳқон мисоли бўлади», деб ёзади Навоий. Навоий уйда ҳам, мактабда ҳам мажбурлаб тарбия қилиш усуллари танқид қилар эди, у сифатли таълимни тарғиб қилади ва жисмоний жазога қарши эди: «Муҳими – болаларга бўлган муҳаббат. Саводсиз муаллимлар – мактабнинг балосидир». «Муаллим нафақат ўз фанини тўла-тўқис билиши ва чуқур билимларга эга бўлиши, балки халқнинг эҳтиёжларини ҳам билиши лозим ва ҳамма томондан ўрнак бўлиши лозим». Навоий муаллимни ҳурмат қилиш зарурлигини таъкидлар, ҳамда ёш авлодда Ватанга муҳаббат, Оламда яратилган энг юқори ва қимматбаҳо муқофот бўлмиш инсонга ҳурмат ҳиссини уйғотиш кераклигига қақирар эди. Навоий асарларида маънавий ва меҳнат тарбияси жиддий ўрин эгаллаган.

6. Ёш авлод тарбияси: Навоий таълим мактаби

Замонавий педагогика жаҳон тамаддунларининг минглаб йиллар давомида тўплаб келган улкан педагогик тарбия ва таълим тажрибасини ўз ичига олади. Педагогик тафаккурни шакллантириш ва ривожлантиришда Марказий Осий, жумладан ўзбекистонлик мутафакрларига ҳам муносиб ўрин ажратилади. Алишер Навоий илм-фан ва инсон ақлини юқори баҳологан ва донишмандлик ва билим инсоннинг безаги деб ҳисоблаган (Komilov, 2009). Унинг асарларида таълим ва тарбия масалалари кенг очиб берилган, унинг педагогик қарашлари эса жуда инсонпарвар. Масалан, буюк мутафаккир Алишер Навоий, барча инсонлар баробардир деб ҳисоблаган ва ёшларни барча халқларга ҳурмат билан қараш ҳиссини ривожлантириш учун тарбиялаш тарафдори бўлган. У мактабни боланинг ҳаётидаги муҳим босқичлардан бири деб билган, ва муаллимга ўқувчининг шахсиятини шакллантиришда муҳим ўрин ажратган (Akbarov, 2016).

Алишер Навоий номи тарих зарварақларида мангу нақшланишига уч асос сабаблигини яхши биламиз. Булар: унинг беназир истеъдодидан дарак берувчи буюк асарлари, машҳур давлат арбоби бўлгани ва ниҳоят, уни улуғ пир мақомига кўтарган ҳуққ-атворидир (Sirojiddinov, 2011). Ўз асарларида Навоий ўқитувчиларнинг икки хил турига таъриф берган – меҳрибон ва золим. Золим ўқитувчи – қаттиққўл, одамгарчиликдан чиққан, «шўхлик қилишга қўймайди», тартиб- интизомни назорат қилади, болаларнинг мустақил ҳатти-ҳаракатларига қандай тазйик ўтказса, уларнинг фикрлашига ҳам шундай зўрлик қилади. Меҳрибон ўқитувчи – юмшоқ кўнгилли, олийжаноб, болалар фикрига қулоқ тута олади, уларни хафа қилмайди, бироқ улардан ўқишга жиддий муносабатда бўлишни талаб қилади. Боланинг ривожланишида, ўқитувчининг унга бўлган муносабатини ҳал қилувчи омилдир, чунки тажовузкорлик ва баджаҳллик жавоб реакцияларини келтириб чиқаради ва боланинг шахсиятини салбий томонга ўзгартирувчи шароит яратади. Алишер Навоий даври манбаларини ўрганиш шуни кўрсатадики, улуғ

амирнинг ҳазил-мутойиба ва аскияга ўчлиги, шу билан бирга, нозиктабълиги масаласи ҳам барча муаллифларнинг диққат марказида бўлган (Sirojiddinov, 2011). Навоий гуманизм тарафдори эди ва инсонпарвар инсон, ватанпарвар, меҳрибон, виждонли, албатта камтар ва ўз шахсий кадр-қимматини биладиган одамни тарбия қилиш ғояларини эълон қилар эди, Навоий ўз фарзандларни севиш камлик қилиши, балки улар келажак авлодлари бўлганликлари учун ҳамма болаларни севиш кераклигини таъкидлаган, Унинг фикрига кўра, ўсмирлик даврида идрок шаклланади, ва ушбу даврда инсон ҳис-туйғу билан эмас, балки ақл-идрок билан бошқарилса, унинг ҳаёт йўлини олийжаноб ғоялар эгаллайди. Алишер Навоийнинг педагогик ғоялари таълимга ўқувчи билишнинг йўллари ва услубларини аниқлайдиган таълим бериш субъекти бўлиб қатнашадиган мулоқот жараёни, ўқитувчи ва ўқувчининг диалоги деб қарайдиган коммуникатив педагогик принципларида ўз ифодасини топмоқда (Moiseyeva, 2000).

6.1. Биз Алишер Навоийнинг ўқитиш стратегияларидан наф олапмизми ёки уни фақат тарғиб қилаяпмиз холосми?

а) Навоий мактаби педагогикаси муҳаббатга асосланган ва у инсон қобилиятлари имкониятларини амалда татбиқ қилиш авваламбор унинг ички дунёси, ўз ўзини такомиллаштириш ва ўзини ривожлантириш билан боғлиқ. Яъни, ўқувчининг тадрижий ривожлантириши унинг шахсияти ичида ва унинг жамият билан ўзаро алоқаларида кечади. Навоий инсон ҳатти-ҳаракатларининг тадрижий хоссага эгаллигини таъкидлар эди, чунки ҳатти-ҳаракатлар битта одам томонидан амалга оширилганда ҳам, бутун бир гуруҳ томонидан бажарилганда ҳам улар ҳар қандай ҳолатда асосланган бўлади. Демак, Навоий Темурийлар даври Уйғониш даврида педагогик мактабнинг ривожланишида муҳим роль ўйнаган. Аммо Навоийдан 150 йил кейин туғилган Чех олимнинг шухрати бутун дунёда кенгроқ тарқалган ва у ҳозирги замон таълимининг отаси ҳисобланади, ва шунингдек у Коменский Ёндашувлари номи билан маълум турли педагогик ёндашувларни, жумладан Индуктив Ёндашувни кашф қилган Ян Амос Коменскийдир. ЮНЕСКОнинг таълим соҳасида тадқиқот ва инновацион ишларда эришган муваффақиятлар учун тақдирланадиган Коменский медалига Коменскийнинг номи берилган. Ян Амос Коменский (1592-1670) Чехиянинг Моравия шаҳридан чиққан файласуф, педагог ва диншунос бўлган. У Биродарлар Иттифоқи ибодатхонасида сўнги епископ бўлиб хизмат қилган ва кейинроқ диний қарашлари сабабли қувғинга учраган ва универсал таълимнинг биринчи вакилларида эди (Encyclopedia Britannica, 2018). Бу тушунчани у кейинроқ *Didactica Magna* китобида баён қилди. Коменский замонавий таълим отаси ҳисобланади. Коменский расмли китобларни латин тилининг ўрнига ўқувчиларнинг она тилида биринчи бўлиб жорий қилган инноватор эди. У содда тушунчалардан мураккаброқ тушунчаларга томон табиий ўсиб ривожланиб боришга асосланган самарали ўқитиш методини қўллаган, умр бўйи ўрганиш ва кўр-кўрона ёдлашдан мантиқий фикрлаш томонга ўтиш билан ривожланиш фикри тарафдори, қашшоқ оилалар болалари учун тенг имкониятлар бериш ғоясини қўллаб-қувватлаган, таълим эшикларини аёллар учун ҳам очган, дарсни универсал ва амалий кўринишга ўтказган.

б) Ўзи ишлаб чиққан ўқитиш тизимида, Алишер Навоий ақлий машқлар ва тушунтиришлардан, фаолият ва фикр юритишдан фойдаланган. Бугунги кунда, болалар учун ривожлантирадиган дастурлар таклиф қиладиган марказ ва клублар сони талайгина. Уларнинг барчаси боланинг бир томонлама ривожланишини таклиф қилишади – музика (куй), ижодкорлик, мактабга тайёрлаш, театр студиялари, шахмат ва ҳоказо. Ҳар қандай инсонда мавжуд мақсадларга эришишнинг энг самарали воситаси Ақл ҳисобланади. Чунки ақл китобдан ўрганган олимлик, кўшиқ куйлай билиш, шахмат ўйнай билиш ёки синов тестларини яхши топшира билиш қобилиятидан-да юқорироқ, каттароқ тушунча. Унинг номи ўз билимларини қўллай билиш қобилияти. Самарали ақл – максимал натижада билим олиш, уни қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш ва исталган мақсадларга эришиш йўналишида ҳатти-ҳаракатлар амалга ошириш қобилиятидир. Ҳозирги кунда, ақлий математика курслари жуда машҳур бўлиб кетган ва улар

ақлий қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган; болалар келгусида муваффақиятларга эришиш ва шахснинг ривожланиши учун мустақкам асос қуришади.

в) Навоий мактабининг асл таърифи шундан иборатки, у ҳар бир шахс учун ўз олдига қўйган мақсадларини амалга оширишга эришиш учун имконият қолдиради. 21-асрда кўплаб тадқиқотчилар талабаларнинг иккинчи/чет тилини ўрганиш жараёнида орқада қолишларининг сабабларини ўрганишга интилишади. Таълим олишда муваффақиятга эриша олмасликнинг асосий сабаби етарлича рағбатлантиришнинг йўқлигидандир. Рағбатлантириш мавзуси тиллар ўрганиш дастурлари ишлаб чиқарувчилари, талабалар диққатини жалб қилиш ва уларни ўқишга қизиқтиришни хоҳловчи лекторлар ва ўқитувчилар учун амалий аҳамиятга эга. Рағбатланганлик (ўрганишга бўлган қизиқишнинг мавжудлиги) иккинчи тил ва чет тилини ўрганишда муҳим омил ҳисобланади.

г) Ўқувчининг онгига чуқурроқ кириб боришни таъминлаш учун, Навоий бир фикрнинг ўзини расмлар ва ҳикоятлар ёрдамида турли методлар орқали ифода қилар эди. 21 аср педагогикасида ҳам дарсларда кўргазмаларни қуроллардан фойдаланиш қатъий тавсия қилинади. Кунарининг (2006) фикрига кўра «кўргазмаларни қуроллар ўрганишга туртки бўладиган ёки рағбатлантирадиган ва унга ёрдам берадиган кўриб, ушлаб, ҳис қилиб бўладиган жисмлардир». Кўргазмаларни қуроллар ўрганиш жараёнини кўпроқ воқеликка яқинроқ, аниқроқ ва муайянроқ қилиш учун қўлланиладиган ҳар қандай жисмлардир. Кўргазмаларни қуроллар бирор масала ёки дарсни тушуниш ва билиш учун аниқроқ ёки осонроқ қилувчи воситалардир (расмлар, моделлар, жадваллар, хариталар, видеолар, слайдлар, моддий жисмлар ва ҳоказо). Кўргазмаларни қуроллар ўқитишни самарали ва билимни энг яхши тарзда тарқатиш учун энг яхши воситалардир. Кубан (Cuban (2001)) ўтказган тадқиқотлар кўргазмаларни қўллашнинг психологик томонини кўрсатди. Унда ўрганилган материалнинг 1% ТАЪМ сезгиси, ўрганилган материалнинг 1,5% УШЛАБ КЎРИШ сезгиси, ўрганилган материалнинг 3,5% ҲИД билиш сезгиси, ўргатилган материалнинг 11% ЭШИТИБ ТУШУНИШ мантиғи ва ўрганилган материалнинг 83% КЎРИШ сезгисига тўғри келар экан. Шунингдек, одамлар одатда ўзлари ЎҚИГАН материалнинг 10%, ЭШИТГАН (ТИНГЛАГАН) материалнинг 20%, КЎРГАН (кузатган) материалнинг 30%, ЭШИТГАН ва КЎРГАН материалнинг 50%, ўзлари АЙТГАН/ГАПИРГАН мавзунинг 70% ва ўзлари БАЖАРАЁТГАН жараёнда АЙТГАН/ГАПИРГАН нарсаларнинг 90%-ни ёдда сақлаб қолишади, Демак, техник воситаларнинг катта таъсири мавжудлиги ва динамик ахборот системаси эканлиги шубҳасиз.

д) Алишер Навоийнинг таъкидлашича, билим олиш учун саъй-ҳаракат қилиш ҳар томонлама ривожланган инсонни тарбиялашдаги энг зарур фазилат ҳисобланади. У билимларни инсониятни ва халқни саводсизлик ва жаҳолатдан қутқаришнинг омили деб аниқлайди. Ўз асарларида илгари сурган ғоялари ёрдамида, аллома одамларни ақлли ва саводли бўлишга чақиради. Мутафаккир ҳар бир инсоннинг билим олиши мажбуриятдир деб таъкидлайди. Ҳар қандай ноқулайликнинг сабаби уйғунликнинг йўқлигидир, айнаи ҳолда, ўргатишда ўрганувчига етказиладиган энг муҳим нарсаси уйғунлик ҳиссидир. Унинг мақсадлари 500 йилдан кейин амалга оширилмоқда;

▪ Таълим ҳамма учун “*Education for All*” (ТХУ -EFA) халқаро ташаббус бўлиб, у таълимнинг фойдасини “ҳар бир жамиятдаги ҳар бир фуқаро учун” етказиш мақсадида дастлаб 1990 йилда йўлга қўйилган. Бу ҳаракат барча болалар, ўсмирлар ва ёши катта одамларга сифатли асосий/бошланғич маълумот бериш учун глобал тайёргарлик ташаббусидир. Ушбу мақсадни амалда татбиқ қилиш учун, миллий ҳукуматларнинг кенг иттифоқи, фуқаролик жамияти гуруҳлари, ЮНЕСКО ва Жаҳон Банки Гуруҳи каби ривожлантириш агентликлари олти таълим мақсадларига эришиш учун тайёргарликларини кўрсатдилар (UNESCO, 2018).

▪ 1993 йилда Лесли Уоткинс томонидан яратилган ва профессор Клинт Тейлор томонидан

қўлланилган “умр бўйи ўрганувчилар” атамасидан келиб чиқиб, ушбу атама ўрганиш болалик даври ёки синф хонаси билан чекланиб қолмаслигини, балки умр бўйи давом этишини англатади (Life-long Learning Programme, 2018). Канадалик ўқитувчи ва тадқиқотчи Аллен Тафф (1979) қарийб 70% ўрганиш лойиҳаларини ўрганувчиларнинг ўзлари режалаштиришларини таъкидлайди.

е) Шоирнинг фикрига кўра, яхши тарбия кўрганлик маънавиятнинг энг асосий омилидир. Яхши тарбия кўрганлик инсонга жамиятда ўз ўрнини топишда, ҳурмат қозонишда ва бошқалар орасида юқорироқ мавқега эга бўлишда ёрдам беради (Khoshimov & Nishonova, 2005). Демак, Алишер Навоийнинг фикрига кўра, тарбия инсон хислатларининг асосий бўғими экан. У сабр, сахийлик, жасурлик, ҳаракатчанлик, мақсадга интилиш, садоқат ва шу каби хислатлар танҳо тарбия кўрган ва донишманд одамларда учрайди дейди. Мутафаккир инсоннинг ҳар бир хислатига аниқ ва муайян таъриф беради. Унга кўра, «мамнуният» булоқдир – сувни оласан, чашма эса қурмайди. Мамнуният битмас-тугамас хазинадир – бир қисмини тўкиб юборсанг ҳам камаймайди. У экилган даладир – уруғ қадрли ва баракали мева беради. У дарахтдир – шохлари уятчанлик ва ҳурмат мевасини беради. Халқаро Бухгалтерлар Федерациясининг 2007 йилги «Ташкилотларнинг самарали ўзини тутишини аниқлаш ва ривожлантириш» Рисоладагидай иш олиб бориш учун қўлланмасида қуйидаги таъриф берилган:

«Ташкилотнинг қарорлари, иш олиб бориш тартиблари ва тизимларини бошқарувчи хулқ-атворнинг принциплари, қадриятлари, стандартлари ёки қоидалари маълум бир маънода (а) ўзларининг асосий акционерларининг фаровонлигига ҳисса қўшади ва (б) ўзларининг ишлаб чиқаришларига алоқаси бўлган ҳамма буюртмачиларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилади».

Замонавий **ахлоқ қонуни (кодекси)** ижтимоий қонун-қоидалар ва диний қоидалар ва алоҳида олинган шахс, томон ёки ташкилотнинг жавобгарликлари ва уларга бўлган тегишли муносабатларни белгилайдиган қоидалар туркумидир. Буларга алоқадор тушунчалар жумласига этик, виждон, маънавий қонун-қоидалар ва диний қонунлар киради (McMillan, 2016). У ходимлар/аъзоларнинг ушбу муҳитда улардан кутиладиган хулқ-атвор мезонларини билишлари учун, уларнинг иш жойларида стандарт ўрнатишга ёрдам беради. Менинг фикримча, Навоийнинг қўлланмалари асосида хулқ-атвор қонун-қоидалари тузишнинг ва уни университет/муассасаларнинг стандарт қоидаси қилиб белгилашнинг баъзи имкониятлари мавжуд, чунки бошқа хорижий ташкилотларда шунга ўхшаш қоидалар бор.

ж) Навоийнинг педагогик фикрлари ўқувчиларнинг шахсияти шаклланишида жиддий аҳамиятга эга бўлган турли-туман бошқа омилларни ҳам таъриф қилади (Akbarov, 2016). Масалан, муваффақиятсизлик ва ноқулайликнинг сабаби ўргатишда етказиш лозим бўлган энг муҳим уйғунлик ҳиссининг йўқлигидандир. Болаларда уйғунликни ривожлантириш дастлаб туюлганидан унча қийин эмас; бунинг учун болага уйғунликнинг турли-туман кўринишларини турли ҳаётий шароитларда намойиш қилиш лозим. Замонавий педагогик тадқиқотлар улғайиб келаётган авлоднинг ривожланиши ва тарбиясини бирга уйғун олиб бориш кераклигини тасдиқлайди. 21-аср олимларининг фикрига кўра: Мактаблар инсон билимларининг омборлари бўлиб хизмат қилар ва мактабга қатнаш бирор нарсани ўрганишнинг энг маъқул усули эди. Бугунги 21-асрга келиб, бу ҳолат умуман ўзгариб кетди: энди билимлар чанг босган синф хоналари ёки эски китоблар ичи билан чегараланиб қолмайди. Интернетнинг шарофати билан билимлар уларни эгаллашни хоҳлаган ҳар қандай инсон учун очиқ. Бундан буён мактабларнинг вазифаси мияни маълумот билан тўлдиришдан иборат бўлмасдан, балки талабаларни ўзлари яшаб турган дунё ҳақида қизиқишларини уйғотувчи, илҳомлантирувчи жой бўлиши лозим. Чақалоқлар қидирувчанлик ҳиси билан туғилишади; болалик чоғларида улар чегараларни кенгайтиришни ва ўзларининг қўлидан келадиган вазифалар/ишларнинг чегараларини ўрганишни хоҳлашади. Келинг мактабнинг болаларнинг ижодкорлик ва мустақилликни чеклаб қўювчи қаттиққўл сиёсатла-

рига риоя қиламиз дея, болаларни бир синов тестидан кейингисига тайёрлаш билан уларнинг болалик даврларини беҳуда ўтказишларига мажбур қилмайлик ва шунақа қизиқувчанликни бўғиб қўймайлик. Алишер Навоийнинг ушбу ўзгаришларни олдиндан кўра билганлиги ва уларга ечимлар таклиф қилганлиги ҳақиқатан ҳам ҳайратланарли ҳол.

з) Унинг таълимоти ўқитувчининг ўз қарори асосида ўқитиш воситаларини танлашида ифодаланади. Улар жумласига махсус ғоялар, атамалар ва машқлар кириши мумкин. Навоий педагогикасида билимларни эгаллашнинг турли усуллари берилган, баъзан билим олиш тартиб-интизом ва ўргатишдан бошланади. Педагогик амалиёт ушбу принципга риоя қилиш заруриятини тақозо қилади: мураббий берган билимларнинг муайян комплексини ўзлаштириш, маънан такомиллашиш, жисмоний ва психологик машқларнинг махсус комплексини ўзлаштириш. Маънавий ривожланиш билан бир қаторда, инсонда тушуниш қобилияти ҳам ривожланиб боради. 21 асда университетларда янги таълим ёндашувлари ва ўқитиш методларининг пайдо бўлиши билан, биз дарснинг силлабуси, ўқув дастурини ишлаб чиқиш, ўрганиш натижалари, глоссарий (луғатлар) тайёрлаш, керакли дарслик китобини танлаш ва фанларимиз учун тавсия қилинган китоб каби янги воситаларга дуч келяпмиз. Бу ишларни Алишер Навоий 15-асрдаёқ бажариб қўйгани ҳайратланарли.

Хулоса:

Ўзларининг бадиий асарларида Навоий каби буюк алломалар маънавий баркамолликка эришишнинг педагогик ғояларини баён қилишган, билимлар изчиллигини ва тарбиянинг маънавий аспекти ўрнини таклиф қилишган. Уларнинг асарлари инсонпарварлик, донишмандлик, заковат билан тўлдирилган ва инсоний кадриятларга қаратилган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Навоийнинг педагогик ғоялари ўз даврининг тарихий ва педагогик сабабларга мос равишда шаклланган ва ривожланган. Мумтоз адабиёт намояндлари орасида, Алишер Навоийнинг номи Ҳомер ва Данте, Рўдакий ва Фирдавсий, Низомий ва Руставели, Саъдий ва Жомий, Шекспир ва Пушкинлар билан бир қаторда туради. Унинг асарлари кўплаб тилларга таржима қилинган, қўлёзмалари дунёнинг катта кутубхоналарида сақланади. Бутун дунёда машхур шоирнинг ҳайкали нафақат Марказий Осиёда, балки Москва, Боку ва Токио шаҳарларида ҳам ўрнатилган. Биз, унинг авлодлари, том маънода буюк шоир билан ғурурланишимиз лозим ва унинг умрбоқий, ҳаёт донишмандлигига ўргатадиган, эзуликка ва маърифатнинг ғалабасига чақирувчи ижодини иложи борича яхши ўрганишимиз лозим. Бироқ бу ерда биз ҳақиқатан ҳам Навоийнинг кутубхоналарнинг қаерларидадир чанг босган эски китобларда яширинган барча кадриятларини қидираяпмизмикан деган савол пайдо бўлади. Унинг асарларини универсал (ҳаммабоп) қилиб, халқаро ҳамжамият диққат-эътиборини тортиб, тарғиб қиляпмизми? Ушбу саволлар ҳақида ҳар инсон фикрлаши лозим.

2015 йилда канадалик олим Гарри Дикнинг «Маънавий боғ боғбони» мақоласи ўзбек тилида чоп қилинди. Бутун вужуди билан Навоийнинг ижодига берилган ушбу олим «Лисон-ут тайр» достонини асарнинг бор гўзаллигини инглиз тилида сўзлашувчиларга етказиш учун инглиз тилига таржима қилди. У Навоийни «менинг шоирим» деб атайди ва уни маънавий боғнинг боғбонига ўхшатади. Кучайиб бораётган ҳаётга бўлган истеъмолчилик муносабати натижасида Ғарбда маънавиятнинг кескин сусайиб кетиши шароитида, Гарри Дикнинг сўзлари билан айтганда, «боғни бегона ўтлардан тозалаш ва уни парвариш қилишга» чақириш жуда долзарб масаладир. Алишер Навоий асарларини инглиз тилига таржима қилиш ва чет мамлакатларда уларни тарғиб қилиш муҳим вазифалардандир. Навоий асарларига немис ва француз олимлари ва таржимонлари жиддий қизиқиш билан қарамоқдалар, бироқ инглиз мутахассислари ҳақида буни айтиш қийин. Ғарб олимлари ва таржимонларининг Алишер Навоийга қизиқишлари уларнинг профессионал салоҳиятигагина эмас, буюк мутафаккирни тушунишга бўлган фидокорлик, хохишга ҳам боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Allworth, E. (1990). *The Modern Uzbeks: From the Fourteenth Century to the Present: A Cultural History*. Hoover Institution Press.
2. Alisher Navoi. *Complete Works in 20 Volumes*. 1–18. Tashkent. 1987–2002.
3. Akbarov, A. (2015) Традиционные и современные методы преподавания: преимущества и недостатки, *Xalq Ta’limi, O’zbekiston Respublikasi Xalq Ta’limi Vazirligining Ilmiy-Metodik Jurnal*, 2015-6 November-December, (б.133-138)
4. Akbarov, A. (2017a) Алишер Навоийнинг педагогик мероси ва Шекспир трагедияларидаги етакчилик масалалари, “Алишер Навоий ва XXI Аср” мавзусидаги Республика илмий-назарий анжумани, Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети, *Tashkent State University of Uzbek Language and Literature*, (pp.175-181), Tashkent, Uzbekistan
5. Akbarov, A. (2017b) Comparative Outlook into Alisher Navoi’s Mentoring Approach and Current Teacher-Student Engagement. (Increasing Educational Competitiveness by Implementing a Mentoring Program), “Алишер Навоий Ижодий Меросининг Умумбашарият Маънавий-Маърифий Тараққиётининг Ўрни” Мавзусидаги Халқаро Илмий-Амалий Конференция, International Scientific-Practical Conference “The Significance of the Creative Inheritance of Alisher Navoi in the Spiritual and Educational Development of the Humankind”, Navoi State Pedagogical Institute, Navoi, Uzbekistan
6. Akbarov, A. (2016) Алишер Навоийнинг устоз ва мураббийликка нисбатан ёндашувининг қиёсий таҳлили ва бугунги кундаги “устоз ва шогирд” муносабати. (Comparative outlook into Alisher Navoi’s mentoring approach and current Teacher-Student Engagement), “Alisher Navoiy hayoti va ijodi – namuna maktabi” mavzusidagi Respublika ilmiy anjumani materiallari. Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti, (pp. 78-83) Toshkent, Uzbekistan
7. Akbarov, A., & Shukurova, Z. (2016) Interpretations of Translations of Alisher Navoiy’s Rubaiyat into Russian and English, *Motif Academy Folklore Journal*, 2016 January-June, Vol.9 Issue 17, (pp. 47-60), Turkey
8. Cuban, L. (2001). *Computers in the Classroom*, Cambridge, M.A. Harvard University Press.
9. <https://www.britannica.com/biography/John-Amos-Comenius>, Retrieved on January 20, 2018
10. <http://www.unesco.org/new/en/education/themes/leading-the-international-agenda/education-for-all/> Retrieved on January 10, 2018
11. http://ec.europa.eu/education/lifelong-learning-programme_en Retrieved on January 12, 2018
12. К.Хошимов, С.Нишонова. *История педагогики*. Ташкент. 2005
13. Komilov, N. (2009). *Tassavuf, Movarounnhar Nashriyoti*, Tashkent, Uzbekistan
14. Kunari, C. (2006) *Methods of teaching educational Technology*, New Delhi.
15. McMillan, M. (2016) “Codes of Ethics: If you adopt one, will they behave?” *Enterprising Investor: Practical analysis for investment professionals*.
16. Моисеева М. В. Нетрадиционные методы обучения / *Вестник высшей школы*. – 2000. – №3.
17. Navoiy. Махбуб ул-қулуб. www.ziyouz.com кутубхонаси, Retrieved on January 5, 2018
18. Hoberman, Barry (January–February 1985). “Chaucer of the Turks”. *Saudi Aramco World*: 24–27.
19. Rogers, J. & Ward, M. (1988) *Suleyman the Magnificent*. British Museum Press; First Edition edition
20. Сирожиддинов, Ш. (2011). Алишер Навоий - манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. «Akademnashr», Ташкент.
21. Subtelny, M.E. (1988). «Socioeconomic Bases of Cultural Patronage under the Later Timurids». *International Journal of Middle East Studies*. 20
22. Subtelny, M. E. (1993). C. E. Bosworth; E. Van Donzel; W. P. Heinrichs; Ch. Pellat, eds. *Mīr ‘Alī Shīr Nawā’ī*. *The Encyclopedia of Islam*. VII. Leiden—New York: E. J. Brill.

VI. АЛИШЕР НАВОЙИ ИЖОДИ ВА ТИЛШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

НАВОЙИ АСАРЛАРИНИ ИЛМИЙ ТРАНСКРИПЦИЯГА ЎГИРИШ МАСАЛАСИ

Қосимжон СОДИҚОВ
(ТошДШИ)

Чет эллардаги йирик туркологик марказларда туркий ёзма ёдгорликлар, хусусан, энг кўхна битиглардан тортиб эски ўзбек тили ёдгорликларига қадар, бари илмий транскрипцияда берилмоқда. Ҳатто Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг илмий нашрлари ё асл ёзувида ёки транскрипцияда. Негадир биздаги илмий нашрларда транскрипцияга эътибор қаратилмаяпти. Ҳатто докторлик диссертацияларида ҳам классик ижодкорлар асарларидан келтирилган ўрнаклар ҳозир ишлатаётган ёзувимизда. Бунинг натижаси ўлароқ ўзбек олимлари тайёрлаган нашрлар чет элларда тан олинмаётир. Биздаги илмий нашрларнинг дунё шарқшунослиги, чет эл туркологиясига тенглаша олмаётганлигининг бош сабаби ҳам ана шунда.

Нашрлар икки хил бўлади: бири кенг жамоатчиликка аталган, яъни оммабоп нашрлар, бошқа би-рови – илмий нашрлардир. Кўпга аталган нашрларнинг жорий ёзувда берилуви табиий. Чунки мактаб ўқувчисидан тортиб ўқимишли кишилару китобсеварлар классик шоирларнинг асарларини ўқиб ўрганмаги, фикри озукланмоғи керак. Лекин филолог-мутахассислар учун мўлжалланган илмий китоблар транскрипцияда берилгани маъкул. Бу – жиддий масала.

Жўнгина бир мисол. Навоий асарларида кечган **اوت** сўзидаги унли товуш икки хил талаффуз қилинади: агар *ot* шаклида “йўғон” талаффуз қилинса, “ўт, олов” маъносини, *öt* шаклида “ингичка” талаффуз қилинса, “ўтмак (буйруқ)” ёки “ўт қопчаси”ни билдиради. Улар маъносига кўра бошқа-бошқа сўзлардир. Шунга яраша, ушбу сўзларга қўшимчалар ҳам икки хил қўшилади: биринчисига қўшимчанинг “йўғон” эши (варианти) қўшилиб, *otqa*, кейингисига эса қўшимчанинг “ингичка” эши қўшилиб, *ötmäk* бўлади. Бу сўзлардаги унлиларнинг “йўғон” ёки “ингичка” эканини уларга қўшилаётган қўшимчаларга қараб ҳам ажратиш мумкин. Ёки: **توز** даги **و** ҳарфи “йўғон” унли сифатида *tuz* деб талаффуз қилинса, “ош тузи, намак”, *tüz* деб “ингичка” айтилса, “тўғри (киши); текис (ер)” ёки “созни созлашга буйруқ” англамларида келади. Яна, **التور** даги унлилар *oltur-* шаклида “йўғон” айтилса, “(курсига) ўтирмак”; *öltür-* шаклида “ингичка” талаффуз қилинса, “(кишини) ўлдирмак” маъноси англашилади. Шунинг учун ҳам, биринчисига қўшимча қўшилганда, *olturusi*, кейингиси эса *öltürgüsi* бўлади. Бирининг ўрнида бошқасини қўллаб бўлмайдиган, сўзнинг маъноси буткул ўзгариб кетади. Ҳозирги нашрларда эса буларнинг иккаласи ҳам бир хил ёзилмоқда. Ушбу нашр асосида Навоий асарлари сўзлигини яратмоқчи бўлган изланувчи ҳам ўз-ўзидан санокда янглишади, уларни қориштириб юборади. Бунинг сингари мисоллар талай. Илмий транскрипция эса бундай чигалликларнинг олдини олади. Яна бир жиҳати, классик асарларимиз тилида ўзига яраша уйғунлик бор: айтилиши “йўғон” ўзакли сўзларга, қўшимчаларнинг ҳам “йўғон” эшлари, “ингичка” ўзакли сўзларга қўшимчаларнинг ҳам “ингичка” эшлари қўшилган: *äylämäk, bilmäk, ketmäk, tüz-mäk; qaramaq, oqımaq* сингари. Ҳатто сўздаги унлининг лабланган-лабланмаганлигига қараб, қўшимчаларнинг қўшилишида ҳам уйғунлик бўлади: *közüm, sözüm* ёки *elim, tilägim* сингари. Туркий унлилар тизимидаги бундай уйғунлик, ўз ўрнида, матн жозибасини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Эски ўзбек тилида “темир қонун” сифатида амал қилган уйғунлик (сингармонизм) Навоий

асарларидаги товушлар тизимини англашга ҳам имкон беради. Масалан, “Муҳокамату-л-луғатайн”да келтирилган мисолларда “йўғон” ўзак-негизли сўзларга масдар кўрсаткичининг *-maq* варианты қўшилган: *quruqshamaq, aldamaq, qistamaq, yalınmaq* сингари; “ингичка” талаффузли сўзларга эса *-māk* варианты қўшилган: *igirmāk, indāmāk, sūrkānmāk, örtānmāk* сингари. Кўринадики, Навоий тилида орқа қатор, “йўғон” [a] билан олд қатор, “ингичка” [ä] нинг ҳар иккови мустақил фонемалар сифатида амал қилган.

“Муҳокамату-л-луғатайн”да жониворларнинг ҳаракатини англатувчи феъллар билан боғлиқ қизиқ бир мисол бор. Асарнинг Анқара нашрида бу мисол шундай берилган: *uy müjremegige ve işek iḡramayīya ve it tegiṣmayīya ve ulumayīya lafz yoqtur* [1]. Муҳими шундаки, ушбу жумла асарнинг Тўпқопи қўлёзмасида йўқ, Фотиҳ қўлёзмасида эса бор, нашрга ўша қўлёзмадан олинган.

Ушбу жумладаги келишиқ қўшимчаларининг қўшилиш тартибига эътибор қаратилса, қуйидаги ҳолатга дуч келамиз: *tegiṣmāk* сўзи “ингичка” ўзакли бўлишига қарамай, унга қўшимчанинги “йўғон” варианты қўшилмоқда: *tegiṣmayīya*. Англашиладики, нашрда бу ўринда хатога йўл қўйилибди. Бунинг сабабини, кейинчалиқ, Фотиҳ қўлёзмаси билан танишиб чиққанда билдим.

Ҳақиқатан, матндаги бу жумлани ўқиш қийин, сабаби у хошияга ёзилиб, матнда эса киритилиши керак бўлган жойи белгилаб қўйилган. Анқара нашрида хатога йўл қўйилганлигининг сабаби ҳам шундан бўлса керак.

Компьютерда матннинг электрон вариантини йириклаштириб кўрганимда, сўзнинг маъносини англадим: қўлёзмада *tegiṣmayīya* эмас, *mīḡaṣmayīya* деб ёзилган экан. *Mīḡaṣmaq* “йўғон” ўзакли сўз, шунинг учун унга қўшимчанинги ҳам “йўғон” варианты қўшилмоқда.

Қўлёзмада ёзилгани шундай [2]:

اوى مونكراماكى كا و ايشك اينكراماعى غه و ايت مينكشماغى غه و اولوماغى غه لفظ يوقتور

Транскрипциясини шундай берамиз: *uy müjrämägigä va eṣäk iḡramayīya va it mīḡaṣmayīya-vu ulumayīya lafz yoqtur*.

Уй (яъни сигир) мунграйди, эшак инграйди, ит эса тишисига мингашади; яна “ит улиди” деймиз, бўрига ҳам шундай. Кейинги ўқиганимиз тўғри.

Бу жумлада кечган *müjrämägi* сўзи “ингичка” ўзакли бўлгани учун унга жўналиш келишигининг “ингичка” *-gä* варианты, *iḡramayī, mīḡaṣmayī, ulumayī* сўзлари эса “йўғон” талаффузли сўзлар бўлгани учун эса қўшимчанинги ҳам “йўғон” талаффузли *-ya* варианты қўшилмоқда. Агар эски ўзбек тилида “темир қонун” бўлмиш товушлар уйғунлигига эътибор берилмаганда, юқоридаги нашрда унинг хато ўқилганини сезмай ҳам қолардик.

Ушбу қонун қўлёзмаларда кечган сўзларни тўғри ўқишимизда, ҳатто уларнинг маъносини билиб олишимизда очқич вазифасини бажаради.

Шу ўринда Навоий асарларини транскрипцияга ўгиришда тенг боғловчилар билан боғлиқ юз бераётган бир масала хусусида. Маълумки, XI юзйилликдан бошлаб туркий тилга *-u* ҳамда *va* боғловчилари ўзлаша бошлади. *-u* – форсча, *va* эса араб тилидан ўзлашган.

Араб ёзувли матнларда *-u* ҳамда *va* боғловчилари ёзувда фарқланмайди, иккови ҳам “вāv” ҳарфи билан ёзилади. Ҳозирги нашрларда эса буларни фарқламай, ҳар иккови *va* боғловчиси сифатида берилмоқда. Табиийки, бу ҳолат матннинг ўқилиши, ҳатто мазмунга ҳам таъсир этади. Модомики, Навоий асарлари тилида ушбу қўшимчалар ишлатилган экан, илмий нашрларда ҳам уларни фарқламоқ керак.

Муҳими шундаки, *-u* ҳамда *va* боғловчиларининг қўлланилишида қатъий қоида бор. Матнда *-u* боғловчиси жуфт сўзларни, уюшиқ бўлақларни бир-бирига боғлайди, киши ё нарса отлари саналганда ишлатилади. *va* боғловчиси эса гап тугагандан сўнг, иккинчи гап бошланганда ишлатилади, қўшма гап таркибидаги содда гапларни ўзаро боғлайди, *-u* боғловчиси қўлланган жуфт сўзларни ҳамда синоним сўзларнинг бир гуруҳини иккинчисига боғлаш учун ишлатилади.

-и боғловчиси ундош билан тугаган сўзларга -и, унли билан тугаган сўзларга эса -ви шаклида кўшилади. Ҳозирги ўзбек адабиётшунослигида Навоий асарларини “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” деб атаймиз. Аслида эса уларни “Фарҳод-у Ширин”, “Лайли-ву Мажнун” шаклида айтганимиз тўғри бўлади.

Шунингдек, матнда таъкид юкламаси -и ни ҳам фарқлай олиш керак. Чунки араб ёзувли матнларда у ҳам “vāv” билан ёзилади. Ундош билан тугаган сўзларга -и, унли билан тугаган сўзларга эса -уи шаклида кўшилади.

Буни Алишер Навоийнинг “Насойиму-л-муҳаббат мин шамоийими-л-футувват”да Адиб Аҳмад ҳақида ёзган куйидаги сатрларида яққол кузатса бўлади:

ديرلار كه كوزلارى بوتاو ايرميش و اصلا ظاهر ايرماس ايرميش بصير بولوب اوزكا بصيرلارديك
آنداق ايماس ايرميش كه كوز بولغاي و كورماس بولغاي اما بغايت زيرك و زكى و زاهد و متقى كيشى
ايرميش حق سبحانه و تعالى اكرچه ظاهر كوزين ياپوق ياراتقان دور اما كونكلى كوزين بغايت ياروق
قىلغان دور ... آئينك تىلى ترك الفاظى بيله مواعظ و نصايح قه كويا ايرميش بلكه اكثر ترك اولوسى دا
حكمت و نكته لارى شايع دور و نظم طريقى بيله ايتور ايرميش ... [3].

Келтирилган матннинг илмий транскрипцияси шундай бўлади: “... *Derlär-ki, közläri bütäw ermiş-u ašlā zāhir ermäs ermiş. Başir bolup özgä başırlar-deg andağ emäs ermiş-ki, köz bolıyay-u, körmäs bolıyay, ammā bagāyat zīrak-u zakī va zāhid-u muttaqī kişi ermiş. Haq subhānahu va ta’ālā agarēi zāhir közin yaruq yaratqandur, ammā köñli közin bağāyat yaruq qilyandur. ... anıñ tili türk alfāzı bilä mavā’iz-u naşāyihqa göyā ermiş, balki aksar Türk ulusıda hikmat-u nuktaları şāye’dur va nazm tarıqı bilä aytur ermiş ...*”.

Ушбу матнда *köz bolıyay-u, körmäs bolıyay* жумласидаги -и боғловчи эмас, юкламидир. Қолганлари боғловчи бўлиб келган.

Қисқаси, матншунос мутахассисларимиз олдида Лутфий, Навоий, Бобур, Огаҳий сингари классикларимиз асарларининг дунё олимлари тан оларли илмий-транскрипцион нашрларини яратиш иши турибди.

Адабиётлар:

[1] *‘Ali Şir Nevayî. Muhakemetü’l-luğateyn (İki Dilin Muhakemesi). Hazırlayan F. Sema Barutçu Özönder. – Ankara, 1996.S. 175.*

[2] *Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн. Қосимжон Содиқов таҳлили, табдили ва талқини остида. – Тошкент, 2017.*

[3] *Алишер Навоий. Насойимул муҳаббат мин шамоийимил футувват. Илмий-танқидий матн. Нашрга тайёрловчи Ҳ. Исломий. – Тошкент, 2011. 333- б.*

СЎЗ БОЙЛИГИМИЗНИНГ СЕРГАК ПОСБОНИ

Абдулхай СОБИРОВ

(ТошДўТАУ)

Она тарих гувоҳ: ҳар бир халқ ичидан она тили тақдири қил устида турган энг оғир дамларда ҳамиша Яратганнинг инояти билан шундай буюк инсонлар етишиб чиқадик, улар она тилини байроқ қилиб, уни хис қилишда, севишда, ардоқлашда, ҳимоялашда бошқаларга йўл кўрсатадилар, юксак даражадаги ибрат намунасини ўтайдилар.

Ҳазрат Алишер Навоий Яратганнинг ҳимоясидагина шундай сифатларга эга бўлган илоҳий зот са-

налади. Ундаги барча фазилатлар шунга ишора. Фақат Навоийгагина хос бўлган шиддат ва шижоатга, Худо берган истеъдодга, камдан-кам инсонларга насиб қиладиган қувваи ҳофизага, туркий тил шаъни ва тақдири устида енг шимариб, мардона кураш олиб борганига ҳар қанча ҳавас қилсак ва ундан ўрناق олсак, арзийди.

Мазкур мақсад йўлида юксак даражадаги ватанпарварлик, халқпарварлик, миллатпарварлик ғоялари билан суғорилган “Хазойин ул-маоний”, “Хамса”, “Лисон ут-тайр”, “Мажолис ун-нафоис”, “Назм ул-жавоҳир”, “Тарихи мулуки Ажам”, “Муфрадот”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Арбаин ҳадис” сингари теран мазмунга эга бўлган бадиий, илмий-фалсафий, маърифий асарлар бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Алишер Навоий мазкур асарлари билан нафақат мумтоз адабиётимиз тарихида ўчмас из қолдирди, балки ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва тараққий топиши учун кучли замин ҳозирлаб берди, ўзбек адабий тилининг ривожини учун мустаҳкам асос яратди. Ўзи таъкидлаб айтганидек, она тилимиз “ҳазина”сини “қонхўр илонлар”дан, “чаманзори”ни “сон-саноксиз тиканлар”дан халос қилди. Бу борада алломанинг биргина “Муҳокамат ул-луғатайн” асарини эслаб ўтиш етарли. Асар ўзининг илмий-лиги, фактларга бойлиги, бадиий жиҳатдан мукамаллиги билан Навоийнинг шоҳ асарларидан бири саналади.

Асарда туркий (ўзбек) тилининг фонетик, лексик, морфологик имкониятлари тўлиқ очиб берилган. Алишер Навоий ушбу асарини кучга тўлган, ўз иқтидори ва қобилиятининг юксак чўққисига кўтарилган, катта ҳаётий тажриба тўплаган даврда, яъни 1499 йилда ёзиб тугатди. Ёзганида ҳам туркий тилнинг беадад гўзалликларини, чексиз имкониятларини теран ҳис қилиб, уни севиб-ардоқлаб, унга ғализ кўз билан қараган кимсалардан ҳимоялаб туриб яратди. Туркий тил имкониятларининг чегара билмаслигини айтиб, унинг бошқа тиллардан асло кам эмаслигини фахр, ифтихор билан қаламга олар экан, ўз фикрини исботлаш учун халқ тилидан кўплаб жонли мисоллар келтиради. Хусусан, асарда тилга олинган қуйидаги 100 та феъл алоҳида аҳамиятга эга.

“Андоқки, қувормоқ ва қуруқшамоқ ва ушармак ва жийжаймоқ ва ўнгдаймоқ ва чекримак ва дўмсаймоқ ва умонмоқ ва ўсанмоқ ва игирмак ва эгармак ва ўхранмак ва торикмоқ ва алдамоқ ва аргадамоқ ва ишанмоқ ва игланмоқ ва айланмоқ ва эрикмак ва игранмак ва овунмоқ ва қистамоқ ва қийнамоқ ва қўзгалмоқ ва соврулмоқ ва чайқалмоқ ва девдашмоқ ва қийманмоқ ва қизганмоқ ва никамак ва сийланмоқ ва танламоқ ва қимирдамоқ ва серпамак ва сирмамак ва каноркамак ва сизриқмоқ ва сизинмоқ ва қилимоқ ва ёлинмоқ ва мунгланмоқ ва индамамак ва тергамак ва теврамак ва қинггаймоқ ва шигалдамоқ ва синграмоқ ва яшқамоқ ва исқармоқ ва кўнгранмоқ ва сухранмоқ ва сийпамоқ ва қораламоқ ва сурканмоқ ва куйманмак ва ингранмоқ ва тушалмак ва мунгаймоқ ва танчиқамоқ ва танчиқолмоқ ва кўруксамак ва бушурганмоқ ва бухсамоқ ва киркинмак ва суқадамак, бусмоқ, бурмак, турмак, томшимоқ, қаҳамоқ, сипқормоқ, чичаркамак, жураканмак, ўртанмак, сизгурмоқ, гурнаклашмак, чупрутмоқ, жиргамоқ, бичимоқ, қиқзанмоқ, сингурмак, кундалатмак, кумурмак, йигирмак, кунгурдамак, кинаркамак, кезармак, дуптулмоқ, чидамоқ, тузмак, қозганмоқ, қичигламоқ, гангирамоқ, ядамоқ, қадамоқ, чиқанмоқ, кундурмак, сундурмак, суқлатмоқ.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдик. Тил бирликлари, хусусан, унинг асосий материали саналган сўзнинг семантик тузилиши, маъно қирралари, сўзлараро муносабатлар масаласи фақат XX аср охири ва асримиз бошларига келибгина атоқли тилшуносларимиз томонидан жиддий тадқиқ қилина бошлади. Сўзлар ўртасидаги синонимик, омонимик, антонимик муносабатлардан ташқари жинс-тур (гипонимик), бутун-бўлак (партонимик), даражаланиш (градуонимик) каби но-зик муносабатнинг борлиги кашф этилди.

Қизиғи шундаки, Алишер Навоий бу каби муносабат турларини бундан 520 йил бурун чуқур англаб етган ва туркий тилнинг ифода имкониятлари кенг эканлигини исботлаш мақсадида ўзининг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида уларга юзлаб мисоллар келтириб ўтган эди.

Масалан, юқорида келтирилган 100 да феъл ичидан “**йиғламоқ**” феълнинг даражаланиши билан боғлиқ маъно қирраларини тушунтириш учун Алишер Навоий “**йиғлансинмоқ**” (*Зоҳид ишқин десаки, қилгай фош, Йиғламсинуру кўзига келмас ёш*), “**инграмақ**”, “**синграмақ**”, (*Истасам давр аҳлидин ишқингни пинҳон айламақ, Кечалар гаҳ инграмақдур одатим, гаҳ синграмақ*), “**йиғлатмоқ**”, “**сиқтатмоқ**”, (*Ул ойки, кула-кула қироглатти мени, Йиғлатти мени демайки, сиқтатти мени*), “**ўкурмақ**” (*Ишим тоғ узра ҳар ён ашк селобини сурмақдур. Фироқ ошубидин ҳар дам булут янглиғ ўкурмақдур*), “**инчқирмақ**” (*Чарх зулмида бўғзумни қириб йиғлармен, Игирур чарх (киби) инчқириб йиғлармен*), “**ҳой-ҳой йиғламоқ**” (*Навоий, ул гул учун ҳой-ҳой йиғлама кўп, Ки ҳай дегунча не гулбун, не гунча, не гул бор!*) каби лексик бирликларни келтиради ва худди узукка зумрад кўзли қимматбаҳо тош қўйганидек ҳар бирига бетакрор мисолларни далил қилиб келтиради. Лексик бирликнинг бундай даражаланиши замонавий тилшуносликда градуонимия атамаси билан юритилади. Ҳазрат Навоий “**йиғламоқ**” ҳаракатининг даражаланишини “*ва инграмоқ ва синграмақким, дард била яшурун оҳиста йиғламоқдур ва ораларида тафовут оз топилур*”, “*яна бийик ун билаки, эътидолсиз ошуб била йиғлагайлар, ани ўкурмақ дерлар*”, “*йиғламоқнинг ўкурмаки муқобаласида инчқирмақ дағи бор ва ул инчка ун била йиғламоқдур*”, –дея чиройли тарзда изоҳлаб берар экан, ўзи билмаган ҳолда бундан бир неча аср аввал лингвистикадаги янги йўналишлардан бирига асос солиб кетган экан.

“**Қимсанмоқ – қизғанмоқ**”; “**хор – чўқир**”; “**боқмоқ – термулмақ**”, “**хол – менг**” лексемалари мисолида ҳам юқоридаги гапларни айтиш мумкин.

Навоийнинг лексемалардаги бу каби теран маъно товланишларини оддий халқ тилидан олганлиги эътиборлидир.

Яна бир ўринда Навоий шундай деб ёзади: “*Ва ҳўбларнинг кўз ва қошлари орасинки, қабог дерлар. Маснавийда бир жамоат ҳўб таърифидида мундоқ дейилибдурким:*

*Менгизлари гул-гул, мижалари хор,
Қабоглари кенг-кенг, оғизлари тор”.*

Ёки “*ва ҳусн таърифидида улугроқ холгаким, турклар менг от қўюптурлар, алар от қўймайдулар. Турк бу таърифни бу навъ адо қилибдурким:*

*Анингким, ол энгинда менг яратти,
Бўйи бирла сочини тенг яратти”.*

Бу каби халқона, содда ва жонли таърифу таснифлар анча-мунча тил тарихидан топилмайди.

Алишер Навоийнинг “*от, ит, туш, согин, туз, ўқ, кўк, ўт, тўр, тер*” лексемалари мисолида туркий тилнинг ифода имкониятлари беҳад кенг эканлигини, унинг ўша давр сиёсий доиралари тилида пеш саналган форсий тилдан сира қолишмаслигини, ҳатто айрим ўринларда ундан-да бойроқ эканлигини кўрсатиб беришдаги холис хизматларини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Унинг “*Яна туз – ҳамвор даштни дерлар, яна туз – рост кишини дерлар, яна туз – созни тузмакка амр қилмоқни, яна туз – икки киши орасида мувофақат солмоқни ва яна туз – бир мажлис асбобини ҳам деса бўлур. Ва кўк лафзин ҳам неча маъни била истеъмол қилурлар. Бири кўк – осмонни дерлар. Яна кўк оҳангдур. Яна кўк теграда кўкламақдур. Яна кўк қадоғни ҳам дерлар. Яна кўк сабза ва ўлангни дағи дерлар*” сингари юракдан ёзилган мисралари бугун ҳам ўзбек тили учун ўз аҳамиятлидир.

Замонавий тилшуносликда жинс-тур (гипонимия) ҳодисаси сифатида талқин этилаётган *кийик-ҳуна-қилқоқчи; сайқун-буғу-марал; ўрдак-сўна-бўрчин-жўрка-эрка-суқсур-олмабош-чоқирқанот-темирқанот-алдалдага-алапука-боғчол* каби лексик бирликлар Навоий томонидан бежизга келтирилмаган.

Узоқ вақтлар мобайнида она тилимиз тақдири устида жиддий бош котирмаганимиз, унга нисбатан беписандлик билан қараганимиз оқибатида юқоридаги лексемалар ичидан *кийик, буғу, тўнғиз, қобон, ўрдак* сўзларигина луғат бойлигимизда сақланиб қолди, айримларининг асл маъносини батамом йўқотдик ёки умуман бой бердик.

Ҳолбуки, Навоий она тилимизнинг гўзалликлари ҳақида “*Ва овда умдаки кийикдур, турк анинг*

эркагин “хуна” ва тишисин “қилчоқчи” дер. Яна суйқуннинг ҳам эркагин “буғу” ва тишисин “марал” дер. Ва бир иўру шайнлиг овки, тўнғуз овидур, анинг ҳам эркагини “қобон”, тишисин “мегажин” ва ушогин “чўрна” дерлар.

Ва келдук қушқаки, анда муқаррар ва машҳур илбосун ўрдакдур. Дағи турк ўрдакнинг эркагин “сўна” ва тишисин “бўрчин” дер. Ва ўрдакнинг анвои билур қушчилар қошида, масалан, жўрка ва эрка, суқтур ва олмабош ва чоқирқанот ва темирқанот ва алдалдага ва алапука ва богчол ва бу йўсунлуқ дерларки, етмиш навъ бўлурким...” дея дарёдек тўлиб-тошиб, бўрондек шиддат билан ёзган эди. Бу бизга сабоқ бўлмади.

Мана, нима учун Навоийни бугун англаб етмаяпмиз?! Унинг тилини “тушунмай” қолдик. Айб ўзимизда!

“Той, гўнан, дўнан, тулан, чирга, ланга” лесемаларининг баъзилари шеваларимизда сақланиб қолди. Навоий фахр билан ёзган “отнинг эгари” ва унинг қисмларини билдирувчи “жибилгир, ҳано, тўқум, жазлиг, уларчоғ, ганжуға, жилбур, қушқун, қантар, туфак, тўқа” каби сўзларни ҳам унутдик. Тилшуносликда бу каби бутун-бўлак муносабатини билдирувчи лексемаларга партонимия атамаси қўлланилади.

Алишер Навоий туркий тилнинг бойлигини исботлаш мақсадида келтирган “қўрчи, сувчи, хизоначи, керак-яроғчи, чавгончи, найзачи, шукурчи, юртчи, шилончи, ахтачи, қушчи, борсчи, қўруқчи, тамгачи, жибачи, йўргачи ҳалвочи, кемачи, қўйчи, қозчи, қувчи, турначи, кийикчи, товушқончи, ҳировул, қаровул, чингдовул, янковул, сўзовул, патовул, китповул, ясовул, баковул, шиговул, дақавул, қаҳол, ясол, қабол, тунқол, бирқол, тўсқол, севарғол” сингари сўзлардан қайси бирини бугун истеъмолда қўллаётимиз?.. Деярли ҳеч қайсисини(!)

Мана, Навоийни англамаслигимизнинг асл сабаблари қаерда?!

Мулоҳаза қилиб кўрайлик. Алишер Навоий асарлари лексикасини нисбатан чуқур ўрганган олим Баҳром Вафоевнинг 1983 йили “Фан” нашриётида чоп этилган “Навоий асарлари лексикаси” номли монографиясида шоирнинг 26035 та сўз қўллаганлиги айтилади. Муаллиф ўз тадқиқотини Алишер Навоийнинг 15 жилдлик асарлари асосида олиб борганини ва бу фикр айтилганда Навоий асарларидаги ибтидо қисмлари (хамд, наът, кириш) нашрларда берилмаганини яхши биламиз.

Мустақиллик шарофати билан Навоий асарларининг 20 жилдлиги чоп этилганини ва мазкур асарларнинг лексикаси бўйича мукамал тадқиқотлар олиб борилмаганини эътиборга оладиган бўлсак, Навоий асарларида қўлланган сўзларнинг тахминий миқдори 35 000 атрофида чиқиб қолса ажаб эмас. Бу Александр Пушкин (21193 та сўз), Уильям Шекспир (20000 дан ортиқ сўз), Мигель де Сервантес (18000 дан ортиқ сўз), Абдурахмон Жомий (17600 сўз) ижодидан бир неча баробар баланд эканлиги кўриниб турибди.

Яна бир факт: “Хамса”да қўлланган сўзлар 6388 тани, жумладан: “Ҳайратул-ул аброр”да – 1431 та; “Фарҳод ва Ширин”да – 1323 та; “Лайли ва Мажнун”да – 794 та; “Сабъаи сайёр”да – 948 та; “Садди Искандарий”да – 1892 тани ташкил этади.

“Хазойин-ул маоний”даги сўзлар миқдори 13560 тани ташкил этади. Чунончи: “Ғаройиб ус-сиғар”да – 7669 та; “Бадоеъ ул-васат”да – 2538 та; “Наводир уш-шабоб”да – 1915 та; “Фавойид ул-кибар”да – 1438 та сўз қўлланган.

Тошкент давлат шарқшунослик институти олимлари томонидан яқинда яратилган бир неча жилдик “Алишер Навоий асарлари конкондарси”да 55 000 сўз ва сўз бирикмалари келтирилган.

Хулоса шуки, Алишер Навоийнинг тилшунослик соҳасида олиб борган ишлари ҳақида билганларимиз денгиздан бир томчи холос. Давр талаби билан ўз устимизда қаттиқ ишлашимиз ва бир кун келиб ҳар бир миллатдошимизнинг Навоий асарларидан иқтибослар келтириб, шарҳлаб бериши биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн (Қ.Содиқов таҳлили, табдили ва талқини остида).-Тошкент: Академнашр, 2017.
2. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011. Ж.10.
3. Ё. Исҳоқов. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
4. Д.Юсупова. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти. – Т.: TAMADDUN, 2016.
5. Навоий асарлари луғати. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.

ЎЗБЕК ТИЛИ СИНТАКСИСИ ХУСУСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР (АЛИШЕР НАВОИЙ НАСРИЙ АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)

Иномжон АЗИМОВ

(ТошДЎТАУ)

Қўшма гапларнинг шаклланишида боғловчиларнинг муҳим восита эмаслиги, туркий тилларда содда гапларнинг ҳеч қандай боғловчиларсиз боғланиши синтактик меъёр эканлиги, мураккаб фикрнинг содда гапларни кетма-кет келтириш орқали ифодаланиши кўп тилшунослар томонидан эътироф этилган. Бу эса, туркий синтаксиснинг ўзига хос хусусиятини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Қуйида мазкур мавзу Алишер Навоий насрий асарларидан олинган мисоллар асосида ёритишга ҳаракат қилинди.

Боғловчисиз қўшма гапларнинг XI аср ёдномалари учун характерли эканлигини Н.Гаджиева ҳам таъкидлаб ўтади. Бундай фикр-мулоҳазалар Т.Кордабаевнинг тадқиқотларида ҳам учрайди. У содда гапларнинг кетма-кет келиши орқали мураккаб гап ҳосил қилиниши туркий тилларнинг илк даврлари учун етакчи синтактик хусусият эканлигини айтади²⁸⁴. Бу эса туркий синтаксиснинг ўзига хос хусусиятини белгиловчи муҳим омилдир. Эски ўзбек тилидаги қўшма гапларни чуқур тадқиқ қилган Ғ. Абдурахмоновнинг тадқиқотларида ҳам шундай фикрлар мавжуд.

Туркий тиллар синтаксисига оид тадқиқотларда содда гапларнинг синтетик воситалар (равишдош, сифатдош, шарт майли каби) ёрдамида бирикиши туркий тиллар синтаксиси учун муҳим қонуният эканлиги таъкидланади. Шунга кўра туркий тиллардаги қўшма гапларга нисбатан синтетик қўшма гаплар термини қўлланган. Туркий тиллардаги қўшма гапларнинг ҳинд-европа тилларидаги қўшма гаплардан тубдан фарқ қилиши, ҳинд-европа тиллари учун боғловчилар муҳим грамматик восита бўлса, туркий тиллар учун аналитик воситалар унчалик муҳим эмаслиги кўплаб туркий тилшунослар томонидан эътироф этилган. М.Асқарова ҳам ўзбек тилининг турк тиллари системасидаги айрим тиллардан эргашган қўшма гап қисмларининг боғловчисиз бирикиш йўли устунлиги билан фарқ қилишини, ўзбек тилидаги кўпгина эргаш гаплар бош гапга боғловчисиз – феълнинг турли формалари, кўмакчилар, юкламалар, пайт билдирувчи баъзи отлари ёки равишлар, ўрин келишиклари қўшимчаси, нисбий сўзлар ва бошқа шунга ўхшаш йўллар билан бирикишини айтади. Қозоқ тили синтаксиси бўйича тадқиқотлар олиб борган Т.Кордабаев қозоқ тилида эргаштирувчи боғловчилар мавжуд эмаслигини, эргашган қўшма гаплар сифатдош, равишдош оборотлар асосида вужудга келишини айтади.²⁸⁵

Туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилидаги боғловчилар (тенг ва эргаштирувчи)нинг аксарияти араб ва форс тилларидан ўзлашган. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, араб ва форс тиллари ўзбек тили билан бир қаторда, ҳам бадийий, ҳам илмий соҳаларда муҳим мавқега эга бўлган. Бутун жаҳон таниган буюк алломаларимиз ўз асарларини мазкур тилларда бемалол битганлар. Бу тилларнинг яқин муноса-

284Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн (Қ.Содиқов таҳлили, табдили ва талқини остида).-Тошкент: Академнашр, 2017.-Б.59-60.

285 Гаджиева Н.З., Серебренников Б.А. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Синтаксис. – М.: Наука, 1986, стр.10.

батлари туфайли ўзбек тили синтаксисига арабий, форсий грамматик воситалар, синтактик конструкциялар кириб кела бошлади. Шу аснода ўзбек тили синтаксиси араб ва форс тилларидан айнан таржима қилинган синтактик бирликлар ҳисобига мураккаблашиб борди. Айниқса, бундай ҳолат Алишер Навоий асарларида яққол кўзга ташланади. Мисолларга мурожаат этамиз: *Гоҳики, ўз ҳолига келса эрди, уламо билан улум баҳсин андоқ қилур эрдиким, барча мусаллам тутар эрдилар (МН 35). То улким, чин ё ёлгон Мавлонони мунга муттаҳам қилдиларким, уйидин хуруж аслаҳаси пайдо бўлубтур деб (МН 36). Чун азиз ва мусин киши эрди, подшоҳи замон анга шаҳардин ихрож ҳукми буюрди (МН 36). Мавлоно Соғарий агарчи бад шеър эрди, аммо бу матлаи хуб тушубтурким... (МН 38). Агарчи оми эрди, аммо шеъри холи аз ранги эмас эрди (МН 49). Чун холи аз лутфи табъ эмас эрди, назм ҳам айтур эрди (МН 65). Муддатедурким, аёғига маразе тори бўлубтурким, ланг бўлубтур (МН 79).*

Ўзбек матнларида ўзбек ва араб тилига хос бўлган синтактик конструкцияларнинг кенг қўлланилиши ўз-ўзидан, ўзбек тили синтаксисининг мураккабланишига, қўшма гапларнинг форсий, арабий тилга хос бўлган мураккаб конструкцияларининг вужудга келишига сабаб бўлди. Бу, айниқса, *ки, агар, агарчи, чун, чунки, то, ва, аммо* каби ўзлашма воситаларнинг ўзбек тилига муқим ўрнашиб қолиши ҳамда улар воситасида шаклланган қўшма гапларнинг фаол қўлланилиши билан боғлиқдир. Мазкур ёрдамчиларнинг ўз тилидаги вазифалари ҳам айна ҳолида қабул қилиниши оқибатида ўзбек тили синтаксисидан мунозарали вазиятлар юзага келди. Мана шу масалаларнинг баъзиларига тўхталиб ўтсак.

Маълумки, эргаш гапли қўшма гаплар таркибида энг кўп қўлланувчи боғловчи сифатида *-ки, -ким* эътироф этилади. Бу ёрдамчининг барча туркий тилларда фаол қўлланилишини Гаджиева ва Серебренниковлар таъкидлайдилар.²⁸⁶ У ўзбек тилшунослигида аниқлов боғловчиси сифатида талқин этилади ҳамда бош гапда ифодаланган фикрни аниқлаб, изоҳлаб келиши айтилади²⁸⁷.

Бу ёрдамчи хусусида адабиётларда турли фикрлар айтилади. Жумладан, Э.А.Грунина *-ки* боғловчиси икки омоним боғловчидан - форсий *-ки* ҳамда ўзбекча *-ки* дан иборат бўлиб, тарихан *ким* сўроқ олмошидан ўсиб чиққанини таъкидласа,²⁸⁸ А.Н.Кононов эса унинг соф форсий эканлигини айтиб ўтади.²⁸⁹ Н.З.Гаджиева эса туркийча *-ки* таъкид-кучайтирув юклагаси бўлиб, *го, қу* юклагалари билан алоқадор, деб ҳисоблайди. Бу юклага ўғуз, қипчоқ ёдномаларида кенг қўлланганини таъкидлайди. Кейинчалик форс тилига хос бўлган синтактик қолипнинг озарбайжон тилига кириб келиши билан форсий ҳамда туркий *-ки* нинг чегарасини аниқлаб бўлмай қолганлигини айтади. Лекин, барибир, кўпгина ҳолатларда *-ки* ўзининг юклагалик маъносини сақлаб қолганини турли туркий тиллар мисолида изоҳлаб беради.²⁹⁰

Маълумки, бу ёрдамчи эски ўзбек тилида кенг қўлланган бўлиб, гапнинг исталган ўрнида қўллана олган. Мисоллар: *Қариким, сақолин вусма била бўяғай, йигитдекдурким, ани гулоб била ювгай (Алишер Навоий). Жанубий тарафидаги қасабалар бир Андижондурким, васатта воқеъ бўлубтур (Бобурнома).* Юқоридаги мисолларда мазкур ёрдамчини боғловчи сифатида эмас, балки юклага сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ, чунки у гап таркибидаги маълум сўзларни таъкидлаб, ажратишга хизмат қилмоқда. Бундай фикрлар ҳозирги ўзбек тилига оид тадқиқотларда ҳам учрайди: «Баъзан *-ки* от туркумидаги сўзлар билан келиб, таъкидлаш, уқтириш маъноларини англатади. Бундай чоқда у

286 Кордабаев Т.Р. Синтаксис казахского языка на материале XVI – XX веков. – Алма-Ата, 1967, стр.16-17.

287 Абдурахмонов Ғ. Тарихий синтаксис. – Т.: Фан, 1974, 8-9 б.

288 Deny J. Grammaire de la langue turque. P., 1921, 860. Закиев М. Синтаксический строй татарского языка. – Казань, 1963, стр. 270.

289 Поцелуевский А.П. Основы синтаксиса туркменского литературного языка. – Ашхабат, 1943., Грунина Э.А. Некоторые вопросы синтаксиса сложноподчиненного предложения в современном узбекском языке. – В.кн.: Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. М., 1961, III. Синтаксис., Сартбаев К. Основные вопросы синтаксиса сложного предложения в современном киргизском языке: Автореф. дис. ...канд.филол.наук. – Ашхабат, 1970., Убратова Е.И. Исследования по синтаксису якутского языка: Сложное предложения. – Новосибирск, 1976., Севортян Э.В. О некоторых вопросах структуры предложения в тюркских языках. – В кн.: Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. Синтаксис. – М., 1961. т. III., Абдурахманов Г.А. К истории развития сложных предложений. – Материалы XVI научн. конф. – Т., 1967., Алиев У.Б. Вопросы сложного предложения в русском и тюркских языках. – Нальчик, 1959, ч. II.

290 Ўзбек тили грамматикаси. II том. – Т.: Фан, 1976, 384-б.

боғловчи вазифасини эмас, юклама вазифасини бажаради. Эргаштирувчи боғловчиларнинг тараккиёт тарихини тадқиқ этган А.Матғозиев бу боғловчи ҳақида гапириб, унинг эргаштирувчи боғловчиларга ҳам, тенг боғловчиларга ҳам, ундов, кириш сўзларга ҳам қўшилиб келишини айтади²⁹¹. Демак, бу шаклий восита сўзлар ва грамматик шаклларга қўшила олар экан, уни юклама сифатида эътироф этиш мантикий асосга эга.

Эргашган қўшма гаплар таркибида кенг қўлланувчи яна бир ёрдамчи *шунинг учун* ҳисобланади. Бу ёрдамчи адабиётларда соф эргаштирувчи боғловчи – сабаб боғловчиси сифатида эътироф этилади.²⁹² Унинг боғловчи эмаслиги шаклий жиҳатдан ҳам аён, чунки шунинг учун олмош ва кўмакчининг бирикувидан иборат бўлган мустақил сўз. У сабаб мазмунини ифодаловчи қўшма гапларда иштирок этиб, сабаб ҳоли синтактик вазиятида келади. Боғловчиларнинг эса мустақил лексик маънога эга бўлмаслиги, гапда мустақил гап бўлаги вазифасида келмаслиги маълум.²⁹³ Демак, шунинг учун шаклий воситасини олмош+кўмакчи бирикувидан иборат бўлган мустақил сўз сифатида эътироф этиш мантикий асосга эга.

Чунки, чун боғловчилари хусусида. Бу боғловчилар форс-тожик тилидан ўзлашган бўлиб, мазкур тилда сабаб боғловчилари ҳисобланади.²⁹⁴ Эски ўзбек тилида, асосан, чун шакли қўлланган бўлиб, форсий қолипдаги гапларда учрайди. Ҳозирги ўзбек тилида фаол қўлланувчи чунки ёрдамчиси ҳақида ҳам айнан шундай фикрни айтиш мумкин, у иштирок этган гаплар форс тилига хос бўлган қолиплар ҳисобланади. *Ман натавонэстам шиш-э тў бэйойам чунк-кэ вақт надоштам – Мен сенинг олдинга кела олмадим, чунки вақтим бўлмади* каби.

Негаки, сабабки ёрдамчилари ҳам ўзбек тилида эргаштируви боғловчилар ҳисобланиб, сабаб мазмунини ифодаловчи қўшма гаплар таркибида қўлланади.²⁹⁵ М.Асқарова уларни ясама боғловчилар деб атади, яъни нега (сўроқ олмоши), сабаб (от) сўзларига –ки боғловчисини қўшиш орқали ясалган, деган фикрни айтади.²⁹⁶ Демак, улар мустақил сўз туркумлари сифатида эътироф этилаётган экан, уларни боғловчи ҳисоблаш мантикий асосга эга эмас. Бу сўзлар таркибидаги –ки ёрдамчисини юқорида таъкидланганидек, юклама сифатида тушуниш мақсадга мувофиқ бўлади.

Агар шаклий воситаси эски ўзбек тилига оид тадқиқотларда ҳам, ҳозирги ўзбек тилида ҳам шарт боғловчиси сифатида эътироф этилади.²⁹⁷ Маълумки, бу ёрдамчи форс тилида шарт боғловчиси бўлиб, қўшма гапдаги шарт муносабатини ифодалашга хизмат қилади.²⁹⁸ Унинг форс тилидаги боғловчилик вазифаси мантикий асосга эга, яъни, шарт эргаш гапнинг кесими аниқлик майлидаги феъллар билан ифодалангани ҳолда, шартланганлик маъноси айнан *агар* воситаси орқали реаллашади: *Агар борон борид, зуд бэ манзэл бар-гард*²⁹⁹. Айнан таржимаси: *Агар ёмғир ёғди, тезда уйга қайт*. Мазкур гап ўзбек тилига *Агар ёмғир ёғса, тезда уйга қайт* тарзида таржима қилинади. Шунинг учун уни форс тилида боғловчи дейиш ўринли, лекин эски ўзбек тилида ҳам, ҳозирги ўзбек тилида ҳам бу ёрдамчи иштирокидаги гапларда шарт маъноси шарт майлидаги феъл ёки бошқа грамматик шакллар орқали реаллашади. Мисоллар: *Агар шабранг сарсар хиромга оқиб бўллуб, рўзгори шабранг ва оҳи сарсар монандлар суҳбатига роғиб бўллубса, тун яримида қуёш тулуб қилгондек ва қиш ўртасида гул очилгандек бўлгай*.³⁰⁰ *Агар аҳил бўлиб яшасангиз, сизни ҳеч қандай куч енга олмайди*. каби. М.Асқарова *агар, бордию, башарти, гарчи* каби ёрдамчиларни боғловчи-юклама деб атади ва уларнинг якка ўзи ҳеч қандай

291 Юқоридаги асар, 68-б.

292 Мисоллар Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асаридан олинди.

293 Юқоридаги асар, 192-б.

294 Абдусаматов М. Форс тили – Т.: Ўқитувчи, 1977, 296-б.

295 Ўзбек тили грамматикаси. II том. – Т.: Фан, 1976, 362-б.

296 Юқоридаги асар, 369-370-б.

297 Матғозиев А. Ўзбек тилидаги айрим эргаштирувчи боғловчиларнинг тарихига доир.// Ўзбек тили ва адабиёти, 1966, №1, 30-31-б., Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек тили. – Т., 1980, 431-432-б.

298 Абдусаматов М. Форс тили. – Т.: Ўқитувчи, 1977, 284-б.

299 Юқоридаги асар, 284-б.

300 Алишер Навоий. Муншаот. Асарлар, 15 томлик, 13-том. – Т., 1966, 94-б.

эргаш гапни бош гапга боғлай олмаслигини айтади.³⁰¹ Демак, улар ҳам гап модаллигини таъминловчи шаклий воситалар ҳисобланади.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, қўшма гапларнинг тузилишида шаклий воситалар эмас, балки семантик муносабат бирламчи ҳисобланади.

АЛИШЕР НАВОИЙ ОБРАЗИНИНГ АССОЦИАТИВ-ВЕРБАЛ ТАСВИРИ

Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА

(ТошДЎТАУ)

Дунё тилшунослигида ўтган асрдан бошлаб тил бирликлари орасидаги алоқа-муносабатларни ассоциатив таҳлил усуллари асосида ўрганишга қизиқиш кучайди. XX аср бошларида америкалик олимлар Г.Кент и А.Розановлар томонидан илгари сурилган тил бирликларини ассоциатив таҳлил қилиш методикаси Европа ва рус тилшунослигига ҳам кенг ёйилди.

Ассоциатив таҳлил методидида тил бирликлари ўртасидаги алоқа- муносабатлар тил эгаларининг воқелик ҳақидаги тасавури, ассоциатив тафаккури билан боғлиқ ҳолда ўрганилди. Ассоциатив таҳлил методи, айниқса, жамият ҳаётида муҳим из қолдирган машхур шахсларнинг кишилар тафаккуридаги образини яратишда муҳим ўрин тутди. Шунингдек, мазкур метод муайян даврда яшаган шахсларнинг нутқи орқали ҳам уларнинг воқеликни қай тарзда идрок этгани, ассоциатив тафаккури, лисоний бирликлар захираси ҳақида маълумот олишга имконият яратади. Ушбу мақолада ўтказилган ассоциатив тажриба материаллари асосида бугунги ўзбек талаба ёшлари лисоний онгида шаклланган Алишер Навоий образи ҳақидаги қарашларимизни баён этамиз.

Маълумки, Алишер Навоий ҳақидаги тасаввур кўпчилик ўзбек ёшларида кичик ёш давриданок бувижонлари, ота-оналари, энагалари томонидан айтилган шоир ҳикматлари, болаларга ёдлатилган шеърлари орқали шакллана бошлайди. Бу ҳолат Алишер Навоийнинг ўзбек миллатининг маданий ҳаётида муҳим ўрин тутиши билан боғлиқ, албатта. Айтиш мумкинки, бугунги ёшларда Алишер Навоий образи миллий-маданий қадриятларимизга айланган унинг нодир асарлари, ҳикматли сўзлари, ўзбек тилини ривожлантириш учун қўшган ҳиссаси, амалга оширган эзгу ишлари орқали шаклланган. Фикримизни *Алишер Навоий* антропоними бўйича ўтказилган ассоциатив тажриба натижалари ҳам тасдиқлайди.

Ассоциатив тажриба Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабалари (жами 50 та талаба) устида ўтказилди. Тажриба натижасида *Алишер Навоий* антропоними бўйича жами 736 та ассоциация олинди. Тажриба натижалари асосида бугунги талаба ёшлар тасавурида Алишер Навоий образи бўйича муайян хулосаларга келинди.

Тўпланган ассоциациялар лексик-грамматик жиҳатдан ҳамда мавзуй хилма-хиллигига кўра биридан фарқланди. Вербал ассоциациялар структур жиҳатдан сўз, сўз бирикмаси ва гап шаклида бўлиб, булардан сўз бирикмаси шаклидаги ассоциациялар кўпчиликни ташкил этди. Масалан: *шеърят бўстонининг булбули, газал мулкининг султони, буюк мутафаккир, сўз санъаткори, ўзбек тилининг асосчиси, миллий фахримиз, буюк бобомиз, улуг бобомиз, улуг сиймо, жаҳон адабиётининг улкан намояндаси, сўз мулкининг жаҳонгири, Навоий шеърятти, шеъринг девонкабилар*. Сўз бирикмаси шаклидаги букаби ассоциацияларнинг айримлари ўзбек адилларининг Алишер Навоийга берган таърифлари бўлиб, уларнинг талаба ёшлар хотирасида айнан тикланишига шоир ҳақидаги манбаларнинг ўқилиши сабаб бўлган, дейиш мумкин.

Ассоциацияларнинг асосий ҳолларда сўз бирикмаси шаклида бўлишини воқеликнинг инсон онги-

301 Ғуломов А., Асқарова М., Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т., 1987, 176-б.

да ёлғиз ҳолда акс этмаслиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Масалан, Алишер Навоийни унинг “Хамса” асарисиз тасаввур қилиш мушкул. Шу боис Алишер Навоий шахси ёдга келганда, табиийки, унинг ушбу асари ҳам хотирада тикланади. Ассоциатив майдондан ўрин олган *Алишер Навоийнинг “Хамса” достони, “Хамса”, хамсанавис шоир* каби сўз бирикмаси шаклидаги ассоциациялар мазкур алоқадорликнинг маҳсулидир.

Ассоциатив майдонда гап шаклидаги ассоциациялар ҳам кузатилди. Уларнинг айримлари Алишер Навоийнинг ҳикматлари, унинг ғазалларидан парчалар бўлса, баъзилари буюк шоирга берилган таърифлар, шоир билан фахрланиш ҳисси йўғрилган мисралар, синалувчининг Алишер Навоий ҳақидаги шахсий қарашлари қабилардан иборат. Масалан: “*Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз*”, “*Оз-оз ўрганиб доно бўлур*”, “*Оразин ёнғоч, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш, Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш*”, “*Лек Навоийдек бобом бор, Кўксим осмон, ўзбегим*”, “*Агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шориларнинг султониدير*”, “*Навоий деганда кўз олдимга чексиз дур-у гавҳарга тўла уммон келади. Қанча чуқур тушганинг сари унинг тубида янада қимматбаҳо бойликка дуч келаверасан киши*”, “*Алишер Навоий – ўзбек тилининг тараққиётига ҳисса қўшган адиб*” қабилар.

Ассоциациялар орасида морфологик жиҳатдан фарқланувчи турли ассоциатлар бўлиб, улардан кўпчилиги от туркумига мансуб. Бундай ассоциацияларни мавзу жиҳатдан турли гуруҳларга ажратиш мумкин. Жумладан, шахс номлари: *Хусайн Бойқаро, Лутфий, Жомий, Фиёсиддин кичкина, Абулқосим Бобур, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Н.Комилов, П.Шамсиев, Ш.Сироҷиддинов, А.Эркинов* қабилар; жой номлари: *Ҳирот, Хуросон, Астробод, Самарқанд, Сабзавор, Машҳад, Навоий шаҳри, Навоий вилояти* қабилар; ўқув муассасаси, ташкилотлар номлари: *Алишер Навоий номли Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Навоий давлат педагогика институти, Навоий давлат опера ва балет театри*; мукофот номи: *Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти*; иш-фаолият номлари: *вазир, подшоҳ, муҳрдор, хаттот* қабилар; шеърий жанр турлари: *ғазал, рубоий, фард, қитъа, маснавий, мухаммас* қабилар.

Айрим синалувчиларда *Алишер Навоий* стимул сўзининг Навоий билан замондош бўлмаган *Заҳриддин Муҳаммад Бобур* ассоциациясини ҳосил қилиши бу икки сиймонинг қайсидир маънода тенг кўрилиши билан ҳам боғлиқ. Талаба ёшлар томонидан *Алишер Навоий* стимул сўзига берилган *Н.Комилов, П.Шамсиев, С.Фаниева, Ш.Сироҷиддинов, А.Эркинов* каби ассоциациялар орқали навоийшунос олимларга ишора қилинганлигини англаш мумкин.

Ассоциатив майдонда Алишер Навоийни ташқи кўриниши (*қўйкўз, қора қош, қорамағиз, ўрта бўйли, озгин, новча, саллали, ятакда* қабилар), унга хос инсоний фазилатлар (*халқпарвар, камтарин инсон, саҳоватпеша* қабилар); касбий маҳорати асосида тавсифловчи ассоциатлар (*ғазалнавис, сўз устаси, серқирра ижодкор, буюк шоир* қабилар) ҳам учради. Уларнинг айримлари сифат туркумига мансуб бўлса, баъзилари сўз бирикмаси шаклидаги ассоциатлардир.

Шунингдек, ассоциатив майдонда Алишер Навоийнинг таваллуди ва вафот этган санаси ҳақида маълумот берувчи сон туркумига мансуб морфологик бирликлар иштирокида тузилган қуйидаги бирикмали ассоциациялар ҳам аниқланди: *1441 йил, 1501 йил, 9- февраль*.

Ассоциатив майдонда стилистик-эмоционал бўёқдор ассоциатлар ҳам миқдор жиҳатдан анча. Бу ҳолат Алишер Навоий шахсига нисбатан талаба ёшларда ижобий-ҳиссий муносабат шаклланганини кўрсатади. Айрим индивидуал-образли ассоциатлар бўлғуси филологларнинг буюк Навоий ҳақидаги тасаввурлари ниҳоятда кенг эканини кўрсатди. Ассоциатив майдонда Алишер Навоий шахси билан фахрланиш туйғусини ифода этувчи коннотатив ифодалар (*менинг туркий қавмим – ифтихор туйғуси*), синалувчиларнинг шоир шахсияти ҳақидаги ижобий баҳоси (*соғлом ақл эгаси, қалб саломатлигининг ёрқин намунаси*)ни акс эттирувчи ассоциациялар ҳам учради.

Индивидуал ассоциацияларнинг айримлари метафорик қайта номлаш асосида ҳосил қилинган бўлса, баъзилари метонимик кўчимга учраган қўлланишлардир. Масалан, *шеърият гулишанининг муҳаббат*

қуйчиси, назм боғининг булбули ассоциациялари метафорик қайта номлаш асосида ҳосил бўлган бўлса; *Навоийни севиб ўқийман, Навоийни тушуниш осон эмас* ассоциатлари метафорик кўчим асосида шаклланган.

Шуниси характерлики, ассоциатив майдондан эскирган сўзлар ҳам ўрин олган. Масалан, *амир, амири кабир, подшоҳ саройи, сарой хизматчиси, муҳрдор, темурий шахзодалар* кабилар. Бундай ассоциацияларнинг юзага келиши Алишер Навоий шахси ёдга олинганда у яшаган ижтимоий муҳит билан бирга давр тилига хос хусусиятларнинг ҳам хотирада тикланиши билан алоқадор. Шунингдек, талаба ёшлар тафаккурида эскирган сўзларнинг тикланишини уларнинг Алишер Навоий асарлари тил хусусиятларини ўрганганликлари ёки шоир ҳақидаги асарларни ўқиганликлари билан ҳам изохлаш мумкин.

Ассоциатив майдонда миллат, унинг тили ва динига ишора қилувчи ассоциатлар ҳам кузатилди. Масалан, *ўзбек миллатининг фахри, бобокалонимиз, ўзбек миллатининг ғурури, ўзбек тилини оламга тараннумэтган шоир, туркий тил, эски ўзбек тили, ўзбек шоири, туркий қавм, ўзбек миллий адабиётининг ёрқин вакили, ислом дини, ислом дини ақидалари* кабилар.

Алишер Навоий яшаган давр адабий аънаналари қуйидаги ассоциацияларда ўз ифодасини топган: *хамсанавислик, тазкирачилик, ғазалнавислик*.

Ассоциатив майдоннинг характерли жиҳати шундаки, унинг ядро қисмидан Алишер Навоийнинг шоирлик фаолияти билан боғлиқ бўлган юқори частотали ассоциатлар (*шоир, буюк шоир, ғазал мулкининг султони, сўз санъаткори, ғазалнавис, “Хамса”* кабилар) ўрин олган. Бу ассоциатлар талаба ёшларнинг Алишер Навоий ижодий фаолияти билан боғлиқ умумий билимлари асосида шаклланган.

Ассоциатив майдон ядросида прецедент бирликлар даражасига кўтарилган *Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун* каби юқори частотали ассоциатларнинг кўплаб учраши Алишер Навоийнинг дунё маънавий олами эътироф этган “Хамса” асари билан алоқадордир. Албатта, бу табиий ҳолат бўлиб, ёшлар тафаккурида Алишер Навоий шахсининг, аввало, буюк шоир ва хамсанавис сифатида муҳрланганидан далолат беради. Албатта, ассоциатив майдоннинг ядро қисмидан ўрин олган бу каби ассоциациялар Алишер Навоийнинг ижодкор шахс сифатидаги образини тасаввур қилишга ёрдам беради.

Ассоциатив майдоннинг чегара қисмидан Алишер Навоий шахси билан қисман боғланган якка ҳолдаги ассоциатлар ўрин олди (*метро, кўча, миллий бог, Навоий ҳайкали, кутубхона, тадбир, адабий кеча* кабилар); энг чекка чегарадан Алишер Навоий шахси билан зич боғланмаган, синалувчининг шахсий қарашлари, воқеликка муносабатини акс эттирувчи якка ҳолдаги ассоциатлар ўрин олди (*мумтоз адабиётга унчалик қизиқмайман, Навоий асарларини тушунишга қийналаман, Навоий асарларининг илмий жиҳатларига кўнам эътибор қаратмаганман, шунинг учун ҳозирги тестларни ечишда қийналиб қоляпман* кабилар).

Хуллас, Алишер Навоий талаба ёшлар хотирасида, аввало, ўзбек миллатининг фахри, ғурури бўлган буюк шоир ва мутафаккир, ўзбек тилини оламга тараннум этган серқирра ижодкор, нафақат ўзбек миллий адабиётининг, балки жаҳон адабиётининг улкан намояндаси сифатида тикланади. Шу билан бирга, ёшлар Алишер Навоий сиймосида камтарин, саховатпеша, халқпарвар улуғ инсон қиёфасини кўрадилар.

АДАБИЁТЛАР

1. Experimental Psychology. Vol. II. / Ed. by J.W. King and L.A. Riggs. Holt, Rinehart and Winston Inc., 1972. - 740 p.
2. Kent G.H., Rosanoff A.J. A Study of Association in Insanity // American Journal of Insanity. – 1910. – V. 67. – N 1-2. – P. 317-390.
3. Мартинович. Г.А. Опыт комплексного исследования данных ассоциативного эксперимента // Вопросы психологии. – 1993. – № 2. – С. 93-99.
4. Мустайоки А. О лингвистических экспериментах // Язык – система. Язык – текст. Язык – способность. – М.: Наука, 1995. – С.157.

5. Прохорова И. О. Словесные ассоциации как феномен культуры. Ассоциативный эксперимент // Вестник Российского ун-та дружбы народов. Сер. Вопросы образования. Языки и специальность. 2008. – № 1. С. 5-9.

“МУҲОКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН”ДА ШЕВА ТАДҚИҚИ ВА ОБРАЗЛИ НОМЛАНИШ

Толиб ЭНАЗАРОВ

(ТошДЎТАУ)

Нодиржон ҚУРБОНОВ

(ТАТУ)

Алишер Навоий нафақат “... авлиё десак, авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султони...” (И.Каримов) ва XV асрда пойтахти Ҳирот бўлган Хуросон давлатининг Хусайн Бойқародан кейин турадиган маълум ва машҳур давлат арбоби бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга у ўзининг она тили бўлган туркий (ўзбек) тилни ҳар томонлама мукамал билган ҳамда уни бошқа тиллар билан қиёслаб олган замонасининг тилшунос олимларидан бири ҳам бўлган. Одамда баъзан қуйидаги ҳолат тез-тез бўлиб, билиниб туради, яъни баъзи бир асарларни ўқиганинг сайин нималарнидир ўзлаштириб олиб ва яна нималарнидир англаб, тушуниб бораётган бўламиз. Мана шундай асарлардан бири Алишер Навоийнинг тилшуносликка, аниқроғи, қиёсий тилшуносликка бағишланган асари “Муҳокамату-л-луғатайн”дир.

Ушбу асарнинг ёзилган вақти эътиборга олинса, туркий тилнинг минг бир кўринишли сўз шаклларию маъно мўъжизалари билан Навоий даҳоси қуёш мисоли чарақлаб турган бўлса-да, баъзилар форсий тилни улуғлаб, “Бу тилдан ўзга тилларда ашъор (ижод қилиб бўлмайди) ёзиб бўлмайди. Туркий тил эса аскарый тил. Аскарый тил бўлгани учун унда нафис, латиф ва сермаъно ғазалларни битиб бўлмайди”, деб юришган бир пайтда бу улуғ шоирнинг мазмун-моҳиятининг бетакрорлиги билан ажралиб турадиган “Муҳокамату-л-луғатайн” номли асари ёзилганлигини эътиборга олиш керак. Асарнинг номланиши “Икки тил муҳокамаси” маъносини билдиради. Жорий алифбода “Муҳокамат ул-луғатайн”(4-28-бетлар)ва “Муҳокамату-л-луғатайн” тарзида икки хил ёзилади. Бизнингча, асарнинг иккинчи хил ёзилиши тўғридир.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, XX асрнинг 60-йилларида тилшунос олим Алибек Рустамов шоир асарларининг фонетикасини махсус тадқиқ қилган. XX асрнинг 80-йилларида академиклар Ғанижон Абдурахмонов ва Алибек Рустамовлар шоир асарларининг грамматикасини махсус тадқиқ қилишган. XX асрнинг 70-80-йилларида профессор Худойберди Дониёров ва Дўстмурод Абдурахмоновлар шоир асарларидаги сўзларнинг жуда кўпчилиги қарлук ҳамда қипчоқ лаҳжаларига хослигини унли ва ундошларнинг таҳлиллари асосида кўрсатиб асослашган.

Асарни қайта-қайта ўқир эканмиз, айни вақтда бир қанча кишиларнинг “Мен шоирман, ижодкорман”, деб бир ҳовучгина сўзларга ёпишиб олишгани англаб, сезиб борамиз. Алишер Навоий эса ҳам ўз даври учун адабий тил бўлган сарой тилини ҳамда яна шеваларимизнинг бойликлари бўлган диалектал сўзлардан унумли ва ўринли фойдалана олган. Бунга мисол қилиб, ушбу асарида келтирилган “йиғламоқ” сўзининг синонимларига эътибор берсак, шоирнинг бу сўзга келтириб ўтган синоним сўзларнинг қарийиб тенг ярми ўша вақтда ҳам диалектал, яъни шева сўзи ҳисобланган. Қаранг: “қувормоқ ва қуруқшамоқ ва ушармак ва жинжаймоқ ва ўнгдаймоқ ва чекримак ва дўмсаймоқ ва умунмоқ ва ўсанмақ ва игирмак ва эгармак ва ўхранмак ва ториқмоқ ва алдамоқ ва арғадамоқ ва ишанмак ва игланмак ва айланмоқ ва эрикмак ва игранмак ва овунмоқ ва қистамоқ ва қийнамоқ ва қўзгалмоқ

ва соврулмоқ ва чайқалмоқ ва девдашимоқ ва қийманмоқ ва қизганмоқ ва никамак ва сийланмоқ ва танламоқ ва қимирдамоқ ва серпмак ва сирмамак ва ганоргамак ва сигриқмоқ ва сигинмоқ ва қилимоқ ва ёлинмоқ ва мунгланмоқ ва индамак ва тергамак ва теврамак ва қинггаймоқ ва шигалдамақ ва синграмоқ ва яшқамоқ ва исқармоқ ва кўнгранмак ва сухранмоқ ва сийпамоқ ва қораламоқ ва сурканмак ва куйманмак ва инграмоқ ва тушалмак ва мунгаймоқ ва танчиқамоқ ва танчиқолмоқ ва кўруксамак ва бушурганмоқ ва бўхсамоқ ва киркинмак ва сукадамак, бўсмоқ, бурмак, турмак, томшимоқ, қаҳамоқ, сипқормоқ, чичаркамак, журканмак, ўртанмак, сизгурмоқ, гурпаклашмак, чупрутмоқ, жиргамоқ, бичимоқ, қиқзанмоқ, сингурмак, кундалатмак, қумурмақ, бикирмак, кўнгурдамак, кинаркамак, кезармак, дўптулмоқ, чидамоқ, тузмак, қазганмоқ, қичигламоқ, гангирамак, ядамоқ, қадамоқ, чиқанмоқ, кўндурмак, сўндурмак, суқлатмоқ”.

Ушбу сўзлардан “умунмоқ ва ўсанмақ ва игирмак ва эгармак ва ўхранмак ва ториқмоқ ва алдамоқ ва аргадамоқ ва айланмоқ ва овунмоқ ва қистамоқ ва қийнамоқ ва кўзгалмоқ ва соврулмоқ ва ганоргамак ва сигриқмоқ ва сигинмоқ ва қилимоқ ва индамак ва тергамак ва теврамак ва сухранмоқ ва сийпамоқ ва қораламоқ ва сурканмактанчиқамоқ ва танчиқолмоқ ва кўруксамак ва бушурганмоқ ва бўхсамоқ ва киркинмак ва бурмак, турмак, томшимоқ, қаҳамоқ, сипқормоқ, чичаркамак, журканмак, сизгурмоқ, гурпаклашмак, чупрутмоқ, жиргамоқ, бичимоқ, сингурмак, кундалатмак, қумурмақ, кўнгурдамак, кинаркамак, дўптулмоқ, чидамоқ, тузмак, қадамоқ, чиқанмоқ, суқлатмоқ” сўзлари эски ўзбек адабий тилида кам ишлатиладиган сўзлар бўлган. Чунки Алишер Навоий санаб ўтган сўзлар Хуросон давлатининг пойтахти Ҳирот шаҳри яқинидаги ўзбек шеваларида фаол ишлатилганки, уларни шоир жамлаб, йиғиб, ўрганиб, ўрганилаётган асаридида келтирилган йиғламоқ сўзининг маънодошлигини “ғариб мақосид адосида”, яъни ингичка маъно нозиклиги билан асослашга интилган: “Бу юз лафздурки, ғариб мақосид адосида таъйин қилибдурларки, ҳеч ҳайси учун сорт тилида лафз ясамай-дурларки, барчаси муҳтожун илайҳдурки, такаллум чоғида киши анга муҳтож бўлур”³⁰², яъниким “Бу юзта сўзни ингичка (нозик) мақсадларини ифодалаш учун белгилабдурларки, буларнинг ҳеч бири учун сарт тилида сўз ясамабдирлар. Лекин буларнинг барчасига кишининг эҳтиёжи тушади, сўзлашиши чоғида киши унга муҳтож бўлади.”³⁰³.

Шоир нафақат бир ерда бўлган, балки тақдир тақозоси билан Абусаид Мирзонинг фармонига мувофиқ Ҳиротдан Самарқандга “ихрож”, яъни сургун қилинган³⁰⁴, Термиз, Шаҳрисабз ва Самарқандни ўз кўзи билан кўрганки, у ерлардаги одамларнинг турлича гаплашишию сўзларининг турлари кўплигини кўриб билган, яъниким туркий (ўзбек) тилнинг шева вакиллари нутқини ўз кулоғи билан эшитган ҳам: “Ва бу сўзнинг танаввуи тааққулдин нари ва тасаввурдин таишқаридур. Агар муболагасиз ижмол юзидин қалам сурулса ва ихтисор жонибидин рақам урулса, етмиши икки навъ била тақсим топаридида худ ҳеч сўз йўқтуркий, етмиши икки фирқа каломига далолат қилгай; аммо улча тафсилийдур. Ҳар жамоат алфози, ўзгаларидин ва ҳар гуруҳ иборати ёналаридин мутагайийр ва бир неча хусусият била мутамайяздурки, ўзгаларда йўқтур”³⁰⁵, яъни “Сўзнинг турлари шу қадар кўпки, ўйлаш ва тасвираб чиқиши мумкин эмас. Агар муболага қилмасдан юзаки баён қилинса ва қисқалик билан ёзиб чиқилса, етмиши икки навъга бўлиниб, етмиши икки хил халқнинг сўзига айланишида ҳеч бир сўз йўқ, лекин бундан ҳамкўндир. У шундайки, ер юзининг етти иқлимнинг ҳар бирида неча мамлакат бор, ҳар бир мамлакатда неча шаҳар, шаҳарча ва кент бор ва ҳар даштда неча хил саҳронининг халқ, ҳар бир тоғнинг камарларида ва юқорисида, ҳар бир дарёнинг оролида ва қирғоғида неча гуруҳ

302Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн. Қосимжон Содиков таҳлили, табдили ва талқини остида. -Тошкент, Akademnashr, 2017. 90 бет.

303Қиёсланг: 1) Алишер Навоий. Муҳокамату ул-луғатайн. Матни П. Шамсиев нашри асосида изох ва таржималар билан нашрга тайёрловчи Суйима Ғаниева. – Тошкент, Фан, 2000.4-28-бетлар; 2) Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн. Қосимжон Содиков таҳлили, табдили ва талқини остида. – Тошкент, Akademnashr, 2017. 90 бет. Албатта, бу асарнинг Туркиядаги ва бошқа ерлардаги қўлёзма нусхалари олимлар томонидан қиёслаб ўрганилган.

304 Рустамов А.Навоий тилининг фонетик хусусиятлари // Навоий ва адабий таъсир масалалари. -Тошкент, 1968.- Б.258-278.

305 Абдурахмонов Ғ., Рустамов А.Навоий тилининг грамматик хусусиятлари.-Тошкент, 1984.

одамлар бор. Ҳар бир жамоанинг тиллари ўзгаларидан ва ҳар гуруҳнинг сўзлашувлари яна бирларидан ўзгача ва бир неча хусусиятлар билан фарқлидирки, бу айирма ўзгаларда йўқдир”³⁰⁶. Бу ерда муаллиф туркий (ўзбек) тилининг лаҳжа ва шевалари тўғрисида нисбатан батафсил тўхталганки, фақат лаҳжа ҳамда шева терминларини қўлламаган, холос. Демак, Навоий ўз даврининг адабий тили билан бирга халқ тилида мужассамлашган шеваларимизнинг луғавий бойлигидан яхши хабардор бўлиб, асарларида ўринли тарзда фойдаланган ҳам.

Алишер Навоийнинг бу асаридаги биргина йиғламоқ сўзига бир неча синонимни келтиришининг ўзи ҳамма вақтда ҳам шева сўзлиги ижодкорлар учун битмас туганмас хазина эканлигини кўрсатиб, бунга асос сифатида шоир ўзининг асарларини ҳам мазкур рисоласида қисқача шарҳлаган³⁰⁷. Ва яна мазкур асарда омоним сўзларнинг ўзига хослигини ҳам кўрсатиб беришга интилган. Тилимизда ҳам, шеваларимизда ҳам шаклдошликка асосланган омонимия бошқа халқлар адабиётида бўлмаган туюқ жанрининг ривожланишига асос бўлган. Шоирнинг бу асарида туркий тилга хос кўп маънолик ва сўз ясалиши жараёнлари ҳам қисқа бўлса-да ўз ифодасини топган. Булар Алишер Навоий ҳам луғатшунос сифатида “Сабъату абхур” номли луғат тузган деган фикр ишончли эканлиги англатади. Сабаби, луғат туза билган одамгина она тилимизнинг сўз шаклидаги сирли хазиналарини дил-дилдан ҳис қила олади. Ва яна шоир ҳозирги кунда сўз қўллашдаги баҳсга, аниқроғи, “Сарт сўзи қайси халқни ифодалайди?”, деб бериладиган саволга йўлма-йўл “форсийлар” деб жавоб бериб ўтган.

Шоир бу асарини “Муҳокамату-л-луғатайн” (унинг ўзбекчага таржимаси эса “Икки тил муҳокамаси”), деб арабча номлагани; *сарт тили*, *сарт лафзи*, *сарт иборати* деб форс тилини; *ҳинди* деб ҳинд тилини; *араб тили*, *араби тил*, *арабиалфаз* деб араб тилини; *турк тили*, *турк лафзи*, *турк ал-фази*, *турк иборати*, *туркча*, *турки*, *турки алфаз*, деб туркий тилини; *турк*, *турклар*, *турк эли*, *турк улуси*, *атрок*, деб туркий (ўзбек)ларнинг ўша даврдаги номини; *туркий ва сарт луғати* жумласи билан туркий ва сарт (форсий)тилларини ифодалаши каби номланишлари эса бугунги кунда “Ўзбек номшунослиги” фанида илмий ўрганилиши энди бошланаётган *образли номланишларнинг умумий ҳамда илк кўринишлари* дейиш ўринлироқдир³⁰⁸.

Шоир ўз асарида *тил* сўзи(термини) билан бирга *лисон* сўзи(термини)ни ҳам заруриятга мослаб ишлатиб, уларнинг ўртасидаги фаркни ажрата олганлиги ҳам унинг тилшунослик илмидаги тажрибаси анча мукамаллигини билдириб турибди³⁰⁹. Ва бу икки сўзни муаллиф фарқлаб қўлагани каби бир матнда уларни ёнма-ён қўллаш ҳам образли номланишнинг бир кўриниши саналади. Ва яна шоир мазкур асари билан шеваларимизни ўрганиб, улардаги диалектал сўзларни қандай қилиб йиғиш, қўллаш ёки ўзлаштиришнинг намунасини кўрсатиб берган.

Ва яна бу асарни ўқиганда киши нутқида сингармонизмга хос оҳангдошлик ҳолатини ҳам билиб, бугунги кунда сўзларни латофату назокату нафосат билан айтишда лабиал ҳамда танглай сингармонизмига хос табиий хусусиятлар мажмуи сал бўлса ҳамки, етишмаётганлигини англагандай бўламан³¹⁰.

306Бу асарнинг бир неча нашри бор: Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатайн. Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев. Асарлар. Ўн тўртинчи том. -Тошкент, 1967. –Б.103-132. Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатайн. Порсо Шамсиев нашри асосида изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева // Мукамал асарлар тўплами. Йиғирма томлик. Ўн олтинчи том. – Тошкент, 2000. –Б.6-40.

307Қаранг: Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. Матни П. Шамсиев нашри асосида изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи Суйима Ғаниева. -Тошкент, Фан, 2000.18-19-бетлар.

308Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн. Қосимжон Содиков таҳлили, табдили ва талқини остида. -Тошкент, Akademnashr, 2017. 86-89-бетлар.

309Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн. Қосимжон Содиков таҳлили, табдили ва талқини остида. -Тошкент, Akademnashr, 2017. 87-бет.

310Зеро, тилимизга рус-интернационал сўзларнинг кириб келиши шўро даврига хос хусусият эди. Шу тўғрисида ҳам шўро даврида “Ўзбек адабий тилида сингармонизм ҳодисаси йўқ”, деб тилшуносликка оид китобларда ёзилган, таълим тизимиздаги дарсларда ҳам айтилган. Аслида ушбу ҳодиса адабий тилимизда қолдиқ ҳодиса сифатида сақланиб қолган бўлса-да, лаҳжа ҳамда шеваларимиз эса мазкур фонетик ҳодиса билан ўз нуфузини ва бошқа туркий тиллардан бирилигини асослаб туриди.

Чунки ўзга туркий тилларда ушбу ҳодисага чегара қўйилмаган. Шу ўринда адабий тилимиздаги орфоэпик меъёрни қайта

Шу ўринда яна бир ўттиз йиллик кузатишларимга асосланган қиёсимни ҳам қайд этмоқчиман. XV асрда Алишер Навоий ижод қилиш билан бирга тилшуносликка дахлдор “Муҳокамату-л-луғатайн” номли асарни ёзган бўлса, XX асрнинг иккинчи ярми ҳамда XX асрнинг ўнинчи йилларида Ўзбекистон халқ шоири ва Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг бир қанча шеър ҳамда мақолаларида, шунингдек, “Сўз латофати” номли асарида³¹¹ халқ тилига, халқ шеваларидаги сўзларга эътибор бериш, уларни йиғиб, ўрганиб, амлда ишлатиш кераклигига бир неча сўзларнинг лексик-семантик хусусиятларига тўхталган ҳолда ишора қилинганлигини тушундик³¹². Ва яна бу икки машҳур шоирнинг шеър уғалларини жумлаи жаҳонга танитган нарса адабий тилимиз элементлари билан бирга, албатта, қонимизу онгимизга сингиб кетган шеваларимизнинг диалектал лексикаси эканлигини эътиборга олиш ўринли.

Зеро, шеваларимизнинг синоним, омоним, паронимлиги ҳалигача тадқиқ этилмагани сингари шеваларда сўз ясашиши, диалектал лексиканинг хилма-хил кўринишлари ҳам тузилажак кўп жилдли диалектал луғатлар мажмуига киритилмай қолиб кетмоқда. Бу муаммо айти вақтда “Ўзбек диалектологияси” фанининг ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мазкур асар бугунги кунда йиғиб, жамлаб, тадқиқ этилиши унутилган шеваларимизнинг диалектал сўзларини йиғиш, тўплаш ва илмий таҳлил қилишга ҳамда тилимизга хос бўлган образли номланишларни ўрганишга даъват этиб турибдики, “Сўз шундай гавҳардирки, мартабасини аниқлашдан нутқ эгалари ожиздирлар...”³¹³ десак янглишмаган бўламиз. Шунинг учун ҳам ушбу асар энциклопедик моҳиятга эгадир.

«АБУШҚА» ЛУҒАТИНИНГ МУАЛЛИФИ ҲАҚИДА

Рохила РУЗМАНОВА

(СамДУ)

Чигатой, яъни эски ўзбек адабий тилида яратилган асарлар, хусусан, Алишер Навоий ижод маҳсулининг усмонли турк тилида англашилиши ва ўрганилишига бўлган эҳтиёж сабабли юзага келган илк луғатлардан бири «Ал-луғот ун-Навоийа вал-истишҳодот ул-чағатоййа», яъни «Абушқа»дир. «Луғати абушқа», «Китобу луғоти абушқа», «Абушқа дар-луғати чигатой», «Луғоти Навоий», «Луғоти мавлоно Навоий», «Луғоти Мир Алишери Навоий», «Ал-луғот аъло лисони Навоий», «Ал-луғот ун-Навоийа вал-истишҳодот ул-чағатоййа», «Китоб ул-луғати фи лисони чигатой», «Китоб ул-луғоти чигатой» номлари билан машҳур ушбу луғат алоҳида номланмаганлиги боис, Халил ибн Аҳмаднинг «Китоб ул-айн» («Айн ҳарфи билан бошланувчи китоб») асари каби луғатнинг илк сўзи билан аталади. «Абушқа» Алишер Навоий қаламига мансуб «Лайли ва Мажнун» достонида учровчи «ёши улуғ киши, қари одам» маъносини англадиган сўздир³¹⁴.

кўриш эҳтиёжи пайдо бўлмоқда. Айти вақтда мумтоз адабиётимиз вакиллари, хусусан, Алишер Навоийнинг асарларини изоҳли луғатларсиз ўқиб, ўқиб бўлмайдиган ҳолга келиб қолдик. Буни яширишнинг ҳеч бир ҳожати йўқ. Ахир бугунги кун ёшларидан мумтоз адабиётимизни, мумтоз мусиқа ва кўшиқчилигимизни ажратиб ташлашга ҳаққимиз ҳам, ҳуқуқимиз ҳам йўқлигини англаб етишимиз керак. Демак, талаффуз ҳамда ёзув кондаларимизни, яъни орфоэпия ва орфография тамойилларини маълум даражада ислоҳ қилиш керакка ўхшайди.

311 Воҳидов Э. Сўз латофати. – Тошкент, Ўзбекистон, Шарқ, 2014.

312 Бу икки шоир бир-бирини такрорламаган ҳолда шеър ва бошқа асарларида она тилимизнинг бебаҳою гўзаллигини кўрсатувчи шеваларининг сўзларини йиғиб, улардан ўринли фойдаланишга даъват этган.

313 Курсивда берилган фикр шоирнинг ўзига тегишлидир.

314 Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Тўққизинчи том. Ҳамса. Лайли ва Мажнун. – Тошкент: Фан, 1992, 372-бет.

Маркази Ўтукан бўлган Ўрхун водийси ва Селенге бўйидаги кўктурклар, Турфан, Кошғар, Бухоро худудидаги уйғурлар, Болосоғундаги қорахонийлар, Ўрта Осиёдаги хоразмшоҳлар, маданий маркази Хирот бўлган буюк Чигатой улуси, шимолда маркази Қозон бўлган Олтин Ўрда, жанубда маркази Искандария бўлган кўламанлар, Болқонгача узайган, маркази Истанбул бўлган усмонли турклар орасида ўзаро алоқалар ва кундалик мулоқотда қулайлик яратиш ҳамда чигатой тилида яратилган асарларнинг дунё илм аҳли учун тушунарли бўлишини таъминлаш мақсадида кўплаб бебаҳо луғатлар яратилган. Бундай луғатлар сирасига хиротлик Толеъ Имонийнинг «Бадоеъ ул-луғат» номли илк чигатойча-форсча луғати, шу пайтгача муаллифи номаълум бўлган «Ал-луғот ун-Навоиййа вал-истишходот ул-чағатоййа» номли илк чигатойча-усмонлича луғат, Муҳаммад Маҳдихоннинг «Санглоҳ» номли кенгайтирилган чигатойча-форсча луғати, Паве Де Куртейлнинг «Ал-луғот ун-Навоиййа вал-истишходот ул-чағатоййа» луғатининг таржимаси сифатида яратилган илк чигатойча-французча луғати, Шайх Сулаймоннинг «Луғати чигатой ва туркийи усмоний» номли чигатойча-усмонлича луғати сингари луғатларни киритиш мумкин.

Муаллифи номаълум «Ал-луғот ун-Навоиййа вал-истишходот ул-чағатоййа» XXI асргача дунё чигатойшунос олимлари томонидан 4 марта нашр эттирилган эди. Жумладан, 1862 йилда Херман Вамбери томонидан Пестда немис тилида, 1868 йилда В.В.Валаминов-Зернов томонидан Санкт-Петербургда рус тилида, 1870 йилда Аҳмет Бесим Аталай томонидан Анқарада турк тилида нашр эттирилган танкидий матнлар шулар жумласидандир. 2011 йилда «Ал-луғот ун-Навоиййа вал-истишходот ул-чағатоййа» луғатининг янгича талқиндаги 1476 саҳифадан иборат танкидий матни туркиялик олим Мустафо Качалин томонидан тайёрланиб, «Ниёзий. Навоийнинг сўзлари ва чигатойча гувоҳлар. Ал-луғот ун-Навоиййа вал-истишходот ул-чағатоййа. Кириш – матн – индекслар – фотонусха» номи билан Анқарада турк тилида нашр эттирилди.

Мустафо Качалиннинг илмий изланишлари самараси ўлароқ шу пайтгача муаллифи номаълум бўлиб келаётган «Ал-луғот ун-Навоиййа вал-истишходот ул-чағатоййа» луғатининг муаллифи Ниёзий эканлиги ва луғатнинг 1544 йилда Истанбулда ёзилганлиги маълум бўлди. Мустафо Качалин Ошиқ Чалабийнинг «Машоир уш-шуаро» тазкираси ва Муҳаммад Меҳдихоннинг «Санглоҳ» луғатида Алишер Навоий асарлари билан усмонли турк давлатида энг кўп шуғулланган ягона шахс сифатида эътироф этилганлигига асосланиб, Ниёзийни дадил тарзда луғат муаллифи, деган хулосага келади. Олимнинг фикрича, луғатда келтирилган қуйидаги сўзлар ҳам муаллифнинг усмонли турк давлатида чигатой тили билан қизиққанлигини тасдиқлайди: *«Навоий Ҳазратларининг ўн беш хил китобини тўплагандим. Сўзларни ва ибораларни ўшалардан олардим. Хуросон, Самарқанд ва чигатой халқлари орасидан ҳам кўпроқ туркий тилда гапирувчи кишиларнинг девонлари ва маснавийларини тўплагандим. Хуллас, бир савобталаб ҳукмдор менинг бу ҳаракатларимни кўриб, Навоий Ҳазратларининг жами 28 та китобдан иборат бутун асарларини ҳадаъ этди. Гўё хазина топган инсондек хурсанд бўлиб, барча тўсиқ ва иккиланишларни бартараф этиб, оз фурсат ичида 13 та китобни ҳам таҳлил қилиб, барча асарларига эга бўлгандим»*³¹⁵.

Чигатойшунос олимнинг луғат ҳақида «Асарга чала қолган бир луғат сифатида қараш адолатдан эмас, у чигатой адабиётининг гулдастасидир», дея билдирган фикрига таяниб, Мустафо Качалинни ҳақли равишда чигатой тилининг фидойи тадқиқотчисидир, дейиш мумкин. Турк олимнинг «Ал-луғот ун-Навоиййа вал-истишходот ул-чағатоййа» луғатининг турли қўлёзмаларини қиёслаб, матн тузишдан кўра, луғатни асарда келтирилган манбаларга ва асосан луғатнинг Санкт-Петербург нашрига солиштиришни афзал кўрганлигини кузатиш мумкин.

Асар биринчи унлисига кўра (а-е / i-i-ë / o-o, и-и) уч гуруҳга ажратиб таҳлил этилган араб алифбосининг 23 та ҳарфи орқали ифодаланган 23 та бобдан ҳамда ҳар бир унли кўйилиши фасл дея номланувчи 58 фаслдан иборат. Танқидчининг фикрича, луғатда Бобут-То, Бобул-Ҳо, Бобул-Дол,

315 Mustafa Sinan Kaçalın. Niyâzi'nin Sözlere ve Çağatayca Tanıklar. El-Lugatu'n-Neva'ıyye ve'l-İstîşahadatu'l-Çagata'ıyye. – Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları, 2011, 14 s.

Бобус-Сод, Бобуз-Зод, Бобуз-Зоъ каби 6 боб ва ҳарфул-хоил-мазмумо, ҳарфур-роил-максуро, ҳарфуз-зоил-мафтӯхо, ҳарфуз-зоил-мазмумо, ҳарфут-тоил-максуро, ҳарфул-айни-муҳмалатил-максуро, ҳарфул-айни-муҳмалатил-мазмумо, ҳарфул-вовил-максуро, ҳарфул-вовил-мазмумо сингари 9 фасл учрамайди.

Луғат Алишер Навоий асарларида учровчи сўзларни изоҳлаш мақсадида ёзилган бўлишига қарамай, унда ўша даврнинг бошқа шоирлари бўлган Амир Темурнинг набираси Искандар Мирзо, Гармиёнли Шайхий, Лутфий, Мавлоно Ҳожийи Сўғдий, Дарвиш Нозукий, Камолий, Камоли Турбатий, Камоли Уммий, Қутбий, Мир Саъиди Кобулий, Наъимий, Ҳусайн Бойқаро, Баннойи, Мир Ҳайдар, Бобур Мирзо, Убайдхон, Низомий, Ҳотифий, Аттори Туний каби шоирларнинг ижод маҳсулидан ҳам намуналар келтирилган.

«Ал-луғот ун-Навоийа вал-истишҳодот ул-чағатоийа» луғатида 206 та мўғулча, 107 та форсча, 22 та хитойча, 21 та арабча, 5 та санскритча, 5 та сўғдча, 2 та ҳиндча, 1 та малайча, 1 та манчу-тунгузча, 1 та тохарча, жами 349 та олинма сўзнинг учраши ҳақидаги илмий хулоса танқидчининг этимолог олим эканлигидан ҳам далолат беради.

Мустафо Качалиннинг эътироф этишича, 350 мисрала дебоча, ҳар бири 5 байтли 181 ғазал, 23 рубойи, 7 туюқ, 4 дубайтий, 1 назм, 946 байтли маснавийдан иборат «Ал-луғотун-Навоийа вал-истишҳодотул-чағатоийа» луғатини девонга тенглаштириш мумкин.

Мустафо Качалин усмонли турк тилида яратилган илк чигатой луғати сўзларнинг қуруқ шодаси эмаслигини, кўп ўринларда чигатой тили қурилишига доир фонетик ва сўз ясалиш хусусиятларини ҳам ўзида акс эттиришига эътибор қаратишни таклиф этади. Айниқса, «Абушқа» луғати шарқ шоирлари ва ғарб тадқиқотчиларининг асарларида учрайдиган жуда кўп чигатойча сўзларни ўз ичига олишини алоҳида эътироф этиб, далил сифатида бундай сўзларнинг 1904 йилда Тюри Жозеф томонидан Будапештда чоп этирилган «Az ‘Abuska Lugati’ csmu csagatay szotar (“Абушқа луғати” номли чигатойча луғат) номли асарни келтиради.

Турк олими «Абушқа» луғатини танқидий таҳлил қилиш мобайнида муаллиф томонидан йўл қўйилган кўплаб хатоликларни далиллар орқали асослаб беришга уринади. Чунончи, асарда қоришиқ сўзлар (алчин), такрор сўзлар (атиғип), зиддиятли маълумотлар (экак ва эгак), нотўғри изоҳлар (-ған), нотўғри иктибослар (атлиғ ўрнида атағлик), хато манбалар (Бобур Мирзо девони ўрнига «Наводир уш-шабоб»), нотўғри ҳарфлашлар (қура ва тошук), нотўғри сўзлар (жарнинг ул жар тарзида берилиши), нотўғри ўқиш (гуз), нотўғри мисоллар (эсрукгина ўрнида усрукгина)нинг берилиши; асардаги сўзларнинг алифбо тартибига тўлиқ киргизилмаганлиги, сўзларнинг деярли ярмига мисол келтирилмаганлиги каби янглишликларни қайд этиб, бу ҳаракатни айблаш ёки зиддият эмас, балки ҳақиқат йўлига эришиш учун уриниш сифатида қабул қилинишини сўрайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Низомиддин Мир Алишер Навоий Ҳазратлари ижодига бўлган қизиқиш ўз давридаёқ бошланган ва жаҳон навоийшунос олимлари томонидан шоир асарларининг оламшумул аҳамиятига доир кўплаб илмий тадқиқотлар, изланишлар олиб борилмоқда. Бу тадқиқотни ҳам ана шундай катта илмий аҳамиятга молик ишлардан бири эканлигини таъкидлаб, Алишер Навоий ижодининг ўрганилишига доир тадқиқотлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин.

Адабиётлар

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Тўққизинчи том. Хамса. Лайли ва Мажнун. – Тошкент: Фан, 1992. – 377 бет.
2. Mustafa Sinan Kaçalin. Niyâzî'nin Sözlere ve Çağatayca Tanıklar. El-Lugatu'n-Neva'ıyye ve'l-İstişahatu'l-Çagata'ıyye. – Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları, 2011. – 1111 s.

Т Е З И С Л А Р АДАБИЁТШУНОСЛИК ВА ТИЛШУНОСЛИК

“ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР” ДОСТОНИДА ОДАМИЙЛИК ВА РАҲБАР МАЪНАВИЯТИ МАСАЛАСИ

М.АБДУЛЛАЕВА

Низомиддин Мир Алишер Навоий ижоди мана олти асрки, инсон ва халқ манфаатлари учун хизмат қилиб келмоқда. Навоий ижодини баҳолашда инсон ва халқ манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, Навоий асарлари гуманистик ва умумбашарий мазмун касб этади. Жумладан, “Ҳайрат ул-аброр” достонида шундай ёзади:

*Одамий эрсанг, демагил одами
Оники йўқ, халқ гамидин гами.*

Навоий наздида кимки, халқ манфаатини ўз мафаатидан устун қўйиб, халқнинг ғамини ўз ғами деб билса, у ҳақиқий одамдир. Бировнинг ғам ташвишига шерик бўлмаган, ўз манфаатини ўйлаган, худбин одамни ҳақиқий одам деб бўлмайди. Шоир назарида, у шоҳми ёки оддий деҳқон одамийлик фазилатларига эга бўлиши керак. Шунинг учун ҳам шоир ҳар бир кишини инсофли, адолатли, сахий ва маърифатли бўлишга чақиради. Жамиятда мавжуд бўлган золим, худбин, хасис кишиларни адолатга, одамийликка, олийжанобликка, тўғри ва меҳрибон бўлишга ундайди. Навоий фикрича, бундай одамларни тарбиялаш зарур.

“Ҳайрат ул-аброр” да одоб, карам, қаноат, вафо, ишқ, ростлик, илм каби олийжаноб фазилатлар тўғрисида Навоий жуда кўп сўзлайди. Жумладан, раҳбар маънавияти борасидаги фикрлари ҳам диққатга сазовордир. Достонда “...раҳбар қўл остида ишловчи одамлар бирор хилоф иш тутсалар, уни ҳисобга олиб муомала қилмоқ керак, уларнинг яхши-ёмон аҳволидан хабардор бўлиб турмоқ бошлиқнинг шу жамоага ҳурматини билдиради”, - деб таъкидлайди. Тамагирлик ҳақида гапириб, “у кишини хорликка олиб келади. Тамагир раҳбар гадо сингаридир. Қаноатли дарвеш эса подшоҳ каби юксак туради”, - дейди. Шунинг учун энг биринчи галда кишида нафси тарбиялаш зарур. Ҳар қандай раҳбар нафси тўқ, маънавий жиҳатдан одамий фазилатларга эга бўлса, албатта, жамоа-халқ тинч, жамият обод бўлади. Навоий бир рубойида бунини шундай ифодалайди.

*То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас.
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.*

Ҳар бир кишидаги, бутун улус ва элдаги ҳирс, беҳуда интилишлар хирманини (хирмонини) ел (шамол)га бермоқ, созуриб ташламоқ лозим. Нафс, манманлик қасрларини ер билан яксон қилмоқ керак. Зулм ва ситам жонига қаттиқ зарба бериб уни йўқотмоқ шарт. Ана шундагина эл кўнгли шод бўлади, мамлакат обод бўлади.

Навоий “Ҳайрат ул-аброр”нинг йигирманчи мақолотида подшоҳ (раҳбар, бошлиқ) халқни адолат билан бошқариши кераклигини таъкидлайди. Адл (яъни адолат) уч ҳарфдан иборат бўлиб, “айн” ҳарфи қуёшга ўхшаш порлоқдир, “дол” давлат-у дин тожидур. Шундай экан, тожни кийиб, меҳр билан кўзларни ёрит. Сенинг олдинга орзу билан келган мазлум (ёрдамга муҳтож киши)га адолат соясини паноҳ қил. Шоир нигоҳида ҳар бир инсон ўзига хос бир олам. Бир инсоннинг феъл-атвори, иккинчи бир кишига ўхшамайди. Шунинг учун раҳбар мукофатлаш ва жазолашда уларнинг бу хусусиятларини ҳисобга олиши зарур. Чунки шаъм билан муз ранги бир-бирига ўхшаса ҳам, бири ўт (олов) бири сувдир. Киши табиати ҳам икки хилдир.

*Кимники инсон десанг – инсон эмас,
Шаклда бир, феълда яксон эмас.*

Кимники, ўзингга яқин олиб, ҳамдам қилмоқчи бўлсанг, аввало, уни синаб кўр. Ғафлатда бировга баҳо берма. Дўст-ҳамдам ва маҳрам танлашда адашма.

*Кимники айлай десанг маҳраминг,
Кўп синамай, айламагил ҳамдаминг.*

“Ҳайрат ул-аброр”нинг ўн учинчи мақолатида инсоннинг шукрона билан яшаши тўғрисида гапирди. Шукрнинг энг хосиятлиси яхши сўз сўзламоқдир, – дейди Навоий. Сўзнинг кучи билан элга нажот, ўлик танга ҳаёт бериш мумкин. Қимматбаҳо маъданлар ичида гавҳари ҳам - сўз, одамийликнинг самари ҳам – сўз.

*Ҳам сўз ила элга ўлудин нажот,
Ҳам сўз ила топиб, ўлук тан ҳаёт.
Маъдани инсон гуҳари сўздурур,
Гулшани одам самари сўздурур.*

Одамийликнинг яна бир кўриниши “очиқ юз билан чучук сўзларни айтишлик”дир. Инсон шу хил ахлоқ билан дилхираликни шодликка айлантурса, жафо етганга вафо кўрсатса, у башар ичида ҳақиқий инсондир.

*Они башар хайлининг инсони бил,
Одамилар одамиси они бил.
Англа кишиликни мусаллам анга,
Юз кишиликча иш эса ҳам анга.*

“Ўн еттинчи мақолат”да инсоннинг умр баҳори, энг гўзал даври ҳақида сўз юритади. Инсонга берилган умрни йил фаслларига қиёс қилади. Инсон умр баҳорини шундай ўтказиши керакки, ёшлик мевалари тўкилиб, бақо гулшанини гўзаллик тарк этганда, оҳ ила надоматлар чекмасин. Навоий бир инсоннинг мақсадсиз ўтган умрини шундай бўлақларга ажратади. Ўн ёшгача- ғафлат, йигирмагача – билимсизлиг-у мастлик билан банд бўлиш, ўттиз билан қирқ ичида айш қилиш, инсон эллик ёшга борганда тараққий қилиши мумкин эмас. Олтмиш ёшда эса иши таназзулга юз тутлади. Етмиш ёшда туришинг, саксонда ўтиришинг фарздир. Тўқсон ёшда йиқилмоқ, юз ёшда жон тарк қилишинг керак. Бундай самарасиз умрдан ўлим яхшироқдир. Кимдир қисқа умрини мазмунли ўтказиб, элга наъфи тегади. Кимдир эса мазмунсиз умр кечиради. Навоий таъкидича, ҳар бир инсон умрининг баҳори, йигитлигини илм-хунар эгаллашга сафарбар этмоғи жоиз.

*Умри табиий кишига бўлса ком,
Истар ўлуб, ҳар сари қилгай хиром.
Умри табиий дема, гар умри Нух,
Бор эса, тавфиқдин ўлмай футух
Яхшироқ ул умрдин ўлмоқ йироқ,
Умр неким, андин ўлум яхшироқ.*

Умуман олганда, Навоий асарларида инсоннинг эволюцион камолоти масалалари ҳаётий-фалсафий тарзда ифодаб берилган. Бугунги глобаллашган даврда Навоий яратган комил инсон образларидаги инсоний фазилатлар ва умумбашарий қадриятлар келажак авлодни тарбиялашда катта маънавий мактаб вазифасини бажариши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Асарлар. 2-жилд. Хамса. Тошкент. 2011.
2. Азиз Қаюмов. Асарлар. 3-жилд. Тошкент. Мумтоз сўз. 378-бет.

НАВОИЙ ВА ФУЗУЛИЙ “ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН” ДОСТОНЛАРИ ҚИЁСИГА ДОИР

Юлдуз АБДУЛҲАКИМОВА

(ТошДЎТАУ)

Хамсачилик анъанасининг янги юксак босқичга кўтарилиши ҳазрат Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ. Буюк бобокалонимиз “Хамса”си ўзидан аввал ва кейин яратилган шу туркумдаги асарлар ичида мукамаллиги ва туркий тилнинг имкониятларини кенг очиб берганлиги жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. “Хамса”таркибидаги ҳар бир дoston фалсафий, тасаввуфий, илмий ва бадиий-эстетик кимматига кўра миллий адабиётимизнинг беназир бойлигидир.

Маълумки, Алишер Навоий “Хамса”сига кирган беш дoston композицион яхлитликка эга. Гарчи уларнинг сюжети зоҳиран фарқ қилса ҳам, моҳиятан бир-бирини тўлдириб келади, бир-бирини изчил давом эттиради. Жумладан, буюк бешликнинг илк дostonи ҳисобланган “Ҳайрат ул-аброр”ни “Хамса”нинг назарий асоси, дейиш мумкин. Чунки бу дostonда комил инсонга хос фазилатларнинг навоиёна поэтик талқини берилган бўлса, кейинги тўрт дoston – “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр” ҳамда “Садди Искандарий”да улуғ мутафаккир идеалидаги комил инсонга хос ана шундай фазилатларни ўзида тўлақонли мужассам этган бадиий образларнинг ўзига хос тизими яратилган. “Кўп ўрганилган бўлишига қарамай, – деб ёзади профессор Н.Жабборов, – “Ҳайрат ул-аброр”, бизнингча, ўз сирини ҳали ҳеч кимга тўлақонли очган эмас. Уни ҳатто мажозан бу буюк бешликнинг калити дейиш мумкин. Бу асар ана шу нуқтаи назардан қайта тадқиқ қилиниши, баҳоланиши зарур. Унда улуғ мутафаккирнинг барча келажак замонлардаги ижод аҳли учун мезон бўла оладиган адабий-эстетик қарашлари ифодалангани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Жумладан, бу қарашлар “Хамса”нинг кейинги дostonлари учун ҳам ана шундай мезон вазифасини ўтаган. Бугунги урф бўлган таъбир билан айтганда, “Ҳайрату-л-аброр” – буюк бешликнинг назарий-методологик асосидир” [3.98].

Ушбу мақола объекти бўлган “Лайли ва Мажнун”ни “Хамса”даги энг ўткир сюжетли дoston, дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий даврида ва ундан кейин туркий тилда хамсачилик анъаналарига тўлақонли жавоб бера оладиган бешлик яратилмаган бўлса-да, “Лайли ва Мажнун”га жавобан Гулшаҳрий, Ошиқ Пошшо, Шаҳидий ва Фузулий ана шу сюжетда дostonлар ёзгани маълум [4.114].

Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун”ига жавоб сифатида туркий тилда энг муносиб дoston яратган ижодкор улуғ озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулийдир. Туркий адабиётда Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун”и қанчалик юксак мавқеда бўлса, Фузулийнинг шу номдаги дostonи шунчалик маълум ва машҳур.

Муҳаммад Фузулий ҳазрат Алишер Навоийни ўзига устоз деб билган. Дostonчиликда унинг анъаналарини муносиб давом эттиришга ҳаракат қилган. Буюк озарбайжон шоири устозининг ижодига мана бу тарзда юксак баҳо бергани ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

*Турку Ажаму Арабда айём,
Ҳар шоира вермишди бир ком...
Ўлмишди Навоийи суҳандон,
Манзури шаҳаншаҳи Хуросон.*

Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун”и сўз санъатининг нафислиги ва оҳорини тўлақонли намоён этгани билан катта аҳамиятга эга. Алишер Навоий каби Муҳаммад Фузулий ҳам “Лайли ва Мажнун”ни арузда, ҳазаж баҳрининг мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф (рукнлари: мафъувлу мафоилун фаувлун – – V / V – V – / V – –)вазнида ёзган. Шу боис дoston мазмуни мутолаа қилувчининг қалбига куй каби оқиб киради, шуурга ҳайрат бағишлайди, кўнгилларга титроқ солади.

Фузулий дostonи Навоий “Лайли ва Мажнун”идан композиция жиҳатидан бирмунча фарқ қилади. Жумладан, улуғ озарбайжон шоири дostonни ҳазрат Алишер Навоий каби маснавий жанрида битган

бўлса-да, бироқ ўрни-ўрни билан бошқа жанрларга – ғазал, мураббаъ, рубоий, соқийнома каби шеърий шаклларга ҳам мурожаат этади. Бу услуб, биринчидан, дostonдаги бадий тасвирнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган бўлса, иккинчидан, янги шеърий шаклга ўтилиши орқали ўқувчининг фикр ўзанини масаланинг моҳиятини янада чуқурроқ англаш сари буриб юборади. Учинчидан, ўқувчининг асар қахрамони аҳволи руҳиясини яққолроқ хис этишига ёрдам беради. Асар композициясининг бу тарзда тузилиши Фузулийнинг ўзига хос ижодий методи талабларидан келиб чиққан, дейиш мумкин. Қолаверса, шоир яшаган давр дostonчилиги анаъаналари ҳам шундай йўл тутишни тақозо этган бўлиши ҳақиқатга яқин.

Ҳар иккала дostonда ифода таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилувчи бадий тасвир воситаларидан маҳорат билан фойдаланилган. Бу ҳол, ўз навбатида, ҳар икки дoston бадииятининг мукамаллигини таъминлаган, сюжетнинг таъсир кучини оширган.

Маълумки, мумтоз адабий анъанага кўра, ҳар қандай асар муқаддимаси, ҳатто аксар ҳолларда ундаги муайян боб ва фасллар ҳам Аллоҳ таолога ҳамд ва Пайғамбар алайҳиссаломга наът билан бошланган. Ҳамд ва наътлар зоҳиран асар мазмунига бевосита боғлиқ эмасдек кўринса ҳам, аслида дoston сюжет линиясининг муҳим жиҳатларини ўзида мужассам этади. Биргина мисол. Ҳар икки дostonда Лайлининг Мажнунга битган мактуби ўзига хос бадий талқин этилган. Ҳар икки мактуб Аллоҳга ҳамд билан бошланади. Жумладан, ҳазрат Алишер Навоий дostonидаги Лайли мактубида фикрлар мана бундай изҳор этилади:

*Ул Тангри оти била бу манишур -
Ким, берди кўнгулга ишқдин нур.
Ургоч майи ишқнинг салоси,
Одамга этишиди ибтилоси.
Бир журъаки чекти ул жигархун,
Маст ўлди, не маст, балки мажнун.*

Яъни ҳазрат Навоий Тангри таолони кўнгилларга ишқ нуруни ато этган улуғ зот сифатида мадҳ этади. Ишқнинг Одам Атодан мерос эканига урғу беради. Ишқ майдан бир хўплам (журъа) ичган Одам Атонинг масту мустағрак бўлгани бунинг исботи эканини айтади.

Фузулий дostonидаг Лайли мактубида Тангри таоло мадҳи ўзига хос экани билан алоҳида ажралиб туради:

*Бу тарз ила килки ўлди жори
Ким, аввали нома; номи бори.
Меъмори бинойи ақду пайванд,
Ваҳҳоби атойи молу фарзанд.
Изҳори вужуд эдан адамдан,
Ижоди ҳудус эдан қадамдан.*

Яъни буюк шоир Яратганнинг икки жинс орасидаги ақду пайванднинг (никоҳ ақди назарда тутилган – Ю.А.) меъмори, молу фарзандни ато этгувчи экани васфига урғу беради. Одам фарзандларини йўқдан бор қилгувчи ҳам, ходисаларни ижод этгувчи ҳам Тангри таоло эканини таъкидлайди.

Алишер Навоий Лайли тилидан Мажнуннинг таърифини келтирар экан, Мажнун ҳолидан ташвишда бўлган Лайлининг ёридан аразлагани ҳолатини теран мазмун ва гўзал бадий шакл уйғунлигида мана бу тарзда тасвирлайди:

*Эй ишқ ўтида хасим, нечуксен,
Эй бедилу бекасим, нечуксен?
Мундоғ доғи дедилар фасона -
Ким, Навфал ила бўлуб ягона.
Чун ҳажласи сори кўз солибсен
Кўлмоққа қизини кўз солибсен.*

*Ёвар санга Ҳақ таборак ўлсун,
Бу хайр ишинг муборак ўлсун.*

Фузулий достонида эса, Лайли Мажнунга ўз ҳолидан хабар беради. Аммо достоннинг шакли унинг мазмунига ҳам таъсир қилади. Масалан, Лайлининг тилидан мураббаъ келтирилади, “Тамомийи су-хан”, яъни сўз сўнгида Лайли мактубини олган Мажнуннинг аҳволи руҳияси мана бу тарзда тасвирланади:

*Мажнуна чу нома ўлди восил,
Дур кўрди ақиқина муқобил.
Мафҳумдан этди касби мақсуд,
Лайли тарафиндин ўлди хушнуд.*

Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулий “Лайли ва Мажнун”ларини қиёсий ўрганиш, шубҳасиз, муҳим хулосаларга олиб келади. Ушбу кузатишлар бу борадаги илк уринишимиздир. Дастлабки фикрларимиз бу икки достондаги Лайли образлари муқоясаси борасидаги ишларимизга муқаддима бўла олса, асосий мақсад йўлида илк кадамни қўйишдан ўзимизни бахтиёр ҳисоблаган бўлар эдик.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун / Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Еттинчи жилд. - Т.: Гафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011.
2. Муҳаммад Фузулий. Лайли ва Мажнун / Асарлар, Икки жилдлик. 2-жилд. - Т.: Бадиий адабиёт, 19
3. Жабборов Н. “Хамса”нинг калити // Тафаккур, 2011. - № 1.
4. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври). – Т.: “Академнашр”, 2013.

МУЛАММАЪ САНЪАТИ ЁХУД АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА МУЛАММАЪ

*Шоҳсанам АБДУМАННАПОВА
(ТошДЎТАУ)*

Мумтоз адабиётимиз хазинасини беаб турувчи шеърини санъатларимиз хилма-хил. Хусусан, муламмаъ санъати ҳақида сўз кетганда унинг хусусиятлари ва тузилишига алоҳида тўхталиб ўтмоғимиз жоиз. Муламмаъ арабча “ярқирок, ранг-баранг” деган маъноларни англатади. Баъзи манбаларда муламмаъ *талмиъ* номи билан ҳам юритилган. Бу бир байтни икки ёки уч тилда ёзиш санъатидир.

Шарқ мумтоз поэтикасига доир илмий адабиётларда муламмаъ истилоҳ сифатида қайд этилса-да, баёз ва бошқа шеърини мажмуаларда “шир-у шакар” (сут ва шакар) атамаси қўлланилади. Ҳатто муламмаъ сўзини “сув қўшилган сут” деб изоҳ берилган манбалар ҳам мавжуд. Бу санъатнинг икки тилдан фойдаланилган шакли ширу шакар, уч тилда бўлса, шахду ширу шакар деб юритилган. Шайх Аҳмад Тарозий муламмаъ санъати ҳақида шундай ёзади: “Бу санъат анингтеқ бўлурким, шеъре айтурларким, бир мисра бир тил бирла бўлур, бир мисраси яна бир тил бирла бўлур, бир мисра бир тил билан”. Баъзан эса бутун бошли шеърининг шундай ёзилганига гувоҳ бўламиз. Бунга мисол қилиб Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” асарини олишимиз мумкин. Бу асар туркий ва форсий тилдаги муламманинг дастлабки намунаси ҳисобланади. Унда Навоийга бағишланган бир қасида бўлиб, бошдан-оёқ унинг бир байти ўзбек тилида, бир байти форс тилида, бир байти форс-тожикча ёзилган:

*Махзари давлат Алишер, улки шеъри Ҳақ эрур,
Ҳар маорикда анинг фатх-у саодат ёвари.*

*Он чун, к-аз мақдами сайид шуда Ясриб азиз,
Гаит дорулфазли олам аз вужуди ў Ҳари.*

XVIII-XIX асрларда бу санъат ниҳоятда кенг қўлланиб, унинг хилма-хил намуналари юзага келган. Бу даврда муламмаъ санъати мисралар ичида, байтдаги мисралар ўртасида, байтлар ўртасида, бандлараро, мухаммас жанрида келтирилган. Атоуллоҳ Ҳусайний “Бадойи ус-санойиъ” асарида куйидагича фикрларни келтиради: “Муламмаъ андин ибораттурким, шеърнинг бир қисми бир тилда ва бошқа бир қисми ўзга тилда бўлур. Бу санъатнинг машҳури улдурким, бир мисраи арабча ва бир байт форсча бўлур. Рашид-и Ватвот дептурким, мундин ортиқ ўн байт форсча бўлмоғи раводур, мундин ортса, бўлмас.

Бир мисраи арабча ва иккинчиси форсча бўлган муламмаъ мундоқтур (байт):

*Соҳибу-р-роҳ мина-р-рахмати қад надоний
Ки, биё жониб майхона, чи саргардоний.*

*Гуфтамаш роҳат-и дил металабам, гуфт: биё
Утлубу-р-роҳата би-р-роҳи ва ло таисоний”*

Шарқ мумтоз шеърлятида, асосан, араб ва форс, араб ва ўзбек, ўзбек ва форс, араб ва озарбайжон тилларида байт-у ғазаллар битилган. Алишер Навоий “Хазойин ул-маоний”даги биринчи девон “Ғаройиб ус-сиғар”га киритган илк ғазалининг биринчи байтида айнан шу санъатни қўллайди:

Ашрақат мин акси шамсил каъси анвор ул-худо,

“Ёр аксин майда кўр” деб, жомдин чиқди садо.

Байтдаги арабча мисрани куйидагича талқин қилишимиз мумкин: “Май косасининг қуёши аксидан ҳақиқат йўлининг нурлари порлади”.

Навоий ижодида муламманинг араб ва ўзбек, ўзбек ва араб тилларидаги шакли учрайди. Бошидан охирига қадар муламмаъ тарзида ёзилган биринчи ғазал ҳазрат Навоий қаламига мансуб бўлиб, у “Хазойин ул-маоний” куллиётининг “Фавойид ул-кибар” девонидаги 443-ғазал ҳисобланади. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, ғазал туркий ва форсийда эмас, балки адабиётимиз тарихида ноёб бўлган ҳодиса – туркий ва араб тиллари асосида яратилган. Бу ғазал Алишер Навоийнинг нафақат форсий шеърлятдаги юксак истеъдоди, балки араб адабиёти ва тилининг ҳам чуқур билимдони бўлганлигидан дарак беради. Ғазал куйидагича:

*Ул кони малоҳатда демон бор эди бир он,
Лан танзур фи ҳусниҳи альона камо кон.*

Байтнинг мазмуни: (У гўзалликка шунчалар бойки, унинг ҳуснига агар назар солсанг, шундайлигига иқроор бўласан).

Ин ихтариқа жисмий мин нори ҳавойиҳ,

Куймаслиги хаснинг чоқин етканда не имкон.

Байтнинг мазмуни: (Сенинг ҳавоининг ўтида жисмим куйиб-ёнди, олов ёнганда хаснинг ёнмаслигига имкон борми?).

Ўлгум сусабон ҳажр биёбонида, раҳм эт,

Конат шафаҳак айн-у ҳаёти ано атишон.

Байтнинг мазмуни: (Чанқоқликдан ҳажр биёбонида ўляпман, раҳм этгин, ахир мен ташнаман сенининг лабинг мен учун ҳаёт булоғидир).

Ё қуррат-у айни жиъ ва-р-ҳам бидумуъи,

Ким қилди бу селоб кўзум уйини вайрон.

Байтнинг мазмуни: (Эй кўзим нури, кел-у менинг қон ёшимга раҳм қил. Кўзим уйини бу тошқинлар вайрон қилиб юборди-ку).

Эй қонки, кўзумдин оқасен раҳми, ўлғум,

Мин жайри дами-л-айни лано ҳосил-у ийқон.

Байтнинг мазмуни: (Эй қон, кўзимдан оқмоқдасан, демак, ўлишим тайин. Кўзим қонининг оқишидан ҳосилимиз ўлим бўлибди).

Лав лам якуни-р-ройиҳати-л-манзили салмо,

Юз қатла банд манзилидин кетмиш эди жон.

Байтнинг мазмуни: (Салмо манзилидан агар бир ифтор етмаса эди, бу жон юз бора кишанланган манзилидан кетар эди).

Ҳар важҳ ила гар ўлса Навоий не ажабким,

Мин кулли вужуҳин суфи важҳика ҳайрон.

Байтнинг мазмуни: (Ҳар хил сабаблар билан агар Навоий ўлса, не ажаб! Ахир, барча сабаблар ичра сенинг юзингга ҳайрон қолишади-ку).

Ғазалга эътибор қаратадиган бўлсак, арабча мисралар фақат бир ўринда эмас, балки байтнинг ҳар икки ўрнида алмашиб келади. Бу ҳам ўз навбатида Навоий даҳосининг юксак истеъдодидан дарак беради. Ҳазрат ижодидаги ранг-баранглик, сўз қўллаш маҳоратини ушбу санъат орқали ҳам яна бир бор ҳис қилишимиз мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, Навоий ижоди жуда сермахсул, қўлами кенг. Бугунги адабиётшунос ўзини қизиқтирган ҳар қандай жабҳада унга мурожаат қила олади. Бу бебаҳо меросни янада юксалтириш, каддини баланд кўтариш, албатта, бизнинг қўлимизда. Шундай экан, бу йўлда изланмоғимиз сазъ-ҳаракат қилмоғимиз ва ҳазратга муносиб издош бўлмоғимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ. Тошкент: Ғафур Ғулом, 1981.
2. Навоий Алишер. Фавойид ул-кибар. ТАТ. 10 жилдлик. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. Ж.4.
3. Ё.Исҳоқов. Сўз санъати сўзлиги. Тошкент: “O‘zbekiston”, 2014.
4. Алишер Навоий: комусий луғат. 1-2-жилдлар / Масъул муҳаррир Ш.Сирожиддинов. – Т.: Sharq, 2016.

АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИДАН Фойдаланиш орқали мактабгача ёшдаги болаларнинг тафаккурини шакллантириш

Ирода АБДУРАҲМОНОВА
(ГулДУ)

Ўзбек халқининг улуг шоири ва мутафаккири Алишер Навоий жаҳон адабиётининг буюк санъаткорларидандир. Унинг номи ва мероси Гомер ва Данте, Рудакий ва Фирдавсий, Низомий ва Шота Руставели, Саъдий ва Жомий, Шекспир ва Балзак, Пушкин ва Толстой каби улкан сўз санъаткорларининг номи ва меросидек ўлмасдир.

Навоийнинг бутун фаолияти ва ижодиётини инсоннинг бахт-саодати учун курашга, халқнинг осойишталигига, ободончилик ишларига, илм-фан, санъат ва адабиёт тараққиётига бағишлади. Навоий мероси мактабгача ёшдаги болаларнинг тафаккурини шакллантиришда муҳим воситалардан саналади.

Тафаккур (арабча – фикрлаш, ақлий билиш) – предмет ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хусусиятларини аниқлайдиган, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, яъни қонуний боғланишларни акс этадиган билишнинг рационал босқичи. Тафаккур тил билан узвий алоқада мавжуд. Фикр идеал ҳодисадир. У фақат тилда – моддий ҳодисада реаллашади, бошқа кишилар бевосита қабул қила оладиган, ҳис этадиган шаклга киради ва одамларнинг ўзаро фикр алмашиш воситасига айланади.

Тафаккури яхши ривожлангандагина болага маърифий қарашларни тезроқ ва осонроқ сингдириш мумкин. Бундан ташқари, яъни болада нафақат тафаккурнинг яхши шаклланиши, балки инсонга хос бўлган барча яхши хислатлар ва фазилатлар ҳам мужассамлашган бўлмоғи лозим. Жумладан, одамийлик, қаноатлилик, дўстоналик, меҳрибонлик, раҳмдиллик, олижаноблик, хушмуомалалик, қунтлилик, ҳалоллик, тиришқоқлик, чакқонлик, зеҳнлилик, хотиржамлик, топағонлик, синчковлик, серғайратлик, жўшқинлик, интизомлилик кабилар. Тўғри, мактабгача ёшдаги болада бу хислатларнинг барчаси шаклланиб бўлган, дейиш қийин. Лекин мана шу фазилатларни шакллантириш тарбиячилар ва ота-оналар вазифаси эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ҳар бир боладаги келажак йўлининг қандай бўлиши оила ва таълим муассасаларига боғлиқ. Бола 2-3 ёшда оила аъзоларини танийди ва ҳар бир ҳаракатни улардан ўрганиб боради. Боғчада эса дўстларидан ва тарбиячи опалардан ўрнак олади. Оиладаги ва боғчадаги муҳитнинг қанақалигини бола келажакнинг белгилловчи омиллар қаторига киради.

Авалло, оила мустаҳкам, маънавий тоза бўлса, унда тарбияланаётган фарзанд ҳам ўша тоза муҳитдан баҳра олади. Она ҳар доим болани эркалаб, алла айтиб ухлатиши лозим. Улғайган сари ота-она унга эртаклар, ривоятлар айтиб уларнинг дунёқараши кенгайишига туртки бўлиши лозим. Тўғриси бўлишига ва ҳеч қачон ёлғон гапирмасликка даъват қилиш керак. Ўзидан катта опа-акаларни ҳурмат қилиши, улар томонидан берилган вазифаларни бажарашу, улардан кўрқиброқ туриши кераклигини ота-она ҳар доим бола онгига сингдириб бориши лозим. Кўрқиброқ туриш деган жумла, бироз ғализ туюлар, лекин инсон психикаси шундай, бир нарсадан ёки бирон кимдан ҳайиқсагина қилинмоғи керак бўлган вазифа осонроқ ва тезроқ битади. Ота-она боланинг ўзидан катталарга гап қайтаришга ҳеч қачон йўл қўймадлиги зарур. Шундай ўринлар бўлганида у билан алоҳида гаплашиб керакли маслаҳатларни бериши лозим бўлади. Юқоридагилардан кўришиб турибдики, бола маънавиятини шакллантириш кўп нарсаларга боғлиқ экан. Бола маънавиятини, тафаккурини шакллантирадиган воситалар ҳам кўп. Шундан бири сифатида Навоий меросини айтиб ўтиш жоиз. Аввалло, Навоий асарларини билиш керак, шундан кейин мактабгача ёшдаги болаларга ўргатса бўладиган асарларни танлаб олиш лозим.

Алишер Навоий асарлари орасида “Ҳамса” таркибидаги “Ҳайрат ул-аброр” асари боғча ёшидаги болаларни маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялашда муҳим манба ҳисобланади. Биз тадқиқот жараёнини олиб боришда шу нарсани аниқладикки, машғулотлар орасида “Нутқ ўстириш” ва “Бадий адабиёт” машғулотларида Навоий меросидан фойдаланишнинг имконияти мавжуд экан. Мактабгача таълим муассасаларининг дастури ҳисобланган “Учинчи мингйилликнинг боласи”да юқорида зикр этилган машғулотлар режасига Навоийнинг “Шер билан Дуррож”, “Ҳимматли бўлсанг”, “Икки вафоли ёр”, “Бир кабутар” каби ҳикоятлари киритилган. Келтирилган ҳикоятлар “Ҳикоя қилиб бериш” рукни остида. Демак, тарбиячи бу ҳикоятларни болаларга сўзлаб беради. Ҳикоя қилиш чоғида болалар гап нима ҳақида кетаётганлигига эътибор беришларини назорат қилиб туриши шарт. Керакли ўринларда саволлар билан мурожаат қилиб, болаларни баҳсга тортиши лозим. Бунда бола эркин фикрлашга, ўз фикрини бемалол баён қилишга ўрганади, қолаверса, бошқалар фикрини эшитишга, ҳурматлашга ўрганиб боради.

“Шер билан Дуррож” ҳикояти орқали бола ёлғончиликнинг оқибатлари хусусида Дуррожнинг ёлғон гапиришларидан билиб олади. Тарбиячи бу ўринда қаҳрамонларни алоҳида таърифлаб ўтса, яхши бўлади. Шер – бу ўрмонлар шоҳи. У ҳеч нарсадан кўркмайди. Лекин у ўз болаларини ўйлайди. Дуррожнинг у ёқдан–бу ёққа қилган тинимсиз ҳаракатлари болалари тинчлигини бузаяпти. Шунинг учун катта бўлишига қарамасдан Дуррож олдида бош эгиб, у билан дўстлашди. Мана шу ўринда тарбиячи болаларга ўз оналарининг улар учун ҳамма нарсага тайёрлигини таъкидлаб, шунинг учун оналарининг

кадрига етиши, уларни ҳар доим яхши кўриши, ардоқлаш, айтганларини сўзсиз бажариши кераклигини айтиб ўтса, мақсадга мувофиқ бўлади. Вазиятга қараб болалардан навбатма-навбат оналарига қандай муносабатда бўлишлари ҳақида сўраб борилса ҳам, ўринли бўлади.

Дуррожнинг маҳмадонлиги, ўзбилармонлиги, ёлғончилиги ўз бошига кулфат олиб келганлигини тарбиячи образли қилиб болаларга етказиши лозим. Болалардан бу ҳолатга муносабатларини ҳам сўраса, яхши бўлади. Шунда боланинг ёлғон ва ёлғончиликка нафрати ошади, оқибати ёмон бўлишини сезиб ёлғон гапирмаслик лозим, деган фикрни миясида мустаҳкамлайди. Боладаги ростгўйлик хусусиятининг шаклланиши унинг маънавияти юксалаётганлигидан далолат беради.

Хуллас, асарда кўрсатилган ҳар бир ҳикоят бола дунёқарашини кенгайтириб, ундаги инсоний фазилатларни ўстиришда кўмаклашади. Булардан ташқари “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги адаблилик одати, қаноат, саҳийлик тўғрисидаги ҳикоятларни ҳам дастур таркибига киритиш лозим. Уларда акс этган инсоний сифат ва хусусиятлар орқали болалар тафаккури шакллантирилса, мақсадга мувофиқ иш бўлар эди.

НАВОЙШУНОСЛИКНИНГ ФИДОЙИ ТАДҚИҚОТЧИСИ

Ободон Адизова
(БухДУ)

Ўзбек фанининг фидоий тарғиботчиси, таниқли адабиётшунос, филология фанининг йирик билимдони, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Азиз Пўлатович Қаюмов адабиётшунослик, навоийшунослик, манбашуносликка доир кўплаб илмий, илмий-оммабоп асарларнинг муаллифидир. Узоқ йиллардан буён ўзбек адабиётшунослигида пешқадамлик қилиб келаётган олим серкирра тадқиқотчилик маҳорати билан фанимиз ва маданиятимиз тараққиётига самарали улуш қўша олди. У адабий танқидчиликнинг жуда кўп жанрларида ўзига хос услубда ижод қилиб, ўзбек адабиётшунослиги ютуқларини янада кўпайтиришга эришди. Заҳматкаш олим яратган илмий-адабий тадқиқотлар унинг бетакрор истеъдод соҳиби, билимдон ва маҳоратли тадқиқотчи, жонқуяр инсон эканлигидан далолат бериб туради. А.Қаюмов мумтоз адабиёт танқидчилиги анъаналарини садокат билан замонавий шакл ва моҳиятда давом эттирди. Шу билан бирга, соҳанинг ёш олимларига мумтоз адабиёт анъаналарини танитишда ва тадқиқ қилишда, унинг маънавий асосларини ўргатишда катта хизматлар кўрсатиб, ўз тадқиқотчилик мактабини ярата олди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, А.Қаюмов халқимизнинг улуг шoirлари томонидан яратилган асарлар мағзини ҳамда уларга бадиий маҳорат билан сингдирилган илғор ғояларни, умуминсоний тушунчаларни нафақат юртдошларимиз, балки жаҳон аҳлига етказиш орқали Ватанимиз ва миллатимиз донғини оламга ёйишга интилиб келган ватанпарварлардан биридир.

Олимнинг ватанпарварлик туйғуси унинг “Кўқон адабий муҳити” бўйича яратган туркум тадқиқотларида янада жилоланади. Олим ўзи туғилиб ўсган бу макон ва унинг фидоий ижодкор фарзандлари ҳақида сермазмун тадқиқотлар силсиласини яратиб, уларнинг асарларини юзага чиқаришда, шу заминдан етишиб чиққан маърифат ва маънавият, маданият дарғаларининг номини дунёга таратишда алоҳида фидоийлик кўрсата олди. Ҳатто бу олимнинг тадқиқотчилик фаолиятида асосий йўналишлардан бирини ташкил қилади.

А.Қаюмов тадқиқотларида ҳам мумтоз, ҳам замонавий ижодкорлар асарларининг поэтик жозибаси ва мафтункорлиги, образлар таркиби ва ифода услуби, композицион хусусиятлари ва бадиий тили нуктадонлик билан тадқиқ ва талқин қилинган. Бунда олимнинг тадқиқотчилик методларидан янгича усулларда фойдаланишга уринганлиги кўзга ташланади. Айтайлик, олимнинг тадқиқотлари бетакрор услуби, жамиятни ва унинг маънавий юксалиши йўлида юксак пафос билан ижод қилган ижодкорлар

маҳоратини янгича идрок этиш тамойили билан ажралиб туришини инкор қилиш қийин.

А.Қаюмовнинг Ойбек, Ғафур Ғулом сингари улуғ шоир ва адибларимиз ҳақида яратган биографик асарларида бу буюк сиймоларнинг янгидан янги ҳаётий қирралари очиб берилган. Шу сабабдан мазкур асарлар ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

Азиз Қаюмовнинг ҳаёт йўли ва олимлик фаолияти, ижодий жараёни, лабораториясини ўрганиш, адабиётшунослик фани учун ҳамда ёш ижодкор олимлар учун катта мактаб вазифасини ўтайди. Аммо шу пайтгача ушбу масала махсус тадқиқ этилмаган. Қолаверса, бундай инсонлар ҳақида биографик тадқиқотлар яратиш – хайрли иш. Чунки бундай тадқиқотлар ҳозирги ёш авлодга керак. Улар ўз замонасининг илм-фан заҳматкашларини билиши зарур. Замонасининг илму фан фидойилари ўтмишимиз фан алломаларининг ишини ҳозирги кунда ҳам муваффақиятли давом эттиришга эришилганликларидан хабардор бўлмоқлари лозим. Шуни инобатга олиб, ўзбек адабиётшунослигининг жонкуяри, узоқ йиллар мобайнида ўзбек адабиёти тарихини ўзининг янги кашфиётлари билан бойитган ва катта илмий қамровдаги улкан ишларни амалга оширган заҳматкаш олим Азиз Қаюмовнинг тадқиқотчилик маҳоратини махсус ўрганиш муҳим масала эканлигини таъкидлашга тўғри келади.

Ўзбек адабиётшунослигида таниқли адабиётшунос, академик Азиз Пўлатович Қаюмовнинг илмий ва маърифий ижоди моҳияти махсус тадқиқ қилинмаган бўлса-да, узоқ йиллардан буён олимнинг тадқиқотчилик маҳоратига қизиқиш катта. Хусусан, бу қизиқиш унинг тадқиқотларига ёзилган сўзбошиларда ва уларга бағишланган илмий тақризларда, мақолаларда, шунингдек, олимнинг турли йилларда нишонланган юбилей тантаналари муносабати билан чоп қилинган тўпламлардаги дил сўзларда яққол кузатилади.

Жумладан, олимнинг 80 ёшлик юбилеи муносабати билан дўстлари, ҳамкасбларини шогирдлари мақолаларидан тартиб берилган “Фидойи олим ва беназир инсон” тўпламида Азиз Қаюмовнинг ҳаётда ва илмий-ижодий фаолиятда эришган ютуқлари алоҳида эътироф этилган.

Мусанниф М.Имомназаров тузган “Академик Азизхон Қаюмов мактаби”³¹⁶ номли рисолада Азиз Қаюмовни шоир, олим ва мумтоз адабиёт фидойиси қилиб шакллантирган адабий-маънавий муҳит, унинг тарихи ва бугунги куни ҳақида мухтасар маълумот берилган.

Азиз Қаюмовнинг серқирра олим сифатидаги фаолияти, айниқса, унинг ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш соҳасида илгари сурган назарий ва амалий қарашлари, эришган ютуқлари кўпчиликнинг эътиборига ва эътирофига сазовор бўлди. Бу ҳақда академиклар Ғ.Абдурахмонов, И.Искандаров, А.Асқаров, филология фанлари докторлари Ҳ.Абдусаматов, Ш.Юсупов, С.Эркинов, Қ.Маҳмудов, Ҳ.Ҳомидий, С.Мирвалиев, Ў.Шокиров, Ҳ.Дадабоев, С.Ҳасанов, Н.Раҳмонов, Қ.Содиқов, З.Исломов, И.Низомиддинов, Н.Низомиддинов, Н.Жабборов, Н.Жумахўжа, филология фанлари номзодлари Ш.Турдиев, Г.Расулова, Ю.Турсунов, М.Рашидова, С.Самандарова, О.Жўрабоев, таниқли тарихшунос С.Жалилов, шоир Б.Бойқобилов ва бошқалар томонидан айtilган фикрлар диққатга сазовордир.

Ҳатто А.Қаюмовнинг илм-фан равнақи йўлидаги самарали меҳнатлари шеърга ҳам солиниб, мадҳ қилинган. Бу жиҳатдан шоир Барот Бойқобиловнинг “Ҳидоятнома” китобидан ўрин олган туркум рубойлари, олимнинг шогирдлари О.Бўриев ва Р.Шукуровнинг шеърлари фикримиз далили бўла олади.

Хуллас, етук адабиётшунос, меҳнаткаш инсон, ҳалол мураббий сифатида элга танилган Азиз Қаюмов кўпчилик ёшларнинг тафаккури ва маънавиятини юксалтиришда жонбозлик кўрсатган таниқли олим, бағрикенг ва жонкуяр устоз, фидойи мураббийдир. Шунинг учун кўпчилик унинг номини фахр ва ифтихор билан тилга олади. Олим ҳақида ёзилган барча мақолалар, аввало, унинг ижодига бўлган қизиқишни намоён этади.

Биринчидан, у ҳамма биладиган, бошқалар айтиб кетган масалаларни, фикр ва мулоҳазаларни такрорламайди. У ҳамиша янги гап айтишга, янги муаммонинг ечимини тавсия этишга интилади.

Иккинчидан, Азиз Қаюмов ўзбек адабиётшунослигига янги фигураларни, яъни ҳали ҳеч ким билмайдиган ёки кам биладиган шоирлар ҳақидаги қимматли маълумотларни олиб кирди.

316 Фидойи олим ва беназир инсон. Мақолалар тўплами. – Т., 2006. – 96 б.

Учинчидан, Азиз Қаюмов тадқиқотлари кенг қамровлилиги, илмий пухталиги билан ажралиб туради.

Тўртинчидан, ижодкор яшаган давр моҳиятини тўғри илғаб, унинг ижодини ҳаққоний ёритади. Маълумки, баъзи тадқиқотчилар бунда замонасозлик қиламиз деб, ижодкорларнинг фикр-мулоҳазаларини давр мезонларига мослаштириб изоҳлашга уринадилар. Ёки жамият талаблари ўзгариши биланок ўша шоир ва ўша асарни бошқача талқин қилишга ўтиб оладилар.

Азиз Қаюмов тадқиқотларининг қиммати ва аҳамияти шундаки, уларга қатъий асос қилиб шоирларнинг ҳаққоний ҳаёти ва улар ижодининг барқарор омиллари олинган. Шу сабабдан ҳам олимнинг бундан ўттиз-қирқ йил олдин яратган китоблари ҳозирги кунда ҳам аҳамияти ва қимматини йўқотмаган.

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИ

Азиза АЛИБОЕВА (ГулДУ)

Нодира ҒОЗИЕВА (ЎзДЖТУ)

Маънавият – инсон руҳий, ақлий оламини ифодаловчи тушунча. У кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурларини ўз ичига олади. Маънавият атамаси асосида “маъни” сўзи ётади. Маълумки, инсоннинг ички ва ташқи олами мавжуд. Ташқи олами унинг бўй-басти, кўриниши, кийиниши ва хатти-ҳаракатлари киради. Ички оламига эса унинг яшашдан мақсади, фикр юритиши, орзу-истаклари, интилишлари, ҳис-туйғуларини ўз ичига олади. Инсоннинг ана шундай ички олами маънавиятдир. Маънавият ва ахлоқ бир-бири билан боғлиқ бўлиб бир-бирини тўлдиреди.

Зеро, жамият ривожланиши фақат унинг иқтисодий тараққиётидангина эмас, балки маънавий юксалишини ҳам тақозо этади. Ҳар қандай мафкура каби Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири ҳам жамиятда маънавий-ахлоқий қарашларнинг устуворлигига эришиш саналади. Ижтимоий тарбиянинг бошқа турлари каби маънавий-ахлоқий тарбия асосини ҳам илғор миллий, маънавий-ахлоқий қадриятлар, халқ педагогикаси ғоялари ташкил этади.

Маънавият шахс, халқ, давлат ва жамиятнинг куч-қудрати, тараққиёти, имкониятлари ва истиқболларини белгилаб берувчи ички ижобий, руҳий омилдир.

Маънавият (арабча “маънавият” – маънолар мажмуи) моҳиятига кўра илтимой тараққётга ижобий таъсир ўтказувчи фалсафий, ҳуқуқий, илмий, ахлоқий, диний тасаввур, тушунча ва ғоялар мажмуи ҳисобланади.

Маънавият соҳасида ижобий ечимини таъминлаш зарур бўлган асосий вазифани кўрсатар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйидагиларни таъкидлайди: “Бу соҳадаги асосий вазифамиз – миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни аниқлаш, миллий ғоя ва мафкура-ни шакллантириш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш, ўзлигимизни англаш”.

Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тош ёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналар хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минерология, кимё, астронимия, меъморчилик соҳаларига оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан кам топилади. Тарихий ёдгорликлар намуналари билан яқиндан танишар эканмиз, уларда ифода этилган теран фикр ва ғоялар, маънавий- ахлоқий қарашлар, ҳаёт фалсафаси бизни бугунги замонамизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганига амин бўлаемиз.

Алишер Навоий ўз ижодий фаолиятида ахлоқ ва одоб масалаларига алоҳида эътибор беради. Улуғ шоир ахлоқ, одобнинг моҳияти ҳақида шундай дейди:

“Адаб–кичик ёшдагиларни улуғлар дунёсига сазовар этади. Дуо баракати улардан бахраманд қилади. Адаб кичкиналар меҳрини улуғлар кўнглига солади ва у муҳаббат кўнглига абадий бўлади, ёшларни кўзга улуғ кўрсатади, уларнингюруш–туришини халқ билади, одамлар томонидан бўладиган ҳурматсизлик эшигини бекитади. Кишиларнинг ҳазил-мазаҳидан ва камситишидан сақлайди. Киши табиатини инсонлик йўлга солади ва одан мижозига одамгарчилик манзилига ором беради, кичикларга ундан бир мунча натижа ҳосил бўлгач, катталарга аллақанча бўлишини кўрсатади. Адаб муҳаббатга безак ва пардоз беради, адаб таркидан дўстликнинг равнақ ва баҳоси кетади. Адаб ва тавозе дўстлик кўзгусини ярқиратади, икки томондан ёруғлик етказади”.

Алишер Навоийнинг фикрича, одоб одамнинг олийжаноб фазилатларидан биридир. Одоби киши очик юзли, хушмуомала, ёқимли бўлади. Бундай кишилар учун иккиюзламалик, кўполлик ётдир. Одоби одам доимо ҳурмат ва иззатда бўлади. Ота-она, ака-ука, опа-сингилни, дўстликни ҳурмат, иззат қилмоқ- ҳар бир одобли кишининг бурчидир.

Алишер Навоий ҳар бир кишидан ёқимли, назокатли, очик чеҳрали ва хушмуомала бўлишни талаб этади.

*Ҳар кимгаки, давр ичида донолик эрур,
Ҳилм ила ши анга мажлис оралиқ эрур,*

яъни ақли, доно киши ҳаёли, камтарли, ширин муомалали, яхши хулқли бўлади,- дейди.

Ширин сўз ҳар бир киши учун энг яхши фазилатдир. Дағаллик билан муомала қилиш энг ёмон ҳислатдир. Инсон камолатининг фазилатларидан ҳисобланган адолат тушунчаси ва адолат туйғуси. Алишер Навоий донишмандлигининг асосини ташкил этади. Унинг фикрича, онгнинг мавжудлиги адолатнинг мавжудлигидир. Ахлоқ ғояси боланинг маънавий тарбияси ва етуқлигининг асоси ҳисобланади. У шундай дейди: “Одоби инсон барча одамларнинг яхшисидир. Барча халқлар учун ёқимлидир. У мансабдор кишилардан гўзалроқ ва бадавлат одамлардан ҳурматлироқдир. Одоби одам ўз тенгдошлари орасида ҳам таҳсинга сазовар бўлиб ҳеч қандай эҳсон бермай каттадан кичик, ҳаммани шод этади, ҳеч қанақа ҳадя қилмай, кишиларнинг ғамини тарқатади.”

“Одоб меҳр-муҳаббатнинг зеб-зийнатидир. Одобсизлик–дўстликка путур етказади. Одоб дўстлик ойнасига жило беради ва икки орага ёруғлик бағишлайди”. У ўз ижодида одамларни карамли, саховатли ва ҳимматли бўлишга ундайди ва ёшларни ҳам шундай фазилатлар эгаси этиб тарбиялашга ундайди.

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА БОТИНИЙ ИЛМ ТАЛҚИНИ

Зилола АМОНОВА

(БухДУ)

Маълумки, тасаввуфда илм зоҳирий ва ботиний каби турларга ажратилган. Зоҳирий илм деганда дунёвий ва диний илмлар тушунилади. Ботиний илм – бу маърифатуллоҳдир. Сўфийлар фикрига кўра, дунёвий билим илоҳиётни англаш учун ожиздир. Мутасаввифлар илмул яқин, айнул яқин, ҳаққул яқин каби билим босқичларига тез-тез мурожаат қилганлар. Биринчи босқич таҳсил олиш билан ўрганиладиган билим бўлса, иккинчи босқич солиқнинг ўзи иштирок этадиган тажрибавий билимни англатади. Учинчи босқич бевосита солиқнинг ўзи тажриба воситасига айланиб, Оллоҳни англаш билимидир. Демак, Оллоҳга етишиш ва Унинг маърифатидан воқиф бўлмоқ учун камол мартабасидаги илм зарур. Ҳуруфийлар “**Лом**” ҳарфи билан айна шу илмга ишора этганлар[5,186]. Алишер Навоий ижодини кузатадиган бўлсак, унда ботиний илмларни ҳуруфийлик нуқтаи назаридан баҳолаш тамойили устуворлик қилади. Улуғ мутафаккир тасаввуфий тимсоллар ва “**Лом**” ҳарфи воситасида илоҳий-ирфоний ғазаллар яратган. Мисол тариқасида “Бадойиъ ул-бидоя”даги ғазални таҳлилга тортсак:

*Равшандурурки, меҳр юзунгдин олур сафо,
 Йўқса, не ваях ила қамар андин топар зиё?
 Ғарқи муҳити ишқинг эди жон ила кўнгул,
 Ул дамки, руҳ эмас эди тан бирла ошно.
 Гулда юзунг латофатидин ранге кўрмаса,
 Булбулга не эди бу фиғон бирла, бу наво?
 Бир зарра оғзи рамзини ҳар кимки англади,
 Йўли адам тариқидуру зоди раҳ – фано.
 Ул зиндадил ҳаёти абад васлидин топар,
 Ким неши ғамни нўш деру дардни даво.
Ломики, васл аёғига топмиштур иттисол,
 Ул “**лом**” дурки, ўртага олмиши они “бало”.
 Ўздин қутул, Навоийю мақсадга етки, қуш
 Етмас чаманга, бўлса қафас ичра мубтало[1,64].*

Ғазалда ишқ инсон ҳаётининг мазмун моҳияти сифатида тилга олинган. Бу ишқ шунчаки инсоний эмас, илоҳий ишқ ҳамдир. Навоий ижодида бу икки тушунча бир-биридан айри ҳолда эмас, балки бири иккинчисини тўлдириб боради. Зеро, навоийшунос олим Ё.Исҳоқов таъкидлаганидек, “Навоий ижодида мажозий ишқ ҳақиқий ишқдан алоҳида олиниб, унга қарама-қарши қўйилмайди. Балки мажозий ишқ ишқи ҳақиқийнинг бир кўриниши ёки ҳақиқий ишқ йўлидаги ўзига хос бир босқич сифатида баҳоланади”[4,23]. Шоир назарида гўзал маҳбуба юзи меҳр (куёш) учун “сафо”, қамар (ой) учун эса зиё маскани. Ёр ишқи ошиқ “жони ила кўнглини” шу даражада забт этганки, ҳатто бу ишқ “руҳ бирла тан ошно” бўлмасдан аввал уни ғарқ айлаган. Маъшуқа - соҳибжамол, латофат эгаси. Модомики шундай экан, боғдаги нафис гуллар ҳам латифлигу жозибани ёр юзидан олган. Бу эса булбулнинг фиғону нолалар чекишига сабаб эди. Ғазалнинг тўртинчи байтидан бошлаб, орифона руҳ қуюклашиб боради. Шоир ҳар бир зарра – бўлак, бутуннинг рамзи эканлигини англаган кимсагина “йўли адам”да йўловчи бўла олишига диққатни қаратади. Айни тарик аҳли учун “зоди раҳ” (йўл озуғи) – фано босқичи.

Дарҳақиқат, фанога эришган солиқ – “зиндадил” – қалби тирик, қалби уйғоқ саналади. У “абад ҳаёт”ни фақат васлдан топади. Аммо бу учун “ғамни нўш этиб”, ўз “дардига даво топар”. Шоир “васл” сўзининг охириги ҳарфи **лом**ни шунчаки эътироф этмаган, чунки солиқнинг хусни мутлақ васлига эришмоғида “**лом**”нинг (ботиний илмнинг) ўрни бекиёс. Шунингдек, “бало” сўзи ҳам “**лом**” орқали юзага келган. Луғавий маъноси қайғу-изтироб бўлган бу сўз тасаввуфий истилоҳда Ҳақ таолонинг ўз қулини таниши демақдир. Оллоҳ ошиғини изтироб ва азобга қўйиши – солиқнинг юксак мақомга эришмоғидан далолатдир. Демак, байтда **Лом**га (маърифатуллоҳга) комиллик калити сифатида эътибор қаратилган. Шу ўринда “мақсадга етмоқ”ликда “ўздин қутулмоқ” – ўлмасдан бурун ўлмоқ ҳам энг эътиборли жиҳат сифатида ғазал мақтабида зикр этилади. Зеро, “қуш ҳам етмас чаманга бўлса қафас ичра мубтало”.

Кўрганимиздек, “**Лом**” – ботиний илм бўлса, “**Айн**” эса ушбу илмда собит қолмоқликка даъватдир [3,196]. Солиқ илм машаққати ва заҳматларини матонат билан енгса, ғайб асрорларини англаш бахтига муяссар бўлади:

*Кўзимки қон аро бўлди ниҳон ажаб эрмас,
 Ки **айн**га чу дам ўлди қарин адам қилди [2,459].*

Байтда ҳам ваҳдатга тўсиқ бўладиган парда (қон)ларни олиб ташлаш ва Оллоҳ сир-у синоатларини билмоқлик “**айн**” орқали юзага келиши мумкинлигига эътибор қаратилган. Шунингдек, адам сўзининг “**айн**” билан ёзилишига эътибор қаратган шоир, ушбу ҳарф инсонлар учун охираат мағфиратини қозонишда аҳамиятли эканлигини назардан четда қолдирмаган.

Алишер Навоийнинг юқорида таҳлил этилган сатрларида араб алифбосидаги “Лом” ва “Айн” ҳарфларининг ботиний маънолари асосида комиллик мартабасидаги илм ва ушбу илмда собит қолмоқликка даъват масаласи ёритилган. Мазкур жиҳат мутафаккир шоирнинг хуруфийлик тариқати билан боғлиқ тасаввуфий қарашларини ўзида акс эттиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Мукамал аасрлар тўплами. I том. – Тошкент, Фан, 1987. – 64- бет.
2. Алишер Навоий. МАТ. III том. – Тошкент, Фан, 1988. – 459 бет.
3. Ceylan Ömür. Böyle buyurdu sûfi: Tasavvuf va şerh edebiyati araştırmaları. – Istanbul, 2005. – 196 s.
4. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – 23-бет.
5. Keklik Nihat. Ibn ül - Arabî'nin el - Futuhat el - Mekkiyye eserleri ve kaynakları için şerh. – Istanbul, 1974. – 186 s.

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “НАЗМУЛ-ЖАВОҲИР” АСАРИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА АЙРИМ МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

Ҳошимжон АҲМЕДОВ
(ТошДЎТАУ)

Маълумки, Алишер Навоий ижоди ҳамма даврларда ҳам энг аҳамиятли мавзулардан бўлган. Узлуксиз таълимнинг барча босқичларида улуғ шоир ижоди мунтазам ўрганилади. Унинг кичик жанрдаги шеърларидан тортиб, то “Хамса” дек монументал асарларигача бизда атрофлича ва синчиклаб тадқиқ этилмоқда. Бу – табиий. Айни вақтда таълим жараёнларида илм олишнинг энг самарали усулларини излаб топиш жуда муҳим бўлиб қолмоқда.

“Назм ул-жавоҳир” (“Назм гавҳарлари”) ҳазрати Али (р.а)га нисбат бериладиган “Наср ул-лаолий” (“Наср инжулари”) деган насрий асар тадқиқига бағишланган. Соддароқ айтганда, унда берилган ҳар бир ҳикматга биттадан рубойи битилган, жами бундай рубойлар – 266 та. Диний тарихимиздан маълумки, Муҳаммад (с.а.в.) кувълари ҳазрати Алига кўп насиҳатлар (васиятлар) қилганлар. Хулоса қилиш мумкинки, “Наср ул-лаолий” – набийи муҳтарам (Авлоний) билан мулоқотлардан туғилган фикр инжулари бўлиши ҳам эҳтимол. Ўз-ўзидан биз учун бу битиклар янада фавқулудда аҳамият касб этади.

Бас, шундай экан, уни таъсирчан усуллар орқали ўрганиш масаласи ўртага чиқади. Алишер Навоий “Мукамал асарлар тўплами”нинг 15-томида мазкур асар изоҳ ва ҳикматларнинг таржималари билан берилган (Тошкент. “Фан” нашриёти, 1999. Нашрга тайёрловчи – Суйима Ғаниева). Айтиш жоизки, ҳикматлар ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Бизнингча бу асарни қуйидаги усуллар билан ўрганилганда муайян натижаларга эришиш мумкин: 1. Рубойлардан ёдлаш. 2. Ҳикмат ва рубойни таққослаб - шарҳлаб ўрганиш. 3. Луғат устида ишлаш. 4. Бир томонга ҳикматларни ёзиб, шуларга мос келган рубойни топиш – мусобақа усулини қўллаш. 5. Ҳикматларга мос тарихий воқеа ёки шахсларни мисол келтириш. 6. Алоҳида ифодали ўқиш усулини қўллаш ва ҳоказо.

Энди навбат рубойларни мавзулар бўйича танлаб олишга. Бундан олдин ҳикматларнинг таржима-сига қаралса, танлов бироз осонлашади. Масалан, қуйидаги ҳикматларни шарҳлаш қизиқарлироқ:

1. Фалокат етганда ёрдамга келган киши – биродаринг.
2. Умрнинг баракаси чиройли амаллардадир.
3. Отангга риоя қил – болангдан қайтади.
4. Севимли кишини кўриш – кўзни равшан қилади.
5. Яхшилик – узрлик бўлиш билан комил бўлади, ва ҳоказо.

Хуллас, ҳар бир муаллим ўз иқтидори ва салоҳиятидан келиб чиқиб, аудиториянинг қизиқиш – эъ-

тиборини ҳисобга олиб, ҳикмат ва рубоийларни ранг-баранг усулда ўтиши мумкин. Бир мисол билан чекланамиз. Биринчи ҳикмат рубоийси:

*Қардошинг эмас улки, қўюб бош санга,
Давлат чоғи қилгай ўзни қўлдош санга.*

*Ким, қилди қатиглигда вафо фош санга,
Ул бўлди ҳақиқат ичра қардош санга.*

Яъни баъзида бошга иш тушганда қариндош-уруғ ёрдам беролмаслиги мумкин. Ана шунақа пайтда ёрдамга келган киши ҳақиқий ака ёки уканинг ишини қилади, шу эзгу иши билан бир умрлик кадрдонингга айланади. “Улуғбек хазинаси” романида Улуғбекка Али Қушчи, “Юлдузли тунлар” романида Бобурга Тоҳир ва Ҳиндубек, “Ўткан кунлар” романида Отабекка Уста Алим, “Навоий” романида Навоийга Шайх Баҳлул – ана шундай кишилардан.

Деярли ҳар бир ҳикматнинг ҳаётдаги мисолини исботлаб, кўрсатиш мумкин. Ҳар бир рубоий шарҳи учун мультимедиа ишланмаси ёки “РР” усулидан фойдаланиш мумкин. Ифодали ўқишни яхши йўлга қўйиш учун Афзал Рафиқов, Санжар Саъдуллаев, Насиба Қамбарова каби сўз усталарининг аудиоёзувларидан фойдаланиш мумкин. Мусиқа, кўшиқ, шеър завқини биратўла ҳис қилиш учун эса Улуғбек Раҳматуллаевнинг Навоий ғазали билан айтган “Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санго” кўшиғини эшиттириш мумкин. Ҳозирги кунда бу хонанда анча таниқли. Қолаверса, кўшиқ сўнгида Санжар Саъдуллаев ғазални бошдан охиригача ифодали ўқиб берган.

Хулоса қилиб айтганда, таълим ва тарбия жараёнида ҳазрат Алишер Навоий ижоди бизга беминнат хизмат қилаверади, фақат ўрганишни уддаласак, бас.

НАСЛЕДИЕ ВЕЛИКОГО ПОЭТА- ДУХОВНОЕ ДОСТОЯНИЕ ВСЕГО ЧЕЛОВЕЧЕСТВА

Фания АХМЕДШИНА
(ДжГПИ)

Алишер Навои является одним из величайших личностей, оказавших огромное воздействие на формирование духовности не только своего народа, но и многих народов мира. Его заслуженно считают одним из ведущих представителей мировой литературы, выдающимся мыслителем. Навои, наряду с такими классиками мировой литературы, как Гомер, Данте, Шекспир, Фирдоуси, Низами и др. оказал большое влияние на развитие не только восточной, но и западной литературы.

Поэзия Навои воспевая благородство, щедрость, справедливость, терпеливость, умение противостоять трудностям, осуждая вражду, зависть, ненависть, зло, скупость, жадность, ложь и другие отрицательные человеческие качества призывает человека стремиться к совершенству, жить благими делами. Навои призывает оценивать человека не по национальной, половой или религиозной принадлежности, а по его человеческим качествам. Потому и в произведениях его воспеты герои разных наций и вероисповеданий, представители многих народов.

Навои был первым гениальным поэтом, открывшим миру необычайно образный мир тюркского языка, его богатство и изящность. Его “Хамса” стало первым произведением созданным на тюркском языке. Захириддин Мухаммад Бабур с восхищением отметил: «нет человека, подобного Алишербеку. Никто, подобно ему, не знал столь основательно тюркского языка и так не слагал стихи».

Язык поэта отличается от языка созданных до него тюркских произведений своим богатством и разнообразием. Он заложил основу эволюции тюркского языка и последующего его прогресса и одновременно внес весомый теоретический вклад в развитие общего языкознания. В его произведении

«Мухокаматул лугатайн» вопросы языка и теории языка проанализированы на уровне современных требований.

Произведения Навои были широко известны не только в Мовароуннахреи Хорасане, но и в Турции, Иране, Азербайджане, Индии, Восточном Туркестане и других краях. Его произведения переведены на многие языки и издаются во многих странах. Ученые Ирана, Афганистана, Индии, Пакистана, Бангладеш и др. стран создали научные произведения, повести, романы, художественные фильмы, музеи о жизни и творчестве Навои. Вышедшие в свет творения поэта на китайском языке, его диван на русском языке, ставшие афоризмами высказывания на персидском, английском, немецком, французском, испанском, японском и других языках, изданное в Иране издательством «Алхудо» на пяти языках произведение Алишера Навои «Назмун жавохир», опубликованное подарочное издание на украинском языке «Фархад и Ширин» — яркий пример неугасаемого интереса к наследию Навои, творчество которого является духовным кладом всего человечества.

К творческому наследию выдающегося мастера слова проявляют интерес и западные исследователи. Произведения Алишера Навои были известны в Европе еще в XV-XVI веках. В XVIII-XIX веках французские и английские востоковеды перевели некоторые произведения Навои, глубоко изучали его гуманистические взгляды. В изданных в Европе, США и Канаде многочисленных научных и литературных трудах отмечается выдающаяся роль Навои в развитии науки и культуры. Американский переводчик Е. Фитцджеральд перевел произведение Навои «Лисон ут-тайр» («Язык птиц») и в 1899 году издал его в городе Бостоне. Иностранные ученые оценивают трактат Навои «Мухокамат ул-лугатайн» («Спор двух языков») как «классический образец сопоставительного языкознания».

В 1806 году под влиянием произведений Навои немецкий ученый Геммер Пургшталл создал произведение «Ширин», 1818 году – «Записи о Навои». Сегодня в Германии навоиведение получает все большее развитие. В частности, насостоявшемся в 2001 году в Берлине симпозиуме, посвященном творчеству Навои, анализировались исследования в данном направлении.

Алишер Навои оказал большое влияние на развитие азербайджанской литературы. И сейчас многие азербайджанские поэты считают себя последователями художественной школы, созданной великим Алишером Навои.

«Алишер Навои в Азербайджане стоит в одном ряду с Низами и Физули, его труды тщательно изучаются историками нашей страны, а оригиналы произведений, переведенные на азербайджанский язык, бережно хранятся в архивах Института рукописей. Важно отметить, что наши мастера пера любят его не меньше, чем в Узбекистане. Навои почитают и принимают в качестве наставника, оказавшего значительное влияние на развитие азербайджанской литературы», — отметил вице-президент Национальной академии наук Азербайджана Иса Габиббейли.

О жизни и творчестве Навои в Азербайджане написаны десятки книг, диссертаций и статей. В прошлом веке десятки произведений Алишера Навои были переведены на азербайджанский язык, проводились исследования, созданы многочисленные монографии, научные труды. Великий мыслитель узбекского народа с высоким уважением относился к творчеству Низами, в его произведении «Мажолис ун-нафоис» («Собрание избранных») большое внимание уделяется азербайджанским поэтам. Знаменитый азербайджанский поэт Мухаммад Физули считал Навои своим учителем, высоко оценивая творчество Алишера Навои, считал его «Султони салотини шуъаро».

В Азербайджане в 1902 году впервые было издано переведенное на азербайджанский язык книга Навои «Мухокамат ал-лугатайн». С 1907 года началось углубленное изучение его творчества, которое продолжается по сей день. В 1926 году в Баку была проведена первая международная конференция, посвященная 485-летию со дня рождения Алишера Навои, изучению его творчества.

В Азербайджане исследованием творчества Навои занимаются специалисты Института литературы имени Низами, а также отдела персоязычных рукописей Института рукописей Национальной Академии наук Азербайджана. Азербайджанскими учеными исследованы, переведены, опубликованы,

каталогизированы, составлены научно-критические тексты произведений Алишера Навои.

В настоящее время в Институте рукописей хранятся многие сборники его произведений на узбекском языке. Среди них особенно ценными являются «Бадай ал-бидайа», «Навадир-ан-нихайа», «Гараиб ас-сигар» и «Фаваид ал-Кибар».

В своих произведениях Навои гуманизм, толерантность, милосердие, патриотизм, любовь к людям, идеи добра и справедливости поднял на уровень высшей оценки человеческой души. Поэтому его творчество оказало большое влияние на духовное развитие многих народов мира.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Вечный источник высокой духовности <http://www.uza.uz/ru/society/vechnyi-istochnik-vysokoi-dukhovnosti-28.09.2011-16470>
2. Международная конференция в Баку, посвященная творчеству Алишера Навои <http://uzbekistan.or.kr/ru/международная-конференция-в-баку-пос>
3. Любовь к восточной литературе <http://www.anl.az/down/meqale/kaspi/2010/oktyabr/137986.htm>
4. Роль Алишера Навои в мировой культуре <http://narodnoeslovo.uz/index.php/homepage/madaniyat/item/8851-rol-alishera-navoi-v-mirovoj-kulture>

НАВОИЙ ИЖОДИДА «СЎЗ» ИСТИЛОҲИНИНГ МАЪНО ТОВЛАНИШЛАРИ

Абдимурод АРСЛОНОВ
(ТерДУ)

Алишер Навоий шоирларнинг бадий маҳорати масаласига эътиборни қаратганда биринчи галда «Сўз» истилоҳига урғу беради. А. Ҳайитметов, В. Зоҳидов, Б. Валихўжаев ва бошқа олимлар изланишларида бу истилоҳнинг айрим томонлари ҳақида фикр билдирилган. Навоийдаги «Сўз» истилоҳи ранг-баранглиги, мазмунан кенглиги билан алоҳида ажралиб туради. Бундан ташқари, Навоий каерда «Сўз»ни ишлатар экан, у қайси мазмунда келишидан қатъи назар, адабиёт ва у билан боғлиқ соҳалар ҳақида ҳам фикр юритади.

Навоий замондошлари ва салафлари бадий асарларини номлашда, улар ҳақида фикр юритганида умумлашма ифода сифатида «Сўз»дан фойдаланади. Модомики, Навоийнинг бадий асарга бўлган қарашлари кўпинча назм ҳақида экан, «Сўз» ҳам аксар пайтда шеърини асарни ифодалаб келган. Шоир:

Донаи дур сўзини афсона бил,

Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил.

– дер экан, биринчи навбатда, бадий сайқал олган шеърини асарни назарда тутати.

Худди шу хусусият Навоийнинг Низомий, Дехлавий ва Жомий асарларини баҳолашда ҳам кўринади. Навоий салафларининг ҳар қандай бадий асарини «Сўз» деб атайти. Лекин «сўз авжи» ибораси бошқачароқ маъно касб этган. Энди бу одатдаги асар эмас, балки воқеалар ривожини, бадий юксаклик билан фарқ қилиб турувчи асардир. Бунда Навоийнинг Низомий ва Дехлавий ижодига бўлган муносабати келиб чиқади: Навоий бошқа адиблар асарларинигина «Сўз» деб атамаган. У ўз асарларини ҳам шу сўз билан ифодалайди:

Сўзингни яхши кўрарсан ўзинг,

Кўринмас ёмон чун эрур ўз сўзинг.

Ёки:

Сен ўзингни тонимас эрмишсан,

Ўз сўзингни тонимас эрмишсан.

Яна бир мисол:

*Навоий сўз айтурда фарзона бўл,
Шу иш бошингга тушти, мардона бўл.*

Юқоридаги уч мисолга диққат билан қарасак, «Сўз» истилоҳи орқали шоир ўз «Хамса»сидаги дostonларни назарда тутмоқда.

Кейинги байтда ҳам Навоийнинг бадий асарга муносабати, адиб маъсулияти ҳақидаги фикри баён этилган. Улуғ шоир асар яратишдан олдин энг биринчи навбатда ижодкор ўзини таниши, яъни бадий истеъдоди, қобилияти, имконияти, ўз шахсиятини давр талабига мос ҳолда адолат тарозисига солиши лозим, аниқроғи, шоир айтгандек «ўзини таниши» лозим, фақат шундагина у ўз «Сўз»ини - асарини танийди, яъни у яратган асарининг бадий салмоғини англайди.

Учинчи байтда эса, Навоий гўё ўзини ўзи огоҳликка чақиради, аниқроғи улуғ шоир ўз асарларини яратар экан, ўқувчи олдида турк тилида яратилаётган илк дostonларининг келгуси тақдирини ўйлайди. Шоир ўзини бадий юксак, салафлари ижодига ҳар томонлама баробар асарлар яратишига чоғлайди. Бу меҳнат, машақатларнинг олдида мард туришга ундайди. Кўриниб турибдики, бунда ҳам Навоий «Сўз» орқали умуман ижодкор бурчи, бадий асар салмоғи, ўқувчи олдидаги маъсулиятни назарда тутмоқда.

Алишер Навоий асарларида «Сўз» аксар назмий асарларни ифодалашда қўлланилса-да, насрий асар ёки адиб ижодида мавжуд барча асарларни ҳам шу истилоҳ орқали ифодалашини ҳам кўрамиз. Масалан, у жами ижодини баҳолаб, назм, наср ва бошқа насрий асарлари ҳақида гапирмасдан барчасини «Сўз» деб ифодалайди. Навоий Жомий ижодини адабиётдаги ўрни ҳақида гапириб «сўз иқлими» иборасини ишлатади. Энди бунда гап фақат Жомий асарлари ҳақида бормайди. Навоий талқинидаги «сўз иқлими» Жомийнинг адабиётдаги мавқеини баҳоловчи фикр сифатида келган.

*Кўлига олиб найза ўрнига қилк,
Сўз иқлимини сарбасар қилди милк.*

Агар юқоридаги мисолда Навоий томонидан Жомий бутун «сўз иқлими»ни эгаллаган адиб сифатида баҳоланган бўлса, куйидаги мисолда Дехлавий «Сўз»и – асарларининг доврўғи Ҳиндистоннинг гултожи эканлиги таъкидланган. Навоий бунда Дехлавий асарларига ҳам юксак ишонч, муҳаббат билан қарар экан, шоирнинг Ҳиндистондаги адабий, маданий йиғилишларда тилга олинганлиги, хурмати, асарларининг бадий баркамоллиги, мазмунан пишиқлигига ишора қилади.

Навоий бошқа бир жойда «Сўз»ни дурга ўхшатади ва кўнглини дарёга ташбеҳ беради. Бунда ҳам «Сўз» бадий асардир. Аммо бу «Сўз» бадий асар маъносида келган бошқа «Сўз»лардан ўзининг «дур»лиги билан фарқ қилади. Бунда Навоий бадий жиҳатдан юксак бўлган асарни назарда тутиб дейди:

«Сўз дурредурким анинг дарёси кўнгулдур...»

«Муҳокоматул-луғатайн» асарида келган юқоридаги фикрини давом эттирган Алишер Навоий «Сўз»нинг ижтимоий-ахлоқий моҳиятини очишга, унинг кишининг ички дунёси ва муҳит билан бевосита алоқада эканлигига киши диққатини тортади. Бунда олим Навоий «*сўз дуррининг тафовути мундан доғи бағоятроқ ва мартабаси мундин ҳам бениҳоятроқдур*», - дер экан, инсонни инсон этувчи, уни ҳайвонот оламидан фарқловчи бош хусусияти ўзаро муомала ва муносабатда ана шу «Сўз» – фикр билдириши, муомалада бўлишида, деб ҳисоблаган.

Навоий асарларида «сўз аҳли» ибораси мавжуд. Улуғ шоир бу бирикма орқали адабиёт, тарих, умуман маърифат ва қалам аҳлини тушунади. Навоий фикрича, «Сўз» аҳлининг фикр-қарашлари, давр ноҳақликларига муносабати, муросасизлиги ҳар қандай адолатсиз кучларни кулини кўкка совуришга, барча даҳшатлар, зулмни яқсон қилишга қодирдир: «... Ва сўз аҳлининг дами бир елдурки, аноният хошогин совурур ва ғазаб туфроғин супурур...».³¹⁷

317Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик 14 том. «Фан» нашриёти. Тошкент —1998

Бу мисол яна бошқа ғоявий томони билан ҳам характерлидир. Навоийнинг ижодкорнинг жамиятдаги ўрни унинг киши онгини юксалиши, шакилланишда, умуман жамиятдаги бошқа касб-тойфа ва мансабдаги кишилардан фарқли ўлароқ, ҳақиқат «Сўз»ига эга эканлиги, бу сўз агар керак бўлса салтанатлар ва тузумларни ўзгартириш, “аноният хошокини созуриши” мумкин. Навоий ижодини диққат билан кузатар эканмиз, унинг бутун асарлари бўйлаб ёрқин чизик бўлиб ўтган ғоя – аҳли адаб ва олимларни жамият суяниб турган бош устун сифатида тушиниши ва талқин этишининг гувоҳи бўламиз.

Навоий ўз даврининг ислом ақидасига содиқ кишиси сифатида тасаввуфий дунёқарашга эга эди. Шунинг учун у олам ва одамнинг пайдо бўлиши, жамият тараққиёти ҳақида тасаввуфий фикр юритади. Шак-шубҳасиз унинг ўз фикрини баён этишдаги қарашларда ҳам шу дунёқарашнинг таъсирини кўрамиз. Айниқса:

Сўз келиб аввалу жаҳон сўнгра,

Не жаҳон, кавн ила макон сўнгра, – деганида бу яққол гавдаланади. Унингча, тил фақат муомала, фикр алмашиш воситасигина эмас, балки инсонни ҳайвонот оламидан ажратувчи, бошқа тирик мавжудотдан фарқ қилувчи воситадир.

Навоий тил инсон учун зарурлигини таъкидлар экан, унинг жон билан ажралмаслигини алоҳида уқтиради. Унинг фикрича, одам тилга эга бўлмасдан олдин ўликдан фарқ қилмасди, фақат тилгина унга тириклик бахш этди, ҳақиқий ўлими ҳам ўшандагина содир бўладиган бўлди:

Шу жисм ичра жон йўқдурур, ул йўқдурур,

Яна жонга онсиз бу ҳол йўқдурур.

Башар хайлига тил тутилган замон,

Тириклик ҳамон келди, ўлмак ҳамон.

Бизнингча, юқоридаги тўрт мисрада Навоий дунёқарашининг муҳим томонларидан бири ўз аксини топган. Зеро шоир инсонни инсон бўлиши, уни ибтидоий жамиятдаги онгсиз, тилсиз мавжудотдан аниқ ажратиб бермоқда. Шоирнинг одам фақатгина ўз фикрини ифода эта олгандан, унинг онгида мантиқий занжир вужуди келгандан кейингина инсонга айланди, деган фикри - юксак фалсафий, мантиқий ҳаётий ва ниҳоят илмий ҳамдир.

Бундан ташқари, Навоий фақатгина одамлар орасидаги умумий муносабат – сўзлашувнинг пайдо бўлишини таъкидламоқчи эмас, унда балки инсонни инсон даражасига етказган, одамдек улуғвор вужудга айлантирган «Сўз»га, тилга эҳтиром, уни ишлатишга эҳтиёткорлик, шу тил туфайли бадиий асарни кадрлаш каби ғоялар ҳам мавжудки, бу шак-шубҳасиз давр кишиларини тарбиялаш, уларда адабий эстетик завқни оширишда маълум рол ўйнаганлиги аниқ.

Улуғ адиб тилнинг ижтимоий заруратини қайта-қайта таъкидлайди. “Сўз”сиз ҳаётда гўзаллик, ривож бўлиши мумкин эмас. Тилни «Сўз» билан ифодалаган шоир сўзнинг моҳиятини, ҳаётий заруратини усталик билан ечиб беради:

Жисм бўстонида шажар сўздир,

Рух ашторига самар сўздир.

Бўйла булбул навоси сўздир бас,

Нағмаи жонфизоси сўздир бас.

Демак, булбул фақат сўз орқалигина киши қалбини сеҳрлайди, жонфизо байтларни тизиб ўзига хос «нағма» - санъат кўрсатади.

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, Навоий «Сўз» орқали кишилар орасидаги алоқа восита бўлган тилни билган.

Навоий «сўз орқали нутқни ҳам ифодалаган. Маълумки, Навоий давридан олдин ҳам Шарқда нотиклик санъати энг муҳим касб, соҳалардан бири бўлган. Қадимги Юнонистонда сўз санъатининг

бу соҳасига жуда катта эътибор берилган, дарслар ўтилган. Навоий даврида ҳам нотиклик – воизлик санъатига аҳамият берилиб, шу санъат назарияси, қоидалари ҳақида алоҳида китоблар битилган. Хусайн Воиз Кошифий, Муин Воиз бу касбнинг машҳур вакиллари эдилар.

Воизлик санъати нотикдан сўз санъатига эга бўлиш, юксак мантиққа риоя қилиши, нутқни эшитувчига таъсирчан қилиб етказишни талаб қилар эди. У даврда жуда кўп воизлар диний мавзуларда чиқиш қилиб, ислом идеалогиясини тарғиб қилганлар. Баъзан дунёвий, ахлоқий, мавзулар ҳам нотикларнинг нутқ мазмунини ташкил қилган.

Навоий фақат мантиқан чуқур фикрни ифодалаган нотикликнигина ёктиради. Агар сўз рангин бўлса, кишига тез таъсир қилади, нотикнинг меҳнати зое кетмайди:

Чиқса тошқари тан саройидин

Балки халқум танг нойидин.

Солди андоқ жаҳонда гавгоя

Коинот ичра бир алооя.

Агар шу «Сўз» бўлмаса-чи? Унда «атаб бало» юз беради, нутқ булбули навосиз, ёқимсиз бўлиб қолади:

Бўлмаса сўз атаб бало бўлгай,

Булбули нутқ бенаво бўлгай.

Бунда «Сўз» бадий асардаги сўз маъносига анча яқиндир. Чунки нотиклик санъати адабиётнинг бир соҳасидир. Нотикларнинг кўпчилиги эса ўша даврда ёзувчи ва шоир эдилар.

Навоий асарларида “Сўз” муомала, аҳд, вафо мазмунини ҳам билдириб келади. Бу, бир тамондан ахлоқий характердаги фикрларнинг баёни сифатида ифодаланса, иккинчи томондан, одамнинг психологик хусусиятлари (ички кечинмалари, рухий ҳолати, хатти-ҳаракатининг баёни)да ўз ифодасини топган.

Юқорида мисолларнинг ҳаммасида ҳам Навоий «Сўз» деб сўзлашувда ифода этилган фикр мажмуи, фикр айрибошлаш маъносини берган. Лекин Навоий асарида конкрет сўз – фақат бир калимани ифодалаб келиш ҳолини ҳам учратамиз. Бунда шоир ўз фикрини аниқ мавзуга қаратган.

Ҳар кимки ўлим сўзин демак фан айлар,

Ўз ҳолига бу сўз била шеван айлар.

Таврини сулук ичинда аҳсан айлар,

Ким, руҳин ўлмак сўзи равшан айлар.

Навоий фикрича, ўринли ишлатилган ибора, халқ оғзаки ижодидаги қуйма фикрлар вақтида моҳирона фойдалана билишдадир.

Хуллас, Навоийдаги «Сўз» ўзининг ифодаси, мазмунан кенглиги ва ижтимоий фикрни ифодалаши билан алоҳида ажралиб туради. Навоий сўзни адабиёт вазифалари унинг ижтимоий функцияси билан бирга тушунди ва талқин этди, тил ва тафаккурнинг уйғунлиги, нутқ, нотиклик ва мантиқ, муомала, аҳд ва вафо мазмунида назм, наср ва умуман бадий адабиётни ифодалашда фойдаланди. Шоир «Сўз» истилоҳи орқали салафлари ижодига баҳо берди, уларнинг адабиёт майдонида тутган ўрни, бадий камолотини тайинлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1987-2003.
2. Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. -Тошкент: Фан, 1993.
3. Ойбек. Навоий гулшани. – Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1967.
4. Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. -Тошкент: ЎзФАН, 1963

АМИРИЙ ШЕЪРИЯТИДА НАВОИЁНА ОҶАНГЛАР

Дилмурод АСҚАРОВ
(ҚўқонДПИ)

Умархон Амирий лирик меросининг асосий қисмини ғазалиёт ташкил этади. У ўз ғазалиётида Ҳофиз Шерозий, Мавлоно Лутфий, Абдурахмон Жомий, Мирзо Бедил каби Шарқ шеъриятининг улуғ намояндалари изидан борган. Уларнинг анъаналарини муносиб давом эттирган. Айниқса, Алишер Навоийнинг Амирий шеъриятига таъсири кучли ҳисобланади. Буни Амирийнинг улуғ салафи ғазалларига боғлаган мухаммаслари, татаббуълари мисолида кўришимиз мумкин. Амирийнинг:

*Гар кўтарсанг юздин, эй шўҳи парипайкар ниқоб,
Қайда келтирсин анга хуришид била моҳ тоб.*

матлаъси билан бошланувчи ғазали Навоийнинг:

*Оразин ёпқоч кўзимдун сочилур ҳар лаҳза ёш,
Ўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш*

матлаъси ила бошланувчи ғазалига ўхшатма шаклида ёзилган. Навоий ва Амирий ёр тарифини келтиришда бир хил тасвирий воситалардан, образлардан фойдаланишган.

Умархон Амирий қаламига мансуб ушбу ғазал тўққиз байтдан иборат бўлиб, байтлар ўзаро мантикий изчиллик билан боғланган; анъанавий услубда ёзилган; ғазал тили содда – хуришид (қуёш), моҳ (ой), мушкафшон (мушк ҳиди таратувчи), хубоб (заррача, қатра), соғар (қадах, жом), ламъа (шуъла, ёлқин), зулф (соч), ораз (юз) каби сўзлардан бошқаси бугунги ўқувчи учун деярли тушунарли. Бадиий санъатлар ва поэтик образлар доираси кенг, шоир ғазалда ташхис, муқаррар, ҳусни таълил, мурожаат, тамсил, истиора каби бадиий санъатлар; парипайкар, ёр, ағёр, ўзгалар, хуришид, моҳ, ошиқ сингари поэтик образларни маҳорат билан қўллаган.

Амирий лирик қаҳрамони мумтоз адабиётда кўп учрайдиган, маъшуқа томонидан ҳажр даштига ташланган, суюқлисида бир қиё боқишини-да умидида яшаётган ошиқ тимсолида гавдаланади. Ҳасратлари ҳатто кўзларидан конли ёш тугул тўфон юзага келишига сабабчи бўлади. Шунчалик жабр-у зулмга мубтало этган дилрабо эса одатини қанда қилмаган ҳолда ошиққа эмас, балки унинг рақиблари - ағёрлари билан ҳамсухбат бўлади, ўзгалар билан мажлислар қилади.

Ғазал матъласи:

*Гар кўтарсанг юздин, эй шўҳи парипайкар ниқоб,
Қайда келтирсин анга хуришид била моҳ тоб. (58- бет)*

Матъладан кўриниб турибдики, шоир ўз суюқлиси парипайкар эканлигини, унинг гўзаллиги шу даражадаки, агар машуқа юзининг чиройини яшириб турган ниқобни (пардани) олса, юзнинг ойдан-да тиник, қуёшдан-да нурлилиги сабаб ҳатто бу дунёда танҳо ҳисобланмиш ой-у қуёш ҳам бунга дош бера олмайди.

Иккинчи байт:

*Ҳалқа-ҳалқа коқулингни тебратур боди сабо,
Кош тушса гарданимга ушбу мушкафшон таноб. (58- бет)*

Иккинчи байтда ҳам маъшуқа гўзаллиги ҳақида гап боради. Матълада ёрнинг юзи таърифланган бўлса, бу байтда гўзалнинг сочлари ҳақида фикр келтирилади. Ёрнинг сочлари ўрилган (ҳалқа-ҳалқа), шу сабабдан ошиқ ўз суюқлиси висолига етишишда адоғсиз жабру ситамлар тортиши керак. Сочларнинг ўрилганлиги шунга ишора тарзида берилган. Аммо мана шу ўрилган сочлар тасаввуф адабиётида висолга эришиш учун восита, зинапоя бўлиб хизмат қилади. Байтда майин шамол ёр

кокулларини тебтатади, натижада атрофга ёқимли ҳид таралади. Ошиқ ана шу хушбуй сочларни ўз гарданида кўришни истайди. Аммо бу бахт ошиққа насиб этмади:

*Ҳасрати зулфунг кўзум ёшини тўфон айламиш,
Мавжи тугёнидин андоғким аён ўлмиш ҳубоб. (58- бет)*

Яъни сочларга етмоқ ҳасратида ошиқ тинимсиз кўз ёш тўкади, натижада тўфон пайдо бўлади ва бу тўфон мавжидан кўпиклар пайдо бўлади.

Навбатдаги тўртинчи ва олтинчи байтларда ёрнинг вафосизлиги, ошиққа бепарволиги тасвирланади:

*Ёр ҳар мажлисда соғар чекса азёри била,
Нола айларман эшикда мисли рубоб. (58- бет)
Ўзгалар бирла май ичти ёр, онинг рашиқидин
Ёш тўкиб, қонлар ютиб, зам ўтига бўлдим кабоб.*

Ёр бевафо, у ишқиди қийналиб қон ютаётган ошиқ ҳолини билса-да, унга ҳиммат кўрсатмайди. Аксинча, ошиқнинг рақиблари билан мажлислар тузади, қадаҳ тўла май билан базмлар ўтказилади. Лирик қаҳрамон бу ҳолатдан нола-ю афғонлар қилиб, ёш тўкади, дард чекади. Нола чекиш булбулга, рубоб ва найга нисбат берилади. Чунки уларнинг баридан майин мунгли оҳанглар янграйди. Шунинг учун ҳам ошиқ ўзини рубобга қиёслайди. Амирий ошиқ руҳий ҳолатини билдириш мақсадида ҳаётда учраб турадиган мисоллар билан тасвирлашга уринади. Шундай ҳасратлар, рашк таъсирида қолган лирик қаҳрамон руҳияти оловда жизганак бўлаётган кабоб мисолида ўқувчига етказилади.

Навбатдаги байтда Амирий ўқувчига тушунарли ва содда бўлиши учун табиатда учрайдиган ҳодисаларни маҳорат билан байтга жойлаган:

*Ламъаи хуснинг намоён бўлса қон йиғлар кўзум,
Ўйладурким, барқ қулгон чоғда гирёндур саҳоб. (58- бет)*

Ёрнинг порлоқ жамоли кўриниши билан ошиқ қонли кўз ёш тўка бошлайди. Бу ҳолатни ўқувчига ёркинроқ таништириш мақсадида тамил келтирилади. Барқ яъни чақмоқ чақиши натижасида саҳоб (булут) ёш тўкиши - ёмғир ёғиши айтилади.

Набатдаги байтда маъшуқанинг фалак тоқидаги мақоми ҳақида фикр боради. Тирилтирувчи ва ўликларга жон бахш этувчи Исо ҳамда ер юзидаги ҳаёт манбаи бўлмиш куёш тўртинчи осмонни мақом қилган. Бу олам эса сен моҳдек (ойдек) олийжаноб кўрмаган. Ёр қанчалик ошиққа жабр қилса ҳам, лирик қаҳрамон маъшуқани мактаб, гўзалликда тенгсиз эканлигини айтишдан чарчамайди. Унинг берган азоблари ошиқ учун ҳеч нарса эмас. Амирийнинг лирик қаҳрамони шу азоб-у қийноқларга қарамай маъшуқага бўлган муҳаббатидан қайтмайди.

*Исию хуришидга тўртунчи торамдур мақом,
Кўрмади олам юзи сан моҳдек олижаноб. (58- бет)*

Шунча ҳасратлар, жабр-у ситамларга қолган ошиқ ёр оёғи остига мисоли тупроқ бўлади. Ундан шу ҳолатида ҳам бир умид билан марҳамат кутади.

*Умрлардурким, йўлинг устида туфроқ ўлмишам,
Кош бир йўл ошиқи бечора деб қилсанг хитоб. (58- бет)*

Аммо маъшуқа шунчалик бепарвоки, ўзининг ишқиди шу ҳолатга келган ошиқни писанд этмайди, унга ҳиммат қилиб ҳам қўймайди. Сенинг ишқингда мен тупроқ бўлай, шу ҳолатимни кўриб, кошки бир бечора ошиқ деб айтсанг, дея умид қилади. Юқори мисраларда ошиқ ёр ёнида ағёрдек эътибор, қадр топишни истаётган бўлса, бу байтга келиб энди у ёрнинг муборак оёқлари тегадиган тупроқ

бўлишга ҳам тайёр эканлигини таъкидламоқда. Маъшуқа юрган йўлнинг чанг-у ғуборга тўлган ери ҳам лирик қаҳрамон олдида бахтли. Сабаби ёр уни босиб ўтиб катта илтифот кўрсатади.

*Оразин пинҳон қилур қонли ёшим кўргач, Амир,
Уйлаким, ёгин куни тушмиш қуёш узра саҳоб. (58- бет)*

Ёр юзини мандан яширгач, кўз ёшларим қон бўлиб оқа бошлади. Гўёки, қуёш юзини булут тўсиб, ёмғир ёққани каби. Бу байтда ҳам Амирий яна табиатдаги ходисадан тамсил қилади. Ва айнан Навоий ҳазратларининг ўша машхур байтларига ҳамоҳанг фикр илгари сурилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Алишер Навоий ижодиёти нафақат ўз даври, балки кейинги давр ижодкорлари учун ҳам маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилган. Навоийга издошлик ҳар бир шоир учун катта шараф бўлиши билан биргаликда масъулият ҳам юклаган. Амирий эса бу вазифани аъло даражада бажарган истеъдод соҳиби эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик.
2. Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми?. Тошкент: Шарқ, 2001.
3. Амирий. Девон. Тошкент: Тамаддун, 2017.
4. Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент: “Movorounnahr” – “O‘zbekiston”, 2009.

“ЛИСОН УТ-ТАЙР” ДОСТОНИДА МАЖОЗИЙ ОБРАЗЛАРНИНГ ЎРНИ

Оқила АҲМАДЖОНОВА
(ФарДУ)

Адабиётимизда рамз, мажознинг ўрни бекиёс бўлиб, улар муаллиф томонидан илгари сурилаётган гоёларнинг ёрқин ифодасига хизмат қилади. Мажознинг моҳиятини аниқ тушунтириб бериш мушкулдир. Мажоз – кўринмайдиган нарсаларни кўрсата билиш, белги ва тимсоллар воситасида мавҳум ёхуд сирли туюлган ҳақиқатларни сувратлантириш санъати. Шунинг учун ҳам таниқли олим И.Кант мажозни “яратувчи хаёл кучи”нинг маҳсули деб таърифлаган.

Мумтоз адабиётимиз тарихида мажозий асарлар яратиш анъанаси мавжуд. Алишер Навоийнинг “Лисонут-тайр” достони ҳам шундай характердаги асардир. Шоир достоннинг яратилиши хусусида ўзининг “Муҳокаматул луғатайн” асарида шундай ёзади: “Чун “Лисонут-тайр” алҳони билан тараннум тузубмен, қуш тили ишорати билан ҳақиқат асрорин мажоз суратида кўргузубмен”³¹⁸.

И. Кант эътироф этганидек, мазкур достон шоир даҳосининг қудратини намоён этади. Шоир умрининг сўнгида болалик чоғларидаёқ севиб ёд олган Фаридиддин Атторнинг “Мантикут-тайр” номли асарига Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” достони билан назира боғлади ва ўзининг фалсафий-тасаввуфий қарашларини рамзий тимсоллар воситасида китобхон эътиборига ҳавола этди. .

*Мунчаким назм ичра қилдим иштигол,
Хотиримдин чиқмас эрди бу хаёл –*

*Ким бу дафтарга бериб тавфиқ ҳақ,
Таржума расми била ёзсам варақ.*

318 Амирий. Девон. I ўзбекча шеърлар. Тошкент: Тамаддун, 2017. -Б. 58. Бундан кейин ушбу шеърга мурожаат қилинганда саҳифаси кавс ичида кўрсатилади.

*Неча бу ишга кўнгул машъуф эди,
Гўёким вақтига мавқуф эди.*

*Олтмишқа умр қўйгонда қадам,
Қуш тилин шарҳ этгали йўндум қалам.*

Алишер Навоий ушбу достонида мажоз усулидан кенг фойдаланиб, мажозий образлар ва уларнинг савол-жавоблари, хатти-ҳаракат ва интилишлари орқали улкан умумлашма характердаги хулосаларга келади. Шоир инсоннинг маънавий камолоти ҳақида сўз юритар экан, бутун олам, ундаги барча мавжудотлар илоҳийлик меваси эканлигини таъкидлайди. Инсон эса ана шу илоҳийликнинг энг сараси, мукаммали, уни оламнинг яратилишидаги бош мақсад сифатида талқин қилади. Борлиқнинг мукам-мал мавжудоти – инсон қошида олам, табиат ва ҳатто малаклар сажда этган воқеани асарнинг бошла-нишида келтиради.

“... Яратувчи ўзининг кудратли қалами билан бутун оламни аниқ бир режа остида бунёд қилди. ... Бутун оламни яратишдан кўзланган мақсад Инсон бўлиб, у ҳамма мавжудот ичида тенги йўқдир. Ин-сон кўнглини турли билимлар хазинаси қилди ва бу тилсим ичида тангри ўзини яширди”³¹⁹.

Шоирнинг Оллоҳга, Яратувчига нисбатан бўлган ишқи бир неча ўринларда, хусусан, асар муқаддимасида берилган муножотда ҳам ўз аксини топган. Достондаги булбулнинг узрига Худхуднинг ҳикоя билан жавоб беришида, Талаб водийсидан Ишқ водийсига қадам қўйишида ва Ишқ водийсининг тавсифидаги ҳикоятлари билан сохта ва ҳақиқий ишқни бир-биридан нақадар катта фарқи борлигини исботлаб беради.

“Лисон ут-тайр” достонида Худхуд раҳбарлигида қушларнинг Симуғни ахтаришлари давомида ҳар хил турдаги масал, ҳикоят ҳамда мунозаралар бериб борилади. Ҳар бир мунозарага жавоб тарзида берилган ҳикоялар, унда тасвир этилган образлар сўз кетаётган мақсад, масала ёки воқеани тўлароқ ёритиб бориш учун хизмат қилади. Ушбу ҳикоятлар асосан ижтимоий моҳиятга эга бўлиб, инсон меҳнатининг қадри, бойликка ҳирс қўйишликнинг фожеали оқибати, бадбинлик ва таркидунёчилик-нинг беҳудалиги, таъмагирлик ва текинхўрликнинг ёмон иллат эканлиги қаламга олинади, айёрлик, фирибгарлик, жоҳиллик, хаёлпарастлик, уқувсизлик каби хислатлар қораланади. Инсоннинг маънавий камолотга етишишидаги ҳар бир ўй фикрлари ва ҳаракатлари чуқур таҳлилга тортилади.

Масалан, сафар чоғи Тўти Худхудга узрини айтиб, ўзининг ожизлиги, иссиқ ўлкаларда яшовчи, базму жамшидларда нозанинлар қўлидан қанду шакар еб юргани, айнаи вақтда бу қийинчиликларга бардоши етмаслигидан нолиб ушбу сафардан воз кечишини билдиради. Худхуд унга жавобан “Сенинг барча сўзларинг ёлғон бўлиб, хато ва норозиликдан иборатдир... барча айтганларинг уйдирма, ёлғон ва лофдан бошқа нарса эмас. Сен ўзингга ўзинг ошиқ, ўзингни ўйлагувчи худбинсан, бу билан тубанлик-ка мансубсан”³²⁰, дейди ва Тўтига Хизрникига ўхшаш яшил чопон кийган гадо ҳикояти орқали айёрлик, макру хийла билан текинтомоқлик иллатларини айтиб қоралайди, Тўтини ҳам ана шу кишини аҳволига ўхшатади.

Бу ерда Тўти орқали биз сабрсизлик билан меҳнату машаққатдан қочувчи қаноатсиз, ўз нафсига қул бўлган кишиларни кўришимиз мумкин. У сабрсизлигини ўзининг гўзал ҳаётию қанду шакар егани билан хас-пўшлашга уринади. Ваҳоланки, у қафасдаги тутқун эди.

Товусга тож ва кийимларини тиллага ўхшаш сарик ялтироқ моддага бўяб олган ҳинд масҳарабози орқали фирибгарлик, мақтанчоқлик, Қумрига боғбон образи билан уқувсизлик, нодонлик, ўзгалар фи-қрини менсимаслик иллатини, гулсиз яшай олмайман, деб оху фиғон чеккан булбулга эса шоҳга сохта ошиқ бўлган гадо ишқи ёритилган ҳикоятлар орқали сабоқ беради.

Асарда булардан ташқари кабутар, тоғ каклиги, тазарв, қарчиғай, бургут каби яна бир неча қушлар

319 Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик.

320А.Навоий. Лисонут тайр. Т., Адабиёт ва санъат. 1984, 5-бет.

бор эди. Уларга ҳам Худхуд тилидан келтирилган ҳикоятлар мисолида ишёкмаслик, танбаллик, қаллоблик, ёлғончилик, сабрсизлик каби салбий сифатларни қоралаб, камтарлик, одиллик, билимдонлик, ростгўйлик, ҳалоллик, қаноатлилик, чин эътиқодлилики каби комил сифатларни улуғлайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Навоий ушбу асарида қушларни инсонларга қиёс этган ҳолда, улар орасида учрайдиган ёмон сифатларни таҳлил этиб, комилликка, эзгу ишлар, эзгу ғоялар сари чорлайди. Қушлар орқали шоир комилликка, кўнгил хотиржамлигига аста-секинлик билан меҳнату машаққат эвазига эришиш мумкинлигига ишора беради.

ОРИФОНА ҒАЗАЛЛАРДА ЛИРИК ҚАҲРАМОН

Насиба БОЗОРОВА
(ТДЮУ)

Алишер Навоий шеърятини – маърифий шеърят. Шоир шеърятининг юксаклигини белгиловчи омил айнан унинг маърифатомузлигидадир. Айтиш мумкинки, маърифат улуғ шоир шеърятининг жавҳари. Бу жавҳар моҳияти эса лирик қаҳрамон – ориф мушоҳадлари орқали ўқувчига етказилади. Зеро, ориф арабча сўз бўлиб, “ирфон соҳиби” демак. Тасаввуфга оид луғатларда изоҳланишича, “ориф – билгувчи, воқиф, ошно, танигувчи, англайдиган, тушунчалари мукамал ирфон соҳиби. Оллоҳ Таоло ўзининг зотини, сифатларини, исмларини мушоҳада эттирган киши орифдир. Олимга ўхшаб билгувчи маънода келса- да, ориф олимдан фарқ қилади. Олим илмий таҳсил ва интилиш билан мақсадга етса, ориф маърифатни илҳом ва ҳол орқали кўлга киритади. Оллоҳни ҳол ва мушоҳада йўли билан билиш орифнинг хос хусусиятидир”. Алишер Навоийнинг ғазалларидаги лирик қаҳрамон – ориф айнан шундай ишқ кудрати, қалб таслимияти, руҳ химмати, сир сукунатидан сабоқ берувчи, ўз ва ўзлик хусусида мушоҳада юритувчи комил шахс сифатида намоён бўлади. Буни Алишер Навоийнинг “Бадоеъ ул-бидоя” девонидан ўрин олган бир ғазал шарҳи мисолида кўриб ўтсак.

*Бода бу мақбуллуқ зотимда мавжуд айлади,
Ким мени зухду риё аҳлига мардуд айлади.*

Рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган ушбу ғазалда бода, май, соқий, муғ, муғбача каби ирфоний атамаларнинг қўллангани ғазалнинг мазмунига кўра орифона эканлигини далиллайди. Зоҳиран қаралганда, ғазалда зухду такводан кўра май ва майпарастлик, масжиддан кўра дайр, муғ куйи устун кўйилгандек. Аслида-чи?

Ғазал матласида келтирилган бода – шароб, май маъноси билдиради. Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”да майни “уммул хабоис”, яъни барча ярамасликларнинг дояси дея таърифлаган. Инсонни ақдан оздирувчи, тўғри йўлдан адаштирувчи майни ҳамда уни ичувчиларни қоралаб бир қитъасида шундай деган:

*Ўйла гарқи майдурурлар халқ бу давр ичраким,
Шарънинг айнул-ҳаётининг асар мафҳум эмас.*

*Ул сифатким, баҳрнинг аччиқ суйида баъзи эл,
Топилур дерлар чучук сув ҳам, вале маълум эмас.*

Шундай экан, шоир бу ғазалида нега яна бодадан сўз очади, уни мақтайди? Ёки қитъадаги фикр рад этилмоқчими? Йўқ, албатта. Биз мумтоз шоирларимиз, айниқса, Алишер Навоий ижодини ўқир экан-

миз, уларда ифода этилган сўзларни ўз маъносида тушунмаслигимиз, бильакс сўз замирига сингдирилган ирфоний мазмунларни ҳам англамоғимиз лозим. Шундагина шеърда ифода этилган асл мақсад аёнлашади.

Ғазалда тилга олинган “бода” илоҳий ишқни тамсил этган. Луғатларда келтирилишича, бода, май – илоҳий иноят. У ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Шоир наздида, ҳақиқий ишқ тама ва манфаатдан йироқ бўлмоғи лозим. Зухду риё аҳли (манфаат кўзлаб ибодат қилувчилар) эса бу ҳолнинг завқини англашдан ожиз. Шу боис ҳам улар “майпараст” – ориф лирик қаҳрамонни рад қилади.

Ишқ “май”ига келсак, энди у вужуд хирманини ўртаб кулини кўкка совуришни бошлайди. Шунинг учун ҳам кейинги байтда шоир:

*Май ўтининг ламъаси ўртаб вужудум хирманин,
Кулларин най нағмаси бир дамда нобуд айлади,-*

деб ёзади. Вужуднинг ишқ оловида кул бўлиши, кулларнинг ҳам най нағмасида нобуд бўлиши, аслида, лирик қаҳрамоннинг ўз “Мен”лигидан қутулганига ишора. Бунда солиқнинг вужуд – чор унсур эҳтиёжларидан узилиб, руҳ оҳанглари томон юксалиши назарда тутилган. Чор унсур қайдидин халос бўлган қалбнинг янги маънавий мақомга кўтарилишини шоир кейинги байтда шундай тасвирлайди:

*Бодадин хушнуд ўлубмен то мени жоми фано
Давр элининг софию дурдига хушнуд айлади.*

Ишқ одамни буд-у нобуд айлайди. Ўздан кечиб ўзни топиш шарафига ноил этади. Бу ҳолда “жом” – бағри маърифатга тўлиқ ориф қалбида эса гўзал ҳол юз очади. Нафснинг ёмон сифатлардан халос бўлиши ва покланишидан юзага келган бундай ҳолга мутасаввифлар фано дейишган. Навоийшунос И.Ҳаққул таъкидлаганидек, фано ошиқ ва ориф учун мақсад эмас, восита ва тажриба усулидир. Шу восита билан у ўзининг ахлоқини поклайди, руҳини тарбиялайди, энг асосийси, башарий иродасига хос кучсизлик ва ожизликлардан қутулади. Бундай маънавий ҳолга соҳиб киши эса “давр элининг софи-ю дурди”га, яъни давр, даврон аҳлининг яхши-ю ёмонига масъул бўлади. Зеро, у Ҳаққа юксалиб, Ҳақдан халқ вазифасига юборилган, ўзгаларни тарбиялаш ва идора айлаш вазифасини олган шахсдир. Шу боис ҳам кейинги байтларда лирик қаҳрамон сўзи панд-у насиҳатга айланган:

*Майга раҳн этгил риё сажжодасин, эй шайхким,
Ҳар киши бу навъ савдо айлади, суд айлади.*

Орифнинг зухд-у тақводан воз кечиб, дайр (бутхона, майхона)да маскан тутиши, тасбиҳни зуннорга, жойнамозни майга алмашиши, бут ва санамларга сажда айлаши орифона ғазалларга хос белгилар. Бундаги барча ҳолатлар маърифат мақомида нарса ва ҳодисаларнинг зоҳирига эмас, балки ботинига қарашни тамсил этади. Йўллар турли-туман бўлгани билан мақсад ягоналиги, бутун борлиқ Ҳақи мутлақнинг тажаллиси эканини англаш муҳимлиги уқтирилади. Шу маънода шоир ғазалда “майга раҳн этгил риё сажжодасин”, -дея шайхга мурожаат қилади ва ҳар ким шу тарзда иш тутса, фойда кўришини маъқуллайди. Бунда инсонийлик моҳияти тил ва дил бирлиги, иш ва амал мувофиқлиги экани, риё эса қалбни ўз моҳиятидан йироқлаштириши алоҳида таъкидланган.

*Майга ашким лаълидин олудалиг гар истамас,
Не учун соқий лаби лаълин майолуд айлади?*

Байтда келтирилган май – илоҳий ишқ, соқий – Ҳақи мутлақ, лаб – Ҳақ каломига ишора. Яъни май соқий лабининг рангидек, бир хил. Бунда шоир ишқнинг поклик хусусиятига эътибор қаратган. Зеро, соқийнинг лаъли лабидан ранг олган майга ўзга “ашк лаъли”ни қўшмоқ раво эмасдир.

*Одамийлиқ кўргузуб қилдинг паривашларни қул,
Одам улдурким, малойик они масжуд айлади.*

Улуғ шоир мазкур байтда Одам алайҳиссалом қиссасига ишора этиш орқали Хақ таолонинг халифаси ўлароқ яратилган, боши шараф тожи билан безалган, барча малойик сажда айлаган инсон Хақ энг кўп зухур этган хилқат эканини хотирга солади ва ўқувчини шунга мувофиқ ҳаёт кечиришга ундайди. Ғазал сўнгида эса шоир инсонни ўз мақсади томон кетаётган йўловчига қиёслаб, яшаш моҳияти муғ куйини истаб, муғбачага эришиш, яъни Аллоҳ кўрсатмаларига амал қилиб, унинг васлига етишишдир, дейди.

*Эл тилар муғ куйину истар Навоий муғбача,
Азми мақсад айлаб эл, ул қасди мақсуд айлади.*

Хуллас, Алишер Навоийнинг орифона ғазалларида лирик қаҳрамон – ориф қалби Хақ маърифати билан тўлиғ, ўзини ҳар турли иллатлардан поклаган ва ўзгаларни ҳам тўғри йўлга бошловчи улуғ зот сифатида намоён бўлади. Унинг кўрсатмалари кўнгиларни ғафлатдан огоҳликка, мудрашдан уйғоқликка даъват этади.

A NEW LOOK AT CLASSICAL POETRY

Aidakhon BUMATOVA
(TSUULL)

The translation science scholars have defined a great number of theories in order to perform the rendering of a text from the source into the target language. Some of them are ground ones whereas others work with very specific types of translation. Poetry translation is a kind of specific ones. Meanwhile, translation is not algebra, where having a couple of formulas in mind one can calculate any kind of problem. Dante Gabriel Rossetti says “... the life blood of translation is this — that a good poem shall not be turned into a bad one”. Any poem is unique on its flavor, no matter what its versification system is. Poem consists of a rhythm, pitch and inflection of its own. Speaking about fidelity to the text of original, we have to admit that completely adequate translation of poetry is hardly possible. Still, it is the task of a translator to attempt to preserve as much as possible in this-process; both in form and meaning. As for the English translators, they usually keep a middle course, balancing “between formal demands and semantic accuracy” as Stanly Kunitz asserts in his *Translating Poetry*, with an obvious bias to semantic accuracy. The Russian school of poetry translation demands keeping of both inevitable ingredients of a poem, being probably even more concerned about the formal accuracy. Uzbek school of translation which was founded under the influence of Russian theories, and has been developed by modern scholars as Sh.Sirojiddinov, M.Bakayeva, G.Odilova, requires, as well, keeping both form and meaning, still, caring for a unity of the textual composition of a poem recreated in the target language.

A translator while performing the rendering of a poem from the source language into the target one, can choose of the two types of forms for his translation. The first is “free verse,” or verse libre; the second is classically structured poetry, or verse based on regular meter, rhyme and stanza pattern. Both of these forms, obviously has various levels of impact to the recipient. In the case of free verse, the reader can enjoy the reasoning rather the feelings. In the case of classically structured poetry which is formed out of great deal of poetic harmony and rhythm, a reader can enjoy the emotions. Free verse makes the reader seek other things in such a text than he would in a sonnet. That is the reason for a free verse requiring sophisticated decisions and techniques in translation

Translation of a traditionally structured poem contains not less difficulties indeed. The translator must take into consideration not only the vast variety of meters, types of rhyme and forms of stanza, not to mention the individuality of their combination in a particular source poem, but also the highly probable difference in the way they function in the language of original and the language of the translation. What a pure iambic pentameter can mean to English perception may not correspond to how and what it means to an Uzbek or Russian reader, and vice versa. Translating between the languages which are much closer to each other on the basis of

structure and poetical traditions is much more easier than the ones, which are even not related to each other. So, in translation of poetry between Uzbek and English languages for example, one can evidently see the characteristics which actually create the obstacles for carrying out the translation.

Uzbek classical literature with its immense masterpieces of a poetic thought and style is still not widely known to the world. This is the issue that has to be dealt with as soon as possible. So far, most translations from the Uzbek language were done through a meta-language, Russian. Any translation is a transformation of the form and meaning of the original. That's why the world had to read not the translation from Uzbek classical literature but its translation to Russian. The issue made a great progress in the years of independence, when the direct translations from Uzbek into English came into the trend. There were two poetry translation books published, namely "Ummondandurlar. G'azallar, hikmatlar va ruboiylardan namunalari" ("Pearls from the ocean. Samples from ghazals, wise sayings and rubaiyat") by several authors in English and German and "Selected gazels of Navoiy (in the Uzbek and English languages)" by D. Sultanov in 2000 and 2015 respectively. A year after, an American poet and translator Dennis Daly translated and published in Cervena Barva Press his first translation book from the Uzbek classical literature, from great Navoiy to be more precise, and called it "Twenty-One-Ghazals". According to the book, all the translations were done from Uzbek. In the acknowledgement part of his book, Dennis Daly thanks his own daughter, Jen, who prepares the rough prose translations for him, for her assistance. As the whole book has been rendered directly from the source language, we consider it to be very useful in both promoting the Uzbek classical poetry around the world, and exploring the styles and methods of the translation that has been done by a native speaker poet.

The translations of Dennis Daly can be a very good example of recreation of form; there is no doubt that he is a very good poet. The lines are easy to read and melodic, in most of his translations, he even manages to keep the *radif* – a repetitive word that comes at the end of the line after the rhyming words. Such are the ghazals that start with the following stanzas:

*Does a nightingale sing when deprived, when apart
From wildflowers? Or parrots go mute if apart?*

Or:

*Tulip fields blaze the face of my soul's fire.
Sunsets sear across the sky, touch the earth with fire.*

Or:

*God of grief, my love has left, oh, my beloved!
She has taken my life, left her distraught beloved –*

In most cases D. Daly keeps the original amounts of stanzas, though he has got a tendency to omit ones when there is a culture related information that cannot be understood without background knowledge of the original culture. On the other hand, the melodic form of the translations cost a lot to the meaning. Metaphors of the divine love and tryst have been transformed into the form that are easier to understand, though hardly related to the original. Even though, those are not perfect translations, I consider them to be very important and of high value for the explorations that can be overtaken by translators. On one hand, the language and images used in the translation are very beautiful, and the interest of D. Daly to the ghazals is a matter of pride. So, we are not to criticize him, as he is a poet, not a scholar, this is how he sees Navoiy. Provided that he had a prose translations that had been done by a specialist with the knowledge of both the Uzbek language and doctrine of Navoiy, we are sure that the western world would adore the great Navoiy as much as the great representatives of Persian classical literature as Khayyam, Saadi, Hafiz and Rumi.

REFERENCES:

1. Dennis Daly "Twenty-One-Ghazals (of) Alisher Navoiy", Cervena Barva Press, Sommerville, MA; 2016
2. <http://www.thesomervilletimes.com/archives/73844>
3. Doughholder.blogspot.com/2017/06/twenty-one-ghazals-alisher-navoiy.html?m=1

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ТОПОНИМИК МАЪЛУМОТЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ

Мансур ДЖУРАЕВ,
Ихтиёр ЗИКИРОВ,
Миркамол МАТИСМОНОВ
(ГулДУ)

Навоий ким? У қандай сеҳрли сиймоки, асрлар оша унга интилиш тобора ортиб бормоқда, замонлар ошса ҳамки, унинг жозибаси сира ҳам йўқолмайди? Биз ушбу сирни географик жиҳатдан очишга ҳаракат қилдик. Бизга маълумки, ўзбек адабий тилининг таракқиётида XV асрнинг иккинчи ярми ниҳоят муҳим давр ҳисобланади. Бу даврда Алишер Навоий муборак ижоди билан ўзбек адабиётини юксак чўққиларга кўтариш билан бирга ўзбек тилининг таракқиётига ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасини кўшди.

Навоий яратган асарлар ҳам фикрий ҳам адабий жиҳатдан жуда юксак савияда бўлгани сабабли дунёга тез тарқалди ва шоирнинг ўз давридаёқ илм аҳлининг, жумладан, тилшуносларнинг диққатини ўзига жалб қилди. Натижада Навоий асарлари асосида ёзилган грамматика ва луғатлар вужудга келди. Санъат ва мафкура нуқтаи назаридан Навоий бутун дунё маданиятига ўз ҳиссасини кўшган бўлса, тил нуқтаи назаридан туркий халқлар маданиятига улкан ҳазина тақдим этди.

Бу билан биз Навоий ўзбек адабий тилининг асосчиси демоқчи эмасмиз, чунки ўзбек адабий тили Навоийдан анча олдин – XIII асрнинг иккинчи ярмидан шакллана бошлайди. Аммо Навоийгача бўлган давр ичида бир шаҳарда яшаб турли шева ва лахжаларда ижод қилган шоирлардан билишингиз мумкинки оддий халқ вакиллари ҳам турли шева ва лахжаларда сўзлашганлигини кўришимиз мумкин.

Навоийнинг ушбу мероси топонимикага шуни тақдим этадики, жой номлари маънолари хусусийликдан умумийлик касб эта бошлади. Чунки Навоийгача давр топонимлари гарчи туркий ўзакни акс эттирса-да ўзининг ҳақиқий мазмунини ташкил этмайди. Шу сабабли биз бемалол Навоийни жой номларининг туркий терминшунослигининг асосчиси деб ҳисобласак, бўлади. Ўз навбатида, бутун дунёга машҳур шаҳарларимиз:

Самарқанд – Ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳар. Бу шаҳарнинг юнонча Мароқанда, Самариана, Сараманка, Сакана, Саннанген, Самакити (Х.Хасанов), Сумрон, Шамиркент (Х.Ҳикматқулов, Ш.Шоисломов), Самарон, Симрот каби вариантлари бор (Наршахий). Бу шаҳарнинг этимологияси ҳақида қанча фикрлар баён этилган. Лекин аниқ хулосаларга келинмаган. Мазмунга энг яқин манбалар Самарқанд “Семизкент”, яъни семиз ёки бой шаҳар, катта шаҳар деган маъноларни билдиради, деган фикрни Абу Райхон Беруний, Қошғарий, Бобур асарларидагина эмас, балки тарихчи Мирхонднинг “Равзатус-сафо”сида, Темур саройига келган испан элчиси Де Клавихонинг кундалик дафтарида ҳам қайд этилган.

Бухоро – шаҳар. Наршахий Бухоронинг Нумужкат, Бумускат, Мадинат ус-Суфрия, яъни “Мис шаҳар”, мадинат ут тужар, яъни “Савдогарлар шаҳри билан” деган номлари борлигини айтади; “Бухоро деган ном у номларнинг барчасидан машҳурроқдир. Бир ҳадисда Бухоро номи Фоҳира бўлиб келган”. Чунки “Қиёмат куни Бухор шаҳри ўзида шаҳидларнинг кўплиги билан фахр қилади”. Халқда Бухоро Боғоро деган ривоят ҳам бор. Бухор сўзининг этимологияси аниқ эмас.

Хоразм – Амударёнинг қуйи оқимидаги воҳа. Бу номнинг ўнлаб маънолари мавжуд бўлиб улар, “гўшт ва ўтин”, “пастлик ер”, “ҳосилдор ер”, “ёмон ер”, “урушқок ер”, “серофтоб ер”, “яхши куршалган ер” каби кўпгина вариантлари келтирилади. Ушбу шаҳар этимологияси ҳам ханузгача тўлиқ очиб берилмаган.

Албатта, Навоий илмий меъроси ёрдамида бу каби қадимий шаҳарларимиз этимологиясини ёритиб беролмаймиз. Унинг топонимика фанидаги улкан ҳиссаси шундан иборатки, буюк сиймо форсий ҳамда туркий тилни қиёслаган. Навоий ўзбек тилининг сўз ясалиш борасида устунликларини кўрсатди. Наво-

ийнинг “Муҳокаматул-луғатайн” асаридан ўзбек тилида сўз ясаши тарихи ҳақида қимматли фикрлар олиш мумкин. Айниқса, от ясовчи –чи, -вул қўшимчалари ниҳоятда аҳамиятлидир. Жумладан:

Чирокчи – Қашқадарё вилояти тумани. “Чирок ясайдиган уста” демакдир. Бу жойда “-чи” қўшимчаси ясовчи уста маъносида келмоқда.

Хатирчи – Навоий вилояти тумани. Гарчи этимологияси маълум бўлмаса-да, лекин от ясовчи “-чи” қўшимчаси ёрдамида мазмунга яқинлашиш мумкин. Маҳаллий халқ ушбу номни “Хачирчи”, яъни “Хачир сотувчи” деб изоҳлайди. Демак, азалдан бу ҳудудда Хачир - чатиштирилган зот етиштириш яхши ривожланган эканлигини англашимиз мумкин экан. Биз ушбу фикрларимиз билан тилимиз нисбатан умумлашуви натижасида кейинги даврда пайдо бўлган жой номлари этимологиясини ўрганиш бизга жуда ката қулайликларни тақдим этаётганлигини таъкидламоқчимиз.

Маълумот ўрнида буюк бобокалонимиз Алишер Навоий таваллуд топган Ҳирот шаҳри ҳақида ҳам тўхталишни жоиз деб ҳисобладик.

Ҳирот – қадимий шаҳар, Афғонистоннинг пойтахти. В.А.Никонов Ҳерируд дарёси номи билан аталган дейди ва бу гидронимнинг эронча *ҳарваид*, яъни “мўл сув” деган вариантини келтиради (КТС, 101-бет). Е.М.Мурзайев фикрича, Ҳерируд “тоғ дарёси” демакдир (СА, 254-бет).

Биз Ҳирот этимологиясининг бошқа вариантини таклиф этмоқчимиз. Тарихий адабиётларда бу шаҳар икки хил – Ҳери (Ҳири) ва Ҳирот шаклларида ёзиб келинган. Хўш, бу икки хилликнинг боиси нимада? Бунини тушуниб олиш учун тарихга ва тил қонунларига мурожаат қилишимиз керак.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Бадахшон, Ламғон, Хуросон, Ҳиндистон каби жой номлари икки хил - баъзан бу сўзларнинг охирига – от қўшимчаси қўшиб, баъзан қўшимча қўшмасдан ёзади. Бобур бирон ҳудудни яхлит тушунганда ёки унинг теварак-атрофини ҳам назарда тутганда –от қўшимчаси билан ёзади: “Кобулдин бу тоғ шарққа бока бориптур, бир нима жанубга мойил. Жанубий тамом Ҳиндустонотур” (БН, 343-бет). Ёки: “Дараи Нур тоғларида Кўҳи Сафиднинг жар навоҳисидаги доманаларида ва андин қуйи тамом Ҳиндустонотта бўлур” (БН, 346-бет). “Яна бир шорақдур. Бу ламғон отда бисёрдур. Андин қуйи тамом Ҳиндустонотта кўп бўлур” (БН, 348-бет).

-От қўшимчаси топоним ясовчи қўшимчадир, Боғот (“Боғлар”), Работот (“Работлар”) каби айнан кўплик маъносидаги топонимлар яшаш билан бирга русча – *шина* (Смолиншина, Киевшина) суффиксига ўхшаш функцияни бажаради. Масалан, Зарафшоннинг Қорадарё ва Оқдарё тармоқлари орасидаги *Миёнкол* (қаранг) ороли теварак – атрофи билан бирга *Миёнколот* деб аталган. В.В.Бартолд Бадахшон тоғли ўлкаси баъзан арабча кўплик аффикси билан Бадахшонот шаклида ҳам ёзилган деган эди (Сочинения т. Ш.М., 1965, 343-бет).

Юқоридаги айтилганлар асосида Ҳирот топонимининг келиб чиқишини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин: Ҳири+-от; кейинчалик ихарфи тушиб қолган (русча манбаларда Ҳири Арий шаклида ёзилган) Ҳерируд эса “Ҳери шаҳри дарёси” деган маънода бўлиб, шаҳар номи билан аталган деб ҳисоблаймиз.

Умуман –тмўғул тилидаги каби туркий тилларда ҳам кўплик аффикси бўла олса, бунини, аввало, лексиканинг энг консерватив қатлами бўлган топонимлардан қидириш керак.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1.С.Қораев Географик номлар маъносини биласизми? Т.: Ўзбекистон. 1970.
2. Ziyo.net.uz (24.01.2018)

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “МУФРАДОТ” АСАРИ ҲАҚИДА

Жалолиддин ЖҶРАЕВ

(ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи)

XIV-XV асрларда Мовароуннахр, Хуросон, Ироқ, Озарбайжон ва усмонли турк давлати адабий доираларида муаммо жанрига бўлган қизиқиш ортиши натижасидаа ўнлаб муаллифлар томонидан мазкур жанрига бағишлаб бир ва ундан ортиқ рисола битганлар.

Рисолалар муаллифларнинг мақсад, иктидор, маҳорат даражаси, муаммо амалларини таснифлаши, яратилган даврига кўра бир-биридан фарқ қилади. Хусусан, уларнинг биринчи туркумига муаммонинг назарий ва амалий жиҳатларини очишга эътибор қаратилганларини киритсак, иккинчи бир туркуми фақат айрим муаммо амаллари тўғрисида тушунча беришни мақсад қилган рисолалар ташкил қилади. Бошқа гуруҳга фақат муаммо амалида иштирок этувчи имо-ишора сўзлар тўғрисида маълумот беришга йўналтирилган рисолаларни киритиш мумкин.

Айтиб ўтганимиздек, бир қатор рисолалар муаммо қоидаларини назарий ёки амалий жиҳатларини ёритишни мақсад қилганлигига қараб бир-биридан фарқланади. Шундай бўлса-да, уларнинг барчасида муаммо қоидалари осонидан бошланиб қийинига қараб ўтиш асносида тушунтирилган. Турли даврларда яратилган рисолаларда қоидалар баъзан учта йирик гуруҳга, баъзида тўртта гуруҳга ажратилган. Бу билан бирга муаммо қоидаларининг сони ҳам турли муаллифлар томонидан турли хил кўрсатилган. Жумладан, Шарафиддин Али Яздий муаммо қоидаларини аъмоли таШилий, аъмоли таҳсилий, аъмоли такмилий деб номланган уч гуруҳга бўлади.

Абдурахмон Жомийнинг “Рисолаи муаммои кабир”, “Рисолаи муаммои мутавассит” ва “Рисолаи муаммо манзум” асарларида муаммо қоидалари учта-таҳсилий, таҳсилий ва такмилий гуруҳларига бўлинади. “Рисолаи муаммои сағир”да тўртта гуруҳга ажратилган: таҳсилий, таҳсилий, такмилий ва тазъилий.

Сайфий Бухорий муаммо қоидаларини гуруҳланмасдан қирқта қоида тарзида кўрсатади. Мавлоно Жунуний Бадахший муаммо амалларини юқорида кўрсатилганлардан фарқли тарзда лафзий ва зеҳний деб номланган гуруҳларига бўлиниши тўғри деб ҳисоблаган.

Ана шундай рисолаларга қиёсан қараганда, ҳажми, баён услуби, муаммонинг ўша даврда маълум барча амаллари тўғрисидаги маълумотларни қамраб олганлиги, амаллар таснифи ва уларга келтирилган мисолларнинг ўрганувчилар учун енгиллиги билан Алишер Навоийнинг “Муфрадот”и бошқалардан фарқ қилади.

“Муфрадот”да муаммо қоидалари ортиқча тафсилотларда холи тарзда тушунтирилган. Шунингдек, бир амалга келтирилган мисол фақат ўша амал иштирокидагина ҳосил қилинган. Масалан, биринчи амал-интиқод ва унга келтирилган мисолга эътибор қаратайлик: Интиқод–шунга ишорат қилишдириким, сўзнинг баъзи ҳарфларини олиш мақсадида шу навъ: “аввал”, ва “биринчи”, ва “юз”, ва “бош”, тож”, ёқа”, “баланд”, “софлик”, “аланга” каби сўзнинг аввалги ҳарфга далолат қилувчи сўзлар келтирилса, сўзнинг биринчи ҳарфларини истайдилар. Масалан, Одам исмига:

دل مارا چو خواهی باز جستش

Мазмуни:

Дилимни яна ахтармоқчи бўлсанг,

Оҳ, дард, меҳнадан биринчисини қидир.

Муаммо иккинчи мисрада исми ҳосил қилиш учун “оҳ” (“оҳ”), “дод” (“дод”) ва “мҳнат” (“мҳнат”) сўзларининг биринчи ҳарфларини олиш кераклигига ишора қилинган. Шунга кўра, ҳарфларни жамласак, “Одам” (“Одам”) номи чиқади. Келтирилган мисолда исми ҳосил қилишда фақат интиқод амали унсурлари иштирок этиб, исмининг бирор ҳарфини ҳосил қилиш учун интиқод амалидан бошқа иккинчи

бир амал иштирок этмаган. Интиқод амалига келтирилган “Малик”, “Валад”, “Вали” муаммолари ҳам худди шундай жиҳатларга эга.

“Муфрадот”дан фарқли тарзда Жомийнинг оммабопроқ бўлган “Рисолаи муаммои мутавассит”ида муаммонинг биринчи қоидаси бўлган интиқодга мисол тариқасида кўрсатилган “Хусрав” муаммоси гарчи сўз интиқод қоидаси хусусида бораётган бўлса-да, мисолда бошқа қоидага ҳам алоқадор ишорларнинг иштирок этаётганлиги ўқувчининг чалғишига сабаб бўлади.

Хусайн Нишопурийнинг ҳам интиқодга мисол тариқасида кўрсатган “Мазид” номига ёзилган муаммоси ҳам шундай жиҳатларга эга. Мисол интиқод амалига кўрсатилган бўлса ҳам, унда исми ҳосил қилиш учун қалб қоидаси ҳам иштирок этган. Бу эса ўз-ўзидан қалб қоидаси юзасидан малакага эга бўлмаган ўқувчи учун исми ҳосил қилишда қийинчилик туғдиради ва қоидаларни енгилидан қийинига қараб ўрганаётган кишида чалқишликни келтириб чиқаради.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоийнинг “Муфрадот” асари муаммо жанрига бағишланган бошқа рисоалардан ўзининг баён услуби, айрим рисоалардаги таснифлардан ўрин олмай қолган амалларнинг ҳам қайд этганлиги, келтирилган мисолларнинг бевосита битта қоидага алоқадор эканлиги, ортиқча фикр ва хулосаларга эътибор берилмаганлиги билан ўрганувчиларга муаммо жанри тўғрисида тушунча бериш учун қулай қўлланмадир.

ХУСАЙНИЙ ДЕВОННИНГ ТУРКИЯДА САҚЛАНАЁТГАН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ ХУСУСИДА

Хуснигул ЖЎРАЕВА
(ТошДЎТАУ)

Ўн бешинчи асрнинг иккинчи ярми, XVI асрнинг бошларидаги Хуросон ижтимоий-сиёсий, адабий, илмий ҳаётида раҳбарлик қилган Хусайн Бойқаро – Хусайний туркий тилининг нафосат ва балоғатини кўрсата олган ўзига хос лирик шоирдир. Тадқиқот жараёнида Туркия давлати қўлёзма фондларида Хусайн Бойқаро асарларининг қуйидаги қўлёзмалари мавжудлигини аниқладик ва уларнинг тўла таснифини келтиришни лозим топдик.

1. Е.Н. 1636-рақамли Туркиянинг Тўпқоқи саройи музейи фондидаги қўлёзма. Ҳоятда гўзал ва безакли ушбу дастхатнинг қотиби машҳур хаттот Султон Али Машҳадий. Кўчирилган йили 877/1472-1473. Қўлёзмада Хусайн Бойқаронинг 156 ғазали 123 варақда битилган.

2. Т.І. 1977-рақамли Истанбул университети кутубхонасида сақланаётган қўлёзма. Ҳижрий 900 йилда кўчирилган. Қўлёзманинг таги яшил, атрофи оқ бўлиб, вассали қоғозга ҳар саҳифада ўн уч мисрадан ёзилган. Биринчи ва иккинчи варақ сарлавҳалари фавқуллода нафис тазҳиф этилган. Жадваллари олтин билан безатилган. 40 варақда Хусайнийнинг 135 та ғазали битилган. Бу нусха вақти-вақти билан Ҳиндистон ва Туркистонда ҳукм сурган 20 дан ортиқ ҳукмдорнинг қўлидан-қўлига ўтган, кутубхоналарини безаган.

3. Т. 1942-рақамли қўлёзма. Чиройли настаълиқ хатида кўчирилган. Қотиби Султон Муҳаммад Хандон. Китобат йили қайд қилинмаган. Қўлёзмада Хусайнийнинг 82 ғазал, 1 мухаммас ва 3 рубоийси ўрин олган. Ҳозирда мазкур манба Истанбулдаги Турк ва ислом ёдгорликлари музейи хазинасида сақланмоқда.

4. Т. 1926-рақамли Турк ва ислом ёдгорликлари музейи фондида мавжуд қўлёзма. Бу дастхат Истанбул “Аё софия” кутубхонасида 3913-рақами билан қайд қилинган. Мир Али Возеҳнинг ўғли Абдуллоҳ Қотий тарафидан олтин пуркалган рангли қоғозга ёзилиб, кесилган (қать) ва зарафшон қоғозлари устига ёпиштириш орқали ҳосил қилинган нафис бир санъат асаридир. Бу нусханинг йиртилган баъзи варақлари Кўнйалик Иброҳим Ҳаққи исми киши томонидан Боязид Инқилоб музейи кутубхонасига, Муаллим Жавдат китоблари қаторига киритилган. Қўлёзманинг Европага олиб кетилган бир дона

варағини Туркия фуқароси Арменак Бей Сакизиён сотиб олан. Ундан эса, жаноб Халил Эрдамга ўтган. Девоннинг бир неча варағи меъмор Рафиқнинг коллекциясида сақланади.

5. 3911- рақамли “Аё софия” кутубхонаси фондидаги қўлёзма.

6. 102-рақамли Истанбул Миллий кутубхонасидаги қўлёзма. Нафис настаълик хатида кўчирилган бўлиб, жадвор, ғазал унвонлари олтин хал ва турли ранглар билан зийнатланган. Унда Ҳусайнийнинг 143 ғазали мавжуд. Кўчирилган санаси ва котиби номаълум.

7. 3807-рақамли Истанбул шаҳрининг Фотиҳ кутубхонасидаги қўлёзма. Котибининг исми ва кўчирилган йили номаълум. Ҳусайнийнинг бошқа девонларига қараганда, анча кичикроқ ҳажмли қўлёзма. Муқоваси ва ёзувига кўра, Ҳусайн Бойқаро даврига мансуб эканлиги билинади. Илк икки саҳифасидаги тазҳифлари фақат олтин суви билан чизилган ва нақшлари тамомланмай қолган. Мазкур нусха тугалланган бир девон эмас, балки Ҳусайний ғазаллари мажмуаси ҳисобланади. Унда шоирнинг 145 ғазали битилган бўлиб, жами 38 варақдан иборат. Ғазаллар жойлаштирилишида алифбо тартибига амал қилинмаган.

8. 3806-рақамли Истанбулдаги Фотиҳ кутубхонаси қўлёзмаси. Гўзал настаълик билан ёзилган. Қоғоз нави ва муқовасидан эски эканлиги билинади. Котиби ва кўчирилган йили номаълум. 55 варақдан иборат девоннинг ҳар саҳифасида 14 мисра бор. Ҳусайнийнинг 191 ғазал, 2 муҳаммас, 4 рубойиси ўрин олган. Бу манба Ҳусайний девонининг бошқаларига қараганда тўлиқроқ ҳисобланади. Ҳозирги кунда қўлёзма Туркиялик Султон Маҳмуднинг вақфида сақланади.

9. 2381-рақамли Тўпқопи саройи музейи фондидаги қўлёзма. Котиби ҳамда кўчирилган йили қайд этилмаган. Қўлёзмада Ҳусайн Бойқаронинг 47 ғазали ва Убайдий (Убайдуллахон)нинг шеърлари жамланган.

10. Фотиҳ Миллий кутубхонасидаги 106 рақамли қўлёзма. Бу нусха кичик ҳажмда бўлиб, 93 варақдан иборат. Гўзал настаъликда ёзилган. Хаттот исми ва ёзилган ер ҳамда вақти йўқ. Қўлёзма оралари ва охиридан баъзи саҳифалар йўқолган. Ҳусайн Бойқаро девонидаги ғазаллардан 1дан 5 та, 5та, 7та, 1та, 2та, 1та, 1та, 2та, 4та ғазал бор. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 69, 70, 71, 72, 73, 74, 75, 76, 77, 78, 79, 80, 81, 82, 83, 84, 85, 86, 87, 88, 89, 90, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97, 98, 99, 100, 101, 102, 103, 104, 105, 106 та ғазал мавжуд бўлиб, жами 143 шеърни ташкил қилади. Охирги ғазал фақатгина 3 байтдан иборат эканлиги, бу асарнинг давоми мавжудлигига далилдир.

11. Турк олими Фуод Купрулизоданинг шахсий кутубхонасидаги қўлёзма.

12. 1945 йилда Исмоил Ҳикмат томонидан Омосия шаҳридаги Боязид кутубхонасидан топилган қўлёзма.

Ўн бешинчи аср туркий адабиёт тарихи билан шуғулланган Хорижий Шарқ олимлари Ҳусайний ижодий меросини ўрганиш, нашр этириш бўйича муайян ишларни амалга оширган. Шоир девони Боку (1926), Истанбул (1946), Кобул (1968) шаҳарларида нашр қилинган. Девонининг Истанбул нусхаси 3911-рақамли “Аё софия” кутубхонаси фондидаги қўлёзманинг факсимели ҳисобланади.

НАВОИЙ АСАРЛАРИДА МУКАММАЛ ЖАМОА ВА КОМИЛ ИНСОН ҒОЯСИ

Шаҳло ИСАХОВА
(ГулДУ)

Алишер Навоий ижтимоий-сиёсий қарашлари бошқаришда, унинг тасавуридаги идеал, мукаммал жамият тўғрисидаги қарашларида, одил шоҳ ҳақидаги фикр-ўйларида, ҳукмдорнинг раиятга муносабатида, диний-ҳуқуқий қоидаларга риоя қилишида ўз инъикосини топади. Ўша даврда

мамлакатда олдинги даврларга қараганда, нисбатан осойишталик ҳукм суришига қарамай, ҳокимлар, ҳукмрон табақалар, ҳатто қариндош-уруғлар ўртасида зиддият ва муҳолифат кучли эканлигини А.Навоий “Садди Искандарий” достонида шундай тасвирлайди:

*Не тўфон, бедоду селобу ғам,
Эрур ончаким даҳр элига алам.
Ул ўти қон ичарга килиб таишалаб.
Ато жон бериб ўглин ўлтурғали,
Уғул ҳам анга тиғи кин сурғали.
Қариндош топса қариндошини,
Дамодам тилаб кесғали бошини.
Тушуб оиноларга бегоналиқ,
Кетиб ҳамнишинларга ҳамхоналик.
Бу навъ улса мундок ики зот аро,
Не булғай гумон кил ики ёт аро?*

Ҳазрат Навоий ҳодисаларга бой, мураккаб шароитда яшаб ижод этди, турли воқеалар, маҳаллий ҳокимларнинг ўзаро кураши, уларнинг ҳалққа нисбатан қилган адолатсизлик ва ноҳақликлари, жабр-зулмини ўз кўзи билан кўрди, жанжал ва ғалаёнларни шахсан ўзи бартараф қилишга, мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатишга интилди. У Ҳусайн Бойқарони одил ва ақлли подшо ҳисоблар, у орқали парчаланиб кетаётган давлатни бирлаштириб, сақлаб қолишга, ўзаро келишмовчиликларга барҳам беришга интилди. Улуғ шоир Ҳусайн Бойқарога давлатни бошқариш борасида берган маслаҳатлари зое кетаётганлиги ва мамлакат таназзулга учраётганидан қаттиқ изтироб чекар эди.

Алишер Навоий ўзининг дostonларида, айниқса, “Садди Искандарий”, “Сабъаи Сайёр”, “Фарҳод ва Ширин”да инсонларни бахт-саодатга элтувчи, мамлакатни раvнақ топтирувчи, ҳалқни фаровон қилувчи, жабр-зулм, адолатсизлик, зўравонлик, ҳақсизликдан холи бўлган мукамал жамият ва адолатли, ҳар томонлама етук подшоҳ тимсолини тасвирлайди. Шунини айтиш лозимки, идеал давлат барпо қилиш, адолатли ва маърифатли ҳукмдор тўғрисидаги ғоялар инсониятни қадимдан қизиқтириб келганлиги фольклор асарлари, тарихий манбалар, ўтмишнинг улуғ донишмандлари асарларидан, мутафаккирларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларидан маълум. Ушбу масала Озарбайжон шоири Низомий Ганжавийнинг “Иқболнома”, Ҳисрав Дехлавийнинг “Хамса”, Абдурахмон Жомийнинг “Ҳафт авранг” асарлар мажмуасига кирган “Хирадномаи Искандарий” достонида ўз ифодасини топган. Ҳазрат Навоий ўз салафлари изидан бориб, ўзи орзу қилган идеал жамият манзараси ва одил шоҳ образини тасвирлар экан, биринчи ўринда ўзи яшаб турган ижтимоий муҳит ва тарихий шарт-шароитдан келиб чиқади.

Мутафаккир ўзи орзу қилган мукамал давлат тузумини “Садди Искандарий” достонида Искандар тимсоли орқали ифодалайди. Асар билан танишар эканмиз, идеал жамият ва давлат уларнинг тепасида турган давлат бошлиғи, подшоҳсиз барпо бўлмаслиги тўғрисидаги фикр ётганига амин бўламиз. Шоир мусулмон Шарқдаги давлат тузумини тасвирлар экан, подшоҳ тимсолига мўмин-мусулмонни эмас, қадимги юнон босқинчиси македониялик Александрни танлайди. Тарихнинг шохидлик беришича, Искандар дунёнинг кўп мамлакатларини забт этади, ҳалқни аямай қиради, уларга зулм ўтказди, адолатсизлик қилади. Навоий, Жомий ва улардан олдин ўтган шоирлар ўз асарларида Искандарни бош қаҳрамон сифатида танлаганликлари сабабини рус шарқшуноси Е.Э.Бертельс тушунтириб берган эди. Олимнинг таъкидлашича, Искандарнинг юришлари, босиб олган мамлакат халқларига зулм ўтказганлиги, маданий бойликларни йўқ қилганлиги, талон-тарож билан шуғулланганлиги Шарқ халқлари учун номаълум эди. Шунинг учун улар ҳақиқий Искандарнинг қилган қабиҳ ишларига

аҳамият бермаганлар. Алишер Навоий тасвирлаган Искандар тимсоли тарихий шахс бўлмасдан, балки бадиий образдир.

Маълумки, ўрта асрларда давлатнинг равнақи, унинг гуллаб-яшнаши одил подшоҳларга боғлиқ эди. Давлатни подшоҳларсиз, подшоҳни давлатсиз тасаввур қилиб бўлмас эди. Шунинг учун, бежиз эмаски, Навоий ўзининг ижтимоий-сиёсий ва ахлокий қарашларида мукамал давлат ва одил подшоҳ масаласига катта эътибор беради.

Шоир адолат тушунчасига катта мазмун беради. Бизнинг назаримизча, унинг талқинига кўра, одил инсон комил инсон тушунчасини англатади. Лекин, иккинчи томондан, адолат комилликнинг ҳамма жиҳатларини қамраб ололмайди. Тадқиқотчи М.Ориповнинг фикр юритишича, Навоий комил инсон деганда, ўзининг фаолияти ва хатти-ҳаракатларида ҳамма тақлид қиладиган халқ мураббийси ва устозини тушунади. Бошқа бир жойда у Навоий ўзида камтарлик, яхшилик ва сахийликни мужассамлаштирган одамни комил инсон деб ҳисоблаганини айтади. Нима бўлганда ҳам, Навоий комил инсонни кенг маънода тушунади. Навоийнинг дунёқарашида, инсоннинг комиллиги ёки ноқислигини баҳолашда ахлоқ ва хулқ-одоб қоидалари асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Бу ҳол ҳукмдорлар, подшоҳлар фаолияти, уларнинг фуқароларга муносабати, мамлакатни ривожлантириш даражасини белгилашда ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Улуғ мутафаккир одил подшоҳни комил инсонлар сирасига киритар экан, агар у адолат йўлидан борса, мамлакат обод бўлишини, халқнинг турмуши яхшиланишини, фаровонлик, мўл-кўлчилик бўлишини таъкидлайди. Навоий мусулмон золим подшоҳдан кофир одил подшоҳ афзал эканлиги тўғрисида фикр билдиради. Дарҳақиқат, адолат йўлидан борган подшоҳ, гарчи кофир бўлса ҳам, мамлакатни обод қилади, мулкни кўпайтиради. Мўмин ҳукмдор золим ва адолатсиз бўлса, юртнинг аҳволи ёмонлашиб, иши орқага кетади. Шунинг учун шоир “Ҳайратул-аброр” дostonида ҳукмдорларга мурожаат қилиб шундай дейди:

*Шаръ тарихини шир айлагил,
Адл ила мулкунгга мадор айлагил,
Шоҳки иш адл ила бунёд этар,
Адл бузуқ мулкани обод этар.*

Шоир “Маҳбуб ул-қулуб” асарини одил подшоҳларни васф қилишдан бошлайди. Аллома ақидасига кўра, адолатли подшоҳнинг мамлакат ва халойиқ учун фойдасининг чек-чегараси йўқ. Бундай подшоҳ, энг аввало, хулқ-одобда факир-у мискинларга, аҳолининг турли тоифаларига бирдек юмшоқ ва яхши муомалада бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, А.Навоийнинг бизга қолдирган бой бадиий мероси ва асарларда ёритилган мазмун, маданий-маънавий аҳамияти катталиги билан ажралиб туради. А.Навоийнинг асарларидаги ижтимоий-сиёсий ғоялар кеча, бугун учун маънавий сарбон бўлиб хизмат қилган, келажак учун ҳам хизмат қилади.

НАВОИЙ ВА НИЗОМИЙ ИСКАНДАРНОМАЛАРИДАГИ ТАВҲИД БОБЛАР ҚИЁСИ

Илёс ИСМОИЛОВ
(ТошДЎТАУ)

Навоий “Садди Искандарий” даги “Тавҳид” бобининг дастлабки уч байтида Тангрининг ваҳдонияти тўғрисида сўзласа, тўртинчи байтдан юзинчи байтга қадар ал-Холиқ сифати васф қилинади. Сал кам юз байт давом этувчи холиқлик сифати кўпинча эпик поэзияга хос бўлган тадриж орқали батартиб тасвирланади. Бобдаги фикрйўналиши оламмеҳвари, субстансив асосига қараб боради. Навоийнинг тавҳиддаги тасвирида аниқ тартиб бор, унда Тангрининг воҳидлигидан тортиб инсон яратилгунга

қадар бўлган бутун офариниш жараёни системали акс этади: икки дунё мавжуд бўлмаган замонларда ўз хуснинг зухурини истадинг, аммо маҳбубликни намоён қилиш ҳақидаги бу истак ошиқнинг бўлишини тақозо этарди, шу боис зотинг баҳри жунбушга келиб, мавжларидан коинот пайдо бўлди. Зикру ниёз қисмати бўлган малакларни яратиб, улар учун фалакнинг энг юқори қисмини ясадинг. Сўнг афлокни қуйидагича яратдинг: тўққиз гунбаз бир-бирининг ичида бўлиб, юқоридагиси пастдаги саккиз гунбазни ўраб туради ва таъб уларни бир томон айлантиради, саккиз фалак ҳаракатининг ихтиёри энг юқоригисиди. Саккизинчи фалакда турғун юлдузларни, еттинчи фалакда Зухалолдузини, олтинчи фалакда Муштарий юлдузини, бешинчи фалакда Миррих юлдузини, тўртинчи фалакда Қуёшни, учинчи фалакда Зухраюлдузини, иккинчи фалакда Уторуд юлдузини, биринчи фалакда Ойни жойлаштирадинг. Охирги етти фалакни (обо, яъни оталарни – А.Н.) яратиб бўлгач, тўрт унсур (ўт, сув, ҳаво, тупроқ – уммуҳот, яъни оналар – А.Н.) вужудга келтиридинг ва етти отаю тўрт онадан яна уч фарзанд (жамодод, наботот, ҳайвонот) пайдо қилдинг. Шу тариқа инсон яратилгунга қадар бўлган босқичлар ўтиб, инсонни яратдинг. Инсоннинг кўнглини роз ганжинаси, юзини зот ойнаси қилдинг. Хуснинг нури унда зуҳур этгач, малакларни инсонга сажда қилишга буюридинг, зеро, аксинг қайси кўзгуда намоён бўлса, унга сажда қилмасликнинг имкони йўқ. Инсонга бундай баланд рутба берганиндан сўнг, ишқинг ўти кўнглига тоб солди. Жамолинга етишишда инсоннинг ўзлигидан бошқа ҳижоби йўқ эди, бу ҳижобни кўтариб, инсоннинг ишқини янада оловлантиридинг, натижада қай томон боқса, сени кўрди, барчаси сен эканингни билди ва ўзлигини унутди. У ошиқларга шафқат қилувчи қандай яхши маъшукки, ўз хуснини намоён қилиш учун қарам билан оламни яратади. Оламдан мақсади одам бўлиб, олам ва ундан бошқа нарсалар ҳам унга восита. Киши ҳаргиз иши ошиққа ошиқлик бўлган киши кўрган эмас, чуқурроқ ўйласам, бу орада ғайр йўқ, ошиқ ҳам, ишқ ҳам, маъшук ҳам ўзинг:

Яқин анласам ғайр бордур адам,

Ўзунг ошиқу ишқу маъшук ҳам [1;18].

Навоий шу тариқа тавҳидда дастлаб Тангрининг мутлақ фармонраволигини қайд этгач, афлокнинг яратилиш сабаби, яратиш жараёни, яратиш мақсади ҳамда бунинг моҳиятини аниқдастурдек тасвирлаб беради. Тавҳид бобиди ҳам Навоийнинг бутун ижодига хос бўлган детерминизм қонуниятини намоён бўлган. Бир қарашда, Навоий бобнинг бошида Аллоҳнинг воҳидлик сифатини қисқача тасвирлаб, бобнинг қолган бутун қисмида холиқлик сифатини тасвирлашга эътибор қаратгандек туюлади, бироқ хотимада Навоий бутун тафсилотларни бобнинг моҳиятига тўла мос келувчи ваҳдоният сифатига олиб келиб улайди. Навоий дастлабки уч байтда Яратганнинг воҳидлиги тўғрисида назарий қарашларини баён қилгач, уни исломий космогоник системани қатъий тартибда тасвирлаш орқали амалий исботлайди ва охирида офаринишнинг туб моҳияти Аллоҳнинг ваҳдониятини тасдиқловчи асосий далил эканини кўрсатиб беради. Мазкур қарашларнинг таянч нуқтаси ишқ масаласи бўлиб, Навоий тавҳидда ҳақиқий ишқ, Тангри ва инсон муносабати каби муҳим масалалар моҳиятига доир мушоҳадаларини баён қилади. Навоийнинг космогоник тафаккури тўлиқ илмий асосга эга бўлиб [3;41-43], “Қутадғу биллиг” эса астрономик илмлар, истилоҳлар системаси Х асрдаёқ туркий халқлар адабиётидаги дебочаларда батафсил ва тўла илмий асосда тасвирлана бошланганини тасдиқловчи ҳужжатдир [4;80-83].

Низомий достонидаги тавҳид бобдада мазкур космогоник система ва ваҳдоният сифати тасвирида Навоийда бўлганидек қатъий принцип мавжуд эмас. Низомий ҳам, дастлаб, Аллоҳнинг яратувчилик сифатини васф этади, коинот ва инсон яратилгани, жаҳон эса ўт, сув, ҳаво ва тупроқдан пайдо бўлганини қайд этади. Эътиборлиси, Низомий тасвириларида унинг коинотни геоцентриқ тузилишга эга деб тасаввур қилганини аниқ сезиш мумкин: *Туйи, к-осмонро барафротиий, Заминро гузаргоҳи ў сохтий* [2;6]. Низомий Аллоҳнинг қудрати бениёз эканига кўп эътибор қаратган, у Тангрининг буюклигини таъкидлаш учун инсон ақлининг ожизлиги, яъни ақл билан Тангрини билиб бўлмаслиги, чунки идрок фалаклардан юқорига ўта олмайдиган қилиб яратилганини бот-бот такрорлайди. Низомий тавҳидда гносеологик қарашларга жиддий эътибор қаратган, бу билан Тангрининг биру борлиги, буюклигини

таъкидлашга ҳаракат қилади. Тангрининг ҳар нарсага қодирлигини сўзлар экан афсона ва ривоятларга талмиҳ қилади.

Низомийнинг тавҳид боби хаотик характерга эга, ундаги барча тасвирларни гарчи ваҳдоният ғояси бирлаштириб турса-да, Навоийда кузатганимиздек изчиллик, система йўқ. Низомий тавҳидига муножот оҳанги қўшилиб кетган, Навоийда эса бу ҳол умуман кузатилмайди, чунки кейинги боб махсус “Муножот” эди. Низомийнинг гносеологик қарашларга катта эътибор қаратиши Тангри зоти, оламнинг яратилиши каби ғайбий ходисларга эҳтиёткорлик билан ёндошгандек тасаввур уйғотади. Хулоса қилиш мумкинки, тавҳид ғояси ҳар икки ижодкорни умумлаштириб турса-да, бу ғоянинг тасвири мутлақо индивидуал характер касб этган. Навоий тавҳид бобида Низомийдан илҳомланган эмас, “Садди Искандарий”нинг тавҳид боби Навоий мустақил ва ўзига хос қарашга эга эканини тўла исботлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Навоий Алишер. Садди Искандарий. – Т.: Ғ.Ғулом, 1991. – 832 б.
2. Низомии Ганжави. Хамса: Искандарнома. – Душанбе: Адиб, 2012. – 480 с.
3. Беруний Абу Райхон. Қонуни Масъудий. Асарлар. 5 том. 1 к. – Т.: Фан, 1973. – 556 б.
4. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т.: Фан, 1972. – 964 б.

БИР ҒАЗАЛ ЗАВҚИ

Шарофат ИСМОИЛОВА

(Қўқон ДПИ)

Устоз шоир Эркин Воҳидов “Навоий Ҳазратнинг асарлари сизга завқ-шавқ бермаган, қалбингизга ўт солмаган бўлса, яхшиси гапирманг”³²¹ деб ёзадилар. Не ажабки, Навоий Ҳазрат асарларини суйган, уларнинг завқини туйган киши ўз кашфиётларини ўзгаларга ҳам илингиси келади.

Бизга маълумки, ҳазрат Навоий асарларининг барчасида ўзликни англаш ва комилликка интилиш ғояси пешқадам. Жумладан, Навоий ҳазрат “Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам...” дейдилар.

Ҳазрат ўз лирик асарларини умр даврларига қараб тўрт девонга бўлган эдилар. Шулардан “Фавойидул кибар” девонига кексалик йилларида ёзилган асарлари жамланган. Шунга асосланиб девондаги асарларни беқиёс тафаккур соҳибининг ҳаётий хулосалари сифатида эътироф этиш мумкин. Бугун бизнинг ҳавасманд кўнгилимизга ўт солган ғазал ҳам шу девондан.

Халқимиз орасида машҳур, кўп улуғ устозларнинг назаридан ўтган “Фавойид ул-кибар” девонининг 523-ғазалига вобаста Мир Алишер Навоий ҳақидаги баъзи ғариб кашфларимиз неча минг ғаввос зарбидан денгиз остидаги садафлар камаймагани сингари, бизнинг ҳам ўз садафимизни топишга бўлган илк изланишларимиздан.

Ғазал шундай бошланади:

*Не нўя урдум йўлида, не бошим ўлди хоки раҳ,
Ул шўх ишқи саъида боштин аёғимдур гунаҳ.*³²²

Ошиқ маъшуқа васли йўлида қанча елиб югурдим, бошим юрар йўлининг тупроғига ҳам айланса ҳам майли эди, лекин аксинча, унинг ишқи йўлидаги ҳаракатларим сабаб бошдан оёқ гуноҳга ботдим дея ёзғиради. Бу ўринда туғилиш ҳам Ҳақ васлига етишиш учун бир сафар ва умрни беғуноҳ кечиб ўтадиган банда бўлмаслигини инобатга олиб, маъшукани Оллоҳ таолога нисбат берсак ҳам хато эмас.

321 Воҳидов Эркин. Асарлар. 4-жилд. Тошкент. «Шарқ», 2016. 375-бет

322 Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 6-том. Фавойид ул-кибар. 523- ғазал Тошкент: Фан, 1990

Ғазалнинг кейинги байтидан бошлаб саъж ва мутаносиб санъатининг жилвакор наъмуналари бўй кўрсатиб боради:

*То бода ичти ул санам, то майга чўмди лаъли ҳам,
Жонимда ўтдур дам-бадам, бағримда қондур таҳ-батаҳ.*

Маъшуқа бода ичса ошиқнинг жону танида ўт ёнади, маъшуканинг майга чўмган лаълини кўрган ошиқнинг бағри ҳам унинг қизил лабларидек таҳ-батаҳ қон. Зеро, маъшуканинг ҳар бир ҳаракати ошиқ тимсолига ҳам таъсир этиши бор гап. Ва яна ер юзидаги жаъмики яратиклар Тангри таолонинг тажал-лиси дейдилар. Худди шундай фикр ғазалнинг кейинги байтида ҳам давом этади:

*Чун жилва бўлди ёрга, айш ўлди жони зорга
Ким, ул қаду рафторга жон гулшанидур жилвагаҳ.*

Ёрнинг бир истаги туфайли бунёдга келган ошиқ, ёрни доимо ўзи тухфа этган жон орасида сақлайди. Бу ўринда китобат санъатининг гўзал намунасига дуч келамиз. Мумтоз адабиётда ёрнинг қадди араб алифбосининг илк ҳарфи алифга () киёсланади ва шоир бир томондан алифнинг жон () сўзида жим () ва нун () ҳарфлари орасида келишига, яна бир томондан Аллоҳ () сўзининг ҳам алиф билан бошланишига ишора қилади.

Энди ғазалнинг қуйма оҳангдор бешинчи байтига назар ташласак:

*Юз ишва бирла боқибон, жонимга ўтлар ёқибон,
Лаб тишлабон, кўз қоқибон, тиргиздию ўлтурди, ваҳ.*

Таҳлил оҳангда ҳавола.

Шу ўринда бир фикр. Навоий ҳазратнинг асарлари кўплаб жаҳон тилларига таржима қилинган ва қилинмоқда. Бугун дунё аҳли Навоий даҳосини баланд пардаларда эътироф этмоқда. Лекин юқоридаги каби дилбар мисраларнинг чинакам завқини туйиш, ўйноқи сатрларнинг жозибасидан тўлиқ баҳраманд бўлиш учун фақат ва фақат туркий тил соҳиби бўлиш керак деб ўйлайман. Навоий ҳазратнинг СЎЗ маҳоратини англай олиш учун ҳам дунё аҳли ўзбек тилини ўрганса арзийди!

Биз амир Алишер Навоийнинг диний меъзонларга асосланган тартибли ҳаёт тарзидан “Вақфия” асари ва шоирнинг замондошлари томонидан битилган кўплаб асарлар орқали бохабармиз. Қуйидаги байт ана шу ҳаёт тарзини назмий либосида кўринади:

*Умр ўтмакин андиша қил, давронга йўқтур меҳр – бил,
Эй шах, гадони кўзга илким, не гадо қолур, не шах.*

Бу байт улуғ Навоийгача бўлган давр вакили Шарқ устози Жалолоддин Румий ҳазратларининг “Эй, кўнгил, беҳуда ғам чекма, на бу дардлар қолгуси на бу умр” деган ҳикматларини ёдга солса, Навоийдан кейинги даврда ҳазратни ўзига ғойибона устоз деб билган Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг машҳур “Устина” радифли ғазалидаги “Эй шах, қарам айлар чоғи тенг тут ямону яштини, Ким меҳр нури тенг тушар вайрону обод устина” байтига пойдевор бўлган бўлса ажаб эмас.

Алишер Навоий “Вақфия” асарида икки армони: Бири шоҳ Хусайн Бойқаро ҳақида муфассал асар битиш яна бири эса муборак Ҳаж сафарини адо этиш эканлигини ёзадилар. Минг афсуски, катта бир мамлакат вазири, мудом халқ фаровонлиги, тинчлиги учун курашган, умри, топган бор молу мулки ҳожатбарорлик ва илм-маърифат равнақи йўлида сарф бўлган беназир инсонни азал қисмат аямади. Не ажабки, бу ҳикматни Навоий аллақачон англаган, ғазалнинг мақтаъсида айтилганидек, ўзи учун ҳукм чиқариб қўйган эди:

*Ҳар ён, Навоий, сунма қўл, не келса ҳақдин— рози ўл,
Сен ожизу ҳокимдур ул, ал фажру лак ал ҳукму лаҳ.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 6-том. Фавойид ул-кибар. 523- ғазал Тошкент:Фан, 1990
2. Воҳидов Эркин. Асарлар. 4-жилд. Тошкент. «Шарқ», 2016. 375-бет
3. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. Тошкент: Фан, 1983.
4. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. Тошкент:Адабиёт ва санъат, 1991.
5. Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми?. Тошкент: Шарқ, 2001.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “МАЖОЛИС УН–НАФОИС” АСАРИДА ШОИРЛАР ТАЪРИФИ

Ғайрат ИСРОИЛОВ
(ЖизДПИ)

Тенги йўқ ижодкор, шеърят аҳлининг буюк ҳомийси Алишер Навоийнинг бой ва кўпёклама ижодиётида “Мажолис ун–нафоис” (“Нафис таъблилар мажлиси”) алоҳида аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, “Мажолис ун–нафоис” тазкирачиликда янги ва жуда қимматли асар сифатида вужудга келди ҳамда ўзбек тазкирачилигига асос бўлди. Хўш, Алишер Навоий бу асарни нима мақсадда ёзди. Асар мукаддимасида шоирнинг ўзи буни қуйидагича баён этади: “...бу хужаста замон ва фархунда даврон шуаро ва хуштаъблариким, Султон Соҳибқирон юмни давлатидин ва натижаи тарбиятиднн шеърнинг кўпрак услубида, батахсис ғазал таврида барчадин дилосороқ ва нишот афзорқдур, таркиби салосат ва латофатин бурунғиларга еткурадурлар ва маъни назокат ва ғаробатин улча шарти бор, бажо келтурадурлар, отлари ул жамоат зумрасида бўлмоқдин маҳрум ва сўзлари ул тартиб ва қоидада номаълум учун шикаста хотирға ва синук кунгулға андоқ келдиким, бир неча варақ битилгай ва бу аср шуароси била бу давр зурофаси отин анда сабт этилгай, то бу ниёзмандлар ҳам бурунғи шуаро ақобири зайлида мазкур бўлғайлар ва бу пайравлар ҳам ул раҳбарлар хайлиға кўшулғайлар. Бу жихатдин Султон Соҳибқироннинг ҳумоюн валодатлари замонидин рўзафзун давлатлари даврониғачаким, қиёматғача барқарор ва олам инқирозиғача пойдор бўлғай, улча фақир эшитибмен, аммо хизматлариға етмаймен ва улча хизматлариға етибмен, аммо ҳоло бу фано дор ул-ғуруридин бақо дор ус-суруриға интиқол қилибдурлар ва улча ҳоло бу фаррух замонда намояндадурлар ва ул ҳазрат зоти малакий сифотиға мадҳ сарояндадурлар, жамъ қи-лилғай ва ҳар қайсининг натоийжи таъбидин бирор нима нишона нўсунлук ёзилғай. Чун бу мақсудға етилди, они секкиз қисм этилди ва ҳар қисми нафис бир мажлисға мавсум бўлди ва мажмуъиға “Мажолис ун-нафоис от қўюлди”. Тазкирада Навоий XVасрда Хуросон ва қўшни мамлакатларда яшаган 459та шоир, ёзувчи ва олимлар ҳақида маълумот бериб, уларни йиллар, географик ўринлар ҳамда сулолавий тартибларга таяниб жойлаштирган. Мажолис ун-нафоис” эътибор билан варақлаб чиқилар экан, ундаги саккиз бадий мажлиснинг ҳар бирида ўқувчи кўз ўнгида турли-туман қисматлар, хилма-хил характерлар ва чегараланмаган имкониятга эга бўлган истеъдодлар олами пайдо бўлади. Гарчи асарларда шоирлар, шеър ҳаваскорлари ва илм-фан намояндаларидан 459 кишининг ижоди ҳақида мулоҳаза юритилса-да, ундаги бош қахрамон – муаллифнинг ўзи ва бош масала – шеър шоирнинг тақдиридир. Тазкиранинг 1–2 мажлисларда муаллифнинг салафлари – тазкира ёзилаётган вақтда ҳаёт бўлмаган шоирлар, 3–мажлисда ўзига замондош шоирлар ҳақида маълумотлар келтирилган. 5–6 мажлисларда Хуросон, Самарқанд, Хоразм, Қарши, Бадахшон, Қазвин, Сова, Кирмон, Шероз ва бошқа жойлардан чиққан қалам аҳллари ҳақида; 7–мажлисда эса темурийлар сулоласига мансуб шоирлар ҳақида фикр юритилган. 8–мажлис Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган. Тазкирада шоирларнинг билим даражаси, ахлоқи, дунёқараши, меҳнатга муносабати каби хусусиятлари алоҳида кўрсатилган. Ҳар бир шоирга берилган тасниф унинг ижодидан намуна келтириш билан асосланган. Асарда бадий ижод асоси ва моҳиятини белгиловчи назарий масалалар юзасидан ҳам фикр юритил-

ган: мазмун ва шакл ҳақида фикрлар илгари сурилган, шоирлар ижодига баҳо беришда асарларнинг ғоявий мазмуни билан бирга бадиий маҳоратига ҳам эътибор қаратилган. Навоий ўз даври адабий муҳитининг қизгин манзарасини, адабиётдаги поэтик жанр ва турлар ранг–баранглигини кўрсатиб берган. “Мажолисун-нафоис”да Навоий ҳар бир адабий тур ва унда ижод этиб, маълум муваффақиятга эришган шоирлар ҳақида анчагина қизиқарли маълумотлар беради. Асар қизиқарли ва содда, равон услубда ёзилган, фикрлар пухта ва ихчам ифодаланган. Тазкиранинг иккинчи мажлисида Навоий “Ул жамоати азизлар зикридаким, фақир алардин баъзининг мулозаматиға кичикликда етибмен ва баъзининг суҳбатига йигитликда мушарраф бўлибмен, алар ситта ва тисъина ва самона миа тарихидаким, бу мухтасар битиладур, бу фано домгоҳидин бақо оромгоҳига борибдурлар” (27–бет). Демак, бу мажлисида Мавлоно ёшлик чоғларида бўлса ҳам, улар билан учрашиб, суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлган ижодкорлар ҳақида ёзади. Бу мажлисида мазкур асар ёзилгунига қадар вафот этган 91 та шоир, улуғ инсонлар ҳақида хабар берилади. Асарда бадиий ижод асоси ва моҳиятини белгилловчи назарий масалалар юзасидан ҳам фикр юритилган: мазмун ва шакл ҳақида фикрлар илгари сурилган, шоирлар ижодига баҳо беришда асарларнинг ғоявий мазмуни билан бирга бадиий маҳоратига ҳам эътибор қаратилган. Хусусан, Саккокий ҳақида шундай дейди: “Мавлоно Саккокий Мовароуннаҳрдиндур: Самарқанд аҳли анга кўп муътақиддурлар ва бағоят таърифин қилурлар. Аммо фақир Самарқандда эрканда муаррифларидин ҳар неча тафаҳхус қилдимким, анинг натоижи таъбидин бирор нима англайин, таъриф қилгонларича нима зоҳир бўлмади. Барчадин қолсалар, сўзлари будурким, Мавлоно Лутфийнинг барча яхши шеърларн анингдурким, ўғурлаб ўз отиға қилибдур. Ул ерларда бу навъ ўхшаши йўқ, мазасиз муқобаралар гоҳи воқеъ бўлур. Бори баъзиси таъриф қилибким ўқурлар, бу матлаъни анга иснод қилурким.” (58–бет).

Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”да ёзганидан бўлак девон дебчасида ҳам Саккокий ҳақида шундай маълумотларини қолдирган: “...уйғур иборатининг фусаҳосидин ва турк алфозининг булагосидин Мавлоно Саккокий ва Мавлоно Лутфийким, бирининг ширин абъёти ижтиҳоди Туркистонда беғоят ва бирининг латиф ғазалиёти интишиори Ироқ ва Хуросонда бениҳоятдурур, ҳам девонлари мавжуд бўлғай”. Алишер Навоийнинг ушбу баҳоси Саккокийнинг ўз замонасида жуда машҳур бўлганини ҳамда шеърятининг халқ ва ижод аҳли орасида кенг ёйилганини кўрсатади. Бир сўз билан айтганда, “Мажолис ун-нафоис” кўплаб шоирлар ҳақида бирламчи ва аниқ маълумот бериши билан қимматлидир.

АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА ИФОДАЛАНГАН РИТОРИК МУРОЖААТЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Муҳайё ЖАМАЛОВА
(ТошДўТАУ)

Алишер Навоий шеър ва шеърят бобида алоҳида илоҳий истеъдод намоён қилган буюк сўз санъаткори, беқиёс бадиият кашфиётчиси. Шу боис ҳам маънан, ҳам бадиий-эстетик жиҳатдан бой ва баркамол бўлган Навоий лирикаси яратилган давридан буён адабиётшунос ва тилшуносларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Соҳир қалам соҳиби Навоий яратган турли жанр ва мазмундаги сермаҳсул асарлар ўзбек адабиёти хазинасини бойитиш билан бир қаторда, ўзбек адабий тили тараққиёти учун ҳам муносиб хизмат қилиб келаётганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Адиб ўз ҳаёти давомида туркий тилнинг бепоён имкониятларини кўрсатиш, уни янада сайқаллаштириб, келажак авлодга тўла-тўқислигича етказиб бериш учун тинмай меҳнат қилганлиги барчага аён. Бу борада шоирнинг форс ва туркий тил муҳокамасига

бағишланган “Муҳокамат ул-луғотайн” асари, туркий тилда яратилган буюк “Хамса”си, лирик куллиётини алоҳида эътироф этмоқ жоиз. Мазкур асарлар адибнинг ўз адабий тилига бўлган муҳаббат ва садоқати маҳсули сифатида яратилган бўлиб, бугунги кунгача ҳам адабиётшунослик, ҳам тилшунослик илми учун ниҳоятда қимматли манба сифатида тадқиқ қилиб келинади. Жумладан, шоирнинг адабий меросида ғазал жанри етакчи мавқега эга бўлиб, улар ишқий, орифона, ижтимоий- фалсафий, дидактик характер касб этади. Шаклан ва мазмунан ниҳоятда гўзал ва бетакрор ғазаллар Навоий шеърятининг нафис гулдастасидир.

Шоир ғазаларида поэтик мазмунни ифодалаш учун хизмат қилган лингвистик воситалар ўзининг бетакрор қиёфаси билан ҳамиша тадқиқотчиларни чорлаб туради. Ана шундай лингвистик воситалардан бири мумтоз адабиётдаги иншо усулларида бўлган *нидони* шакллантиришга хизмат қилувчи *риторик мурожаат*, яъни бадий ундалмаларни юзага чиқарувчи *синтактик ундалмалар* ҳисобланади.

Маълумки, “*нидо*” арабча сўз бўлиб, қичқирик, чақирик, ундов каби маъноларни англатади. Мумтоз адабиётда “нидо” иншо йўлларида бири, фикрни ифодалаш усули, ўй-фикр, хис-туйғу, кечинмаларнинг кимгадир ёки нимагадир мурожаат тарзида баён этилиши, шеърда ундалма қўллаш ҳисобланади. Бу усулни шакллантириш учун шоир бевосита *риторик мурожаатдан* фойдаланади. *Риторик мурожаат* эса бадий ундалма бўлиб, у риторик сўроқ сингари фикрга мос реакцияни талаб қилмайди, нутқни безаш, муайян кайфият ё ҳиссий муносабатни ифодалаш воситаси бўлибгина хизмат қилади. Риторик мурожаат синтактик ундалмаларнинг бадийятдаги, шеърый асардаги ифодаси ҳисобланади:

*Ишқ журмига мени, эй дўстлар, ёзгурмангиз,
Бегунаҳ мен худ қуярмен, сиз даги куйдурмангиз.*

Биламизки, лингвистик ундалмалар сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предметни ифодалаб, гапнинг бошқа бўлаклари билан грамматик алоқага киришмайдиган сўз ёки сўзлар бирикмаси ҳисобланади. Жонли сўзлашув нутқида ундалмалар асосан шахсни билдирадиган сўзлар билан ифодаланади: *Болам*, айтилган юмушларни ўз вақтида бажаришга ўрган. Бадий нутқда, риторик мурожаатда эса ундалмалар нарса ва буюмни билдирувчи сўзлар билан кенг ифодаланади:

*Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимга айт,
Йиғларимнинг шиддатин ул гулбарги хандонимга айт.*

Ўзбек адабиётида, хусусан, мумтоз адабиётда нидо усулида шеър битмаган, риторик мурожаатдан фойдаланмаган деярли бирор ижодкорни учратиш душвор. Ижодкорларнинг деярли ҳар бир шеърларида риторик мурожаатнинг, синтактик ундалмаларнинг турли шакллари кўришимиз мумкин. Хусусан, Навоий ғазалиётида бу янда турфа кўринишларда намоён бўлади.

Кузатишлардан маълум бўладики, Навоий ғазалларида “*эй париваш*”, “*эй гул*”, “*жоно*”, “*эй соқий*”, “*эй сайёд*”, “*эй пари*”, “*эй дўстлар*”, “*соқие*”, “*эй дўстким*”, “*роҳибо*”, “*ё раб*”, “*султоним*”, “*жононим*”, “*эй сарви хиромоним*”, “*эй шўҳи хандоним*”, “*эй зори ҳайроним*”, “*эй аҳди ёлгоним*”, “*эй табиб*”, “*сабо*”, “*гадо*”, “*эй муғбача*”, “*эй сипеҳр*”, “*эй насим*”, “*эй кўнгил*”, “*эй жунун арбоби*”, “*эй ҳаётим шамъи*”, “*эй ашк*”, “*эй муғ*”, “*Эй Хизр*”, “*Масиҳо*”, “*эй йигит*”, “*эй рафиқ*”, “*эй душманларим*” каби нафақат ғазал мазмун моҳиятига, балки ҳар бир байтга дахлдор бўлган турли шаклдаги риторик мурожаатларни учратишимиз мумкин. Бу каби риторик мурожаатлар, асосан, лирик қаҳрамон – ошиқ муҳаббат ва садоқатини ошкор қилиш, маъшуқанинг бетимсол гўзаллигини мадҳ этиш, унинг жабру ситамларидан нолиш, васлидан умидвор бўлиш каби ишқий мазмунларни таъсирчан ва юқумли ифодалашга хизмат қилган.

Яна бир эътиборли жиҳати, риторик мурожаатни юзага келтирувчи бу каби ундалмалар ўз лингвистик хусусиятларини тўла намоён қила олади.

Яъни: 1) байтлар таркибида эркин қўлланади:

а) гап бошида келади:

Дўстлар, гар дўст қатлим истар ўлса, ўлтурунг,
Сиз агар раҳм этсангиз, душманларимга топшурунг. (410)

б) гап ўртасида келади:

Бўлмаса ул сарв гулрух, *эй кўнгул*, дўзахча бор,
Хоҳи азми дашт қил, гар майли гулшан айлагил.

в) гап охирида келади:

Неча бўлғай манга ҳажр ичра тазаллум, *ё раб?*
Айла бу зулм аро ҳолимга тараҳхум, *ё раб*. (51)
Зиндадил Мажнуннинг ўлмиш кўнгли чун Лайлига ҳай,
Бас не осиг они ҳайдин қовламоғлиғ, *эй араб*. (49)

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Навоий ғазалларида ундалмаларнинг гап охирида қўлланилиш ҳолати бошқаларига нисбатан бир қадар кам учрайди. Ғазалларда поэтик фикрлар – гаплар байт ва мисраларда ифодаланиши боис вазн табиатига мувофиқ байт бошида ва байт ўртасида қўлланган ундалмалар сермаҳсул бўлиб, ундалмаларнинг байт охирида келиши эса ниҳоятда кам кузатилади.

2) Йиғиқ ва ёйиқ шаклларда қўлланади.

Шоир ғазалларида бир сўздан иборат йиғиқ ундалмага нисбатан ундов сўз ва сўз бирикмалари билан қўлланган ёйиқ ундалмалар ниҳоятда кенг қўлланган. Бунда асосан, “эй” ундовидан серунум фойдаланилган: “эй қуёш”, “эй Исо дамим”, “эй пири дайр”, “ё раб”, “эй барқи ишқ”, “эй ишқи золим” каби. “Ё” ундови билан келган ундалмалар эса ниҳоятда кам учрайди. Асосан “ё раб”, “ё оллоҳ” ундалмалари кузатилади.

Истеъдодли сўз санъаткори сифатида Навоий ҳар бир ғазалнинг умумий мазмуни, ундаги байтларнинг эстетик моҳиятига мувофиқ ундалмаларни юксак поэтик маҳорат билан танлаб, ўз шеърятини юксак чўққиларга кўтаришга эришади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Навоий А. Топмадим. Ғазаллар. / Ўзбек адабиёти бўстони./ – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.
2. Расулова Н., Супиева Б. Она тилидан маърузалар. III китоб. – Т., 2016.
3. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т: Академнашр, 2010.
4. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Т.: Шарқ, 1999.

АЛИШЕР НАВОИЙ – ЎЗ ДАВРИНИНГ ЕТУК АДАБИЁТШУНОС ОЛИМИ

Обиджон КАРИМОВ
(НамДУ)

Ҳазрат Алишер Навоий машҳур давлат арбоби ва ўзбек халқининг буюк шоири бўлиш билан бирга ўз даврининг машҳур адабиётшунос олими ҳам бўлган. Алломанинг “Муфрадот” ёки “Рисолайи муаммо”, “Мажолис ун-нафоис”, “Мезон ул-авзон” каби адабиётшунослик илмига бағишланган асарлари маълум. Шунингдек, диний-гасаввуфий мавзуда ёзилган “Насойим ул-муҳаббат” (“Муҳаббат шабадалари”) асари ҳам бор. Бу асар 1495-1496 йилларда яратилган бўлиб, устози Абдурахмон Жомий асарининг ижодий таржимаси ҳисобланади. Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, Алишер Навоий устозларнинг бебаҳо меҳнатини доимо қадрлаб келган. Хоҳ дostonларида бўлсин, хоҳ ғазалларида, хоҳ назарий асарларида бу табаррук зотлар ҳақидаги эҳтиромини изҳор этишдан ҳеч чарчамаган. Алишер Навоий кўплаб асарларида Абдурахмон Жомий, Абуллайс Самарқандий каби меҳри дарё устоз-

ларини хотирлайди. Айниқса, Абдурахмон Жомий ҳақида кўп ва ҳўп гапирган. “Хамса”, “Хамсатул-мутаҳайирин”, “Насойим ул-муҳаббат” асарларидаги қатор бобларда устоз алоҳида эътироф этилган. Ҳадис ва ҳикматларда устоз-шогирдлик муносабатлари, унинг ҳақи чексиз экани зикр этиб ўтилган. Шогирд қанчалик баланд мартабага эришмасин, устоз ундан рози бўлмас экан, барибир фойдасиз. Чунки шогирднинг ҳақиқий саодати, бахти устоз розилигида, устоз ишончида. Бу ҳақда ҳазрат Навоий ёзадилар:

*Шогирд агар шайхул-ислом, агар қозидур,
Агар устод андин розидир – Тангри розидур (1, 28)*

Алишер Навоий устози Абдурахмон Жомийни “*нуран маҳдум*” дея таъриф этгани ҳам аҳамиятлидир. Олимларнинг эътирофича, Абдурахмон Жомий ўз асарида 616 шайх ҳақида батафсил маълумот берган. Алишер Навоий ижодий таржима жараёнида бунини 770 га етказган. “Насойим ул-муҳаббат” асарида шоирлар ва олимлар ижоди ҳақида гапира туриб, турк машойихи ва истеъдодли шоири Аҳмад Югнакий ҳақида айтган қуйидаги фикрлари ҳам аҳамиятлидир: “*Ҳақ субҳонаҳу таоло агарчи зоҳир кўзин ёпуқ яратқондур, аммо кўнгил кўзин бағоят ёруқ қилгондур... аксар турк улусида ҳикмат ва нуқталари шоъ*” (2). Китобда атоқли мутасаввуф шоир Аҳмад Яссавий ҳақида ҳам қимматли фикрлар айтиб, шундай ёзади: “*Аҳмад Яссавий Туркистон мулкининг шайхул машойихидур. Мақомоти олий ва машҳур, каромоти мутаволий ва номаҳсур (чексиз) эрмиш. Мурид ва аШоби гоътсиз ва шоҳу гадо анинг иродату ихлоси остонида ниҳоятсиз эрмиш*” (ўша китоб). Бу фикрлар Алишер Навоийнинг ўзидан олдин яшаб ўтган ижодкорларга, уларнинг асарларига берган баҳосидир.

Адабий-назарий ва танқидий фикрларни бадиий асарлар ичида ифодалаш Алишер Навоий ижодида кенг ўрин эгаллаганини машҳур навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов алоҳида таъкидлаб ўтган (2). Шоирнинг лирик асарларида, “Хамса”га кирган дostonларда адабиётшунослик ҳақида, ижодкорнинг бадиий олами ҳақида қимматли фикрлар, маълумотлар кўп. Аллома бошлаб берган анъана кейинчалик бир қатор ижодкорларимиз томонидан изчил давом эттирилди.

Фанда маълумки, адабиётшуносликнинг адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, адабий танқид каби уч асосий таркибий қисмлари бор. Алишер Навоий замонида, умуман, шоир яшаган даврдан олдинроқ ҳам адабиёт тарихи ўрнига *тазкира* атамаси қўлланган. Адабиёт назарияси ўрнида эса “Илми аруз”, “Илми қофия”, “Илми муаммо”, “Илми санойиъ” каби шеършуносликка доир фанлар бўлган. Уларда шеър илми, тузилиши ва шеърини нутқнинг ўзига хос хусусиятлари, бадиий санъатлар ўрганилган. Назарий маълумотларни билмай туриб, бадиий жиҳатдан мукамал асар ёзиб бўлмаслигини шоир яхши билган. Шунинг назарда тутган шоиримиз “Ҳайрат ул-аброр” дostonида шундай ёзадилар:

*Назмда ҳам асл анга маъни дурур,
Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур.
Назмки маъни анга марғуб эмас,
Аҳли маони қошида хўб эмас.
Назмки ҳам сурат эрур хуш анга,
Зимнида маъни дағи дилкаш анга (ўша асар, 62-бет).*

Байтлардан англашиладики, назмда, яъни шеърда ҳам шакл ва мазмун бир-бирига мос бўлиши керак. Бу билан шоир шеърнинг сурати сийратига мос бўлсин, шундагина унинг умри боқий бўлади, деган фикрни илгари сурган.

Алишер Навоий араб назмининг мумтоз шакли бўлмиш аруз илмини мукамал билган. “Мезон ул-авзон” асари аруз илмига бағишланган. Шоир асарда аруз ҳақида қуйидагича ёзади: “*... ва буким, бу илми нечун “аруз” дедилар, мухталиф аҳвол бор. Ул жумладин, бири била иктифо қилилур. Ва ул бурдумки, Халил ибн Аҳмад бу фаннинг возиғидур, чун араб эрмиш ва анинг яқинида бир водий бормишки, ани “Аруз” дерлар эрмиш ва ул водийда аъроб уйлари тикиб, жилва бериб, баҳога кшорурлар эрмиш.*

Ва уйни араб “байт” дер. Чун байтларни бу фан била мезон қилиб, мавзунини номавзундин аюрурлар, гўёки қиймат ва баҳоси маълум бўлур, бу муносабат била “аруз” деб турлар...” (2, 137).

Биз биламизки, Шаркнинг Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Шайх Аҳмад Тарозий, Абдурахмон Жомий каби қатор машҳур олим ва фузалолари ҳам аруз илмига оид рисоалар яратишган. Алишер Навоий “Мезон ул-авзон” асарида устозлари томонидан ёзилган асарларни чуқур ўрганди ва шулар асосида ўзбек арузи, унинг ўзига хос хусусиятларини чуқур илмий таҳлил қилишга эришган. Китобда арузнинг саккизта асосий рукнлари, ҳижо (ёки жузв), кофия ва унинг турлари мисоллар билан баён этилган. Алишер Навоий аруздаги асосий ритмик бўлақлар – рукнлар ҳақида гапира туриб, шундай ёзади: “*Бас мавзуи калом таълифида бу аркон таркибидин гузир йўқтур ва араб ва ажам шуаросининг жамиъ ашъори мураккаб бу аркон ижтимоидиндур ва аруз аҳли ани “афоиёл” ва “тафоиёл” дерлар ва ул саккиз фаслга мунҳасирдур*”(1, 139). Шу билан бирга олим аруздаги саккизта асосий рукнни санаб ўтади, уларнинг ўзига хос ва фарқли жиҳатларини мисоллар билан исботлашга эришган.

Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкираси 1491-1498 йилларда яратилган бўлиб, саккиз мажлисдан иборат. Асарда XV асрда яшаб ижод қилган 459 шоир ҳақида маълумотлар ва уларнинг асарларидан намуналар берилган, шунингдек, улар билан боғлиқ маълумотлар ҳам келтирилган. Булар у ёки бу шоир ижодини кенгрок ўрганиш, таҳлил қилиш имконини берган. Алишер Навоий устози Лутфий ҳақида ёзади: “*Мавлоно Лутфий ўз замонининг маликул каломи эрди, форсий ва туркийда назари йўқ эрди, аммо туркийда шуҳрати кўпроқ эрди ва туркча девони машҳурдир... Ва Мавлононинг “Зафарнома” таржимасида ўн минг байтдан ортиқроқ маснавийси бор, баёзга ёзмаган учун, шуҳрат тутмади ва лекин форсида қасидагўй устодлардан кўпининг мушукул шеърларига жавоб айтибдур ва яхши айтибдур. Тўқсон тўққиз яшади ва охир умрида радифи “Офтоб” шеъри айттиким, замон шуароси барча татаббуъ қилдилар ва ҳеч қайси матлаъни онча айта олмадилар...*

Бу фақир борасида кўп фотиҳалар ўқибтур... Мавлононинг қабри шаҳр равоҳисиди Деҳаи Канордаким, ўз маскани эрди, андадур” (3, 61-62-бетлар). Лирик шоир Атойи ҳақида шундай ёзади: “*Мавлоно Атойи Балхда бўлур эрди. Исмоил ота фарзандларидандур, дарвешваш ва хушхулк, мунбасит (ок кўнгил) киши эрди. Ўз замонида шеъри атрок (турклар) орасида кўп шуҳрат тутти*”(ўша жойда).

Кўринадики, Алишер Навоий нафақат машҳур шоир, балки ўз даврининг машҳур адабиётшунос олими, назарий ва танқидчиси ҳам бўлган. Шоирнинг бадиий мероси ўтмиш адабиётини ўрганишда, адабий-назарий ҳамда танқидий қарашларни таҳлил қилишда бой ва асосий манба бўлиб яна узоқ йиллар хизмат қилиши шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 7-том. – Тошкент: Фан, 1991. –28-б.
2. Алишер Навоий. “Насойимул муҳаббат” Асарлар. 10 –том, Тошкент, 2011.
3. Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 14-том. – Тошкент: Фан, 1991. – 137- б.
4. Алишер Навоий. “Шоҳбайтлар” Иккинчи китоб. – Т: Тамаддун,2016.–208 б.

НАВОИЙ ДЕВОНЛАРИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИНИ ТАВСИФЛАШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР ҲАҚИДА

Ойсара МАДАЛИЕВА

*(ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқишунослик институти)*

Ижод – жараён, уни идрок этиш ҳам жараёндир. Бу эса, айниқса, адабий асарларни ўқиш давомида яққол намоён бўлади. Алишер Навоий ўзининг асарларини ёзиш билан ўзбек тили ва адабиёти ривожига беҳисоб ҳисса қўшди. Шоирнинг ушбу адабиёт мундарижасини буюк асарлари ҳисобига бойитгани

алоҳида ҳодиса. Унинг асарлари кўчирилиши давомида беш асрдирки, бу қўлёзмалар матнининг оригиналга мослик ва ундан йироқлашув жараёнидаги тил ва адабиёт ривожига эса кўплаб тадқиқотлар манбаидир. Хусусан, Навоий девонлари қўлёзмалари бугунги кунга қадар матншунослик ва адабий манбашунослик принциплари асосида бир қанча тадқиқотларнинг яратилишига сабаб бўлмоқда. Қўлёзма манбалар устида олиб борилган ҳар қандай тадқиқотда, албатта, каталогларга мурожаат қилинади. Шу маънода, Навоий девонлари қўлёзмаларининг тавсифларини яратиш соҳадаги кейинги тадқиқотларга бирламчи манба вазифасини ўтайди.

Ўтган давр мобайнида юртимиз ва Навоий асарлари қўлёзмалари сақланувчи фондларга эга чет мамлакатларда яратилган Навоий асарлари қўлёзмалари каталоглари, Д.С.Лихачев таъбири билан айтганда, манбашуносликнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасининг амалий натижаларидир. Бироқ Навоий девонларини тавсифлашда баъзи муаммолар борки, улар ушбу девонлар тавсифлари устида қайта ишлаш лозимлигини тақозо этади.

Биринчидан, бу каталоглар яратилган вақтдан буён орадан кўп йил ўтди. Бу давр мобайнида қўлёзма фондлар яна янги манбалар эвазига бойиб бормоқда. Жараёнда янги бир қўлёзма асарнинг тавсифига эҳтиёж сезилиши табиий ҳолдир. Хусусан, юртимиз фондларидаги Навоий девонлари қўлёзмаларининг тавсифи келтирилган каталогларнинг яратилганига ўттиз йилдан ошди.

Иккинчидан, ҳали бутун Ўзбекистон қўлёзма фондларидаги Навоий асарлари тавсифи бир каталогга жамланган эмас.

Бу масалада юқорида келтирилганларимиз сабаблардан ташқари бевосита Навоий девонларининг ўзи билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжуд. Маълумки, Алишер Навоий туркий дунёдагина эмас, Шарқ халқлари адабиёти тарихида бир неча девон тузган шоир сифатида алоҳида мавқеъга эга. Шунингдек, Навоий шеърлари жамланган шундай турдаги девонлар ҳам борки, уларнинг баъзилари шоир яшаган даврда, баъзилари эса шоир вафотидан сўнг бошқалар томонидан тузилгандир. Муҳими шундаки, Навоий девонларининг кўплаб сони бўлганидек, кўплаб нусхалари ҳам мавжуд. Бу нусхалар турли давр ва ҳудудларда кўчирилгани боис уларнинг таркиби ҳам хилма-хилдир. Бу эса тавсифловчи учун баъзи қийинчиликларни туғдиради. Бу девонлар бошланиши ёки якуни бир хил бўлса-да, айнан бир девоннинг нусхаси бўлмаслиги мумкин.

Масалан, биринчи ғазали “Ашрақат мин акси ...” бўлган девонлар, айти пайтда, “Бадойиъу-л-бидоя”, “Хазойину-л-маоний”, “Ғаройибу-с-сиғар” ёки “Терма девон” бўлиши ҳам мумкин. Бунинг фарқига бориш учун, албатта, қўлёзманинг таркибини синчиклаб ўрганиш зарур бўлади. Акс ҳолда, девон номи ногўғри тавсиф қилиниши мумкин: 7701 рақамли қўлёзма СВР VII да “Ғаройибу ус-сиғар” деб берилган, аслида бу қўлёзма “Терма девон” дир.

Биринчи ғазали “Зиҳи зуҳури жамолинг ...” бўлган девонлар “Наводиру-ш-шабоб”, “Наводиру-н-ниҳоя” ёки “Терма девон” бўлиши ҳам мумкин. Бундай бошланишли девонлар таркиби синчиклаб ўрганилмаса, тавсифда қуйидаги хатоликка йўл қўйилиши мумкин: 1995 рақамли қўлёзма СВР II да “Наводир уш-шабоб” номи остида берилган, аслида бу қўлёзма “Наводир ун-ниҳоя” дир.

Ёки аксинча, биргина девоннинг нусхалари турли хил бошланиши мумкин. Жумладан, “Хазойину-л-маоний”нинг 677, 1486 рақамли қўлёзмалари “Шукр ва сипос ул кодирғақим ...” жумласи билан бошланувчи “Хазойину-л-маоний” учун ёзилган дебоча билан бошланади; 9766, 149/II рақамли қўлёзмалари “Ғасоҳат девонининг ғазал саройлари ...” жумласи билан бошланувчи “Бадойиъу-л-бидоя” учун ёзилган дебоча билан бошланади; 185/V, 9745 рақамли қўлёзмалари “Ашрақат мин акси ...” мисрали ғазал билан бошланади.

Шунингдек, “Хазойину-л-маоний” нусхаларини тавсифлашда муҳим бўлган яна бир ҳолат бор. Мажмуанинг баъзи нусхаларида девонлар ўз ички таркибини сақлаган ҳолда кетма-кет келса, баъзи нусхаларида ҳар тўрт девондаги шеърлар аралаш тарзда алифбо тизимига солиб чиқилган. Табиийки, бундай девонларни тавсифлаш бир оз қийин кечади. Сабаби иккинчи турдаги девонлар тузилиши жиҳатидан “Терма девон”ни эслатади.

Уларнинг фарқи, биринчидан, “Хазойину-л-маоний” нусхаларида ҳар тўрт девондаги шеърлар гарчи яхлит алифбо тизимида солинган бўлса-да, улар ё ўз кетма-кетлигини сақлаб қолади ёки ҳар бир ғазалнинг бошида “Ғаройибдин”, “Наводирдин” каби қайси девондан олингани аниқ кўрсатиб борилади. “Терма девон”ларда эса ҳозирча бу ҳолат кузатилмади.

Иккинчидан, “Хазойину-л-маоний” нусхаларидаги шеърлар сони “Терма девон”ларга нисбатан кўпроқ бўлади. Сабаби “Хазойину-л-маоний” нусхалари турли котиблар томонидан кўчирилган бўлса-да, тузувчи бир муаллифдир, яъни бунда котибнинг хоҳиши эмас, оригиналга эргашиш устунлик қилади. “Терма девон”ларнинг эса котибларигина эмас, тузувчилари ҳам бошқа-бошқа шахслардир (баъзан тузувчи котибнинг ўзи бўлиши ҳам мумкин). Яъни “Терма девон”лар таркибидаги шеърларнинг танловида тузувчининг диди ва хоҳиши етакчилик қилади. Бундан келиб чиқиб шуни ҳам айтиш мумкинки, “Хазойину-л-маоний” нусхаларининг деярли барчаси “Ашрақат мин акси ...” ғазали билан бошланади. “Терма девон”ларнинг бошқа ғазаллар билан бошланувчи нусхалари ҳам талайгина.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Алишер Навоий девонларининг қўлёзмаларини тавсиф қилиш жараёнида унинг таркибини жиддий ўрганиб чиқиш лозим бўлади. Айниқса, қўлёзманинг биринчи ғазалига қараб унинг қайси девон экани ҳақида ҳукм чиқариш тўғри эмас. Бундай хатоликлар келгусида амалга оширилиши мумкин бўлган тадқиқотларга салбий таъсир кўрсатади. Бизнингча, Алишер Навоий асарларининг юртимиз, қолаверса, дунё фондларида сақланаётган қўлёзмаларининг каталогини яратиш лозим. Албатта, бу вазифа кўп вақт, меҳнат ва маблағ талаб этади. Аммо бу тадқиқот натижасида навоийшуносликнинг матншунослик тармоғи юкори даражада ривожланади. Зеро, қаерда нима сақланиши ҳақидаги маълумот тадқиқотчи учун муҳимдир.

ТУРКИЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ЎРГАТИЛИШИ

Дилшода МУБАРАКОВА

(Ушак Университети, Туркия Республикаси)

Алишер Навоий буюк мутафаккир олим, шоир ва давлат арбоби, ўзбек адабий тилининг асосчиси, ғазал мулкининг султонидир. Унинг адабиётшунослик, тилшунослик, тарих, дин тарихи ва назариясига доир кўплаб асарлари муҳим маълумотларни қамраб олганлиги, аниқ далилларга асосланганлиги ва объектив хулосаларга эгалиги билан бугунги кун илм-фани учун ҳам ниҳоятда қимматлидир.

Алишер Навоий бобомиз бой тарихимизда, маънавий-маърифий дунёимизда беқиёс аҳамиятга эгадир. Дарҳақиқат, ҳазрат Алишер Навоийнинг адабий мероси чексиз мазмун ва бадиий баркамоллик билан қопланган.

Бугунки кунда Ўзбекистонда Алишер Навоий ижодини ёшларга ўргатиш, беқиёс илмий-ижодий меросининг ҳар бир намунасида ифода қилинган фикрларни тушунтириш, ўзбек тили ва адабиётига кўшган ҳиссаси, жамият маънавий ривожига, замонавий илм-фан тараққиётида тутган ўрни ва роли билан боғлиқ мавзуларда муҳим ишлар ва илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, кўплаб луғат ва қомуслар, рисола ва дарсликлар нашр этилмоқда. Навоийшунос мутахассислар, ўзбек тили ва адабиёти бўйича илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, мазкур йўналишда фаолият олиб бораётган ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг тараққиёт қадамлари, бутун соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқлар, кенг қўламда амалга оширилаётган ислохотлар сабабли хорижликлар ҳам Ўзбекистон маданияти ва ўзбек тилини ўрганишга катта қизиқиш билдирмоқдалар. Ҳазрат Навоий шахсияти, унинг беқиёс илмий-ижодий меросининг юксак қиймати ва ўрнини ўргатмасдан юксак натижага эриша олмаймиз. *Зеро, бу ишларни амалга ошириш биз ўқитувчиларнинг зиммасига муҳим вазифаларни юклайди.*

Дунёдаги ривожланган мамлакат халқлари ҳам ҳазрат Навоийнинг ўлмас меросидан баҳраманд бўлишга, Навоий ва навоийшуносликнинг очилмаган қирраларини очишга ва янги тадқиқотлар қилишга интилмоқдалар. Ҳазрат Навоий авлодлари бўлганимиздан фахрланиш билан бир қаторда биз у зотга муносиб бўлиш масъулиятини ҳам ҳис қилиб, Навоий оламининг очилмаган қирралари сари бориш ва уларни тадқиқ этиб дунё халқларига билдирмоғимиз керакдир. Нафақат туркий халқларнинг, балки бутун инсониятнинг фахр-ифтихори бўлган Навоий асарларининг хориждаги нашрлари, уларни ўрганаётган олимлар ва тадқиқот ишлари ҳақида маълумотлар етарлича эмас. Шу боис биз ҳам Туркия Республикаси таълим тизимида Алишер Навоий ижодининг ўргатилиши, ажратилган дарс соатлари, талабаларнинг мавзунини ўзлаштиришлари ҳақида баъзи маълумотлар билан бу мақоламизда ўртоқлашишни мақсад қилдик.

Биз асосан Туркия Республикасида фаолият юритаётган давлат олий таълим муассасаларида *Ҳозирги туркий тиллар* ва *Турк тили ва адабиёти* кафедраларида ўзбек тили ва адабиёти дарсларида Алишер Навоий ижоди, ўзбек тили ва адабиёти, унинг ўзига хос хусусиятларини ўқитишда дарс жадваллари ва дарсда ишланаётган мавзулар, қўлланаётган манбалар тўғрисида маълумотлар бериш билан бир қаторда юзага келаётган муаммолар, уларни ҳал қилишда ҳамкорликда халқаро марказлар ташкил қилиш ва иш олиб бориш ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчимиз.

НАЗМ ГУЛИСТОНИНИНГ САЙРОҚИ ҚУШЛАРИ

Аҳаджон МУҲАММАДИЕВ
(СамДУ)

Алишер Навоий “Ҳайрат-ул-аброр” достонининг “Сўз таърифида” деб номланувчи бобида [1.], “Маҳбуб ул-қулуб”нинг биринчи қисми – “халойиқ аҳвол ва афъол ва ақволининг кайфияти” қисмидан жой олган ўн олтинчи фаслида шоирлар тўғрисида ва уларнинг бир неча гуруҳ эканлиги ҳақида атрофлича сўз юритади. Устоз шоирларга алоҳида эҳтиром кўрсатган Навоий ўрни билан истеъдодсиз шоирлар ҳақида ҳам асосли фикрлар айтади: “Адно (паст) табақаси жамоатедурким, назм фақат била (ёлғиз назм билан) кўнгиллари хушнуд ва хурсанд ва розию баҳраманддурлар. Ва юз машаққат била бир байтким боғлаштургайлар, даъво овозасин етти фалақдин ошургайлар. Сўзларида не ҳақойиқ (ҳақиқат) ва маъориф (илм) нўшидин ҳаловат ва назмларида не шавқ ва ишқ ўтидин ҳарорат. Не шоирона таркиблари аҳсан (яхши кўринувчи) ва не ошиқона сўзу дурлари шўъла афкан (алангаланувчи). Баъзидин агар гоҳи бирор яхши байт воқеъ бўлур, аммо ўн оинча (ўнларча) ямон даъво зоҳир бўлурки, у ҳам зоеъ (бекор) бўлур.

Агар бири бир нозук маънида писандида печ қилур (ёқимли нарса тўқиса) аммо ўн оинча нописанд (ёқимсиз) даъво била ани ҳам ҳеч қилур. Турфароқ бу ким, ҳар бирининг сўзида маъно озроқ ва ўзида даъво кўпроқ” [2,3.].

Кўринадик, Навоий шоир бўлгани ҳолда юқорида таъкидлаганимиздек, баъзи шоирларни қаттиқ танқид қилган. Шоирларнинг бу янглиғ танқид қилинишини “Шуаро” сурасининг 224 – 226-оятларида ҳам учратамиз. Оят мазмунан Навоий таъкидлаган фикрни тасдиқлайди. Таржимасини келтирамыз: “Шоирларга йўлдан озганлар эргашур. Уларнинг (сўз водийсидан) ҳар водийга дайдишларини (яъни ўзларига ёқиб қолган энг тубан кимса ё нарсаларни ҳам кўкка кўтариб, ёқтирмаганларини тупроққа қоришларини) ва ўзлари қилмайдиган нарсаларни айтишларини кўрмадингизми? [4.]

Ушбу қиёсимиздан шоирлик ножоиз фазилат деган маънони чиқармоқчи эмасмиз. Билъакс, шоирлик буюк куч экани ва уларнинг ижод маҳсули – шеър қалбларни юмшатиши, инсонларни эзгуликка чорлай олиши мумкинлигини манбалардан олинган иқтибослар мисолида исботламоқчимиз.

Маълумки, “шеър” арабча “шаърун”, яъни сезмоқ, қалбан ҳис этмоқ деган маъноларни англатади.

Навоий юқорида танкид қилган шоирлар ана шу “шаър”ни – ҳис-туйғу ва мантикни унутиб қўйган кўринадилар, назаримизда. Таассуфки, бундай шоирларимиз ҳар қайси замонда ҳам бўлганлар. Зеро, Сайфи Саройи шоирлар ҳақида сўзлар эканлар, ноқобил шоирларни шундай васф этган эди:

*Кими ўзганинг ашъорин меним дер,
Кими ҳайвон киби шалғом чўпин ер.*

Навоийда ҳақгўй шоирлар ҳақида куйидаги мадҳ келтирилади: “... бу гуруҳ (шоирлар) маърифати илоҳий хазинасининг нақдиналари билан бойиган ва халқ таърифидин мустағний (ҳожат сезмайдиган) лардур. Ишлари маоний хазойини (маънолар хазинаси) дан маърифат жавҳарин термак ва эл файзи учун вазн силкида назм бермак. Назм адоси бағоят аржуманд (қадрли) ва бениҳоят шариф (улуғ) ва дилписанд (ёқимли) ўлдуғи учун (бўлиши учун) оёт каломда нозил бор ва ҳадиси мўъжиз низомда тилаган топар, чун маъал қасд эмас, эл ҳурмати жиҳатидин ани шер демас”[3.].

Кўринадики, Навоий шеър деганда маънолар хазинаси билан бойиган ва эл кўнглига маҳбуб бўлиш мақсадидагина маълум ўлчовга эга бўлган шеър шаклини тушунган. Ўзи ҳам ижоди давомида худди шундай шеър яратмоқни мақсад қилган ва буни тўла маънода ниҳоясига етказган. Аммо таъкидлаганимиздек, маънисиз, мантиксиз, фақат қофиягагина эга бўлган шеърларни ва уларнинг муаллифларини кескин танкид остига олган. Навоий назм ҳақида сўз юритар экан, унинг бениҳоят ёқимли, қадрли ва улуғ бир иш эканини ва бу ҳақда Қуръонда ва ҳадиси шарифда маълумот борлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлайди. Дарҳақиқат, ҳақгўй шоирларни ёқловчи ҳадис мавжуд. Юқорида келтирилган оят нозил қилингандан сўнг шоир саҳобалар ташвишланиб Пайғамбар (с.а.в.)дан ўзлари ҳақида сўрашган. Оллоҳнинг расули ўз навбатида уларнинг қалбларини хотиржам қилувчи жавобни айтганлари бизга маълум. Энди шу маънодаги оятни ҳам келтириб ўтайлик. Аллоҳ таоло “Шуъаро” сурасининг 227-оятда шундай таъкидлайди: “Магар иймон келтирган ва яхши амаллар қилган ҳамда доим Оллоҳни ёдда тутган ва (илгари) мазлум бўлганларидан кейин (ислом зафар топгач) ғолиб бўлган кишилар (яъни шоирлар йўлдан оздиргувчи эмаслар)” [4.].

Навоий ҳам ўз навбатида “Маҳбуб-ул-қулуб”нинг “Назм гулистонининг сайроқи қушлари, яъни шоирлар тўғрисида”ги фаслда ояти каримада таъкидланган сифатга эга шоирлар ҳақида алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтади: “Аммо бу азиз қавмнинг пешвоси ва муктадоси (йўл бошловчиси) ва шарфи хайлнинг (гуруҳнинг) сардафтар ва сархайли (гуруҳбошиси) валоят (валийлик) баҳрининг ва каромат авжи мунир ахтари (каромат осмонининг нурли юлдузи) амирул муъминин Али ... дурким, назм девонлари мавжуддур ва анда асрор ва нуқат (сирлар ва донишмандона сўзлар) номаъдуд (саноксиз)дир [2.]. Навоий юқорида сифатланган гуруҳга эргашувчи шоирлардан: форсий иборада сирлар жавҳарини тузувчи Шайх Фаридуддин Аттор, маънавий “Маснавий”нинг муаллифи – яқинлик дарёсининг сузувчиси Мавлоно Жалолиддин Румийларни санаб ўтади-да, сўнг шоирлардан бўлган бошқа бир гуруҳни таъриф этади:

“Яна бир жамоатедурким, ҳақиқат асрориға мажоз тариқин махлут қилибдурлар (мажоз йўлини ара-лаштирибдилар) ва каломларин бу услубда марбут этибдурлар (боғлабдилар)” [3.], дейди. Ҳамда ушбу гуруҳга маъни аҳлининг нозик сўзлиси Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий, ишқ гуруҳининг ҳалол ошиғи Амир Хисрав Дехлавий, тасаввуфда нозиклик ва мушкуллар чигалини ечувчи Шайх Заҳириддин Санойи, ҳақиқат аҳлининг яғонаси Шайх Авҳадиддин ва тил билан маънини адо этган Хожа Шамсиддин Муҳаммад Ҳофизлар мансуб эканлиги хабарини беради.

Шоирларнинг яна бир бошқа гуруҳлари тўғрисида Навоий: “Яна жамъи бордурларки, мажоз тариқа адоси алар наздиға ғолиб (мажоз йўли уларнинг шеърларида ғалаба қозонган) ва алар бу шевага кўпрак роғибдурлар”[3.], дейди ва гуруҳ вакиллари Камол Исфаҳоний, Ҳоқоний Шервоний, Хожуи Кирмоний, Мавлоно Жалолиддин, Хожа Камол, Анварий, Заҳир, Абдулвосиъ, Асир, Салмон Соважий, Носир Бухорий, Котибий Нишопурий ва Шоҳий Сабзаворийлар ҳақида ёзади.

Ниҳоят, ҳақиқат ва мажоз йўлида камолга эришган ва илми ҳар икки йўлда етилган ва тўлишган,

шоирларнинг илғори ва раҳбари Абдурахмон Жомий эканини эътироф этади ва уни: “Аввалги табақа равиши ва каломида ҳам шариф мақол (сўзи шарафли) ва сўнгги табақанинг ҳам адоси латойифида (услуги гўзалликларида) соҳибкамолдурким, оламда завқу ҳол (тасаввур) аҳли булар латойифи била (буларнинг гўзал сўзлари билан) масрурдурлар ва булар маорифи била ҳузур қилурлар”[3.], дея тавсиф этади.

Кўришиб турибдики, Навоий маъно ва шакл мутаносиблигидан вужудга келган халқ кўнглига маҳбуб – ёқимли шеърларни ижод эта олган шоирларни ҳақиқий шоир дея эътироф этган ва васф қилган экан. Буларнинг акси бўлган шоирларни эса шоир дейишдан ҳатто ор қилган ҳам. Навоий бир рубоийсида:

*Аълolariдур нединки дерсен аъло,
Аднолари ҳам барча аднодин адно.
Авсатлариким, ҳеч нимага ярамас,
Билким, нафас урмоқ алардин авло,—* деган фикрни айтади.

Хулоса шуки, Алишер Навоий шоирликни шунчаки жўн машғулот деб ҳисобламаган. Сўз санъатининг инсон маънавий ҳаётидаги ўрнини теран ҳис қилган Навоий шеър ва шоирликка ўзига хос қатъий мезонлар асосида талаблар қўяди. Навоийнинг бу каби қарашлари бадиий ижод билан шуғулланишни кўнгил иши деб қаровчилар учун ҳам катта бир ибрат мактабидир. Сўзимиз сўнггида таъкидламоқчимизки, бизнинг мустақил юртимиз бағридан Навоий ҳазратлари таъкидлаган ҳақгўй шоирлар жуда кўп. Эндиликда етишиб чиқаётган ёш шоирларимиз ҳам Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуфларга издош ва ўз ижодлари билан халқимиз кўнглига маҳбуб бўладилар, деган умиддамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик: 6-жилд. – Ғ. Ғулом номидаги бадиий адабий нашр. Тошкент:, 2011 й.
2. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик: 9-жилд. – Ғ. Ғулом номидаги бадиий адабий нашр. Тошкент:, 2011 й.
3. Алишер Навоий. “Асарлар”. XV томлик, XIII том – “Маҳбуб ул-қулуб”, Ғ. Ғулом номидаги бадиий адабий нашр. –Т.1966 й.
4. Куръони карим: маъноларнинг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент Ислом университети, 2007.

“ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ” ВА “ТАРИХИ АНБИЁ ВА ҲУКАМО”ДА ЮСУФ ТАЛҚИНИ

Шахло НИЗОМОВА
(ТошДЎТАУ)

Мумтоз адабиётимизда Юсуф образи кенг тарқалган бўлиб, илк бор Мусонинг “Ибтидо” китобида у билан боғлиқ воқеалар учрайди. Кейинчалик Юсуф образи Абулқосим Фирдавсий, Абдурахмон Жомийларнинг “Юсуф ва Зулайҳо” дostonларида кенг ёритилган. Юсуф билан боғлиқ воқеаларни бадиий шаклда келтиришни Қул Али ўзининг “Қиссайи Юсуф” дostonи орқали бошлаган. Ҳозирги кунда Дурбекка нисбат берилаётган “Юсуф ва Зулайҳо” дostonи ҳам шеърый йўлда ва улкан маҳорат билан ёзилган. Шарқ адабиётида Юсуф талқинининг турли асарларда ўхшаш ва фарқли жиҳатларини кўришимиз мумкин. Хусусан, XIII-XIV асрларда ёзилган Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” ва Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарларида ҳам бунини яққол кўришимиз мумкин. Бу икки

асарда ҳам пайғамбарлар тарихи ҳақида ёзилган . Аммо улар ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд. Рабғузий Юсуф ҳаётини тавсифлар экан, ўзи эшитган ёки кўрган манбаларидаги вариантларни ҳам келтириб ўтади. Масалан: “ Ҳосил ул- амир. Азизи Миср Юсуфни сотғин тилади”.

“Ривоятда келмиш, Ваҳоб ибн Мунаббах разияллоҳу анҳу айтур:

“ Юсуфнинг баҳоси тўрт юз ратл отун , тўрт юз ратл кумуш, тўрт юз ратл йинжу, гавҳар муқаррар бўлди . Зулайҳо эри Азизи Мисрға айди :” Ул ўғлонни сан сотғин олғил , бизга қул бўлсин”, теб”.

“Яна бир ривоятда Зулайҳо аморийға ўлтуруб тамошадин келурда Юсуфга йўлуқди, кўнгул исикди. Азизи Мисрға айди: “ Бу ўғлонни сотғин олғил”. Азиз айди: “Бизнинг молимиз йўқ , баҳо тегургаймиз”. Зулайҳо айди: “Бор молимизни бералинг, қизланчиларни бералинг. Етмаса, бўюмдақи кулоқимдақиларни берайин”.

“... Азин яроғ бўлмади эрса Юсуфни олмоқ учун Азизга тарғиб қилди. Бўлмади эрса отланиб ма-ликка борди , илтимос қилди, ижобат бўлди. Мол тизди, баҳо берди, Юсуфни олди”.

Юқоридаги келтириб ўтган ривоятимизда Рабғузий Юсуфни Азизи Миср сотиб олган ёки Зулайҳо сотиб олган вариантини ҳам келтириб ўтган. Бундай фарқларни Юсуф оиласи билан боғлиқ ҳолатларда ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо”сида “..... аксар тавотих иттифоқлари борким, Яъқуб (а.с) га Лайёдин олти ўғул бўлди : Рўбил , Шамъун, Яхудо, Лоди, Зарбун Яшхар. Ва Роҳилдан Юсуф (а.с) ва Ибн Ямин мутаваллид бўлдилар ва Фалиҳадин Дон ва Нафқол ва Зулфадин Ков ва Асра вужудга келди”.

“Қисаси Рабғузий” да эса “ ... Яъқуб ялавочнинг олти хотуни бор эрди . Текма хотундан икки ўғул бўлди – ўн икки ўғул бўлур”.

Бундан кўриниб турибдики, Яъқуб (а.с)нинг Роҳил аёлларидан Юсуф туғилгани икки асарда ҳам бир хил, аммо аёллари ва фарзандларининг сониди фарқ бор. Навоий Юсуф тилидан келган сўзларни далиллаш учун Куръондан оят ва сураларни келтириб ўтади. Масалан: Юсуф ёшлигида бир туш кўради ва отаси Яъқуб (а.с)га айтиб беради.

“Ваиз қола Юсуфу лиабихи ё абати инни раайту аҳада ашара кавкабан вашшамса валқамара раайтуҳум ли сожидина”.

“Эй ота , мен тушимда ўн бир юлдузни , яна куёш ва ойни кўрибман. Ҳаммалари менга сажда қилаётган эмиш.”³²³

Ёки Яъқуб (а.с) ва Юсуф бир-бирлари билан топишиб , Миср тахтига ўтириб, шод-хуррам кунлари бошланганида қуйидаги сўзларни айтади:

“ Ё абати ҳозо таъвилу руъёея мин қаблу”.

“Эй отажон, мана шу қирқ йил илгари кўрган тушимнинг таъбиридир”.

Рабғузий фикрларининг манбасини айнан келтирмайди. Аммо ўринли жойларда ғазал, шеър, байтлар ва турли жанрлардан фойдаланади. Бу унинг бадиий жиҳатдан ҳам маҳоратга эга эканини кўрсатади.

Байт. Баҳорийём

Мавлоно Носируддин Рабғузий:

*Кун ҳамалга кирди эрса келди олам наврўзи ,
Кечди баҳман замҳарир қиш қолмади қори бузи.
Кун келу минг кўрки ортиб тирилур ўлмиш жаҳон ,
Тонг бадизлаб нақши бирла безанур бу ер юзи.*

Рабғузий бу байтни баҳор келиб, Юсуфни оғалари далага сайр қилиш учун олиб кетмоқчи бўлишганида келтириб ўтади. Бу байтда у баҳор кунлари келиб , қорнинг изи ҳам қолмай, ер юзи яшилликка бурканганини юксак бадиият билан ифодалаган. Шунингдек, бу икки асар ўртасидаги фарқлардан яна бири: Навоий Юсуф ҳақида хабар берар экан, фикрларини лўнда-лўнда ва асосий

323 Alisher Navoiy . To‘la asarlar to‘plami. T:2011. 8-jild.694-b.

воқеаларни баён қилган холда ифодалашни афзал кўрган. Рабғузий эса, ҳар бир воқеага изчил тўхталиб ўтган. Аммо икки ижодкор ҳам ўзлари кўзлаган мақсадга эришишган. Бу икки асарда Юсуф ҳақида фарқли талқинлар берилган бўлса-да, биз у ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўламиз. Айти пайтда ижодкорлар мавзуга ижодий ёндошиб такрорланмас лавҳалар яратганлар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Юсуф ҳақидаги тарихий асарлар, дostonлар кўп. Уларнинг ҳар бирида хилма-хилликлар мавжуд. Уларни ўрганиб фарқли жиҳатларини таҳлил қилиш, бадииятини ўқувчи учун очиб бериш, тушунарли тарзда китобхонга етказиш биз, яъни шу касб эгаларининг зиммамиздadir.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. – Тошкент: Ёзувчи. 1981.
2. Навоий Алишер. ТАТ. 10-жилдлик. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. Ж.8.
3. Насимхон Раҳмонов. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент: Сано-стандарт. 2017.

АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛИЁТИ АМЕРИКАДА

Гулноза ОДИЛОВА

(ТошДЎТАУ)

Алишер Навоий ижодига Ғарб дунёсининг қизиқиши ҳамон давом этиб келмоқда. Навоий ижодининг бир қатрасини кашф этган хорижлик борки, ўз хайратларини яшира олмайди. Тезроқ Навоий ҳақида замондошларига хабар бергиси, уни ўз она тилига ўтиргиси келаверади. Навоий ғазалиёти билан юзлашган Ғарб маданияти вакиллари борки, уни - ижоди юксак, такрорланмас шоир эканлигини эътироф этадилар. АҚШлик исломшунос олим Барри Хоберманнинг “Saudi Aramco World” журналида чоп этилган “Chaucer of Turks”[1] номли мақоласида Навоийни “Шарқ уйғониш даври асосчиларидан биридир”, - деб этироф этади. Германиянинг Фрайе университети симпозиумида ўқилган маърузалар асосида ташкил этилган “Mir Alisir Nawai” номли тўпламга киритилган З.Клайнмихельнинг “Навоий-бенаво” номли 300 саҳифали мақоласида Навоий ижодидан олган хайратларини бир мақола ичига жойлашга ожизлик қилади. Навоийнинг “Сабаи сайёр” асари асосида Италиялик Майкл Трaмеззино томонидан 1557 йилда яратилган ва дунёнинг бир неча тилларига қайта ва қайта таржима қилинган “Сарандибнинг уч шахзодаси” асарини тадқиқ қилган америкалик шарқшунос Ричерд Бойла бу асарни Европа Уйғониш даврининг шоҳ асари деб атайди[2]. Ўзбекистонга келиб, Алишер Навоий ижодини ўрганган ва унинг “Лисон-ут-тайр” асарини инглиз тилига таржима қилган канадалик Гарри Дик Навоийга “Дунёни маънавий таназулдан қутқара оладиган кўнгил боғининг боғбони”[3] дея таъриф беради. Сўнгги йилларда хорижликлар томонидан Навоий асарлари бирин-кетин таржима қилиниб чоп этилмоқда. Бу таржималарга Навоий ғазалиётининг поляк тилига Януш Кжижовский, украин тилига украин шоири Николай Бажаннинг “Фарҳод ва Ширин” дostonининг таржималарини киритиш мумкин. Бироқ бу буюк шоир ижодининг бир дебочаси холос. Навоий ғазалларини инглиз тилига таржима қилаётган журъатли ўзбек таржимонларидан Аъзам Обидов, Қосимбой Маъмуров, Динара Султонова, Аида Буматоваларнинг сафи кенгайиб бормоқда. Бироқ эндиликда қилинган таржималар хорижлик муҳаррир таҳриридан ўтиб, тўплам холида нашр этилиши, энг асосийси, улар хорижий давлатларда тарғиб этилиши керак. Зеро, ўзбек таржимашунослари ғазал аслиятидаги маъно ва бадииятнинг таржимада қайта яратилган ёки йўқлигига баҳо бериши мумкин, аммо таржима тилининг силлиқ ва хорижлик рецептор учун ўқишлилигига энг одил баҳони хорижий тил эгасигина бера олади. Ўтган йили Американинг Массачусетс штати Салем шаҳрида истикомат қилувчи адабиётшунос олим Денис Дэли то-

монидан таржима қилиниб, 2016 йил декабрь ойида АҚШ Cervena Barva Press нашриётида чоп этилган “Twenty one Ghazals by Alisher Navoiy” деб номланган китоб сотувга чиқарилди. Мазкур мўжазгина тўплам муаллифнинг бешинчи китоби бўлиб, кўплаб нуфузли рўзнома ва нашриётларда муҳаррирлик қилиб келган Денис Дэли эндиликда ижодкор ва таржимон сифатида бадиий асар ва таржималар ҳам чоп этмоқда. Тўплам хорижликлар томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди. Китоб бугунги кунда амазон ва бошқа кўплаб сайтлар орқали хорижликлар ҳукмига ҳавола этилган. Маълумки, Алишер Навоий ғазалларида бадиий тасвир ранго-ранглиги ва тағматларнинг кўплиги кузатилади. Дэли таржималарида тағмаъно ва кўп сонли тасвирнинг баъзиларининг учратсангиз-да, таржималар ниҳоятда ўқишли чиққан, энг муҳими хорижликлар Навоийни кашф этишмоқда, бу таржималар орқали шоир шеърияти уларга жуда маъқул келмоқда.

*Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонга тушти ўт,
Йўқ шафақим, бир қироқдин осмонга тушти ўт.*

Таржима: *Tulip fields blaze the face of my soul's fire.
Sunssets sear across the sky, touch the earth with fire.*

Аслиятда шоир – “Кўриб турганингиз бу лолазор эмас, менинг оҳимдан жаҳонга тушган ўтдир”, - дейди ва ғулунинг юкори даражасини ишлатади, Таржимада “лолазор менинг оҳимдан ёғкинроқ бўлиб кетди” деб муболағанинг ишониниш мумкин бўлган куйроқ даражаси кўлланган. Бироқ китоб нашр этилиши билан интернетдаги онлайн рўзномаларда хорижлик мутахассисларнинг тақризлари бирин-кетин босила бошлади. Улардан бири 2017 йил 15 февралда АҚШдаги Somerville times рўзномасида Масачусетслик давлат арбоби, сиёсатшунос олима Денайс Провост хоним томонидан мазкур китобга берилган тақриздир. Правостхоним ўз мақоласида янги нашр этилган китобнинг дизайни ундаги иллюстрациялардан тортиб ғазаллар жозибасини ҳам тасвирлашга ҳаракат қилади. Мақоладан иқтибос келтираман: “Бу сиз учун бир очилиш бўлади. Янги бир оламни кашф этасиз. Бу китоб жаҳоҳирлар тўлдирилган бир қутига ўхшайди. Менда бир катта савол туғилди бу шоир ким? Нега у ҳақида олдинроқ эшитмадим? Менинг ёшимдаги бошқа кишилар сингари мен, асосан, Ғарб дунёсини кўпроқ ўқиб ўрганганман. Лекин дунёнинг бошқа чеккасида ёзилган нодирликлар таржима орқали бизгача етиб келиши мумкин. Солеман Баркснинг хизмати ўлароқ 13-асрда Шарқда яшаб ижод қилган Румий шеърияти бизнинг давлатимизда ҳам анчайин яхши ўқилди. Бироқ Навоий ҳақида ким эшитган?” У ўз сўзини давом этар экан, Навоийнинг нафақат шоир, балки давлат арбоби бўлганлиги, ўз тили учун Чосер каби курашгани ҳақида тўлқинланиб гапирди. Туркийда ёзганлиги учун Ғарбда унчалик танилмаган Навоий ижодининг ниҳоятда гўзал эканлиги, ғазал структурасидаги мусиқийлик ва сўфиёна мазмун Петрарка сонетлари мисол ўқувчини ўзига мафтун этишини таъкидлайди[4]. Бир сўз билан айтганда, Алишер Навоий ижодини тушунганича таржима қилиб ўз замондошларига ҳавола этаётган хорижлик таржимонлар ғазаллар ортига яширинган сўз ўйинларининг ўндан бирини кашф этолмаган бўлсалар-да, бу таржималар ўқиганларни ҳайратга солмоқда. Навоий шеърияти таржимаси соҳасида чинакам муваффақият навоийшунос олим ва хорижлик таржимон ҳамкорлиги йўлга қўйилган лойиҳаларда кўринади. Алишер Навоий ғазалиётидан бир гулдастанинг хорижда севиб ўқиладиганлиги шоир асарларини таржима қилиши халқимиз учун ҳам бир тухфа бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Chaucer of Turks // Barry Hoberman. www.archive.aramworld.com
2. Richard Boyle. Three princes of Serendip. USA.2000.
3. Gary Dick. Why our world needs poets like Navoiy/ The language of birds/ to'plovchi va tarjimon A'zam Obidov. - Toshkent: Tafakkur, 2012. – 6.B.
4. Dennis provost/ Twenty oneGhazals(of) Alisher Navoiy translated from Uzbek by Dennis Daly/www. thesommervilletimes.com

МИР АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ОРИФЛИК ЙЎЛИ

А.Б.ПАРДАЕВ,
Д.МУҲАММАДИЕВА
(СамДУ)

Бугунги замонавий ўзбек тилшунослигининг энг ютуқли жиҳатларидан бири – исталган тадқиқ манбаи серқирралигининг тан олинганлигидир. Яъни бирор лисоний ҳодиса ёки восита турли томондан, алоҳида меъёрлар билан ўлчанади. Ушбу тадқиқ манбаининг маълум бир қиррасини ўрганишга хосланган усуллар, йўл-йўриқлар, мезонлар, яъни тадқиқ методлари бугунги кунда тилимизда бисёр. Шунинг учун битта тадқиқ манбаи минглаб қирраларга эга бўлганлиги сабабли минглаб методлар билан ўрганилаётганлиги ҳеч кимни ажаблантирмайди.

Шу ўринда собиқ совет давридаги иллатли бир ҳолатни эслаб ўтсак. Ана шундай иллатлардан, сунъий тўсиқлардан бири – тадқиқотлар мавзуси билан боғлиқ илм аҳлига таниш бўлган ҳолатни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Айтайлик, бирор тадқиқотчи бир мавзуни танладими ёки бирор муаммо бўйича диссертация ҳимоя қилиндими, тамом, у ўрганилган ёки ишланган масала ҳисобланиб, бу борада бошқа тадқиқот олиб борилишига деярли йўл қўйилмасди. Бу ўзига хос усуллар орқали қаттиқ назорат қилинарди. Натижада фанда деярли бирор мавзу доирасида жиддий қизғин баҳс-мунозара кузатилмасди ёки бунга йўл қўйилмасди. Агар бирор тадқиқотчи шу мавзу атрофида изланиш олиб бориш ниятида бўлса, «эски, ишланган мавзу» тамғаси остида у бу йўлдан қайтариларди. Яъни ушбу мавзунинг мингдан бир қирраси ўрганилса, қолган тўққиз юз тўксон тўққиз қирраси қолиб кетарди.

Истиқлол фанда баҳс-мунозарага кенг йўл очди. Бугунги кунда диалектик тафаккур методологияси ҳар бир тушунчада минглаб қирра мавжуд эканлигини, ундаги ҳар бир қирра бир тадқиқот мавзуси бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Бугунга келиб юқоридаги каби тушуниш қанчалик нотўғри эканлигини замон кўрсатмоқда. Бугун фанда вазият бошқача, тадқиқ манбаининг серқирралиги деярли барча томонидан эътироф этилмоқда.

Бугунги кунда ўзбек илм-фанида хилма-хил метод ва талқинларнинг мавжудлиги, уларнинг янада кўпаяётганлиги унинг ривожланганлик белгиси ҳисобланади. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатади»[2.150].

Шу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, фанда ҳам номиналистик ёндашишнинг мутлақлаштирилиши унинг тараққиётини бўғади, унга “ақл бовар қилмас ғояларнинг кириб келиши ва ривожланишига монелик қилади. Мутлақлаштирилган номиналистик ёндашиш фанда м е т а ф и з и к а, метафизик ёндашиш деб аталади ва бунда у қолоқлик, таназзул сўзларига яқин маънога эга [1].

Тадқиқотчи манбаига метафизикчасига ёндашиб, унинг серқирралигини ҳисобга олмайди ва ўзининг хусусий тадқиқ мақсади, усули, материали асосида объектнинг маълум бир қирраси ҳақида қўлга киритган маълумотларини мутлақлаштириб, уни бутун манбага тегишли мутлақ ҳукм деб шакллантиради. Гносеологияда *фетишизация* (мутлақлаштириш) деб аталадиган бу ҳодиса ҳам нарса моҳиятини очиш йўлидаги тўсиқлардан биридир.

Мир Алишер Навоий буни мунҳасирлик (чегаралаш) деб атаб, манбага олиб борадиган сонсаноксиз йўлларни билмаслик, тўғри йўл деб ўз йўлинигина тушунишни маърифатсизлик деб баҳолайди. Бу ҳақда “Лисонут тайр”да шундай шарҳни ўқиймиз:

*Водиедур юз туман минг онда йўл,
Ул бу бир келмай онингдекким бу ул...
Юз туман раҳрав кўрарсан беқарор,
Ҳар бири бир йўлни айлаб ихтиёр.
Ўз борур йўлида ҳар бир муфтаҳир,
Йўлни айлаб ўз йўлига мунҳасир.*

*Бу они тутмай мусаллам, ул буни,
Ҳар бир ўздин ўзга кўрмай ул буни [3.198].*

Шарҳи: Бу (нарса моҳиятини уқиш) боскичда бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган сон-саноксиз йўллар мавжуддир. Бунда ҳар бири бир йўлдан бораётган сон-саноксиз олимларни (йўловчиларни) кўрасан. Улардан ҳар бири ўз бораётган йўли билан фахрланади ва (умуман) йўлни фақат ўз йўли билан чеклайди – униси бунисининг йўлини, буниси унисининг йўлини инкор этади.

Ёки ҳазрат Алишер Навоий “Ҳақиқатга (Ҳаққа) олиб борувчи йўллар нечта?” деган саволга:

*“Истасанг йўл касратига адду ҳад
Халқ анфоси била тенг бил адад [4.153].*

Шарҳи: Йўллар кўплиги, сонун саногини биламан десанг, билки, йўллар сони йўловчилар (халқ, ҳақиқатга интилувчилар сони билан тенгдир),” – деб жавоб берганлар. Қиссадан ҳисса шуки, ҳар қандай тадқиқотчи ўзи учун мувофиқ йўл (методологик асос)ни танлаши лозим.

Алишер Навоий “Лисонут тайр” достонидаги “Кўрлар ва фил ҳикояти”да кўрларнинг фил ҳақида тасаввур ҳосил қилишига бағишланган ҳикоятда “кўр”лар жоҳил, диалектик методология билан қуролланмаган тадқиқотчилар тимсолидир. Ориф эса диалектик методология билан иш тутувчи ва ҳукм чиқарувчи ориф - комил инсондир. У “кўр”лар бир-бирини инкор қилишга интилиб мунозара қилсалар-да (“Бир бирининг сўзига айлаб хилоф, гар жадал қилдилар”), уларни кечиради (“эрдилар маоф”), чунки “кўр”лар нарсани яхлит, серқирра сифатида қабул қила олмас эдилар (“Солмағон эрди бири пил узра кўз”).

Шу нуқтаи назардан ҳар бир илмий масалани ўрганишни мақсад қилган тадқиқотчи биринчи навбатда диалектик методология билан қуролланиши лозим. Диалектик методология билан қуролланган тадқиқотчи Алишер Навоий ҳикоятидаги ориф сингари тушунчаларни яхлитлаштири олади ва хилма хил йўллар ва талқинлар олдида довдираб қолмайди. Яъни Ҳаққи мутлақ ва умуман материя моҳиятини англаш сари дадил одимлайверади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1990. 150-б.
2. Навоий Алишер. Лисонут тайр (Қуш тили). – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. Б.198.

СЎЗ МУЛКИНИНГ СУЛТони

И. ПАРДАЕВА
(ГУЛДУ)

Тилга, сўзга ғоят юқори баҳо берган Алишер Навоий сўз мулкининг султонидир.

Алишер Навоий сабоғича, “Тил бу чаманнинг очилган лоласи бўлса, сўз дурлари унга қўнган шабнамлардир. Сўз ўлган одамнинг танасига пок рух бағишлайди. Сўздан тандаги тирик рух ҳалок бўлиши мумкин”:

*Тил бу чаманнинг варақи лоласи,
Сўз дураридин бўлубон жоласи.
Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,
Рух доғи тан аро сўздин ҳалок. (1.15-б).*

Бу борада Навоий «Муҳокаматул-луғатайн»да ўзбек тилининг бойлиги, унинг катта имкониятларга эга эканлигини асослаб бергандан кейин шоирларга мурожаат қилиб бундай дейди: «Андин сўнграким, турк тилининг жомеияти мунча далил била собит бўлди, керак эрдимки, бу халқ орасидин пайдо бўлгон

таб салоҳият ва табларини ўз тиллари торғоч, ўзга тил била зоҳир қилмаса ерди ва ишга буюрмасалар ерди. Ва агар иккаласи тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпроқ айтсалар эрди ва яна бир тил била озроқ айтсалар эрди. Ва агар муболаға қилсалар, иккаласи тил била тенг айтсалар эрди. Бу эҳтимолга худо йўл берса бўлмаским, турк улусининг хуш таъблари мажмуи сорт тили била назм айтқайлар ва билкул турк тили била айтмағайлар, балки кўпи айта олмағайлар...».

“Муҳокаматул-луғатайн” икки тил - ўзбек ва форс тилларининг фонетик, лексик, стилистик, морфологик қиёсига бағишланган. Бу асари билан Алишер Навоий жаҳон тилшунослигида янги – икки тизимдаги тилни қиёслаб ўрганиш методини яратган: “Бутун Шарққа донг чиқарган форс тили билан хўрланган она тилини кураш майдонига олиб кириш керак. Қани қайси паҳлавон тўла қонлироқ экан?” (2.440-бет).

Алишер Навоий “Муҳокаматул-луғатайн”да икки тилни қиёслар экан, аввало, уларнинг ўзига хос жиҳатларини батафсил изоҳлайди, ҳар икки тилга холисона баҳо беради: “Икки тил – ўзбек ва форс тиллари – икки паҳлавон. Улар гоҳ мантиқнинг гурзусини кўтарадилар, гоҳ хусн ва салобатларини намойиш қиладилар. Гоҳ қўйинларидан дур ва гавҳарларни ҳовучлаб-ҳовучлаб сочадилар, гоҳ хуш садоликни ишга соладилар” (2.440-бет).

“Муҳокаматул-луғатайн”да шоир ўзбек тилида форс тилидан фарқли ўлароқ туюқ жанри мавжудлиги, унинг услубий имкониятларини кўрсатади. Шунингдек, исм туркумидаги сўзларни қиёсан шарҳлар экан, жуда кўп номларнинг форс тилида йўқлигини таъкидлайди. Айни чоғда феъл гуруҳидаги сўзларнинг ҳам аксариятининг маъносини беришда форс шоирлари қийналиб қолишларини қайд этади. Бу соҳада ўзбек тилининг имкониятлари анча кенглигини уқтиради. “Муҳокаматул-луғатайн”даги бундай илмий хулоса романда ўзининг ғоят ҳайратомуз тасвирига эга: “Бу ажойиб, бемисл курашни томошо қилғали Фирдавсийдан бошлаб мавлоно Жомийга қадар ҳамма улуғ форс шоирлари келган эдилар. Ҳар қайсилари ўз обрўларининг юксак поясида ярқираб ўтирардилар. Лекин улар тилларининг курашидан нохушлана бошладилар: форс паҳлавони қай бойлиги билан чиранмасин, ўзбек ботири уни кизартириб қўяди!” (2.440-441-бетлар).

Бу даврда барча форсигўйлар наздида форс тили бой, ўзбек тили эса камбағал тил деган тушунча устувор эди. Алишер Навоий “Муҳокаматул-луғатайн”да икки тилни ҳар жиҳатдан қиёслар экан, бу фикрнинг аксини исботлади. Яъни ўзбек тилининг форс тилига нисбатан бойлигини манбаларга суянган ҳолда асослаб бердики, буни тан олмасликнинг, гарчи аччиқ бўлса-да, имкони йўқ эди. Аммо бунинг барча форсигўйларга ёқмаганлиги ҳам, албатта бор гап: “Ўз паҳлавонининг қудратига ишонган, уни қатъий ғалаба билан олқишлаб, кураш майдонидан қўлларидан кўтариб, ардоқлагали келган улуғ азамат форс шоирлари ранглари ўчган, алланечук бўшашган бир ҳолда кўздан ғойиб бўлдилар” (2.441-бет).

Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий ҳаётдагина эмас, ижодда ҳам маслакдош, фикрдош бўлган. Алишер Навоий “Хамса”ни ўзбек тилида битганлигини олқишлабгина қолмасдан, унга ҳаққоний юқори баҳо ҳам берган. Ойбек мазкур романга Жомийнинг фикрларини “Муҳокаматул-луғатайн” миқсолида ўта нозиктаъблик билан сингдирган: “Уларнинг орасида фақат марҳум мавлоно Жомий ўзбек паҳлавонига офарин ўқиб, унинг елкасини қоқди” (2.441-бет).

Алишер Навоийнинг умр бўйи орзуси ўзбек тилини форсигўйлар таънасидан ҳимоя қилиш, унинг бой тил эканлигини назарий асослаш эдики, буни олим “Муҳокаматул-луғатайн”ни битиш билан бажарди: “Ва ҳаёлимга мундоғ келурким, турк улуси фасихлариға улуғ ҳақ собит қилдимки, ўз алфоз ва иборатлари ҳақиқати ва ўз тил ва луғатлари кайфиятидин воқиф бўлдилар ва форсигўйларнинг иборат ва алфоз бобида таън қилур сарзанишидин қутулдилар” (3.132-бет).

Бу улуғ ишни Алишер Навоийнинг юксак даражада адо этганлигини ва бундан, энг аввало, ўзи ғоят суюнганлигини, чунки тил тарих, халқ, ўзлик эканлигини Ойбек шундай тавсифлайди: “Навоий ўрнидан турди. Юрагида шодлик денгизи чайқаларди: - Она тилининг ғалабаси унинг ғалабаси, унинг суйган халқининг, тарихининг ғалабаси эди” (2.441-бет).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Хамса, Ҳайратул-аброр. XV томлик, VI том, Тошкент: 1965 йил.
2. Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек. Мукамал асарлар тўплами, VI том, “Навоий” романи, Тошкент: 1976 йил.
3. Алишер Навоий. Асарлар. XV томлик, XIV том, “Муҳокаматул-луғатайн”, Тошкент: 1976 йил.

«ШАРҲ АТ-ТАЪАРРУФ» ВА «НАСОЙИМ УЛ-МУҲАББАТ»

Комилжон РАҲИМОВ

*(ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқиунослик институти)*

X аср охирлари – XI асрнинг биринчи ярмида Бухорода яшаб ижод қилган Мустамлий Бухорий (1043 йили вафот этган) қаламига мансуб «Шарҳ ат-Таъарруф» асарида тасаввуф тарихи ва тасаввуф асослари билан биргаликда сўфийлар ҳаёти ҳам кенг акс эттирилган. Жумладан, ушбу асарда XI асргача ислом оламнинг турли ўлкаларида яшаб ўтган 134 сўфий ҳаёти ва фаолияти тўғрисида батафсил ва нодир маълумотлар берилган. «Шарҳ ат-Таъарруф» ўзидан кейин яратилган тасаввуф манбаларига сезиларли таъсир ўтказган. Жумладан, XI–XV асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда яратилган тасаввуф манбаларидан Қушайрийнинг (986–1072) «Рисолайи Қушайрия», Хужвирийнинг (ваф. 1073) «Кашф ал-махжуб», Фаридиддин Атторнинг (1145–1221) «Тазкират ул-авлиё», Хожа Муҳаммад Порсонинг (1348–1420) «Фасл ул-хитоб», Абдурахмон Жомийнинг (1414–1492) «Нафаҳот ул-унс» ва Алишер Навоийнинг (1441–1501) «Насойим ул-муҳаббат» асарлари «Шарҳ ат-Таъарруф»дан таъсир олган асарлар жумласига киради. Айтиб ўтиш лозимки, «Шарҳ ат-Таъарруф» асарининг мазкур тасаввуф манбаларига таъсири икки жиҳатга – агиографик ва доктринал характерга эга бўлиб, «Рисолайи Қушайрия», «Кашф ул-махжуб», «Тазкират ул-авлиё», «Нафаҳот ул-унс» ва «Насойим ул-муҳаббат» асарларида «Шарҳ ат-Таъарруф»дан олинган ўринлар агиографик қиссалардан иборат, «Фасл ул-хитоб» асарида «Шарҳ ат-Таъарруф»дан келтирилган иқтибосларнинг кўпчилиги эса тасаввуф асосларига оид.

«Шарҳ ат-Таъарруф» асаридан таъсир олган сўфийлик манбалари қаторида Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асари учун манба бўлиб хизмат қилган «Тазкират ул-авлиё» ва «Нафаҳот ул-унс» каби асарлар ҳам кирган. Шундан келиб чиққан ҳолда, «Шарҳ ат-Таъарруф»нинг бошқа манбалар қаторида «Насойим ул-муҳаббат»га ҳам билвосита таъсир ўтказгани тўғрисида гапириш мумкин.

«Шарҳ ат-Таъарруф»да келтирилган сўфийлар ҳаёти, фаолияти ва қарашлари тўғрисидаги қиссалардан қуйидаги беш қисса ёки қисса парчаси Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида ҳам учрайди:

1. Зуннуннинг ҳаёт чоғида маломатларга учрагани ва вафот этганидан сўнг ғаройиб ҳодисалар юз бергани тўғрисидаги қисса (Шарҳ ат-Таъарруф. 1-р. 208-б./ Насойим ул-муҳаббат. 31-б.).

2. Абу Бакр Шиблий (Жунайд Бағдодий) Абу Ҳафс Ҳаддод билан учрашганида уларнинг муридлар одоби тўғрисида суҳбатлашганлари тўғрисидаги қисса (Шарҳ ат-Таъарруф. 1-р. 100-б./ Насойим ул-муҳаббат. 49-50-б.).

3. Абулқосим Ҳаким Самарқандийнинг қозилик қилиб юрган чоғларида у ва уни кўргани келган улуғлардан бири ўртасида бўлиб ўтган воқеа тўғрисидаги қисса (Шарҳ ат-Таъарруф. 1-р. 237-б./ Насойим ул-муҳаббат. 87-88-б.).

4. Абу Амр Зужжожийнинг Маккада покиза яшаганлиги тўғрисидаги қисса (Шарҳ ат-Таъарруф. 4-р. 1749-б./ Насойим ул-муҳаббат. 157-б.).

5. Абу Ҳомид Дўстондаги ҳақ таъзими (худони улуғлаш) тўғрисидаги қисса (Шарҳ ат-Таъарруф. 4-р. 1771-б./ Насойим ул-муҳаббат. 197-б.).

«Насойим ул-муҳаббат»да келтирилган ушбу қиссаларни уларнинг «Шарҳ ат-Таъарруф»даги ўхшаш қиссалар билан муштараклик даражасига кўра қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. **Муштараклик даражаси юқори бўлган қиссалар.** Бундай қиссалар жумласига Абулқосим Ҳаким Самарқандий ва Абу Ҳомид Дўстон тўғрисидаги қиссалар киради. Жумладан, Абулқосим Ҳаким Самарқандийнинг қозилик қилиб юрган чоғларида у ва уни кўргани келган улуғлардан бири ўртасида бўлиб ўтган воқеа тўғрисидаги қисса «Шарҳ ат-Таъарруф» ва «Насойим ул-муҳаббат» асарларида айрим жузъий фарқларни ҳисобга олмаганда тўлалигича бир хил келтирилган.

Ҳар иккала асарда келтирилган Абу Ҳомид Дўстондаги ҳақ таъзими (худони улуғлаш) тўғрисидаги қисса мазмуни ҳам бир хил бўлиб, бунда фақатгина Навоий ушбу қиссани Мустамлийдан кўра қискартириброк баён қилади.

2. **Муштараклик даражаси ўртача бўлган қиссалар.** Бундай қиссалар жумласига Абу Бакр Шиблий (ёки Жунайд Бағдодий) Абу Ҳафс Ҳаддод билан учраганида уларнинг муридлар одоби тўғрисида суҳбатлашганлари тўғрисидаги қисса киради. Гарчи ушбу қиссанинг ҳар иккала асарда келтирилган вариантыда бир хил мавзу – муридлар одоби тўғрисидаги суҳбат борасида сўз юритилса-да, ушбу суҳбат «Шарҳ ат-Таъарруф»да Абу Бакр Шиблий ва Абу Ҳафс Ҳаддод учрашувида, «Насойим ул-муҳаббат»да эса Жунайд Бағдодий ва Абу Ҳафс Ҳаддод учрашувида бўлиб ўтади. Бундан ташқари, ушбу учрашув ва суҳбат тафсилотида баъзи фарқлар мавжуд.

3. **Муштараклик даражаси паст бўлган қиссалар.** Бундай қиссалар жумласига Зуннун ва Абу Амр Зужжожий тўғрисидаги қиссалардан олинган парчалар киради. Жумладан, «Насойим ул-муҳаббат»да Зуннун ва Абу Амр Зужжожий тўғрисида «Шарҳ ат-Таъарруф»дагидан анчагина узун бўлган қисса келтирилган.

Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида, бир томондан, «Шарҳ ат-Таъарруф»да мавжуд бўлган қиссалардан айримларини келтириши, иккинчи томондан, ушбу асарда «Шарҳ ат-Таъарруф» асарнинг номини ҳам эслатиб ўтиши Мустамлий қаламига мансуб ушбу асарнинг туркий тилдаги тасаввуфга оид манбаларга бўлган таъсирининг илк намунаси ҳамда туркий манбаларда ушбу асар номининг илк бор эслатилиши ҳисобланади.

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИДА АЛИШЕР НАВОЙЙ ҲИКМАТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Йўлдош РАҲМАТОВ

(ЖИДУ қошидаги академик лицей)

Мақоллар эволюцион тараққиётда халқ орасида турлича атамалар билан номланиб келган. Бир вақтлар масал дейилган бўлса, кейинчалик матал, панд, ўғит тарзида қўлланган. Баъзан эса, оталар сўзи, донолар ўғити, қадимгилар сўзи тарзида ҳам қўлланган. Қандай номланишига қарамай, халқ оғзаки ижодида бу атама халқнинг турмуш тажрибалари асосида юзага келган ихчам шаклдаги махсус турни ифода этган.

Ҳар бир нарсанинг ибтидоси бўлгани каби халқ мақолларининг келиб чиқиш сабаблари мавжуд. Мутахассисларнинг фикрича, мақолларнинг юзага келишининг турли омиллари мавжуд. Баъзи мақоллар эртақдан, баъзиси эса латифадан, яна бири афсонадан, бошқаси эса топишмоқдан келиб чиққан. Бироқ халқ мақолларининг келиб чиқишининг яна бир омили мавжуд. Бу – ёзма адабиёт.

Табиийки, халқ ҳаётини бадиий асарларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Халқ бадиий асар таркибида мавжуд бўлган ибратли ва ҳикматга тўла жумлаларни ёдида осон сақлаб қолган. Ўрни келганда бу жумлалардан жонли нутқда самарали фойдаланилган. “Одатда мақолни, аввало, ноёб қобилиятга эга, табиат ва жамиятни синчковлик билан кузатадиган, ўз хулосаларини қисқа жумлада ифодалайдиган кишилар тўқиб чиқаради. Дастлаб яқка шахсга тегишли бўлган бу хулосалар кейинчалик омма тилига

кўчиб қайта ишланиши, сайқаллашиши мумкин. Бу эса мақолларнинг пайдо бўлишига олиб келади”.

Ўзбек халқ мақолларининг келиб чиқиш тарихига назар солсак, унда миллат тарихида алоҳида ўрин тутган буюк сиймо Алишер Навоий ижодининг таъсири борлиги сезилади. Зеро, улуғ зотнинг эл-юрт учун қилган хизматлари ўз даврида халқнинг фахрига сабаб бўлган бўлса, яратган асарлари ва панд насиҳатлари халқнинг жон сўзига айланига ҳеч шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Алишир Навоий том маънодаги сўз санъаткори унинг ҳар бир тузган сатри гўзал шохбайт бўлиб халқ қалбидан ўрин олган. У ҳам давлат арбоби, ҳам халқ шоири сифатида юксак масъулиятни ҳис этган. Айтиш мумкинки, эл-улус олдидаги масъулиятни Навоийчалик англаган ва Навоийчалик тушунган шахс бўлмаган. Халқ ҳам ўз навбатида Алишер Навоийни пири комил сифатида эътироф этган ва бу кунга қадар буюк шоир қадри ва ўрнини зарра қадар туширмай келаётир.

Алишер Навоий шахсияти эл учун ўрناق бўлса, у яратган асарлар халқ ҳаётининг комусига айланган.”Чунки бирор-бир ҳаётий масала, инсонга хос қадрият ва туйғулар, фазилат ва иллатлар йўқки, у қаламга олмаган бўлсин, ҳеч нарса Навоийнинг теран нигоҳидан четда қолмаган”. Шундай экан, халқ ҳам буюк раҳнамози саналган шоир сўзларини ёд олган ва кези келганда панд-у насиҳат ўрнида қўллаган, натижада шоир қаламига мансуб пурмаъно ҳикматлар халқ мақолларининг юзага келишига муҳим замин яратган.

Халқ мақолларининг аксарияти Алишер Навоий ҳикматлари билан мазмун жиҳатдан ҳамоҳанглиги билан ажралиб туради. Адабиётшунос олим Эргаш Очиллов Навоийнинг халқ оғзаки ижодидан тўла хабардор шоир бўлгани ва ўз асарларида халқ мақол-маталлари, ибораларидан кенг фойдаланганини эътироф этиб “...донишманд шоирнинг кўрган-кечирганларининг хулосаси сифатидаги теран мазмунли, лўнда ҳикматлари халқ орасига шунчалик сингиб кетганки, уларнинг қайси бири халқники-ю, қайси бири Навоийники эканлигини ажратиш бўлмайди”,- деб ёзади. Масалан, Алишер Навоий қаламига мансуб “Билмагани сўраб ўрганган олим ва орланиб сўрамаган ўзига золим” ҳикмати халқ оғзаки ижодида “Оз-оз ўрганиб уста бўлар” ёки “Оздан йиғилиб дарё бўлар, сўраб-сўраб доно бўлар”(141) каби баъзи фонетик ва лексик ўзгаришга учраб мақолга айланган дейиш мумкин. Ёки шоирнинг “Чор девон”идан ўрин олган олган: “Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз”, “Сихҳат тиласанг, кўп ема, иззат тиласанг, кўп дема” фардлари халқ оғзаки ижодида мақол тарзида ўзлашиб кетган.

Алишер Навоийнинг панд-у насиҳатга асосланган асарлари талайгина, жумладан, шоирнинг умри охирида яратган “Маҳбуб ул-қулуб” асари ҳикмат бобида алоҳида аҳамиятга эга. Бу асарда шоир ўз ҳаётий тажрибаларининг ҳосиласи сифатида умр ва ҳаёт ҳақидаги фалсафий хулосаларини баён этади. Шу боис асарнинг ҳар бир сатри ҳикматга бой. Алишер Навоийнинг мазкур асаридаги кўпгина ҳикматлар халқ мақоллари учун тағзамин вазифасини ўтаган. Жумладан, “Маҳбуб ул-қулуб”нинг “Дабиристон аҳли зикрида” бобидаги “Шогирд агар шайх ул-ислом, агар қозидур, агар устоз андин розидур – Тангри розидур”, “Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила”, – каби ҳикматлари халқнинг “Устозни рози қил –Худо рози бўлади”. “Устоз отангдан улуғ” каби мақолларнинг юзага келишига асос бўлган дейиш мумкин. Алишер Навоий ҳикматидаги ғоявий мазмун устоз ва унинг ҳаётда улуғ мавқе соҳиби сифатида эъзозланиши халқ мақолида шаклий ихчамлик, фикрий аниқлик ва соддалик асосида қайта янгидан ифода этилгани кўриниб турибди.

Ёки халқнинг “Дехқон ишлаб дон сочар, элга ризк йўлин очар” (451) мақоли улуғ шоирнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асаридаги “Дехқонлар зикри” бобида келтирилган “Дехқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ била ризк йўлин очар” (37) ҳикмати орасидаги ўхшашлик ва мазмуний боғлиқлик яққол кўриниб турибди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Алишер Навоий ўзбек халқининг тақрорланмас мураббийси. Унинг асарлари ўлмас хазина. Улуғ шоир халқ ҳаёти, турмуш тарзи, одат ва анъаналарига катта эътибор қаратган. Ўз асарларида халқ ҳаётига доир кўплаб ибратомуз фикрлар баён этган. Бу фикрлар эса давр ўтиши билан халқ мулкига айланган ва халқ тилида доимий куйланган.

НАВОИЙ БАДИЙ ОЛАМИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАҲЛИЛИ

Мадина РАХМАТУЛЛАЕВА
(СамДЧТИ)

Инсонни характерловчи ва аниқловчи асосий восита тил ҳисобланади. Чунки тил фавқулодда инсон ва миллатнинг марказидир. Шу каби фикрни шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳам қуйидагича таърифлайди: “Сўздан айрилган инсон, хайвондур”. Тил маданиятини миллатнинг маданияти шакли сифатида таърифлаш маданиятшунослик ва этнография учун катта аҳамият касб этади, чунки тил ҳар қандай маданиятнинг асосидир [2, Б.36].

Тил ва миллатнинг шаклланиши бир пайтда амалга ошади. Тилдаги конвергенция ва дивергенция жараёнлари ҳақиқатда миллатлар ва халқларнинг бирлашиши ва ажралишини ўзида акс эттиради. Буни ўз навбатида маданий бирлик ва фарқлар омиллари орқали тушунтириш мумкин.

Тил ва маданият умумийлиги муаммоси бир неча асрлардан буён олимларнинг қўплаб илмий тадқиқотларига сабаб бўлмоқда. Хусусан, ҳозирги даврга келиб миллатлар кадриятлари муаммоси глобал характер касб этиб лингвомаданиятшуносликнинг фанлараро интеграцияси йўналишида шаклланишига олиб келди. Шу аснода ўзбек халқининг шоири ва мутафаккири Алишер Навоий асарларини дунёга танитишда унинг ўзига хос буюк сўз санъаткори эканлигини инглиззабон халқларга кўрсатиш ва асарларини лингвомаданий дунёсини ёритиб бериш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Алишер Навоий асарларининг лингвомаданиятшунослик нуқтаи назаридан келиб чиқиб ўрганишда сентенциялар алоҳида аҳамият касб этади. Сентенцияларнинг миллий-маданий ўзига хослигига интралингвистик ва экстралингвистик омиллар таъсир қилади. Интралингвистик омилларга эквиваленти мавжуд бўлмаган лексика, яъни реалаяларни киритиш мумкин, шу билан бирга фразеологик бирликлар ва образли воситаларни, миллий ўзига хос концептларни ҳам киритиш мумкин [4, Б.45].

Экстралингвистик омилларга миллий маданий ўзига хосликнинг шаклланишига таъсир қилувчи мулоқотнинг миллий-маданий шартлари, миллий менталитет, характер, тарбия, яшаш тарзи, маданий ва адабий аналар, миллий урф-одатлар, кадриятлар ва кўникмалар қиради [3, Б.89].

Ушбу ҳолат халқларнинг дунёнинг лисоний манзараси ҳақидаги тушунчасида ўз аксини топади. Алишер Навоийнинг “Сабъаи-сайёр” асари мисолида лингвомаданий таъсирни кўриб чиқадиган бўлсак, асар номининг ўзиданоқ шоирнинг дунёкараши, унинг илмий-фалсафий дунёси ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Барчага маълумки, Алишер Навоий сўфийлар тариқатининг тарафдори бўлиб, буни унинг асари орқали ҳам англаш мумкин. Навоий рақамларга, символларга алоҳида эътибор қаратганлигини қуйидаги мисолда яққол кўришимиз мумкин:

*Лутф бу назм аро бағоятдур
Фараз аммо **етти** ҳикоятдур
Чунки к,ойил **етти** мусофир эди,
Ки алар сайр шунга моҳир эди.
Булди чун бу рақам иши тайёр,
Кўйдим отини “Сабъаи сайёр” [1, Б.25]*

Юқоридаги мисол орқали Навоийнинг рақамларга алоҳида эътиборини кўрамыз, Навоийнинг ушбу асарида етти дарбадар, саргардон одам ҳақида гап кетади. Навоий етти сонини осмондаги етти сайёра, етти ранг билан боғлайди. Етти қитъадан келган етти саргардон одам етти кун давомида етти хил рангдаги саройда ҳикоялар сўзлайдилар.

Буюк мутафаккир ва шоир Алишер Навоийнинг асарлари ўзига бутун дунё халқлари кизикишини уйғотади. Шунинг учун Ўзбекистон мустақилликка эришиш асносида Навоий асарларини инглиз тилига таржима қилиш ва уларни чет элда тарғиб этиш ишларига катта аҳамият берилмоқда. Инглиззабон

китобхоларга аруз вазнидаги ғазаллар ғализ эшитилади деган ғояни четга суриб кўплаб таржимонлар Шарқ шоирлари ғазалларини инглиз тилига таржима қилишди.

Навоий асарларини лингвوماданий оламини таҳлил қилишда қиёсий-чоғиштира метод ўринли ҳисобланади. Навоий ўз ғазалларида конкрет инсоний белгилар орқали заминий гўзал суратни чизади. Навоий ғазалларида дўстлик, муҳаббат, ҳар қандай шароитда ҳам мол-дунёга берилмасдан яшаган одамлар таърифи келтирилади. Инсон нафс исканжасидан халос бўлар экан, Илохий моҳиятни чуқурроқ идрок эта бошлайди. Зоҳирдаги фарқ аломати бўлмиш турли ямоқли либос ботинан фақирга айланганлик далолати эмас, дейди Навоий. Ушбу ғоялар илгари сурилган байт мисолида кўриб чиқиш мумкин:

*Эй Навоий, олтину шингарфу зангор истама,
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориг, яшил*

Инглизча таржимаси:

I say, Navoiy, seek no longer for brilliant gold, scarlet and green colors,
For the flowers of your poetry have tinged this divan red, yellow and green.

Навоий ғазалларида ҳам, уларнинг инглиз тилидаги таржималарида ҳам шоирнинг лингвوماданий дунёси, фалсафий мазмундаги шарқона шеърий санъати ёритиб берилган. Масалан:

*Орзу холинг била хаттинг хаёлида эрур,
Кўзларимнинг олдида даврон қизил, сориг, яшил.*

Инглизча таржимаси:

The very thought of your face, of the dark shadow above the lip,
Makes the world sparkle a bright red, yellow and green.

Бундан ташқари, Навоий ўз асарларида аёл стереотипига нисбатан ижобий баҳо беради, аёл ички дунёсининг таърифга ожиз гўзаллиги тасвирланади:

Яхши хотин – оиланинг давлати ва бахти. Уйнинг озодалиги ундан, уй эгасининг хотиржамлиги, осойишталиги ундан, хуснли бўлса – кўнгил ёзиғи, хушмуомала бўлса – жон озиғи.

Навоий асарларида ўзбек халқига хос бўлган миллий-маданий ўзига хослик маданий концептлар орқали ҳам берилади. Масалан Устоз, Ота-она, Меҳмон, Ҳаё каби маданий тушунчалар лингвوماданий аҳамият касб этади. Ушбу қарашларни устоз концепти, ота-она концеплари орқали таҳлил қиламиз:

*Хақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқитми ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин минг ганж ила.*

Яна бир мисол:

*Бировким қилса олимларга таъзим,
Қилурки гўё пайгамбарга таъзим.*

Яна бир мисол:

*Бошни фидо айла ато бошига. Жисми қил садқа ано қошига,
Тун-кунингга айлагали нур фои. Бирисин ой англа, бирисин қуёш.*

Навоий идрокида устоз ва ота-она эмоционал баҳоловчи, ментал, ижтимоий белги сифатида комплекс равишда англашилади, яъни устоз – пир/йўл-йўриқ кўрсатувчи, устоз-олим, ота-она – илохий зот. Юқорида келтирилган Навоий асарларидаги дунёнинг лисоний манзараси шоирнинг устозларга ва ота-онага нисбатан ҳурмат, ташаккур, таҳсин, мамнунлик каби белгиларини намоён этади ва маданий аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Алишер Навоий. Уммондан дурлар. Ғазаллар, хикматлар ва рубоийлардан намуналар. Таржималар тўплами/ Тузувчи Й. Парда. Т.,2000. – 160с.

2. Базарова Л.В. К вопросу о соотношении языка и культуры // Образование и культура России в изменяющемся мире. — Новосибирск, 2007. — С. 72.

3. Махмудов Н. Золотая сокровищница нашего языка. — Ташкент: Издательско-полиграфический дом творчества имени Гафура Гуляма, 2012.— 152 с.

4. Салиева З. И. Сентенция как компонент национальной картины мира // Деривационные закономерности развития языка. Тез. докл. Респуб. науч. конф. 11-12 мая 2009 г. – Самарканд, 2009. – С. 201-204.

ФАРҒОНАЛИК ИРФОН АРБОБЛАРИ НАВОИЙ ЗИКРИДА

Гулбахор САИДҒАНИЕВА

(*“Ферганская правда” газетаси*)

Ўтмишда яшаб ўтган алломалар ҳақида турли манбалар орқали маълумотлар бизгача етиб келган бўлиб, улар орасида шайх мартабасига эришганлар сони жуда кўплиги маълум. Ана шундай рутбали инсонларнинг жуда кўпи Фарғона заминида ҳам яшаб ижод этган, илм-у маърифат тарқатганлар. Биз ал-Фарғоний, ал-Марғилоний-Рошидоний каби улуғлар билан ҳақли равишда фахрланиб келамиз.

Алишер Навоий асарларини мутолаа қилар эканмиз, улуғ шоирнинг китоб ёзиш асносида Фарғонадан чиққан илм аҳли, улуғ инсонларга ҳам эътибор қаратганлигининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, унинг энг машҳур асарларидан бири “Насойим ул-муҳаббат”ни варақлар эканмиз, икки шайх ҳақидаги маълумотлар диққатимизни тортади. Улардан бири Боб Фарғоний куддиси сирруҳу бўлиб, Навоийнинг айтишича, Фарғонада яшаган. “Оти Умардур. Фарғонада бўлур эрди. Ул ерда улуғ машойихни “Боб” дерлар” деб ёзади улуғ шоир.

Шунингдек, “Кашф ул-маҳжуб” соҳибининг айтишича, деб ёзади Навоий, у кароматгўй, мўъжизакор бўлган. Китобда ёзилишича, шайхулислом айтадики, шайх Аму унинг қошига боради. Шу орада биров келиб мулкка зарар етказувчи Саркаб отлиғ кишининг келганини айтади. Ўчокнинг қирғоғида ўтирган Боб офтобани оёғи билан уриб йиқитади ва дейди: “они йиқдим”. Саркаб бу дамда шаҳар остонасида отдан боши билан йиқилиб, бўйни синади.

Яна шу асар соҳибининг Боб зиёратини қўнглига туккани, борган чоғида эса анча кундан бери Бобнинг унинг келишини кўрганлигини ёзади. Шайх ходимасига айтиб, унинг олдида бир товоқда узум келтиришини айтади. Бу узум янги эмас чоғи, унда эскириш аломати бор эди. Муаллиф ёзадики: “... тоза узум чоғи эмас эрди ва анда неча ратб. Фарғонада мумкин эрмаски, ратб бўлғай”.

Бу билан муаллифнинг Фарғона иқлимию табиатини яхши билиши, келтирилган узумнинг зиёратга келганлар томонидан олиб келинганлигига ишора қилиши маълум бўлади.

“Насойим ул-муҳаббат”да номи келтирилган яна бир олим – Шайх Саъидуддин Фарғоний раҳимахуллоху таолодир. Навоий ушбу инсонга “Ул ирфон арбобининг мукаммали ва завку виждон асҳобининг ақобиридундир” дея таъриф беради.

Бу шайхнинг шайх ибн Фориз куддиси сирруҳунинг “Тоия” асарига ёзган шарҳида ҳақиқат илмини ҳеч ким унчалик аниқ ва алоқадор ҳолда баён этмаганини айтади. Шунингдек, шайхнинг “Манохиж ул-ибод илал миъод” асари ҳақида гапириб, унда муридларнинг шайхга мансублиги уч йўл билан бўлишини ёзганлигига эътибор қаратади. Шайх Саъидуддинга кўра бу: “бири хирқа била, иккинчи зикр талқини била ва учунчи хизмат ва суҳбат ва анинг одоби била”. Шунингдек, хирқа ҳам икки хилдир, бири иродат (*ихлос, эътиқод – таъкид бизники*) хирқаси, яъни бу бир шайхдан ўзгадин олинмайди, табаррук хирқасини эса кўп машойихдан олиш мумкин. Асарда табаррук хирқасини кўпчиликдан олган шайхлар номи ҳам келтириб ўтилади.

Фарғоналик шайх Саъидуддин ўз иродат хирқасини шайх Нажибуддин Али Бузғуш Шерозийдин

олади. Бу хирқа Шерозийга Сухравардийдан, унга эса Ғаззолийдан, Ғаззолийга Абубакр Нассождан, унга эса Абулқосим Гургонийдан насиб бўлган. Гургонийга эса Абу Усмон Мағрибийдан, унга эса Абу Али Котибдин, Абу Али Рудборийдин, Саййид ут-тоифа Жунайд қуддиса сирруҳадан келаётганлигини ёзади. Кўринадики, иродат хирқаси шайх Саъидуддин Фарғонийга неча улуғ алломалардан ўтиб келган.

Навоий шундай хулоса қилиш мумкинки, Навоий даврида Фарғона заминидан ҳам тариқат илмини ривожлантирган, овозаси етти иқлимга кетган олимлар етишиб чиққан. Навоий асарларини ўрганиш асносида ўз тарихимизни, ўзлигимизни чуқурроқ билиш, Ватанимизда илм-у маърифат ўчоғини яратган кишиларнинг номларини тарих саҳифаларида қайта жонлантириш миллий маънавиятимизни юксалтиришнинг омиллариридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик, 17-том. Насойим ул-муҳаббат. – Тошкент: Фан, 2001. – Б.198.
2. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик, 2-том. – Тошкент: Фан, 1983. – Б.608.

ОРИФОНА ҒАЗАЛЛАРНИНГ БАДИИЙ ХУСУСИЯТИ

Гулистон САЙФУЛЛАЕВА
(ЖизДПИ)

Алишер Навоий ғазаллари мавзуси хилма-хил бўлиб, ҳамдлар, наътлар, тасаввуфий-фалсафий, ошиқона, ижтимоий мазмундаги ғазаллар шулар жумласидандир. Орифона руҳда ёзилган асарлар Навоий ижодида ошиқона ғазаллардан сўнг иккинчи ўринда туради. Бундай ғазалларни биргина “Наводир уш-шабоб” (“Ёшлик нодирликлари”) девонида ҳам кўплаб учратишимиз мумкин.

Ҳамд – Оллоҳ мадҳига бағишланган ғазал бўлиб, унда Яратганнинг улуғлик, баркамоллик каби сифатлари ва зоти тараннум этилади. “Юзинг кўзгусидин оламда юз нур-у сафо пайдо” матлаъли ғазалнинг учинчи байтида бу дунёда нимаики бўлса, барчасига файз инъомини берадиган, бутун дунё халқига Зоти яширин бўлиб, исмлари ҳаммага аён, сифатлари бир олам бўлган Оллоҳ васф этилган:

*Азалдан то абад сатҳи вужудунг зарфи тўлмаским,
Анга не ибтидо пайдодурур, не интиҳо пайдо.*

Мазмуни: Азалдан мавжуд бўлган вужуд идишинг сатҳи абад ҳам тўлмайдик, (бунинг сабаби) унга бошланиш ҳам, тугалланиш ҳам хос эмас. Яъни хоҳласа, барчани йўқ қилиб юборувчи ҳам Ўзи, ҳамма кетиб, бор бўлиб, мудом қолувчи ҳам Ўзидир. Икки дунё Унга тобеъ бўлиб, бошқа бир дунё ҳам бўлса у ҳам Унга тегишлидир. Мукаррам Оллоҳ бутун борликни яратди, поёнга этиши фақатгина унга аён. Ибтидо ҳам, интиҳо ҳам унга бегона бўлган Оллоҳ танҳодир.

Шу девондаги 322-ғазалда ҳам ҳамд оҳанглари мавжуд. Ғазалнинг учинчи байти Оллоҳнинг чексиз қудратига бағишланган бўлиб, унинг яратикларидан бўлмиш фалак гўёки, денгиздаги бир пуфакча, еттинчи фалакда ўсадиган сидра дарахтининг шохи эса денгиз юзасидаги хас-чўп каби эканлиги айтиб ўтилган.

*Зулоли сунъунг ичра сипеҳр-у сидра шохи,
Тенгизда ул ҳубобе бу ҳам андоққи, хошок.*

Наът – пайғамбаримиз Муҳаммад а.с мадҳига бағишланган лирик ижод намуналари ҳисобланади. Девондаги 7-байт шундай ғазаллар сирасига киради:

*Бедилинг хайли русул, сенсен аларга дилрабо,
Ё набий, рухий фидока аҳлан ва саҳлан марҳабо*

Ушбу ғазалнинг биринчи байтидаёқ анбиёлар етакчиси ва фасоҳатлиси бўлган Пайғамбаримиз сифатлари васф этилган. Мазмуни: Ошиқларинг, яқинларинг пайғамбарлар, жамоаси бўлиб, сен уларнинг дилга яқинсан. Уларнинг руҳлари сенга фидо бўлсин, ҳуш келибсан, эй (Оллоҳнинг) элчиси, марҳабо!

Девонда тасаввуфий-фалсафий мазмундаги, яъни рамзлар орқали борлиқ мушоҳада этиладиган, Ишқи Илоҳийни унинг яратиклари орқали кашф этишга ундовчи асарлар ҳам кўплаб учрайди. Жумладан, девондаги 438-ғазал шулар жумласидан:

*Эй кўнгул, айлама даҳр эски работин маскан,
Ким, работ ўлмади ҳаргиз сафар аҳлига ватан.*

Мазмуни: Эй кўнгил, дунёнинг эски работини ўзинга маскан қилиб ўтирмаки, бу работ сафар аҳлининг ҳеч бирига ватан бўлмаган.

Ҳазрат Навоийнинг фалсафий мушоҳада билан йўғрилган ғазалнинг матлаъсидаёқ даҳри-дуннинг ўткинчилигига ишора қилиниб, дунё - ҳамма келиб кетувчи работ, унда муқим ўрнашиб оламан деб ўйлама, у сендан олдин келганларга ҳам, кейингиларига ҳам ватан бўлмайди, деган фикр ифодаланган.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, Навоий лирикасининг маънолар уммони қатига назар солганингиз сари янги хазиналар кўз олдингизда намоён бўлиб бораверади. Орифона ғазаллар чин маънода бу каби хазиналарнинг энг асили ҳисобланади. Адабиётшунос олим, профессор. Н. Комилов “Тасаввуф” асарига орифона ғазалларни тўрт гуруҳга бўлиб ўрганишни тавсия қилади. Улар: 1) муножот ғазаллар; 2) Худо ва Пайғамбар мадҳига бағишланган (ҳамд-наът) ғазаллар; 3) ошиқнинг аҳволини тасвирловчи “шарҳи ҳол” ғазаллар; 4) фалсафий фикрларни ифодаловчи ғазаллар.

Адабиётшунос Д. Юсупова эса “Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври)” номли ўқув-услубий мажмуасида орифона руҳдагиларни ғазалларни бир неча туркумга, ажратиб таҳлил қилишни маъқул топган. Биз бу мақола орқали Д.Юсупованинг фикрларига қўшилган ҳолда ҳар қандай нарсани синчиклаб ўрганишни ният қилган изланувчи уни алоҳида, бўлақларга ажратиб таҳлил қилиши керак деб ҳисоблаймиз. Негаки алоҳида ўрганилган объектда ҳеч ким аввал эътибор бермаган, биз билмаган, кашфиётга арзийдиган топилма ётган бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб. МАТ 20-жилдлик. 4-жилд. Тошкент: Фан, 1989.
2. Комилов Н. “Эрур кўнгулда сафо ишқ тоза доғи била” / Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr – O‘zbekiston, 2009.
3. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври). Тошкент: TAMADDUN, 2016.

БАРКАМОЛ ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЎРНИ

М. САРИБОЕВА

(ГулДУ)

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараққий этиши, ижтимоий муносабатларда демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг устувор бўлишига эришиши эзгу маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган, муайян соҳа бўйича назарий ва амалий билимларни пухта ўзлаштирган, касбий фаолиятида ютуқларга эриша оладиган кадрларнинг тайёрланишига боғлиқ. Бунда ўқувчи-ёшлар онгига таълим жараёнида Алишер Навоий асарларидаги ғояларни сингдириш, уларда улуг шоир ўз қаҳрамонлари сиймосида ифодалаган ибратли хусусиятларни шакллантириш катта ўрин тутди.

Чунки Алишер Навоий ўз қаҳрамонлари сиймосида маънавий, ақлий, жисмоний ҳамда руҳий етуқлик фазилатларини акс эттириб, уларни бошқаларга ибрат сифатида тасвирлайди.

Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. У уммон каби чексиз шеърятдан ташқари “Хамса” каби йирик юксак бадиий, “Маҳбуб ул-қулуб” сингари тенгсиз ахлоқий асарларида, шунингдек, “Муножот”, “Вақфия”, “Мажолис ун-нафоис” каби битикларида тарбияга оид қарашларини ифода этади.

Юртбошимиз Ш. Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган маърузасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ички ишлар идоралари ғоят муҳим аҳамиятга эгаллиги, халқ манфаатларига хизмат қилиш улар фаолиятининг асосий мезони этиб белгиланишини аълоҳида эътироф этади.

Шу маънода Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида ҳам шайх ул-ислом, қози, муфтий ва мударрислар ҳақида фикр юритилиб, уларнинг қилган яхши ва ёмон ишлари элга ибрат қилиб кўсатилади. Хусусан, шайх ул-ислом мусулмонлар пешвоси бўлиб, мусулмонлар унинг йўлидан боришлари лозим дейилади. У ислом динининг ҳимоячиси ва тарғиботчиси бўлиши керак. Рад этиб бўлмас даражада ҳақ сўзни сўзловчи, шариат қонунларида мустаҳкам ва барқарор турувчи, файзли ва обрўли одам бўлмоғи шарт. Шундай бўлгандагина уни “шайх ул-ислом” деса бўлади дейди. Шундайлардан бирини мисол қилиб келтиради.

*Мундин ўлди муқарраби борий,
Шайхул — ислом тири Ансорий*

Қозилар мусулмонларнинг яхши ва ёмон ишлари юзасидан ҳукм чиқарувчилар деб таърифланади. Бу тоифа аҳлини Навоий чолғу асбобига ўхшатади. “Соз торидекким, эътидолдин тажовуз қилди, тузуки бузулди. Улки ҳукми эл моли ва жониға жорий бўлғай, керакким, даъби муқмир шиори бўлғай. Аёғиким, сироти мустақимдин тойилди. Вайл чоҳи тубин мақом қилди. Бу ишни ўзи қилурмен деган бебоку козиб, козиби бебокка пайғамбар шаръи ҳокимлиғига не муносиб”¹.

Ҳазрат Навоийнинг асарлари ёшларнинг баркамол шахс бўлиб шаклланишида муҳим ўрин тутди.

Зеро, Алишер Навоий асарлари бизни янги қарашларга, комиллик ва умуминсонийликка даъват этади. Навоий асарларининг туб моҳиятини англаш, уларда даъват этилган эзгулик, меҳр-мурувват, тинчлик ва дўстлик каби ғояларни чуқурроқ ўрганиш бугунги муҳим масалаларимиздан биридир. Унинг бунёдкорлиги, халқсеварлиги барчамизга ўрнак бўлиши лозим.

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “ТАРИХИ АНБИЁ ВА ҲУКАМО” АСАРИ ХУСУСИДА

Нодира СОАТОВА,
Севинч ЭШОНҚУЛОВА
(ЖизДПИ)

Ҳеч кимга сир эмаски, ўзбек халқининг буюк мутафаккири, Алишер Навоийнинг ижодиёти, маънавият ва маърифат ҳақидаги ғоятда сермазмун ва кўпқиррали таълимоти ва илмий-фалсафий мероси, ҳозирда бутун тараққийпарвар инсониятнинг бойлиги бўлиш билан бирга, умумбашарий қимматга ҳам эгадир.

Дарҳақиқат, “Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаън-у шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса...”. Шундай экан, биз ҳам чуқур эҳтиромимиз сифатида, куйида буюк даҳонинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” (“Пайғамбарлар ва ҳақимлар тарихи”) асари моҳияти ва бадиияти хусусида сўз юритишни мақсад қилдик.

“Тарихи анбиё ва ҳукамо” (“Пайғамбарлар ва файласуфлар тарихи”) асари 1485-1498 (ҳижрий 890-904)-йиллар оралиғида ёзилган бўлиб, мустақилликка қадар “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарига Алишер Навоийнинг иккинчи даражали, унча муҳим аҳамиятга эга бўлмаган диний асарлари сифатида қараб келингани барчага яхши маълум. Аммо асарни мутолаа ва талқин қилиш жараёнида, унда фақат динни ёки диний ғояларни ташвиқ қилиш асосий мақсад қилинмагани маълум бўлади. Балки бутун ижодида бўлганидек, улуғ мутафаккир бу асарида ҳам инсон улуғлигини таъкидлаш баробарида, шу улуғ номга муносиб бўлишга чақирганлигининг гувоҳи бўламиз.

“Тарихи анбиё ва ҳукамо” асари башариятни иймон-эътиқодга даъват этувчи, ўзларининг ҳамида ахлоқи, юксак инсоний фазилатлари билан кишиларга ўрнак бўлувчи, ҳайратомуз мўъжизалари билан Аллоҳнинг биру борлиги, ягоналигига иймон келтиришга ундовчи пайғамбарлар ва илм-у ҳикмат соҳиби бўлган донишманд – файласуфлар ҳаётининг ибратли лавҳалари, ҳикматли сўзларидан таркиб топган. Демак, асар авлиё ва анбиёлар, олимлар, ҳукамолар тарихига бағишланган бўлиб, уни шартли равишда икки қисмга ажратиш мумкин: Анбиё – пайғамбарлар тарихи; Ҳукамо – ҳақим зотлар тарихи. Асарда, Навоий Одам Атодан бошлаб ўтган пайғамбар ва валийлардан 59 тасининг ҳаёти, таржимаи ҳоли, 4 та обид ҳамда 13 ҳукамо ҳақида батафсил фикр юритади.

Асарнинг биринчи қисмида пайғамбарлардан Одам, Нух, Иброҳим, Исмоил, Яъқуб, Юсуф, Мусо, Хорун, Довуд, Сулаймон, Исо қабиларнинг ҳаёти ва ўз эътиқодлари учун олиб борган курашлари ҳамда Асҳоби қаҳф воқеаси ҳақида маълумот берилади. Масалан, Мусо (а.с.) Аллоҳнинг ғайб илмидан насиба берган бир солих одам билан учрашиш учун сафар қилганлари, у одамни топганларидан сўнг, ўзлари улуғ пайғамбар бўлсаларда, унга: *“Сизга билдирилган билимдан, менга ҳам тўғри йўлни таълим беришингиз учун сизга эргашсам майлими?”* – деб ёлвориб сўраганлари ва Аллоҳ муяссар этганича илм олиб қайтганлари ҳақида баён этилади. Асарда, Навоий пайғамбарлар қиссаларини имкон қадар мухтасар ва содда тилда баён қилган. Асарнинг муҳим хусусиятларнинг яна бири инсоннинг йўл қўйган хатоларига муносабати масаласидир. Навоий хато қилган кишини қаттиқ қораламайди. Ҳамма ҳам, ҳатто пайғамбарлар ҳам хато қилиши мумкин. Аммо хатони тушуниб, тўғри йўлга тушиб олган одамгина саодатлидир, - дейди Алишер Навоий. Бунга Мусо, Юсуф, Довуд, Сулаймон каби пайғамбарларнинг хатога йўл қўйиши ва уни тушуниб, тезда тавба-тазарруга тушишлари ёрқин гувоҳдир. Асардаги Сулаймон(а.с.) билан чумоли суҳбати, Иброҳим (а.с.)нинг Исмоил (а.с.)га ғойибона (Исмоил пайғамбарнинг хотинлари воситасида) насиҳати, Мусо (а.с.) ва Қорун воқеаси, Мусо (а.с.) ва Ҳазрати Хизр (а.с.)нинг суҳбатларида чуқур маъно, ҳикмат акс этган.

Асарнинг иккинчи қисми ҳукамолар тарихига бағишланган бўлиб, жаҳонга машҳур олимлардан Лукмони Ҳаким, Фишоғурс (Пифагор), Жомосб ҳаким, Букрот (Гиппократ), Букротис, Сукрот (Сократ), Афлотун (Платон), Аристотелис (Арасту), Балинос (Плиний), Жолинус (Гален), Батлимус (Птолемей) каби юнон файласуфлари ва Содик, Бузуржмеҳр каби форс ҳакимларининг тарихи қисқача ёритилган. Уларнинг ҳикматли сўзларидан намуналар келтириб, ҳар бир ҳикоядан кейин анъанавий тарзда бир байт шеър илова қилган. Байтлар ниҳоятда таъсирчанлиги ва хотирада осон муҳрланиши билан аҳамиятлидир.

Худди ана шу мақсадда улуг юнон файласуфи Афлотун ҳакимнинг “жуд тиламай бермакдур, невчунки тилаб берган тилаганнинг мукофотидур”, ҳикмати қуйидаги байтда баён этади:

*Тиламай жуд қил сахий эрсанг,
Тиламак муздидур тилаб берсанг.*

Ва ниҳоят, Нўширавони одилнинг вазири Бузуржмеҳрнинг “йигитликда илм касб қилмоқ ва қарилиғда ани амалга келтирмак яхшидур”, – ҳикмати қуйидаги машҳур байтда умумлаштирган:

*Йигитликда йиғ илмнинг маҳзани,
Қарилиғ чоғи харж қилғил ани.*

Улуг мутафаккир бу соҳадаги билимларини баён этиш билан, ўтган буюк сиймолар ҳақида ҳикоя қилиш, уларнинг ҳикматомуз сўзларини келтириш билан ёшларни комил инсон бўлиб етишувлари лозимлигини уқтиргандай бўлади. Демак, Алишер Навоий асарда умуминсоний кадриятлар ҳақида сўзлайди ва улардан баҳраманд бўлишга даъват этади.

АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИ АСОСИДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ТАЖРИБАЛАР САМАРАДОРЛИГИ

Ёркиной ТАШТАНОВА
(ГулДУ)

Бугунги кунда Навоий асарларини ҳар бир киши ўрганиши масаласи турган бир пайтда, бу улкан меросни кичик ёшданок болаларга сингдириб бориш масаласи муҳим саналади. Биз тажриба синов ишларимизни Самарқанд шаҳар 122-мактабгача таълим муассасасида олиб бордик. Тажриба-синов ишларига катта гуруҳ тарбиячиларни жалб этдик. Бу ишда бизга гуруҳ тарбиячиси Имомова Адолат опа ёрдам берди. Болаларнинг Навоий меросидан нечоғлик хабардор эканлигини аниқлаш навбатида сўровнома ўтказдик. Сўровномада 18 нафар тарбияланувчи иштирок этди. Биз қуйидаги саволларни болаларга бериб кўрдик:

1. Алишер Навоий ким?
2. Навоийнинг қандай асарларини биласиз?
3. “Ҳотами Той” ҳикоятида нималар тасвирланади?
4. “Шер билан Дурроғ” асаридаги Дурроғнинг хатоси нимада эди?

Биринчи саволга болалар умумий тарзда олим, мутафаккир, шоир деб жавоб беришди. Иккинчи саволга қониқарсиз жавоб олинди. “Ҳотами Той” ҳикояти боғча дастурида берилганлиги сабабли болалар меҳнат қилиш лозимлиги ифодаланганлигини айтиб ўтишди. “Шер билан Дурроғ”да эса Дурроғнинг ким эканлигини айтишди. Биз умумий тарзда ўзлаштириш кўрсаткичи 40 % деб белгиладик.

Шундан сўнг ўша назорат гуруҳидаги болалар билан алоҳида шуғулландик. Навоий мероси бўйича мактабгача таълим муассасалари дастурида 5 та машғулот ажратилган. Тўғри, ажратилган машғулот соатлари Навоий асарлари ҳақида маълумот беради, бу эса бола тафаккуруни оширишга муҳим манба-

лардан саналади. Бунинг учун эса тарбиячи машғулотларни интерфаол усуллардан фойдаланиб ўтиш талаб этилади. Биз 30 минутик вақт мобайнида Навоий мероси бўйича машғулотни ўтказдик. Навоий расми туширилган кўргазмани болаларга кўрсатиб Навоий ҳақидаги қуйидаги машғулотларни бердик.

Навоий шоир, аллома бўлган. У 1441-йилда Афғонистонга қарашли Ҳирот шаҳрида туғилган. У жудаям кўп асарлар ёзган, сиз эшитган “Шер билан Дуррож”, “Бир кабутар”, “Ҳотами Той” асарлари ҳам Навоий бобомиз томонидан ёзилган. Яна “Икки вафоли ёр”, “Марҳаматли Аюб ва ўғри” номли ҳикояларни ҳам ёзган. Бобомиз болаларнинг одоб-ахлоқи ҳақида ҳам фикрлар айтиб қолдирган. Илм ўрганишнинг фойдали хусусиятлари ҳақида ҳам гапириб ўтган. Жумладан, “Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур”. Бобокалон шоиримиз Навоий сўзнинг юмшоқ, гўзал, нафислиги ва инсон руҳиятига таъсири ҳақида ҳам мулоҳаза юритган. “Тилга ихтиёрсиз, элга эътиборсиз” деган ҳикматли гаплар ҳам ёзиб қолдирган. Ҳазрати Навоий тилнинг мазмуни, ифодасига алоҳида эътибор берган. Шу каби Навоий бобомиздан кўпгина нодир асарлар етиб келган.

“Ҳотами Той” ҳикоясини болаларга асар асосида тайёрланган суратлар ёрдамида тушунтиришга уриндик. Ҳикояни шундай бошладик: “Навоий бобомизнинг айтишича, қадим замонда бир ўтинчи чол бўлган экан. У ҳар куни ўрмонга бориб ўтин терар ва терган ўтинларини боғлаб елкасида кўтариб келар экан. Мана шу жараёнда биз болаларга нуроний чолнинг ўтин ортомқлаган расмини болаларга кўрсатиб ҳикояни давом эттирдик. Чол яшаётган қишлоқда бир хотами той, яъни ўта сахий, қўли очик, меҳмондўст одам яшар экан. У ҳар доим муҳтожларга ёрдам берар экан, уларга дастурхон ёзиб меҳмон қилар экан. Биз жараёнга мос тушадиган учинчи расмини, яъни катта ҳашаматли бино олдида бир неча одамларни кутиб олаётган бой одам тасвирини болаларга намойиш этдик. Ҳалиги ўтинчи чолдан Ҳотами Той оддий одам қиёфасида уни кўчада учратиб нима учун Ҳотами Тойнинг зиёфатига бормаётганлигининг сабабини сўрабди. Шунда биз Ҳотами Той ва ўтинчи чол тасвири туширилган суръатни болаларга кўрсатдик. Ҳикояни давом эттирдик. Ўтинчи чол Ҳотами Тойга Ҳотами Той миннатидан, яъни унинг берган зиёфатидан кўра ўзининг пешона тери билан топган озгина қора нони ширинроқ эканлигини айтади. Шунда Ҳотами Той “аслида Ҳотами Той мен эмас, ҳақиқий сахий одам сизсиз” дея ўтинчи чолга тан берган экан”. Биз ҳикояни тугатиб болаларга ҳикоя юзасидан савоар бериб кўрдик.

1. Ўтинчи чол қандай меҳнат билан шуғулланади?
2. Ҳотами Той ким?
3. Ҳотами Той ўтинчи чолга нималар деди?
4. Сиз ўтинчи чолдай ҳалол меҳнат қилишни хоҳлайсизми? Нима учун?

Саволларга 80% тарбияланувчилар аъло даражада жавоб беришди. Ҳатто баъзилари расмларда ифодаланган ҳолатларни сўз билан айтиб беришди. Жумладан, ўтинчи чолнинг кийимлари оддий эканлиги, Ҳотами Тойда эса янги кийимлар борлигини, Ҳотами Той чолга эгилиб таъзим қилиб уни улуғлаганини сўз билан тасвирлашди. Буларнинг деярли барчаси ўтинчи чолдай меҳнаткаш бўлишни ёқлашди. Улар ҳозирданок меҳнат билан машғул эканлигини тасдиқлашди. Масалан, пиёлаларни ювишини, ўрнини ўзи тартибга келтиришини, онаси иш қилаётганида укасига қараб туришини таъкидлаб ўтишди. Биз ўз навбатида болаларнинг бу ишлари жуда яхши эканлигини, меҳнат кишини улуғлашини, катталардан доимо раҳмат эшитиш одобли болаларга хослигини таъкидлаб ўтдик.

Биз ўтилган машғулотлардаги Навоий меросини 80% бола ўзлаштирганлигини математик таҳлиллар асосида аниқладик. Демак, 80% тарбияланувчининг тафаккури шаклланишида Навоий мероси ҳам хизмат қиляпти.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА АЛИШЕР НАВОИЙ ОБРАЗИНИ ЎРГАНИШ ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БАДИИЙ ИДРОКИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Гулноза ТАШТЕМИРОВА
(Низомий номидаги ТДПУ)

Ўзбек адабиёти хазинасидан Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий фаолияти, у яратган баркамол асарлар билан бир қаторда, шоирнинг тарихий-адабий кифаси, руҳий камолотини, инсоний кечинмаларини поэтик талқин этган бадиият дурдоналари ҳам кенг ўрин олган. Адабий таълим Навоий поэтик образи гавдалантирилган ана шундай асарларни ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Хусусан, бошланғич таълимда Алишер Навоий образининг поэтик талқинларига бағишланган асарларни ўрганишнинг ўзига хос бадиий-эстетик, маънавий-маърифий аҳамияти жуда юқори. Бу борада “Ўқиш китоби” дарсликлари муаллифлари ҳам бадиий истеъдод соҳибларининг адабий асарларидан, ҳам йирик адабиётшунослар, тарихчи олимларнинг илмий, тарихий манбаларидан маҳорат билан фойдаланишган. Мазкур босқичда тавсия этилган асарлар кичик китобхоннинг ўй-кечинмалари, тасаввур дунёси, руҳий оламига ҳамоҳанг бўлиб, ихчам шакл, содда ва раvon услубда берилган.

Бошланғич синф ўқувчиларига Навоий даҳоси билан яқиндан ошно бўлиш, Навоийнинг поэтик образини ўрганиш учун тавсия этилган асарлар орасида 2-синф “Ўқиш китоби”да берилган Абдулла Орпиев ижодига мансуб “Алишернинг онаси” номли шеър ўзининг бадиий ва мазмуний кўламдорлиги билан алоҳида эътиборга молик. Шеър ҳам шаклан, ҳам мазмунан китобхонни ўзига чуқур жалб этади. Тўрт банддан иборат ушбу шеър оҳангдорлиги, майин ва раvon услуби, бўлиқ мазмуни билан жажжи китобхон қалбига осон сингиб киради ва у ердан ўзига мустаҳкам ўрин эгаллайди. Бу лирик парча шу қадар бетакрор ва оригинал, шу қадар мазмундор ва мафтункорки, у нафақат кичик шеърхонни, балки катта ёшдаги ҳар қандай инсонни ҳам ўзига жалб эта олади. Шеър сарлавҳасини ўқиган ўқувчи дастлаб: шеърда бирор Алишер деган боланинг онаси таърифланган бўлса керак, деган хаёлга бориши мумкин. Чунки кўриб ўтганимиздек, сарлавҳа жуда оддий, ҳеч қандай ошиқча мазмунни ойдинлаштирмайди. Шеърнинг аввалги икки мисраси ҳам гап айнан қайси аёл, қайси она ҳақида кетаётганлигига ишора қилмайди. Шеър шунчаки оддий ўйланишдек туюлган сўзлар билан бошланади:

Билмам қандай аёл бўлган

Алишернинг онаси.

Мазкур мисраларни ўқиган китобхон наздида шоир ўз ўзига ёки суҳбатдошига “Алишернинг онаси қандай аёл бўлган экан-а?” деган савол билан мурожаат қилаётгандек, ёинки, “Алишернинг онаси қандай аёл бўлганлигини билмайман”, деган ҳукми чиқараётгандек таассурот уйғонади. Аммо кейинги мисралар шоирнинг асосий фикрини, фикр йўналтирилган моҳиятни аниқлаштиради: Алишернинг онаси қандай аёл бўлганлигини мен билмайман-у, аммо унинг ҳам ақлига замонаси лол қолган, деган қарорга келади шоир:

Балки, унинг ақлига ҳам

Лол қолган замонаси.

Юқоридаги биринчи сатрда “балки” ва “ҳам” сўзлари жуда муҳим эстетик вазифани бажарган. Бу икки сўзга юкланган маъно қуйидаги саволлар туғилишига замин ҳозирлаган: Яна кимнинг ақли замонасини ҳайратлантирган эди? Қайси Алишернинг ақлига замонаси лол қолган эди? Жавоб эса аниқ: Хусайн Бойқаро саройида юксак лавозимларда ишлаган миллатпарвар Алишернинг! Навоий тахаллуси билан ижод қилган даҳо шоир Алишернинг!

Мазкур шеър мазмуни орқали кичик китобхон кўз ўнгида Алишер Навоийдек буюк даҳони сирли аллалар, сеҳрли эртақлар оғушида вояга етказган оқила Аёл, меҳрибон ва жонқуяр Онанинг нурли сиймоси гавдаланади. Ўқувчилар ҳам Алишернинг чексиз ақлий қудрат эгаси эканлигини, ҳам унинг онаси теран заковат соҳибаси эканлигини дилдан ҳис қиладилар, бола Алишернинг юксак чўққиларни

забт этишида, давлат ва маданият арбоби даражасини эгаллашида билимли ва оқила Онасининг ўрни ниҳоятда катта бўлганлигини чуқур англаб ета оладилар. Шеър сатрлари силсиласида уларнинг беғубор, жўшқин қалбида Навоий ва унинг онасига нисбатан чексиз муҳаббату эҳтиром туйғулари камолга етади. Шеъринг матнга юклатилган бу поэтик мақсаду ғоялар муаллифнинг ўзига хос бадиий тафаккури маҳсули бўлиб, ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Китобда шеър матни устида ишлашга қаратилган атиги иккита савол (1. Шеър ким ҳақида экан? Алишер Навоийнинг шоир бўлишида онасининг ўрни қандай бўлган?), шеър мавзусига алоқадор битта топшириқ (Оналар ҳақида мақоллар айтинг.) бизнинг назаримизда, бу саволлар кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Тўрт бандлик шеър моҳиятини тугал англаш учун иккита савол жуда озлик қилади. Ўқитувчи ўз ўқувчиларининг ўзлаштириш имкониятларини инobatга олган ҳолда, ҳар бир банд юзасидан уларни мушоҳадага чорлайдиган қўшимча саволлар берса, “Алишер ва унинг онаси” мавзуси доирасида баҳс-мунозарали вазиятни яратса, шеърни чуқур ўзлаштириш имконлари кенгайди, ўқувчилар фаоллиги ошади, уларнинг Навоий ҳаётига, ижодий меросига, шахсий фазилатларига қизиқишлари ўсади.

Бошланғич таълимда Навоийнинг поэтик образи талқин этилган шу каби асарларни ўрганиш жараёнида ўқувчилар Алишер Навоийнинг болалик дунёси, ижтимоий фаолияти, инсоний кечинмалари билан яқиндан танишадилар. Бу улуғ донишманд боболарининг маънавий фазилатларидан озуқа оладилар, бадиий идрок ва тафаккурларини юксалтирадилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гаффорова Т., Нуруллаева Ш., Мирзакаримова З. Ўқиш китоби. Умумий ўрта таълим мактабларининг 2-синфи учун дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2016.
2. Акбар А. Кичкинтойлар учун байрамлар китоби. – Т.: “Шарқ”, 2014.
3. Ашурова Г. Навоий тарихий ва бадиий шахс сифатида. Адабиётшунослигининг долзарб масалалари” мавзусидаги республика илмий-назарий конференция материаллари тўплами, – Т.: ТДПУ, 2015.

“ҲАЙРАТУЛ АБРОР” ҲИКОЯТЛАРИНИНГ ИЛК ТАЛҚИНИ ХУСУСИДА

Озода ТОЖИБОЕВА

(ТошДўТАУ)

Назм мулкида қурилган улкан маънавий обида – “Хамса” беш асрдан ортиқ вақт мобайнида халқнинг эътирофи ва ардоғига сазовор бўлиб келмоқда. Асрлар давомида шоирнинг юксак бадиий маҳоратидан завқланиш ҳиссини туйган китобхон яна бу асарга интиланган, ундан баҳраманд бўлиш, маънолар оламиндан баҳраманд бўлиш йўллари излаган. XIX асрда кенг тарқалган халқ китоби шаклидаги қиссалар Навоий ижодига бўлган қизиқиш, интилишнинг содда кўриниши эди. Ўтган асрларда яратилиб, XX аср бошларида тошбосмада чоп этилган қиссалар, ёки дostonларнинг қискартирилган насрий баёнлари Навоий ижодининг насрийлаштирилиши борасидаги дастлабки қадамлар бўлди. Бу жараён халқнинг диди-талабига кўра бажарилгани туфайли дostonларнинг баён учун танланиши ҳам турлича бўлган. Дostonлар сирасидан аксарият ишқий-муҳаббат мавзусидаги дostonлар “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” танланиб, оммалаштирилди. “Садди Искандарий” дostonининг халқ орасида “Искандарнома” туркумидаги халқ китоблари ва Баҳром ва Дилором ҳикоясига нисбатан эса “Баҳром ва Гуландом” версиялари машҳур бўлган. Чуқур диний-фалсафий мазмунга эга бўлган “Ҳайрат ул аброр” дostonи бешликдан тушириб қолдирилган. Бу ҳолат халқнинг воқеабанд асарларга қизиқиши ва баёнчиларнинг давр талабига мослаши билан изоҳланади. Бунга сабаб, албатта, дostonнинг ягона сюжетга эга бўлмагани бўлса, яна бир сабаб асарнинг чуқур диний-фалсафий моҳиятга эга экани ва бу ишни бажариш жиддий ёндашув, етук ақлий салоҳиятни талаб этиши билан боғлиқ ҳолда кечади.

Туркий халқлар адабиётида илк бора уйғур тилига тўлиқ насрий таржима қилган Муҳаммад Сиддик Ёркандий ҳам “Ҳайратул аброр” ўрнига “Лисонут тайр” дostonини таржима қилган. Дostonларни 1908 йилда “Насри Хамсаи беназир” номи билан насрий баён қилган Мир Махдум ҳам олдига қўйган мақсадига кўраўзига хос услубда иш юритади. XIX аср охиридаги ўзлаштирма табдиллар иш услубини ўрганган, “Шоҳномаи туркий”ни нашр қилган ношир иш жараёнида “Хамса”даги ижтимоий мазмунга катта эътибор қаратади. Дostonлар кетма-кетлигини ҳам “Искандарнома”, “Қиссаи ҳафт манзари Баҳром”, “Қиссаи Лайли ва Мажнун”, “Қиссаи Фарҳод ва Ширин” тартибида жойлаштиради. Насрий баён матнини диққат билан ўқир эканмиз, ундан ноширнинг кўзлаган мақсади ойдинлашиб боради. “Навоний асарларининг ўз давридаги тарбиявий аҳамиятини яхши тушунган. Буни у ҳукмдорларни адлу инсофга, сахийликка чақирдиш”³²⁴, деб билган ношир китоб таркибига тарбиявий аҳамиятга эга бўлган саккизта насрий ва икки шеърини ҳикоят киритади ва уларни беришдан мақсадини қуйидагича изҳор қилади:

“Искандар бирла Баҳром шоҳ қиссалари юқорида зикр қилиндики, ушбулар, балки бошқа подшоҳи оламгирларни ҳикоялари офоқга машҳурдур. Ҳамаси адл қилмоқ ва карам қилмоқ ва шариятни риоя қилмоқ ва авф қилмоқлари бирла мартабалари баланд бўлди. Маълумдурки, дигар одамлари ҳам ушбу сифатларга мусавваф бўлса, халойиқ ичра иззат ва ҳурмат кўргусидур. Бас, камина иншо қилгучига бироз қадимгиларни қилгон авф ва карам ва адлларидин баён қилмоқ лозим ўлди”.

Ноширнинг берган изоҳидан маълум бўладики, у Искандар, Баҳром образлари, асар воқеалари мисолида ўз даврига туташ келадиган, замондошлари ибрат олиши мумкин бўлган ўринларга алоҳида урғу беради. Дostonлардан чиқариладиган ижтимоий-сиёсий моҳиятни ўз даврига йўналтириб талқин қилади. “Ҳайратул аброр”дан ҳам кўзлаган мақсадига мувофиқ “Марҳаматли Айюб пайғамбар ва ўғри ҳақида”, “Шоҳ Ғозий ва адолат истаб шоҳ марҳаматидан Золи зарга айланган кампир ҳикояти”, “Оёғи сирпаниб подшоҳ бошига овқат тўкиб юборган кул ҳикояти”, “Имом Фаҳр ар Розий билан Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ҳаммомдаги суҳбати”, “Пок имон Зайнул Обидиннинг кичик қизининг улуғларга хос сўзлари, гарчи у кичиклиги туфайли бегуноҳ эди” каби ҳикоятларни саралаб, насрий баён қилади. Мазкур ҳикоятлар ноширнинг берган изоҳига кўра ўз замонаси кишилари учун ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга. Бу билан у Навоний ижодининг тарбияловчилик вазифасидан унумли фойдаланиб, ўз даври бек, амалдорларини ибрат олишга чақиради.

Ҳикоятлар содда, раvon, халққа тушунарли тилда байтма-байт ифода этилган. Жумладан, “Илм фазилати” сарлавҳаси билан “Чунончи имом Фаҳр Розий бирла Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳикояти” деб бошланувчи ҳикоят қуйидагича баён қилинган:

Зумраи аҳлиға маснаднишин, Даҳр имом ул-умами фаҳри дин.	Роз аҳлининг зумраи маснад нишинлар,
Қилди чу Хоразмни оромгоҳ, Кўрмагига келмади Хоразмшоҳ.	яъни имом Фаҳр Розийни оромгоҳлари Хоразм эрди. Ул зоти шарифнинг зиёратлари учун шоҳ Хоразм келмадилар
Сўрғали ул чунки қадам қўймади, Илм шукуҳи муни ҳам қўймади.	ва имом Фаҳр Розий ҳам шоҳ ҳузуриға келмадилар. Чероки илмни шукуҳи бормоқға қўймади.
Шаҳни пушаймон қилиб эрди уёт, Лек имом айламади илтифот.	Аммо шоҳ пушаймондин уёлиб боролмадилар. Имом ҳам илтифот қилмади.
Бўлди баса пардада гуфту шунуд, Парда чу қўпмади ародин не суд.	Ушбу йўсунда парда ичра гуфту шунуд бўлуб, ародин парда кўтарилмади.

Ҳикоятни мисрама-мисра аслиятга қиёслаб чиксак, унда биринчи байтнинг иккинчи мисрасидаги Фаҳр Розийнинг тавсифи тушириб қолдирилган. Қиёслардан маънога-маъно тенглиги асосида иш олиб борилгани ва шунга кўра насрий жумлаларда сўзлар ҳажми кенгайгани кузатилади. Иккинчи

324Насри Хамсаи беназир. Тошкент, Орифжонов матбааси. 1908 йил. Ўз РФА ШИ. № 4721.

байтдаги ҳар икки мисрада Хоразм шаҳар ва шоҳ исмини англашмоқда. Насрий матндаги шоҳ сўзининг Хоразмдан олдин қўлланишини икки хил маънода тушуниш мумкин: 1. Зиёрат учун шоҳ Хоразмга келмади. 2. Зиёрат учун Хоразмшоҳ келмади. Ҳар ҳолда баёнчи Навоий ишорасини назарда тутган бўлиши мумкин.

Шоҳ ва олимнинг суҳбати куйидагича давом этади: “*Ё имом, илмингиздин ҳама эл баҳравардур, манга ҳам ояти қиёматдин хабар беринг. Ул кунда одамлар не ҳолга тушарлар*”, деб. Анда имом соҳибкамол жавоб бердики: “*Эй подшоҳ, санга маҳшар сўзи мақсуд ўлса билгилки, маҳшар мисли ушбу ҳаммомдур. Чероки анда гадо-шоҳ баробардур. Барча бир ҳина бўлур, сандек шону шавкатликлар ҳарне бори ташқарида қолибдур, фақат ўзидур. Аммо илму илмликлар мисли мандек ҳарне борини ўзи бирла ҳамроҳ қилиб олиб борур. Санга султонликдин фойда йўқдур. Лекин менга илм ила беҳбудлик кўбдур*”, – деди.

Ҳикоят аслиятга байтма-байт эргашиб борсада, мазмундан узилиб қолмаган. Асл мазмун содда, оммабоп усулда ифода этилган. Ношир боблар композициясидаги бароати истихлолдан иборат муқаддима ва соқийга мурожаатдан иборат хотима қисмларни четлаб ўтган.

Илм, Навоий, санга мақсуд бил,

Эмдики илм ўлди, амал айлагил.

Ушбу мисралар “*Эмди мақсуд илм бўлса, илм мавжуд бўлса, амал айламоқ лозимдур*”, дея Навоийнинг ўз-ўзига мурожаати маъносида талқин қилинмасдан, шахси умумлаштириб юборилган. Бу ҳолат онгли бажарилгани, насрий асар изчиллигини сақлаш мақсадида бажарилгани маълум.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур насрий баён ўз даври китобхони учун Навоий ижодини оммалаштириш мақсадида бажарилган иш сифатида катта аҳамиятга эга эди. Гарчи яратилганига бир асрдан ошиқ вақт ўтган бўлсада, ўз қимматини йўқотган эмас. Матн бизга ўз даврининг адабий муҳити, луғат бойлиги ҳақида ҳам маълумот беради.

ИЛМ – МАЪРИФАТГА ЧОРЛОВЧИ ИЖОД

Абдумурод Тилавов

(ТошДўТАУ)

Муборак манбаларда: “Барча инсонлар ҳалокатдадирлар, олимларгина бундан мустасно. Олимлар ҳам ҳалокатдадирлар, илми билан амал қилган олимлар бундан мустасно. Илми билан амал қилган олимлар ҳам ҳалокатдадирлар. Ихлос билан амал қилган олимлар бундан мустасно” мазмунидаги пурҳикмат сўзларни ўқиймиз (Қаранг: Умар Форук Сайдо ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари. Тошкент: «Мовароуннаҳр», 2001).

Ҳазрат Мир Алишер Навоийни ҳеч иккиланмай илмига ихлос билан амал қилувчи саодатманд ижодкорлар тоифасига киритишимиз мумкин. Бу зотнинг ҳаёт тарзи, бизга қолдирган маънавий мероси бундай дейишимизга етарли асосдир.

Алишер Навоийнинг куйидаги байти илм олишдан асосий мақсад – унга ихлос билан амал этмоқ эканига ишора эмасми:

Ҳар кимгаки улум бўлса восил,

Гар дарди-ю ҳоли йўқ, не ҳосил?!

Улум – илмлар, восил – эришмоқ маъносида. Демак, инсон бир неча илмларни эгалласа, эришса-ю, унда дард, хол, ихлос бўлмаса, бундай илмлардан не фойда?!

Дунёдаги айрим қабохат, разилликлар фақат жоҳиллар эмас, “илм”лилар томонидан ҳам содир этилаётганини тафаккур қилсангиз, ҳазрат Алишер Навоий даҳосига яна бир бор тасанно айтасиз. Ахир илми жаҳолатга восита қилганлар, қилувчилар, афсуски, бор экан-да, бўлар экан-да:

*Илми ким воситайи жоҳ этар,
Ўзини-ю халқни гумроҳ этар.*

Илмига ихлос билан амал қилувчи олимларга эргашган эса икки дунё саодатига етишади. Зеро, бундай олимлар Пайғамбар ворисидирлар.

*Бировким, қилса олимларга таъзим,
Қилур гўёки Пайғамбарга таъзим.
Ҳадис ўлмиш Набийдин бўйла ҳодис –
Ки, олим келди Пайғамбарга ворис.*

Яъни, олимларга таъзим қилган киши худди пайғамбарга таъзим қилгандай бўлади. Зеро, Муҳаммад алайҳиссалом: “Олимлар менинг ворисим (меросхўрим)дир”, – деганлар.

Хўш, илмига ихлос билан амал қилувчининг аломатлари, бундай маънавий мартабага эришишнинг шартлари нималардан иборат? Яхши инсон ким? Жавобни яна мутафаккир шоирнинг ўзларидан эшитайлик:

*Халқ аро яхшироқ дединг, кимдур?
Эшитиб, айла шубҳа рафъ андин.
Яхшироқ бил ани улус ароким,
Етса кўпрак улусқа нафъ андин.*

Демокчиларки, одамлар ичида яхшироғи ким деб сўрадинг. Сўзимни эшитиб, шубҳалардан халос бўл: одамларга фойдаси кўпроқ тегадиган кишиларни одамларнинг яхшироғи деб бил.

Илмнинг фазилати, инсон камолоти, саодати учун фойдаларни Навоийчалик инжа ифодалаган ижодкор камдан-кам учрайди.

*Ким бор эса Ҳаққа баргоҳ хоклиги,
Илм ортуққим, икки жаҳон шоҳлиги,
Олам фисқида бордур, огоҳлиги,
Оми киши бўлди зуҳди гумроҳлиги.*

Кимки Ҳақ даргоҳининг тупроғи бўлишни орзу қилса, илм икки жаҳон шоҳлигидан ортикдир. Олим одам оламдаги фисқу фасоддан огоҳ бўлади, жоҳил кишининг зуҳди гумроҳликдир, демокда шоир.

Ҳақ даргоҳининг тупроғи бўлишни истамайдиган мўмин йўқ. Не бахтки, бу саодат калити ҳам илмда!

Алишер Навоий юқоридаги тўртликда бир неча хусусга диққат қаратмоқда. Шулардан бири илм-маърифатнинг шарофати ва жаҳолатнинг зарари ҳақида.

Зуҳд, зоҳидлик аслида “дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шуғулланиш...” (Навоий асарлари луғати, 361-бет).

Бироқ кўр-кўрона, мазмун-моҳиятидан ғофил ҳолда қилинган ибодат гумроҳликдан бошқа нарса эмас.

Ҳозирда дунёнинг турли бурчакларида дин номидан амалга оширилаётган нохушликларнинг асл сабаби ҳазрат Алишер Навоий таъкидлаётган ана шу илмсизлик, жоҳиллик, гумроҳлик эмасми?!

Ҳа, Ҳазрат Навоий ижоди бизни илмга, илмга ихлос билан амал қилишга, ва олган илмдан одамларни манфаатлантиришга, айти пайтда ғафлатдан узоқ бўлиб, доимо хушёр бўлишга ундайдиган бебаҳо маърифий, маънавий хазинадир.

“ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ”ДА МУСАЖЖАЪ ҒАЗАЛ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Нигора ТОШМУРОДОВА
(ТошДЎТАУ)

Бадий тафаккурнинг илк намуналари оғзаки адабиётда юзага келганлиги барчамизга маълум. Умуман олганда, ҳеч қачон ёзма адабиёт билан оғзаки адабиётни бир-биридан айро ҳолда тасаввур қила олмаймиз. Оғзаки адабиёт ёзма адабиёт учун ҳамма вақт манба, хазина бўлиб хизмат қилган. Шунинг учун оғзаки адабиётнинг жуда кўп хусусиятларини ёзма адабиётда ҳам учратишимиз мумкин. Айниқса, ундаги оҳангдорлик, ўйноқилик, фикрларни параллел ҳолатда ифодалаш, воқеа-манзараларни бўрттириб баён этиш каби тасвир усулларисиз ёзма адабиётни тасаввур этиб бўлмайди. Бу хусусиятлардан бири бўлган оҳангдошлик эса бугунги кунда мумтоз адабиётда яратилган асарларга нисбатан “тушунилиши қийин, ўқилиши ундан-да қийин” деб баҳо берилаётган бир пайтда, аслида, бундай эмаслигини исботлаб беради. Оҳангдорликни вужудга келтирадиган воситалар ҳам талайгина. Ана шулардан бири сажъдир. Унинг энг мукаммаллашган кўриниши ғазали мусажжаъдир.

Мусажжаъ ғазал таркибида асосий қофиядан ташқари, ички қофиялар ҳам келадиган ғазал туридир. Ғазалда сажъ келтириш барча тасвирий воситалар каби ижодкорнинг айтмоқчи бўлган фикрини кучлироқ, гўзалроқ ифодалаш учун хизмат қилади. Ёқубжон Исҳоқовнинг “Сўз санъати сўзлиги” асарида ғазалнинг бу турига қуйидагича таъриф берилади: “Мусажжаъ ғазал – ҳар бир байтдаги мисралари қофиядош бўлаклардан ташкил топган ғазал. Ички қофия мисраларнинг муайян ерида – уларнинг ўртасидаги рукнда ҳамда биринчи мисра охирида келади, натижада байт тўрт қисмдан иборат бўлади”. Ғазали мусажжаъ қофияланиш усулига кўра икки хил бўлади. Биринчи турнинг чизмасига эътибор берайлик:

Биринчи байт:

_____ а
_____ а

Қолган байтлари:

_____ б _____ б
_____ б _____ а

Бундай кўринишдаги ғазалларда асосан ички қофия матлаъдан кейинги байтларда бўлади. Ғазали мусажжаънинг иккинчи турининг чизмаси қуйидагичадир:

Биринчи байт:

_____ а _____ а
_____ а

Қолган байтлари:

_____ б _____ б
_____ а

Албатта, бу чизмалар шартли равишда танлангандир. Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” куллиётини ўқиш давомида мусажжаъ ғазалнинг бошқача кўринишлари борлиги ҳам аниқланди. Навоийга қадар ижод қилган шоирлардан Сайфи Саройи, Лутфий ижодида бундай ғазал намуналари учрайди. Унинг ривожига Алишер Навоийнинг хизматини Заҳириддин Муҳаммад Бобур махсус таъкидлаб ўтган. У “Рисолайи аруз” асарида шундай ёзади: “Бу вазнда (ҳазаж баҳрини назарда тутган – Т.Н.) мусажжаъ ғазал ҳам айтибтур, ул жумладан бир лўли йигитнинг таърифида бир ғазал воқе бўлуптур”. Бобур айтаётган бу ғазал “Хазойин ул-маоний”нинг

“Наводир уш-шабоб” девонига киритилган. Ёқубжон Исоқов Навоийнинг мусажжаъ ғазаллари ҳақида шундай фикрларни билдиради: “Навоийнинг ўзбек тилидаги ғазаллари орасида йигирматача мусажжаъ ғазал мавжуд (тўлиқ бўлмаганлари, яъни бир неча байтдагина ишлатилганлари ҳам бор). Шулардан тўртта ғазал шоир ижодининг илк даврига, саккизтаси йигитлик ва еттитаси кексалик пайтига тўғри келади (ўрта ёш даврида йўқ)”. Бундан кўришиб турибдики, “Хазойин ул-маоний”даги мусажжаъ ғазаллар сони ўн тўққизта. Аммо девонни кўриб чиқиш давомида “Хазойин ул-маоний”даги ғазалларнинг камида уч байтида сажъ қўлланганлари ўн олтита эканлиги аниқланди. Қолаверса, ижодкорнинг ўрта ёшлик даврида яратилган асарлари тўпланган “Бадоеъ ул-васат” девонидан ҳам мусажжаъ ғазаллар топилди. Шундай қилиб, “Ғаройиб ус-сиғар”да олтита, “Наводир уш-шабоб”да учта, “Бадоеъ ул-васат”да учта, “Фавойид ул-кибар”да тўртта мусажжаъ ғазал бор экан.

Юқорида мусажжаъ ғазалдаги байт тўрт қисмдан иборат бўлишини айтган эдик. Бунинг учун ғазал ҳар бир рукни солим бўлиб келадиган вазнларда яратилиши керак. Туркий тилда ҳар бир рукни асосан солим бўлиб келадиган ғазаллар ҳазаж ва ражаз баҳрларида яратилишини ҳисобга оладиган бўлсак, девондаги мусажжаъ ғазалларнинг деярли барчаси мана шу баҳрлардадир. Куллиётдаги мусажжаъ ғазалларнинг саккизтаси ҳазаж, еттитаси ражаз баҳрида ёзилган. Фақат “Наводир уш-шабоб”даги “Дейин” радифли ғазал рамали мусаммани махбуни маҳзуф вазнида яратилган. Бундан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, туркий адабиётда яратилган мусажжаъ ғазалларнинг барчасини йиғадиган бўлсак, балки, бу уч вазндан бошқа вазнларда ҳам яратилганларини топишимиз мумкин.

“Ғаройиб ус-сиғар” девонига киритилган, ғазали мусажжаънинг гўзал намунаси бўлган ғазал байтларига эътиборимизни қаратамиз:

*Тун оқшом бўлди-ю келмас менинг шамъи шабистоним,
Бу андуҳ ўтидин ҳар дам қуяр парвонадек жоним.
Не гам кўргузма кўксум порасин чоки гирибоним,
Кўрунмас бўлса кўксум ёрасидин доғи пинҳоним.
Ғамидин дурри макнундек, сиришим оқти Жайҳундек,
Музайян қилди гардундек жаҳонни ашки галтоним...*

Ғазал етти байт бўлса, улардан бештаси мусажжаъ қилинган. Аҳамиятли томони шундаки, ушбу ғазал нафақат ғазали мусажжаъ, балки ғазали зеби матлаънинг ҳам гўзал намунасидир. Яна бир жиҳати кўш матлаънинг иккинчисида мисраларнинг сўзлари ўртасида ҳам ички қофия бор: кўргузса – бўлса, порасин – ёрасидин, чоки – доғи. Тўғри, булар қофиянинг мукамал намуналари эмас, бироқ ғазалдаги оҳангдорликнинг кучайишига ўз ҳиссасини қўшмоқда. “Хазойин ул-маоний”даги аксарият мусажжаъ ғазаллар учун юқоридаги чизмалардан биринчиси қолип бўла олади. “Дейин” радифли ғазалидаги сажъни иккинчи чизма орқали ифодалашимиз мумкин. Девонда яна матлаъси:

		а
		а
Қолган байтлари:		
	б	б
		а

тарзида кофияланадиганлари ҳам бор. “Фавойид ул-кибар” девонига киритилган қуйидаги ғазал байтларида айнан шу ҳолатни кўришимиз мумкин:

1-байт:

Манга не манзил-у маъво аён, не хонумон пайдо ,

а

Не жонимдан асар зоҳир, не кўнглимдан нишон пайдо.

а

3-байт:

Шикоб-у сабр-у ҳуш итмиш, қарор-у ақл-у жон кетмиш,

_____ б, _____ б,

Не гам, гар бўлса ул ороми руҳ ила ул қути жон пайдо.

а.

Кўриниб турибдики, ушбу ғазалнинг иккинчи байтида сажъ келтирилмаган. Бундай ҳолат бошқа ғазалларда ҳам учрайди. Шаклий унсурлар ижодкор асарларининг янада жозибали, гўзал бўлишига хизмат қилган.

“Наводир уш-шабоб” девонидаги “Бало дашти аро Мажнун...” деб бошланувчи ғазалда ҳам сажъ бор. Аҳамиятлиси шундаки, ғазалдаги сажъларни юқоридаги чизмалардан ҳам бошқача бўлган қолипларга солишимиз мумкин. Ғазалнинг учинчи байтига эътибор берайлик:

Тунум дайжур, ўзум ранжур, ичим гамнок-у бағрим чок,

_____ б, _____ б, _____ ,

Тилим лол-у таним беҳол, ишим афгон, сиришим қон.

_____ д _____ д, _____ а, _____ а.

Лекин мусажжаъ ғазалда рукнлар тўрт бўлакка бўлинишини ҳисобга олиб, бу байтдаги ички қофияларга сажънинг гўзал кўриниши деб, баҳо берамиз, холос.

Мусажжаъ ғазалларни кўриш давомида бундан ҳам қизиқ ҳолатларга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бунинг учун Заҳириддин Муҳаммад Бобур баҳо берган мусажжаъ ғазалдаги байтларга эътибор берайлик:

Югурмакликда ҳар гунбадки, секрир ул маҳи гулҳад,

Гули меҳр олдарад беҳад, уёлур гунбади ахзар.

Бу байтда ўзаро ички қофия – сажъни ҳосил қилаётган сўзлардан бири таркибида қўшимча бор. Шунинг учун юзаки қараганда қофия бузилгандай кўриниши мумкин. Мана шу ерда бизга аруз вазни ёрдамга келади. Унинг қоидаларига биноан қофия сўз таркибидаги қўшимча кейинги рукннинг таркибий қисмидир. Бундай ҳолатни қуйидаги байтда ҳам кўриш мумкин:

Жунун шамъин қилиб равшан, кўнгулга телбаликдур фан,

Паридек бўлгали парранда, ул шўҳи парипайкар.

Эътибор берадиган бўлсак, бу ерда юқоридагидан ҳам мушкул ҳолат бор. Бир сўзни байтдаги ички қофия қаторига қўшиш учун у туб сўз бўлса ҳам, охириги ҳижосини вазн талабига кўра бошқа рукн таркибига киритамиз.

Туркий поэтикага оид илк манба бўлган Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” аса-рида мусамматларнинг ғазали мусажжаъдан келиб чиққанлиги айtilган. Бу мусажжаъ ғазалнинг аҳамиятли томонларидан биридир. Иккинчи томондан эса айнан сажъ бизга халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётнинг бир-бирига боғлиқ бўлган жиҳатларини кўрсатиб беради. Учунчидан, мумтоз адабиётимизда яратилган асарларнинг шаклий жиҳатдан ҳам мукамаллигини исботлайди.

Хулоса қилиб айтганда, мумтоз поэтика масалаларига бағишланган асарларни чуқур ўрганиш, уларда келтирилган ҳар бир адабий истилохнинг замирига кириш, уларнинг яширин маъно қирраларини кашф қилиш орқали мумтоз адабиётимизда яратилган асарларнинг ҳам маъно, ҳам шакл жиҳатдан бетакрорлигини англаб бораверамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. 10 jildlik.– Toshkent: G‘afur G‘ulom, 2013. 1-2-3-4-jildlar.
2. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: O‘zbekiston, 2014.
3. Носиров А, Жамолов С, Зиёвиддинов М. Ўзбек классик шеърини жанрлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979.
4. Yusupova D. Aguz alifbosi. – Toshkent: Akademnashr, 2015.
5. Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ ИЖОДИДА МУШТАРАК МОТИВЛАР ТАЛҚИНИ

Сардорбек УМАРОВ
(ТошДЎТАУ)

Туркий ёзма адабиётига тамал тоши қўйган Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг “Кутадғу билиг” асари орқали туркий адабиётга жуда катта таъсир ўтказган. Аммо бу масалалар адабиётшунос олимларимиз томонидан ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Хусусан, Қаюм Каримов “Илк бадиий дoston” китобида Юсуф Хос Ҳожибнинг туркий ёзма адабиётга таъсири ҳали ўрганилмаган масала эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Туркий адабиётнинг илк сарчашмаларини тадқиқ қилиш зарур бўлиб турган бугунги кунда адибнинг туркий адабиётга таъсирини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Адиб ҳақидаги манбалар бизгача етиб келмаганлиги ва жуда кам маълумотлар сақланиб қолганлиги асосий сабаблардан биридир. Жумладан, Навоий ўз даврида яшаган ва манбалардан ўқиб билган шоирлар ҳақида “Мажолис ун- нафоис”да маълумот берган, лекин унда Юсуф Хос Ҳожиб ҳақида ҳеч бирор жойда фикр билдирмаган. Яна бир қизиқ вазият Юсуф Хос Ҳожиб билан бир замонда яшаган Махмуд Кошғарий ҳам у ҳақида бирор марта ўз асарида тўхталиб ўтмаган. Чунки Кошғарийдан биргина китоб “Девону луғотит турк” етиб келган холос. Балки бунга сабаб, ўша даврга оид манбаларнинг етиб келмаганидир. Юсуф асарининг бошида “Кутадғу билиг” ҳақида гапириб унинг машҳур бўлгани ва бошқа элларда турли хил номлар остида шуҳрат қозонгани айтгани, аммо Навоийдек, Бобурдек инсонлар у ҳақида маълумотга эмас. Балки бунга мўғуллар босқинчилиги сабаб бўлгандир, чунки мўғуллар бой маънавий меросларимиз бўлмиш жуда кўп китобларни ва тарихий манбаларни йўқ қилиб юборган. Натижада аждодларимиздан қолган мерослар тўлиқ етиб келмаган. Шу ўринда Натан Маллаевнинг қуйидаги фикрлари ўринли: “XV-XIX асрларни ўз ичига олган 400 йиллик давр учун, (Навоий замонидан то XIX асргача унинг ижодига назиралар битиш, асарларини кенг тадқиқ этиш, кўп сонли халқ учун китоб қилиб чиқариш назарда тутилмоқда) ёзилган манбалар ниҳоятда оз эди, чунки халқ оммасининг кўпчилиқ қисми Навоий асарларини бевосита ўқиш ва ўрганиш имкониятидан маҳрум, билмас эди”. Шоир шахсиятини, ўзи ҳақидаги маълумотларни фақатгина “Кутадғу билиг” орқали билишимиз мумкин. Асарни ўрганиш жараёнида Юсуфнинг ўзидан олдинги туркий адабиётга оид жуда катта адабий меросни чуқур билиши яққол кўзга ташланади. Масалан, “донолар дейдики, “туркларда шундай мақол бор, “Шарқ донишманди шундай дейди” каби гаплари орқали буни фаҳмлаш мумкин. Юсуф асари орқали туркий адабиётга таъсир кўрсатди. Масалан, Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида “Искандар билан гадолик йўлини тутган подшо ёхуд чиндан ҳам подшоликка етган гадо” ҳикоятини келтирайлик:

Бир куни мулозимлар Искандар фармонига кўра гадони саройга келтирдилар. Гадо кўлида икки чаноқ билан келди ва подшога шундай деди:

“Бу сўнгаларни қайси бири шоҳники-ю, қайси бири гадоники билмадим. Булар ўлганда-ку бир, тирикликда нечун низо қиладилар?”

Унинг бу сўзлари Искандарга ёкибди ва гадога: -Эй, бебаҳо фикрли донишманд! Сен жуда улуғ фикрли одам экансан, агар ҳимматинг ҳам шу даражада юксак бўлса, сени хурматлаб, мамлакатинг шоҳлигини берайин, -дебди. Шунда гадо –Менинг ҳимматим тубандаги тўрт хил давлатга муяссар бўлишини тилайди. Унинг бири, **абдий ҳаёт**; иккинчиси, нуқсон билмайдиган **йигитлик**; битмас-туганмас **бойлик**; тўртинчиси, ғам билмайдиган **шодлик** (яъни **соғлик** йўқолса ғам бўшланади), - дебди шоҳга.

Подшоҳ ҳайратга тушибди, унга – Ҳиммат бобида мендан баланд экансан, -дебди.⁴

Искандар ва гадо ўртасидаги бу суҳбат Юсуф ижодида Ўзгурмиш ва Элиг ўртасида ҳам бўлиб ўтади: Достонда Ўгдулмишдан қариндоши Ўзгурмишни саройга келишини ва ўзининг хизматида бўлишини истаган элигга Ўзгурмишнинг жавоби қуйидагича берилган:

“Эй элиг! Сенга хизмат қилишга тайёрман. Бунинг учун битта шартим бор. Уни бажарсанг, ҳар қандай ишларингга бўйин бераман:

*Бажо этгин аввал сўнгсиз тириклик,
Яна бир - қарилик кўрмас йигитлик.*

*Саломат тут кейин - бўлмайин касал,
Бир бойлик бергинки, бўлмай қамбагал.*

*Бу тўртта тилагим ўзинг раво қил,
Кейин хизмат этай бўлиб сенга қул*

*Буларни беролсанг ,ей элга бошим,
Сенга қул бўлайин, эгайин бошим.*

Агар буларни муҳайё этишга куч-қудратинг етмаса, сенинг қандай фазилатинг бор? У ёққа борсам, сен мени эмас, аксинча, мен сени асрашим керак. Токи сен тўймас экансан, менга ош ҳам тегмайди.

Эй элиг, бу дунё – ўткинчи. У ҳар куни олқинди: камайиб, озайиб, бораверади. Назар сол : отанонг, қариндош-уруғинг қани? Одамзод бир куни ўлишга маҳкум. Мен сенга нима наф келтиришим мумкин?!

Бориға қаноат қила билиш ҳам бахт. Чинакам наф бу – билим, ақл-идрокдир.

*Агар эзгу тутмоқ тиласанг мени,
Ўзинг эзгу бўлгин , эй эл ҳоқони.*

Юсуф ижодида Ўзгурмиш тимсоли, Навоий ижодида шоҳликдан гадоликни устун кўйган гадо тимсолида кўринмоқда. Умуман, ёзма адабиёт, халқ оғзаки ижоди анъаналарида қўлланиб афсоналарга айланган Искандар ва гадо ўртасидаги бўлиб ўтган мунозараларни мазмун моҳияти Навоийдан ҳам олдин Юсуфнинг “Қутадғу билиг” достонида қўлланган экан.

Навоий ижодида дидактик руҳда асар ёзиш кўп жиҳатдан устунлик қилади. “Ҳайрат ул-аброр” достони ҳам панд-насиҳат руҳида ёзилган. Унда шоир ҳукмдор доира вакиллариға қарата шундай дейди : “Худо шоҳликни насиб қилган киши ҳам аслида оддий бир бандадир. Давлат бошлиғи одил, оқил, ориф ва эл-юртга ғамхўр бўлиши лозим.”¹ Хусусан, достоннинг барча бобларидаги мавзуларда панд-насиҳат қилинади. Ҳикматомуз сўзлар билан яхши хулқ-одобни, меҳнатсеварлик ва бошқа эзгу ҳислатларни тарғиб этади. Ярамас одатларни қоралайди. Сахийлик, одоб, бола тарбияси, қаноат ва ҳимматдан тортиб, таом емоқ одоби, кийим киймоқ одоби, муомала одобларигача панд-насиҳатларини ажойиб образлар ва ҳикоятлар орқали баён этади. Айниқса, барча эзгуликлар, яхшиликларнинг боши

билимдандир, илми бор инсоннинг икки олами саодатга айланади деган ғояни илгари суради ва “Имом Фахр Розий била Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ” ҳақидаги ҳикояни келтиради:

Бу ҳикояда айтилишича, султоннинг ҳаммомда ювина туриб: у дунёда олим қандай мартабада бўлади-ю, шоҳ қандай мартабада бўлади, деган сўроғига, олим у дунёда бамисоли ҳаммомдир, сен тож-тахтинг ва кийим-кечагингни олиб боролмайсан, менинг илмим эса ўзим билан қолади, деб жавоб бериб уни енгади.² Шу ҳикояда Навоий илми - олимни мадҳ этиб, бевосита китобхонни илм олишга ундамоқда.

Шунингдек, Навоий ўн учунчи мақолатда эл-юртга фойда келтириш хусусида шундай дейди:

*Нафъинг агар халққа бешак дурур,
Билки, бу нафъ ўзунга кўпракдурур.*

Ёки:

*Одами эрсанг демагил одами,
Оники йўқ халқ гамидин гами³.*

Ўн олтинчи мақолатда халққа паст назар билан қарайдиган золим амалдор образини тасвирлар экан шундай дейди:

Амалдор ўзини ботир, отини Рахш, Рахшгина эмас, балки яшин деб билади. Рустамни ҳам назар-писанд қилмайди. Гўё унинг боши кўкдан тўрт энлик қуйи, холос. Аслида у зулмда йўлбарсдек йирткичдир. У ўзини қоплон деб билади ва ит(ни) эти билан тамадди қилади, кибр-ҳаво унинг қоши устида ажинлар пайдо қилган...Зулмда у Заҳҳокдир, икки илони халққа бўлиб ётибди.

Мана бундан кўринадики, Юсуф Хос Ҳожиб ижодида учраган Фаридун, Заҳҳок каби тимсоллар аллома Навоий ижодида кўплаб учрайди.

Бундан кўринадики, Юсуфнинг бой халқ оғзаки ижодини яхши билиши ва бу билан боғлиқ воқеаларни асарида баён этиб ўзидан кейинги авлодга етказиб бериш орқали улар ижодига ижобий таъсир кўрсатганини кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маллаев.Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи,1-том,1976,434-бет.
2. А. Навоий. “Хамса”, Т.:Янги аср авлоди, 2014-йил.
3. Тўхлиев Б. “Қутадғу билиг” 1990-йил. 79- 80-бетлар.
5. А. Навоий. “Садди Искандарий” (нашрга тайёрловчи Иноят Махсумов) Тошкент.1978-йил. 38-бет.

АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИДА ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ

**Нозима УСАРОВА,
Дилшода МУРАТОВА**
(ГулДУ)

Навоий олам ва одам моҳияти ҳақида кўп бош қотирган, тириклик ва ўлим сабаблари устида муттасил мулоҳаза юритган, инсон ҳаётининг мақсади, маъно-мазмун хусусида бир умр ўйлаган. Унинг чуқур билим, кенг дунёқараш, катта ҳаётий тажриба, олимона теран тафаккур ва шоирона ўткир нигоҳ билан уйғунлашган фикр-мулоҳазалари, фалсафий хулосалари ҳикматларида мужассамлашиб, бутун дунё халқлари томонидан эътироф этилмоқда.

Навоий асарларининг мазмун-моҳиятини тезда англаб етишнинг бир қатор мураккабликлари бор. Улардаги айрим байт, ҳикоят, образ ёки тимсолларнинг асосий маъносини тўғри тушуниш чуқур тафаккур, кенг қамровли илми талаб этади. Шоир асарларини теранроқ ҳис қилиш учун тариқат одоби,

тасаввуф моҳияти, ислом одоб-ахлоқи, сўфийлар ҳаёти, шахсияти билан боғлиқ жиҳатлардан хабардор бўлиш керак. Айниқса, Навоийнинг “Насойимул-муҳаббат” асари билан танишиш катта аҳамият касб этади. Чунки шоирнинг бошқа асарларида илгари сурилган ғояларни тўғрироқ талқин этишда бу асарларнинг ўрни катта ёки “Хамса”га кирган дostonларда келтирилган ибратли ҳикоятлар улардаги асосий ғояни ёритишга имконият берган. Жумладан, “Ҳайратул-аброр”нинг ўн учинчи мақолатида ҳақиқий инсонийлик, “одамийлик одамийси” қандай бўлиши ҳақида мулоҳазалар билдирилган. Шоирнинг таъкидича, “неча жафо етса, вафо айлаган”, азобу озорларга сабр билан чидайдиган, ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайдиган киши “башар аҳлининг инсони”дир.

Навоий ўзининг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида ҳам инсон муаммосига тўхталиб, мусиқанинг кўнгил ҳолатлари таъсирига асосий эътиборни қаратади. Асарда дард-у ҳол аҳли, дард аҳли, захмлик юрак, ҳол аҳли, куйган бағир, кўнгул мулки, сулук аҳли каби сўз ва сўз бирикмаларикўп такрорланган, чунки инсоннинг ички мусаффолиги, руҳ поклиги кўнгил олами билан боғлиқ. Кўнгил – инсон умрининг мазмуни. Покиза, беғубор қалб инсон умрига ҳарорат бағишлайди, унинг ҳаёт йўлини ёритади, эзгуликка даъват қилади. Нотоб кўнгил инсонни манманлик, худбинлик иллатига дучор қилади.

Навоий эътиқодига кўра, мансаб-у мартабага кўнгил боғламаган киши оқил, олийҳимматлик, мансабга беписандлик, амал курсисидан ўз ихтиёри билан воз кечиш ёки мансаб таклиф қилинганда уни чин дилдан рад эта олиш эса саховатлиликдир. Саховат эса ҳиммат аҳлининг касби ва бу улуг сифат покиза кишиларгагина хос: “Ҳиммат аҳлигадур саховат ихтисоси ва бу икки шариф сифат – валоят хоси”. Валоят сўзи – валийлик, авлиёлик, азизлик, худога яқинлик маъноларига эгаки, Алишер Навоий нафсни покиза тутиш, қаноатли, мансабу амал хирсидан озод, молу жон ҳаёли риштасини кўнгилдан узган кишини валийлик мақомига кўтариб, мадҳ қилади. Бундай талқин бобокалонимизнинг қатор насрий асарларида ҳам кузатилади.

Мутафаккирнинг “Маҳбул-қулуб” асарида турли ижтимоий табақаларнинг жамиятда тутган ўрни, вазифалари, ўз бурчига тўғри, ҳалол муносабатда бўлиши кераклиги ҳақида сўз юритилади. Асарнинг ушбу хусусиятларини назарда тутсак, унинг бугунги кунда инсон тарбияси учун қай даражада қимматли эканлигини кўраимиз. Асарда, айниқса, тақсимот муносабатларига, уларнинг адолатли ташкил этилишига эътибор қаратилган, хусусан, хизматга яраша тақдирлаш масаласи шоирнинг диққат марказида турган. У ясовул мисолида шундай дейди: “Агар у хизматига яраша ҳақ олиш ҳаёлида бўлса, у ота мероси ва она сути каби ҳалолдир”.

Бу ерда Навоий иккита иқтисодий ғояни илгари суради: биринчиси меҳнатнинг миқдори ва сифатига мувофиқ тақдирланиш бўлса, иккинчиси меҳнатга яраша ҳақ олиш, “она сутидек ҳалол” яшаш ғоясидир. Ёшларга иқтисодий тарбия бериш масаласи долзарб бўлган бугунги кунда буюк шоирнинг ушбу фикри катта аҳамиятга эга.

Навоийнинг ўз асарларида ҳунарнинг, ҳунарманд инсоннинг хусусиятлари ҳақида баён қилади. У одамларни ҳунарли бўлишга, доимо тадбиркорлик ва тежамкорлик билан иш юритишга ундайди.

Алишер Навоийгача ҳеч ким, ҳеч қачон оддий яратувчи одамларни бу қадар самимият, чуқур ҳурмат ва эҳтиром, инсонпарварлик руҳи билан шарафланмаган.

Алишер Навоий асарларида ҳар томонлама ривожланган баркамол инсоннинг қиёфаси, унинг баркамоллиги, орифлигини ифодаловчи мезонлар, ўлчовлар ҳақида ҳам ажойиб фикр-мулоҳазалар юритилган. Унинг ёзишича, баркамол инсоннинг энг муҳим фазилатларидан бири – халқпарварлик, ватанпарварликдир. Юрт ташвиши билан яшаб, халққа кўп фойда етказган кишини чинакам халқпарвар одам деб ҳисоблайди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳазрат Навоийнинг ҳаётда қилган ишлари, давлат арбоби сифатидаги фаолияти, халқнинг турмушини яхшилашга, оғир қисматини енгиллаштиришга қаратилган савобли ва хайрли ишлари, насрий ва назмий асарларининг мазмун-моҳияти умуминсоний ва гуманистик руҳ билан суғорилган. Мутафаккир инсонпарварлик тушунчасига ижтимоий мазмун беради. Унингча, камтарлик, вафодорлик, нафсни тийиш, ростгўйлик, саҳийлик, донолик, муҳтож ва етим-есирларга

ёрдам бериш, бағрикенглик, мулойимлик, ширинсуханлик, шижоаткорлик, эзгулик, меҳр-мурувват, раҳмдиллик, одамийлик - буларнинг ҳаммаси инсонпарварликнинг таркибий қисми бўлиб, инсонни камолот сари етаклайди.

АЛИШЕР НАВОИЙ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН ВА ҲАЁТ

Шаҳодат УСМАНОВА

Ўзбек адабиёти, маданиятининг улуғ арбоби, буюк шоир ва мутафаккир, ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир этган, ғазал оламининг забардаст султони Низомиддин Алишер Навоийнинг ижодий меросининг боқийлиги, бадиий даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги, нафақат буюк шоир, балки буюк адабиётшунос, тилшунос, тарих ва ҳуқуқий фалсафасида сифатида “Инсон ва ҳаёт” жаҳон тамаддунидаги тутган ўрни беқиёсдир.

Алишер Навоийнинг фаолияти ва ижоди тасаввуфий ва суфиёна ёндошувидаги ҳар бир ғазал ва байтларида миллий ҳуқуқий тафаккурини юксак истеъдод билан тараннум этади. Ҳуқуқий тафаккур инсониятнинг баркамоллик даражаси сифатида ёндошув, ўз ижодий фаолияти Қуръони мажид “Ал-фотиҳа” сураси, “Фотиҳа” очувчи деган маънодаги сура билан очилади ва ана шу ҳуқуқий мақомотни умрининг охиригача Миллий ҳуқуқий тафаккур таълимотидан сабоқ бериб уни амалга оширади. Тасаввуф фалсафий таълимот бўлиб, бунёдкорликка ундовчи инсон тафаккурини шакллантирувчи хусусиятга эга бўлиб, кишини ижодкорликка сафарбар қилувчи манбадир. Унинг таълимоти илоҳий ва инсоний тафаккурни ўз ичига олган, ер юзидаги миллатлараро олам ва одам муносабатларидан сабоқ беради. Унда инсоннинг маънавий камолоти ва покланиши орқали Оллоҳга интилиш йўли баён этилади. Ҳар бир инсон баркамоллик даражасига етишни орзу қилар экан, Оллоҳ таолонинг каломини сидқи дилдан дўст тутса, ҳурматини жойига қўйиб ўқиса, оятлардаги маъноларни зеҳндан ўтказиб, фаҳмини тасаввур этган сари ақли ҳидоят нуридан жило топишини таъкидлайди. Натижада Раъйи тўғри, фикри ўткир, ҳиссиёти сезгир соф нафс эгаси бўлиб боради. Оқибатда вужуди эзгуликка айланиб, барча ёмон амаллардан беихтиёр узоқлашади. Бу амали бахту саодат калити бўлиб, Аллоҳ таоло ҳузурда улуғ муқофотларга эга бўлади, деб таълимот беради.

Тасаввуф-ҳақиқий ишқ Оллоҳ муҳаббатини биринчи ўринга чиқарди. Айни пайтда омма эътиборини бошдан-охир, одоб-ахлоқ муаммоларига қаратувчи таълим-тарбиянинг ғоявий мақсадидан иборат бўлиб, тасаввуф-хулқ ва одоб суфия деган қарашларнинг илгари сурилиши ҳам бежиз эмас. Тасаввуф адабиётини ўрганиш шу жиҳатдан ҳам муҳим ҳисобланадики Марказий Осиёда XIII-XIV аср XIV-XV асрлардаги ўзбек адабиёти “дунёвий адабиёт” деб келинар эди. Фақат бу атама ўша давр адабиётига мутлақо мос келмайдиган, нотўғри қўлланилган термин ҳисобланади. Ушбу асрларда ўзбек сўз санъати чўққиси бўлган Алишер Навоий ижодида дунёвий руҳ эмас, балки илоҳий мазмун етакчилик қилади. VIII-IX асарларда бутун минтақа бўйлаб араб тилида яратилган. IX аср охириларидан бошлаб, минтақавий бадиий адабиётнинг қамрови ва қўлами беқиёс кенгайиб, Хуросон ва Мовароуннаҳрда форсий ва туркий тиллардаги мумтоз шеърият қўшилган. Қудратли маҳаллий ҳукмдорлар сомонийлар, ғазнавийлар, қорахонийлар, салжуқийлар саройлари доирасида бу тилларда мустақил адабий мактаблар шаклланди. Абу Абдуллоҳ Рудакий етакчилигидаги илк мумтоз шеърият мактаби сомонийлар даврида, ғазнавийлар саройида форс тожик тилида ва қорахонийлар саройида туркий ва форсий тиллардаги шеърият ривож топди. Фирдавсийнинг 60 минг байтгли “Шоҳнома”си, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достони, Носир Хисрав ва Абул Аъло ал-Мааррийнинг юксак фалсафий мазмундаги асарлари ўша даврга мансуб эди. Асрнинг ярмида ижтимоий-сиёсий ва тарихий аҳвол, мистик таълимотларнинг кучайиш даврига айланган эди. VIII-XI асрлар арабий, форсий ва туркий тиллардаги мумтоз бадиий наср ва шеъриятга нисбатан “дунёвий адабиёт тушунчасига мувофиқлаша бошлаган эди.

Ислом минтақасида шаклланган турли адабий мактаблар мазмуний мундарижасида мадҳ, тағаззул, хамриёт, зуҳдиёт, ҳижо (ҳажв) каби соф дунёвий мавзу турлари етакчилик қилар эди.

XII асрга келиб энди бу мавзулар улуғ мутафаккир шоирларни кониктирмай қўйди, бу босқич ниҳоясига етиб, бадиий тафаккурнинг янги поғонасига чиқди.

Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” рисоласи “Аввалги қисм”идаги минтақа адабиётига оид назарий мулоҳазаларга бағишланган 16 фаслида асосан, XII – XV асрларда яшаб ижод этган кўплаб шоирлар тилга олинди, улар бир неча гуруҳга ажратилади.

Булар қуйидагилар: Абдулмажид Санойи (1048 – 1140 йиллар) Абдулвосиъ Жабалий (вафоти – 1160). Асириддин Ахсикатий (1108 – 1196 йиллар), Хоқоний (1120 – 1199 йиллар), Зоҳир Фаробий (вафоти – 1202) биринчилардан бўлиб мадҳиягўйликни тарк этган, шеърятга жиддий фалсафий ижтимоий ва ахлоқий масалаларни олиб кирган улуғ мутафаккирлар эди. XII аср охири чорагидан бошлаб форс-тожик шеърят осмонида икки ёрқин юлдуз Низомий Ганжавий (1141 – 1202 йиллар) ва Фариддун Аттор (1147 – 1229 йиллар), сиймолари мисолида икки алоҳида йўналиш бўйича ривожланди.

Мусулмон агиографияси (биринчи қисми) “Тасаввуф таълимотини баён этган, суфиёна истилоҳлар билан фикр юритадиган асарлардир. Булар орифона адабиёт ҳам дейилади”. “Тасаввуф” арабчадан суф-жўн сўзидан олинган бўлиб, у аҳли тасаввуфнинг феъл-атвориға, мақсадиға ва мистик раъйларига нисбатан эътироф этилади.

Иккинчиси – ирфоний, ишқий-саргузашт дostonлар, лирик асарлар (ғазал, рубоий) каби тасаввуф ғояларини куйлаган, уларни образлар, тамсил-тимсоллар орқали тасвирлаб берган асарлар. Буни адабиётшуносликда ошиқона адабиёт деб юритилди. Низомий Ганжавий ҳамда Алишер Навоий томонидан “мажоз тариқи” асарлари ирфоний – Ҳақ ва жамият олдидаги масъулиятга ёндашилди. Суфийлар Ҳақнинг асл зотини ҳақиқат ва унинг мазҳари, қиёсан кўзгудаги инъикосини “мажоз” деб аташди. Шунингдек, “ишқи ҳақиқий” ва “ишқи мажозий” тушунчаси шаклланди (суфизм, тасаввуфнинг) исломдаги диний-фалсафий оқим сифатида XIII асрда араб мамлакатларида вужудга келган бўлиб, ўз замонасининг миллий ғояси тимсолидаги таълим-тарбиявий адабиёт.

Бироқ биздаги агиографик адабиёт, жумладан, ислом фикршунослигига оид адабиётлар тасаввуф адабиётининг кўп қатламлари, ёзма ёдгорлик, шеърӣ ва насрий манбалар ҳам ўрганилиб келинмоқда. Улар ҳозирча тадқиқ қилинмаган.

Бу ҳақда Жалолиддин Румийнинг фикрича, Санойи “икки кўз”га қиёс этилмоқда. Кўз ташқаридаги нарсаларни кўради, ичкаридан ташқарига йўналган бўлади. Аттор эса “руҳ” унинг назмдан мақсади “асрош. “Маснавийи маънавий”дек буюк ирфоний қомусни яратган Румийнинг ўзи ҳам шу йўлдан борди. Илоҳий адоси” (“илоҳий сирларни баён этиш”) инсон руҳиятидаги илоҳий асрор пардаларини бирма-бир очиб кўрсатади.

Жалолиддин Румий таълимотида, ҳар неники изларсан, ўзингдан излагил, деб сабоқ беради. Ва инсонни юксак илоҳий мақомга кўтаради. Инсоннинг Оллоҳ билан қўшилув бирлик жараёни ҳам тафаккур орқали кечади.

Муҳаббат – тасаввуфнинг асосий рукнларидан биридир. “Мажоз тариқи” XIV – XV асрларни ўз ичига олади. Хисрав Дехлавий ва Ҳофиз Шерозий изидан Алишер Навоий ўз ижодининг охиригача “ишқи мажозий”ни куйлади. Умрининг охирида якуний асари “Маҳбуб ул-қулуб” назарий қарашларини тўлиқ асослаб берди. Тасаввуфни илоҳий муҳаббат ҳақидаги илм десак, тасаввуф илоҳий маърифатни эгаллаш, Аллоҳнинг сифат, исмлари, ўз нафсини енгиб ўтмаганлар маънавий баркамол даражасига етмаган оддий одамлар ишқи), хавос ишқи (яъни, ўз нафсини енгиб ўтиб маънавий баркамолликка эришган ориф инсонларнинг пок ишқи) ва сиддиқлар ишқи (авлиёуллоҳ суфийлар ишқи) Ҳазрат Навоий хавос ишқи, ошиқ учун ўзликни англаш йўли, “Ҳақиқат асрори” ганжинасининг калити деб билади. “Лайли ва Мажнун” дostonини хотимасида ғаройиб кимё, мисни олтинга айлантирувчи сеҳрли куч, инсонга борлик сирларини ошкор қилувчи кўзгу, деб таърифлайди. У ишқ ҳодисасига ижтимоий-ахлоқий нуқтаи назардан қарайди, “мажозий ишқ” ни реал ҳаётдаги инсонлараро муомалада биринчи

ўринга чиқаради. Асосий ўзак моҳият деб билади. Шу йусунда “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” каби достонларида бошдан – оёқ пок туйғуларга йўғралган “алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ” – покиза озодаваш, мумтоз бир туйғу алоҳида на оддий ошиқ – маъшукликдан на тасаввуф аҳли “ишқи ҳақиқий” деб топган ирфоний интилишлардан ҳам бутунлай фарқ қиладиган ҳолат деб таъкидлади. Бу ҳодисанинг моҳияти шунда эдики, унда инсоннинг олий ҳақиқатга Ҳаққа, борлиқнинг моҳиятига муносабати унинг ўзга инсонларга, атроф-воқелик, мавжуд жамиятга муносабати билан уйғунлик ҳосил қилар эди.

Ҳазрат Навоий охиригидан достони – “Лисон ут-тайр”да Симурғ тимсоли орқали ўзининг асрий орзусини, улуғ ижтимоий ғояни ифодалайди: Симурғ – камолотнинг олий босқичи бўлмиш Тавҳид босқичига кўтарилиб етган ўттиз куш (“си мурғ”)нинг бирлиги, яъни маънавий ягоналик ҳосил қилиб, инсонларнинг бир-бирига Ҳақ ризолиги йўлидаги пок ва самимий меҳридан иборат бўлган яхлит инсоният тимсоли жамоаси ифодаланади.

Тасаввуф – бошдан-охир одоб-ахлоқ, таълим-тарбиядан иборат бўлиб, унда хулқ ва одобга оид суфийна деган қарашларнинг илгари сурилиши бежиз эмас. Тасаввуфий ахлоқ учун тарки даъво, тарки такаллуф, тарки хубби мосиво (ғайри севмоқ) тарки такаллуф, (тил ёғламалик ва ялқовланиш) ғаразли сўз ҳамда нияти шумнинг тарки, албатта, шарт эди.

Қалбни соф этмоқ, Ирфон соҳиби бўлмоқ, одомларга меҳри вафо кўрсатмоқ, вақтни ғанимат билмоқ, беҳуда кечган умр учун тасаввуф, нафс ва шайтонга асир бўлмаслик – булар тасаввуфнинг ахлоқий мажбуриятлари эди. Тасаввуфий ахлоқ ўткинчи дунё ташвишларига андармон бўлмасликка, тирикчилик ранжидан шикоят қилмасликка ўргатар эди. Зеро шикоят ва тангдиллик ва кескин қоралар эди.

Оллоҳнинг сифат исмлари орқали унинг зотини билиш ва танишни талаб қилар экан, буни ақл ва назарий-тафаккурий билимлар билан эмас, балки яширин бир ички туйғу, ботиний басират, яъни муҳаббат воситасида амалга ошириш мумкин, деб таълим беради. Воқеан, суфийнинг бутун интилишлари, аҳвол-руҳияти, ҳаётнинг маъноси, эътикод ва иймони поклик ҳам эзгулик тимсоли бўлмиш олий Ҳақиқатга фидойи муҳаббатдан иборат. Бу айни вақтда билим дониш ҳикмат ва санъат манбаига, ҳали кашф этилмаган, ғайб ҳисобланган сирлар оламига кучли иштиёқ ҳам. Шу ишқ қудрати солиқ қалбни бир зум бўлса ҳам, тинч қўймай, ундан нурлар порлатиб, изтироб ва қийноқлар гирдобига солади; ҳиссий жисмоний ҳаловатлардан кечиб, хилватхоналарда бедор тунларни тоат ибодат, шуур-тахаййўл оғушида ўтказиш; важд-илҳом қиёмида одам ва олам моҳиятини, илоҳий мўъжизаларни идрок қилишга йўл очади; муттасил руҳий-маънавий юксалишга ҳидоят қиладди. Бақолик яъни боқий дунё лаззатини ўз аксида у дунё бу дунёсини кашф этади, унга эришади ва асл илоҳий моҳиятига қараб кўтарилади: “Ҳақ билан яқинлик асл билан безанишдир”.

Вужудни фано, йўқдек ҳолатига етказиш деганида инсон танасини бутунлай инкор этмайди, балки уни илоҳий неъмат билиб, имкониятларини Ҳақ ризолиги йўлига сафарбар этишни назарда тутлади. У Аллоҳ билан тана ўртасидаги парда-ҳижобни вужуд эмас, балки боғланишдир, деб ҳисоблайди: “Ҳижоб – сен ўзингсан. Ҳақ ва унинг орасида турибсан, яъни фоний бўлсанг, Ҳаққа етасан.” “Одамзод ўзида қанчалик яхши хусусиятларни намоён этса, Аллоҳнинг иродаси рўёбга чиқаверади ва бу ишларни Аллоҳ кўзгуда кўргандек кузатиб туради.” Инсон ўз кўнгил кўзгусини ҳар қандай зангу ғубордан покиза қилсагина ҳақиқий маҳбуб – Аллоҳ таоло ўзининг жамол ва жалол сифатлари билан унда тажалли этади.

Маҳдуми Аъзам инсон руҳининг камолотида нафс тарбиясининг муҳим ўрин тутишини таъкидлайди: “Солиқ нафси Худо тавфиқи туфайли йўл юрган ва йўлни биладиган пир ёрдами билан ҳар қандай ички ва ташқи касофатлардан покиза бўлиб жазба (ўзни унутиш – Э. З.) султоннинг келиб қўшилишига мушарраф бўлса, улуғ саодатларга эришади”.

Айни пайтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кўчайиб бораётгани

давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларга муносиб таълим ва фан соҳасини ривожлантиришда таълим ва тарбия замонавий эҳтиёжларга мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш мақсадида миллий кадрятлар таълимотидан самарали сабоқ олиб уни янада ривожлантиришни юклайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Т.: Фан. 1983.
2. Абдурахмон Жомий. Нафахот ул-унс. Осор, 8-жилд. – Душанбе, 2000. Б. 34
3. Аҳмад Косоний. Рисолаи шарҳи Убайдий. – Тошкент, 2001. Б. 120.
4. Нақшбандия журнал. 2013 й. 2 (11)-сон. Б. 11 – 15.

“НАВОДИР УШ-ШАБОБ”ДАГИ 648- ГАВҲАРРЕЗ

Ирода УСМОНОВА
(ТошДЎТАУ)

Ғазал жанри ҳақида гап кетар экан, албатта, Алишер Навоий ғазаллари ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Мақсуд Шайхзода томонидан “Ғазал мулкининг султони” дея таърифланган шоиримиз ҳақиқатда султонга хос, сўз султониға хос маҳорат билан, сўз қўллаш, фикр ифодалаш усули билан тенги йўқ ғазаллар битди, юксак асарларни яратди. Ундан шундай катта, сони ҳам, салмоғи ҳам улуғ бўлган мерос, хазина қолганки, Мақсуд Шайхзода билдирган фикрларга, Навоийнинг нафақат ғазал мулкининг, балки сўз мулкининг, хазинасининг подшоси эканлигига беихтиёр амин бўласиз.

Алишер Навоий ғазаллари ўзининг бадиияти, вазнлари, сўз қўллаш маҳорати билан бошқа ажралиб туради. Ундаги фикрий кашфиётлар, сўз ўйинлари муаллифнинг асл мақсадини юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Академик Алибек Рустамов Алишер Навоий асарларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталиб шундай фикрларни билдиради: “Улуғ шоиримиз Алишер Навоий асарларининг жаҳоншумуллиги ва абадий тириклигининг сабаби – унинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фикрларни олий бадиий шаклда берганлигидадир”. Дарҳақиқат, буюк шоиримиз ижодини ўрганиш натижасида унинг эътиборталаб мавзулар устида қалам тебратгани ва бебаҳо фикрлар устидан гавҳардек бадиий воситалар, қимматбаҳо назм дурларини сочганлигига гувоҳ бўлдик. Алишер Навоийнинг “Наводир уш-шабоб” девонига киритилган “Истадим ёреки кўнглум дам-бадам шод айлағай...” деб бошланувчи ғазали мисолида фикримизни асослаймиз:

Истадим ёреки кўнглум дам-бадам шод айлағай,

Билмадим жонимга бедод узра бедод айлағай.

Ёрим кўнглумни шод қилишини дам-бадам истайман, лекин ёрим жонимга азоб устига азоб соллаверади. Нега бундай азоб солишини билмайман. Мисраларда шод ва бедод сўзлари орқали тазод санъати ҳам ҳосил қилинган.

Лаълининг анфосидин очилғай ҳаётим ғунчаси,

Йўққи умрим хирманин бир дамда барбод айлағай.

Ёримнинг нафаси шу даражада ҳаётбахшки, лабининг нафасларидан ҳаётим ғунчаси очилади, агар тескариси бўлса, умрим хирмони – ҳаётим давомида йиққан давлатим йўқ бўлади. Шу ўринда ёр лабини лаъл деб, истиора санъатини, ҳаётим ғунчаси, умрим хирмони деб ташбеҳ санъатидан моҳирона фойдаланиш орқали юксак бадиийликка эришади.

Васл ила йиққай кўнгулдин дарду ғам бунёдини,

Йўқққи, ҳар дам ўзга ҳижрон тарҳи бунёд айлағай.

Шоир бу байтда ёрининг васлини он қадар исташини билдиради ва ёрининг висоли кўнглини шун-

дай хурсанд қилиши, яъни кўнглидаги дарду ғамдан ҳосил бўлган “ғам уйи”ни йиқитишини айтади. Агар бунинг акси бўлса-чи, кўнглида аччиқ ҳижрон бунёд айлаган иморатнинг ҳар дамда юксалишини айтади. Ушбу мисраларда Навоий бадийликни таъминлаш, фикрий тугалликка эришиш мақсадида ғам бунёди, ҳижрон тарҳи, ҳижрон бунёди каби ифодаларни кўллайди ва кўзланган мақсад – фикрий гўзаллик, мазмуний тугалликка эришган.

*Шамъи рухсори ёрутқай тийра кўнглум қулбасин,
Йўқки, зулфи дуди ани меҳнатобод айлагай.*

Рухсоринг шамъи қора кўнглимнинг ҳижрондан нураб қолган қулбасини ёритади. Йўқса, юзи қулбамга келиб, қоронғи қулбамни ёритмаса, сочининг қора тутуни қулбамни қорайтириб, захмат чекишимга сабаб бўлади, дейиш орқали шоир ёри ҳижронда қорайган, кўнгли фироқ тошларидан вайрон бўлган ошиқ ҳолатини очиб беради. Қулба образи ёр фироқида ғам оловларида қорайган, ҳажр даштида мунграб, вайронага айланган ошиқ рамзи. Шамдек ёруғ юз ва зулфнинг дуди дейиш орқали тазоднинг ажиб намунаси ва шамъи рухсор, кўнгил қулбаси бирикмалари орқали эса нозик истиораларни юзага чиқаради.

*Риштаи жонимдин очқай нўги мужғони гириҳ,
Ҳар гириҳ қатлимга йўқким неши нўлод айлагай.*

Жоним риштасидаги ҳар бир тугун менинг ўлимим, қатлим учун сабаб бўлмас, аксинча, ҳаётим, умрим мустаҳкамлигини таъминлаган.

Байтда юқоридаги фикрни юзага чиқаришда “риштаи жоним”, “нўги мужғони” каби бирикмаларининг бадий ифодаларнинг яратилиши муҳим аҳамият касб этган.

*Ҳеч гулга бўлмасун мойил бировким сарвдек,
Десақим ўзни хазон давридин озод айлагай.*

Ҳеч ким ўзини хазон офатидан асрамоқчи бўлса, агар бошқа гулларни сарвни севганчалик севмасин, бошқа гулларни унга тенг кўрмасин. Гулзорда турфа хил, бир-биридан гўзал, бир-биридан аъло, чиройи билан кўз тугул, жонни ҳам олиб кўядиган даражадаги гуллар ҳам бор, лекин ёзувчи бу ўринда ҳамма гуллардан аъло қилиб сарвни танламоқда. Байтни бир ўқишда унинг маъносини англаш қийин эмас, лекин унда рамзий маънони ҳам кўриш мумкин: бу ўринда сарв – ҳақиқий ёр рамзи. “Сарв тўғрилиги сабаб хазон офатидан омон қолди”, – дейди Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонида. Сарвнинг табиатан тик ўсганлигидан фойдаланиб, Навоий ажойиб ўхшатиш орқали сарвни вафоли, мағрур ёрга ўхшатади ва угина ўзини “хазон даври”дан – бевафолик гирдобидан, нохуш майллар гирдобидан қутқара олишини ва кишининг қаҳратони – ҳар қандай оғир дамда ҳам ўзининг мағрур, вафоли, гўзал хулқли табиати билан ўзлигини аслича сақлай олишини ифодалайди. Шунинг учун ҳам “хусн боғи”нинг бевафо гулларида кўра сарвни севмоқликни маъқуллайди. Ёр қанча озорлар берма фироқнинг минг бир оловида ёқмасин, мағрурлиги, ёрига вафодорлиги сабаб сарвга жуда ўхшашлигини қистириб ўтгандек бўлади.

*Кўп Навоий ноласин манъ айламангким, томиғул,
Ёрини ёд айлагай, албатта, фарёд айлагай.*

Мақтаъда эса ошиқнинг ёр ҳижронлари бўронида толиққанлиги, ёр висолига нечоғлик умидвор эканлиги кўрсатиб берилган: ҳижрон оташида ёнган Навоийни нола қилишдан, азобланишдан тўхтатманг. Чунки у тамагир. Ёрининг висолидан умид қилиб, тама қилмоқда. Унинг нола-ю фарёдлари ортида висолдан, ёрининг висолидан тама бор. Ёрига етишни у қанчалик хоҳласа, ҳаракат қилса, ёри шунчалик ноз қилиб, уни фироқида сарсон қилмоқда. Шунинг учун ҳар гал ёрини ёдга олса, унинг висолидан тамаъ қилиб, фарёд солиб, ёр васлидан умидворлигини билдиради.

Алишер Навоий ғазалларида икки сўз орқали юзага чиқадиган маънони бир сўз орқали айта олиш

имконияти, табиатнинг ўзгалар кўра олмайдиган қирраларини ўткир қалби билан кўриб, мана шу топилмаларни ғазаллар қатига моҳирона жойлай олиши, дунёнинг бошқалар бир рангда кўрадиган ранглари камалакдек ранг-баранг кўра олиш, уни китобхонга етказа олиш маҳорати, баён услуби жиҳатидан бошқа шоирлардан фарқ қилади. Юқорида таҳлил қилинган ғазалда ҳам табиатдаги ўсимликларнинг ўзига хос хусусиятидан фойдаланиб, ғазал ичига моҳирона сингдириш ҳолатини, сўз кашфиётларини кўриш мумкин. Ғазал ишқ-муҳаббат руҳида ёзилган. Унда Мақтадан англашилган маъно ғазалда илоҳий ишқ тараннум этилганини кўрсатади: Навоий Аллоҳнинг висолини истаб нола чекса, уни тўхтатманг, зеро, унинг ҳаётдан мақсади – Аллоҳнинг висолидир. Шу сабабли ҳам ҳар сафар Аллоҳни ёд айлаганда ундан нола чекиб, висолини насиб қилишини сўраб ёлворади. Бу иши тамагирлик эканини билса ҳам, Аллоҳ висолига етишни хошлашни тарк қилмайди.

Навоий ғазаллари мавзу кўлами, ифода хусусиятлари, дидактик мазмунни мукамал даражада юзага чиқариши билан эътиборга молик ва аҳамиятлидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Alisher Navoiy. Yigirma jildlik, T: Fan, 1989.
2. Rustamov A. Navoiyning badiiy mahorati. – T: G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san‘at nashriyoti, 1979.
3. Navoiy asarlari uchun qisqacha lug‘at. – T: Fan, 1993.

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИ ФРАНЦУЗ ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИГА ДОИР

Хуршид ФАЙЗУЛЛАЕВ
(СамДЧТИ)

Алишер Навоий ўзбек маданияти, адабиёти тарихидаги улуғ сиймолардан биридир. У ўзининг ҳаёти, истеъдоди ҳамда ижодини Ҳаққа ва халққа бағишлаган инсондир. У лирик шоир, адабиётшунос олим, таржимон сифатида маданиятимиз, адабиётимиз тарихида алоҳида ўрин тутди. Алишер Навоий шеърни, шоирликни ҳамма нарсадан баланд тутди. Вазирлик мартабасида туриб ҳам шеър ёзишни тўхтатмаганлиги унинг қанчалар шеърят билан боғланганини сезиш мумкин.

Навоий туркий ва форсий тилларда бирдай маҳорат билан қалам тебратган забардаст зуллисонайн шоир эди. У ўзбек адабиётида шеърини девон яратиш анъанасини ҳам ҳадди аълосига кўтарди. Шоирнинг 8 та девони мавжудлиги ҳамда кўплаб ғазаллари хорижий тилларга таржима қилинганлиги унинг ўзбек ва жаҳон адабиётидаги тутган ўрнини белгилаб беради. Шу ўринда айтиш мумкинки, Алишер Навоий нафақат буюк шоир сифатида, балки давлат арбоби сифатида ҳам машҳурдир.

Алишер Навоий ўзбек адабиётининг ривожига шунчалар улкан ҳисса қўшганки, унинг асарлари бугунги кунда ҳам ўз қийматини йўқотган эмас. Унинг ҳар бир битган ашъорлари инсон руҳиятини тубтубигача етиб боради. Бугунги таржимон филологлар олдида турган долзарб масала бу – Алишер Навоий битган ғазалларни бутун дунё китобхонлари эътиборига ҳавола этиш ҳисобланади. Бугунги кунда ҳам Навоийнинг жуда кўплаб асарлари хорижий тилларга таржима қилинмоқда.

Лекин борадаги ишлар бугунги кунда жадал суръатлар билан бормоқда, деб айта олмаймиз. Бу борада анчагина камчиликлар кўзга ташланади. Айтмоқчимизки, шундай буюк шоирнинг асарларини бутун дунёга тараннум этиш биз каби таржимон филологларнинг олдида турган муҳим вазифа саналади. Шу ўринда айтиш мумкинки, Алишер Навоийнинг ғазалларини хорижий тилларга, жумладан, француз тилига таржима қилиш жараёнида ўзига хос талаблар борлигини унутмаслик керак. Айниқса, шоирнинг ғазалларини таржима қилишда жуда кўплаб муаммоларга дуч келаемиз. Яъни таржима қилинган байт бир-бирига мос келмайдигандек кўриниши мумкин. Масалан:

*Қаро кўзум, кел-у мардумлиг эмди фан қилгил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилгил.
Юзинг гулига кўнгил равзасин яса гулшан,
Қадинг ниҳолига жсон гулшанин чаман қилгил.*

Юқоридаги байтни таржима қилишда, аввало, уни мисрама-мисра маъноси ўзбек тилида тушуниб олиш зарур. Шунда унинг маъносини берадиган сўзлар билан француз тилида ифодалаш мумкин.

***Toi, ma belle à l'œil noir, viens et sois généreuse,
Et fais de mes prunelles ta demeure à jamais.
Au jardin de mon cœur, plante ta fleur heureuse,
Au jardin de mon âme, mets au corps son terreau.***

Кўриш мумкинки, таржима гўёки бошқачадек, аммо унинг маъносига эътибор берадиган бўлсак, таржима мос келишини кўришимиз мумкин.

Яна бир мисол :

*Бошни фидо айла ато қошига,
Жисмни қил садқа ано бошига.
Тун-қунинга айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.*

Таржимаси:

***Sois heureux de mourir pourque vif ton père,
Donne ton âme pour un regard de ta mère.
Ils sont ta lune et ton soleil car leur amour,
Répands son doux éclat sur tes nuits et tes jours.***

Мана бу таржималардан билиб олишимиз мумкинки, Навоий ғазалларини таржима қилиш жараёнида маъно бутунлигини сақлаб қолиш жуда муҳим. Яъни таржима жараёнида таржимон умуман бошқа сўзлардан фойдаланиши мумкин, лекин муаллиф нима демоқчи эканлигини ва шеърнинг маъносини ўқувчи тезда англаб олиши керак. Агарда улар ўртасидаги лисоний маъно жиҳатларини эътибордан четда қолдириб, шеърни тўғридан-тўғри таржима қилишга диққатни қаратиш жуда катта хатога олиб келади. Яъни Навоийнинг руҳий кечинмаларини француз ўқувчисига етказа олмайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Алишер Навоий ғазалларини француз тилига таржима қилишда жуда эҳтиёткорлик билан сўзларни танлаш ҳамда умумий маъно бутунлигини сақлашга ҳаракат қилиш зарур. Буни Алишер Навоий шеърларини француз тилига таржима қилмоқчи бўлган ҳар бир таржимон яхши англаши керак. Шундагина Навоийнинг сўз қудратини француз ўқувчиларига намоён этиш мумкин ва бу борадаги ишларни жадал суръатлар билан амалга оширишимиз зарур. Зеро шеърят мулкининг султони ҳисобланган Алишер Навоий асарларини ўқиб француз китобхонлари ҳам қайта-қайта лол қолаверсин!

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тўхлиев Б. ва бошқ. Адабиёт. Дарслик. II қисм. Т. : Чўлпон.2010.11
2. Ergashev.M. et Jean Jaqueas Gaté. Les gazels de Navoi. Paris: Georama. 2007.
3. <https://www.babelio.com/livres/Navoiy-Gazels/636886#citations>

Навойй ҒАЗАЛЛАРИНИНГ БЕГОНА БАЙТИДА ШОИР ТАХАЛЛУСИНИНГ КЕЛТИРИЛИШИ

Нигора ХАЛИЛОВА
(ЖДПИ)

Маълумки, ғазал байтлардан ташкил топади. Унинг биринчи байти матлаъ, охирги байти эса мактаъ деб юритилади. Мактаънинг энг асосий хусусияти шундаки, “Ғазалдаги мазмун, фикр мактаъда ниҳоясига етибгина қолмай, айни замонда шоирнинг ўз-ўзига ёхуд умумга қаратилган салмоқли хулоса ҳам чиқарилади.

Одатда шоирнинг тахаллуси ғазалнинг энг сўнги байти - мактаъда келтирилади. Навойнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девони ғазалларини ўрганиш асносида шоир тахаллуси нафақат мактаъда, балки ғазалнинг шоҳ байтида ҳам келган ўринларни кузатишимиз мумкин.

Мисол учун ҳазрат Алишер Навойнинг “*Илоҳо, подшоҳо, кирдигоро*” деб бошланувчи ғазалида шоир тахаллуси мактаъда эмас, бегона байтда келтирилган:

*Навойй нафс зулмотига қолмиш,
Сен ўлмай Хизри раҳ, чиқмоқ не ёро?*

Бу ерда раҳ – йўл, из, ёро – қувват, мадор, илож. Яъни: *Навойй нафсининг зулматида қолди. Агар сен бу йўлда Хизр каби йўлбошим бўлмасанг, чиқишига не иложим бор?*

Ғазалнинг бегона байтида шоир тахаллуси келар экан, бу байт ҳам хулосаловчилик хусусиятига эга бўлади. Бу хулоса сўнги байт билан узвий боғлиқ бўлиб, мактаъда ўз якунига етади. Навойнинг “*Икки ўтлуғ нарғисинким, қилдилар бағрим кабоб*” деб бошланувчи ғазалида ҳам шоир тахаллуси мактаъда эмас, бегона байтда келтирилади. Ғазалнинг бегона байти қуйидагича:

*Ич, Навойй, майки фаҳм эттук табиби ишқдин,
Ғуссаву ғам захрига тарёк эмиш ёқути ноб.*

Эй Навойй, энди ичкил, чунки ишқнинг даволовчи табиби бу майдир. Ғуссаю ғамнинг захрига эса ёқути ноб – қизил, тиниқ, соф май даво бўлади. Байтдаги май, ёқути ноб, ич; табиб, тарёк сўзлари таносуб бадий санъатига, ёқути ноб эса истиора санъатига асос бўлган.

Навойнинг “*Даҳр судидин тамаъ узким зиёне беш эмас*” деб бошланувчи ғазалининг бегона байти қуйидагича:

*Ғар Навойй истади авворализ, эй аҳли хуш,
Ғам еманг девонайи бехонумоне беш эмас.*

Яъни: *Эй аҳли хуш-хушёрлар, агар Навойй оворваликни истаётган бўлса, сиз бунинг учун ғам еманг. Чунки у ҳам сарсон-саргардон кезиб юрувчи девоналардан ўзга эмасдир. Бу ерда бехонумон – уй-жойсиз, сарсон – саргардон, бечора; беш – кўп, ортиқ, зиёда.*

Бегона байтдаги фикрларни далиллаш учун мактаъда шоир хаётий мисолларга мурожаат қилади:

*Авжи давлат узра бўлсун доимо Билқиси аҳд,
Ким Зухал қасрида ҳар тун посбоне беш эмас.*

Яъни: *Давлатнинг тожи бўлиб турган замона Билқисидек маликанинг қасрида Зухал посбон бўла олади, бундан ортиқ эмас. Бу байтда шоир Билқис, Зухал сўзлари орқали талмеҳ бадий санъатига мурожаат қилган.*

Навойнинг соқийга мурожаат билан бошланувчи “*Соқий, дайр шиддатидин ақл-у ҳис бетоб эрур*” деб бошланувчи ғазалининг бегона байти шундай:

*Эй Навоий, гар муҳайё топмасанг асбоби айш,
Гам ема, шаҳ қуллиги юз айш учун асбоб эрур.*

Яъни: *Эй Навоий, агар сен хурсандчилик қилиш учун сабабларни тополмасанг асло гам ема. Чунки Шохнинг хизмати юз хурсандчилик учун етарли бўлади.* Зоҳиран бу ерда шох Хусайн Бойқародир. Ботинан эса шох бу Оллоҳдир. Бу байтда *асбоб* ва *айш* сўзлари икки бор такрорланиб, *тақрир* бадий санъатига, *гам* ва *айш* сўзлари эса *тазод* санъатига асос бўлган. Шоирнинг “*Қон ёшим сориг юз узра ошкор этти фироқ*” деб бошланувчи ғазалида ҳам таҳаллус бегона байтда келтирилган:

*Эй Навоий, васл аро бўлғайки, боқиб қулгамен,
Догларниким кўнгулга ёдгор этти фироқ.*

Яъни: *Эй Навоий, висол пайтида фироқ доғларига қараб қуламан. Менинг кўнглимга фироқ фақат доғларнигина ёдгор қилиб қолдирди.* Бу байтда *васл* ва *фироқ* сўзлари *тазод* санъатига; *васл*, *кулгамен*; *доғ*, *фироқ* сўзлари эса *таносуб* бадий санъатини вужудга келтирган.

Бегона байтда таҳаллус келтирилганда асосан шохга мурожаат қилинганини кўришимиз мумкин ва бундай байтларда “Эй, Навоий” дея шоир таҳаллусини қўллаб, ўз-ўзига мурожаат қилади, яъни илтифот бадий санъатидан фойдаланилган.

Бегона байтда шоир таҳаллуси келтирилиши орқали ғазалнинг умумий маъноси тўлароқ ва таъсирчанроқ очиб берилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий Ғаройиб ус-сиғар. ТАТ. 10 жилдлик, 1-жилд. -Т.: Адабиёт ва санъат, 2012.
2. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати 1-жилд.-Т.:Фан, 1983.
3. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати 2-жилд.-Т.:Фан, 1983.
4. Навоий ғазаллари (насрий баён, шарҳ ва изоҳлар)1-китоб. Тўлдирилган ва тузатилган 2-нашри. -Т.:Адабиёт ва санъат, 2015

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ШАТРАНЖ.

**Умиджон ХОЛИҚОВ,
Элбек ЖУМАНОВ**
(ГулДУ)

Инсоният тарихида XIV-XVI Шарқда фан ва маданият ривожланган даврлардан бири бўлганлигини биламиз. Қадимий ақл-идрок ўйини – шахмат ҳам шу дарвда маданиятнинг ажралмас бир қисми сифатида раванқ топди.

Бутун ҳаёти ва ижодий фаолиятини инсон бахт-саодати йўлига халқ осойишталигига, малакат ободончилигига, илм-фан ривожига, адабиёт ва санъат тараққиётига бағишлаган мутафаккир, ўзбек халқининг улуғ шоир Алишер Навоий қолдирган мерос жаҳон маданиятининг ноёб обидалари сифатида яшамокда, кадрлаб эъзозланмокда.

Қадимий шатранж-шахмат маданиятининг юксалишига Навоий маълум даражада ҳисса қўшган. Бу соҳанинг илғор вакиллари ўз қаноти остига олиб, уларга раҳнамолик қилганлигини бошқа тарихий манбаларгина эмас, балки шоирнинг ўз асарлари ҳам тасдиқламокда.

«Мажолис ун-нафоис» асарида Навоий ўша давр илғор кишилари қаторида шатраж устодларини ҳам бирин-кетин тилга олган. Навоий олтинчи шеърини «Лисон ут-тайр»ни умрининг сўнгги йилларида яратган; бу фалсафий асарда у мажозий образлар ва уларнинг турли саргузаштлари орқали

объектив борликни эътироф этган, инсонни кўкларга кўтарган. Бу асарда реалистик ҳикоялар ҳам бор. «Шатранжи кабир ҳикояти» шулар жумласидандир. Таниқли навоийшунонс олимларимиздан Абдуқодир Ҳайтметов унинг:

*Икки шатранж ўйнагувчи устоз
Арсан шатранжга айлаб кушод.
Икки жонибдин бўлиб оромгир,
Тўқдилар ўртада шатранжи кабир...*

сатрлари билан бошланган шу ҳикоясини қисқача таҳлил этиб, бу ҳикояда шатранжнинг усталик билан тасвирланганлигини, А.Навоий икки томоннинг бир-бирига қарши юришларини ҳарбий урушларга ўхшатганлигини ва ҳарбий терминлардан кенг фойдаланганини айтади. Навоий ҳикоядан ажойиб хулоса чиқариб, - бу икки «шоҳ»нинг «уруши» тахтада турган доналар-сипоҳ-у пиёдаларни бир силкиб юбориш билан ном-нишони ўчадиган уруш, деган. Ҳикоя бундай сатрлар билан тугалланади:

*Чун харита ичра боғланди бари,
Шоҳ қуйидур ё пиёда юқори.*

Бу сатрларда шоир ўйин бошланиши олдидан ҳурмат билан тахтага дастлаб терилган шоҳлар ўйин тугагач, халтага солинганда пиёдалар остида қолиб кетишига, яъни подшоҳларнинг тутган мавқелари сира турғун эмаслигига ишора қилган.

Навоийнинг ўзи шатранж ўйнаганлиги ҳақидаги бирон-бир ишончли яхлит манба ҳозирча учрамади. Лекин юқоридаги ҳикоянинг моҳирона ёзилганлигига ҳамда ўша даврнинг устоз шатранжчиларига берилган таърифларга қараб Навоий фақат кузатувчигина бўлмасдан, бу ўйинни ўзи ҳам севган ва яхши билган, деб айта оламиз. А.Навоий «Мажолис ун-нафоис» номли тазкирасида ўша замоннинг маданияти кенг акс эттирилган. А.Навоий жамиятга фойда келтирувчи фан ва маданияти соҳасида ҳар томонлама маълумотга эга бўлган истеъдодли кишиларни юқори баҳолаган. Бу билан у кишиларни фақат шеърятнигина эмас, балки фанни, касб-ҳунарни ҳам атрофлича эгаллашга даъват этган. Бу асарда ўша замоннинг энг кўзга кўринган шатранж усталарига берилган таъриф-у тавсифлар, баҳолар Навоий замонида шатранж маданияти ва санъат аҳллари ўртасида қадрланганлигининг яққол далилидир.

Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” ида 450 дан ортиқ шоир ижодига тўхталар экан, ҳар қандай намуналарни ҳам унга киритавермаган, албатта. Бинобарин, номи зикр этилган устоз шатранжчилар шеърятда ҳам анчагина бақувват бўлганликлари аниқ. Яна шуниси диққатга сазоворки, шатранжчиларнинг кўпчилиги муаммо илмининг ҳам дарғалари бўлган. Ҳақиқатан ҳам, шеър ва шахмат бир-бирига уйқаш. Ҳазрат Навоий даҳосини ўйлаганимда гоҳида ақлим бовар қилмайди. Инсон боласи ёзиши мумкинми шундай байтларни! Ўйлайманки, бу улуғ зот ўйнаган шатранж юришлари ҳам гўзал бўлган. Бу энди алоҳида илҳом талаб қилади. Шахматда ҳам илҳом бор, худди шеърда бўлганидек.

*Агар шахмат ўйнаганимда
Ўйлагандек ўйлаганимда,
Етти ўлчаб бир сурсайдим от,
Бўлмас эдим ҳар қадамда мот.*

Алишер Навоий асарлари шатранж тарихини, терминологиясини ўрганиш ва яратишда қимматли манбалардан экани турган гап. Навоий ўша вақтларда икки хил шахмат: шатранжи кабир ва шатранжи сағир мавжуд эканлигини айтибгина қолмай, юқорида зикр этилганидек, «Шатранжи кабир ҳикояти»ни битган. Шатранжи кабирда (катта шахматда) сипоҳлар орасида айик (даббоба), зурофа куннофа (туя)лар ҳам бўлган.

Навоий доналарни кўриб туриб ўйнашдан (шатранжи ҳозиронадан) ташқари тахтага қарамай, яъни доналарни кўрмай ўйнаш (шаранжи ғойибона) ҳам маълум эканлигини ва Хуросон шатранжчилари бу борада анча маҳоратга эга эканлигини айтган.

Алишер Навоий замонида шатранж ана шундай юксак даражага кўтарилган. Бунда маданият аҳлининг улкан ғамхўри, ҳомийси бўлган Навоийнинг хизматлари бениҳоят каттадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – Toshkent: Ma'naviyat, 2008.
2. Karimov I.A. Barkamol avlod orzusi. – Toshkent: 1999.
3. Muhiddinov M. Katakarda yashiringan olam. -T.: O'zbekiston, 1976.
4. Muhiddinov M. O'n to'qqiz chempion. –T.: Yulduzcha, 1998.

НАВОИЙ ҚИТЪАЛАРИДАГИ ПРЕСЕДЕНТ БИРЛИКЛАРВА УЛАРНИНГ МАТН ТУШУНИЛИШИДАГИ ЎРНИ

Махфузахон ХОМИДОВА
(ТошДЎТАУ)

Бадиий матннинг интертекстуаллик тамойили асосидаги таҳлилида унинг прагматик, психоллингвистик, лингвокультурологик хусусиятлари ўзаро бирлашади. Шу боис ҳам бадиий матн таҳлилининг бу тури бугун матнга оид тадқиқотларнинг асосини ташкил қилмоқда. Буни биз инглиз, рус, немис, франсуз ва бошқа тилларда яратилган илмий тадқиқотларнинг кўплигидан ҳам билишимиз мумкин[4]. Биз мазкур кичик тадқиқотимизда айнан интертекстуаллик тамойилининг матн шаклланишида ва унинг мазмуний идрокидаги ролини Алишер Навоийнинг баъзи қитъаларидаги преседент бирликларни таҳлилга тортиш асносида аниқлашга уринамиз.

Преседент бирликлар бу- маълум бир тарихий воқеа, асар ёки кинофильм, мусиқа кабиларга ишора қилувчи лексик бирликлар ҳисобланади. Масалан, Муҳаммад Юсуфнинг “Ватаним” шеърида қуйидаги преседент номлар келади:

*Ўғлим десанг, **Ғирот** бўлиб,
Самоларга учгайман.
Чамбил юртда **Алпомишга**
Навкар бўлиб тушгайман*

Бу ерда Ғирот, Алпомиш преседент бирлик бўлиб, улар “Алпомиш” достонидаги бош қаҳрамон ва унинг отига ишора қиляпти. Преседент номлар ҳам интертекстуалликнинг бир кўриниши сифатида баҳоланади. Преседент бирликларга хос хусусиятлардан яна бири бу-уларнинг миллий-ментал сема-ларга ҳам эгалигидир. Бадиий матнда исталган асар ёки бошқа бирликлар преседент бирлик сифатида кўллана олмайди. Преседент бирлик бўлиши учун матнни ўқувчи кишига таниш бўлиши, муаллиф ва китобхон ўртасида маданий кодлар умумий бўлиши керак. Қуйида Навоийнинг девонларига киритилган баъзи қитъаларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Навоийнинг “Бадое ул-васат” девонига киритилган тўртинчи рубойи саҳийлик ва бахиллик ҳақида бўлиб, унда машҳур ҳадислардан бирига ишора қилинади. Маълумки, бахиллик, бахил киши ислом динида қаттиқ қораланади. Бу хусусда хатто саҳих ҳадислар ҳам мавжуд. Қитъада шу мазмундаги ҳадиснинг баёни келтирилган:

*Кирмагай жаннат ичра ҳеч бахил,
Гарчи ул бўлса саййиди **Қураший**.*

*Бормагай дўзах ичра ҳеч саҳий
Филмасал бўлса бандаи ҳабаший.[1, 497]*

Қитъада ҳадис мазмунини англашга ёрдам берувчи калит сўз, яъни преседент бирлик мавжуд. *Қураший* Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)мансуб бўлган қабиланинг номи. Бу сўз орқали пайғамбаримизга ишора мавжуд. Агар сўз бирикмасига эътибор қиладиган бўлсак, ҳадис мазмуни янада аниқлашади. *Саййиди Қураший*, яъни Муҳаммад (с.а.в)нинг умматлари, мусулмонлар. Сайид сўзига ЎТИЛда шундай изоҳ берилади: *САЙИД, саййида. — мустақил; ҳукмдор, жаноб; Муҳаммад пайғамбар авлодларидан бўлган мусулмонлар унвони*[3, 422].Биргина преседент ном орқали китобхонга бахил киши ким бўлишидан қатъи назар, ҳатто у Муҳаммаднинг авлодидан бўлган мусулмон, умуман мусулмон киши жаннат одамга кира олмаслиги, аксинча ҳабаш киши, яъни оддий одам (кофирлар) лар сахий бўлса дўзах эшигига ҳам яқин йўламаслиги ҳақидаги ҳадис мазмуни тушунарли бўлади. Муаллиф ўқувчига ҳам, ўзига ҳам таниш бўлган лексик бирликни, яъни ўзида тарихийлик, миллийлик каби семаларни сақлаган преседент номни қитъада келтириш орқали унинг мазмуний идрокига кенг йўл очади.

Навоий қитъаларида Исо, Марям каби преседент номлар кўп учрайди ва улар орқали муаллиф маълум бир диний афсонага, тарихий воқеага ўзининг айтмоқчи бўлган фикрни бирлаштириб, уларнинг мазмунини бойитади ва ўқувчи учун бадиий матн персепсиясини осонлаштиради.

*Ано ўрнина тотутмас ўғулга
Ки, мумкиндур ўғул бўлмоқ атосиз.*

*Масих бирла Маръямдин қиёсет
Ки, имкон йўқтурур бўлмоқ аносиз.*

Келтирилган бу қитъада онанинг улуглиги Исо Масих ва унинг онаси Марям билан боғлиқ воқеага ишора қилиш орқали яна бир бор таъкидланмоқда. Ўзига аввалдан таниш билимлар орқали матнни қабул қилиш ўқувчи учун янада осонлашади ва муаллиф нияти амалга ошади. Навоий қитъалари таркибида учраган энг сермахсул преседент бирлик ҳам Исо Масих образи ҳисобланади. Навоий бир қитъасида у орқали покликка ишора қилса[5-жилд, 29-қитъа], бошқаларида унинг жон бахш этувчи хусусиятига урғу беради [3-жилд, 18-қитъа].

Навоий қитъалари орасида, шунингдек, Шарқда машҳур образлар: Қорун, Юсуф, Искандар, Жамил Жам каби преседент бирликлар учрайди. Шу бирликлар мавжуд қитъаларни реципиентга ўқиб бериш ва ундан қитъа мазмунини айтиб бериш вазифаси сўралган кичик тажриба ўтказдик. Тажриба давомида Навоийнинг нафс ҳақидаги куйидаги қитъаси 30 ёшли икки реципиентга 2 марта ўқиб берилди:

*Таваккулни улким қўюб, хотирига
Тушар шоҳ оллинда қуллуқ ҳавоси,*

*Насибанинг бир аёқ ош ерур бас,
Агар ганжи Қорун ерур муддаоси.
Биравким, бўлур бир аёқ ош учун қул,
Юзига керактур қазоннинг қароси[2, 529].*

Улардан қитъа мазмуни сўралганда эса бири фақат Қорун лексемасини ва унга боғлиқ афсонани, иккинчиси эса айнан Қорун қиссасини қитъа мазмунига уйғунлашган маъно билан биргаликда тушунганлигини айтди. Демак, хулоса қилиш мумкинки, преседент ном сифатида Қорун лексемаси аллақачон китобхонларнинг лисоний базасидан ўрин олган ва бу сўзни эшитганда, энгаввало, у билан боғлиқ билимлари ассотсияланади. Матнни тўлиқ идрок қилиш эса иккинчи босқични ташкил қиладди.

Преседент бирликларнинг бадиий матндаги асосий вазифаларидан бири ҳам шудир. Навоий асарларида эса бундай бирликлар жуда ҳам хилма-хил бўлиб, биз фақат баъзи қитъаларинигина таҳлилга тортдик. Натижада эса қитъаларда асосан диний характерга эга образларнинг преседент ном сифатида

қўлланганлигини кузатдик. Бу бир томондан муаллиф дунёқараши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан уларнинг халқ орасида машхурлиги билан боғлиқдир. Бугунги кунда эса Навоий асарларининг тилини тушуниш учун, улардаги асл мазмунни англаш учун айнан интертекстуал механизмларнинг, аниқроғи унинг бир тури бўлган преседент бирликларнинг ўрни катта. Шу боис ҳам Навоий асарларидаги интертекстуал бирликларни аниқлаш ва таҳлил қилиш тилшунослик олдидаги муҳим вазифалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Navoiy A. Mukammal asarlar to‘plami. 20 tomlik. 5-jild. T., Fan, 1990. B.528.
2. Navoiy A. Mukammal asarlar to‘plami. 20 tomlik. 3-jild. T., Fan, 1988. B.575.
3. O‘TIL. 5 jildlik. 3-jild. T., O‘zbekiston Milliy ensiklopediyasi, 2007. B.687.
4. <http://www.dissercaom/content/intertekstualnost-kak-obshchii-mekhanizm-tekstoobrazovaniya>

“НАЗМ УЛ-ЖАВОҲИР” МУҚАДДИМАСИДА СЎЗ ТАЪРИФИ

Шоирахон ХЎЖАЕВА
(ҚДПИ)

Ҳазрат Навоий ижодиётида ва умуман, мумтоз адабиётда Сўз мавзуси алоҳида эътибор ва эъзоз билан қаламга олинган бўлиб, бу ўз фалсафий асосига эга. Адабиёт борлиқ дунёнинг инъикоси экан, унинг яратилиш асосида ҳам Аллоҳнинг биргина “Кун” – “Ярал” каломи тургани айни ҳақиқатдир. Бу Аллоҳнинг буюк мўъжизаси бўлмиш Қуръони Каримда ва бошқа муқаддас манбаларда ўз аксини топган. Сўзнинг моҳияти инсон идрокидан-да юксак бўлиб, Қуръони Каримда Яратганнинг ўзи шундай марҳамат қилади: “Сўзга кулоқ тутиб, унинг энг гўзалига (яъни нажотга элтгувчи рост Сўзга) эргашадиган зотларга хабар беринг! Ана ўшалар Аллоҳ хидоят қилган зотлардир. Ва ана ўшаларгина ақл эгаларидир”³²⁵.

Мазкур ояти карима Сўзнинг Аллоҳ таоло наздида нечоғлиқ юксак кадр қимматга эга эканлигини кўрсатади. Бинобарин, адабиётнинг асосида ҳам ана шу илоҳий неъмат туриб, унинг Сўз санъати сифатида эътироф этилиши адабиёт Яратганнинг буюк мўъжизаси эканлигини тасдиқлаб, унинг барча санъат турларидан мукарамлигини намоён қилади.

Шу боисдан кўплаб мумтоз адибларимиз ўз асарларининг дебчасида ҳамд ва наътдан сўнг, албатта, сўз таърифига ҳам ўрин ажратишни ўзларининг муқаддас бурчлари деб билганлар. Ва бу ҳол адабиётимизда анъана тусини олган.

Хусусан, Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳам “Назм-ул-жавоҳир” асарининг муқаддима қисмида шундай сўзларни битади:

“Ҳақ субҳонаҳу ва таолоким, инсонни сойири махлуқотдин мумтоз ва мажмуи офаринишга сарвар ва сарафроз қилди... Мунга жиҳат шарафи нутқ ва мақол эрди ва мужиби лутфи каломи фархунда маол”.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло инсонни барча мавжудотлардан зиёда тарзда сийлаб, унга нутқ ато қилди, онг берди ва қалбини инжа ҳиссиётларга тўлдириб қўйди. Инсон ўз онги ёрдамида ўз Яратувчисини таниди, оламни идрок этди, ундаги турфа аломатларни – белги-ишоратларни англади, ўз-ўзини билмоққа интилди ва ўзини топди, ўзлигини таниди. Бу жараёнда онгида юзага келган фикрларни ва кўнглида кечган ҳиссиётларни у Яратганнинг улуғ инъоми – Сўзда ифода этди.

Навоийнинг сўз ҳақидаги насрий мушоҳадалари ушбу рубоий билан мустаҳкамланади:

Сўздурки нишон берур ўлукка жондин,

325Шарқ мумтоз поэтикаси. Ҳамидулла Болтабоев талқинида. Биринчи китоб. Тошкент, 2008. Б.10.

*Сўздурки берур жонга хабар жонондин,
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳаре шарифроқ йўқ ондин.*

“Алишер Навоий эстетикасининг дастурига айланган “Инсоннинг гуҳари шарифлиғи”, яъни яралмиш зотлар ичида мукаррам ва улуғлиги сўз билан дейилишининг асоси шундаки, Сўз билан зийнатланган гўзал ва мукамал тарзда яратилган Инсон ўзининг энг гўзал сўзини, энг самимий ва табиий туйғуларини Яратганга бағишлайди, унга ҳамду муножотлар айтади, Холик билан юзма-юз мулоқотдагина юзага чиқариши табиий бир ҳолдир”³²⁶.

Буюк мутафаккир сўзни уч қисмга ажратади: юқори (аъло), ўрта (авсат) ва паст (адно) даражаларда қўлланиладиган сўзлар. Сўнг уларнинг ҳар бирига тўлиқ таъриф беради ва шундай хулосага келади:

*Рифъат аро фавқи Ариш аъзам сўз эмиш,
Жонбахш дами Масиҳи Марям сўз эмиш,
Маъни дурри анда барча мудғам сўз эмиш,
Улким анга маъни ўлмагай ҳам сўз эмиш.*

Буюк шоир сўз хусусида мулоҳаза юритар экан, уни бир гулистон боғга ўхшатиб, у ерда жон бағишловчи, ёқимли ҳид таратувчи чиройли дарахтлар ва дилга ором бахш этувчи ранг-баранг хушбўй ўсимликлар билан бирга фойдасиз хасу хашак, ҳатто зарарли ва хавfli тиканлар ҳам бор эканини таъкидлайди:

“Сўз боғи ажаб гулистонедурким, анда жонбахш атрлиқ ашжори мавзун ва руҳпарвар ройиҳалик раёҳини гуногун кўндурур ва лекин фойдасиз хасу хошоки, балки зарарлиқ хори ҳалоки ҳам бордур”.

“Назму-л-жавоҳир” муқаддимида акс этган сўз хусусидаги мушоҳадалар асарнинг асосий қисмида ҳам изчил давом эттирилади.

Хулоса қилиб айтганда, “Назму-л-жавоҳир” муқаддимида сўз таърифи ўзининг юксак ифодасини топган. Бу борада Ҳазрат Навоий сўзнинг шунчаки таърифу тавсифини бериш билан чекланмай, унинг моҳиятига назар солади, ҳатто у билан боғлиқ энг кичик жиҳатларни ҳам кўздан қочирмайди. Буюк шоир сўзга таъриф бериш асносида сўзларни шу қадар маҳорат билан қўллайдики, бу асар бадииятини янада оширади ва асарнинг ҳам шаклан, ҳам мазмунан баркамоллигига хизмат қилади. Навоий даҳосининг юксак тафаккури маҳсули бўлмиш ҳар бир каломнинг илдизи муқаддас манбалардан озик олганлиги туйғайли бу асарлар асрлар оша яшаб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Навоий. Назмул-жавоҳир. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т.ХВ. – Т.: Фан, 1999.
2. Навоий асарлари лугати. Алишер Навоий асарларининг ўн беш томлигига илова. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.
3. Ражабова М. Алишер Навоий “Назмул-жавоҳир” асарининг манбалари ва бадиияти: Фил. фан. номз. дисс. –Тошкент, 2007.

326Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 14-том, 184-бет.

АЛИШЕР НАВОЙИ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Гулчехра ХЎЖАНОВА

(ТДЮУ ҳузуридаги академик лицей)

Навоийнинг дилбар ғазаллари ва буюк дostonлари яратилишида, хотироту рисолаларининг майдонга келишида ундан аввал яшаб ижод қилган салафларнинг, ҳеч шубҳасиз, таъсирлари бор. Чиндан ҳам Юсуф Амирий, Атоий, Лутфий, Гадоий каби шоирларнинг ғазаллари Навоийнинг кўп лирик асарлари учун туртки бўлган бўлса ажаб эмас. Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”си, Ҳайдар Хоразмийнинг “Маҳзан ул-асрор”ию Сайид Аҳмаднинг “Таашшукнома”си, Лутфийнинг “Гул ва Наврўз”ию Юсуф Амирийнинг “Даҳнома”си Алишер Навоий лиро-эпик дostonлари яратилишида сабоқ ва мактаб вази-фасини ўтаган. Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойик”и буюк шоирнинг комил инсон хусусидаги ҳикматларига илҳом берган. Жумладан, Навоий “Муншаот”да Адиб Аҳмаднинг қуйидаги ҳикматли сўзларини келтиради:

*Атодин хато келса, кўрма хато,
Савоб бил хато, токи қилса хато.
Атонинг хатосини билгил савоб,
Сени юз балодин қутқаргай Худо.³²⁷*

Демак, Алишер Навоий ўзигача яшаб ўтган аждодларимизнинг энг сара маданий меросини чуқур ўрганиб, улардан катта сабоқ олган. Шу билан бирга, у ўз ижодида ҳам замондошлари ва келажак авлодни комилликка, яъни юксак маънавият соҳиби бўлишга даъват этади. Айни пайтда, улуғ шоир халқ ҳаётида муҳим ўрин тутган қадрият ва анъаналаримиз ҳақида куйлашни ўзининг бурчи деб билди ва бунга бир умр содиқ колди.

Навоий ижоди шундай бир денгиз эканки, ундан ҳар ким ўз косасига яраша баҳраманд бўлади. Унинг адолатпарварлиги, инсоний туйғуларини ижтимоий масалалар билан қўшиб тараннум этиши ва талкин қилиши фақат Навоийгагина хос бўлган фазилатдир:

*То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,*

*То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.³²⁸*

Улуғ шоир йирик давлат арбоби бўлиб ишлаган даврларида инсон эркинликлари, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қадриятлари топталмаслиги учун жон куйдириб меҳнат қилди. Шунинг учун Навоий ижоди ўзининг бутун салобати билан бизни ўзига чорлаб туради.

Навоий сўз сеҳргари ва донишманд олим бўлиш билан бирга эл-улус ободончилиги, тинчлиги учун ёниб яшаган йириу давлат арбоби ҳам эди. Унинг раҳнамолигида Ҳирот ва Астробод шаҳарлари чирой очиб, жафокаш халқ адолат шабадаларидан баҳраманд бўлди.

“Маҳбуб ул-қулуб” асарида шундай ёзилади: “Қози қонун йўлидан бир дам тоймаслиги, тўғри йўлдан чиқмаслиги лозим... Модомики, ҳукм элнинг моли ва жонига тааллуқли экан, қозининг ши-ори тўғрилиқ ва адолат бўлмоғи лозим...” Бундан кўриниб турибдики, Конституциямизнинг ғоявий-тарихий илдизлари буюк алломаларимизнинг ижтимоий-ҳуқуқий қарашларини ифодаловчи асарларида ўз аксини топган.

Навоий яратган бебаҳо асарларда мусулмон оламида туғилган илғор ғоялар, ислом ва тасаввуф таъ-

327Алишер Навоий. МАТ. 14-том, 253-бет.

328Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. –Т., 1983, 23-24-бетлар.

лимоти жамулжам бўлганки, улар ҳақли равишда сўнмас маънавий хазинадир. Мана шу хазинадан баҳраманд бўлиш ҳар бир кўнгил мулкини бойитадига инсонларни бир-бирини қадрлашга ўргатади. Ҳақиқатан, ўз тилини, маданий меросини миллий қадриятларини ва ўз давлатининг Конституциясини чуқур билмаган ҳар қандай шахс миллий руҳда шаклланиши мумкин эмас. Ҳар бир касб эгаси, аввало, Навоий, маданий меросимиз ва она тилимизни чуқур билиши ва уни тарғиб қилиши лозим бўлади. Ер юзиде ҳаёт деб аталган мўъжизавий қудрат борки, ҳазратга бўлган буюк эҳтиром асло сўнмайди. Зеро, Навоийни англаган, ўз қадриятларини хурмат қилган халқнинг келажаги буюк, бахти эса порлоқ бўлади.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 14-том. – Т.: Фан, 2002.
2. Маънавият: асосий тушунчалар ва тамойиллар луғати. – Т.: Маънавият, 2009.
3. Навоий асарлар луғати. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР” ДЕВОНИДА ТАШТИР

Маҳлиё ШАРҲҲОВА
(ТошДЎТАУ)

Ҳазрат Навоийнинг бадий маҳорати нафақат асарларидаги сюжет ранг-баранглиги, бетакрорлиги, балки ғазалларида моҳирона ишлатилган шеърӣ санъатлар билан ҳам белгиланади. “Ҳазойин ул-маоний” куллиётининг биринчи девони – “Ғаройиб ус-сиғар”да жами 651 та ғазал бўлиб, уларнинг ҳар бири арузнинг турли баҳрларида ёзилган. Бадий санъатлар хилма-хиллиги девондаги ғазалларнинг маъно кўламини очиб беришда муҳим аҳамиятга эга. Қуйида сўз юритиладиган *таштир санъати* девондаги жами икки ғазалда уч ўринда қўлланилган.

Таштир лафзий санъат ҳисобланиб, байтни тўрт бўлакка бўлиб, биринчи ва иккинчи бўлакни ўзаро, иккинчи ва учинчи бўлакни ўзаро қофиялаш орқали ясалади. Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадойиъ ус-санойиъ” асарида ушбу санъат ҳақида шундай дейилган: “...ҳар мисрани икки бўлак қилурлар ва ул бўлақларни мусажжаъ этурлар ул шарт билаким, иккинчи мисраларнинг иккинчи бўлакининг сажъи биринчи мисрадаги икки бўлакнинг сажъидин фарқ қилғай...”. [2, 68-69б] “Ғаройиб ус-сиғар” девонининг 488- “Масиҳодин лабинг афсах...” ҳамда 523- “Кўнгулким, васли истар...” деб бошланувчи ғазалларида бунини учратиш мумкин.

“Масиҳодин лабинг афсах, қуёшдин оразинг аҳсан...” матлаъли ғазалининг иккинчи байти ва мактаъсида таштир санъати қўлланилган:

*Кўзумда гарди майдонинг, танимда нақди пайконинг,
Анга кўз мардуми хозин, мунга жон кулбаси маҳзан. (2-байт)
Навоий, асрабон тамкин, кишидин истама таҳсин
Чу шаҳ кўргузди истиҳсон, кўруб назмингни мустаҳсан. (9-байт)*

Иккинчи байтнинг биринчи мисрасида *майдонинг* ҳамда *пайконинг*, кейинги мисрада эса *хозин* ва *маҳзан* ўзаро қофиядош келган. Вазн бўйича таҳлил қилинадиган бўлса, ғазал солим вазнда – *ҳазажи мусаммани солим* (мафойилун-мафойилун-мафойилун-мафойилун, V – – /V – – /V – – /V – –) да ёзилган. Байтни ташкил қилган саккиз рукннинг дастлабки тўрт рукни биринчи мисрани, кейинги тўрт рукни иккинчи мисрани ташкил қилади. Ҳар бир мисрадаги тўрт рукн ҳам ўз ичида икки бўлакка ажралади ҳамда иккинчи ва тўртинчи, олтинчи ва саккизинчи рукнлар қофиядош сўзлар билан тугалланади:

1-рукн				2-рукн			
Кў	Зум	да	Гар	ди	май	до	нинг
V	–	–	–	V	–	–	–

3-рукн				4-рукн			
Та	ним	да	нақ	ди	пай	ко	нинг
V	–	–	–	V	–	–	–

5-рукн				6-рукн			
А	Нга	кўз	мар	ду	ми	хо	зин
V	–	–	–	V	–	–	–

7-рукн				8-рукн			
Му	нга	жон	кул	ба	си	мах	зан
V	–	–	–	V	–	–	–

3-рукн				4-рукн			
Ки	ши	дин	ис	та	ма	тах	син
V	–	–	–	V	–	–	–

1-рукн				2-рукн			
На	Во	ий	ас	ра	бон	там	кин
V	–	–	–	V	–	–	–

Ғазалнинг мақтаёсида ҳам айнан мана шу ҳолат кузатилади. Биринчи мисрада *тамкин* ва *тахсин*, иккинчи мисрада эса *истиҳсон* ва *мустаҳсан* қофиядош сўзлари таштир санъати юзага келишига асос бўлади:

5-рукн				6-рукн			
Чу	Шаҳ	Кўр	гуз	ди	ис	тиҳ	сон
V	–	–	–	V	–	–	–

7-рукн				8-рукн			
кў	руб	наз	минг	ни	мус	тах	сан
V	–	–	–	V	–	–	–

Девондан ўрин олган яна бир – “Кўнгулким, васли истар...” деб бошланувчи ғазалда ҳам таштир санъати қўлланилган. Ҳазажи мусаммани солим (мафойилун-мафойилун-мафойилун-мафойилун, V– – –/V– – –/V– – –/V– – –) вазнида ёзилган ушбу ғазалнинг олтинчи байтида:

*Кўнгул машҳудига чун бўлди восил бўлса бўлсун тил,
Агар қойил самад бирла вагар зокир санам бирла.*

3-рукн				4-рукн			
ди	во	сил	бўл	са	бўл	син	тил
V	–	–	–	V	–	–	–

1-рукн				2-рукн			
Кў	нгул	маш	ху	ди	ға	чун	бўл-
V	–	–	–	V	–	–	–

биринчи мисрани ҳижолаарга ва рукнларга ажратиб, икки бўлакка ажратилса, мисра таркибидаги бўлди сўзи бўл-ди тарзида алоҳида кўринишга келади ҳамда тил сўзи билан қофиядош бўлади. Яъни:

7-рукн				8-рукн			
ва	гар	зо	кир	Са	нам	бир	ла
V	–	–	–	V	–	–	–

Иккинчи мисрада эса юқоридаги ҳолат кузатилмайди. Олтинчи рукндаги бирла сўзи саккизинчи рукндаги бирла сўзи билан ўзаро қофиядош саналади.

5-рукн				6-рукн			
A	гар	қо	йил	са	мад	бир	ла
V	–	–	–	V	–	–	–

Навоий поетикаси хусусида сўз юритилганда, мутафаккирнинг ғазалу рубоийлари, қитъа ва фардларидеги маҳорат билан қўлланилган ташбеҳлар, муболағалар, тажнису тарсеъ санъатлари ҳақида кўп ва хўп гапирилади. Бирок шоир бадий мероси фақатгина шулар билангина кифояланиб қолмай, балки деярли кўпгина ижодкорлар ижод маҳсулида учрамайдиган, бугунги кун адабиётшунослигимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий мерос билан баҳоланади. Юқорида таҳлилга тортилган таштир санъати ҳам бунинг ёрқин намунаси ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. –Т.: Фан, 1987-1988. 3-жилд.
2. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ. Тошкент: Фафур Ғулум, 1981.–398 б.

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН” ДОСТОНИ ХУСУСИДА ОЙБЕК БИЛДИРГАН МУЛОҲАЗАЛАР ТАҲЛИЛИ

Одилжон ШОДИЕВ
(ЖизДПИ)

“Ўз замонасининг Навоийси” дея эъзозланган Ойбекчалик ҳеч ким Навоий ҳаёти ва ижоди, унинг шахс даҳосини кенг доирада ўрганмаган эди. Унинг кетма-кетликда Навоий ҳақида кичик ҳикоя ва қиссалар ёзиши билан биргаликда, буюк шоир шахсиятини тўлақонли акс эттирган “Навоий” романини яратдики, бу Мавлоно Ойбекнинг ўзбек адабиёти олдидаги буюк хизматларидан бири бўлди.

Ойбек Навоий ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир бадий асарлар яратиш билан биргаликда, замонасининг етакчи навоийшуносларидан ҳам ҳисобланади. Жумладан, унинг ушбу сўзлари Навоий ижодига берилган ҳаққоний баҳо эди: “...Навоийга қадар “Хамса” ёзиши Шарқда кўп шоирларнинг идеали бўлса-да, уни яратиши шарафига ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди. Машиҳур “Хамса”лар орасида Навоийнинг “Хамса”си алоҳида ўрин олади. Бу мустақил ва поэтик эътибор ила ёлғиз ўзбек адабиётидагина эмас, бутун туркий халқлар тарихида яратилган, ўз шериклари билан бўй ўлчашидиган бир тарздаги кўркем асардир...” [2, 68].

Бундан ташқари Ойбекнинг ўша даврда эълон қилинган Навоий ижодига баҳо берувчи бир қатор мақолаларида, жумладан, “Навоий ҳақида”, “Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида”, “(Навоий) ғазалиёти”, “Достонлар” номи остидагиларида шоирнинг ҳаёт йўли, шахсияти, ғазалларининг таҳлили ва “Хамса” таркибига кирувчи достонларида миллат, халқ дардининг нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини очиб бера олди. Бу мақолаларида Ойбекнинг ўзи таъкидлаб ўтганидек, Навоий ижодидаги ишқ мавзуси алоҳида ёритиб берилгандир.

Ойбек “Хамса” таркибидаги “Лайли ва Мажнун” достони ҳақидаги мақоласида, авваламбор, Лайли ва Мажнун образларининг келиб чиқиш генезиси ҳақида маълумот бериш билан биргаликда, Навоий салафлари асарига яратилган китоблардан, адабий-танқидий мақолалардан ҳам хабардор эканлигини таъкидлаб ўтади. Жумладан, “Лайли ва Мажнун” ҳақида Ойбек “*Бу дoston мавзуси Шарқда машҳур бўлган икки севгили ҳақидаги араб афсонасидир...*” [4, 98] дея маълумот берар экан, Низомий Ганжавий ҳақида Дунаевскийнинг мақоласини келтириб, бу асар жуда кўп тақлидий асарларга сабаб бўлганлигини, XIV асрдан XIX асрга қадар ўн тўққиз шоир айнан шу сюжет устида ишлаб поемалар яратганлигини айтиб ўтади. Бундан ташқари, Дунаевскийнинг берган маълумотларини умумлаштириб хулоса ясайди: “... Дунаевский шунга ўхшаш сюжет Бобил адабиётда мавжуд эканлиги тўғрисида маълумот борлигини, ундан арабларга ўтган бўлиши мумкинлигини сўзлайди. Афсонанинг узоқ тарихга эгаллиги, замон ўтиши билан турли ижтимоий шароитлар ва идеологик таъсирлар натижасида ўзгаришларга учрагани ҳақиқат...” [2, 100].

Достон ҳақида олим, шундай хулоса чиқаради: “*Достон кучли ва самимий севган, севгига содиқ бўлган, лекин бутун интилишларига қарамай, ҳаётда бир-бирига қовуша олмаган ёлғиз ўлимнинг совуқ оғушида бирлашган, бирга кўмилган ошиқ-маъшуқнинг тақдирини ҳикоя қилади...*” [2, 100]. Шу билан биргаликда, Ойбекда бир савол туғилади: “Уларни нима айиради?” Олим бу саволнинг жавобини бир қанча мисоллар билан исботлашга ҳаракат қилади:

Биринчидан, отанинг “Мажнун” лик кўйида ёнган ошиққа ўз суйган қизини беришдан ор қилганлиги;

Иккинчидан, улар ўртасидаги синфий табақаланиш (Ойбек бу фарзани кескин инкор қилган. Сабаби Ойбекнинг фикрича, Лайлининг отаси бой бадавлат бўлса, Қайснинг отаси ҳам ундан қолишмайдиган қабила бошлиғи ва давлатманд бир шахс. Шу ўринда Дунаевскийнинг бунга сабаб қилиб кўрсатган қарашлари, яъни жамиятда мавжуд ёшга қараб одамларнинг туркумланиши, жинсий муносабатларни идора қилувчи қоидаларнинг бузилганлигини Ойбек томонидан мисоллар билан рад этилади: “...Арабларнинг қабилавий ҳаётида бунинг ўрин тутганлиги маълум эмас. Навоий достонидан ҳам бунга ишора йўқ...” [2, 100].

Учинчидан, Ойбек ижодида давр руҳининг маълум даражада акс этганлигини кўриб ўтамиз. Олим ёшларнинг ҳаётида ота ҳукмронлиги мавжуддир, дея бир қанча мисолларни келтиради. Жумладан, Лайли ота қистови билан Ибн Саломга унаштирилганлигини, Мажнун эса ота сўзидан чиқа олмай Навфал қизига уйланишга рози бўлганлигини, ёки Навфалнинг қизи қалбини танимай Мажнунга зўрлаб узатганлигини (Бу мисоллар ва мулоҳазаларда Ойбекнинг маълум даражада мафкурага бўйсунуши сезилса-да, аммо бу жиҳат мақоланинг илмий савиясини туширмаган).

Мақоланинг сўнгида, ижодкор, бу савол юзасидан ўзининг ҳал қилувчи хулосасини айтади: “... *Лайли ва Мажнуннинг қовуша олмаганлигига асосий сабаб икки қабила орасида иқтисодий ёки бошқа масалалар натижасида юз берган душманлик бўлса керак*” [4, 102].

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз лозимки, Ойбек Навоий ижодини ўрганишда, **биринчидан**, янгича усул ва қараш орқали ўзининг ҳаққоний хулосасини бера олди, **иккинчидан** эса, Навоий ижодидаги ўзига хосликларни тўғри баҳолаш орқали асарларнинг бадиий жозибаси билан биргаликда, унинг қийматини оширувчи ўринларни топа билди. Бир сўз билан айтганда Навоий ижодини ўрганишда ўзига хос мактаб яратди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий асарларининг комусий луғати. Икки том. – Т.: 2016.
2. А. Ҳайитметов. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Т.: 1959.
3. Дилнавоз Юсупова. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. – Т.: Академнашр, 2013.
4. Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. XIII том. – Т.: Фан, 1979.

НАВОИЙ ЛИРИКАСИДА ИСО ПАЙҒАМБАР ТАЛҚИНИ

Зилола ШУКУРОВА
(ТошДЎТАУ)

Маълумки, ўзбек мумтоз адабиётида пайғамбарлар образига кенг доирада мурожаат қилиш, уларнинг ўзига хос фазилятларини тараннум этиш анъанаси шаклланган. Чунки анбиёлар ўзларининг такводорлиги, парҳезкорлиги, билими, одиллиги, меҳнаткашлиги ҳамда ноёб истеъдоди билан бошқалардан тубдан фарқланиб, бажарган амаллари эл орасида маълум ва машҳур бўлган. Масалан, Юсуф (а.с)га тушларни тўғри таъбир қилиш хусусияти мавжуд бўлса, Мусо (а.с)га мўъжизакор таёк ҳада қилинган. Довуд (а.с) кўлида темирлар хамирдек юмшаган бўлса, Сулаймон (а.с)га ер юзида танҳо подшоҳлик мартабаси инъом қилинган.

Пайғамбарлар ҳаёти ва улар билан боғлиқ ғаройиб лавҳалар диний адабиётлар ҳамда халқ оғзаки ижодида кенг тарқалганлиги сабабли кўпчилик санъаткорлар учун бу лавҳалар илҳом манбаи бўлиб хизмат қилган. Ана шундай ғайритабиий ҳаёт йўли билан шоир ва ёзувчилар қаламидан тушмаётган пайғамбарлардан бири Исо (а.с) образидир. Маълумки, Исо (а.с) Қуръонда “ал-Масих” – силовчи лақаби кўшилган пайғамбардир. Шунингдек, Исо Масих ўта ноёб истеъдоди туфайли иложсиз касалликлар: кўр ва пелларни тузата олиш қобилиятига ҳам эга бўлган буюк шахсдир. Ривоятларга кўра, Исо (а.с) 7 ёшлигида тенгқурлари билан биргаликда лойдан турли ҳайвон ҳайкаллари ясашади. Исо (а.с) эса лойдан куш ясайди. Бу куш пайғамбарнинг амри билан учади, сайрайди ва овқат ейди. Шу сабабли ижодкорлар ҳам пайғамбарнинг бу истеъдодини эътироф этиб, асарларида бот-бот мурожаат қилишади. Жумладан, гениал шоир Алишер Навоий лирик меросини кўздан кечирар эканмиз, унинг Исо (а.с) образига турли муносабатлар билан мурожаат қилганлигини кузатамиз. Масалан, унинг «Даво» радифли ғазалида куйидаги байтни учратамиз:

*Дарди ҳажримга ул икки лаъли хандондур даво,
Ким ўлар, Исо дамию оби ҳайвондур даво.
Не даво Исо дамин фаҳм айла, не ҳайвон суйин,
Ҳажр жонин олган элга васли жонондур даво.*

Ғазалда ошиқнинг дардига даво лаъли хандонли маъшуканинг васли эканлиги Исо (а.с) образи кабарик тарзда тасвирланган. Шоир наздида жон бераётган инсонга Исо (а.с)нинг нафаси ёки тириклик суви даво бўлади, бироқ ёр васлига етишолмай бағри қон бўлган ишқ аҳлига Исо дами ҳам, тириклик суви ҳам қор қилмайди. Аксинча, уларнинг дардига фақат ёр дийдоригина малҳам бўла олади. Маъшуканинг биргина қиё боқиши ошиқ учун Исо Масих дамидан-да кучлироқ ва қудратлироқдир. Демак, Навоий ғазалда ишқ дардига чалинган инсон учун ёр висолигина даво эканлигини таъкидламоқда. Чунки ошиқ наздида маъшуканинг дийдори ҳар қандай оби ҳайвон-у Исо (а.с) дамидан ҳам афзалдир. Куйидаги ғазал парчасида ҳам шунга ўхшаш маънони зухур этган.

*Агар Масих дуоси ўлукни тиргизур эрди,
Не нутқ эрурки, сўкунчинг била ўлук тирилибдур.*

Мазкур байтда ҳам Исо (а.с)нинг ўликни тирилтириш қобилиятига ишора қилинган. Бироқ шоирнинг мақсади Исо Масихнинг ноёб истеъдодини эътироф этиш эмас, балки маъшуканининг бир оғиз каломи, аниқроғи ҳақоратли сўзи ҳам ўликни тирилтира олиши мумкинлигини таъкидлашдир. Яъни маъшуканинг биргина каломи жонбахш бўлиб, Исо (а.с)нинг мўъжизаси билан бемалол тенглаша олади. Баъзан шоир Исо (а.с)нинг жонбахшлик хусусиятини маъшукасига кўчириб, уни Масихо деб номлайди. Масалан, “Ҳануз” радифли ғазалда

*Ёнгил, эй Исо дамим, ҳуснунг баҳори ҳаққиким,
Бордурур муҳлик жунунумга даво имкон ҳануз.*³²⁹

Юқоридаги мисраларда истиора санъати воситасида маъшуқа Исо нафасли дея таърифланиб, ошиқнинг маҳзунлик дардига ёлғиз гўзал ёрининг васлигина даво бўлиши мумкин. Демак, шоир наздида маъшуканинг бир қиё боқиши ошиқнинг маҳзунлигини енгиллаштиради.

Умуман олганда, Исо Масиҳ ҳақидаги ҳикоятлар қизиқарли ва ранг-баранг бўлиб, шоир ва ёзувчиларнинг бу лавҳаларга мурожаат қилиш истаги доим кучли бўлган. Ҳаттоки, буюк санъаткор Алишер Навоий ҳам ижодида Исо пайғамбар образига кенг доирада мурожаат қилиб, унинг воситасида маъшуканинг қараши, каломи, висоли ошиқ учун тириклик манбаи эканлигини гўзал ташбеҳлар билан тасвирлаб, айрича поэтик жозибаторликка эришган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ж. 1-4. Ҳазойин ул-маоний. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.
2. Қобилов У. Ўзбек адабиётида Исо Масиҳ образи. Ф.ф.н. дисс. – Самарқанд, 2007.
3. Остроумов Н. Труды студентов. – Казан: 1874.

“ҲАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ”ГА ЭГА “МУҲАББАТНОМА” ТўПЛАМИ ОГАҲ СИРРИ ЛЕВЕНД ТАВСИФИДА³³⁰

Афтондил ЭРКИНОВ

“Муҳаббатнома” тўплами Қўқон хони Умархон (1810–1822) ҳукмронлиги даврида унинг саройида 1234/1818-1819 йили тайёрланган ва 1820 йили Истанбулга турк султони Маҳмуд II га (1808–1832) дипломатик совға сифатида юборилган³³¹. “Муҳаббатнома” Алишер Навоий “Ҳазойин ул-маоний”си, Амирий, Лутфий ва Фузулий девонларидан таркиб топган. Мазкур шеъринг мажмуа таркибида Навоий “Ҳазойин ул-маоний”си, Амирий, Лутфий ҳамда Фузулий девонлари келтирилиши ва унинг сиёсий сабабларига доир айрим қарашларимизни ўз вақтида илгари сурган эдик. “Муҳаббатнома” шеъринг тўплам ҳақида илк бор Миён Бузрук Солиҳов (1891–1938) хабар берган³³². Ўзбек олимларидан А.Қаюмов, Ҳ.Болтабоев, О.Жўрабоевлар айна қўлёзма ҳақида фикр билдирганлар³³³. Азиз Қаюмов шундай деб ёзади: “Лутфий, Навоий, Амир Умархоннинг девонларидан иборат “Муҳаббатнома” деган бир мажмуа махсус чиройли безаклар билан безатилиб, гўзал хат билан кўчирилиб тузилган. Бу мажмуани Умархон Туркияга совға қилиб юборган. Худди шу тарзда тузилган Бедил девони ҳам ўша ерга ҳада тарзида жўнатилган³³⁴. Туркиялик ва бошқа хориж олимларининг айна асарни ўз тадқиқотларида

329 Остроумов Н. Труды студентов. –Казан: 1874. С 41

330 Айни тавсиф 1958 йили О.С.Левенд томонидан турк тилида нашр этилган “Туркия кутубхоналаридаги Навоий қўлёзмалари” номли фехристининг 147-150 саҳифаларидан ўрин олган (қ.: Levend A.S. “Türkiye kitapliklarindaki Nevai Yazmaları” // Türk dili araştırmaları yillığı. Belleten. Ankara, 1958, s.127-209).

331 Муҳаббатнома. Истанбул, Истанбул университети кутубхонаси, сақланиш рақами – 5452.

332 Miyon Buzruk Solihov. O'rti Osiyo va o'zbek adabiyoti tarihiga umumiy qarash. 1-qism. Samarqand-Toshkent: O'znashr, 1930, 42, 80-betlar. Миён Бузрук Солиҳов “Муҳаббатнома” Лутфий, Навоий ва Амирий девонларидан таркиб топган дейди.

333 Болтабоев Ҳ. Мумтоз сўз кадри. Т.: Адолат, 2004, 61-бет; Жўрабоев О. “Ҳазойин-ул-маоний”нинг бир шоҳона қўлёзмаси ва унинг матний хусусиятлари” // Адабиёт кўзгуси. №12, Тошкент, 2011, 10-17-б.; Жўрабоев О. “Навоий асарлари қўлёзма ва матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари” // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзудидаги республика илмий-назарий анжумани. Тошкент, 2016, 34-35-б.0

334 Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. Тошкент, 1961, 36-бет.

эслаб ўтишларини мақолаларимизда қайд этиб, Миён бузрук Солиҳов, А.Қаюмов, А.Шербак ва бир қатор олимлардан кейин “Муҳаббатнома” таркиби ҳақида қисман тўхталганмиз³³⁵. А.Қаюмов ва М.Солиҳовлар “Муҳаббатнома” таркибидаги Фузулий девонини тилга олмаган бўлсалар ҳам бу мажмуа таркиби ҳақида биринчилардан бўлиб гапирганлардан бўлиб чиқадилар.

Лекин “Муҳаббатнома” асари ягона қўлёмаси таркиби тавсифланган феҳрист-каталогдаги маълумотлардан қўпчилик олимларимиз хабардор эмаслар. Туркиялик олим Оғах Сирри Левенд (1897–1978) Алишер Навоий ижоди, асарлари ва Навоийга бағишланган 4 жилддан иборат китоб нашр этган. Унинг 2-жилдида Алишер Навоий девонларига эга қўлёмалари ҳақида қисқача тўхталганида “Муҳаббатнома” қўлёмасига оид қисқа маълумот беради³³⁶. Айни маълумотларига, 1958 йили “Туркия кутубхоналаридаги Навоий қўлёмалари” номли феҳристини (каталог) нашр эттирган. Унда олим 1958 йилгача мавжуд бўлган маълумотлар асосида Туркия кутубхоналарида сақланувчи Алишер Навоий асарларига эга тўксондан ортиқ қўлёмалар тавсифини келтирган. О.С.Левенднинг саксон икки саҳифали мазкур феҳристи Туркияда чоп этилувчи “Турк тили тадқиқотлари йиллиги. Бюллетень” (“Türk dili arařtırmaları yilligi. Belleten”) деб аталувчи йиллик вақтли бюллетеннинг 1958 йилги нашрида эълон этилган³³⁷. Қайд этганимиз Умархон даврида тузилган “Муҳаббатнома” тўплами қўлёмаси О.С.Левенднинг “Туркия кутубхоналаридаги Навоий қўлёмалари” феҳристининг тўрт саҳифасида тавсифланган³³⁸. О.С.Левенднинг бундан олтмиш йил аввал яратилган мазкур каталоги ўзбек тилидаги тадқиқотларда Ҳ.Сулаймонов томонидан тилга олинган³³⁹. Ўшандан бери ўзбек тилидаги адабиётшунослик, адабий манбашунослик тадқиқотларида мазкур феҳрист деярли эсланмаган³⁴⁰. Биз куйида “Муҳаббатнома” қўлёмасининг Оғах Сирри Левенд томонидан амалга оширилган ва 1958 йилги нашрдан ўрин олган тавсифини келтирамиз³⁴¹.

Истанбул Университети Кутубхонаси, Туркий ёзма асарлар, № 5452 (музейда)³⁴²

335 Эркинов А. “Умархон туздирган “Муҳаббатнома” тарихий манба сифатида” // Марказий Осие тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. Илмий тўплам. Тошкент, 2009, 217-223-бетлар; Эркинов А. “Ноёб қўлёмза изидан” // Мозийдан садо. 4 (44), 2009, 20-21-бетлар. Ушбу мақолаларда келтирилган масаланинг ўрганилиш тарихи ва илмий адабиётларга қаралсин. Масалан, япон олими Хисао Коматсу ўз мақоласида “Муҳаббатнома”ни эслаб ўтган.

336 Levend A.S. Ali Sir Nevai. II cilt.Divanlar.4 turkce, 2 farsca divan. Ankara: Turk tarihkurumubasimevi, 1966, s.7.

337 Levend A.S. “Türkiye kitapliklarındaki Nevai Yazmaları” // Türk dili arařtırmaları yilligi. Belleten. Ankara, 1958, ss.127-209. Айни нашр “Турк тил қуруми” (Türk Dil Kurumu) томонидан 1953 йилдан то ҳозирги кунгача чоп этиб келинади.

338 Levend A.S. “TürkiyekitapliklarındakiNevaiYazmaları”, ss.147-150.

339 Сулейманов Х. Текстологическое исследование лирики Алишера Навая. Дис-я на соискание ученой степени докт.филол. наук. Ташкент-Москва, 1955–1961, Том 1. с.154, 328; Сулаймонов Ҳ. “Навоий асарларининг манбалари ва нашри ҳақида” // Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. Тошкент, 1963, 35-6.

340 О.С.Левенд феҳристига эга нашр (Türk dili arařtırmaları yilligi. Belleten. Ankara, 1958) Тошкентда жойлашган Ўзбекистон фанлар академияси бош кутубхонасида бор. У хорижий тилдаги адабиётлар қаратотекасида кўрсатилган (О.С. Левенд феҳристи сақланиш шифри – 4/9165). Бундан ташқари Туркиянинг Чукурова университети сайтида О.С.Левенд тарафидан яратилган бир қатор илмий мақолалар келтирилган (http://turkoloji.cu.edu.tr/makale_sistem/tum_list.php?pssearch=Agah%20S%FDgr%FD%20Levend). Улар ичида Левенднинг “Туркия кутубхоналаридаги Навоий асарлари қўлёмалари” деб номланувчи феҳристи тўлиқ матни 2009 йилдан бери интернетда мавжуд (http://www.tdk.gov.tr/images/css/TDA/1958/1958_8_Levend.pdf). Айрим нашрларда таъкидланишича, ҳеч бир тадқиқотчи “Муҳаббатнома”нинг айнан манбавий ва матний жиҳатлари ҳақида фикр билдирмаган, деган фикр илгари сурилган (Жўрабоев О. Матннинг матности сирлари (Мумтоз битиклар ва Абдулла Қахҳор асарлари таҳлили асосида): Монография. Т.: “Tamaddun”, 2017, 46-б.). О.Жўрабоев “Муҳаббатнома” қўлёмасини яхши тавсифлаган. Лекин унганча “Муҳаббатнома” таркибидаги асарларни О.С.Левенд феҳристида тавсифлаб бўлган. Бундан ташқари Миён Бузрук Солиҳов ва А.Қаюмов каби олимлар бу мажмуа таркибидаги асарларни (Фузулий девонидан ташқари) санаб ўтганлар. А.Шербак ҳам, камчиликлари бўлса-да, “Муҳаббатнома” таркибини қайсидир даражада кўрсатган (?).

341 Levend A.S. “Türkiye kitapliklarındaki Nevai Yazmaları”. Türk dili arařtırmaları yilligi. Belleten. Ankara, 1958, ss.147-150. Мазкур феҳристнинг ўзбек тилига тўлиқ таржимаси устида иш олиб бораётганимиз муносабати билан ҳозирча О.С.Левенд тавсифининг умумийроқ таржимасини келтирамиз.

342 Levend A.S. “Türkiy ekitapliklarındaki Nevai Yazmaları”. Türkdili arařtırmaları yilligi. Belleten. Ankara, 1958, ss.147-150. Мазкур феҳристнинг ўзбек тилига тўлиқ таржимаси устида иш олиб бораётганимиз муносабати билан ҳозирча О.С.Левенд тавсифи умумийроқ таржимаси келтирилди.

Тўрт девон алоҳида-алоҳида тартибда кетма-кет жойлашган. Муқоваси лакланган, усти тўқ қизил узра сариқ рангда, шамс ва бурчаклари яшил узра сариқ, атрофи сариқ узра яшил, қабарик нақшлар билан безатилган, ичи яшил узра олтин зарли матодан. Нусха гуллар билан безатилган, ипак мато билан ўралган. Китобнинг уст муқовасининг ичи эбру нақшли, орқа тарафи қизил узра тилла нақшлар билан безатилган. Ўртасида тилла ва турли рангда ингичка ва қалин чизиклар билан ўралган рамка ичида йирик таълиқ хати билан ёзилган форсча қитъа мавжуд. Нусханинг охирида ҳам бошида бўлгани сингари абру нақшли муқова, дастлабки саҳифадаги ёзувнинг охиридаги “Ал-абд ал-музнийб (гуноҳкор банда) Мир Али” сўзлари кўчирувчи бўлиши эҳтимол, дастлабки варақлари бўш бўлиб, фақат рамкали ва атрофлари гуллидир.

Заҳрияда зарҳал узра атрофлари мовий чизиклар билан тортилган доиралар бор, 4^а ва 5^б варақлар бошдан охиригача тилла нақшли, ўртада дебочанинг илк сатрлари ёзилган, ҳар бир девоннинг илк икки саҳифаси бошдан охиригача тилла нақшли, сатр оралари зарҳал, нақшинкор гуллар ишланган, матн атрофига зарҳал ва мовий рангли чизиклар тортилган. Ҳошияда ҳам зарҳал чизиклар тортилиб, нақшлар ишланган. Ғазалларнинг сарлавҳалари зарҳал жадвал ичида нақшли қилиб, ғазаллар билан бошқа манзумалар матни ҳамда саҳифа четида турли рангда [و لءاي ضا] деб ёзилган.

Қўлёзма бичими: 48,6x27 см, матн бичими: 36,4x16,6 см. Қалин қоғоз, ёзуви йирик таълиқ, сарлавҳа номлари тилла нақшли. 493 варақ. Асосий матн 21 сатр, ҳошиядаги – матни 28 сатр. Кўчирилиш тарихи 1232 йил.

Таркиби:

Дебоча^{4^а-10^б}, варақлар охирида бир мисра етишмайди.

“Ғаройиб ус-сиғар”^{11^б-100^а} в.

ғазал(670 та), ^{11^б-88^б} в. матн ва ҳошияда

мустаҳзод(1 та), ^{88^б} в

мухаммас(2 та), ^{88^б-89^а} в.

мусаддас(2 та), ^{89^а-89^б} в.

таржиъбанд(1 та), ^{89^б-91^а} в.

рубойи ва қитъа(139 та), ^{91^а-97^а} в.

муаммо(48 та), ^{97^а-98^а} в.

туюк(9 та), ^{98^а-98^б} в.

фард(49 та), ^{98^б-100^а} в.

Якуни:

Сел йўлида фано даштида мужгоним эмас,

*Кўз алоққларининг дуд егон ўқларидур*³⁴³.

“Наводир уш-шабоб”^{101^б-108^а} в.

ғазал(635 та), ^{101^б-176^а} в.

мустаҳзод(1 та), ^{176^а} в.

мухаммас(2 та), ^{176^а-176^б} в.

мусаддас(1 та), ^{176^б-177^а} в.

мухаммас(1 та), ^{177^а-177^б} в.

таржиъбанд(1 та), ^{177^б-179^а} в.

таркибанд(1 та), ^{179^а-181^а} в. (Сайид Ҳасанга марсия)

фард(42 та), ^{181^а-182^а} в. (биттаси рубойи)

343 О.С.Левенд тавсифидаги қўлёзмадаги асарлар матнларидан келтирилган мисоллар араб ёзувида берилган. Биз уларни курсивда, кирилл ёзувида келтирдик (А.Э.).

Якуни:

*Ул шўх онча жаврда кўргузди эҳтимом,
Ким от чиқарди, балки ангаушбуэрди ком.*

“Бадойиу-л-васат”183^б-268^а в.

ғазал(663 та), 183^б-260^а в.

мустаҳзод(1 та), 260^а в.

мухаммас(2 та), 260^б в.

мусаддас(2 та), 261^б в.

таржиъбанд(1 та), 261^б-262^а в.

маснавий(1 та), 262^а-264^а в. (Саййид Ҳасанга шикоят мактуби)

қитъа(89 та), 264^б-268^а в.

Якуни:

*Дунё аҳлидин агар топти тамавул бириси
Ўзгалар ҳасрат ила моли ҳадисин дерлар.
Бири худ ботти нажосат ичига бўғзигача,
Ўзгалар ушбу нажосатга ҳасад³⁴⁴ ҳам ерлар.*

“Фавойиду-л-кибар”269^б-356^б в.

ғазал(642 та), 269^б-346^а в.

мустаҳзод(1 та), 346^а-346^б в.

мухаммас(3 та), 346^б-347^б в.

мусаддас(1 та), 347^б в.

мусамман (1 та), 347^б-348^а в.

таржиъбанд(1 та), 348^а-349^б в. (соқийнома)

маснавий(1 та), 350^а-356^б в.

Якуни:

*Ҳам дуогўйи анинг аҳли яқин,
Ҳам малойика дегайлар омин.*

Дебоча:

357^б-360^а в. Султон Ҳусайн Бойқаронинг
туркий ва форсий тиллардаги ғазалларидан
жамланган девони учун ёзилган сўзбоши)³⁴⁵

Боши³⁴⁶:

Ҳамду сипосу шукру ситойиши беқиёс... мустамандлар аҳволига шафқат кўргуздум.

Охири:

Ва ўзларин номавзун тийра табиатларига... қоғаздек юзлари қаро бўлғай.

Девони Амирий361^б-413^б в.

344 Феҳристанда “ҳад” шаклида берилган. Кўринишидан, нашрда “с” ҳарфи тушиб қолган (А.Э.).

345 О.С.Левенд тавсифида “Муҳаббатнома”даги Умархон девони дебочасини Ҳусайн Бойқаро девони дебочаси деб ҳисоблаб, кичик бир хатога йўл қўйган (А.Э.).

346 Асарнинг боши ва охиридан келтирилган қисмлар қисартириб берилмоқда (А.Э.).

Девони Лутфий422^б-440^а в. (орадаги варақлар бўш)
Девони Фузулий448^б-490^б в. (орадаги варақлар бўш)
Наср 491а-492б в. (наққошлар мактаб ёзилган ёзув,
котибга тегишли бўлса керак.)

Ушбу матннинг охирида шу мисралар битилган сана қитъаси бор:

*Биҳамдиллаҳки сартосар ёзилди,
Навоийнинг каломи дилкушоси.
Бу девон хатми тарихида Фазлий,
Вафо бирла деди хатм ул-Навоий.*

Ундан сўнг саккиз байтлик фореча мисралар битилган кун қитъаси келади. Ниҳоят, куллиётнинг сўнгги китоби Фузулий девонидаги “Шикоятнома”дан олинган бир неча байт:

Сўнгги байт:
*Ҳосили зиллату хасорат ўлур,
Рахт умиди жумлайи горат ўлур.*

НАВОИЙ БАДИИЯТИНИНГ ОҒАҲИЙ ИЖОДИГА ТАЪСИРИ

Ирода ЭРНАЗАРОВА
(СамДУ)

Мумтоз адабиётимизнинг йирик намоёндаси Огаҳий ижодининг серкирралиги ва қаламга олган мавзуларининг йирик кўлами билан ўзбек адабиётида ўзига хос ўрин тутади. Унинг ижодида ўзига қадар яратилган бой адабиётнинг таъсири яққол сезилиб туради. Жумладан, Муҳаммад Ризо Огаҳий ижодини Навоий даҳосининг таъсирисиз англамоқ мушкул. Навоий ғазаллари талқинидаги мухам-маслар, назира ва татаббулари фикримизнинг исботидир. Бу борада огаҳийшунос олим Э.Очилов шундай фикр билдиради: “Огаҳий ижодига Алишер Навоийнинг таъсири катта. У ўзининг бу буюк салафидан бир умр ўрганди, ундан таъсирланди, унга эргашиди, ғазалларига татаббулар ёзди, мухам-маслар боғлади. Жумладан, шоирнинг 90 мухаммасидан 30 дан ортиғи Навоий, қолганлари эса Жомий, Саъдий, Фузулий, Комрон, Амирий, Бедил, Равнак, Мунис, Ғозий, Рожий, Феруз ва бошқаларнинг ғазалларига боғланган”.

Куйида татаббуъ ғазаллардан бирининг таҳлилига эътибор қаратиб, Огаҳий ижодида анъана ва ноанъанавийликнинг бир қиррасини очишга ҳаракат қилдик.

Навоийнинг “Наводир уш-шабоб” девонига киритилган “Дейин” радифли ғазалига Огаҳий татаббу битиб худди шу радифда ғазал яратган. Ғазалларни таҳлилга тортиш жараёнида Огаҳий ижодида Навоийга оҳангдошлик билан биргаликда ўзига хосликнинг ҳам деярли барча асарларида акс этиб туришининг гувоҳи бўламиз. Дастлаб ғазалларнинг ҳажмида фарқ кўзга ташланади. Огаҳий ўн бир байтда татаббу яратган Навоийнинг ғазали етти байтдан иборат. Навоий ғазалининг матлаъси ёрнинг ошиқ кўнглига дард-у бало келтирувчи қош-кўзи тасвиридан бошланса, Огаҳий лирик қаҳрамони дўстларига мурожаат қилиб: “Ул шўх ёрнинг ҳусну камолини сўзлайми ё унинг ишқида куйган бечора кўнглининг зор ҳолини баён қилайми?” деб куюнади.

Навоий:
Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин,

Кўнглума ҳар бирининг дард-у балосинму дейин?

Огаҳий:

Дўстлар, ул шўхнинг ҳусни камолинму дейин,

Ишқида бечора кўнглум зори ҳолинму дейин?

Тасвирда ҳар қанча ўзига хослик бўлмасин, ҳар иккала ижодкор ҳам ёрнинг “қоши ёси-ю кўз қаросидан”, “ҳусни камоли”дан куйган **кўнгил** ҳолини баён қилмоқда. Биргина кўнгил сўзига эътибор қаратиш орқали ижодкорлардаги оҳангдошликни англаб олиш мумкин. Огаҳий мисраларида гўё Навоий лирик қаҳрамони ҳолати билан таниш ўқувчига мурожаат этаётгандек, яъни Навоий бутун ғазали давомида келтирган таъриф-у тавсифлар Огаҳий ғазалининг матлаъсидаёқ умумлаштирилиб “ҳусни камол” дея изоҳланаётгандек.

Навоий:

Кўзи қаҳринму дейин, киприки заҳринму дейин,

Бу кудурат аро рухсори сафосинму дейин?

Огаҳий:

Дилраболиғ шеваси саҳбойи ноби тобидин,

Юз гул очгон гулшани боғи жамолинму дейин?

Навоий ёрнинг жафоли эканлигини кўз қаҳрию, киприк заҳри билан изоҳлар экан, бу ҳафагарчиликлар ичида рухсори сафосини айтайми дея тазод санъатидан унумли фойдаланиб таъсирчан ифода яратади. Огаҳий эса ёрнинг дилраболиғ шевасини тоза шароб ҳароратига ўхшатиб, маъшуканинг рухсорини гуллар очилган боғга ўхшатайми, дейди. Иккала ижодкор ҳам иккинчи мисрада бир тасвирга, яъни рухсор ва жамолга эътибор қаратмоқда. Аммо Огаҳий ўзида кўпроқ маъно жамлаган “жамол” сўзидан фойдаланиб ўзига хос маҳоратини ҳам кўрсата билган.

Ғазалларнинг кейинги мисраларини ўқир эканмиз, ҳар иккала асардаги оҳанг тобора яқинлашиб, лирик қаҳрамон қиёфаси хаёлимизда битта бўлиб жонланади.

Навоий:

Ишқ дардинму дейин, ҳажри набардинму дейин,

Бу қатиқ дардлар аро васли давосинму дейин?

Огаҳий:

Ўтга тушган қил киби жисмимга берган тоблар,

Гул юзида кокили сунбул мисолинму дейин?

Огаҳий ижодида баҳр, қофия ва радиф жиҳатидан навоиёна руҳдаги асарларни кўплаб учратишимиз мумкин.

Умуман олганда, юкорида келтирилган фикрлар Навоий ва Огаҳий ижодидаги ҳамоҳангликнинг кичик бир қиррасинигина акс эттирди. Бу долзабр мавзу йирик тадқиқотлар доирасида ўрганилишга арзийди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 1-6 ҳамда 17-20 томлар. - Тошкент: Фан, 1986-2004 .
2. Муҳаммадризо Огаҳий. Таъвиз ул-ошиқин. Девон, Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1960.
3. Огаҳий. Жамолинг жилваси. Тўпловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Э.Очилов. - Тошкент: Ўзбекистон, 2013. 176 б.

“СЎЗДУРКИ, НИШОН БЕРУР ЎЛИККА ЖОНДИН...”

Алишер Навоийи жодини чеки кўринмас бир уммонга қиёс қиламиз, чунки унинг ҳар бир сатри биз учун қанчалар яқин бўлмасин, шунчалар чексиз охирига етолмаймиз. Бу шоир асарларидаги хилма-хиллик, улуғворлик ва инсонни ўзига асир эта оладиган бир жозибадир. Шоир ижодида ҳеч бир байт, ҳатто ҳеч бир жумла шунчаки ёзилмайди. Ундаги ҳар бир сўз катта қийматга эга.

Ҳазрат Навоий сўзнинг буюклиги ҳақида жуда кўплаб ҳикматли сўзлар айтганлар. “Маҳбуб ул-қулуб” асрининг насрий баёнида шундай дейилади: ”Сўз борки, эшитувчининг танига жон киргизади; сўз борки, гапирувчининг бошини елга учиради... Сўзни кўнгилда пишитмагунча тилга олма; дилингда бор гапнинг ҳаммасини тилингда келтирма”. Юқоридаги сўзларга Ҳазратнинг ўзлари ҳам доим амал қилиб келганлар, шу боис у кишининг қаламлари теккан асарлар ханузгача оҳори тўқилмаган, хусну таровати сўнмаган, хануз бизни ҳайратга солади, ўйлашга, интилишга ундайди. Келинг, адабиётимиз дурдонасидан баҳраманд бўлайлик.

*Сарв қад гулруҳлар ўтмас хотири ношодима,
Сарву гул кўрсам, алар киргай магарким ёдима.*

Ошиқ йигит ғамгинлигини қадлари расо, гул юзли гўзаллар ёза олмайди, чунки улар ўткинчи дунёнинг рамзи, уларнинг гўзаллиги ҳам ўткинчидир. Фақат чамандаги гулларни кўрсагина, улар ёдига тушади. Чунки севикли ёр қадди-комати сарвга, юзлари гулга ўхшатилади. Бу ўринда ўхшатиш санъатидан фойдаланилган.

*Уйла гардун зулми этмиш рўзгорим тийраким,
Ёрута олмас қуёш кирса харобободима.*

Бу дунёнинг зулми ошиқ ҳаётини шунчалик пароканда қилдики, ҳаттоки қуёш ҳам унинг хароб мулкини обод қилолмайди. Бу ўринда биз муболага санъатини кўрамиз. Қуёшнинг ёрита олмаслигини таъкидлаётган ошиқ ўз руҳий аҳволини бўрттириб кўрсатмоқда. Унинг аҳволи шу қадар харобки, қуёш ҳам кўнглини ёза олмайди.

*Нега фарёд этмайин, ёхуд нетай фарёд этиб,
Бўйлаким, фарёд этиб, етмас киши фарёдима.*

Ошиқнинг ўз аҳволи учун фарёд этгани ёки фарёд этмаганининг аҳамияти йўқ, чунки ҳеч кимнинг аҳволи уникидек афтода эмас, ҳеч ким унингдек фарёд қилолмайди. Ҳеч бир киши унинг аҳволини тўлиқ тушунмайди, ҳис етолмайди. Бу ўринда шоир фарёд сўзини бир байтда тўрт маротаба қўллаб, тақрир санъатидан фойдаланган.

*Қазмаса кўнглум яна гам Бестунин яхшироқ,
Ҳеч Ширин лаб чу қилмас раҳм бу Фарҳодима.*

Бесутун – Эрондаги тоғ номи, баъзи ўринларда осмон маъносида ҳам қўлланилади. Агар ошиқ кўнгли улкан ғам тоғини қазишга бел боғламаса, Ширин Фарҳодга раҳм қилиб, лабини ҳам очмайди, сўз қотмайди. Мумтоз адабиётда Фарҳод моҳир сангтарош, тоғ бағрини тешиб, сувлар чиқарувчи қаҳрамон сифатида ном таратган. Бу байтда талмеҳ ва муболага санъатлари ишлатилган.

*Шўхлар мужгонидин зухдум қутулсин, ваҳ, неча
Игна бирла нақб тешмак қалъаи пўлодима.*

Ошиқ севикли ёрининг киприкларидан хавотирга тушади. Киприкларининг пўлатдан ясалган қалъасини тешиб, лаҳим қазиб, ошиқнинг қалбини забт этади. Ошиқ ўз ихтиёрини унга топшириб

кўяди. Байтда чиройли ўхшатиш келтирилган, қалб пўлат қалъага, киприклар игнага қиёсланган.

*Май қуёшин дайр аро ҳар дам чекар бўлсам, не гам,
Гар қуёш тигин фалак ҳар дам чекар бедодима.*

Майхонада майдаги қуёш аксини ичиб юборсам ҳайрон бўлманг, дейди ошиқ, ахир кўкдаги қуёш ҳар доим менинг оғир аҳволимни кўрса ҳам, ўз нурлари тигини санчишдан тийилмайди-ку? Бу ўринда тажнис санъати ишлатилган, чунки иккала мисрада қўлланган “чекмоқ” феъли ҳар хил маъноларда келган.

*Эй Навоий, офият кўйи ганиматдур ва лек
Найлайн, гар кирмаса, шайдо кўнгил иршодима.*

Ошиқ йигит соғломлигу тинчликнинг ганиматлигини, уни асраб-авайлаш кераклигини билади, лекин кўнгли ақли кўрсатган тўғри йўлдан юришга кўнмайди. Чунки кўнгил учун ҳис-туйғулар ақлдан кўра устун туради.

Ғазал мутолааси бизни адабиёт гулшанини сайр қилдирди, завқ бағишлади, илҳомлантирди. Шеърят аталган бу хилқат асрлар оша бизни ҳайратга солишда давом этмоқда. Зеро, Алишер Навоий айтганларидек, “Сўз дуррининг ... шарафидин ўлган баданга руҳи пок етар, касифидин ҳаётлиқ танга захри ҳалок хосияти зуҳур этар”.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абадият гулшани. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент – 2013.
2. А. Ҳожиаҳмедов. Шеърый санъатлар ва мумтоз қофия. “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти. Тошкент – 1998.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИНИ ЎРГАНИШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

**Шохсанам ҚАЮМОВА,
Одина ҚАЮМОВА
(ГулДУ)**

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги шарофати билан миллий тарихимизга, аждодларимиз қолдириб кетган буюк меросга алоҳида эътибор берила бошлади. Жумладан, Алишер Навоий ижоди олимларимизнинг диққат марказида бўлиб, бу буюк меросни бутун оммага етказиш, уларни бундан баҳраманд этиш кун олдидаги долзарб масалага айланди. Мухтарам биринчи президентимиз И.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида Алишер Навоий тўғрисида, буюк мутафаккирнинг мероси ҳақида фикр юритиб, жумладан, қуйидагиларни айтиб ўтган эдилар: “Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зотлардан яна бири – бу Алишер Навоий бобомиздир. Биз унинг мўътабар номи, ижодий меросининг боқийлиги, бадиий даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги ҳақида доимо фахрланиб сўз юритамиз.

Бугунги кунда мактабгача таълим муассасалари, ўрта умумтаълим мактабларида, коллеж ва лицейларда ва олий мактабларда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти, асарлари ва ундаги ғояларни ўрганишга муносабат ўзгармоқда.

Бугунги кунда ёшлар онгига дарс жараёнида Алишер Навоийнинг мероси ва асарларидаги маънавий тушунчаларни сингдириш долзарб масалалардан биридир. Ёшларларда Алишер Навоий мероси

ва мумтоз адабиётимизга қизиқишни ошириш кўп жиҳатдан мутафаккирнинг маърифий ғояларини ўргатишга боғлиқ.

Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг ғурури, шаън-у шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса.

Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккири, шоир десак десак, шоирларнинг султонидир.

Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан кам топилади. Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онг-у шууримиз, юрагимизга, аввало, Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз”.

Ўзбек адабиётининг асосчиси, шоир, олим, маърифатпарвар, файласуф, муסיқашунос, давлат арбоби Низомиддин Алишер Навоий 1441-йил Ҳиротда туғилган. У турк ва форс тилларида ижод қилган. Навоий ўттизга яқин шеърлар тўплами, йирик-йирик дostonлар ва ривоятларнинг муаллифидир. Унинг “Хамса”, “Ҳазойин ул-маоний”, “Бадойи ул-бидоеъ”, “Муҳокамат ул-луғатайин” каби асарлари бутун дунёга машҳур.

Алишер Навоийнинг фикрича, мамлакатда маърифатчилик, инсонпарварлик ва адолатлилик ҳукм суриши зарур. Унинг шеърий тўплamlари ва бошқа асарида таълим-тарбия масалаларига ҳам алоҳида ўрин берилган. Навоий таъкидлашича, ер куррасида яшаётган барча инсонлар миллатидан қатъий назар тенгдир. У инсонлар ҳаёт мазмунини фақат меҳнат ташкил этади, – дейди.

Алишер Навоий инсон тафаккури, ақли, билимини ва илмий билимларини юксак кадрлаган. У “Билим ва донишмандлик – инсоннинг бегадидир”, – деб ёзади. Алишер Навоий бола тарбиясига ва уни шахс сифатида шакллантиришга катта аҳамият бериб, болани ҳаёт “чироғи” деб таърифлайди. Бола оилага бахт ва саодат келтирувчи зиёдир.

Алишер Навоий болаларга кичик ёшлигиданоқ билим, маълумот ва тарбия беришни кўрсатиб, ўғил ва қизларни жуда ёшлигидан тарбиячига, муаллимга бериш лозимлигини айтади.

Шоир, энг аввало, ҳар бир киши ўз халқининг тарихини билиши шартлигига аҳамият бериб, уни чуқурроқ ўрганишга даъват этади. Буюк шоир ҳар бир халқнинг тарихи мамлакатни хароб аҳволга солган нима-ю, унинг раvнақ топишига имкон берган нима, шуни кўрсатиб бермоғи лозим, – дейди.

Алишер Навоий педагог-мударрис. У таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор берар экан, тарбия жараёнларини, воситаларини, талабларини кўрсатади. У таълимда илмийлик, асосланганлик, тарихий каби талабларни асос қилиб олади. Ўз давридаги мусулмон мактабларининг ютуқ ва камчиликларини таҳлил этади. Унинг асарларида ахлоқий ва меҳнат тарбиясига доир қарашлари асосий ўринни ташкил этади.

Навоий мероси бус-бутунлиги маърифатга йўғрилган асарлардир. Уларни ҳар бир киши ёшлигиданоқ ўрганиб бориши лозим. Шу мақсадда мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялашда Навоий ижодига мурожаат қилиш мақсадга элтувчи энг тўғри йўл ҳисобланади. Тарбия воситаларининг энг юқори ўринларидан Навоий асарларининг жой олиши қувонарли ҳолдир.

Мустақиллик муносабати билан халқимиз мафқуралашган тузумнинг таъсиридан озод бўлди. Тилимиз, динимиз, миллий анъаналаримизни ривожлантириш учун имкониятлар яратилди. Алишер Навоийнинг мероси миллий маънавиятнинг улкан бир бойлигидир. Шу боис мутафаккирнинг меросини педагогика ва мустақиллик мафқураси уйғунлигида ўрганиш давр талабидир.

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА НУБУВВАТ МАВЗУСИ ТАЛҚИНИ

Усмон ҚОБИЛОВ
(СамДУ)

Бугунги адабиётшуносликнинг умуминсоний масалаларидан бири ўзбек адабиёти, хусусан, Навоий ижодида ўзига хос ўрин тутган нубувват мавзуси талқини ҳисобланади. Ҳозиргача адабиётшунослик луғатларида нубувват (пайғамбарлик таълимоти) тушунчаси мазмун-моҳиятини тўлиқроқ изоҳлайдиган бирор шарҳ кўзга ташланмайди. У қадимги яҳудий ва араб тилларида “наби” (хабар) маъносини билдириб келади, моҳиятан эса ниҳоятда кенг қамровли тушунчадир. Нубувват масалалари талқини юзасидан жаҳон ва рус адабиётшунослигида анча самарали тадқиқотлар олиб борилган. Ҳатто профетология (“пророк” – пайғамбарлик, “логос” – таълимот) адабиёт илми таркибий қисми сифатида қараладиган ўринлар ҳам учрайди[4]. Шарқшунос Е. Э. Бертельс тасаввуфсиз Шарқ мумтоз адабиётини англаб бўлмаслигини таъкидлаган эди. Худди шундай нубувват маърифатсиз тасаввуф адабиётининг ўзини ҳам англаш мушкулдир. Тасаввуф ва тасаввуф адабиётининг шаклланиши, мақом ва ифодаларининг вужудга келиши, классик шеърият мавзулар кўламининг теранлиги, тасвир ифодалари бойлиги, образ – тимсоллар ранг-баранглиги ва бошқа масалалар бевосита нубувват билан ҳам боғлиқдир. Буни Алишер Навоий ижоди яққол асослаб беради. Айнан мутафаккир ижодида нубувват мавзуси бадиий талқинлари ўзининг барча жиҳатлари билан намоён бўлган. Шоир ижодида нубувват маърифати, биринчидан, мавзуни хос адабий жанр-шаклларда бевосита тасвир этган ижод намуналарида, иккинчидан, барча хил ва тур асарлари таркибидаги бевосита талқинларда ифода этилган. “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Хамса” дostonлари ва “Лисон ут-тайр” даги наът, меърожнома, мадх, васфлар, шунингдек, наът ғазалларни биринчи гуруҳга киритсак, лирикасидаги мавжуд жанрлар ва умуман барча тур асарларидаги кичик парча ва сатрларни эса иккинчи хил талқин деб баҳолаш мумкин. Нубувват масалалари талқинида асар ҳажми эмас, балки моҳият муҳим ўрин тутди. “Тарихи Табарий” (Мухаммад ибн Табарий), “Қисас ул-анбиё” (Ибн Касир), “Қисас ар-Рабғузий” (Рабғузий) каби асарлардан “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асари характер хусусиятлари билан фарқланади. Шарқда “Қисас ул-анбиё” лар тарихий ва бадиий характерга эга бўлганлиги маълум. Нубувват тарихий талқинларда ихчамроқ, баъзан бир ёки бир неча фабулалар асосида ҳам яратилган. Алишер Навоий ижодиётида эса нубувват маърифати шу қадар кенг ва жозибалики, уни алоҳида бадиий олам сифатида қараш мумкин. Алишер Навоий нубувват мавзуси талқинларига бутун ижодиёти давомида мурожаат этган. Шоир анбиёлар қиссачилигини “хослар” ва “авом” учун бирдек маънога эгаллигини ҳам айтиб ўтади. Бундан хослар ва авом адабиёти сингари хосу авом адабиёти деган тушунча ҳам мавжуд бўлиб келганлигини эътироф этишимиз лозим бўлади. Айниқса, ижодкор дostonлари нубувват мавзуси ифодасида ниҳоятда катта салмоқ ва кўламга эгадир. Мавжуд олти дostonининг ҳар бири мавзу талқинини мумтоз даражага кўтарилишига хизмат этган. Айниқса, наът, меърожнома, мадх, васф каби шеърий шакллар “Хамса” дostonларида салмоқдор ўринни эгаллайди. Мисол учун “Ҳайрат ул-аброр” да бешта наът-маснавий бўлиб, жами бир юз етмиш етти байтни ташкил этади. “Лисон ут-тайр” дostonидаги эллик уч байт наътни ҳам ҳисобга олсак, бу жанр-шакл тараққиётида мутафаккир хизматлари ўз-ўзидан ойдинлашади. Бунга наътнинг ғазал шаклидаги турларини ҳам киритсак, Алишер Навоийнинг нубувват мавзуси талқини жабҳасидаги пешқадамлиги тўла намоён бўлади. “Фарҳод ва Ширин” да наът, меърож каби нубувват мақомини бевосита ифодалаган боблар берилган. Айниқса, ундаги меърожнома олтмиш саккиз банддан иборат бўлиб, у шаклан ҳам, мазмунан ҳам алоҳида асар даражасига кўтарилгандир. “Лайли ва Мажнун” дostonида мадх, Мухаммад мадҳи, меърож бобларида нубувват талқинлари берилган. “Сабъаи сайёр” да ҳам наът, меърождан кейин асар воқеалари тасвири битилган. Шу қатори “Садди Искандарий” ҳам наът, меърож талқинларидан кейин асар моҳиятига мурожаат этилган. Шоир бир ўринда Искандарни нубувват ва валоятдан хабардор сиймо сифатида таъриф этади. Чунки Искандар ҳам набий бўлмаса-да,

бошқа бир қатор сиймолар сингари нубувват олами қаторида тилга олинади. “Лисон ут-тайр”да эса наът, меърождан кейин халифалар ва ҳар биридан кейин битта ҳикоят(жами 45 та ҳикоят) берилган. Қайсики нубувват аҳли талқин этилганда, хусусан, “Қиссас ул-анбиё”ларда ҳам аҳли хулофа қиссалари “Хотимат ул-анбиё”дан кейин ўрин олади. Мадҳ адабий жанри ҳам нубувватни ифода этган алоҳида шакллардан биридир. “Лисон ут-тайр” достонида “Саййид ул-мурсагин”га аталган йигирма саккиз байтли мадҳи мавжуд бўлиб, унда бутун бир нубувват маърифати ўз аксини топгандир. Нубувват бутун бир силсилани ифода этса-да, Алишер Навоий достонларида кўпроқ эътибор “мухри нубувват” талқинига қаратилади. Нубувват мавзуси хоҳ бевосита жанрларда бўлсин, хоҳ бевосита ифодаларда бўлсин, ижод ва ижодкор олами учун илҳомбахш мавзу бўлиб келган.

Хуллас, Алишер Навоий ижодида нубувват мавзуси ҳам шеърий, ҳам насрий ифодаларда талқин этилган бўлса-да, мавзунинг руҳий-ҳиссий ифодаси воқеий талқинларга қараганда маҳсулдордир. Шарқ мумтоз адабиётида аҳли нубувват талқини масалаларида мутафаккир шеъриятидек бошқа бир шеърият гулшанини учратиш ҳам амри маҳолдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. А. Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган бекиёс ҳиссасининг юксак эътирофи. “Халқ сўзи” газет. 2007 йил 23 февраль.
2. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10-жилдлик. – Т.: Гофур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012 йил
3. Шарқ мумтоз поэтикаси.– Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2006. – 430 б.
4. Гимаева, Аделя Рахимова. Профетология Корана: истории пророков как элемент построения коранического текста. Авт. канд. дисс. по филол. наук. – Москва: 2008. – 24 с.

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЭРКИН ВОҲИДОВ

Усмон ҚОСИМОВ

(Жиззах ДПИ)

Ани назм этки, тархинг тоза бўлгай,

Улусқа майли беандоза бўлгай...

Бу – Навоий бутун ҳаёти ва ижоди давомида қатъий амал қилган асосий адабий-эстетик дастури эди. Навоий қандай мавзунинг ритмасин, қандай анъанавий жанр ё шеърий санъат турини қўллаганини, ўзгаларни такрорламаган ҳолда, ҳаммиша ўзига хос ижодий янгилик- “тархи тоза назм” яратганлигига гувоҳ бўламиз. Туркий тилимизда илк бор яратилиб, жаҳон адабиётининг юксак чўққиларини забт этган “Хамса” ва “Хазойин ул-маоний”дек шоҳ асарлар чуқур бир тарихий ҳақиқатни ифодалашни билан ҳам қимматлидир. Ўтмишда, хусусан, Навоий яшаган даврда туркий тилимиз ноҳақ камситилиб, “бу - нафосатдан йироқ, қашшоқ тил, унда гўзал ва маънодор шеър битиб бўлмади” каби ғаразли, таҳқиромиз қарашлар анча кенг ёйилган эди. Навоийнинг мавлоно Лутфий, С.Ардашер ва Жомий-дек устозларининг юксак эътирофу таҳсинига сазовор бўлган ва ижод аҳлини ҳайратга солган мумтоз ашъор ва достонлари бу иддаолар асосизлиги ва тилимизнинг нақадар бой, сержило-оҳангдорлигини ҳам бадиий, ҳам илмий жиҳатдан исботлаб берганлиги унинг чинакам ватанпарвар ва миллатпарвар ижодкор сифатидаги буюк бир хизмати эди.

Мумтоз адабиётимизни дунё микёсига олиб чиқиш ва ўзбек тилимизнинг бутун сеҳр-ужозибаси ва чексиз имкониятларини намоён этишда Навоийнинг хизматлари бекиёс эканлиги Э.Воҳидов шеърияти ва мақолаларида ҳам ўзининг чуқур ифодасини топган. Юзлаб жонкуяр тилшунос ва адабиётшунослар

хамда адиблар ичида Ўзбек тилимизга Давлат тили макоми берилиши борасида ва Навоийнинг нодир шахси, бекиёс ижоди ва юксак санъаткорлиги ҳақида Э. Воҳидовдай теранлик ва шарқона нуктадонлик билан ёзган ижодкор камдан-кам топилса керак. Э. Воҳидовнинг Навоий сиймоси ва асарлари таҳлилига бағишланган теран мақола, суҳбатлари орқали бу улуғ зот даҳосини янада чуқурроқ англагандек бўламиз. “Навоий-чексиз ва тубсиз уммон. Унинг теранликларига бориб етиш ҳам, поёнсизлигини фикран қамраш ҳам оддий банданинг қўлидан келадиган иш эмас. Баъзан Навоий байтларини ўқиб, буларни одам боласи ёзмаган, деган хаёлга бораман.”

Навоийнинг мазмундор ҳаёти, серқирра фаолияти, мумтоз шеър ва дostonларини ҳайрат билан ўрганар эканмиз, Навоий каби буюк мутафаккирларимиз бутун умри давомида покиза иймон-эътиқод билан яшашида, энг аввало, Қуръони карим ҳаётий дастуриламал бўлганидек, уларнинг ижодида ҳам илоҳий калом-оятларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс эканлиги кўриш мумкин. Навоийнинг “Инсонга умр – Тенгри буюрғонга итоат учун”, “Иймон билан кетмак”- юксак одамийлик эканлиги ҳақидаги мўътабар ғоя-фикрлари унинг кўплаб орифона асарлари мазмунини гўё ичдан нурлантириб турганлигини ҳис этиш мумкин.

Э. Воҳидов Навоий ижоди ва шахсини ўрганишда, айниқса, шўро империяси даврида жуда кўплаб жиддий хатоларга ва бирёкламаликларга йўл қўйилганлигини рад этиб бўлмас далиллар билан кўрсатиб берганлиги ҳам эътиборга лойиқ. Жумладан, Навоий дostonларини нашр этганда, улардаги “ҳамд” ва “наът”лари, худога ва пайғамбарларга илтижо билан айтган мисраларини ўзбошимчалик билан қисқартириш мафқуравий анъанага айланган. Буюк шоир асарларига нисбатан бундай бепишандлик маънавийтимиз ва руҳий оламимизни ҳам кемтик бўлишига сабаб бўлганлиги эндиликда аён бўлмоқда. Хукмрон мафқуранинг тазйиқи остида ижод қилиш, ҳақ сўзни айтиш ёш авлодга ҳам осон бўлмаган, аммо улар комфирқанинг машъум сиёсатига қарши ўларок ҳақиқатдан чекинмаган. Бу жиҳатдан Э. Воҳидовнинг таниқли адабиётшунос Наим Каримов билан “Шеърят- меҳр демақдир” мавзусидаги суҳбатидаги қуйидаги фикри эътиборга молик: “Эл кўнглидагини топиш ва эл кўнглига йўл топиш бу - шеърят. Мадҳ этиш ҳам, рад этиш ҳам- шеърят эмас. Халқни мактаган шоир – улуғ эмас, унинг ўзлигини ўзига кўрсатиб беролган, аёвсиз гапни айтолган шоир- улуғ. Халқ ни кўрсата билиш учун шоир дарвеш эмас, ўктам, сўзи кескир, ўзи шижоатли бўлиши керак.” Бу ҳаётий ҳақиқат чинакам шоирлар учун ҳамиша ижоднинг муқаддас бир мезони бўлган десак, хато қилмаган бўламиз. Навоийнинг халққа бўлган чексиз муҳаббати ва садоқатини ифодаловчи қуйидаги машҳур сатрлари бугун ҳам юксак бир ибратдир:

*Менга қилса юз жафо, бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам.*

Шеърни “ҳақиқат садоси, дардли юрак нидоси” деб билган Эркин Воҳидов буюк устозлари Навоий орзу қилганидай, халқпарвар, виждон ва имони бутун ижодкорларимиздан биридир. У 1989 йил апрелида ёзган ва кескин тазйиққа учраган “Изтироб” номли шеърда мустабид шўро тузумининг босқинчилик сиёсатини кескин қоралаб, халқимизнинг ўз қадри ва ҳуқуқлари учун кураши ҳар жиҳатдан адолатли эканлигини фидойи ватанпарвар бир шоир сифатида чуқур ҳамдардлик билан шундай ифодалаган эди:

*Халқимга қадрингни бил десам агар,
Кураш, ҳақни ошкор қил десам агар,
Бу қутқу аталса- давлатга зарар,
Қанча азоб бўлса тортганим бўлсин*

Эркин Воҳидовнинг кўп йиллик ўй-мушоҳадалари жамланган ушбу китобнинг “Изтироб” деб номланишининг ўзи ҳам шоирнинг юрагидаги ана шу оғрикли туғёнлар ва ўкинч-армонларни рамзий маънода англатиб тургандек.

Навоийга эътиқод ва эҳтироми чексиз бўлган ва унинг ўлмас анъаналарини новаторона давом эттирган Эркин Воҳидов ижодиёти ҳам эндиликда адабиётимизнинг ёрқин бир саҳифасини ташкил этиши шубҳасиздир. Ўзининг бетакрор шеър ва ғазаллари, етук комедия ва дostonлари, халқона ҳажвиёти ва таржималари ҳамда теран мақолалари билан халқимиз қалбидан жой олган Эркин Воҳидов номини билмайдиган ва унинг дурдона асарлари кириб бормаган бирор шаҳар ё қишлоқ, бирор хонадон йўқ десак, хато бўлмайди.

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун шоирнинг биргина “Ўзбегим” қасидасини ёдга олайлик. Чуқур ижтимоий-тарихий ҳақиқат ва асрий орзу-армонларимизни англаган бу сўз халқимизнинг миллий ғурури ва қадриятига айланиб ҳамон унинг онг-тафаккурини сўнмас машъалдай ёритиб туради.

“Ҳеч иккиланмай, комил ишонч билан айтиш мумкинки, Эркин Воҳидов ҳозирги ўзбек шеърятининг кўрки ва фаҳри. Бу фикрда заррача муболага йўқ.”(Озод Шарафиддинов) Шоирнинг сўнги асари бўлган “Сўз латофати” ҳамбуюк Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асаридан таъсирланиб, илҳомланиб ёзилган ва бу маънавий ҳаётимизда муҳим бир воқеадир. Зеро, халқнинг дилидаги, тилининг учидаги гапни топиб айтиш, унинг дардларига малҳам бўлишдек инсоний фазилатларни Э.Воҳидов асарларидан, унинг нурбахш суҳбатларидан ҳам ўрганиш мумкин. Устознинг “Сўз латофати” асари ҳам ўзига хос ҳикмат ва маърифат сабоқлари бўлиб хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Алишер Навоий. Хамса. Тошкент. 1960.
2. Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. Т. Тафаккур. 2014.
3. Н. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Т. Ўқитувчи, 1976, 389-б.
4. Эркин Воҳидов. Изтироб. Тошкент, 1992, 165-166-бб.
5. Озод Шарафиддинов. Ҳақиқатга садоқат. Т. 1989. 267-б
6. Иброҳим Ғафуров. Мангу латофат. Тошкент. 2008, 83-б.
7. У. Қосимов, М. Жўраев. Ижодни англаш йўлида. Т. 2015.

НАВОЙГА БАҒИШЛАНГАН ДОСТОНЛАР ХУСУСИДА

Дилрабо ҚУВВАТОВА
(БухДУ)

Замонавий ўзбек дostonчилигида халқимиз тарихининг муҳим қатламлари қаламга олиниб, тарихий шахслар образини яратишга, бу билан миллий истиқлол илдизларини очишга эътибор берилди. Мутафаккир Навоийга бағишланган асарлар мулоҳазаларимизни тасдиқлайди. Шоир ҳаётининг миллат ва Ватан тақдиридаги ғоят муҳим нуқталарини, руҳий ҳолатларини қаламга олинган мазкур дostonларнинг муҳим хусусияти шундаки, уларда ҳамиша ҳам улуғ зотнинг бадий сиймосини гавдалантириш тамойили етакчи эмас. Балки шоир асарлари қатида яширинган маъноларни тушунтириш, унинг ижод дунёсини, ҳаёт йўлининг ибратли саҳифаларини бадий ифодалаш хусусияти устуворлик қилади. Бинобарин, О.Ҳожиёвнинг бағишлов характеридаги “Нажот” дostonида Навоий нигоҳи билан яқин ўтмишимизга назар солинган бўлса, Ш.Қурбоннинг “Сўз йўли” дostonида эса Навоийнинг “сўз йўли” – ижод билан машғул жараёнлари бадий акс эттирилган.

Ойдин Ҳожиёвнинг «Нажот» дostonи буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишлаб ёзилган [1,286]. Ундаги иккита қисм Навоийга бағишланган. «Қирқинчи кути тилсими» деб аталган афсона шахсга сиғиниш йилларида араб имлосида битилган кўплаб дурдона асарлар ёқиб юборилиши воқеаларидан сўзлайди. Унда тасвирланишича, Мавлавихон арабчада

битилган китоблар ёндирилаётган бир пайтда жуда кўп ноёб китобларни кўмади. Лекин Алишер Навоийнинг девонини «дафн» этарга журъат топмайди ва уни бир қизчага тугунча қилиб беради.

*Норасида хўрсинди хомуш,
Ақли етмай бирор таббирга,
«Алҳамду»ни айтди фаромуш [1,296].*

«Алҳамду» дейилганда «Фотиҳа» сураси назарда тутилмоқда. Қизчага новдан ўтишда товушқон, тўрғайлар ёрдам берадилар. У ҳалиги тугунчани Шўравотнинг боғбони Фармон бобога топширади. Фармон бобо китобни «боғ тўрида назардан ниҳон қирқинчи бол қутига солади». Шу йўл билан Навоийнинг девонини асраб қоладилар. Ҳар сафар асал йиғиш мавсумида охириги қути очилмас эди. Фармон бобо:

*– Ҳазратимнинг ўлмас сўзлари
Беҳроқ асалари сутидан, – дейди [1, 297].*

О.Ҳожиева дostonнинг сўнги қисми «Хатар водийсидан фасона»ни 1980-йилларидаги мақсадсиз афғон уруши фожиаларига бағишлади. Бу қисмдаги энг кулминацион, асарга афсонавий руҳ бағишлаган нуқта – шоиранинг Навоий руҳини сўзлатишидир. Чунки Алишер Навоий туғилиб ўсган заминда «Ажал кузгунлари навқирон йигитларга чангал урганда, улуғ шоир гўрида тикка турди». Бундай хунрезликлар унинг юртида содир бўлаётганидан руҳи безовталанди:

*Қандай чидаш бердинг, пули Ҳайратон,
Ўтди кун қамалган тобутлар ҳайрон.
Далва-далва танлар ўтди лахта қон,
Қулоқ-бурни кесик Широғим менинг [1,316].*

Шукур Қурбон «Сўз йўли»дostonида Алишер Навоийнинг ҳаёт йўлини тасвирлашни кўзламайди, балки унинг мумтоз асарлари бағрида яширинган маъноларни англашга чоғланади. Шу боис у Алишер Навоий ҳаётига дахлдор бўлган маълум бир кичик эпизодларнигина асарга олиб киради ва уни халқ ривоятлари асосида акс эттиради.

«Муҳокамат ул-луғатайн» чизгилари тасвирланган «Биринчи кўшиқ» қисмида Алишер Навоийнинг ижод жараёнини ишонарли тасвирлаш мақсадида «Дилором билан китобий муомала» ривоятига мурожаат қилинган [2,52-53]. Халқ ўртасида Навоий ҳақида тарқалган миш-мишларни кузатиш мақсадида Султон Ҳусайн ясовул билан бирга шоир хужрасига ташриф буюради. Улар ҳайратли бир манзарага: Алишер Навоий «Сабъаи сайёр»нинг тайёр байтларини овоз чиқариб ўқиётган ҳолатига гувоҳ бўладилар. Ишқий мавзудаги «Сабъаи сайёр» дostonини баланд овозда ўқигани учун бир гуруҳ одамлар уни айш-ишрат билан машғул деган хулосага келган эдики, аслида эса буюк шоир шуурида туғилган сатрларнинг оҳангдорлиги, таъсирчанлиги устида ишлаётган лаҳзаси эди. Мазкур ривоятни асар мазмунига сингдириш орқали Шукур Қурбон Алишер Навоийнинг ҳақиқий ижодкор сифатидаги қиёфасини ёрқин акс эттирмоқни кўзлайди.

Асардаги яна бир ривоят Султон Ҳусайн Бойқаронинг Алишер Навоийга жиловдорлик қилгани воқеаларига бағишланган. Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида келтирилган ривоятда айтилишича, Алишер Навоий «Хамса»сини ёзиб тугатгандан сўнг уни ўтмиш шоирлари анъанасига мувофиқ биринчи бўлиб мамлакат ҳукмдори, яқин дўсти – Ҳусайн Бойқарога тақдим этган. У эса буюк шоирга эҳтироми ва ҳурмати рамзи сифатида Алишер Навоийни отга мингаштириб, жиловдорлик қилган ҳолда халқ орасидан олиб ўтган:

*Аҳли маъни ҳайрон боқар, эл ҳайрон,
Жиловдор – шоҳ, султони соҳибқирон
Тилга ҳурмат – шоҳни гадо айлаган*

Шоирни шоҳ айлага

Қадни расо айлаган [3,108].

Шукур Қурбон Алишер Навоийнинг «сўз йўлини», унинг туркий тилга бўлган буюк муҳаббатини бадиий таъсирчанлик билан тасвирлашга эришган.

Юқорида таҳлил этганимиз дostonлар охорли жихатлари билан алоҳидалик касб этади. Бинобарин, Ойдин Ҳожиёвнинг “Нажот” дostonидаги бадиий лавҳаларда улуғ сиймонинг тийран нигоҳи орқали ўтган аср фожиалари баҳоланади. Шукур Қурбоннинг “Сўз йўли” дostonида эса Алишер Навоийнинг ижод онлари ривоят воситасида очиб берилган. Бу ҳаётий жараёнлар ифодаси эса бугунги ўқувчи учун ибрат вазифасини ўтайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳожиёва О. Кўзимнинг оқу қораси. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. –342 б.
2. Эл деса Навоийни. Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳақидаги ривоятлар. (Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи М.Жўраев). –Тошкент: Чўлпон, 1991. –154 б.
3. Қурбон Ш. Сўз йўли. Тарихий дoston // Шарқ юлдузи.- Тошкент, 1991.- № 2. –Б. 97-109.

НАВОИЙ НАВОСИДАН БАҲРА ОЛИБ

Дилшод ҒАЙИПОВ

(УрДУ)

Алишер Навоий ижоди ўзидан кейинги шоирлар учун ибрат мактаби бўлган. Хусусан, Хоразм шоирлари ижодида ҳам Навоий анъаналари муносиб тарзда давом эттирилган. Алишер Навоийнинг хоразмлик шоирлар ижодига таъсири хусусида В. Абдуллаев, Ғ. Каримов, Р. Мажидий, Ю. Юсупов, С. Долимов, Холид Расул, А. Ҳайитметов, А. Абдуғафуров, О. Қосимхўжаева, М. Салаева, Ҳ. Абдуллаев ва бошқалар ўзларининг Хоразм шоирлари ҳақидаги тадқиқотларида тўхталганлар.

Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий (1809-1874) ижодида Алишер Навоий шеърини руҳи яққол кўзга ташланади. “Муҳаммад Ризонинг шеърини сирларини мукамал эгаллаб йирик ижодкор сифатида камол топишида, асарларининг бадиий етук ва гоёвий халқчил руҳ эгаллашида улуғ Алишер Навоийнинг таъсири, айниқса, самарали бўлди”,³⁴⁷–деб ёзган эди адабиётшунос Абдурашид Абдуғафуров. Дарҳақиқат бу таъсири Огаҳий ҳам эътироф этган эди:

*Огаҳий, ким топқай эрди сози назмингдин наво,
Баҳра гар йўқтур Навоийнинг навосидин санга?!*

Навоий ижоди Огаҳийга шу қадар чуқур таъсир этганки, даставвал девонлар дебочаларидаёқ ўхшашлик сезилади. Маълумки, илмий манбаларда Навоийни девон тузишга Ҳ. Бойқаро, Огаҳийни Муҳаммад Раҳимхон Феруз ундагани таъкидланади. Бу ҳолат дебочалардаги маснавийларда кўзга ташланади. Адабиётшунос А. Абдуғафуров бу ўхшашлик ҳақида қуйидагича фикр билдирган: “Ўрни келганда айтиб ўтайликки, Феруз “хитоби”нинг баёни сифатида битилган бу маснавий “Ҳазойин ул маоний” дебочасида Ҳусайн Бойқаро номидан девон тартиб бериш масаласида Навоийга “юборган ҳукми”нинг мазмуни келтирилган маснавийга эгизакдек ўхшашдир. Умуман, Навоий дебочалари билан “Таъвиз ул-ошиқин” дебочаси ўртасида ўзаро катта яқинлик мавжудки, бу махсус текширишни талаб қилади”³⁴⁸. Бу фикрлар Огаҳийнинг Навоийга издошлиги дебочалардаёқ акс этганини кўрсатади.

347

348

Маълумки, Огаҳийнинг “Таъвизу-л-ошиқин” девони Шарқ адабиётида девон тартиб беришнинг барча талабларига жавоб беради. Бу ҳол, бу каби мукамаллик мумтоз адабиётимиз тарихида кам учрайдиган ҳодисалардан. Огаҳийнинг бундай юксак мавқега эга бўлишида Навоийнинг хизматлари катта. Навоий ғазалларига боғланган назира, татаббуълар Огаҳий бадиий маҳоратининг навоиёна ифодасидир. Дарҳақиқат, татаббуънавислик шеърятдаги анъананани давом эттириш, издошлик ва қайта яратиш демакдир. Адабиётшунос Б. Файзуллаев: “Татаббуънавислик анъана, яқинлик ва маҳорат учлиги билан боғлиқ фаолиятдир”³⁴⁹ – дея баҳолаган эди. Огаҳий татаббуънависликни муносиб давом эттирган шоирдир.

Алишер Навоий ёзади:

*Гар аламимга чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?
Вар ғамима шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай?*³⁵⁰

Алишер Навоийнинг “Наводир ун ниҳоя” девонидан ўрин олган 806-рақамли бу ғазал оҳангдорлик ва мазмун жиҳатдан ўзига хосдир. Ғазалда радд ул – матлаъ санъатидан унумли фойдаланилган. Яъни ғазалнинг биринчи мисраси мактада ҳам яқунловчи мисра бўлиб такрорланади. Огаҳий эса ушбу ғазалга мазмун ва шакл жиҳатдан уйғун асар ярата олган. Шунингдек, у ҳам айнан радд ул-матлаъ санъатидан фойдаланган. Огаҳий куйидагича ўхшатма қилади:

*Ашкима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?
Оҳима ҳам шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?*

Навоий ва Огаҳий ғазалларидаги мавзу ва ғоявий йўналишда ҳам ҳамоҳанглик кўзга ташланади. Шоирлар фикр ва қарашларида ҳам ўхшашлик бор. Навоий шеърятдаги Комил инсон ғояси, тасавуфга муносабат ва бошқа масалаларда ҳам яқдиллик сезилади.

Ишқ мавзусида сўз кетганда эса бу икки даҳо ижодкор шеърятдаги куйидаги байтлар ҳамоҳанглик касб этади: Навоий ёзади:

*Эй Навоий, ишқ атворини ҳифз айлай деган,
Барча ишини тарк этиб, қилсин бизнинг девонни ҳифз*

Огаҳий эса:

Огаҳий ҳолини гар ишқ ичра билмак истасанг,

Чашми ибрат бирла дардангез девонимга боқ, – дейиш билан шогирдлик каломини битган.

Огаҳийнинг Навоий ғазалларига битилган татаббуъ, назиралари мазмун, шакл, жиҳатдан ўхшашликка асосланади. Ғоя ва мавзу муштараклиги, баъзан радиф ўхшашлиги сақланади. Қофия эса бошқача бўлади.

Алишер Навоийнинг “Дейин” радифли бир қанча ғазали бор. Бу ғазаллар мазмун ўзига хослиги, ифоданинг раволиги билан ажралиб туради. Огаҳий ҳам Навоийнинг “Дейин” радифли ғазалига татаббуъ боғлаган. Навоий “Қоши ёсинму...” деб бошланувчи ғазалида маъшуканинг портретини чизиш билан унинг сифатларини ҳам келтиради. Ёрга нисбатан “қоши ёсинму”, “кўзи қаросинму”, “дарди балосинму”, “кўзи қаҳринму”, “киприки захринму”, “рухсори сафосинму”, “ишқи дардинму”, “ҳажри набардинму”, “васлининг давосинму”, “зулфи доминму”, “лаъли каломинму” дейин каби ибораларни қўллаб гўзал тасвир яратган. Шоир бетакрор ўхшатишлар, ўзига хос топилмалар билан риторик сўроқлардан фойдаланган ҳолда ғазалнинг таъсирчанлигини оширган. Ҳатто ёрнинг қадди қомати, кийимидан ҳам ҳайратланганини билдиради ва “қадди ниҳолинму”, “гулранги қабосинму дейин” дейиш билан ифодада оҳангдорликни оширган. Ушбу ғазал бу жанрнинг гўзал намунаси бўлиб, ғазали мусажжаъ турида ёзилган. Ташбеҳ, радд-ул матла каби шеърӣ санъатларда фойдаланиб, ўзининг бадиий маҳоратини яна бир бора намоён қила олган.

349 Алишер Навоий. МАТ. 2-том. Наводир-ун ниҳоя. Тошкент. 1987. 557-бет.

350 Огаҳий. Таъвизу-л-ошиқин. Тошкент-2014. 287-бет.

Шоирнинг “Қатра терлардан юзинда дур нишонинму дейин?” мисралари билан бошланадиган яна бир ғазалини юқоридаги ғазалнинг мантикий давоми дейиш мумкин. Чунки ушбу ғазалда Навоий энди ёрнинг ташқи сифатларини эмас, унинг ботини ҳамда лирик қахрамон ўзининг ички кечинмаларини қаламга олади. Навоийнинг бу икки ғазали Огаҳийни хайрат уммонига етаклаган ва у ҳам гўзал асар битган. Устоздан илҳомланган шоир “Дейин”³⁵¹ радифли ғазалида “ул шўхнинг хусни камолинму”, “зори ҳолинму”, “боғи жамолинму”, “кокили сунбул мисолинму”, “икки лабида икки ҳолинму”, “қошининг ҳилолинму”, “чобук ғизолинму”, “ширин мақолинму”, “қилган саволинму”, “афзо зилолинму”, “базми висолинму”, “базми ҳолинму”, “айши камолинму” дейин каби иборалар билан шогирдлик каломини айтган. Навоий ғазалининг вазни, радифи, ифода жозибадорлигини сақлаган Огаҳий устозидан фарқли равишда радд ул-матладан фойдаланмаган. Ғазали мусажжаъ шаклида ёзмаган.

Навоий ва Огаҳийларнинг нафақат ошиқона мавзудаги ғазалларида, балки ижтимоий, ирфоний мавзудаги, табиат тасвирига бағишланган ғазалларида ҳам ўхшашлик бор. Жумладан, Навоий “Чор девон”ининг “Бадоеъ ул-васат” девонидаги 149-ғазал билан Огаҳийнинг “Мулку миллатга амин ўлса агар огаҳлар” деб бошланувчи ғазали мавзу ва ғоя, шакл жиҳатидан ўхшашдир. Алишер Навоий ижтимоий мавзудаги бу ғазалга ишқ ва ошиқлик ҳақида ҳам мисралар қўшган. Огаҳий ғазали эса тўлалигига ижтимоий мазмунда. Навоий ёзади:

*Улки солгай шуъла аъзосига ўтлуғ оҳлар,
Қайда билгай куймакин зарбафт кийган шоҳлар.*

*Бағридин қон томғучи ушшоқ захмин билмагай,
Тиғидин қон томғучи бераҳм олий жоҳлар*³⁵².

Навоий “зарбафт” кийган шоҳлар ўтда куйишини, шуъла аъзосига ўтли оҳ солишини, улар дод-фиғон чекиши ҳақида биринчи байтда фикр билдиради. Бу билан шоир “зарбафт кийишдан” кўра ички гўзалликка, қалб чиройига, эзгу ишларга эътибор қаратиш лозимлигини уқтиради. Иккинчи байтда эса “бағридин қон томғучи ушшоқ” билан “тиғидин қон томғучи бераҳм олий жоҳлар” бир-бирига қарама қарши қўйилади. Ошиқлар улуғланади, жохиллар эса қораланади.

Огаҳий эса бу назира ғазалининг дастабки икки байтида қуйидагиларни ёзади:

*Мулку миллатга амин ўлса агар огоҳлар,
Икки олам обрўйин ҳосил этгай шоҳлар.*

*Ваҳ, нечук маҳкам бўлур ул шаҳга давлат қасриким,
Бўлмаса аркони онинг кўҳна давлатхоҳлар*³⁵³.

Шоир бу мисраларда ҳамиша огоҳ ҳукмдорни улуғлайди, ундай шоҳга икки дунё саодати насиб бўлишини ёзади. Агар подшонинг аркони давлати узоқни кўра биладиган, кўпни кўрган “давлатхоҳлар” бўлса, бундай юртнинг давлат қасри мустаҳкам бўлиши ифода этилади.

Огаҳий кейинги байтларда ҳам фикрларини ривожлантиради. 11 байтли бу ғазални мустаҳкам давлат тузишнинг кичик “низомини” дейиш мумкин. Шоир кейинги байтларда “мулк умрининг низомини биладиган сипоҳлар”, давлатнинг ору номуси бўладиган ғуломлар ҳақида ёзади. Шунингдек, ўздан ўзгани кўра олмайдиган худбин, жохиллар, ўз нафси учун эл молини сарф этадиган авбошлар ҳақида бонг уради. Подшо юқоридаги каби салбий ҳолатлардан огоҳ бўлиши лозимлигини уқтиради:

*Ғофил ўлса шаҳ агар мулку сипоҳ аҳволидин,
Бошга иш тушканда суд этмас фиғону оҳлар.*

351 Огаҳий. Таъвизу-л-ошиқин. Тошкент-2014. 249-бет.

352 Навоий. МАТ. 5-том. Бадоеъ-ул-васат. Тошкент-1990. 133-бет.

353

353 Огаҳий. Таъвизу-л-ошиқин. Тошкент-2014. 119-бет.

*Огаҳий, қил шоҳи огоҳинг дуои давлатин –
Ки, онга аркони давлатдур ҳама огоҳлар.*

Огаҳийнинг ушбу асари воқеабанд ғазаллар сирасига киради. Навоийнинг Огаҳий ғазалига асос бўлган бу ғазалини эса пароканда шаклда дейиш мумкин. Бойси Навоийнинг 7 байтли ушбу ғазалида барча байтларни огоҳлик тушунчаси бирлаштира-да, мазмунан парокандалик бордек назаримизда. Жумладан:

*Шиддатин Фарҳод қилгай фаҳм, йўқ Парвезким,
Дардни ҳокилар англар, йўқ фалак даргоҳлар.*

*Жону кўнглум кирдилар ғам даштига гум бўлгали,
Мен ҳам эттим азм, чун азм эттилар ҳамроҳлар.*

Ғазалнинг бешинчи байтида ҳижрон дардидан огоҳлар бир ғамгинни ҳижрон ўрташидан, ўлдиришидан огоҳ бўлиши ҳақида бўлса, еттинчи байтда эса яна шоҳ ва унинг масъулияти масаласига қайтилади:

*Эй Навоий, шоҳларга чун гадолар фикри йўқ,
Этқил ҳам тенгри даргоҳига шайаллоҳлар.*

Навоийнинг асос ғазаллари билан Огаҳийнинг татаббуъларини қиёслаб, бемалол айтиш мумкинки, шоир назира ғазал талаби ва табиатига чуқур масъулият билан ёндашган ва адабий анъанага ижодий муносабатда бўлиб, юксак маҳоратини намоён қилган.

Огаҳийнинг Навоий асарларига татаббуъ шаклда ёзган кўплаб ғазаллари бор. Булар қаторига “Пайдо”, “Санга”, “Айлаб”, “Экан оё”, “Йигит”, “Ҳадис”, “Нетай”, “Шамъ”, “Тамаъ” каби ўнлаб ғазалларини киритиш мумкин.

Огаҳийнинг “Таъвизу-л-ошиқин” девонидаги ғазал, рубоий, мухаммас, мусаддас, маснавий, туюқ, қасида, чистон, қитъа ва бошқа жанрлардаги шеърларида ҳам Навоий услуби ва руҳи етакчилик қилади. Огаҳий девонидаги мухаммасларнинг 33 таси Навоий ғазалларига битилган. Бу ҳам туркигўй шоирлар орасидан энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Хуллас, Огаҳий улуғ шоир Навоий анъаналарини муносиб давом эттирган. Бу ижодий издошлик девонга дебеча битиш, татаббуъ, назира ғазаллар ёзиш, мусамматнинг турли шаклларида ижод қилиш ва улардан тазмин сифатида мисралар олишда, тахмислар боғлаш, чистон, рубоий, қитъа каби кичик жанрлар бадииятида кўринади.

“ҲАМСА” АСАРИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ИНСОН МАСАЛАСИГА ЁНДАШУВИ

**Мафтуна ҒАНИЕВА,
Нилуфар МУРОДИНОВА**
(ГулДУ)

Буюк инсонпарвар шоир ўрта асрдаги Уйғониш даврининг бошқа улуғ зотлари сингари бутун ҳаётида ҳақиқий инсон қандай бўлиши лозимлигини кўрсатди. У ўз давридаги ноҳақликка, адолатсизликка қарши курашди ва буни ўз асарларида ифодалади. Шунинг учун бўлса керак, шоирнинг шахсий намуна бўлганлиги ўз навбатида унинг асарларидаги инсонпарварлик ва эзгулик ғояларининг ўзига хос талқинини юзага келишига сабаб бўлди.

“Хамса” асари Алишер Навоийнинг шоҳ асаридир. Навоий она тилидаги адабиётга мумтоз “Хамса” анъанасини олиб кирди. Навоий “Хамса”си XV асрдаги халқимиз маънавий тараққиётининг кўзгуси бўлиб, унда ўша давр турмуши, халқ ҳаёти, дин ва диёнат, одоб ва ахлоқ ҳақидаги қарашлар ўз ифодасини топган ва ўз навбатида бошқа “Хамса”лардан фарқ қилган алоҳида хусусиятлар асосида бўлган инсонийлик ва бошқа эзгулик ғояларининг талқинига эга.

Навоий «Хамса»си ажодларимиз маънавий ҳолатининг кўзгуси бўлиб, унда ўтмиш даври ижтимоий турмуши, халқ ҳаёти, урф-одатлари, дин-диёнат, ахлоқ-одоб ҳақидаги қарашлар ўз аксини топган. Навоий «Хамса»си бир-бири билан ич-ичидан мустаҳкам боғланган бешта дostonни ўз ичига олувчи яхлит асардир. Буюк шоир унда замонасининг барча долзарб масалаларини қаламга олади. Мундарижавий дoston бўлмиш «Ҳайрат ул-аброр»да шоир умр, унинг мазмуни, табиат, жамият ва инсон муносабатларига доир саволларни қўйса, кейинги дostonларда муайян тақдирлар, воқеалар мисолида уларга жавоб беришга ҳаракат қилади. “Хамса” дostonларидаги муқаддималар дostonлар воқелигига шунчаки анъанавий кириш қисми бўлмай, балки дostonлар мундарижаси учун очкич вазифасини ҳам ўтайди. Шу маънода муқаддималарда келтирилган фикрларга алоҳида эътибор бериш дostonлар тағзаминида яширинган рамзий маъноларни очишга ёрдам беради. Айнан муқаддимада буюк мутафаккирнинг олам ва одам, табиат, кишилик жамияти, умр ва унинг мазмуни ҳақидаги фалсафий-ахлоқий қарашлари, ижодкор сифатидаги буюк салоҳияти у қўллаган бадиий тимсоллар, ташбеҳ-у тамсиллар воситасида бутун бўй-басти билан намоён бўлади.

Навоий ижодида энг асосий инсонпарварлик ва эзгулик ғояларининг ўзига ҳослик томони шундаки, ўзи яшаган давргача фаолият юритган барча мутафаккир ва ижодкорлардан фарқли равишда илоҳийлик ва дунёвийлик тамойилини уйғунлашиб кетганлигидадир. Илоҳий ғоялар, тимсоллар унинг учун инсон ҳамиша интиладиган идеал олам бўлса, дунё шу идеал оламнинг кўзгуси, ибрат ва сабоқ майдони. Зеро, инсонда коинотнинг, илоҳий оламнинг ҳикматлари, моҳияти акс этган. Айниқса, бу борадаги қарашлар «Ҳайрат ул-аброр» дostonини асосини ташкил этади. “Неки олами куброда бор – олами суғрода бор”, - дейди Навоий ушбу дostonида. Олами кубро - катта олам, яъни коинот, борлик Олами суғро-кичик олам, яъни инсон. Бундай қараш аслида Одам Атонинг яратилиши ҳақидаги ривоятга бориб тақалади. Одам Ато, Қуръони каримда айтилишича, тупроқдан яратилиб, кейин унга Аллоҳ ўз руҳини юбориб, жон ато этади. Демак, инсон модда ва рух ёки ёки табиат ва илоҳдан вужудга келган. Шу боис инсон тийнатиининг ўзида мажоз ва ҳақиқат, илоҳийлик ва дунёвийлик мужассам.

Шуни айтиш ўринлики, ҳазрат Навоий «Ҳайрат ул-аброр» дostonида тасаввуф фалсафасидаги ахлоқ, хулқ-одоб қоидалари, инсонпарварлик ва одамийлик, нафсни тийиш, адолат ва маърифат, табиат ва инсонни севиш, уларни эъзозлаш, таълим-тарбия тўғрисидаги ғоялардан унумли фойдаланди. Бу ғоялар мутафаккирнинг бошқа ғазал ва рубоийлари, дostonлари, насрий асарларига ҳам сингиб кетган. И.Ҳаққул таъкидлаганидек, “Навоийнинг тасаввуфга ёндашуви ва бу таълимотдан кўзда тутган мақсади – шахс ва миллат тақдирига масъул, юрт тараққиётига сув ва ҳаводай зарур тушунчаларнинг истиқболи учун ёниб курашган, ҳақиқатни фақат таниш эмас, ҳақиқатни севиш салоҳиятини ҳам кўзлаган мутафаккир санъаткорнинг ёндашув ва мақсади эди”.

Мутафаккирнинг умуминсоний мазмунга эга бўлган гуманистик қарашлари ислом фалсафасидан озикланган бўлиб, аллома ўзининг асарларида унинг диний ва дунёвий жиҳатлари, зоҳирий ва ботиний томонларини ҳар томонлама ривожлантирган.

Алишер Навоийнинг “Хамса”га кирган дostonларининг ҳар бирида инсонпарварлик ғоялари яққол намоён бўлади. Унинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Садди Искандарий” ва бошқа дostonларидаги Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Искандар, Суқрот, Афлотун тимсолларида ватанпарварлик, инсонпарварлик каби юксак ахлоқий фазилатлар, олийжаноб қадриятлар жамланган. Бу образлар алломанинги ижтимоий-фалсафий, ахлоқий ва гуманистик қарашларига мос ҳолда баён қилинади. Ҳазрат Навоий одамийлик, вафодорлик, меҳр-оқибат, халқ ғамида яшаш, унинг фаровонлиги, бахтсаодати йўлида хатто жонини фидо қилиш, хайр-эҳсон, ўзгаларга саҳийлик қилиш каби фазилатларни

хамма нарсдан юқори кўяди. Мутафаккир бу билан инсонни, унинг хислатларини улуғлайди, уни бошқа жонзотлардан аъло эканлигини ишонарли тарзда исботлаб беради.

Хулоса қилиб айтганда, ҳазрат Навоийнинг ҳаётда қилган ишлари, давлат арбоби сифатидаги фаолияти, халқнинг турмушини яхшилашга, оғир қисматини енгиллаштиришга қаратилган савобли ва хайрли ишлари, “Хамса” сининг мазмун-моҳияти умуминсоний ва гуманистик руҳ билан суғорилган. Мутафаккир инсонпарварлик тушунчасига ижтимоий мазмун беради. Ушбу дostonида камтарлик, вафодорлик, нафси тийиш, ростгўйлик, сахийлик, донолик, мухтож ва етим-есирларга ёрдам бериш, бағрикенглик, мулойимлик, ширинсуханлик, шижоаткорлик, эзгулик, меҳр-мурувват, раҳмдиллик, одамийлик - буларнинг ҳаммаси инсонпарварликнинг таркибий қисми бўлиб, инсонни камолот сари эзгуликка етаклайди.

ЁШЛАРНИ КОМИЛ ИНСОН ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШДА АЛИШЕР НАВОИЙ ТАСАВВУФИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎРНИ

**Нодира ҒОЗИЕВА,
Комила ШОЙИМОВА**
(ЎзДЖТУ)

Тасаввуф – сабр-қаноат, заҳмат, риёзат билан покланган руҳ ва вужудни оллоҳ ишқига бағишлаб, юракни мосуводан бутунлай халос айлаб, фақру фано завқ-шавқи билан яшаш демак. Тасаввуфнинг туб асосида инсон зотига марҳамат, муҳаббат ва хизмат ётади. Тасаввуф аҳли ҳар қадам, ҳар нафасда инсонни жўн, саёз тушунчаларни ботиндан супуриб ташлаш, руҳни нафс танбаллигидан, макр, риё, кибр ва ҳар турли майдақашликлардан қутқазиб чора-тадбирларини кўрсатади. Шарқнинг кўп буюк шоир, адиблари тасаввуфий маъно ва ҳақиқатларнинг бадиий талқинларини яратиш орқали бутун башариятга хизмат қилишни кўзлаганлар. Хусусан, А.Навоий ҳам расман нақшбандия тарикатига кирган бўлса-да, ҳаётда ҳам, ижодда ҳам тасаввуфнинг илм ва ирфон жиҳатига таянган. Улуғ шоир ахлоқ тарбиясида алоҳида натижаларни қўлга киритиш, тафаккурни маҳдудлик, қоқоқлик, ёвузлик исканжаларидан озод қилиш, руҳ ва кўнгил сир-асрорини кашф этишда ҳақиқий ишқ ва маърифатдан шу қадар моҳирлик билан фойдаланганки, унинг ҳар бир байтида инсоният манфаатлари ёқланган.

“Улуғ шоир ўзи ҳақида, “мен”и тўғрисида гапирар экан, умуман инсоният ҳақида гапиради, негаки унинг табиатида инсониятга хос ҳамма нарса мавжуд”, – дейди В.Т.Белинский.

Ҳазрат Навоий асарларида тасаввуф фалсафасидаги ахлоқ, хулқ-одоб қоидалари, инсонпарварлик ва одамийлик, нафси тийиш, адолат ва маърифат, табиат ва инсонни севиш, уларни эъозлаш, таълим-тарбия тўғрисидаги ғоялардан унумли фойдаланди.

Инсонни камолотга етакловчи фазилатларни ниҳоятда қадрлаган ва ўз асарлари билан тарғиб ва ташвиқ қилишдан чарчамаган улуғ Навоий ҳар томонлама камолотга интилган ёшларнинг, шогирдларининг ҳаракатидан чексиз қувонган. Уларнинг ҳаётда, ижодда яхшиликка олиб борувчи фазилатларини, интилишларини ўз асарларида бирма-бир санаб, урғу бериб, замондошларига ва келажак авлодга ибрат учун ёзиб қолдирган.

Навоий каби мутафаккирларнинг асарларида таълим-тарбия, ўқиш-ўқитиш, ўрганиш, устоз-мураббийлар меҳнати, ҳақи, шогирдлар, ота-оналар, маърифат, маънавият ҳақидаги ижтимоий, фалсафий, сиёсий, бадиий фикрлари, умуминсоний ғоялар мужассамлашган.

Шоир асарларида инсониятнинг юксак идеалларини куйлади, нафақат куйлади, балки ўз идеаллари учун курашди ҳам.

Алишер Навоий имонни инсонликнинг бош белгиси дея таъкидлайди. У имон деганда тақлидий эмас, ҳақиқий имонни назарда тутди. Шоир риёкорлик, сохтакорлик ва иккиюзламачиликлар би-

лан асло келишаолмайди. Бунга “Шайх” радифли ғазали ва “Маҳбуб ул-қулуб” даги “риёкор шайхлар ҳақида” ги қарашларини мисол қилиш мумкин.

Навоийнинг илоҳий ишқ, фақру фано ва соф ирфоний тушунчалар ёритилган ғазалларидаги қош, кўз, лаб, хол каби ўнлаб поэтик образлар Оллоҳ ва комил инсон ўртасидаги алоқа ҳамда бирлик ҳолатларидан қайта-қайта хабар етказиб турадики, фаҳм-фаросати ўткир китобхон моҳиятан ўзининг маъшуқи азалдан ажрата олмаслигига дилдан иқрор бўлади. Навоий фикрича, инсон қанча буюк бўлса, унинг ҳаётга муносабати ҳам, шунча теран ва залворли, қалби шунча нозик ва нажиб туйғуларга бой бўлади. У ўзига ўхшаган юксак дидли, қайноқ қалбли, маънавий олами бой, денгиздай беҳудуд ва гулдай нозик, наводай дилрабо дили бор инсонларни кўмсайди. Шоир “ёр” деганда ана шундай буюк, комил инсонларни назарда тутган. Комил инсон “бир томондан, жами руҳий-маънавий қудрат, ақлу заковат, яхши сифатларнинг жамулжами ҳисобланган мавҳум бир зот тушунчаси, иккинчи томондан, шу чўққига интилиб муайян мартабаларга эришган киши ҳам комил инсон деб ҳисобланган”.

Алишер Навоий комил инсон тўғрисида бутун бир таълимот яратди. Унинг насрий ва назмий асарлари, ғазаллари, “Хамса”га кирган дostonлари, “Насойим ул-муҳаббат”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Мажолис ун-нафоис”, “Лисон ут-тайр” ва бошқаларда комил инсон қандай бўлиши кераклиги, қайси фазилатларни эгаллаши лозимлиги ҳақидаги фикрлар ҳар томонлама ёритиб берилган. Улуғ мутафаккирнинг “Фарҳод ва Ширин”, «Лайли ва Мажнун» дostonида ҳам тасаввуф таълимоти нуқтаи назаридан бадиий тимсолларни талқин қилиш муҳим ўрин эгаллайди. Дostonда Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун ўртасидаги севги-муҳаббат мажозий ишқ, яъни Ширин, Лайлилар сиймосида Аллоҳга бўлган ишқ бир-бири билан боғланиб кетган. Унда зоҳирийликсиз илоҳий ишққа, дунёвийликсиз Ҳаққа етишиб бўлмаслиги тўғрисида фикр ётади.

Хулоса тариқасида шуни айтиш мумкинки, биринчидан, Навоий назарида комил инсон хаёлий бир тимсол эмас, балки ўзида бутун зоҳирий ва ботиний билимларни, инсоний фазилатларни мужассам этган реал ҳаётда бор киши. Иккинчидан, Навоий учун Муҳаммад Пайғамбар бошқа набийларга нисбатан юксак даражада камолга етган улуғ зот. Учинчидан, ахлоқий поклик, нафсни тийиш, жабрзулм, адолатсизлик, ҳақсизлик сингари ҳаёт қийинчиликларига қарши курашиш Фарҳод инсонпарварлигининг ўзагини ташкил қилади ва комил инсон сифатида шаклланишининг асоси бўлиб хизмат қилади. Унда нақшбандийлик тариқатининг, футувват, яъни жавонмардлик оқимининг таъсири сезилади. Тўртинчидан, шўролар даврида Навоий дostonларидаги икки ёшнинг бир-бирига муҳаббати фақат дунёвий, зоҳирий нуқтаи назардан талқин қилинди, ваҳоланки, комил инсон ғоясини таҳлил қилганда, унинг дунёвий ва илоҳий, зоҳирий ва ботиний жиҳатлари, уларнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигини ёритиш зарур масалалардан биридир.

«БОБУРНОМА»ДА НАВОИЙ СИЙМОСИ

Элмира ҲАЗРАТҚУЛОВА

(ЖизДПИ)

Алишер Навоийга замондош бўлиб яшаган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асаарида бу улуғ мутафаккир шахси ва фаолиятининг турли қирралари ҳақида ўн олти ўринда тўхталиб, муҳим фикрлар билдириб ўтган. Бобурнинг даҳо ижодкорга муносабати ва мушоҳадаси ўзига хослиги билан бошқа тарихнависларникидан тубдан фарқ қилади. Навоий номи илк бор асарнинг дастлабки саҳифалариданоқ (2б) Андижон шаҳри тасвирида тилга олинади: *«Эли туркдир. Шаҳри ва бозорисида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била росттур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти, бовужудким Ҳирида нашъу намо топибтур, бу тил биладур»*. Шаҳар аҳлининг

этниқ белгиси, яъни тилини аниқ изоҳлаш мақсадида Навоий асарларининг бадиий тили ибратли далил тариқасида келтириб ўтилиши унга хос услубнинг халқоналиги ва соф туркийлигини ҳам намоён этиб туради. Шунингдек, Султон Аҳмад Мирзо тасвирида унинг уламолари бирин-кетин таништирилаётган ўринда, Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибекка хос хусусиятлар тўлақонли очиб берилиши учун ҳам Навоий ҳақидаги қуйидаги мухтасар маълумотлар киритиб ўтилган: «*Мир Алишер Навоий Ҳиридин Самарқандга келган фурсатлар Аҳмад Ҳожибек била бўлур эди. Султон Ҳусайн мирзо подшоҳ бўлгондин сўнгра Ҳирига келди. Асру улуг риоят топди*». Демак, Аҳмад Ҳожибек сифатларини таърифлашда унинг Навоий билан яқин дўстлигини билдириш орқали ундаги фазилатлар Навоийга ҳам манзур бўлганлиги ва шу боис унинг ғариблик ва мусофирликда ўтказган йилларида Аҳмад Ҳожибек елкадош, забардаст суянч бўлганлиги ҳам англашилади. Аҳмад Ҳожибек тасвири орасида яна Навоий ҳаётига тегишли қўшимча маълумотлар қўшиб кетилган: «...*Султон Ҳусайн мирзо подшоҳ бўлгондин сўнгра Ҳирига келди. Асру улуг риоят топган*»лиги ҳам аён бўлади. Бобур асарнинг тарихий воқеалар баёнида маълум бир изчилик ва тартибга риоя қилганлиги адабий жамоатчилик томонидан яқдиллик билан эътироф этилган.

1

Айниқса маълум бир ҳукмдор тасвирида унинг муаррих сифатидаги ўткир нигоҳи, нозик дид ва холис баҳо берувчи шахс сифатидаги киёфаси яққол намоён бўлади. Бирок қуйида келтирилган мисолда бевосита феодалистик урушлар гирдоби Мовароуннаҳр ва Хуросонни қамраб олган бир давр манзараси ҳикоя қилинаётган пайтда тарихчи сифатида унинг воқеа марказидан чалғиш ва бошқа бир кичикроқ ҳажмдаги нақл ёки ҳикоятнинг киритилиб кетилиш ҳолати ҳам учрайди. Масалан, ушбу тарихий лавҳада Ҳусайн Бойқаро ва Бадиъуззамон ўртасидаги низолар баён қилинаётган ўринга эътибор қаратсак: *Охир Алишербек ҳам элчиликка келди. Ҳарчанд саъй қилдилар, Астрободни инисига бермакка ризо бўлмади. Дедиким, менинг ўғлим Муҳаммад Мўмин мирзони хатна қилгонда мирзо анга бағишлабтур*», шу ўринда Бобурнинг таҳлилида унга бўлган муносабат Навоийнинг мансабдор шахс сифатидаги фаолиятига бир қур назар ташлаш орқали намоён бўлади ва Бобурнинг нигоҳи бирдан нига уруш тафсилотидан Навоий ва Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги машҳур бир суҳбатга кўчади: «...*мирзонинг тез фаҳмлигига ва Алишербекнинг риққати қалбига долдур. Алишербек сиррий сўзларни мирзога гўшаки галаба айтти. Даги дедиким: Бу сўзларни унутинг! Мирзо филҳол айттиким: Қайси сўзларни? Алишербек бисёр мутаассир бўлуб кўп йиғлади*». Бобур ва Навоий ўртасидаги муносабат, тўғрироғи, Навоийнинг Бобурга бўлган илиқ муносабати ҳақидаги қимматли маълумот фақатгина мана шу сатрлардагина сақланиб қолган: «*Бу иккинчи навбат Самарқандни олгонда, Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа ва гавго бўлди*». Бобурнинг номи «Мажолис ун-нафоис»да темурий ижодкорлар сирасида саналмаслиги, ёхуд Навоийнинг бошқа асарларида унинг тилга олинмаганлиги Бобур мактуби, қўлёзмаларидан бирортаси Навоийга етиб келмаганлигидан далолатдир.

«Бобурнома»да ҳеч бир шахар тасвири Ҳиротчалик кенг миқёсда тасвирланиб, салмоқли саҳифани эгалламаган. «*Бирга йигирма тараққий этган*» Ҳирот шаҳри хангомаларида, Хуросон ҳукмдори Ҳусайн Бойқаронинг ахлоқ ва атвори тасвирида, шунингдек, Биноий ҳақидаги лавҳаларда, Алишер Навоий фаолияти билан боғлиқ турли воқеалар моҳирона тасвирланган. Бобурнинг Ҳиротда бўлган кезлари ҳам «*Алишербекнинг уйларини тайин қилганлари, Ҳиридин чиққунча Алишербекнинг уйларида бўлган*», *Алишербекнинг тўрт девонидин бұхур, авзони тартиби била газаллар ва абётким, интихоб қилилганлиги* ҳақидаги муҳим маълумотлар ҳам ўрин олган. Кузатишларимиздан маълум бўладики, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида Алишер Навоий таърифи хос қуйидаги хусусиятлар акс этган:

-асарда Навоий Мир Алишер Навоий, Алишербек, Навоий, Фоний каби номлар билан тилга олинган;

-Навоий шахсияти билан боғлиқ турлича ҳикоятларнинг маълум бир тартибда киритилмаганли-

ги Бобурнинг воқеалар ўрнига кўра шахс, муҳит, ижтимоий тузум тасвири талабларидан келиб чиққан ҳолда ёндашганлигини ҳам кўрсатади;

-Мир Алишер Навоий ва Навоий номлари билан аталган ўринларда унинг феъли, сажиясига хос фазилатлар таҳлили устуворлик қилган;

-Бобурнинг Навоий ижодига нисбатан адабиётшунос сифатидаги адабий эстетик қарашлари асосан уни давлат арбоби сифатида ўрганган ўринларида, аниқроғи, Хусайн Бойқаро саройи амалдорлари билан қўшиб ўрганилаётган пайтда тўлақонли юзага чиққан;

-асарда Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти таҳлилида Алишербек исми анчайин баланд пардаларда жаранглайди ҳамда арбобнинг савобталаб ва фидойилиги ҳақидаги тасаввурларнинг бойитилишига ва мухтасар ва лўнда жумлалар орқали образнинг киёфаси таъсирчан очиб берилишига эришган;

-Навоийнинг «*кўп ва хўб ёзгон*»лиги Абдурахмон Жомий, Абдураззоқ Самарқандий, Муҳаммад Ҳайдар фикрларига ҳамоҳангдир, лекин мутафаккирнинг *назири йўқ эканлиги, аҳли фазл ва аҳли ҳунарға мураббий ва муқаввий Алишерча маълум эмаслиги, ҳаргиз пайдо бўлмаганлиги* Бобур эътирофининг юксак таянч нуқтаси саналади ҳамда келтирилган бошқа ибратомуз далиллар ана шу марказий фикрнинг ҳосиласидир ;

-Навоийнинг ҳасталиги билан боғлиқ ҳасби ҳол тариқасида киритилган «Бу дард илаки ўлармен...» байти у ҳақдаги жонли ҳикоянинг бадиий қувватини янада оширишга хизмат қилган.

“ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР” ДОСТОНИДАН ПАРЧАЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ

Орзигул ХАМРОЕВА
(ТошДЎТАУ)

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асарларидан парчалар эълон қилиш шоир яшаган даврдаёқ бошланган эди. Ҳазрат Алишер Навоий асарларида бир қанча асарларининг ёзилиш тарихи ҳақида маълумотлар бериб ўтгани барчамизга маълум. Шоирнинг лирик мероси, дostonлари, илмий асарларидан парчалар келтириш шоир яшаган даврдан бошлаб бугунги кунгача давом этиб келмоқда. Шоирнинг девонлари котиблар томонидан тўлиқ, терма шаклда тартиб берилди, асарларидан парчалар турли баёз ва тазкираларда эълон қилинди. Умуман олганда, ҳазрат Алишер Навоий ижодини ўрганишга бўлган муносабат қай даражада бўлишидан қатъи назар ҳеч бир даврда сусаймади.

Ҳазрат Алишер Навоий ижодига айрича муносабатда бўлган олим Абдурауф Фитрат шоирнинг ҳар бир асари устида жиддий тадқиқотлар олиб борди. “Хамса” дostonларига оид махсус изланишлар эълон қилди. Олим тартиб берган “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуаси ўз даври учун муҳим бир воқеа сифатида кутиб олинди. Фитрат “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуасида ҳазрат Алишер Навоий ижодига алоҳида ўрин ажратган. Шоирнинг “Чор девон”и таркибидан ҳар бир девондан, “Хамса” таркибидаги дostonлардан, илмий асарларидан парчалар эълон қилган. Мажмуа кенг китобхон омма-сига мўлжалланган бўлиб, олим биринчилардан бўлиб Алишер Навоий асарларни халққа тақдим этди. Фитрат йирик манбашунос ва матншунос олим сифатида шоир асарларидан парчалар беришда турли манба ва кўлёмаларга мурожаат этганини кўриш мумкин. Бугунги кунда Алишер Навоий асарлари бир неча маротаба нашр қилинди. Фитрат мажмуасида келтирилган адабий парчалар ва бугунги кун нашрлари матнида бир қанча фарқли жиҳатларни кузатдик. Бу кузатувни биргина дoston мисолида кўриб чиқсак.

Фитрат “Хамса” таркибидаги “Ҳайрат ул-аброр” дostonидан энг сара парчаларни келтиришга ҳаракат қилган. Олим парчаларни танлашда, асарнинг туб моҳиятини очиб берувчи ўринларга эъти-

бор қаратган. “Ҳайрат ул-аброр” достони Алишер Навоий асарларининг 20 томлик Мукамал асарлар тўпламининг 7-жилдидан ўрин олган. Достон 1991 йил Порсо Шамсиевнинг илмий-танқидий матни асосида А.Ҳайитметов, И.Ҳаққулов томонидан нашр этилган. Фитрат ўз мажмуасида “Ҳайрат ул-аброр” достонидан “Риёкор шайхлар тўғрисида”ги парчаларни келтиради. Сарлавҳани ҳам айни шу шаклда беради. “Ҳайрат ул-аброр”нинг тўртинчи мақолати “Ҳирқа кийган риёкор шайхлар хусуси-даким, уларнинг олдида ҳақиқий либос дегани ҳийла-найранг кийимидир, авом халққа ўргатадиган ҳақиқат ва билимлари эса ахлоқлик”³⁵⁴дир деган тушунтириш билан бошланган. Фитрат ана шу мақолатдан парчалар келтирадики, улар ўртасидаги баъзи бир фаркли жиҳатлар хусусида тўхталамиз.

1. Фонетик фарқ. Матнлар ўртасидаги фарқ унлилар орасида (а-о, и-э) ҳамда жарангли ва жаранг-сиз ундошлар ўртасида (к-г, қ-ғ, д-т, б-п), ундан ташқари, (*ва*) боғловчиси (,) тиниш белгиси ўртасида кўринади.

2. Лексик фарқ. Матнда сўзларнинг қўлланиши жиҳатидан фарқ анча қисмини ташкил қилади. Фитрат мажмуасида:

Элар анга риштайи талбис эрур

*Игна анга силати иблис эрур*³⁵⁵

7-жилдда:³⁵⁶

Элар анга иплари талбис ўдуб

*Игна анга сиблати иблис ўдуб*³⁵⁷

Фитрат мажмуасида:

*Ҳечдин ўзга нима йўқ анда ҳеч*³⁵⁸

мисраси Навоий асарларининг 7-жилдида:

*Печдин ўзга нима йўқ анда ҳеч*³⁵⁹

Фитрат мажмуасида:

*Лек бори пирига лойиқ мурид*³⁶⁰

Ҳайитметов ва И. Ҳаққулов нашрида:

*Лек бори шайхқа лойиқ мурид*³⁶¹

Фитрат мажмуасида:

*Отини масжид ата бу хонақоҳ*³⁶²

А.Ҳайитметов ва И.Ҳаққулов нашрида:

*Отини маъбад атабу хонақоҳ*³⁶³

Фитрат мажмуасида:

Кўргузуб банг яшил ранг анга

7-жилдда:

*Еткуруб банг яшил ранг анга*³⁶⁴

Фитрат мажмуасида:

*Ким ийқилиб тургани тобмай мажол*³⁶⁵

3541. А.Навоий Ҳайрат ул-аброр. 7-жилд, -Т.: Фан. 1991, Б- 49

3552. Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. Тошкент-Самарқанд. :Ўзнашр. 1928. –Б. 184

356 А.Навоий Ҳайрат ул-аброр. 7-жилд, -Т.: Фан. 1991, Б- 52

357

3581. Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. Тошкент-Самарқанд.: Ўзнашр. 1928. –Б. 185

3592. А.Навоий Ҳайрат ул-аброр. 7-жилд, -Т.: Фан. 1991, Б- 56

3603. Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. Тошкент-Самарқанд.: Ўзнашр. 1928. –Б. 185

3614 А.Навоий Ҳайрат ул-аброр. 7-жилд, -Т.: Фан. 1991, Б- 66

3625. Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. Тошкент-Самарқанд.: Ўзнашр. 1928. –Б. 185

3636 А.Навоий Ҳайрат ул-аброр. 7-жилд, -Т.: Фан. 1991, Б- 72

3647. Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. Тошкент-Самарқанд.: Ўзнашр. 1928. –Б. 185

3658. А.Навоий Ҳайрат ул-аброр. 7-жилд, -Т.: Фан. 1991, Б- 75

А.Ҳайитметов ва И.Ҳаққулов нашрида:

Ким йиқилиб қўпгали тобмай мажол

Фитрат мажмуасида:

*Текрасида ўйрулубон давр ила*³⁶⁶

7-жилдда:

Текрасида эврлубон давр ила

шаклида келади. Ундан ташқари, Фитрат мажмуаси парчаларидаги “вужд” сўзи 7-жилдда “важд” шаклида келади. “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуасидаги парчалар ичида 2 байт А.Ҳайитметов ва И.Ҳаққулов нашрларида мавжуд эмас.

Тийра хаёлот ила ҳол айлабон

Даврини фонувси хаёл айлабон

Ҳолда асҳоби доғи раъддек

*Бемазалигда бариси барддек*³⁶⁷

Кўриниб турганидек, мантдаги фарқлар талайгина. Уларнинг баъзиларида сўзларнинг синонимлари ишлатилган бўлса, баъзи ўринларда маъносига жуда катта таъсир кўрсатадиган сўзлар ишлатилган. Демак, бу икки матн турли манбадан олинган. Уларни ўрганиш, жиддий тадқиққа тортиш орқали асл матнни тиклаш, манбаларнинг ўзаро муносабатини аниқлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Навоий Ҳайрат ул-аброр. 7-жилд, (Нашрга тайёрловчи: П.Шамсиев илмий-танқидий матни асосида А.Ҳайитметов, И.Ҳаққул) -Т.: Фан. 1991.
2. Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. Тошкент-Самарқанд. Ўзнашр. 1928.

3669. Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. Тошкент-Самарқанд. Ўзнашр. 1928. –Б. 185
36710. А.Навоий Ҳайрат ул-аброр. 7-жилд, -Т.: Фан. 1991, Б- 82

МУНДАРИЖА

Shukhrat SIROJIDDINOV. WORLD WIDE SIGNIFICANCE OF LITERARY HERITAGE OF ALISHER NAVA'I	3
---	---

I. АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА МАТНШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

<i>Муҳаммадҷон Имомназаров</i> . Уч девон муқоясаси (Алишер Навоий шеърятда лирик жанрлар хронологиясига доир)	12
<i>Tanju Seyhan</i> . Akkoynlular Döneminde Ali Şir Nevâyî Şiirlerinden Seçmelerin Lehçelerarası Aktarımıyla Ortaya Konulan Oğuzca Divan.....	17
<i>Афтондил Эркинов</i> . “Бадоеъ ул-бидоя”нинг Навоий замонида кўчирилган ва янги аниқланган санали бешинчи қўлёзмаси (888 /1483 йил)	51
<i>Абдулатиф Турдиалиев, А.Эркинов</i> . “Бадоеъ ул-бидоя”нинг Навоий замонида кўчирилган ва янги аниқланган санали олтинчи қўлёзмаси (Султонали Машхадий, Ҳирот, 889/1484-1485 йил)	57
<i>Нафас Шодмонов</i> . Навоий кутубхонасини бегаган ҳикмат дурлари	62
<i>Абдулатиф Турдиалиев</i> . “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг Қўқон нусхаси	65
<i>Дилнавоз Юсупова</i> . “Илк девон”дан “Оққуюнли мухлислар девони”га ўтган ғазаллар трансформацияси	69
<i>Ойсара Мадалиева</i> . Оғах Сирри Левенд – Алишер Навоий асарлари феҳристнависи	77
<i>Зулайҳо Раҳмонова</i> . “Насойим ул-муҳаббат”да муршид образи.....	83

II. АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ ВА ТАРЖИМАИ ҲОЛИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР

<i>Муслиҳиддин Муҳиддинов</i> . Самарқанд навоийшунослик мактаби.....	86
<i>Нусратулло Жумахўжа</i> . Навоийнинг “Сегоҳ” ва “Сарахбори дугоҳ” куйлари билан айтиладиган ғазали шарҳи	91
<i>Иқболой Адизова</i> . Навоий ижодида китобат санъатининг ўрни	95
<i>Нурбой Жабборов</i> . Алишер Навоийнинг ижод табиати ва ижодкор масъулиятига доир қарашлари	98
<i>Фарида Каримова</i> . Шарқ дебечанавислиги тарихида Навоийнинг ўрни.....	102
<i>Каромат Муллахўжаева</i> . Ваҳдат ва касрат тасвири бадиий рамзларда	106
<i>Marc Toutant</i> . Adab according to mīr ‘Alī shīr Nawā’ī	110
<i>Бадриддин Мақсудов</i> . Тожикистонда навоийшунослик.....	121
<i>Буробия Ражабова</i> . Алишер Навоий ва халқ оғзаки ижоди	129
<i>Мухлисахон Зиявуддинова</i> . Навоийга бағишланган баъзи китоблар хусусида	133
<i>Назора Бекова</i> . “Девони Фоний”нинг илк тадқиқотчиси	135
<i>Дурдона Зоҳидова</i> . Алишер Навоийнинг “Тухфат ул-афкор” қасидасида Жомий васфи	137
<i>Олимжон Давлатов</i> . “Садди Искандарий” достонижа адолат тушунчасининг талқини.....	140
<i>Собиржон Тоҳиров, Алишер Сабриев</i> . Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонида мужтасс баҳри	143
<i>Зухра Мамадалиева</i> . Искандар – образи ва жавонмардлик	147
<i>Алишер Раззоқов</i> . Алишер Навоий шеърятда орифона руҳ ва мазмун	152
<i>Шерхон Қораев</i> . Абулқосим Бобур адабий мажлислари ва Навоий.....	157

III. АДАБИЙ ТАЪСИР ВА САНЪАТ МАСАЛАЛАРИ

<i>Мўмин Ҳошимхонов.</i> Алишер Навоий ва Бобораҳим Машраб ижодиётидаги анъанавийлик.....	162
<i>Hüseyin Baydemir.</i> Ali Şîr Nevai'den fazil yoldaşoğlu'na Leyla ile Mecnun	168
<i>Benedek PÉRI.</i> Mîr °Alî-Şîr Navāyî and the first ghazal of hâfiz	176
<i>Дилнавоз Юсупова.</i> Алишер Навоий ва Зокиржон Фуркат: арузга доир рисоладан дастхат-конспектгача.....	183
<i>Гулбаҳор Ашурова.</i> “Адаб мулкин гулистони – Навоий...”.....	187
<i>Зебо Қобилова, Шаҳбоз Эргашев.</i> Баҳорнинг қўш баёти.....	191
<i>Сурайё Эшонқулова.</i> Анъанавийлик ва ворислик.....	194
<i>Собиржон Тоҳиров.</i> Низомий Ганжавий дostonларининг тартиби хусусида айрим мулоҳазалар.....	197
<i>Отабек Жўрабоев.</i> Навоий ижоди Абдулла Қаҳҳор талқинида	202
<i>Назмия Мухитдинова.</i> Муҳаммад Ғозий ижодида Навоий анъаналари	206
<i>Тўлқин Султонов.</i> Алишер Навоий асарларининг Содиқий ижодига таъсири.....	210

IV. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ЖАҲОН ТАМАДДУНИДАГИ ЎРНИ, ШОИР АСАРЛАРИНИ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА ТАРЖИМА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

<i>Kambon Obayani.</i> My wonders on ghazals by Alisher Navoiy.....	212
<i>Холбеков Муҳаммаджон, Ёрқиной Насирдинова.</i> Алишер Навоий асарлари француз шарқшунос олимлари таржималарида.....	215
<i>Носир Қамбаров.</i> Таржимада трансформацияларга сабаб бўладиган вазиятларга доир.....	219
<i>Ровияжон Абдуллаева.</i> „Навоий-бенаво” мақоласи хусусида.....	222
<i>Мусо Тоджиходжаев.</i> Навоий ғазалининг олмонча таржимаси ва талқини	230
<i>Дилнавоз Юсупова, Гулноза Одилова.</i> Шарқ сайёр сюжетларининг Ғарб адабиётига рецепцияси (Фирдавсий, Дехлавий, Навоий асарлари мисолида).....	235
<i>Аидахон Буматова.</i> Шейрий таржимада таҳлил ва талқин: ғазал таржимасида шакл ва маъно мутаносиблиги	243

V. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИ ЎҚИТИШ МУАММОЛАРИ

<i>Омонилла Мадаев.</i> Навоий давлат арбоби. Халқ химоячиси.....	253
<i>Ercan Petek.</i> Алишер Навоий ва унинг асарлари ҳақида Қозогистондаги қозоқча нашрлар	256
<i>Азамат Акбаров.</i> Алишер Навоий ва 21 аср даврининг таълим соҳасига ёндашуви: маданий тарбия мактабини шакллантиришнинг педагогик стратегиялари	259

VI. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИ ВА ТИЛШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

<i>Қосимжон Содиқов.</i> Навоий асарларини илмий транскрипцияга ўгириш масаласи	267
<i>Абдулхай Собиров.</i> Сўз бойлигимизнинг сергак посбони.....	269
<i>Иномжон Азимов.</i> Ўзбек тили синтаксиси хусусида баъзи мулоҳазалар (Алишер Навоий насрий асарлари мисолида).....	273
<i>Дурдона Лутфуллаева.</i> Алишер Навоий образининг ассоциатив-вербал тасвири	276
<i>Толиб Эназаров, Нодиржон Қурбонов.</i> “Муҳокамат ул-луғатайн”да шева тадқиқи ва образли номланиш	279
<i>Рохила Рузманова.</i> «Абушқа» луғатининг муаллифи ҳақида.....	282

ТЕЗИСЛАР

<i>М.Абдуллаева.</i> “Ҳайрат ул-аброр” достонида одамийлик ва раҳбар маънавияти масаласи.....	285
<i>Юлдуз Абдулҳакимова.</i> Навоий ва Фузулий “Лайли ва Мажнун” дostonлари киёсига доир.....	287
<i>Шоҳсанам Абдуманнапова.</i> Муламмаъ санъати ёхуд Алишер Навоий ижодида муламмаъ	289
<i>Ирода Абдурахмонова.</i> Алишер Навоий меросидан фойдаланиш орқали мактабгача ёшдаги болаларнинг тафаккурини шакллантириш.....	291
<i>Ободон Адизова.</i> Навоийшуносликнинг фидоий тадқиқотчиси	293
<i>Азиза Алибоева, Нодира Ғозиева.</i> Маънавий тарбияни шакллантиришда Алишер Навоий мероси	295
<i>Зилола Амонова.</i> Алишер Навоий ижодида ботиний илм талқини.....	296
<i>Ҳошимжон Аҳмедов.</i> Алишер Навоийнинг “назм-жавоҳир” асарини ўрганиш бўйича айрим методик тавсиялар.....	298
<i>Фания Ахмедшина.</i> Наслeдие великого поэта духовное достояние всего человечества	299
<i>Абдимурад Арслонов.</i> Навоий ижодида «сўз» истилоҳининг маъно товланишлари.....	301
<i>Дилмурод Асқаров.</i> Амирий шеъриятида навоиёна оҳанглар.....	305
<i>Оқила Аҳмаджонова.</i> “Лисон ут-тайр” достонида мажозий образларнинг ўрни.....	307
<i>Насиба Бозорова.</i> Орифона ғазалларда лирик қаҳрамон	309
<i>Aidakhon Vumatova.</i> A new look at calssical poetry.....	311
<i>Мансур Джуроев, Ихтиёр Зикиров, Миркамол Матисмонов.</i> Алишер Навоий асарларида топонимик маълумотлардан фойдаланиш.....	313
<i>Жалолiddин Жўраев.</i> Алишер Навоийнинг “муфрадот” асари ҳақида	315
<i>Хуснигул Жўраева.</i> Хусайний девонининг Туркияда сақланаётган қўлёзмалари хусусида	316
<i>Шахло Исахова .</i> Навоий асарларида мукамал жамоа ва комил инсон ғояси	317
<i>Илёс Исмоилов.</i> Навоий ва Низомий искандарномаларидаги тавҳид боблар киёси	319
<i>Шарофат Исмоилова.</i> Бир ғазал завки	321
<i>Ғайрат Исроилов.</i> Алишер Навоийнинг “Мажолис ун–нафоис” асарида шоирлар таърифи.....	323
<i>Мухайё Жамалова.</i> Алишер Навоий ғазалларида ифодаланган риторик мурожаатларнинг лингвистик хусусиятлари.....	324
<i>Обиджон Каримов.</i> Алишер Навоий – ўз даврининг етук адабиётшунос олими	326
<i>Ойсара Мадалиева.</i> Навоий девонлари қўлёзмаларини тавсифлашдаги айрим муаммолар ҳақида ..	328
<i>Дилиода Мубаракова.</i> Туркия таълим тизимида алишер навоий ижодининг ўргатилиши	330
<i>Аҳаджон Муҳаммадиев.</i> Назм гулистонининг сайроқи қушлари	331
<i>Шахло Низомова.</i> “Қисаси Рабғузий” ва “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да юсуф талқини	333
<i>Гулноза Одилова.</i> Алишер Навоий ғазалиёти Америкада.....	335
<i>А.Б.Пардаев , Д.Муҳаммадиева.</i> Мир Алишер Навоийнинг орифлик йўли.....	337
<i>И. Пардаева.</i> Сўз мулкининг султони.....	338
<i>Комилжон Раҳимов.</i> «Шарҳ ат-таъарруф» ва «Насойим ул-муҳаббат».....	340
<i>Йўлдош Раҳматов.</i> Халқ мақолларининг пайдо бўлишида Алишер Навоий ҳикматларининг ўрни	341
<i>Мадина Раҳматуллаева.</i> Навоий бадиий оламининг лингвомаданий таҳлили.....	343
<i>Гулбаҳор Саидганиева.</i> Фарғоналик ирфон арбоблари Навоий зикрида.....	345
<i>Гулистон Сайфуллаева.</i> Орифона ғазалларнинг бадиий хусусияти	346
<i>М. Сарибоева.</i> Баркамол шахсни шакллантиришда навоий асарларининг ўрни	348
<i>Нодира Соатова, Севинч Эшонқулова.</i> Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асари хусусида.....	349
<i>Ёрқиной Таитанова.</i> Алишер Навоий мероси асосида мактабгача ёшдаги болаларни тафаккурини шакллантиришда педагогик-психологик тажрибалар самарадорлиги.....	350

<i>Гулноза Таштемирова</i> . Бошланғич таълимда алишер навоий образини ўрганиш орқали ўқувчиларнинг бадиий идрокини ривожлантириш	352
<i>Озода Тожибоева</i> . “Ҳайратул аброр” хикоятларининг илк талқини хусусида	353
<i>Абдумурод Тилавов</i> . Илм – маърифатга чорловчи ижод	355
<i>Нигора Тошмуродова</i> “Ҳазойин ул-маоний”да мусажжаъ ғазал ва унинг турлари	357
<i>Сардорбек Умаров</i> . Алишер Навоий ва Юсуф Хос Ҳожиб ижодида муштарак мотивлар талқини	360
<i>Нозима Усарова, Дилшода Муратова</i> . Алишер Навоий асарларида инсонпарварлик ғоялари	362
<i>Шаходат Усманова</i> . Алишер Навоий фалсафасида инсон ва ҳаёт	364
<i>Ирода Усмонова</i> . “Наводир уш-шабоб”даги 648- гавҳаррез	367
<i>Хуришд Файзуллаев</i> . Алишер Навоий асарларини француз тилига таржима қилиш муаммоларига доир	369
<i>Нигора Халилова</i> . Навоий ғазалларининг бегона байтида шоир таҳаллусининг келтирилиши	371
<i>Умиджон Холиқов, Элбек Жуманов</i> . Алишер Навоий ва шатранж	372
<i>Маҳфузахон Хомидова</i> . Навоий қитъаларидаги преседент бирликлар ва уларнинг матн тушунилишидаги ўрни	374
<i>Шоирахон Хўжаева</i> . “Назм ул-жавоҳир” муқаддимасида сўз таърифи	376
<i>Гулчеҳра Хўжанова</i> . Алишер Навоий ва миллий кадрятлар	378
<i>Маҳлиё Шарофова</i> . Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонида таштир	379
<i>Одилжон Шодиев</i> . Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони хусусида Ойбек билдирган мулоҳазалар таҳлили	381
<i>Зилола Шукурова</i> . Навоий лирикасида Исо пайғамбар талқини	383
<i>Афтондил Эркинов</i> . “Ҳазойин ул-маоний”га эга “муҳаббатнома” тўплами Оғаҳ Сирри Левенд тавсифида	384
<i>Ирода Эрназарова</i> . Навоий бадииятининг Оғаҳий ижодига таъсири	388
<i>Саодат Эшпўлатова</i> . “Сўздурки, нишон берур ўликка жондин...”	389
<i>Шохсанам Қаюмова, Одина Қаюмова</i> . Таълим тизимида Алишер Навоийнинг маърифий қарашларини ўрганиш педагогик муаммо сифатида	391
<i>Усмон Қобилов</i> . Алишер Навоий ижодида нубувват мавзуси талқини	393
<i>Усмон Қосимов</i> . Алишер Навоий ва Эркин Воҳидов	394
<i>Дилрабо Қувватова</i> . Навоийга бағишланган дostonлар хусусида	396
<i>Дилшод Ғайипов</i> . Навоий навосидан баҳра олиб	398
<i>Мафтуна Ғаниева, Нилуфар Муродинова</i> . “хамса” достонида Алишер Навоий инсон масаласига ёндашуви	401
<i>Нодира Ғозиева, Комила Шойимова</i> . Ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда Алишер Навоийнинг тасаввуфий қарашларининг ўрни	403
<i>Элмира Ҳазратқулова</i> . «Бобурнома» да Навоий сиймоси	404
<i>Орзигул Ҳамроева</i> . “Ҳайрат ул-аброр” достонидан парчалар эълон қилиниши	406

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлиги
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети

**«АЛИШЕР НАВОЙИ
ВА XXI АСР»**
мавзуидаги Республика илмий-назарий
анжумани материаллари

Тошкент «TURON-IQBOL» –2018
100182, Тошкент шаҳри, Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 10.
Телефон: 244-20-19. Факс: 244-25-58

Нашриёт лицензияси рақами АІ №223.

16.11.2012 йилда берилган.

«*Tamaddun*» наشريёти.

Муҳаррир	<i>Олим Давлатов</i>
Дизайнер	<i>Илҳом Жуманов</i>
Мусаҳҳиҳ	<i>Диёра Абдужалилова</i>

Босишга рухсат этилди 30.01.2018 й. Бичими 84/108¹/₁₆.
Нашриёт ҳисоб табағи 44,0. Босма табағи 44,2. Times гарнитураси.
Буюртма № 13. Адади 120 дона.

«TURON MATBAA» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар кўчаси, 2-уй